



# Шарқ юлдузи

Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

---

10

1987

56 -йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Саид АҲМАД

Мурод МУҲАММАД ДУСТ

(бош редактор ўринбосари)

Омон МУХТОРОВ

(проза бўлими мудири)

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Туроб ТУЛА

УЙҒУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

(масъул секретарь)

Тўлапберган ҚАЙПБЕРГЕНОВ

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ


---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

# УШБУ СОНДА



*Наср*



Учқун НАЗАРОВ

ТУЗОНДАГИ ШАРПАЛАР

Қисса

Уч йил бурун колхозингизда икки қаватли болалар боғчаси қурилганди, доврўғи бутун республикага кетганди. Ушатда қурт боқишдимиз? — таажжубланиб сўради Самад. — Боғчани намуна қилиб кўрсатишувди. Узим ҳам хабар олган эдим.

— Намуна бўлгани курсин, — деди Мансур асабий ҳолда қўл силтаб. — Ҳамма бало шунда-да!



*Шеър*

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА


СИФИНАМАН ҲАҚҚОНИЙ СЎЗГА

Шеърлар

Измимдадир биттагина сўз,  
Сифинаман ҳаққоний сўзга.  
Ичга ютсам, дилга сепар туз,  
Бўлмас сира, айтмасам сизга.




*Публицистика*



Хайридин СУЛТОНОВ

МОВИЙ НИЛУФАР ДИЕРИДА

...нилуфарнинг таъриф-тавсифини кўп эшитган бўлсам-да, лекин шу пайтгача ўзини кўриш насиб этмаган эди. Ниҳоят, шу йилнинг март ойида совет ёзувчилари делегацияси сафида Жануби-Шарқий Осиёдаги энг қадимий ва навқирон мамлакат — Вьетнам Социалистик Республикаси бўйлаб ижодий сафар чоғида нилуфар гулини кўришга муяссар бўлдим.



Чокар

Хуррият

*Билинг қадрин ташаккур бирла роҳат жона хуррият,  
Башарликда муносиб бўлмоқ ҳар инсона хуррият.*

*Халос айлаб бу золим мустабидлар зулму бандидан  
Биз(н)и ўткарди маҳбусхонадан бўстона хуррият.*

*Қачон тинчлик берибди элга зўрлар —  
мустабидларким,  
Алардан қўрқмангиз, кўнгил, мардона хуррият.*


*Бу хурриятга барча қаҳрамонлар жон фидо қилди,  
Алардан келди биз зулм остида қолғона хуррият.*


*Йўқ энди бир-бирига зўрлик аввалгидек ҳаргиз,  
Кетурди мустабидлар аҳлини афғона хуррият.*

*Совет аскарларин етказ қадими шаҳри Хиваққа,  
Асар қолмай ғамдин, тарқади ҳарёна хуррият.*

*Тушиб рус инқилоботи мувофиқ, инглиз золим,  
Берибдир гўё ҳар аҳли Ҳиндистона хуррият.*

*Биродарлар сизни қутқарди, Чокар ҳам асирликдан,  
Билинг қадрин ташаккур бирла роҳат жона хуррият.*





## ОРОЛ ЯШАМОҒИ КЕРАК

Давра суҳбати

- **ОРОЛНИНГ ОҒИР ҚИСМАТИ...**
- **ЯНГИ ЕРЛАРНИ УЗЛАШТИРИШГА ЧЕК ҚЎЙИШ КЕРАК...**
- **ДАЛАЛАРДАГИ ДАРАХТЛАР ҚАНИ?..**
- **БИР МУАММОГА ИККИ ХИЛ ҚАРАШ...**
- **ИККИ ДАРЁ СУВИ НИМАЛАРГА ИШЛАТИЛЯПТИ?..**
- **УРТА ОСИЁНИНГ ЕР ОСТИ СУВЛАРИ ҚАНЧА?..**
- **СОХТА ОЛИМЛАР «БАШОРАТИ»...**
- **СУВ ИСРОФ БҮЛЯПТИ...**
- **МОҲИР СУВЧИЛАР ТАЖРИБАСИНИ КИМ ОММАЛАШТИРАДИ?..**
- **ОРОЛ ДЕНГИЗИ МУАММОСИНИ ТУБДАН ҲАЛ ЭТИШ КЕРАК...**
- **КАСПИЙ —ОРОЛ КАНАЛИ...**
- **СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?..**

Ҳозирги фан-техника тараққиёти даври экологиянинг ўзгариши билан боғлиқ ҳар хил муаммоларни келтириб чиқаряпти. Бу муаммолар дунёнинг турли минтақаларида турли йўсинда намоён бўляпти. Масалан, ҳозир Урта Осиё региони учун энг катта сув ҳавзаси бўлган Орол денгизининг қуриб бораётганлиги жиддий муаммо бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам Орол тақдири, уни қутқариш масаласи кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортаяпти. Бу борада турли фикр-мулоҳазалар, ҳатто баъзида бир-бирига зид фикрлар айтиляпти.

Редакцияга келаётган кўплаб мактубларда ҳам журналхонлар Орол муаммоси билан қизиқишяпти. Улар ҳурматли олимларимизнинг, Урта Осиёнинг сув бойликларини ўрганиш билан шугулланаётган мутахассисларнинг бу масаладаги фикр-мулоҳазаларини билишни исташяпти. Шу муносабат билан «Шарқ юлдузи» журнали редакцияси Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи қошидаги Орол денгизини қутқариш Комитети билан ҳамкорликда давра суҳбати ташкил этди. Бу давра суҳбатида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» программаси бўйича Ўзбекистон миллий комитети раиси М. Муҳаммаджонов, шу комитетнинг масъул котиби А. Эргашев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ф. Умаров, «Средазгипроводхлопок» институтининг бош мутахассиси Ф. Эйнгорн, шу институтнинг региондаги сув ресурсларини комплекс ўрганиш бўлими бошлиғи Л. Эпштейн, «Сирдарё» схемасини лойиҳалаш бош инженери Д. Солодейников, «Узгипроводхоз» институти бош инженерининг ўринбосари Ю. Гасанов, ёзувчи Ю. Ковалёв, геология-минералогия фанлари кандидати В. Ковалёв ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар. Давра суҳбатини Орол денгизини қутқариш Комитети раиси, ёзувчи Пирмат Шермухамедов олиб борди.

**П. Шермухамедов.** Кейинги пайтда Орол денгизи муаммоси бутун жамоатчиликнинг диққат марказидаги масала бўлиб қолди. Бу ҳақда олимлар, ёзувчилар, журналистлар тез-тез ёзиб, муаммони ҳал этиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришяпти.

Орол муаммосини ҳал этиш бўйича Москвада давлат комиссияси ишлаяпти. Бу комиссия аъзолари Нукусда бўлишди, денгизнинг ҳозирги аҳволи билан атрофлича танишишди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига мактуб тайёрланди.

Мен яқинда Нукусда бўлганимда давлат комиссияси бу ерда ўтказган мажлис протоколи билан танишдим. Мазкур комиссия, Қорақалпоғистон область партия комитети, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг таклифи билан Амударё атрофида коллектор-дренаж тармоғи қурилишини лойиҳалаш режалаштириляпти. Бундан ташқари Каспий денгизи, Сибирь дарёлари сувини Оролга оқизиш бўйича ҳам таклифлар айтиляпти. Умид қиламизки, давлат комиссиясининг қарори Орол денгизини қутқаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Ҳабибуллаев яқинда «Фан ва турмуш» журналыда ёзган мақоласида: «Орол муаммосини ҳал этиш мумкин, бунинг учун аввало зах сувларни Амударёга оқизиш керак», деди. Мен бу фикрни тўғри ҳисобламайман, зах сувларни Оролга оқизиш учун алоҳида коллектор қуриш керак. Амударёдан тоза сув оқизиш лозим. Бусиз ҳам Хоразм воҳаси аҳолиси тоза сув танқислигидан қийналяпти.

Марказий матбуотда баъзи бир олимлар, бизни Оролнинг ҳозирги аҳволи қаноатлантиради, бу масалада ортиқча бош қотирмаслик керак, деб ёзишди. Айтган сўзи учун масъулият ҳис этмайдиган айрим «мутахассис»лар эса Хоразм воҳаси аҳолисини Шарқий Сибирга кўчиришни таклиф этишяпти...

Яқинда республика телевидениесига академик Муҳаммаджонов сўзлади. У, Орол масаласида ярим-ёрти чоралар керак эмас, деди. Пировард мақсадимиз масалани тубдан ҳал этиш, Оролни асл ҳолига келтиришдан иборатлигини таъкидлади. Олимнинг фикрича, бунинг учун биринчи навбатда янги ерларни ўзлаштиришга қатъий чек қўйиш керак. Республика Госплани эса тескари йўл тутиб, минг-минг гектарлаб янги ерларни ўзлаштиришни планлаштиряпти. Бу қанақаси, ахир? Сув етмаётганидан Орол қуриб, регионнинг экологик аҳволи мушкуллашиб бораёпти-ю, биз йўл қўйган хатомизни чуқурлаштириб, яна янги ерларни ўзлаштиришни режалаштиряпмиз.

Яқинда Нукусга борганимда автоном республика Госпланида бўлдим. Госплан раисидан ўн иккинчи беш йилликда автоном республикада қанча янги ер очилишини сўрадим. У, 14 минг гектар ерни ўзлаштирамиз, деди. Мен: Бу қанақаси, Оролга сув йўқ дейсизлар-ку, яна янги ер ўзлаштиришни режалаштирасизлар», дедим. У: «Билмадим, юқоридан шундай кўрсатма берилди», деди. Буни қарангки, республика Давлат план комиссиясининг раиси қилаётган ишининг моҳиятини ўйламайди. Масалага ўз қараши йўқ.

Республика мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги раҳбарлари эса Орол муаммосининг ҳал этилишига қаттиқ қаршилиқ кўрсатишяпти. Масалан, министр ўринбосари Д. И. Афонин мен билан суҳбатда Оролга бир грамм ҳам сув бермаймиз, бизга бу денгизнинг ҳеч бир кераги йўқ, деди.

Хуллас, бу масалага турли қарашлар мавжуд. Биз давра суҳбатига олимлар, мутахассисларни таклиф қилдик. Асосий мақсадимиз уларни тинглаб, масалани янада ойдинлаштиришдан, ҳаракатимиздаги янги йўналишлар, вазифаларни аниқлаб олишдан иборат.

**М. Муҳаммаджонов.** Мен республика қишлоқ хўжалигининг кекса ходимлариданман. Шу соҳада Улуғ Ватан уруши давридан бери ишлаб келаяпман. Республикадаги ҳозирги раҳбарлар орасида менинг ўшим, даражамдаги бир неча киши бор.

25—30 йил аввал Ўзбекистон шундай мушкул экологик аҳволда қолади, деб ҳеч ким ўйламаган. Олимлар, ирригаторлар катта сув омборлари қуриш, чўлларни ўзлаштиришни таклиф этишганда оқибатларини кўз олдиларига келтиришмади. Кўпчилик бу ишларни янгилик, тараққиёт, инсоннинг табиат устидан қозонадиган ғалабаси, деб қарсақбозлик қилди. Аслида бу режалар илмий асосланмаган эди. Раҳбарликда субъективизм, волонтаризм устун бўлди. Фан билан ҳисоблаш-шилмади, ҳаёлга келган иш қилинаверди. Шунинг учун ҳам бугун экологик фалокатнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мен алмашлаб экишга тўхталаман. Биз Улуғ Ватан урушидан аввал ҳам, кейин ҳам тўғри алмашлаб экиш ҳақида кўп гапирганмиз. Бу ҳақда СССР Олий Совети Президиуми махсус қонун чиқарган. Наинки, алмашлаб экиш қишлоқ хўжалиги учун катта, ҳаётий масаладир: Фақат бедагина ерни бойитади, семиртиради, ҳосилдорликни оширади.

60-йиллардан бошлаб республикада бедазорларни йўқ қилиш йўли тутилди, асосий майдонлар фақат бир хил экиндан — пахтадан иборат бўлиб қолди. Вақт ўтиши билан ер ориқлаб, тупроқ эрозияси бошланди. Ҳашарот кўпайиб кетди. Биз ҳашаротларни йўқ қиламиз, деб кучли захарли дорилар сепдик, улар эса бу дориларга мослашди. Биз янада кўп ва ўтқир дорилар ишлатдик. Ҳар гектар майдонга сепилган захар 55 килограммгача етди.

Ҳозир аҳвол яхшиланяпти. Бедазорлар маълумот бўйича 13 процентга етди. Аслида эса ҳар бир хўжаликда экин майдонларининг 35 проценти бедазор бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалигидаги иккинчи хатолик дарахтзорлар йўқ қилинганлиги бўлди. Илгари аҳоли зич яшайдиган районларда 15 процент майдон дарахтлардан иборат бўларди. 60-йилларда қарталарни йириклаштириш, механизацияга шароит яратиш баҳонасида дарахтлар йўқ қилинди. Дарахтларнинг йўқотилганлиги Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм областлари экин майдонларида гармсел хавфини кучайтирди. Ёз саратонида Қорақум ва Қизилқум саҳролари қуми қизиб, иссиқ эпкин воҳага эсади. Икки-уч соатда гармсел деҳқонларнинг олти-етти ой мобайнида қилган меҳнати натижасини йўққа чиқаради. Ғўзанинг ўрта ёки юқори қисми тушиб кетади. Илгари аҳвол шу даражада эмасди, гармсел йўлини дарахтлар тўсарди.

Жиззах ва Сирдарё областларида 80—100 гектарлик майдонларни кўриш мумкин. Қарталарнинг ўртасида нима борлигини билиб бўлмайди. Баъзи жойларда қарталарнинг ўртасига яширинча мош, қовун-тарвуз каби экинлар экилган бўлади.

Ҳозир сўғориладиган зонада дарахтзорлар атиги 1 процентни, бутун республикамизда эса 3 процентни ташкил этмоқда. Қардош республикаларда эса бошқача манзарани кўраемиз. Масалан, Россияда 40 процент, Грузияда 38 процент майдон дарахтзорлардан иборат. Ҳатто, территориясининг асосий қисми чўл ва саҳролардан иборат бўлган Туркменистонда ҳам дарахтзорлар 14 процент майдонни эгаллайди.

Сув омборлари қурилишида масалага чортафлама қаралмади. Республикада ўнлаб сув омборлари бунёд этилди. Менимча бу йўлдан юрмаслик керак эди. Биз сув омборлари қуриб кўп нарса йўқотдик. Илгари майдонлар сўғорилганда сув билан бирга ҳар гектар ерга 40 тонна лойқа кирарди. Бу лойқанинг таркибида тахминан 600—1200 килограмм калий, 50 килограмм фосфор, 20 килограмм азот ва бошқа моддалар бўларди. Ернинг қувватига қувват йўқиларди, тупроқ қатлами ҳар йили 1—1,5 миллиметр ўсиб борарди. Ҳозир эса баҳорда озгина лойқа сув оқишини ҳисобга олмаганда, экинзорлар сув омборларида обдон тинган, бунинг устига муздек сув билан сўғорилмоқда. Шу йўсинда далада эрозия кучаймоқда, тупроқнинг асрлар мобайнида шаклланган унумдор қатлами йўқолмоқда. Совуқ сув ўсимликда юз берадиган микробиологик жараёни

секинлаштирмақда. Яқинда Андижон областидаги районларни айланиб келдим. Андижон сув омборидан сув оладиган ҳамма хўжаликлар иқтисодий ўтириб қолган. Далалар тупроғи совиб, эрозия бошланган. Ҳозир Тўпаланг, Сўх сув омборлари қуриляпти. Эндиликда Қўқон гуруҳи районидаги хўжаликлар ўтиради.

Орол денгизининг ҳозирги аҳволда қолиши оғир экологик, социал оқибатларга олиб келади. Нарироқ бориб Хоразм, Тошовуз, Қизил Урда областлари, Қорақалпоғистон Автоном республикаси аҳолисини кўчириш лозим бўлади. Ҳозирнинг ўзида денгиз суви қуриб, шомол ўзандаги тузми далалар устига элтиб сочмоқда. Йилга ҳар гектар экин майдониға 700 килограммға яқин туз тушмоқда. Бу жараён давом этаверса, ерни шўр босиб, ишдан чиқади, кўм-кўк боғлар хазонга айланади, микроиқлим ўзгаради. Уйлайманки, бу йилги об-ҳавонинг паст келиши маълум даражада Орол сувининг пасайиши оқибатидир. Денгиз шимолдан келадиган совуқ ҳаво оқимини мўтадиллаштириш вазифасини бажаришға қийналиб қоляпти.

Фалокатнинг олдини олиш учун Оролни шу кунги ҳолида сақлашгина эмас, балки 60-йилларнинг бошидаги ҳолатига қайтариш керак. Ҳозир қуриб бораётган Амударё дельтаси яна яшил зонага айланиши лозим. Мен Урта Осиёда экин майдонларининг кенгайтирилишиға қаршиман. Фақат шугина эмас. Баъзи районларда ўзлаштирилган, лекин одамларнинг меҳнат қилишлари учун дуруст шарт-шароит яратилмаган, кам самарали майдонларға экин экишни тўхтатиб, тежалган сувни Оролга оқизиш керак.

Биз ҳозир деҳқончиликнинг янги системасини таклиф этаймиз. Бу система жорий қилинса 20 процентгача сув тежаллади, тупроқ ҳосилдорлиги тикланади, ердаги органик модда 1,5—2 барабар ортади. Бу демак, ердаги нам узоқ сақланади, ортиқча буғланишнинг олди олинади. Бошқа бир қатор таклифлар ҳам бор. Бу таклифлар муҳокамадан ўтгач, жамоатчиликка маълум қилинади.

**Ю. Гасанов.** Мен Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи қошида ташкил этилган Орол денгизини қутқариш Комитетининг биринчи ташкилий мажлисида қатнашдим. Унда Комитетнинг номини «Орол денгизини қутқариш Комитети» деб аташ таклиф этилди. Уртоқлар, ҳақиқатга тик қарай билиш керак. Ҳозир Орол денгизини асл ҳолиға қайтариш учун имконият ҳам, маблағ ҳам йўқ. Наинки, мавжуд экин майдонларини қисқартириб, саноат корхоналарини ёпиб бўлмайди. Лойиҳа ишлари тўхтатиб қўйилган. Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини жанубга оқизиш режаси ҳам Орол муаммосини узил-кесил ҳал этиш имконини бермайди. Сибирь дарёларидан кўпи билан 10—15 куб километр сув олиш мумкин. Бу сув билан денгизни тўлдириб бўлмайди.

Ҳозир Оролда ҳар йили 40 куб километрга яқин сув буғланапти. Денгизни шу кунги ҳолида сақлаб қолиш учун 35 куб километр сув керак. Асл ҳолиға қайтариш учун эса ҳар йили денгизга 60—70 куб километр сув тушиши лозим. Бу сувни қаердан олашимиз?

**Луқма.** «Известия»да Оролни ҳозирги ҳолида сақлаб қолиш учун 25 куб километр сув керак дейилди-ку?

**Ю. Гасанов.** Бу рақамни у қадар тўғри деб бўлмайди. Ҳозир «Средазгипроводхлопок» институти мутахассисларига сўз берамиз. Улар бу ҳақда тўлиқ маълумот беришади.

Менимча, ҳозирги энг муҳим вазифа Хоразм воҳасидаги экологик ҳолатни яхшилашдан, денгизда сув камайишининг салбий оқибатларига қарши курашдан иборат. САНИИР да бундан бир ярим йил муқаддам Орол муаммосига бағишланган кенгаш бўлди. Бу кенгашда ирригаторлар, гидрогеологлар, геологлар, мелиораторлар, агрономлар қатнашди. Ҳар хил гипотезалар айтилди. Аммо ҳеч ким денгиз суви пасайишининг салбий оқибатлари ҳақида аниқ маълумотлар айтиб беролмади.

**Луқма.** Ҳозир Қорақалпоғистон Автоном республикаси болалар ўлими бўйича бошқа жойларға нисбатан кўп учраяпти. Ерларнинг шўр босиши оқибатида Хоразмнинг асрий гужумлари қуриляпти, тарихий обидалар нураяпти. Воҳа аҳолисини тоза сув билан таъминлаш жиддий муаммо бўлиб қолди. Минг-минглаб гектар тўқайзорлар, ўтлоқлар чўлга айланади. Оролнинг балиқчилик хўжалиги, флотилияси йўқ бўлди. Булар ташвишланарли фактлар эмасми?

**Ю. Гасанов.** Тўғри, баъзибир ташвишли маълумотлар бор. Аммо уларнинг даражасини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди. Шунга қарамасдан институтимиз коллективи Орол бўйидаги экологик аҳволни яхшилаш ишиға ҳисса қўшишға ҳаракат қилаяпти. Коллективимиз давлат буюртмасига биноан Амударё этагида қуриладиган КС-1, КС-2, «ТКА», «Устюрт» коллекторлари лойиҳаларини тайёрляпти. Булар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Амударё дельтасида яшил ғов барпо қилиш, тузларнинг йўлини тўсиш учун буфер зона бунёд этиш имконини беради.

**Луқма.** Коллекторлар қурилишиға қанча маблағ сарфланади?

**Ю. Гасанов.** Ҳозир лойиҳалаштирилаётганларини қуриш 0,5 миллиард сўмға тушади. Республика мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги янги ўзлаштириладиган ерлар ҳажминини камайтириш, қолган маблағларни коллекторларни реконструкциялаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашға сарфлашни мўлжалляпти.

**Луқма.** Республикамызда янги ерларни ўзлаштириш 70 процентга камайтириладиган бўлди. Шундан хабарингиз борми?

**Ю. Гасанов.** Хабарим йўқ. Агар шундай қарорға келинган бўлса табриклаш керак.

**Луқма.** Кўп сув бетонлаштирилмаган каналлардан оқиб, тупроққа сингиб исроф бўляпти. Бу борада чора-тадбирлар белгиланяптими?

**Ю. Гасанов.** Хўжаликларға сув элтadиган каналларни бетонлаштириш, далаларда сувни ариқ ўрниға лотонқлардан оқизиш чоралари қўриляпти.

Мен ҳурматли академигимиз Муҳаммаджонов айтган баъзибир фикрларға қўшилмайман. Сув омборлари нега қурилди? Бу ишлар республиканиннг мавжуд сув бойликларидан расамати билан фойдаланиш, сув танқислигини бартараф этиш учун қилинди.

Янги ерларни ўзлаштиришни камайтириш фақат шу беш йилликка мўлжалланяпти, келгусига эмас. Уртоқлар, республикада аҳоли тинмай ўсаляпти. Биз янги ерларни ўзлаштиришни тўхтатсак, аҳолини қандай боқамиз? Ҳар жон бошиға тўғри келадиган экин майдони тинмай камайиб кетяпти-ку.

**Луқма.** Аввал мавжуд экин майдонларида тартиб ўрнатиш керак. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги камайиб кетаяпти.

**Ю. Гасанов.** Бу фикр ҳам тўғри. Аммо ҳосилдорлик Оролга сув тушмаётганидан эмас, бошқа кўпгина сабаблар туфайли камайиб бораёпти.

**Луқма.** Республикада яна қандай коллекторлар қурилади?

**Ю. Гасанов.** Амударёнинг ўрта оқимидан коллектор қуриш мўлжалланаёпти. Биз аввал магистрал коллекторларни қуриб, реконструкциялаб, кейин майдонларда мелиоратив тадбирларни амалга оширишга киришмоғимиз керак. Акс ҳолда иш қутилган натижани бермаслиги мумкин. Ҳозир магистрал коллекторлар реконструкцияси ҳам тезлаштириляпти. Бу ишлар катта миқдорда капитал маблағ сарфлашни талаб этади. Натижада 10—12 куб километр сувни Орол денгизига оқизиш мумкин бўлади. Аммо бу билан Орол муаммоси ҳал бўлмайди.

Энди сув омборидан оқадиган сув хусусида. Совуқ сув экинни ўлдирмайди, фақат ўсишини биров секинлаштириши мумкин. Сув омбордан далага оқиб боргунча анча илиб, нормадагига яқинлашиб қолади.

**Ф. Эйнгорн.** Бизнинг институтимиз фақат Урта Осиёда эмас, балки иттифоқдаги энг кекса институтлардандир. У йирик сув ҳўжалиги муаммоларини ҳал этиш, сув иншоотларини лойиҳалаш билан шуғулланади. 1952 йилда аввал Сирдарё, кейин эса Амударё бассейнидаги сув ресурсларидан фойдаланиш схемалари тайёрланди. 1972 йилда Орол денгизи ҳақидаги ҳужжат столга кўйилиб, унинг келгусидаги қисмати олдиндан айтилди.

Институтимиз Мирзачўл ва Қарши даштларини, ҳозир ўзлаштирилаётган Сурхон-Шеробод даштини ўзлаштириш лойиҳаларини тайёрлаган. Республикадаги кўпгина сув омборлари, каналлар лойиҳасини ҳам бизнинг коллективимиз ишлаган.

Бизнинг регионимизда сув халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг асосидир. Халқ ҳўжалигининг биронта тармоғини обихаётсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳозир институтнинг сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш бўлими бошлиғига сўз берамиз. У Урта Осиёнинг сув бойликлари ҳажми, улардан фойдаланиш имкониятлари, суғоришнинг ривожланиши билан Оролда нималар юз берганлиги ҳақида ахборот беради.

**Л. Эпштейн.** Урта Осиё региони икки асосий сув манбаига — Амударё ва Сирдарёга эга. Бундан ташқари Зарафшон, Мурғоб, Чу, Талас, Қашқадарё сингари денгизга етиб бормайдиган майда дарёлар бор. Икки дарёнинг йиллик сув бойлиги (майда дарёлар билан қўшиб ҳисоблаганда) 110 куб километрни ташкил этади. Дарёларнинг йиллик сув оқими бир хил бўлмайди, ўзгариб туради. Масалан, Амударё суви 48—101 куб километр ўртасида, Сирдарё суви эса 22—57 куб километр ўртасида тебраниб туради. Бу нимани билдиради? Халқ ҳўжалигини сув билан таъминлашда қандай гарантлар бор? Халқ ҳўжалигига ўртача даража керак. Дарёда ҳар юз йилнинг тўқсон йилида қанча сув оқса шу ўртача кўрсаткич ҳисобланади. Сирдарёда бу рақам 26 куб километри, Амударёда эса 52 куб километрни ташкил этади.

Энди сув омборлари нима учун зарурлигига тўхтайлик. Одатда сув кўп бўлган йилларда сув омборларда тўпланади. Кам сувли йилларда эса далаларга сув омборларидан сув берилади. Шу йўсинда биз Сирдарё бассейнида йиллик ўртача 34 куб километр сувга эга бўлдиқ ёки фойдаланиш мумкин бўлган сув миқдорини 34 процент (8 куб километр) кўпайтириш эришдик.

Амударё бассейнида сувни кўп йиллик бошқариш системасига эга эмасмиз. Бу ерда бундай система эндигина яратилаёпти. Маблағ йўқлиги сабабли сув омборлари жуда секинлик билан қуриляпти. Шунинг учун Амударёдан фойдаланилаётган сув дарёнинг йиллик табиий оқимига тенг.

Ҳозир Сирдарё бассейнида 34 куб километр сувга эга бўлган ҳолда 50 куб километр сувдан фойдаланяпмиз. Бунга сувни бир ярим марта айлантириш, далалардан чиқадиған оқова сувлар, саноат қорхоналари, уй-жойлардан чиқадиған иккиламчи сувларни тозалаб, қайта фойдаланиш эвазига эришяпмиз. Бундан ташқари 3—4 куб километр ҳажмида ер ости сувлари бор. Урта Осиё региониде ер ости сувлари ер устидаги сувлар ҳисобига кўпайиб боради. Ер устидаги сувлар билан боғланмаған ер ости сувлари эса 2 куб километрдан ортқ эмас. Мен бу фактни шунинг учун келтираяпманки, кейинги пайтда республика матбуотида 40—50 куб километр сув бўлган ер ости денгизлари борлиги ҳақида мутлақо нотўғри хабарлар пайдо бўлди. Урта Осиёнинг ер ости сувлари кўп эмас.

**Луқма.** Орол ҳақида гапирсангиз бўларди.

**Ю. Гасанов.** Орол муаммосини бутун Урта Осиё региониде сув ресурсларидан фойдаланиш аҳволидан ажратиб изоҳлаб бўлмайди. Шунинг учун биз регионда сувдан фойдаланишда аҳвол қандайлиги ҳақида батафсил ахборот беришга интилаяпмиз.

**Л. Эпштейн.** Ҳозир икки дарё суви нималарга ишлатилаёпти? 1985 йил маълумоти бўйича республикада турар-жой коммунал ҳўжалик 1,6 процент, саноат 4,8 процент, балиқ ҳўжалиги 0,8 процент, қишлоқ ҳўжалиги 92,8 процент сув ишлатган. Қўшни республикаларда ҳам сувдан фойдаланиш нисбати тахминан шундай. Келажакда бу рақамлар ўзгарадими? Ҳа, ўзгаради. Нима учун? Аввало аҳоли кўпаймоқда, саноат ривожланмоқда. Бундан ташқари Амударё чегарадан оқади. Халқаро қонунчилик бўйича чегарадаги сув манбаларидан ҳар икки томон тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бу демак, келгусида Амударёдан Афғонистон, Эрон ҳам сув олиши, бизга янада камроқ сув қолиши мумкин. 2000-йилларга бориб қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжи учун тахминан 84 процент сув қолади.

**Луқма.** Ҳозир Туркменистон йилига қанча сув олаяпти?

**Л. Эпштейн.** 1985 йилда Туркменистон 23 куб километр, Ўзбекистон 59 куб километр сув олди. Лекин ҳозир планлар ўзгараёпти. Туркман ўртоқлар келгусида кўпроқ сув олишлари мумкин.

Яқинда «Правда Востока» газетиси республикада ўн иккинчи беш йилликда 600 минг гектар янги ер ўзлаштирилади, деб ёзди. Бу нотўғри рақам. СССРнинг Озиқ-овқат программасида Ўзбекистон СССРда ўн биринчи ва ўн иккинчи беш йилликда 900 минг гектар (435 минг ва 465 минг гектар) ер ўзлаштирилиши айтилган. СССР Халқ ҳўжалигини ўн иккинчи беш йилликда ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида бу рақам 360 минг гектар қилиб белгиланди. Ҳозир республика ҳуқуқати ва сув ҳўжалиги министрлигининг ташаббуси билан янги ўзлаштириладиған ерлар 200—240 минг гектарга камайитириляпти.

Янги ерларни ўзлаштириш учун ажратилган капитал маблағлар (аниқроғи беш йилликнинг

қолган уч йили учун ажратилган маблағлар) нинг 70 проценти илгари ўзлаштирилган ерлардаги чала ишларни битириш, қолган 30 проценти янги ерларни ўзлаштириш учун сарфланади.

Янги ерларни ўзлаштиришдан ким манфаатдор? Сув хўжалиги министрлигимиз ёки истеъмолчиси? Истеъмолчи бизлар — республика агропроми, аҳолиси. Ҳеч сўзсиз, республика аҳолиси манфаатдор.

Алмашлаб экиш ҳақида яхши фикрлар айтилди. Биз лойиҳачилар барча лойиҳа, схемаларда пахтачилик учун 65 процент, беда учун 35 процент майдон ажратамиз. Бу лойиҳалар амалда жорий этилганда бебошлик бошланади, қоидадан чекинилади. Бунга қарши курашмоқ керак.

Ҳозир Фарғона водийсида 86 процент майдонга пахта, қолганига беда экиляпти. Водийда бедзорларни нормадагига етказиш учун пахтанинг бир қисмини бошқа зонага олиш керак. Қаяққа олиш мумкин? Ҳеч сўзсиз, янги ерларга-да. Ҳозир республикада келгусида 5,5 миллион тонна пахта етиштириш ҳақида хомаки режалар тузиляпти. Бунча ҳосил етиштириш учун камида 2 миллион гектар майдонга пахта экиш керак. Агрономия илми пахтадан ўртача 40 центнер ҳосил олиш мумкинлигини ҳозирча амалда эмас, қоғозда исботляпти. Уртача ҳосил 26—27 центнердан орталяпти. Шундай шароитда мамлакатга 5,5 миллион тонна пахта бериш учун пахта майдонларини сақлаш керак бўлади.

Орол муаммоси ҳақида гапирганда Урта Осиёнинг ҳозир 30 миллион аҳоли яшаётган шароити билан 60-йиллардаги 20 миллион аҳоли яшаган шароитини фарқлай билиш керак. Утган 30 йилга яқин вақт мобайнида аҳоли кўпайиши билан бирга сувга бўлган эҳтиёж ҳам ўсди.

Мен яқинда Москвада бўлиб, Орол муаммоси билан шуғулланаётган ҳукумат комиссиясининг мажлисида қатнашдим. Бу мажлисда комиссия аъзолари билан бир қаторда, олий илмий муассасаларнинг вакиллари — таниқли географлар, гидрогеологлар, геологлар, ирригаторлар, ихтиологлар, океанологлар қатнашди. Мажлисда нутқлар тинглангач, Урта Осиё регионидан сувдан фойдаланиш тўла тартибга келтирилгач, ер майдонлари ҳозирги 7 миллион гектардан 8,3 миллион гектарга етиши ҳисобга олинганда, 15 куб километрга яқин сувни Оролга оқизиш мумкин дейилди. Табиийки, бу сувнинг ҳаммаси Оролга етиб бормайди. Бир қисми Амударё дельтасини сув билан таъминлаш учун сарфланади. Фақат 10—12 куб километр сув денгизга оқади. Бу билан денгизни асл ҳолига келтириб бўлмайди.

Маълум вақтга бориб, денгиз иккига бўлинади. Буғланаётган сув билан, денгизга тушаётган сувнинг нисбати тенглашади. Денгиз иқлимнинг шаклланишига таъсир кўрсатиш ролини маълум даражада ўйнайди. Қургоччилик денгиз атрофида 100—200 километр радиусда тарқалади. Коллектор-дренаж тармоқлари қуриш, реконструкциялаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга 28 миллиард сўм сарфланади. Бошқа ҳеч қандай конструктив таклифлар йўқ.

**3. Акрамов.** Эпштейннинг нутқидан оғир таассурот қолди. Лекин у тўғри фикрларни айтди. Ҳозир республика аҳолиси тинмай ўсаяпти. Келгусида 3 миллион қўшимча ишчи кучига эга бўламиз. Бу кишиларни турар жой, иш билан таъминлаш лозим. Янги sanoat корхоналари қуриш, янги хўжаликлар ташкил этиш керак бўлади.

Оролни асл ҳолига қайтариш учун Амударё ва Сирдарё сувини ўн беш йил, Волга дарёси сувини беш йил оқиши керак. Атрофида бошқа резервлар йўқ. Бу демак, Оролни асл ҳолига қайтариш ҳақида ўйлаш хомаёлдир.

Бироқ аҳолини бироз яхшилаш мумкин. Орол бўйида ҳозир 3 миллион аҳоли яшамоқда, 2000 йилга бориб 5 миллионга етади. Биринчи навбатда мана шу аҳолини, кейин Амударёнинг қуриб бораётган дельтасини тоза сув билан таъминлаш керак. Шундай қилинса халқнинг турмуш шароити яхшиланади, қумлар ҳужуми йўлига ғов қўйилади. Бунинг учун аввало коллектор қуриш, дарёдан тоза сув оқиши керак. Қорақалпоғистон Автоном республикаси шоли экишни, Туркманистон ва Ўзбекистон эса янги ерларни ўзлаштиришни тўхтатиши лозим. Бутун ирригация тармоқларини реконструкциялаб, эскиб қолган дренажларни алмаштириб, сувнинг ортиқча филтрация бўлишининг олдини олиш зарур. Бу тadbирларни амалга ошириш катта миқдордаги капитал маблағни талаб қилади.

Туркманистондаги баъзибир олимлар бизга Оролнинг кераги йўқ дейишяпти. Бу калтабинларча айтилаётган фикрлардир.

**Ғ. Умаров.** Ҳозир фақат Оролни эмас, бутун Урта Осиё регионини қутқариш ҳақида гапириш керак. Бунинг учун биринчи навбатда мавжуд сув ресурсларини тежаб, ортиқча сувни Оролга оқиши лозим. Афсуски, бу тadbирни амалга оширишга шошилаётганимиз йўқ.

Яқинда мен Туркманистон ССР Фанлар академиясида бўлдим. У ерда айтишларича, ҳозир Туркманистонда Амударёдан олинаётган сувдан фойдаланиш коэффициенти 55 процентни ташкил этмоқда. Келгусидаги режалар эса катта. Ўзбекистон асосий майдонларда оддий пахта нави етиштиради. Туркманистонда эса ипак пахта етиштирилади. Шунинг учун туркман қардошлар Ўзбекистонда пахта майдонларини камайтириб, ўзларига кенгайтиришни исташяпти. Агар уларнинг бу истаги амалга ошса, Амударёдан Туркманистонга оқадиган сув миқдори янада ортади.

Оролнинг суви пасаймаган пайтда денгиз сатҳига ҳар йили 7 миллиард тонна шартли ёқилғи қувватига тенг қуёш нури тушарди. Бу СССРда уч йилда қазиб олинadиган жами ёқилғилар қувватига баробардир. Қуёш нурунинг тахминан 40 процентини денгиз суви ютиб, катта радиусда илик, пахтачилик учун қулай иқлимни юзага келтирарди. Ҳозир Орол бўйи бу табиий имкониятдан маҳрум бўлиб, иқлим совиб боряпти. Айни пайтда Қорақалпоғистон Автоном республикаси, Хоразм, Тошовуз областлари 1 миллион тонна пахта бермоқда. Агар юзага келган экологик хавф бартараф этилмаса, бу ерларда ҳосилдорлик пасайиб кетади.

Орол муаммосини битта-иккита тadbир билан ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун комплекс тadbирлар зарур. Каспийдан 10—15 куб километр сув олишни шу тadbирларнинг бири деб ҳисоблайман. Бу ишни амалга ошириш менинг тахминимча 4 миллиард сўмга тушади.

**Ф. Эйнгорн.** Бизнинг ҳисоблашимизча бунинг учун 14 миллиард сўм керак.



**Ғ. Умаров.** Қурилишни ҳар хил усулда олиб бориш мумкин. Мен энг тежамли усулни назарда тутганман.

Суғоришни такомиллаштириш Орол учун сув тежашнинг қулай йўлларида биридир. Карл Маркс ўз даврида Шарқ мамлакатлари тақдирини суғориш санъати билан боғлиқ эканлиги ҳақида ёзганди. Бизда эса суғориш санъатини ривожлантиришга, моҳир миробларимизнинг илғор тажрибаларини оммалаштиришга кам эътибор берилляпти. Хўжаликларда суғориш иши аксарият дуч келган одамга топшириб қўйилади. Экинларни тунда йдириб суғоришга эътибор берилмайди. Оқибатда ёз саратонида кўплаб обихаёт исроф бўлади. Республикада турли касб эгаларининг тажриба мактаблари бор. Лекин уста сувчиларнинг тажрибалари оммалаштириладиган, малакалари ошириладиган курслар йўқ. Қишлоқлардаги ҳар йили эрта баҳорда ариқларни ҳашар йўли билан чопиб тозалаш анъанаси йўқ бўлиб кетаяпти.

Ҳозир чет эллардаги суғорма деҳқончилик ривожланган мамлакатларда ўнга яқин суғориш усули мавжуд. Бизда эса икки-учтадан нарига ўтмайди. Менимча сувни тежашда қувурлар орқали тупроқ остида суғоришнинг аҳамияти катта. Бунда сув ҳавога буғланмайди, тупроққа ҳам ортиқча сингмайди, бевосита ўсимлик ялдиғига берилади. Бу усулда тупроқ қотмайди, ёввойи ўт кўпаймайди, қатор ораларини қайта-қайта юмшатишга ҳожат қолмайди. Далаларини шўр босадиган хўжаликларда ёмғир усулида суғориш яхши самара беради.

Ҳозир АҚШда кенг жорий этилаётган тўлқинли суғориш усули ҳам истиқболдир. Бунда эгатларга сув тўлқин билан кириб, 30 процентдан 50 процентгача тежалади.

Яқинда ҳукумат комиссияси республика жамоатчилигига ўз таклифларини маълум қилади. Биз Оролни асл ҳолига келтириш тарафдоримиз, токи келажакда бу масалага яна қайтишга ҳожат қолмасин. Шунинг учун комиссияси таклифларини аввал Оролни қутқариш Комитети мажлисида муҳокама қилиш керак, деб ўйлайман.

**Ю. Ковалёв.** Биз Оролни сақлаш учун курашда ягона платформа ҳосил қилишимиз керак. Ҳозирги давра суҳбатимизда эса мен бунга интилишни сезмаяпман. Суҳбат қатнашчилари «баррикада»нинг икки тарафида турган рақибларга ўхшаб қолаяпти. Биримизнинг фикримизни иккинчимиз инкор этишга ҳаракат қилаямиз. Оролни қутқариш Комитетини баҳс-мунозара клубига айлантирмаслигимиз, бир ёқадан бош чиқариб олға интилишимиз керак. Бизнинг пировард мақсадимиз эса Оролни асл ҳолига қайтаришдир. Бошқача йўлнинг кераги йўқ.

СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, таъриф жоиз бўлса, давлат ичидаги давлатга ўхшайди. Министрлик ерларни ўзлаштиришни, сув омборлари ва каналлар қурилишини ўзи лойиҳалайди, ўзи куради, ўзи қабул қилади. Қурилиш сифати эса ҳеч кимни ташвишлантирмайди. Ўрта Осиёда 7 миллион гектар экин майдони борлиги айтилди. Ҳозир бу майдоннинг қанчаси шўр босиб, экин битмайдиган бўлиб қолган?

Масалан, Ўзбекистонда суғориладиган майдонларнинг тўртдан бир қисми ишдан чиққан. Туркменистонда аҳвол бундан ҳам ачинарли. Қардош республикада экин майдонларининг тенг ярмини шўр босиб ётибди. Илгари ҳамиша сувдан қийинчилик сезган Ашхобод шаҳрини зах босиб, 150 та насос бетиним ишлаб, ер ости сувларини чиқариб ташлаяпти. Америкада лалми ерлардан ортиқча харажатларсиз 20—22 центнердан пахта ҳосили олинаётган шароитда бизнинг суғориладиган майдонларимизда шўр босиш оқибатида ҳосилдорлик 6—7 центнерга тушиб қолганлиги уятли бир ҳол-ку. Шундай шароитда СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги фақат олға интилиб, иложи борича кўпроқ ер очишни асосий вазифа қилиб қўймоқда.

Орол қурияпти, сувга талаб эса ортиб бораяпти. Шунга қарамай, Ўрта Осиё республикаларининг сувдан фойдаланишини назорат қиладиган ягона ташкилот йўқ. Бундай ташкилотни ташкил этиш зарурати аллақачоноқ етилган.

**В. Ковалёв.** Дарахтзорларни кесиб, далаларни яланғочлаб қўйдик. Бунинг асл сабаби тонна кетидан, шуҳрат ва унвон кетидан қувишдир. Ерларнинг шўр босиб, ишдан чиқишида ҳам тахминан шундай бўлди. Мелиораторлар ўтган ойда бунча гектар ер ўзлаштирилди, фалон километр канал қазилди, деб маълумот беришмаса давлат банки пул бермайди. Улар камхарж бўлиб, қийналиб қолишади. Шунинг учун ур-сур билан иложи борича кўпроқ иш бажаришади. Қуридиш сифати билан эса ҳеч ким қизиқмайди. Қарабсизки, янги ўзлаштирилган ерлар беш-олти ил ўтмай шўр босиб, ишдан чиқиб туради. Мен бу ерда мелиораторларни жамоатчиликка қарши қўймоқчи эмасман. Фақат меҳнатни ташкил этиш, ҳақ тўлашдаги нуқсонга, ишнинг сифат кўрсаткичларига ҳамон дуруст аҳамият берилмаётганлигига эътиборни қаратмоқчиман, холос.

Ер соҳасидаги илмимиз ҳамон орқада. У ўтган аср воқеалари билан яшамоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда экстенсив йўл устунлик қиляпти. Гектарлар ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш билан чинакамга шуғулланилмаяпти. Яқин-яқин вақтларгача ҳам ер ости сувини паст сақлаш керакми ёки юқори сақлаш керакми, деган масала устида тортишувлар бўларди.

Оролни юксак илмий даражали, лекин билим доиралари тор олимлар қуритди. Айнан шундай олимларнинг илмий хулосалари волонтеристлар қўлида дастак бўлди. Улар объектив фикрловчи олимларнинг овозини бўғиб, чеккага суриб ташлашди. География фанлари доктори С. Ю. Геллер 1969 йилда чиққан «Орол денгизи муаммолари» тўпламида қуйидагиларни ёзган: «Афтидан, узоғи билан шу асрнинг охиригача сувдан фойдаланувчиларнинг икки группасида — қуруқликда ва денгизда сувдан фойдаланишнинг иқтисодий самарасини таққослаш имконияти сақланади... Гарчи суғориладиган ерлар ҳажми энг кам ўсишини (4 миллион гектар) назарда тутганда ҳам, бу майдондан йилига 4 миллиард сўмлик маҳсулот олиш мумкин. Бу Орол денгизининг балиқ хўжалиги энг қулай шароитларда берадиган фойдадан 100 барабар кўпдир». Геллернинг нуқтаи назарига «Средазгипроводхлопок» институтининг собиқ бош инженери Л. С. Литвак ҳам қўшилган. Фақат унинг ҳисобича янги суғориладиган ерлар йилига 4 миллиард эмас, 1,8 миллиард сўмлик фойда беради. Уша йилларда Туркменистон ССР Фанлар академияси сахро институтининг директори бўлиб ишлаган профессор А. Бобоев ҳам Оролни қуришти тарафдорлари сафида турган эди. Яқинда Нукусда Орол муаммосига бағишлаб ўтказилган йиғилишда у бошқача гапирди:

«Оролни сув билан тўлдирмаса бўлмайди, ҳар куни эрталаб туриб юзимни силасам, кафтимга туз ёпишади», деди.

«Ўзбекгидрогеология» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий ходимлари бундан икки йилча муқаддам дала тадқиқотлари ўтказиб, Амударё этакларида шамол йилига ҳар гектарга 617 килограммдан 688 килограммгача туз элтиб сочаётганлигини аниқладилар. Географ олимлар А. И. Симонов ва Н. П. Голтаревларнинг ҳисобиغا қараганда эса Орол қуриганидан кейин 5 миллион гектар ўзлаштирилган ва сўғориш учун яроқли ер туз босиб ишдан чиқади.

Амударё дельтасининг чўлга айланишидан қурилаётган йиллик иқтисодий зарар ҳозир 700 миллион сўмини ташкил этмоқда. Денгизда ва Сирдарё дельтасида қурилаётган зарар жамланса, бу рақам 1,5—2 миллиард сўмга бормоқда. Литвак эса Орол қуригач шунча фойдани ваъда қилганди. Мана сизга сохта олимлар ва мутахассисларнинг «башорати» натижаси.

60-йилларда Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини жанубга оқишиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини бошлаш ҳақида гап бораётганда СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин Орол денгизидagi балиқчилик хўжалиги ва флотилияни сақлаб қолиш зарурлиги ҳақида СССР Олий Советига хат ёзганди. Бу режа қоғозда қолиб кетди. Оролда балиқчилик хўжалиги ҳам, флот ҳам йўқ бўлди. Мўйноқ балиқчилари ишсиз қолишди. Уларнинг кўпчилиги бошқа жойлардан иш, бахт ахтариб кўчиб кетишди. Бир қисми ҳамон киндик қони тўқилган жойларни тарк этишни истамай, денгиз асл ҳолига қайтишни умид қилиб яшамоқда. Мўйноқ консерва заводи ишлаб чиқариш ҳажмини кескин камайтириб юборди. Бу корхона Атлантика океанидан контейнерларда келтирилаётган музлаган балиқни қайта ишламоқда. Консерва банкасидан тортиб, этикеткасигача олис шаҳарлардан келтирилиши завод маҳсулотининг таннархини қимматлаштириб юбормоқда. Орол бўйида табиий шaroит ўзгариши оқибатида пайдо бўлган қўшимча ишчи кучини иш билан таъминлаш ҳақида етарли қайғурилмаяпти. Ҳамон бу ерлардаги қурилишларга темир-бетон буюмлар Тошкент ва Бекободдан, гишт Янгийўлдан олиб борилаяпти.

Орол денгизи сатҳи Қорақум каналининг биринчи навбати ишга туширилгач тушиб кетганди. Шундан бери у тобора пасайиб бораёпти. Қорақум канали сувнинг буғланиши ва филтрацияси бўйича тенги йўқ ирригация иншооти саналади. Канал юзлаб километр қумликлар оралиғидан ўтган. Унинг икки қирғоғидаги зах босиб, сув ҳалқоб бўлиб ётган майдонлар ўнлаб километрга чўзилган. Шундай шaroитда Қорақум канали қурилишини давом этказиш режалари тузилаяпти. Бутун саҳрони суғоришга битта эмас, бешта Амударёнинг суви ҳам етмайди-ку! Нега каналларда сув улгагичлар, лимитда белгиланган сувнинг оқиш-оқмаслигини назорат қиладиган мироблар йўқ. Шарқдаги айрим араб мамлакатларида бир литр чучук сувнинг нархи бензин нархидан юқори туради. Биз эса табиатнинг бебахо бойлиги қумга сингиб кетаётганини кўриб, томошабин бўлиб турибмиз.

**Д. Солодейников.** Давра суҳбати қатнашчилари «баррикада» нинг икки тарафида туришибди, деган фикрга қўшилмайман. Бу ерда ҳар ким ўз фикр-мулоҳазасини айтаяпти. Ҳақиқат мунозарада туғилади.

Мен «Сирдарё» бассейни схемасини тайёрлашда қатнашганман. Шунинг учун сизларга шу дарё ҳақида ахборот бераман. Эллингичи йилларда Сирдарё бассейнида 1 миллион гектар атрофида суғориладиган майдон бор эди. 60-йилларнинг бошида Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш кенг қулоч ёйдирилиб, 800 минг гектар ер очилди. Аммо бу Сирдарёнинг Оролга қуядиган сувига таъсир кўрсатмади. Нега? Оролга Сирдарё азалдан учдан бир қисмдан сал кўпроқ ёки 15 кубометр сувини беради. Бунинг сабаби дарё узани Чордарадан нарида баланд, сувнинг асосий қисми юқорига ўтмай, тўқайзор ва жингилзорларга ёйилиб оқиб йўқ бўларди. Қайроққум ва Чордара сув омборлари қурилгач, шу ортиқча сув экинзорларга оқадиган бўлди, тўқайзор ва жингилзорлар қуриб тугади.

Чордара сув омбори ва Арнасой ташламаси экинзорларга сув беришдан ташқари авария ҳолатларида асқотадиган-ортиқча сув тўпланадиган иншоотлар саналади. Масалан, 1969 йилда қор куп ёғиб, дарё суви икки баравар кўпайиб кетганида айнан Чордара сув омбори ва Арнасой ташламаси туфайли Қизил Ўрда областининг кўпгина районларини сув олишидан сақлаб қолинди.

60-йилларнинг иккинчи ярмида яна 1 миллион 200 минг гектар ер ўзлаштирилгач, қўшимча 11 куб километр сув керак бўлди. Шундан кейин Сирдарёдан Оролга оқадиган сув кескин камайиб кетди. «Сирдарё» схемаси тузилганда Оролга 3,78 куб километр сув оқиб туриши кўзда тутилганди. Сувдан фойдаланишда белгиланган лимитга амал қилмаслик, кўплаб исрофгарчилик оқибатида бу сув Оролга етиб боролмаяпти.

Сирдарёнинг 15 куб километр суви республикага нима берди? Экин майдонлари ҳам, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳам икки баравар ўсди. Эллингичи йилларнинг охирида республикамиз мамлакатга 2 миллион 800 минг тонна пахта берарди. Ҳозир 5 миллион тонна пахта етиштирмоқда.

Оролни ҳам қутқариш зарур. Менимча Сирдарё бассейнининг ўзида сув йўлларини реконструкциялаш, исрофгарчиликка чек қўйиш, янги суғориш усулларини жорий этиш орқали 5 куб километр суви тежаб, Оролга оқишиш мумкин. Бу катта капитал маблағ сарфлашни тақозо этади. Орол суви буғланишини камайтириш йўлларини ҳам қидириш керак.

**А. Эргашев.** Биз халқ мироблар деб атайдиган кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини тингладик. Агар уларнинг сўзларига ишонадиган бўлсак, Оролнинг қисмати олдиндан белгилаб қўйилган — уни асл ҳолига келтириб бўлмайди. Агар Оролни қутқариб бўлмаса, нимани қутқарамиз? Нега республика Ёзувчилар союзи қошида комитет тузиб, турли соҳа мутахассислари мажлисбозлик қилиб ўтирибмиз. Оролни қутқарамизми ёки йўқми? Бундай савол бўлиши мумкин эмас, Оролни қутқариш керак.

Миробларимиз ер майдонлари кенгайиши билан қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти кўпайганлиги, халқ хўжалиги юксалаётганлиги ҳақидаги фактларни келтиришяпти. Ҳозир республикада ҳар жон бошига 20 килограмм гўшт етиштириляпти. Бу мақтанадиган рақам эмас.

Ленин йигирманчи йиллардаёқ кимки хўжалик юртишининг табиий асосига эга эмас экан, унга ҳеч ким ёрдам беролмайди, деб айтган. Мамлакатимиз экономикаси маълум омиларга таянади, шулардан бири ер ва сувдир. Биз ер ва сувдан фойдаланишни яхши ўрганиб олмас эканмиз,

хатоликларга йўл қўяберамиз. Вавилон шаҳри нотўғри суғориш оқибатида сув остида қолганлиги тарихий факт. Бундай ҳодиса Африка қитъасида ҳам рўй берган.

Мунозара, баҳс йиллаб давом этиши мумкин. Орол эса қуриб, кун сайин сатҳи пасайиб борапти. Бу фожиянинг социал оқибатлари эндигина маълум бўлаёпти. Эртага аҳвол умуман ўнглаб бўлмайдиган бўлиб қолиши мумкин. Унда биз келгуси авлодлар олдида кечирилмас гуноҳ қилган бўламиз. Оролда балиқчилик хўжалиги йўқ бўлди. Балиқчилар ўз касбларини ўзгартириб, ота-боболари яшаган жойларни тарк этишмоқда. Оналарнинг сутида туз моддаси нормадагидан ортиб кетганлиги сабабли гўдакларнинг заҳарланиши кўпаймоқда. Илгари Орол бўйида яшаган 57 хил ҳайвон ва парранда миллион йиллик эволюция натижасида пайдо бўлган. Эндиликда уларнинг 44 таси қирилиб битди.

Ҳозир ҳар хил овозлар пайдо бўлаёпти. Баъзибир нуфузли кишилар Орол муаммосини баҳона қилиб, бундан буён Урта Осиёда сув кам бўлади, Озиқ-овқат программаси ҳам қисқаради. Бундай шароитда туғилиш ҳам кам бўлиши керак, демоқдалар. Мен генетик сифатида шуни ишонч билан айтаманки, биз бу йўлни танласак Совет ҳокимиятининг 70 йиллик тарихида энг йирик хатога йўл қўямиз. Бунинг олдида Орол муаммоси «ҳолва» бўлиб қолади. Урта Осиё регионидан минг йиллар мобайнида туғилишда маълум пропроция пайдо бўлган. Уни бузиш офир социологик оқибатларга олиб келади.

Орол муаммоси масаласида журналистлар, адиблар фаоллик кўрсатишяпти. Улар матбуотдаги ўз чиқишлари билан жамоат фикрини уйғотишяпти. Жамоат фикри эса кучли нарсадир.

Комитетнинг ўтган мажлисида хоразмлик иқтисодчи Озод Ҳусайновнинг доклади кўпчиликни ҳаяжонга солди. Менимча унинг таклифлари олий илмий муассасалар томонидан ўрганиш учун арзигуликдир.

**Луқма.** Ҳусайнов нималарни таклиф этди? Қисқача ахборот беринг.

**А. Эргашев.** Яхши. Ҳусайнов аҳволни яхшилаш учун биринчи чора сифатида оқова ва ер ости сувларини маҳсус коллекторлар орқали денгизга оқизиш таклифига қўшилмоқда. Аммо бу муаммони тубдан ҳал этиш имконини бермайди. Бошқа имконият борми? Бор! Бу — Каспий денгизидир. Каспий денгизи деганда кўпчиликнинг кўз ўнгига шўрлаган сув келади, — деди Ҳусайнов. — Аслида ундай эмас. Денгиз сувининг физик тузилиши яхшилаб ўрганилса фикр ўзгаради. Каспий денгизи табиатан уч қисмдан иборат: Шимолий, Урта ва Жанубий Каспий. Бизга зарури Шимолий Каспий, шу ҳақда тўхтаймиз.

Шимолий Каспийнинг майдони 90,1 минг квадрат километрни, сувининг ҳажми 400 куб километрни, ўртача чуқурлиги 4 метрни ташкил этади. Шимолий Каспийга Волга ва Урал дарёлари сув қуяди. Бу дарёлар суви Каспийга тушадиган сувнинг 90 процентини (260—280 куб километрни) ташкил этади. Яна шуни эсда тутиш муҳимки, ҳар йили Каспий юзасидан бир метр қалинликдаги сув бугга айланади.

Энг катта дарё бўлган Волгадан келадиган сув Каспийга 200 километр кенгликда бир нечта тармоққа бўлиниб қуйилади. Натижада денгиз суви дельта бўйлаб узунлиги 300 километр, денгиз томон ичкарилиги 100 километр масофада чучук. Волга дарёси дельтасидаги Морской Сетни оролидан Бўзачи ярим оролигача бўлган масофа 170 километрни ташкил этади. Бу масофада 100 километргача сув чучук, ундан кейин 20—30 километр узунликда ярим шўр, Манғишлоқ ва Комсомолец бўғозлари яқинида эса 30—40 километр узунликда шўр сувдан иборат. Аммо бу ердаги шўр сувнинг ҳажми катта эмас.

Эндиликдаги вазифа мана шу Шимолий Каспийдаги чучук суви Турон пасттекислигида келтиришдан иборат. Бунинг учун Бўзачи ярим оролининг шимолидаги Комсомолец бўғозидан Тиген райони орқали Манғишлоққа канал тортилади. Шу йўсинда Бўзачи ярим ороли Каспий бўйида инсон кўли билан яратилган ўзига хос оролга айланади.

Шундан кейин Бўзачи оролининг Ғарбий нуқтасидаги Купали оролига, ундан Волга дарёси дельтасидаги Морской Сетни ороли томон, Морской Сетни оролидан Эюев оролига (кемалар қатнови учун йўл қолдирилиб) дамба қурилади. Бу уч дамбанинг узунлиги 220 километрни (50—120—50 км) ташкил этади. Мазкур дамба қурилиши биттач, Волга ва Урал дарёлари Каспийга қуядиган сувнинг камида 200 куб километрни Сай-Утес районидан ўтказиш мумкин. Бу шўрланмаган Шимолий Каспий суви бўлади (Зарварақларнинг 4-бетидеги схемага қаранг).

Бу сув маълум вақт оқизилгач, Комсомолец бўғозидан Бейнов томон канал қазилади. Мазкур канал ҳам, Бўзачи ярим оролида қазиладиган канал ҳам тўпроқсўргич билан қовланади. Чунки бу трассалар Каспий денгизининг сув сатҳи билан тенгдир.

Сув Бейновга келгач, ундан уёғи Оролгача 250 километрни, Қўнғиротгача эса 410 километрни ташкил этади. Эндиликда шўрланмаган Шимолий Каспий сувини Бейнов районидан Қўнғиротга ва Орол денгизига келтириш қийин эмас. Бунинг учун аввало Бейнов яқинида битта. Қўнғиротгача бўлган масофада иккита насос станцияси қуриш кифоя (Орол Каспийдан 60—65 метр юқорида жойлашган).

Бейнов — Орол денгизи канали кемалар сузадиган канал бўлади. Бу канал орқали 15—20 куб километр ва ундан ҳам кўпроқ сув оқизиш мумкин. Бейнов — Қўнғирот канали темир йўл бўйлаб келади. Канал ер шароитига қараб очиқ ёки ёпиқ шаклда бўлади. Мазкур канал Қўнғиротга келгач, Амударёнинг ўнг томонига ўтказилиб, Қазанкетган орқали Қозоқдарёга қуяди. Бу канал орқали 10 куб километр сув оқизиш мумкин.

Мана шу ишлар биринчи навбатда амалга оширилса, Оролни сақлаб қолиш масаласи ҳал этилади. Ундан сўнг иккинчи масалани — Манғишлоқ ярим ороли ва Устюрт массивига сув келтириш вазифасини ҳал этишга киришиш мумкин. Маълумки, Устюрт массиви 200 минг квадрат километрни ёки 20 миллион гектарни ташкил этади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг маълумотиغا қараганда, бу майдоннинг 6—7 миллион гектари деҳқончиликка яроқлидир. Деҳқончилик учун қўлай ерлар асосан Манғишлоқ ярим оролида, Устюртнинг шимолий, ғарбий, жанубий қисмида, Сарикамиш кўли атрофидадир. Бу ерлардаги йиллик қўёш ҳарорати, намгарчилик миқдори қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш имконини беради. Фақат обиҳаёт бўлса бас.

Манғишлоқ ва Устюртга сув келтириш учун Бўзачи оролининг шарқий-жанубидан оқадиган

Хайдак-Каракету каналидан Тиген районидан Тиген-Шетпе канали қазилади ва Шетпе районидан мазкур канал уч тармоққа бўлинади: 1) Шетпе-Баутино; 2) Шетпе-Шевченко; 3) Шетпе-Тенге ва жанубга. Бу каналлар билан Манғишлоқ ярим ороли юқориси ва ғарбидаги ҳамма ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш мумкин.

Манғишлоқнинг Сай-Утес райони ғарбида 9—10 та темирйўл разъезди бор. Ана шу разъезд станциялар жойлашган ердан жанубга қараб канал қазиймиз. У Қорабўғоз кўлининг шимолига келади. Йўлда канал трассаси пасттекисликлардан ўтиши қурилиш ишларини бирмунча осонлаштиради. Мазкур каналга Урта канал деб ном берамиз, у Манғишлоқ ярим оролини Устюртдан ажратади.

Урта канал трассасидаги Кариняриқ пасттекислигининг узунлиги 100 километрга яқин. Шу пасттекислиكنинг шарқий қирғоғидан Қўнғиротгача канал қазилади. Жанубий Устюрт канали деб ном оладиган бу каналдан Қўнғиротгача 10—15 куб километр сув оқиши мумкин, масофаси 300—350 километр. Канал сувини насос билан кўтариб, Қўнғиротдан Қозоқдарёга олиб ўтилади.

Шу йўсинда Устюртни сўғориш, Орол денгизи ва Амударё дельтасидаги сув танқислигини бартараф этиш мумкин. Бу тадбирларни амалга ошириш Сибирь дарёларини жанубга оқишидан анча арзонга тушади, иқтисодий самараси эса уникидан кам бўлмайди.

**Луқма.** Ҳозир Орол мисолида табиатга аралашининг хунук оқибатларини кўриб-билиб турибмиз. Энди яна нима қилмоқчимиз? Бу таклиф амалга ошса Каспий бўйининг экологик ҳолати қандай бўлади?

**А. Эргашев.** Аввало шуни таъкидлаш лозимки, инсон инсон бўлиб ўзини танибдики, табиатга аралашиб келаяпти. Бу аралашув турли даврларда турли йўсинда бўлган. Масалан, қадим-қадим замонларда кичик бир сойни тупроқ тўғон қилиб, саккиз бўйра ерга сув чиқарган деҳқон ҳам маълум даражада табиатга аралашган. Зотан, дунёда сўғориладиган деҳқончиликнинг юзага келиши, ирригация илмининг пайдо бўлиши ва тараққий этиши инсоннинг буткул табиатга аралашуви натижасидир. Бундан 2 минг йил аввал қазилган деб тахмин қилинадиган Тошкентдаги Бўзсув канали ҳам, тарихан яқин ўтмишда бунёд этилган Сувайш, Панама каналлари, Катта Фарғона канали, Беломорканал, Волга-Дон канали ва бошқа ўнлаб иншоотлар инсоннинг табиатга аралашувининг яхши мисолларидир. Булар учун табиат ҳеч кимдан ўч олгани йўқ.

Хулоса шунки, инсон истаса-истамаса табиатга аралашшига мажбур. Фақат бу масалада энг муҳими кўриладиган фойда билан зарарни тарози палласига қўябилшда, ишнинг оқибатларини тасаввур этишда. Афсуски, 60, 70-йилларда чўлларни бўстонга айлантириш учун кураш кенг қулоч ёйдирилди-ку, лекин асрий бўстон ўлкалар чўлистонга айланиб қолиши мумкинлиги хаёлга келмади.

Масалан, Туямўйин сув омборини олайлик. Мазкур сув омбори қурилган жойдан Хоразм халқи юз йиллардан бери рўзгор учун ишлатиладиган туз олиб келарди. Лоийҳаловчилар сув омборини лойиҳалашаётганларида омборга сув қуйилиши билан туз қатламалари қотиб қолади, деган фикрни айтишган. Аслида эса бунинг акси бўлиб чиқди. Ҳозир сув омбори остида қолган тузлар эриб, бутун Хоразмнинг экинзорларини ишдан чиқаряпти, боғларни, асрий гужумларни қуритяпти. Фақат шугина эмас. Туямўйинга Амударё сувининг лойқаси чўкиб, ости тўлиб бораёпти. Яна тўрт-беш йил ичида Туямўйиннинг сув омборилик қиёфаси қолмайди. Бизингча, бу хато ишларнинг айбдорлари, пахтачиликда кўшиб ёзишни «ижод» қилганлар қилмишлари учун ҳозир қандай жавоб бераётган бўлсалар, шундай жавоб беришлари керак. Мамлакатимиздаги ошкоралик, қайта қуриш вазияти шуни тақозо этади.

Энди Каспийнинг аҳволига қайтайлик. Биз бу денгиздан сув олсак, у Орол сингари бўлмайдими, денгиз атрофининг экологик ҳолати ўзгармайдими? Хўсаиновнинг фикрича, Каспийнинг аҳволи ёмон бўлмайди. Биринчидан, ҳар икки денгиз географик жиҳатдан бир-бирига яқин ерда жойлашган. Иккинчидан, баъзи олимлар бир пайтлар Амударё Каспийга оққан деган фикрни айтишади. Агар шу фикр ҳақиқат бўлса, Урта Осиё азалдан Каспий билан сув йўли орқали боғланган эди, дейиш мумкин. Бундан ташқари, кейинги тўрт минг йиллик тарихи мобайнида Каспий ҳар 25—35 йилда гоҳ 1—2 метрга кўтарилиб, гоҳ пасайиб турибди. Масалан, 1980 йилдан бошлаб денгиз суви кўтарилиб бораёпти. Шунинг учун Каспийдан Оролга ва Амударё дельтасига сув олиш денгизнинг сув сатҳига, экологик ҳолатига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Хўсаинов масалани узил-кесил ҳал этиш учун Дон ва Днепр дарёлари сувининг бир қисмини Кума-Миниг пасттекислиги, Қалмиқ ва Доғистон автоном республикалари орқали канал қазиб Каспийга оқишишни таклиф этади. Ҳозир Шимолий Кавказ ерларида қум кўчиши ҳоллари содир бўлаяпти. Обиҳаёт олиб келинса бу нохуш жараён тўхтар, анчагина майдонларни экинзорга айлантириш имконияти туғиларди. Азов ва Қора денгиз эса жаҳон океани ҳисобига тўлиб бораверади. Ҳозир бу ерларда (айниқса Қора денгизда) сув сатҳи тинмай кўтарилиб, курорт районларда соҳилни сақлаш муҳим муаммо бўлиб турибди.

Каспий-Орол канали қурилса, Устюртга сув олиб борилса, Оролни сақлаш, катта экологик фалокатнинг олдини олиш, мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириладиган янги регионни юзага келтириш имкониятлари вужудга келарди. Ҳозирги кунда Оролни сақлаш — ҳаётни, эртанги порлоқ кунимизни сақлаш демакдир. Буни унутмаслигимиз керак.

Озод Хўсаиновнинг касби иқтисодчилик. 1962 йилда Новосибирск кооператив институтининг савдо иқтисоди факультетини тамомлаган. Ҳозир Ўзбекистон ССР Госнабнинг Хоразм область бошқармасида ишлайди. Орол денгизи муаммоси билан эса ўн беш йилдан бери қизиқади. Каспий ва Орол бўйлари, Устюрт массивининг географик тузилиши, геофизикасини ўрганиш учун кўп куч ва ғайрат сарфлаган, бу ерларни бир неча марта автомобильда, самолётда кезиб чиққан. Бу ишларнинг ҳаммасини меҳнат отпусчаси вақтида ёки ўз ҳисобидан отпусқа олиб амалга оширган.

Шу пайтгача кенг жамоатчиликка Орол денгизи муаммосини ҳал этишнинг битта йўли маълум эди. Бу Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Оролга оқишидан иборат эди. Эндиликда бу муаммони ҳал этишнинг иккинчи варианты ўртага ташланаёпти. Аммо бу вариант бирон-бир катта илмий муассаса коллективи ёки олимлар группаси томонидан эмас, балки шу ишнинг жонкуяри


бўлган бир шахс томонидан таклиф этилапти. Шунинг учун бу схемада маълум камчиликлар бўлиши мумкин. Эҳтимол, схеманинг ҳар бир детали чуқур илмий асослашга муҳтождир.

**П. Шермухамедов.** Биз суҳбат чоғида Орол муаммосига илмий нуқтаи назардан ёндошишга ҳаракат қилдик. Аслида эса бу муаммонинг сиёсий, ахлоқий томонлари ҳам бор. Ҳозир Орол муаммоси фақат мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунё миқёсида муҳокама этилмоқда. Чет эллардаги ғоявий рақибларимиз бу муаммодан партиямизнинг иқтисодий сиёсатини камситиш, миллатларни бир-бирига қарши қўйишда фойдаланиб қолиш учун интилиб, эфирдан ҳар хил бўҳтонларни ёғдирмоқдалар.

Ҳар бир даврнинг ўз муаммолари бўлади. Орол ҳозирги даврга хос муаммодир. Бунга ўхшаш ҳодисаларни дунёнинг бошқа жойларида ҳам кузатиш мумкин. Фан ва техниканинг XX асрдаги юксак тараққиёти инсон учун катта имкониятларни яратди. Эндиликда бу имкониятлардан билиб фойдаланилмаслик оғир экологик фожиаларга сабаб бўлиши мумкин. Океан сувларининг ифлосланиб бораётганлиги, кислотали ёмғирлар, катта шаҳарлар ҳавоси булғанаётганлиги, ноёб ҳайвонларнинг йўқолиб кетаётганлиги ва бошқа ҳодисалар фикримизнинг исботидир. Шу сабабли ҳозирги даврда экологик онгни ўстириш, атроф-муҳитга билиб муносабатда бўлишни ўрганиб олиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уйлаймизки, бу вазифа ҳал бўлади. Инсон гўзал она еримизнинг табиий бойликларидан авайлаб фойдаланишни, унинг такрорланмас чиройи, латофатини кўз қорачиғидай асрашни ўрганиб олади.

Орол фонди учун давлат банкида счёт очилганлиги Оролни қутқариш комитети амалга оширган муҳим тадбирлардан бўлди. Бу масалада бизга республика ҳукумати раҳбарлари яқиндан ёрдам беришди. Ҳозир счётга пул тушаяпти. Орол фонди ҳисобига биринчи бўлиб космонавт-учувчи В. Жонибеков, ёзувчилар Ч. Айтматов, Т. Қаипбергенов, Ҳ. Ҳошимов, Н. Фозилов, Ҳ. Абдураҳмонов ва бошқа ўртоқлар пул ўтказишди.

Яқинда менинг ҳузуримга икки ёш йигит — Карим Йўлдошев ва Володя Ковалёв келишди. Улар: «Баъзи олимлар Оролни қутқариб қолиш мумкин эмас, дейишяпти. Биз бу фикрга қўшилмаймиз. Оролни қутқариш мумкин, у албатта асл ҳолига келиши керак», дейишди. Йигитларнинг бири Орол фонди ҳисобига 20 сўм, иккинчиси 10 сўм ўтказганлиги ҳақидаги қвитанцияларни кўрсатишди. Бу фактлар Орол денгизи тақдири бутун жамоатчиликнинг диққат марказида турганлигидан, бу масалани ҳал этиш ҳозирги кунимиздаги энг долзарб вазифа эканлигидан далолат беради.



Учқун Назаров

## ТЎЗОНДАГИ ШАРПАЛАР

### Қисса

Ҳаво айний бошлади. Тўсатдан шамол кўтарилди: патлари қайрилган товук катакка югурди, дераза қарсиллаб ёпилди, жаранглаб жом қулади, бир-бирига урилган симлардан чирсиллаб олов чиқди, чамбаракдан сут тўкилди. Майкачан Самад қараса ҳаммаёқ тўзон, осмонда қоғоз учар, онаси дераза табақаларини ёпар, унинг кўйлаги баданига ёпишган, дурраси тишида эди. Кечаси дим бўлди, чивин чақди, хотинининг қўли теккан биқини терлаб қолипти; Самад четроқ сурилган, ух тортиб, аранг кўзи илинганди...

Самад қайтиб уйга кирди, кўнгли айниб, айвонга яна чиқди — чанг бўлса-да, салқинроқ эди, сигарет тутатди.

Тўс-тўполон тинди. Ерда бўғат олмаю айрилган гилос шохлари. Гулхонада шамол улоқтирган шолча ётибди. Ана, бўш шиша филдирашдан тўхтади, чамбаракдаги қаймоғи қалқиб четига ёпишган сопол коса тинчий бошлади. Чанг тарқалмаган, ҳамма нарса хитой қоғоз орқали кўрингандек хира, исқирт, кимнингдир ҳовлисидан куйиккан сигирнинг маъраши эшитиларди. Айвондаги холодильник сесканиб, жовонни ларзага солди, дириллай бошлади — симни улашди чоғи. Бироздан кейин майин шамол эсиб ғуборни тарқатди, осмон кўк тус олди. «Довул ҳозир қайси жойларга човут солаётган экан?..» — ўйлади Самад. Узи шунақа, неча кунлаб ҳаво димиқиб ётади, барг қилт этмайди, на кундузи, на кечаси ҳаловат бўлмайди, шунда гўё аллақаяқда бекиниб ётган шамол ғалаён билан ёпирилиб келиб ғуборни супуради-кетеди...

— Ишга қачон борасан? — ҳовлида сочилиб ётган кўйлагу чойшабларни йиғиштираётган онаси ўгирилиб сўради.

— Борарман, — деди айвон қиррасида чўнқайиб ўтирган Самад. — Ювиниб олай. Нимаydi?

Йиғиштирган нарсаларини онаси чорпояга ташларкан деди:

— Мозорга кириб ўт... Замирани бошига гул қўйиб келувдим, кеча. Афдарилган бўлса, кўза чил-чил бўлиб ётгандир. — Самад индамади: хўп, дегани. — Идиш олиб кет...

— Хўп...

— Жинни шамолни қара, — деди яна онаси, шипиргини ариқ сувига ботираркан, нолигандек. — Ҳаммаёқни алғов-далғов қилди.

— Салқин тушганини айтмайсизми.

— Салқин дейсан, пахта нима бўлади, энди гулга кирипти?

— Э... — деди Самад эшитилар-эшитилмас ва ҳорғинлик билан пастга тушди, кранни очиб ювина бошлади.

Самад бир бурда нонни қаймоққа булаб еди, пиёладаги чойни бир ҳўплашда ичди, оғзини артди, онаси тайёрлаб қўйган сопол ҳўқачани газетага ўраб кўчага чиқиб кетди. Қабристон узоқ эмас эди, ўша томонга бурилди. Қираверишдаги тут тагида крандан сув оқиб турарди. Самад гўрковдан челак сўраб олди, ҳўқача билан челакка сув тўлдириб, Замиранинг қабри томон кета бошлади.

Замиранинг вафотига бир йилдан ошди. Юраги хаста экан, ўша нобуд қилди, деган гап тарқатишди. Замира ҳеч қачон юрагидан шикоят қилмас эди. Самаднинг ота-онаси аввалига ҳайрон бўлишди, аммо врачлар диагнози қатъий — кўнишди.

Қиз ўрта мактабни тугатиб, институтга кириш учун шаҳарга борганда, акаси Самад ҳам ўша ерда, педагогика институтини битириш арафасида эди. Замира ҳам ҳужжатларини шу институтга топширди, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди, ўқий бошлади. Акаси институтни тугатиб, районига қайтди. Энди у мактабда муаллим! Шу кезларда Самаднинг педагогикага оид бир-икки мақоласи область газетасида, яна бир-иккитаси республика матбуотида эълон қилинди. Унинг муҳофазаси кенг, фикрлари теран эди. Уни район газетасига таклиф қилишди. Журналист бўлиб ишлай бошлади. Уйланди. Хотини Муяссар қиз туғиб берди — уйи нурга тўлди-қўйди. Вақт ўтарди. Нигора бир ёшга тўлганида Замира ўқишини тугатиб қайтди. У ҳам Самадларнинг мактабида иш бошлади.

Замира ўқиб юрган кезларида Равшан исмли студент йигит билан иноқлашиб қолди, аҳд-паймон қилишди. Йигит онасини юборди, нон ушатилади. Шундан кейин Равшан ўз машинасида тез-тез районга қатнайди, мактаб атрофида Замира билан кўришиб қайтадиган бўлиб қолди. Бу орада район ижроия комитети раисининг ўғли Ҳамдам бир-икки марта қизнинг йўлини тўсди, гапга солмоқчи бўлди. Замира чап бериб кетди. Кейин совчилар келди, Замиранинг онаси мавҳум гаплар билан уларни чиқариб юборди, хабарни эрига айтди. Жалол аканинг боши қотиб қолди: бўлажак қуда катта одам, районнинг жилови ўшанинг қўлида, қолаверса, ўзи шу ердан дон териб юрипти, бундан буёқ ҳам нафи тегиши аниқ... Аммо рад жавобини берса, оқибати қанақа бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас, қуда бўлмишнинг қўлидан ҳамма бало келади, «замона зўрники» бўлиб қолган пайтлар... Қизининг эса боши боғлиқ, нон ушатиладиган, кузда тўйи бўлиши керак. Қуда томон нима дейди? Замира нима дейди?

Жалол ака ўғлига ёрилди.

— Унаштирилган, десин аям, — деди Самад, ўйга толиб. — Тушунишар, ваъдани бузиб бўлмайдикан... Иннайкейин, Замира ҳам... жанжал кўтаради. Равшан билса... Хуллас, бошимиз маломатдан чиқмай қолади.

Жалол ака оғир тин олди, бошини икки қўли орасига олиб сиқди.

— Шаҳардан келганларга дарров розилик бериб юборганимиз чакки бўлди-да... Онанг бижилдоқлик қилди, биринчи келиши биланоқ тузоққа илинибмиз-қўйибмиз, сал таранг ҳам қилмабмиз. — Жалол ака икки кун қирилмаган соқолини ишқади, чўнтагидан эзғиланган рўмолча олиб, бурнини қоқди, кафтини артди. — Холбоев билан ўчакишиб бўладими? Қуритади уруғимизни, эзиб ташлайди...

— Зўр келса, жойни сотамиз, шаҳарга кўчиб кетамиз, кунимиз ўтмай қолмас...

— Агар улгурсак... — деди Жалол ака тушкун бир кайфиятда. — Тўйдан бир ўян топиб, жавобгарликка торттиради. Ана унда кўр... Додингни кимга айтардинг?

— Тўйдан нима ўян топиши мумкин?

— Э, ўғлим, усуллари кўп, органлар уларнинг измида, — деди Жалол ака ичида қоврилиб. — Боласиям ўлардек қайсармиш. Шунга уйланаман, йўқса унга ўт қўяман, депти. Синглингни бирор нарса қилиб қўйишданам тоймайди, итвачча. Эшитгандирсан, битта кампир чарчаб, тухум солинган саватини ўшанинг машинасига қўйиб турган экан, келиб йўлга улоқтирибди, тухум

шиллиғига мотоцикл тойиб дарахтга урилибди. Кўзинг тушгандир, ҳозир инвалид, врачлар бўйнига чармдан хомит тикиб беришган, танғиб юради. Бусиз боши турмас эмиш... Шунақа, ҳеч ким унга бирон нарса дея олмайди, отасидан кўрқади...

Улар бир қарорга келиша олмади.

Ҳамдам томонидан яна совчилар келди, Сожида опа узил-кесил жавоб қилди, совчилар нохуш хайрлашиб, чиқиб кетишди.

Тўйга ярим ой муддат қолганда Равшаннинг машинаси жардан топилди — грузовой машинага урилибди, деган гап тарқатилди. Айб Равшанда эмиш. Ҳали қариндошлик алоқалари у қадар боғланган бўлмаса-да, Жалол ака хотини ва ўғли билан Равшаннинг маросимларига қатнашди. Ҳатто Ҳамдамнинг онаси Сожида опа ҳузурига келиб, таъзия билдирди. Замира бир-икки марта яширинча Равшаннинг қабрига бориб, кўзи қизариб қайтди.

Орадан бир ой ўтгач, Ҳамдамнинг онаси яна совчи бўлиб келди. Энди унаштирилган куёв йўқ, дунёдан ўтди, бу ёғига Замираинг боши очик. Унинг тақдирини ўйлаш зарур, ахир институтни битирганига бир йил бўлаяпти, буниинг ёшидаги қизлар аллақачон иккитадан фарзандлик бўлишган. Агар бу гал ҳам йўқ, дейишса, Холбоев оиласи билан яқинлашишдан бош тортгандек бўлиб чиқарди — розилик беришди. Қолаверса, бу йўсиндаги тақдир иловаси ҳадиксираб юрган Жалол аканинг айни муддаоси эди.

Замира ўжарлик қилиб кўрди, важ сифатида Равшаннинг вафотини, йили ўтмаганлигини айтди.

— Ие, қизим, эс-ҳушинг ўзингдами? — деди Сожида опа. — Ҳали ниқоҳдан ўтмаган йигитга аза тутасанми? Илло-билло мунақа гап оғзингдан чиқмасин. Эшитганлар нима дейди?..

Кеч куз тўй бўлди.

Замираинг дили бўм-бўш: қувонгани ҳам, хафа бўлгани ҳам йўқ, ўзини оқимга қўйиб берди. Аммо ҳадеб хўмрайиб кун ўтказиш ҳам одобдан эмас, баъзан ўзини мажбур қилиб бўлса-да, жилмайишга уриниб кўради-ю, бу зўраки қувончни ҳам яна кутилмаганда булут қоплайди. Бот-бот ота-онасининг тазйиқи билан ўзини қўлга олишга киришган Ҳамдамнинг ич-ичидан алами қайнайди, бошқоронғи бўлишига қарамай Замирага қўрслик қилади, ўлиб кетган Равшанга рашк қилиб азоб беради. Ҳомила энди ўрталарига илиқлик солганда Ҳамдамнинг кайф аралаш айтган бир оғиз сўзи билан ҳаммаси барбод бўлди. «Жазманингизни ўзимиз ўлдирганмиз! Аварияни ўзимиз қилганмиз!» деган эрининг гапларини Замира эшитди-ю, вужуди бўшашиб кетди.

Саҳар чоғи Холбоев ваннага кириб, келинини сиртмоқда кўрди, Афнаб ётган табуреткани қўйиб, ҳали илиқ жасадни апил-тапил арқондан суғуриб олди-ю, чора ахтара бошлади. Келини ўзини осиб ўлдирди, деган совуқ хабар тарқалса, сўроқ-тергов бошланади: Равшаннинг ўлимига алоқадор тафсилотлар очилиб кетади, вазиятни идора қилиб бўлмайди... Ахир Холбоев бу даражага осонлик билан эришдимиз? Қанча чиқим бўлган. Чиқимнинг-ку аллақачон ўрни тўлиб кетган, аммо ноумид шайтон — райком секретарини областга олишмоқчи, ўрнига албатта Холбоевнинг номзоди ҳам қўйилади... Келини тушмагурнинг нодонлик қилиб қўйгани чатоқ бўлди-да! Турган гап, аҳволни шу даражага келишига ўғли сабаб, бўлмаса ҳомиладор жувон ўзини осармиди, азбаройи жон-жонидан ўтган. Ўзи ҳам «ичимдан топ» хилидан эди. Ё бирон дарди бормиди? Балки руҳий касалдир. «Руҳий касал!..» Холбоев телефонга отилди.

— Руҳий касали борлигини, — деди ҳаллослаб кириб келган район касалхонасининг бош врач, — энди исбот эта олмаймиз. Учётда бўлса ҳам бир нав эди. Заключение беришимиз мумкин, албатта. Лекин... ота-онаси экспертиза талаб қилишса, ёлғон очилади, чунки оз бўлсаям, бўйнида арқон изи қолган.

— Келини ўзини осибди, деган гап... — Холбоев тоқатсизланди. — Текширув бошланса-чи? Уйланг!..

Бош врач жавоб қилишга шошилмасди.

— Тезроқ бир фикрга келинг, кун ёришиб кетяпти! — ўдағайлади Холбоев ва бош врачга зимдан кўз ташлаб, ётиғи билан деди: — Уйлаётган нарсаларингиз тўғрисида кўнглингиз тўқ бўлсин.

— Юраги хаста, деган диагноз қўйилса нотўғри бўлмас, — деди ниҳоят бош врач. — Бу яширин касал, кўп ҳолларда беморнинг ўзи ҳам билмайди...



Ундоқ бўлмаганда ҳам юрак шунақа нарсаки, тўсатдан эксцесс бериши мумкин. Ёш-қарига қарамайди... Қасалхонага олиб бориш керак.

— Қанақа машинада келдингиз?

— «Тез ёрдам»да.

— Машинани ҳовлига олиб киришсин.

— Ҳа, албатта, — деди бош врач ва дарвоза томон кетди.

«Тез ёрдам» машинаси Замиранинг жасадини олиб кетаётганда кун ёриша бошлаган, куртаклари бўртиб қолган дарахтларнинг танаси нам ва қора, баланд шохлари туманда аранг кўринар эди.

Холбоев дарвозани қулфлаб, уй ичига югурди.

— Нима бўлди? — оёқ дупуридан уйғониб кетиб сўради Ҳамдамнинг онаси. — Нима гап?

— Ҳожатга чиқсам, келининг ваннада ётибди. Ағдариб қарасам, ўлиб бўпти. Дарров докторга телефон қилдим, келишди...

— Вой ўлмасам! — Аёл ханг-манг бўлиб қолди.

— Касали борлигини билармидинг?

— Йўқ...

— Яширишибди-да, биздан! — Холбоев муштини кафтига урди. — Тур ахир! Бор, уйғот ўғлингни!

Аёл ҳушига келиб, апил-тапил кийина бошлади.

Замиранинг жасади тўғри касалхонанинг реанимация хонасига олиб борилди. Йўлига одатдаги тадбирлар кўрилди ва «фурсат бой берилган, юрак фаолияти тўсатдан тўхтаган» деган диагноз билан иш ёпилди. Уша куннинг ўзидаёқ жасад гўрга қўйилди. Мусибатдан ақллари озган Замиранинг уйдагилари қий-чув қилишди-ю, нега бундай бўлди, деб ўйлаб кўриш ҳеч кимнинг хаёлига келмади...

1982 йилнинг баҳори шундай бошланди. Замиранинг қабрига гул қўйиш одат тусига кириб қолган: Сожида опанинг ўзи бораолмаса Зумрадни, Зумрад ўқишда бўлса, Самадни гўристонга юборади...

Холбоев қабрга келинининг тасвири ўйилган икки қулоч мармар тош қўйдирди. Атрофини қора чўян панжара билан ўратди, гуллар экдирди, электр сими торттириб, чироқ ўрнаттирди. Хуллас, одамлар кўрса, ҳаваси келадиган бир жойга айлантирди. Атрофда бунақа мақбара йўқ, ҳатто гўрковлар навбатма-навбат назорат қилиб туришади. Электр чироғи ўчмайди...

Ҳақиқатда ҳам шамолда мармар супага қўйилган кўза чил-чил синган, гулдаста сочилиб ётарди. Самад чинни парчаларини супириб олди. Кейин, ҳўл латта билан маҳобатли тошни артди, гулларни ҳўқачага солиб мармар супага қўйди-да, гул кўчатлари тагига сув қўйиб чиқди. Юмушни бажаргач, чўян панжарага суяниб бир дам жим турди, сўнг бўш челақни осилтириб, қабристон дарвозахонасига қайтди...

1

Пойдевори бир қарич ҳам келмайдиган икки қаватли кўримсиз бино. Пастки қават деразаларининг баъзиларида занг босган панжаралар бўлиб, хира ойналарида панжа излари, пардаларининг-ку рангида ранг қолмаган. Бино олдидаги жайдари гуллар экилган учтагина эгат сувсизликдан қақраган, ичида ит ғажиган суяк, бир пой эски калиш, бочканинг чамбараги ётади. Бу аросатда қолган жойда районнинг бир неча иккинчи даражали ташкилотлари, яъни маданият бўлими, кинофикация идораси, аллақандай қурилиш маъмурияти, район маорифи жойлашган. Самад ишлайдиган «Машъал» газетасининг редакцияси ҳам шу жойда эди. Ташкилотларнинг биронтаси ҳам бинонинг на ремонтга, на теварак-атрофни ободонлаштиришга эътибор қиларди.

— Анчадан бери «Илғор» ҳақида материал берганимиз йўқ, — деди бўлим мудири: қирқ ёшларга кирган семиз, сепкилли киши. — Планлаштирган-миз, бир-икки кунга бориб келсангиз...

— Република матбуотлари бериб ётипти-ку, — деди Самад. — Опа — депутат, қаҳрамон. Бизнинг материални писанд ҳам қилмайди.

— Домланинг топшириқлари! — бўлим бошлиғи бош редакторни писанда

қилиб гапга чек қўйган бўлди. — Шамол зарар етказган бўлса, тилга олинг, айтинг: «Табиат инжиқликларига қарамай, талофатни мардонатор енгиб...» ва ҳоказо. Буёғини ўзингиз биласиз.

— Зарар етказмаган бўлса-чи?

Бўлим мудури Самадга ғаша келиб қаради.

— Хулласи, — деди у, — қаранг, қидиринг, сўраб-суриштиринг. Бўлмаса, ўйлаб топинг. Ибратли материал бўлиши керак.

Самад ўз хонасига чиқиб, столи устидаги қоғозларни саралади, кераклиларини стол ғаладонига солиб, қулфлади. Сўнг хотини ишлайдиган муассасага телефон қоқиб, колхозга кетаётганини, бир неча кундан кейин қайтишини айтди.

Кун яримлаб қолганди. Самад ташқарига чиқиб, бироз иккиланиб турди: боргунча кеч киради, ётиш жойи нима бўлади? Район газетасининг мухбири майда одам, колхозда унга рўйхуш беришмайди. Колхознинг муҳташам боғи, унинг меҳмонхонаси одамлар, Москва ва Тошкентдан келган мухбирлар билан банд бўлади. Зиёфатларнинг кети узилмайди, машиналар тинмай ҳар турли масаллиқ, ичимлик, мевалар ташийдди. Мармар ҳовуз, фин ҳаммоми, биллиард ўша мартабали меҳмонлар хизматидан бўшамайди. Самадга ўхшаганларга йўл бўлсин. Бироқ район водхозда ишлайдиган ўртоғининг уйи ўша колхоз марказида. Ота-онаси ҳам Самадни яхши танийди. Шаҳарда ўқиган кезлари Мансур билан дўстлашиб қолишган, каникул пайтлари бир-бирлариникига борди-келди қилишган. Бунинг устига Мансур иккинчи фарзанд кўрибди. Баҳона билан Самад ўртоғини табриклаган бўлади. Фақат магазиндан совғасалом қилиб олиши керак. Нигора туғилганда Мансур хотини билан қўтлаб келган, совғаси — филдиракли, атрофи панжара каравотча — ҳали ҳам асқотяпти.

Самад «Болалар дунёси» магазинига кириб боши қотиб қолди: буюмлар кўп, жажжи машиначалардан тортиб велосипедгача бор... Аммо қайси бирини олса бўлади? Муяссар бўлганида дарров танларди, бунақага диди ўтқир, нима қилсин, бу вазифани ўзи бажаришига тўғри келади. Самад сотувчи жувонга маслаҳат солди:

— Совғани кимга олмоқчисиз? — сўради жувон.

— Жиянимга, — деди Самад, миясида нималарнидир чамалаб. — Ярим яшар...

— Ана, шақир-шуқур ўйинчоқлар тиқилиб ётибди, — жувон ҳар турли пластмасса ўйинчоқларни пештахтага ташлади. Бу нарсалар ҳаддан ташқари арзон эди, Самад илжайиб, бошини бурди. — Ёқмадимми?

— Жа арзон-ку, қимматроғи керак.

— Велосипедча олақолинг, — деди жувон, велосипедлар турган томонга бошини ўгириб. — Уч филдиракли. Кейинчалик минади. Ўғил бола учун бу яхши совға...

«Илғор» колхозининг марказигача бўлган йўл унча олис эмас. Лекин бирикки жойда шамол дарахтларни йўлга қулатган экан, тракторлар уларни четга суриб, йўлни бўшатгунга қадар талай вақт ўтди, Самад кеч кира бошлаганида манзилга етиб борди. Мансур ҳали ишдан қайтмапти. Самад унинг оила аъзолари билан суҳбат қуриб ўтирди. Чироқ ёқадиган пайтда Мансур келди. Улар самимий кўришдилар.

— Нега ишхонага телефон қилмадинг? — дашном берди Мансур. — Эртароқ келардим.

— Эсимга келмапти.

— Утир, ўтир, мен бир ювиниб олай, — деди Мансур ечинаётиб. — Бешўнта дарахт каналга ағанаган экан, эрталабдан тиним йўқ. Адолат! Сочиқ опчиқ!

— Ваннада тоза сочиқлар бор, — деди хотини ошхонадан бошини чиқариб. Унинг қўлида эмизикли боласи бўлиб, тўрт яшар қизи онасининг этагидан тортқилар, ғашлик қиларди.

— Берсанг-чи, болаларингни бувисига, — бақириброқ деди Мансур, хотинига ичи ачигандек бўлиб.

— Намоз ўқигани кириб кетишди, — жавоб берди Адолат, хижолатдан Самадга қараб олиб. — Ҳозир чиқишади.

— Қанақа овқат қиляпсан?

— Ош. Гуручини соламан.

— Менга бера қолинг болаларни, Адолатхон, — деди Самад, ўрнидан туриб бир-икки қадам юрди.

— Унашмайди. Бемалол ўтираверинг, — дея Адолат яна ошхона ичида ғойиб бўлди.

Ошдан кейин ҳандалак сўйишди, ҳиди ҳаммаёққа тарқаб кетди.

Терак барглари йилтиратиб, тўлин ой чиқа бошлади.

Самад билан Мансурга сўрига жой қилиб беришди. Улар йиғиштириб қўйилган пашшахонани туширишди-да, майкачан сигарета тутатишди.

— Даданг таъминот бўлимига ўтибди, — деди Мансур, ўртоғининг кўнглини овлаш ниятида. — Даромадли иш дейишади.

Ўртоғининг гапида андек киноя бордек туйилди Самадга — бу Холбоев билан қудачиликка ишора эди.

— Даромади қурсин, — Самад бироз асабийлашди. — Нега ҳам ўшалар билан куда тутиндик? Замирани нобуд қилишди. Уғли безори экан, ўша бошига етди. Зулм қилган, рашк қилган, Замира ҳамма нарсани ичига ютган, эзилган, натижада юраги бардош бера олмаган. — Самад чуқур хўрсинди. — Мендаям айб бор. Синглимнинг у йигитга кўнгли йўқлигини билардим. Билатуриб орага тушмадим, дадамдан андиша қилдим. Аслида дадам ўша тўйни жадаллаштирди, аямнинг ҳоли-жонига қўймади, қизингни унат, деб. Мана оқибати, Замиранинг ўлганига йил бўлди-ку, улар бир-бирлари билан тескари, сал нарсага жанжал кўтарилади. Ади-бадиларидан юрак безиллаб қолган, хотиним олдида уяламан.

Мансур оғир нафас олди.

— Ҳар бир хонадонда ўзига яраша ғам-ташвиш бўларкан-да, — деди у ва алланечук тараддулланиб, сўнг гапида давом этди. — Хотинимни кўр, қариб кетганини. Энди йигирма бешга кирган жувон. Ювинишга ҳам вақти йўқ. Меҳнатдан боши чиқмайди. Пилла айниқса қийин бўлди бу йил, ҳеч кимга тиним бермади. Колхозчилик, план берган, боқмасанг бўлмайди. Айниқса барг танқис, қийнаб юборди. Водхознинг иши билан район изғийман, кўзим тутда, шарт-шарт қирқаману машинага босиб қочвораман. Ушлаб олишса чопқи билан солишади миямга. Колхоз таъминлай олмайди. Не аллозда келтирган барглар гоҳо сўлиб қолади, қурт емайди... Хотин чурвақалар билан ўралашиб қолган. Боғчани қуртхонага олиб қўйишган, ҳамманинг боласи кўчада. Пилланинг ўзи бўлса кошки эди, экин бор. Унга қараш керак. Мол-қўй, рўзғор ишлари...

— Уч йил бурун колхозингизда икки қаватли болалар боғчаси қурилганди, доврўғи бутун республикага кетганди. Ушатда қурт боқишдими? — таажжубланиб сўради Самад. — Боғчани намуна қилиб кўрсатишувди. Ўзим ҳам хабар ёзган эдим.

— Намуна бўлгани қурсин, — деди Мансур асабий ҳолда қўл силтаб. — Ҳамма бало шунда-да!

Самад ўртоғидан кўзини узмай гап давомини кутарди.

— Ўша доврўғи кетган боғчада болалар уч йил мобайнида ярим ой ҳам туришмаган.

— Туришмаган? — баттар таажжубланди Самад. — Яъни, болалар ўша боғчага қатнашмаган, демоқчимисан?

— Ҳа-да! Эски боғчаларига, ўша авария ҳолатидаги чолдеворга боришади. Эски ҳаммом — эски жом! — туюқиб деди Мансур. — Ўша исқиртлик, антисанитария: оқи ситилган матраслар, ойлаб ювилмайдиган чойшаб-филофлар, шалоқ столлар, курсилар, кроватлар: тарбиячилар қўлини артадиган деразапардалар, зах ерга солинган увада шолчалар, ахлатлари суркалиб кетган болалар: маймоқ ўйинчоқлар, пачоғи чиққан алюмин идишлар... Мунақа идишда унча-мунча одам итига ҳам овқат бермайди... Э, қайсинисини айтай, ўртоқ! Шуниям ҳар йили қуртхона учун тортиб олишади. Болалар боғчага бормаганларидан хурсанд!

— Янги боғча-чи? Намунали боғча! Нима учун болалар унга қатнашмайди? Ахир боғчамисан боғча-ку! Ўзим кўрганман — икки қаватли, жиҳозлари антиқа, ўйинчоқлари кўзни қамаштиради. Гиламлар, дарпардалар, қандиллар!.. Ҳовлисида бассейн, гулзорлар, дарахтлар!..

— Тўғри! — деди Мансур ўртоғининг кўтаринки оҳангига ҳамоҳанг. —

Санаторий! Бунга колхозчиларнинг икки юз эллик минг пули сарф бўлган, ахир!

— Хўш, нега болалар бормайди? Ё бирон ишкали чиққанми?

— Ҳеч қанақа ишкали чиқмаган. Боришади, — деди Мансур захархандалик билан. — Хориждан меҳмонлар келишганда! Бир-икки соатга. Ўшандаям колхоз маъмуриятининг назоратида. Биронта бола ўйинчоққа тегиб кўрсин-чи, уриб қўлини синдиришади. Хорижий меҳмонлар ёки марказдан келган мартабаси улуғ шахслар боғчани кўриб кетишлари билан болаларни чопқиллатиб эски жойига олиб келиб ташлашади. Боғчанинг эшигига яна қулф осилади-ю, калити навбатдаги маросимгача опанинг сейфида туради... Э, Самад, ўша крахмалланган чойшаб-ёстиқларда болалар бирон марта ҳам ётишмаган. Улар одатдагидай стулчаларга омонатгина ўтиришиб олишади-да, «Оҳ, капалак-капалак» деган ашулаларини айтишаверади...

Самад ханг-манг бўлиб қолди.

— Ахир бу... кўзбўямачилик-ку, Мансур?! Нега жанжал кўтармайсизлар? Нега тек ўтирасизлар?!

— Юқоридан топшириқ шунақамиш, — деди Мансур ўзини гўлликка солиб. — Биронта муассаса намуна ҳолида сақланиши керак эмиш...

Шамол дарахтларни чайқатар, анча тепага кўтарилган ойнинг совуқ ёғдусида оқ пашшахона танҳо елканни эслатарди.

## 2

Самад колхоз раисининг кабинетидан чиқиб кетганидан кейин опа — чап лунжида қизгиш нори бор, эркакларга ўхшаган, чамаси элликларга борган семиз аёл — нохуш тин олди, ёпилган эшикка бир неча дақиқа хўмрайиб қараб ўтирди. Афтидан, Самад билан бўлган суҳбати кўнгилсиз асорат қолдирган, семиз эти ғазабдан яна ҳам шишиб бораётгандек кўринарди. Ниҳоят у, гавдасига номуносиб чаққон ҳаракат билан телефон трубкасини шарақлатиб юлиб олди.

— Асом Пардаевич! — деди у тоқатсизлик билан райком номерини териб. Гапириш тарзидан райкомдагиларни ҳам писанд қилмаслиги кўриниб турарди. — Бу қанақаси ўзи?! Тинч ишлай олмайдиган бўлиб қолдик-ку!.. Э, салом... Яхши. Сплошной гулга кирди. Суғоряпмиз... Йўқ! Суғориб бўлмагуни-мизча сувга тегмай турасизлар. Ҳа! Бошқа хўжаликлар билан ишим йўқ... Кўчат сувга тўйиши керак. Бу ёғи шамол қаддини букиб кетди... Айтдим-ку, Асом Пардаевич, бошқа колхозлар билан ишим йўқ, деб! Сувга тегманг, тепага телефон қиламан... Гарантированный ҳосил керак бўлгандан кейин, шунақа қиласиз-да... Нима?... Қанақа гап? Ҳа, айтмоқчи!.. Районингиз газетасидан бир мухбир келиб, хўп таъбимни хира қилиб кетди... Сатторов экан фамилияси, исми Самадмиш... Бу ўзи қанақа бефаросат одам?! Ҳўзаларнинг ахволи мунақа, бориб кўришнинг ўрнига, болалар боғчаси ундоқ-мундоқ, дейди; нега болаларни янги бинога ўтказмайсиз, бу кўзбўямачилик, муттаҳамлик дейди... Московни рўкач қилади, «Правда»га ёзаман, боғча болалар учун қурилганми ё меҳмонларга кўрсатиш учунми, дейди, пўписа қилади! Бир кўнглим милиса чақириб топширворай ҳам дедим, ўзимни босдим. Энди кунимиз шунақа жипириқларга қолдими? На унвоним, на мартабам билан ҳисоблашмайди!!! Қаттан топасизлар бунақа маҳмадоналарни?! Настроениямни бузиб кетди, қалтираб ўтирибман, валидол ичдим. Ҳа, энди, Асом Пардаевич, сал эви билан-да!.. Сал мундоқ жиловини тортиб қўйиш керак ўша ғаламисни! Ҳамма нарсага мунақалар тумшукларини суқаверишса, айтиб қўяй, йўлга патруль қўйдириб қўяман, қаёқдан келган бўлишса, ўша ёққа кетаверишади! Ташвишим бошимдан ошиб ётибди, пахтани ўйлайми, ё мунақанги исковичларними? Поп томонларда анув жиннироққа ўхшаганларни, биласизми, нима қилишади?.. Ҳа, балли!.. Асом Пардаевич, биров келадиган бўлса, огоҳлантириб қўйишсин, мендан сўрашсин, йўқса эшакка тескари миндириб чиқартириб юбораман!.. Кейин, ўзингиздан қолар гап йўқ, у ёқ-бу ёққа ёзиб юрмасин. Текширадиган бўлишсаям материални районимизга жўнатишади, у ақиллаганича қолаверади. Бузоқнинг югургани сомонхонагача-ю, ҳар қалай билган ундоқ, билмаган мундоқ, дейди. Қолаверса, районнинг шаънига яхши бўлмайди, олдини олиб қўйган маъқулроқ-да, Асом Пардаевич, тоза сувни лойлатмасдан аввал...

Ҳамдам машинасида кетатуриб автобус станцияси томон уч ғилдиракли велосипедча қўлтиқлаб бораётган қайнағаси Самадга кўзи тушди. Қизига велосипед олган бўлса бу ёқларда нима қилиб юрибди, уйи тескари томонда-ю, деган фикр хаёлидан ўтди, машинасини тўхтатиб саломлашишни, агар узоқроққа кетаётган бўлса, элтиб қўйишни чамалади, бироқ, ҳозир бундай нарсалар Ҳамдамнинг дилига сиғмас, у дарҳол фикридан қайтди. Аслида уйдан Замиранинг қабрига бориш, анчадан буён дилини тирнаётган, на тушида, на ўнгида ҳаловат бермай бутун вужудини исканжага олиб дунёсини зимистонга айлантириб келаётган қарама-қарши кечинмаларни яна бир карра ўйлаб чиқиш, бир қарорга келиш ҳақида ўйлаб келаётганди.

Замиранинг қазоси Ҳамдамни жуда қўрқитиб юборди. Уша жанжал бўлган кечаси тезда ухлаб қолди, кечаси ичкиликдан томоғи қақраб уйғонди, ёни бўш эди. Хириллаб хотинини бир неча бор чақирди, жавоб бўлмагач, аразлаб онасиникига кетворгандир, деб ўйлади. Ўрнидан аранг турди, майкачан ҳовлига тушди — ҳаммаёқда туман, ҳаво совуқ, эди. Ваннахонага югурди. Чироқ ўчирилмаган, ҳали кайфи тарқалмаган Ҳамдам анграиб рўпарага тикилиб қолди. Аста-секин кўзи олдида хира тасвир аниқлаша бошлади: хонанинг шифти бўйлаб ўтган чўян трубага арқон боғланган, сиртмоқда калласи қийшайиб хотини осилиб турар, оёқлари яланг, иккала қўли узун танасига ёпишган, стул кафель полда ағанаб ётарди. Ҳамдамнинг томоғидан бўғиқ қичқириқ чиқди-ю, отилиб уйига кирганча кўрпасига ўраниб олди. Томоғи қақрар, юраги гурсиллаб урар, ҳаммаёқ даҳшатли қоронғу эди.

Ҳамдам ҳушини йиғиштириб энди турмоқчи, ота-онасини уйғотмоқчи бўлиб турганди, ҳовлида кимдир йўталди. «Дадам. Ўзимни ҳеч нарсани кўрмаганга олиб ётавераман, — деган ўй яшиндек хаёлидан ўтди, — ҳозир ҳамма нарсадан хабар топади, ҳаллослаб югуриб келиб, мени уйғотади, сир бой бермайман, ўзимни билмаганга соламан». Аммо ҳадеганда отаси келавермади, онасининг ҳам овози чиқмади. Ярим соатлар чамаси ўтгандан кейин дарвозанинг очилгани, аллақандай кишининг ғўнғиллагани, дадасининг асабий товуши, машинанинг ғир-ғири, кимларнингдир дупури Ҳамдамнинг қулоғига чалинди... Уша куннинг кечига бориб, юраги экцесс берибди, деган хулоса билан Замирани кўмиб келишди. У хотинини қай тарзда кўрганини айтмади.

Биринчи кунлари бунақанги диагноз Ҳамдамга ҳатто маъқул тушди ҳам, чунки шу йўсин билан унинг қабихлиги аён бўлмас, жавобгарликка ҳам тортилмасди. Дадаси уста-да, Равшаннинг ўлимини қандай уюштирган бўлса Замиранинг диагнозини ҳам хамирдан қил суғургандек бошлади. Энди ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолаверди.

Замиранинг вафотидан сўнг Ҳамдам бетиним ичадиган бўлиб қолди. Хотинига куяяпти, ичиши аламидан, деб ўйлашди ота-онаси, қўйиб беришди. Кўчада маст-аласт юрмаса, безорилик қилиб иснод келтирмаса бўлгани, уйда ичганича ичавермайдими. Бироқ ичкилик ҳам жонига тегди шекилли, унга ҳам қарамай қўйди, ҳеч ким билан гаплашмайдиган, тунд, гўшанин билан бўлиб қолди. Гаплари кўпол...

— Уғлингни уйлантириш керак, — деди Холбоев Манзурага, Замиранинг ўлганига ярим йил тўлар-тўлмас. — Хотини эсидан арийди, ичишни камайтиради.

— Келинингизни ўлганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмай туриб-а? — деди хотини хавфсираб. — Одамлар нима дейди?

— Унаштирилган бўлса қайната ўлган уйга ҳам икки кун ўтмасдан келин туширишяпти, — деди Холбоев ижирғаниб ва қўлидаги сочиқни қоziққа улоқтирди.

— Ҳа, энди улар мажбурликдан-да, тўй муддати тайин қилинган бўлса... — эътироз билдирди Манзура опа. — Ота гўри — қозихонами, дадаси? Улик уйимиздан чиқмасаям бир нав эди.

— Уғлингдан кўнглим нотинч, — деди Холбоев четга ўгирилиб. — Бирон ишқал чиқармаса, деган хавотирдаман. Менга деса, яна бир йил ўтмайдими! Қайтага яхши, булар шунча аза тутишди, келинининг ҳурматини жойига қўйишди, дейди одамлар... Аммо-лекин Ҳамдамнинг кўр... Боши ичкиликдан чиқмай қолди... Шерикларига бўлар-бўлмас нарсаларни айтиб юрса...

— Нимани айтарди? — Манзура опа келинининг ҳақиқий ўлимини билмаганидек Равшаннинг ўлими сабабларидан ҳам, аварияни эрининг ўзи уюштирганлигидан ҳам беҳабар эди.

— Ниманими? — Холбоевнинг энсаси қотди. — Келинингни юраги ўзидан чатоқ бўлмагандир. Ўғлинг қийнагандир, анави ўлиб кетган йигитга рашк қилиб... Неччи марта ўласи қилиб урди, кўчага чиқолмай юрди. Тағинам ориятли экан, кўкарган кўзини танғиб онасиникига кетиб қолганида, биласанми, нима бўлиши мумкин эди? Судга беришса, ўғлингни қамаб юборишарди. Мени ишдан четлаштиришарди. Утирардик, оҳимизни худога айтиб...

Холбоевнинг ҳадиги асосли эди. Ўғли Замирандан айрилиб қолганига аламзада бўлиб юрипти, кайф аралаш алжилаб қўйса, Равшаннинг ўлими билан боғлиқ бўлган тафсилотлар ўз-ўзидан очилиб кетади, унда одамларнинг оғзини тўсиб бўлармиди? Висир-висирлар чувалашиб, вазият эпакадан чиқади, ёмон тус олади. Нима бўлмасин, Ҳамдамни тезлик билан уйлантириб қўйиш зарур, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади, виждони қийналмайди. Хотин — ширин, унинг шираси қандай мураккаб нарсаларни четга суриб ташламайди...

— Хўмрайиб юришини қара, — деди Холбоев кўчага келиб тўхтаган машинага қараб ва стулдаги костюмини олиб кия бошлади. — Хотинини худди мен ўлдиргандек. Ўзидан кўрсин, хумпар, камроқ азоб берсин эди. Гаплашиб кўр, — у каравот ёқасида бошини қуйи солиб ўтирган хотинининг олдида тўхтади. — Кўнглида биронтаси бўлса, айтсин...

— Мени жеркиб беради, — деди Манзура опа бироз жим тургач четга қараб. — Эркаксиз, ўзингиз гаплашинг. Сизнинг йўриғингиз бошқа. Мен бўлак ишларга бош қўшарман — совчиликка бориш, расм-русум...

Мавруди келмадими ёки янги келин ҳақида сўз очишни ўзига эп кўрмадими, ҳар қалай анча пайтгача ўғли билан суҳбат очишга Холбоевнинг юраги дов бермай юрди. Аммо ўғлининг кун сайин авзойи бузилиб бормоқда, бир кориҳол юз бермай туриб у билан гаплашиб олиш керак. Бироқ Ҳамдам ҳам отасининг ниятларини сезиб юрса-да, суҳбат очилишини истамас, унинг қилмишларини кутилмаганда юзига солишидан ҳайиқарди. Бу ёқда Замиранинг ўлими ҳақида гап очилиши муқаррар. Унда... Тўғри, Ҳамдам хотинига ҳар доим кўрслик қилиб келди, беҳуда рашк билан дилига озор берди, қизганди. Уни бағрига босганида гоҳо кўзига тикилар, кўнгли Равшандалигини англаб олгиси келар, оғзидан рашк қилишининг беҳудалигини эшитишни жуда истар бироқ у кутган гап чиқмагач, баттар эзилар, хотинига ништар ургиси келарди. «Мен аҳмоқ, — деб ўйларди Ҳамдам ўз изтиробларидан жизғанак бўлиб, — нима қилардим шунга уйланиб? Ахир бошқа йигитга унаштирилганлигини билардим-ку! Ўз бошимга ўзим уқубат орттирдим...» Аммо қизганса ҳам, рашк қилса ҳам Ҳамдам Замирани ўзига хос муҳаббат билан севарди. Равшаннинг ўлимига доир сирни айтиб юборгани — шахсий ғурурини ҳимоя қилиш, охириги зарба билан хотинини тавбасига таянтириш, қолаверса, ўзининг ҳамма ишга қодир ва зўр эканини кўрсатиб қўйишдек аянчли бир тадбир эди. Шу беҳуда ҳаракати билан суюкли хотинидан, бўлажак фарзандидан жудо бўлди. Ушанда Замиранинг дилидан қанақанги даҳшатли фикрлар ўтди экан? Табиий: «Ҳали мен севгимни ўлдириб, менга уйланиб олган қотил билан яшаб юрипманми, ҳали мен шу номарддан фарзанд кўраманми?! — деб ўйлаган. — Мунақанги разил, сотқин билан яшадан кўра ўлганим афзалмасми?! — деган фикрга борган».

Ҳамдам аввалига дадасининг тадбирларини донолик, деб топди, чунки шу билан ўша кезларда унинг ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган таҳлика бартараф қилинган эди. Замиранинг ўлимига дахлсизлигини билган Ҳамдам ичида севинди, ичкиликка берилди, бу ҳол жонига текканидан сўнг эса ақли тиниқлашиб, қандай мудҳиш иш қилиб қўйганини эътироф эта бошлади. Ахир бу ўлим тасодиф натижасида рўй бергани йўқ-ку! Равшаннинг ҳаётига бўлган сууиқасд совуққонлик билан режаланган ва бу режа ўйлаб туриб амалга оширилган: севгилсидан маҳрум қилиб, Замирага эришишган, ажал оғзига олиб боришган. Бу ҳам етмагандек, юраги хаста экан, деб бари айбни унга қўйиб, кўмиб юборишган. Ўзлари оппоқ бўлиб бу ёқда қолаверишган... Бундан ортиқ яна қанақа қотиллик бўлиши мумкин? Ахир ҳаёт одамга бир марта берилади, бировнинг ҳаётини тортиб олишга буларнинг қандай ҳаққи бор?! Бу гуноҳи азим билан қандай яшайди Ҳамдам? Ахир уни дилида кўтариб юриш —

юз минг жазодан баттар-ку!.. Демак, Ҳамдам қаерда ва ким билан бўлмасин, нақадар бахтли онларни кечирмасин, Замиранинг, Равшаннинг руҳи, қиёфаси кўз олдидан нари кетмайди... Бундан ҳам ортиқ мудҳиш азоб борми одам учун?..

«Ўзим кимман? — ўхтин-ўхтин ўйлайдиган бўлиб қолди Ҳамдам. — Тайинли бир касбим йўқ. Институт аросатда қолди, сиртқи бўлимига ўтиб, уни ҳам ёлчита олмадим... Хотиним ўзини осиб қўйди, қотил бўлиб ўтирибман... Дадам мунақа: кўнглига ўтирмаган одам бўлса пайига тушади, бадарға қилади, ёстиғини қуритади, мансаб улашади, пора олади...»

Равшаннинг қай йўсинда ўлганлигини онаси билмайди: ота-бола орасидаги сир. Наҳотки, Замирани ҳам ўз ажали билан ўлди, деб ўйласа? Балки, сиртмоқда осилиб ётган аҳволда кўрмагандир. Уша куни ҳовлида товуши эшитилмаганди... Отаси билан тил бириктириб олишган бўлишса-чи?! Онаси ҳам шундай разил, мунофиқ бўлса-я?.. Наҳот?..

— Ўғлим, ишхонангга бормай қўйибсан, уч ойлик маошинг ётганмиш, — деди бир куни Холбоев креслода терсайиб ўтирган Ҳамдамга ва ўрнидан туриб, телевизорни ўчирди. — Бориб олмабсан ҳам.

— Ишламаганимдан кейин қайси юз билан бориб маошни оламан?..

— Жилла қурса, ўқишингни ўйласанг бўларди, етти йил бўлди-я, — Холбоев ўзини базўр босиб турарди. — Атрофдагилар гап қилади. Энди булар иш бўлди, хотининг тирилиб келмайди. Ҳадеб куйинаверма. Ичишни тўхтат, эс-ҳушингни йиғиб ол. Онангни қара, сени деб чўп бўлиб кетди. Раҳм қил.

— Мен-ку, майли-я, ўзини қаранг, — деди онаси, жанжал чиқиб кетишидан ҳадиксираб. — Овқат емайди, уст-бошига қарамай қўйди. Уйда бўлса, чурқ этиб овоз чиқармайди, хуноб қилиб юборди одамни. Куйиш ҳам эви билан-да...

— Менга қара, Ҳамдам, — Холбоев креслога ўтирди. — Шунча вақт ўтди, етар. Турмушни ўйлаш керак энди. Еш боламассан. Биронта кўз остингга олганинг бўлса, айт, иложини қилармиз. Бизга йўқ дейишмас.

Ҳамдам шартта ўрнидан туриб даҳлиз томон бораркан, кескин орқасига ўгирилди.

— Иложини қилармиз!.. — заҳархандалик билан сўз қотди у: кўзлари ғазабдан чақнар, вужуди қалтирар эди. — Агар биронтаси билан унашиб қўйишган бўлса-чи?! Аввалгидек униям иложини қиламизми?

— Бақирма! — ўшқирди Холбоев. У ўғлининг овозини атрофдагилар эшитишини истамас эди.

Ҳамдамнинг онаси ҳайрон бўлиб эрига қаради. Холбоев гап очилганидан пушаймон бўлди, чунки кўп нарсалардан беҳабар хотинининг олдида кераксиз сирлар очилиб кетиши мумкин эди.

— Майли, ўғлим, қизишма, — деди у гапни бўлак томонга буриб, хотинига жим бўл, деган маънода қўл силтаркан. — Агар вақт масаласида андишага бораётган бўлсанг, ихтиёринг, биз шошилтирмаймиз. Шунчаки манфаатингни ўйлаб гапирдик-да. Онанг шунақа девди, менам кўнибман, у ёгини ўйламапман. Кечир, ўғлим...

— Кечирмиш, — пичинг қилди Ҳамдам. — Қилар ишни қилиб қўйиб...

— Ўзи нима гап? — аланглаб сўради Манзура опа.

— Нима ишни қилиб қўйиб?! — ғзаби қайнаб сўради Холбоев. — Ўзингмасми, қўярда-қўймай қисталанг қилган, икки оёғимизни бир этикка рўбарў қилган?..

— Ахир сизлар ота-она! — тутоқиб гап отди Ҳамдам. — Нега қайтармадинглар? Нега бу иш яхшимас, қиз унаштирилган, демадинглар?! Мен-ку такасалтанглик, тантиқлик қилибман, нима учун оғзимга урмадинглар?!

— Гапга кирмадинг-ку, хумпар! — ўшқирди Холбоев. — Неччи марта айтиб кўрдик, инсофга чақирдик, унамадинг-ку ўзинг! Уламан саттор, олиб берсаларинг ҳам олиб берасизлар, олиб бермасаларинг ҳам деб, ҳоли-жонимизга қўймадинг-ку! Уйга ўт қўяман, ўзимни пичоқлайман, деб туриб олган ким эди?! Энди гуноҳни бизга ағдармоқчимисан? Агар сен тентак ўжарлик қилиб туриб олмаганингда бир бечора, бировнинг фарзанди ўз ниятига етган бўлармиди, шунча мусибатлар бошимизга тушмаган бўлармиди!.. Балки, мана мундай сўққабош бўлиб юрмасдинг, бошқасига уйлансанг неварга кўрган бўлардик, ҳозиргидек сўппайиб ўтирмасдик!.. Қайтармадиларингмиш яна!..

Онасининг аланглашидан Ҳамдам билдики, у Равшаннинг ўлимидан ҳам, келинининг ўзини осганлигидан ҳам беҳабар, агар Ҳамдам отасидан аламини олиш ниятида яна ўчакишса ҳамма нарса аён бўлади. Даҳшатли сирдан воқиф бўлган онаси чидай олармикин, у ҳам бир гўр бўлмайдими?! «Иложини қиламизми?» деган сирли ибора билан отасининг юрагига ғулғула солиб қўйди, етар. Шунинг учун Ҳамдам можарони чўзиб ўтирмади, уйига кириб, ўзини кроватга ташлади, йиғлаб юборди...

Зарҳалланган чўян панжаранинг ич томонидаги скамейкада Ҳамдам сукут сақлаб ўтирар экан, талай бир-бирига зид ўйлар хаёлидан ўтар, уни азобга солар, нимадир қилишга ундар эди. Замиранинг қабрига ўрнатилган мармар хотира топ-тоза, ҳўқачадаги гуллар яп-янги, атроф сув сепиб шипирилган эди. «Онаси келгандир, — ўйлади Ҳамдам. — Бечора... Ойдек қизидан айрилиб ўтирипти. Шўрликнинг нима эзфиргани бор эди? Соппа-соғ қизини касал, юраги хаста экан, дейишса... Ишониб юришипти, текшириш кераклиги хаёлларигаям келмади-я!.. Агар экспертиза талаб қилишса — бўларди томоша! Ана унда кўрсин эди дадам, бировга панд бериш қанақа бўлишини! Мен-ку кесилиб кетардим, балки ҳозир бирон ўрмонзорда дарахт қулатиб юрармидим... Дадам ҳам кўрарди кўргилигини... Э, биз-ку, қанақа бўлмасин, бир кунимизни кўрардик. Замира-чи?! Нега уйдан чиқиб кетмади? Нега дод солмади? Нега ғазабини ўзига қаратди, ўз жонига қасд қилди? Нега лоақал мендек аблаҳни ўлдириб, миямни болта билан янчиб, кейин ўзини осмади?! Ахир ўчини олган бўларди-ку! Ифлос оилага панд берган бўларди-ку! Эътиқоди зўр экан... Шундай қизни хор қилибман-а, мен итвачча... Қандай яшаш керак бу ёғига? Қандай? Шундай разилликдан сўнг умуман ҳаққим борми яшашга?..»

4

Замира узатилганига бир неча ой бўлганида анъанага кўра иккала томон «куёв чақириқ», «қуда чақириқ» қилишди. Жалол ака қанча Холбоевнинг оғзига қарамасин, ундан садо чиқмасди. Пайти келганда ишидан норози эканини қистириб ҳам кўрди. Аммо Холбоев ўзини ё пайқаманликка солди, ёки қудасини дарров дурустроқ жойга ўтказса гап-сўз бўлишини истамади. Аслида-ку Жалол ака нима учун Ҳамдамга қизини бериш тарафдори бўлганини, ҳатто бу борада кўп ҳаракатлар қилганини Холбоев биларди, албатта.

— Дада, — деди бир кун Самад зиёфатдан кейин, — намунча қудангиз олдида хушомад қилмасангиз? Ҳаммалариям меҳмон, баравар қараш керак-да. Сиз нуқул унга мулозамат қиласиз, икки кўзингиз ўшанда.


— Қуда бўлганидан кейин ҳурматини бажо келтириш керак-да, ўғлим, — деди Жалол ака сир бой бермай. — Бўлмаса одобни билмайдиган бефаросат одамлар экан, деб кетишарди...

— Ҳурматини бажо келтириш керак, албатта, лекин бунчалик хокисор бўлиб эмас-да... — деди Самад ранжиб. — Холбоев биронта гапингизни охиригача эшитгани йўқ.

— Замирани ўйлайман-да, ўғлим, — деди Жалол ака андак мулзам бўлиб. — Унга ёмон қарашмасин, дейман...

Замира Холбоевлар хонадонига келин бўлиб тушгандан сўнг ҳамма нарса жуда силлиқ кетаётгандек эди. Аммо Сожида опа қизининг кўзига зимдан назар ташлар, унда ҳеч қандай қувонч аломатини кўрмас, бундай лоқайд ҳолатини камтарлигига, одобига йўяр, уйига келиб узокроқ ўтириб қолса: «Борақол болам, кеч бўлиб кетди, ёш келин, қоронғига қолсанг хунук бўлади», деб иложи борица тезроқ жўнатиб юборарди. Бу ҳаракат: «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит», қабилида бўлиб, аслида Муяссарга панд эди. Чунки, келини ишдан кейин йўл-йўлакай онасиникига кириб, кўпинча кеч қайтарди. Сожида опа бир неча бор қизининг самимий кулганини кўрди, юраги таскин топди. «Хайрият, — деб ўйлади у ич-ичидан қувониб, — қизим янги оилага кўника бошлабди... Қиз зоти шунақа, аввалига фироқ қилади, кейинчалик бирам иноқ бўлиб кетадики, гўё шунча кўзёшлар бўлмагандек. Ҳалиги: «Куёвингиз ундок деди, куёвингиз бундоқ деди, куёвингиз фалон нарса олиб берди. Куёвингиз... куёвингиз...» дегандай Замира бирон марта ҳам бундай гапларни тилига олмади, онаси суриштирадиган бўлса, «тузук, яхши» деб





кўярди, холос. Самимий кулишларининг боиси — бўйидаги боласи эди. Ҳаёт қандай кечмасин унинг ўз қонунлари бор. Жуфтлик, наслни давом эттириш билан боғлиқ лаззат: завқ, она бўлиш, юрагинг остида муштдек бир жон яралиши, шакллана бошлаши... Нақадар ҳаяжонли. Бироқ Замира бу хабарни онасига айтишга ошиқмади. Орият кучлилиқ қилди, бунинг устига турмушидан мутлақо рози эмас эдики, дунёга келаётган бола баҳона пайдо бўлаётган қувонч билан ҳам ўзини ўзи алдай олмасди. Уйдагилар унинг бу қувончидан тириклигида ҳам, устига тупроқ тортилгандан кейин ҳам беҳабар қолишди.

Кутилмаганда юз берган фожиа Холбоевни ўйлатиб қўйди-ю, Замиранинг вафотидан кейин ҳафта ўтар-ўтмас қудасини янги ишга ўтказди.

Жалол ака энди элликка кирган, чиройли айёлларни кўрса бефарқ ўтолмас, бақувват киши эди. Янги лавозимга тайинланганидан сўнг аввалги корхонасида ишлайдиган ёш бир жувонни ўз идорасига ўтказиб олди. Салимахон бир йил яшамай эридан ажрашган, кўзга яқин жувон бўлиб, Жалол ака у билан унча-мунча ҳазиллашиб юрар, кўнглини топиш нияти йўқ эмас, бироқ қимматбаҳо совғалар билан ўзига оғдиришга қўли калталиқ қиларди. Ёшлиқнинг кети, қарликнинг боши — ҳамён кўтарса айш қилиш гуноҳми? Буёқда қўли беш-тўрт танга кўрадиган бўлиб қолди. Маошни-ку тўла рўзғорига беради, аммо бошқа йўсин билан орттирганини эски пальтоси чўнтагига яшириб келади. Тузуккина тўпланиб қолган. Фақат Замиранинг йили ўтсин, ундан кейин Жалол ака кўнглига тугиб қўйган режаларини ими-жимиди амалга ошираверади, виждони қийналмайди. Нега қийнасин? Хотинини жағи очилган: қизимизнинг сиз жувонмарг қилдингиз, деб аюҳаннос кўтаргани-кўтарган, на ётиш-туришда, на емишда ҳаловат бор... Шу ҳам ҳаёт бўлдимми? Бунақада авлиёси ҳам йўлдан чиқади-ку!..

Шубҳасиз, Жалол ака суюкли қизидан жудо бўлгач, қаттиқ изтиробга тушди: Замирага меҳри бошқача эди, ўлими уни қарахт қилиб қўйди. Анчагача ҳушига келолмай юрди, мусибатни англагач, вужуди ўртанди. Пешонасини алам

билан муштлади. «Отанг ўлса бўлмасмиди, болам?!» деб фиғон чекканида кўпчиликнинг кўзидан ёш чиқди.

Замиранинг йили Жалол аканикида ўтадиган бўлди. Бунга Холбоевнинг шахсан ўзи бошчилик қилди. Иккита дошқозон осилди, ўн-ўн бешта кўй сўйилди, маросимга мингдан зиёд киши келди. Шу кунни Холбоев буюртирган, қабрга ўрнатилган мрамар-ёдгорликни ҳам очиш маросими бўлди. Замиранинг мактабидан ўқувчи-пионерлар келиб, ёдгорлик олдида саф тортиб туришди, мунгли куй янгради, яқин одамлар нутқ сўзлашди. Ташқаридан бу маросим Замиранинг хотирасига бағишлангандек кўринса-да, аслида Холбоевнинг ўзи учун, ўз мартабасини улуғлаш учун уюштирилган тадбир эди. Холбоевнинг режиси маълум жиҳатдан амалга ошди ҳам — кўплар тасаннолар айтди, ўзини ғарибгина тутиб, мулозамат қилиб турган Холбоевнинг қўлини сиқишди. Ҳамдамга ҳеч ким қарамади ҳам.

«Оббо дадам-эй! — деб ўйлади Ҳамдам, бунақанги дабдабадан у ҳам ҳайратланиб. — Нақадар уста-я! Нақадар доғули!..»

## 5

«Илғор» колхозининг раиси телефонда район газетаси мухбири устидан шикоят қилиб, ўдағайлаганидан сўнг, Асом Пардаевич ўйланиб қолди. Опа областдагина эмас, республикада донғи кетган, энг юқори лавозимдаги раҳбарлар билан ҳам данғал гаплашаверадиган, мақтовларга ўрганиб қолган аёл. Унинг гапини иккита қилиб бўлмайди. Асом Пардаевич тугул, муросаси чиқишмай қолгудек бўлса, область бошлиқларини ҳам думини тугворишга қурби етади: юқорида орқа қиладиган одами бор-ки, ҳеч ким «мушугини пишт», дея олмайди, ўз колхозида-ку, мутлақ шахс, ҳаммани зир югуртиради. Хўжалиги мустақкам, даромади зўр, колхозчилари тўқ-тотув яшашади. Шунинг учун опа нима тадбир қўлламасин, ҳеч ким мулоҳаза қилиб ўтирмайди, барча кўрсатмаларини ҳозиржавоблик билан маъқуллайверади. Маъқулламай кўрсин-чи!..

Мухбир Опанинг қаҳрига учрабдими, демак унга нисбатан Асом Пардаевич бирон чора қўллаши, қўллаган чораси ҳақида Опани хабардор қилиши лозим. Йўқса, «гапимни инобатга олмапсиз», деб бир ҳунар чиқаради, тўннини тескари кийиб олади, ўчакишиб қолади. Опа тутганини қўйиб юбормайдиганлардан, бир нарсаси киришдимми, тагига етмай қўймайди. Агар Асом Пардаевич устидан тепага арз қилса, албатта унинг далилларини ҳисобга олишади. Унда Асом Пардаевичнинг ҳоли нима кечади? Ахир шу мансабга эришиш учун қанчалар тиришмади: каттани ака, кичикни ука, деди, йўлини қилди — совхозига янги ер очди, сув олиб борди, ўзлаштирди. Кейин уни райиҷрокомга раис қилиб тайинлашди. Уч йил ишлагандан кейин райкомга кўтарилди. Мана ҳозирда областга олишармиш, деган гаплар юрибди. Энди битта қанақадир мухбир туфайли ўсишдан, поғонама-поғона кўтарилишдан тўхтаб қолсинми? Мунақа мухбирлар унга нима бўлибди, бир имо билан масаласини ҳал қилиб юборади. Газетадагиларни сиқувга олади, айтадиган гапни айтади, муҳаррир ходимининг биронта камчилигини — ё ишга кеч келишини, ё ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошишини, ё яна бир бошқа жузъий айбини топади, бўрттиради, паттасини қўлига ушлатиб, ишдан ҳайдайди. Вазифасидан айрилган мухбир типирчилаб қолади, ҳар томонга хатлар ёза бошлайди... Бу — тўғри эмас. Бошқа чора қўллаш зарур. Шунанга усул ишлатиш керакки, бечора мухбир ўз қилган ишидан пушаймон бўлсин, хато қилганини тан олсин, кетарида унга кўрсатилган ишончдан мамнун бўлсин, ўзини бахтиёр ҳис қилсин. Мунақангиларни шу йўсин билан қуролсизлантириш керак. Узи мухбиру ёзувчиларнинг норозилиги ҳам, алами ҳам битта нарсадан — уларда амал йўқ, унча-мунча қалам учидан келадиган ҳақни демаса ойликка кун кўришади, шунинг учун қотириб яшаётганларни кўришолмайди. Ҳарқалай уларнинг қўлига тушмаган маъқул. Бунинг учун нима қилиш керак? Суяк ташлаш керак!..

Опанинг колхозида кўз-кўз қилинадиган фақат боғча биноси эмас, шунга ўхшаш бир қанча объектлар борлигини Асом Пардаевич биларди. Янги қурилган мактаб, уч қаватли Маданият саройи, уч-тўртта дала шийпони, ҳатто бир неча колхозчининг уйлари... Уларда ҳамма нарса муҳайё. Бироқ Маданият саройи деганимиз катта маросимлар ёки хорижий меҳмонлар ташрифи

муносабати билан очилар, дала шийпонлари мутлақо қулф-калитли, очилса ҳам уст-боши чанг колхозчилар у жойга киришга ботина олишмас, ўрганиш бўлиб қолган ариқнинг ёқасидаги шолчада юмалаб ҳордиқ чиқаришарди. Бино ичидаги жовонда ўнга яқин колхозчи учун яп-янги кийимлар илиғлиқ туради. Меҳмон келадиган бўлса шу аъзолар қидириб топтирилади, улар ҳам ўз вазифаларини яхши билишади — дарров ювиниб, либосларини алмаштиришади, юмшоқ креслоларга ўтириб газета ўқиш, кўк чой ичишга киришишади. Бу ёқда рангли телевизор, кондиционернинг шабадаси, дастурхонларга хўжа кўрсинга қўйилган мевалар, патирлар, шоколадлар...

Намуна учун қурилган биноларнинг эгалари умуман эски, ота-оналаридан мерос қолган жойларда яшашади, бу кошонага аҳён-аҳёнда келиб экинларга қарашади, гулларни суғоришади, у ёқ-бу ёқни супиришади, хуллас, кўрса кўргудай аҳволга келтиришади-ю, ўзлари туришмайди, туришни ҳам исташмайди, негаки, ўрганишмаган — бировникига ўхшайди...

Асом Пардаевич одат тусига кириб қолган бундай тадбирларни билади, унга раҳнамолик қилади, ўзини жавобгар ҳис этади. Чунки, кўрсатма шундай. Гиламлар солинган дала шийпонларига ҳамма чанг-чунг аҳволда кираверса, ҳали ўзини эплай билмайдиган чурвақалар чиннидек ярқираб турган хоналарда тўс-тўполон кўтаришса, паркет полларни ифлос қилишса бир ҳафтада ҳамма нарсаси расво бўлади-ку!.. Унда улуг меҳмонлар ташриф буюрганда нимани кўрсатишади? Ахир ҳар бир шунақа кошонада таассурот дафтарлари бор: зиёфат илинжидаги сайёҳлар ўзларининг қалб сўзларини ёзиб қолдиришлари керак-ку!.. Мухбир Сатторов битта болалар боғчасини кўрибди — шунга солар экан-да!.. Йўқ, уни қуролсизлантириш керак. Бузоқнинг югургани сомонхонагача!..

Асом Пардаевич селекторни босди.

— Мирвалиевни уланг, — деди у ёрдамчисига. — Газета редактори...

Ҳа. Яхсиси қабулимга чақира қолинг. Соат бешга.

6

Самад колхоздан таъби хира бўлиб қайтди. Ҳашаматли бино бу ёқда қолиб боғчага айлантилган ташландиқ ҳовлида уймалашиб юрган чанг-чунг болалар хаёлидан нари кетмасди. Опа бўлса, бу вазиятни хаспўшлаш ўрнига баланд келди: «Ишлашга халақит берманг, вақтимни олманг, жўнанг!» деб кабинетидан чиқариб юборди. «Бу қанақа зўравонлик? — аччиғи келарди Самаднинг. — Сен нима, ҳокиммисан? Кўраман ҳокимлигингни! Ёзаман устингдан кўзбўямачи, типирчилаб қоласан ҳали!..»

Самад, албатта, қўймайди бу ишни, кетига тушади, тагига етади. Бироқ Опа таниқли одам, унга бас келадиган мард керак. Мақолани республика матбуоти-га юборса босишга журъат қила олишмайди. Москвага жўнатса, республикадан сўрашади, «босиб чиқарса бўладими, йўқми?» деб. Лекин барибир бу нарсани қолдириб бўлмайди. Опанинг таъзирини бериб қўймаса, кўнгли ўрнига тушмайди. Ҳақорат қилди-я! Ҳайдаб солди-я!

У ҳовлига ўрнатилган душга кириб ювинаркан-артинаркан, Опага бўлган кек хаёлидан аримас, дилини пармалар, ором бермас эди. Ичида кимлар биландир мунозара қилар, баҳслашар, тортишар: хаёлида ўзининг жўшқин далиллари билан рақибларини енгар, тиз чўктирар: рақиблари эса ночор аҳволда Самаддан кечирим сўрар, ялинар, илтижо қилар эдилар...

— Ухлаяпсизми? — Муяссарнинг таажжубли овози эшитилди. Самад кўзини очди, қулайроқ ўтирди.

— Чарчабман шекилли, — эринчоқлик билан хотини келтирган овқатни кавлай бошлади. — Аям қани?

— Қабристонга кетишди, — деди Муяссар тик турган ҳолда. — Нодира билан.

— Ҳм... Дадам-чи?

— Юргандирлар, пана-панада ялло қилиб, — деди Муяссар киноя билан. Бу Самадга ёқмади, у қовоғини солди. Ҳозиргина онаси билан қизи қабристонга кетишганини эшитиб, хотинини ичкарига имламоқчи эди, энди ҳафсаласи пир

бўлди. — Келадилар-да, апил-тапил кийимларини алмаштириб чиқиб кетадилар, худди ёв қувгандек. Ойим билан гаплашмайдилар ҳам. Эркак киши ҳам шунақа аразчи бўладими?

— Қўявер, — деди Самад бошини кўтармай.

— Ярим қоп ҳандалак ташлаб кетдилар, — деди Муяссар ютиниб. — Ейсизми, опкелайми?

— Йўқ. Узинг есанг, опкелавер.

Муяссар индамади.

— Юмушинг борми? — сал асабийлашиб сўради Самад.

— Нимаиди? — Муяссар эрининг саволини бўлакча тушунди ва илжайиб кўйди.

— Нега тик турасан ясовулдек, ўтир, — деди Самад ва қўрслик қилганини фаҳмлаб, қўшиб кўйди: — Дам ол.

Самаднинг охирги хаспўшлашига қарамай, барибир хотинининг дили оғриди.

— Туришим билан ишингиз нима? — араз оҳангида деди у. — Овқатингизни есангиз-чи, кавлайверасизми, ҳадеб? Атала қилиб юбордингиз!.. Ясовулмиш тагин... Ясовул ўзи нима?.. Бирон бир ёмон сўздир-да...

— Ёмон сўз эмас, — Самаднинг кулгиси қистади.

— Ёмон сўз эмасмиш... Нима б-бало, тўнингизни тескари кийиб кебсиз, тинчликми?

— Тинчлик, — деди Самад, хотинининг кўнгли учун жилмайиб, аммо ўтган кечинмалар эсига тушди-да, яна қовоғи уйилди, сездирмай хўрсинди.

— Сизни сўраб райкомдан одам келувди-я, эсим қурсин, — деди Муяссар жонланиб.

— Райкомдан? — таажжубланди Самад. Кейин: «Опа кўнғироқ қилибди-да, — деган хаёл дилидан ўтди. — Мана энди бошланади сўроғу терговлар. Мақолани талаб қилишади. Сиёсий тус беришади, жазо ўйлаб топишади... Ҳарқалай Холбоев қариндош-ку, қараб турмас, аралашар, савалатиб қўймас...»

— Борармишсиз... — Муяссар эрининг авзойи бузулганини кўргач, хавогирга тушиб қолди. — Тайинлаб кетди...

— Нимага экан, айтмадимми? Ким келди ўзи?

— Айтмади. Кимлигини сўрамадим. Баъзан кўчада кўриб қоламан: ГАЗ — 24 ҳайдаб юради.

Самад соатига қаради, вақт еттидан ошибди. «Ҳозир борсаммикин? — ўйлади у. — Улар кеч қоронғигача тарқалишмайди, колхоз-совхозлардан сводка кутишади. Ҳуқмларини эшитаман — гап бир ёқлик бўлади... Агар эртани кутсам, қандай тонг оттираман? Унда юрагим тамом бўлади-ку! Таваккал... Қўрққанидан чопқиллаб келибди, деб ўйлашса-чи? Бормасам, намунча ўзини тарозига солмаса, дейишади, мундан ҳам ўян топишади. Нима қилсам экан-а? Холбоевга учраймикин? Биронта маслаҳат берар, ҳимоя қилар. Райкомдагилар Замиранинг йилига ҳам келишган, мрамар тош қўйилиши муносабати билан ташкил қилинган йиғинда ҳам иштирок этишган... Хунук гапга ўхшайди. Шунинг учун Холбоев бу воқеадан хабардор бўлса ҳам мени огоҳлантирмабди. Гапи ўтмаган кўринади, демак, унга учрамаганим маъқул: хижолат чекади, юпатмоқчи бўлади, айбни ўзимдан кўради...»

## 7

Ҳамдам бугун ҳам қабристонга йўл олди. У Замиранинг гўри томон бораётган эди, кўзи невараси Нодира билан секин-аста келаётган қайнонасига гушди. Ўзини четга олди. Сожида опанинг ранги сўлиққан, пешонаси рўмол билан танғилгани учун бўлса керак, қовоқлари бўртиб чиққан, ёши қуриган кўзлари қизғиш тортган эди. «Бечора, — ўйлади Ҳамдам, уни дарахт шохлари орасидан кузатиб. — Қариб қолибди. Қанақа очиқ, лобар аёл эди... Ғусса енгиб қўйибди...»

Сожида опа невараси билан узоқлашгач, Ҳамдам турган жойидан шошмай чиқди, Замиранинг қабри устига бориб, алла маҳалгача қимир этмай скамейкада ўтирди. Кейин, нималарнидир дилига тугиб, уйига қайтди.

— Дадам қани? — сўради Ҳамдам, орқароқдаги тўқима креслога оғир чўқаркан.

— Ичкарида, — дея жавоб берди онаси, ўғлига синовчан назар ташлаб олиб. — Телефонда гаплашяпти.

Ҳамдам бир неча дақиқа индамай ўтирди-да, тўсатдан ўрнидан туриб, юқори хонага кўтарилди. «Пул-мул сўрайди шекилли», — ўйлади Манзура опа ва телевизор томоша қилишда давом этди.

У хонага кирди-да, жим туриб қолди. «Ҳа, бу томонидан хотиржам бўлаверинг, Асом Пардаевич, — дея гапида давом этарди Холбоев. — Боя учрашганимизда айтдим-ку, анча сипо йигит деб. Ўзим синаганман, кузатганман... Йўқ, йўқ, қайтмаган бўлса керак, югуриб борарди... Бўпти, одам жўнатаман, хабар олдиртираман... Хўп, Хайр...»

Холбоев телефон трубкасини жойига қўйиб, бир дақиқа ўйга толди. Кейин, зийрак тортди, гўё қандайдир гаплари даҳанида илиниб қолгану тўкиб юбормоқчи бўлгандек бошини силкитаркан, ўғли томонга ўгирилди.

— Гаплашмоқчимисан?

— Йўқ, — деди Ҳамдам қатъий. — Сизда гапим бор...

Ҳамдамнинг авзойи бузукроқ, кўз қарашида ёт бир мавж бор эди, отасининг дили кўнгилсиз нарсани сезди, аммо у буни билинтирмади, ўзини тетик ва гап тинглашга тайёр қилиб кўрсатди.

— Хўш... қани... — Холбоев стулга ўтирди-да, савол назари билан ўғлига тикилди.

— Нега унақа қилдингиз?.. — Ҳамдам хода ютгандек тик турарди.

— Тушунмадим, ўғлим...

— Замирани айтмоқчиман.

— Хўш? Нима бўпти? — хийла асабийлашиб сўради Холбоев.

— Улимани айтаман-да...

— Бу янгилик эмас-ку, ўғлим... Хотинингни ўлганига бир йилдан ошди.

Камроқ ичиш керак.

— Унинг юраги соппа-соғ эди.

— Шунақами? — елкасини учирди Холбоев. — Нимадан жони узилибди бўлмаса? Балки, сенинг тўполон-жанжалларингдандир?

— Унинг юраги соғ эди, дада! — таъкидлаб гап қотди Ҳамдам.

— Врачлар алдашибди-да, яхши текширишмабди-да... — деди Холбоев ва чиқиб кетиш учун ўрнидан кўзғолди. — Бўлар иш бўлди, ўғлим, ўтган, ишга саловат. Уринсиз гумонлар билан ўзингни қийнама, ўлганни тирилтириб бўлмайди. Врачлар ундоқ диагноз қўйди, мундоқ қўйди — ҳозир нима аҳамияти бор? Агарда нотўғри бўлса-ю, тўғри диагноз қўйишганида вазият ўзгарармиди? Юраги бўлмаса бошқа бир ҳужайраси ишдан чиққан бўлиши мумкин дир. Балки руҳий касали бор дир, балки тутқаноғи бўлса, ўша тутиб қолгандир. Уни эпилепсия, дейишади врачлар: ёмон дард, ҳеч қандай белгиси сезилмайди, тўсатдан кўзғаб қолади... Хуллас, Замиранинг ёнида ҳеч кимнинг йўқлиги чатоқ бўлган: кайфда қотиб ётгансан, хотининг сени уйғотишга улгурмаган... Мунақа ҳодисаларни кўп эшитганман. Тутқаноғи бор одамлар, одатда сув бор жойдан нарироқда юришаркан, чунки дард тутган пайтда бемор сувга қуласа, тамомакан...

Холбоев шунча гапларни худди ёд олгандек гапириб ташлар экан, ўғли унинг маккорлигидан ҳайратга тушар, ичида — «Оббо дадам-эй! Оббо доғулией!» деб ўйларди.

— Қўй, энди, — деди Холбоев қўлини ўғлининг елкасига қўйиб. — Онангнинг аҳволини кўр, тутдек тўкилиб турибди. Уни ўйла, эртанги кунингни ўйла. Виждонан хотинингга аза тутдинг, мана бир йилдан ошди. — Холбоев босиқ, хотиржам гапирар, ўғлининг оғиз очишига йўл қўймасди. — Уртоқларингни кўр, ҳаммалари бола-чақалик. Рўзғорларида барака. Қачонгача сўққабош бўлиб юрасан?... Аҳволингни кўриб, ичимиз ачийди. Ахир бизгям раҳм қил-да, ўғлим! Бизнинг ҳам ҳамма қатори орзу-ҳавасимиз бор, неварга кўриб, қувнагимиз келади...

— Замиранинг юраги соппа-соғ эди! — тоқати тоқ бўлиб ўшқирди Ҳамдам. — У ўзини осган!...

Холбоев анграйиб қолди:

— Осган?!

— Ҳа, осган!

— Ким айтди сенга бу бўҳтонни?

— Узим кўрганман! Ваннахонада!..

Холбоевнинг кўзлари пирпираб, тили калимага келмай қолди. Кейин, бирдан ўшқирди:

— Бўлмаган гап! Кўришинг мумкин эмас!.. Маст ҳолда ухлаб ётган эдинг... Тинч ҳаётимизни кўролмайдиган бир аблаҳ миянгга шу гапни қуйган, сени йўлдан оздирмоқчи бўлган! Юрагингга ғулғула солган! Шу билан бизни адо қилмоқчи... Сен, галварс, ишониб юрибсан-а! Неча ойлардан бери ичингда сақлаб, ўзингни-ўзинг қайраб келаётгандирсан?! Ахир онанг бу гапни эшитса, шу заҳотиёқ жон беради-ку! Наҳот сен шу қадар худбин, тошбағир одамсан!..

— Дада, — деди Ҳамдам бошини эгиб. — Мен бу ҳақда кўп ўйладим. Ҳамма айб ўзимда. Ужарлик қилиб туриб олмаганимда шунча ташвиш йўқ эди: анави Равшан дегани ҳам аварияга учрамасди, Замира ўлмасди, унаштирилганига теккан бўларди... Мен ҳам... тақдирга тан берардим, сизлар ҳам шунча маломатга қолмасдинглар. Шу, айбимга яраша жазо олишим керак! Милицияга бориб ҳаммасини айтаман!..

— Сен-а?!

— Ҳа, дада, бўлмаса, менга дунё қоронғи, яшай олмайман... Жинни бўлиб қоламан. Ҳалиям жинни бўлиб қолганимга ҳайронман. Беш йил бўладими, ўн йил бўладими, жазомни тортиб келиб, ундан кейин, агар омон қолсам, янгича турмуш қуришни ўйлайман. Гап шу. Мен бу ердаги милицияга бормайман, уларнинг ҳаммаси сизга қарам, гапимга қулоқ солишмайди. Ниятимни шаҳарга, сизни танишмайдиган жойга бориб амалга ошираман. Одамлар сўрашса, ўғлим армияда, хизматда, дерсиз.

— Армияга?! — Холбоев шошилиб сўради. У алланечук мамнун эди. — Ҳа, ҳа, икки йил хизмат... Бу ҳам жазога ўтаверади. Яхши айтдинг! Икки йил ичида яна ўйлаб кўрарсан, шаштингдан қайтарсан, яранг битиб кетар...

— Йўқ, дада, армия қамоқ эмас. Айбимни фақат қамоқда ювишим мумкин!

— Мен-чи? Мен нима бўламан? Онанг нима бўлади? Масаланинг бу томонини ўйладингми? Тергов чувалашиб, гап Равшаннинг ўлдирилишига бориб тақалса, унда нима бўлади? Авария атайлабдан уюштирилган!.. Унда ҳеч ким омон қолмайди. Қанча одамларнинг бошига етасан. Утирамик ота-бола битта камерада! Агар олий жазо берилмаса... Менга қара, Ҳамдам, жон ўғлим, ҳушингни йиғ. Ҳозирги кунда қанақа мард ўзини милицияга топширади? Қанақа ботир қилмишларини бўйнига олади? Биронта шунақа одам борлигини биласанми? Кўрганмисан? Сохта мардликнинг кимга кераги бор?.. Қилаётган ишинг қаҳрамонлик эмас, тентаклик! Зиёлиларга хос васваса! Виждон... Диёнат... Масъулият... Қалб нидоси... Бу — зиёлилар ўйлаб топган қуруқ гаплар! Ақлингни йиғиштириб ол, бола!..

— Равшанни гапирмайман, дада, фақат Замирани айтаман. Қийнадим, урдим, шу даражага обордим-ки, дастимдан ўзини осди, айбдорман, мени қаманглар, жазо беринглар, дейман!

— Э, бола, ғўрсан-да, ғўрсан, — деди Холбоев худди ёш боладек куйиниб. Шундай ўзига бино қўйган, салобатли, сипо одам ўғлининг олдида кичрайиб, аянчли бир бечорага ўхшаб қолгандек эди. — Улар шунақа пандавақи одамлармиди? Текширишади, гўрни очдиришади, унда нега мунақа диагноз билан дафн қилдиларинг, ким мундан манфаатдор бўлган, деб кавлаштиришади, гап менга келиб тақалади. Сен, менинг пушти-камаримдан бино бўлган фарзанд, бошимга шу қора кунларни солмоқчимисан?! Волидангни ўлдирмоқчимисан?! Ҳароми ҳам мунақа жаллодлик қилмайди, аблаҳ; Безори! Энди ниятларим амалга ошадиган бир пайтда-я!.. Номзодимни райкомга тавсия қилишаётган бир маҳалда-я?! Оқ қиламан! Агар... агар бу шаштингдан қайтмасанг, Равшаннинг кунни бошингга тушади!..

Ҳамдам отасидан ҳамма нарсани кутган, аммо бунчалик тубанликка кетишини хаёлига келтирмаган эди — лол бўлиб қолди.

— Мени-я?!

— Ҳа, сени!

— Амал, деб, ўз ўғлингизни-я?!

— Шайтоннинг уясини ўзинг қўзғадинг! Ўзинг!

Ҳамдам йиғлаб юборди.

— Болам, жон болам... — Холбоев ўғлини маҳкам қучоқлаганча уни ўпа кетди, қалби алғов-далғов, ҳўнг-ҳўнг йиғларди.— Нима қилардинг шу гапларни менга айтиб-а?! Адо қилдинг-ку!.. Утинаман, аянг билмасин, ҳеч ким билмасин. Ўзи... ўзи замон шунақа... Замонга қараб қадам ташламасанг, у сени четга чиқариб ташлайди, ҳеч кимни аймайди, ўғлим, шуни доим миянгда сақла...

8

Холбоев «гаплашиб» олишлари асноси ўғлининг аҳволи оғирлигини, унинг қўлидан ҳамма бало келишини тушунди. Ҳамдам ўз хонасига кириб кетгач, у ётиш учун жойни ташқарига солдираркан, машина филдираклари ҳавосини бўшатди, калитни чўнтагига яшириб қўйди. Эрталабгача тик этса, кўзини ярқ этиб очиб, деярли ухламай чикди.

— Дарвозани қулфлаб ўтир, — деди тонг отгач хотинига. — Ўғлингни уйдан чиқарма. Кўз-қулоқ бўлиб тур.

— Нима учун? — деди хотини хавотирланиб.

— Мияси айниб қолганга ўхшайди...

— Йўғ-э! — Манзура опа ёқасини тутди. — Бу нима деганингиз? Нега мияси айниркан? Биноидек, ақли-ҳуши жойида. Камгап бўлиб қолган, холос. Бу куйишдан...

— Куйишданми? Бошқа балоданми, — Холбоев хотинининг гапини бўлди. — Хуллас, гап шу! Юриш-туриши бежо. Бир хатарни бошламаса, деган хавфдаман. Уйдан чиқа кўрмасин! Бирор ҳаракат қилса менга телефон қил, етиб келаман. — Холбоев ниманидир сезиб ёнига қаради: турсичан Ҳамдам қўлини эшик раҳига суяб турар, қиёфаси алланечук эди. — Эшитдингми?

— Эшитдим, — деди Ҳамдам хотиржам тарзда. — Хавотир бўлманг, дада. — У бир неча дақиқа тин олди. «Энди ўлигим чиқади», демоқчи эди, негадир айтмади. Онасини аяди. — Мен уйдан чиқмайман...

— Ўғлим, — дея Холбоев Ҳамдам томон яқинлашди. — Утинаман, дандгнн абгор қилма. Агар кўчага чиққудек бўлсанг, не-не хаёлларга бориб ўтираман. Чарчагансан, асабинг толиққан. Дам ол. Ухла. Чўмил. Ҳадеб кераксиз нарсаларни ўйлаб, ўзингни сиқма. Истасанг, доктор юборай, кўрсин, шояд... — Холбоев хотинига бир қараб олди-да, у тушунмас, деган хаёлда гапининг давомини рус тилида давом эттирди. — У тебja сейчас кризис, сынок, понимаешь? Мания... Это пройдет. Тебе надо много спать. Много отдыхать. Меньше надо думать. Понял?

Ҳамдам «тушундим» маъносида бош силкиди.

— Молодец. Ну, теперь могу я идти на работу? Могу я там быть спокойным?

— Конечно, папа, — деди Ҳамдам киноя билан. — Учинили домашний арест. И маму приставили. Сторожить! Чего зря волноваться?

— Сторож бўлмаيمان! — деди Манзура опа кўнгли ниманидир сезиб, хафаҳол аҳволда. — Ўзингиз сторож бўлинг! Кейин, йўқ деганимга қараб ўтирармиди, ўғлингиз? Хирсдек нарсa. Пошел, дейди — кетаверади, боши оққан томонга! — У алам-аччиқ билан столдаги идишларни суриб ташлаб, стулга ўтираркан, кўзига ёш олди. — Умуман ўзи нима бўляпти? Ораларингда нима сир бор? Ахир мен онасиман-ку!.. Е ҳовлингиздаги чўри, жамалак-жинниманми? Нуқул четга сурасиз, одам ўрнида кўрмайсиз... Ўғлингиз тумтайгани-тумтайган, худди хотинини мен ўлдириб қўйгандек... Адо бўлдим-ку!..

— Жим, атрофдагилар эшитади! — Холбоев хотинига ўшқирди. — Энди сеники қолувди!

— Бўлмаса... — она ўғлига қараб зорланди. — Сен айт, нима гап ўтган?..

Ҳамдам шартта бурилиб, ичкарига кириб кетди. Манзура опа овозини чиқармай юм-юм йиғлар, этаги билан ёшини артарди. Холбоев ўзини бепарволикка солиб ҳовлидаги телефон трубкасини олди.

— Алё! — деди, ҳеч қандай кўнгилисизлик бўлмагандек, хотиржам. — Бегимов ишдами?.. Қачон келади?.. Уйининг телефони неччи?.. Бўпти. — У бошқа номерни терди. — Хуррам Бегимович?.. Яхшимисиз?.. Холбоевман...

Раҳмат. Хуррам Бегимович, одамларингиздан биттасини бизникига юборинг... Кейин айтаман... Ҳа, шунчаки... эҳтиёткорлик. Ҳозир келсин, ўзим кўрсатма бераман... Кутаман...

Холбоев трубкани қўйиб, орқасига қайрилди. Ҳамдам даҳлизда отасига қараб турарди. Отаси эсанкиради, аммо ўзини тутиб олди. У кўрмоқчи бўлган тадбири ўғлининг дилида нафрат уйғотиши мумкинлигини ҳисобга олмаган эди, ичида бекор қилганини англади, бироқ энди кеч эди, «тамом-вассалом» дегандек намоишкорона бурилиб, ўз хонасига кўтарилди. Манзура опа ҳамон унсиз-унсиз йиғлаб ўтирарди.

Холбоев ичкаридан галстугини тақиб чиқди. Столдаги чойнакдан чой қўйиб ҳўплади-да, тақ этиб пиёлани жойига қўйди. У асабий эди.

— Дада, ундан кўра мени қаматиб кўя қолинг, — Ҳамдам рўбарўда аянчли жилмайиб турарди. — Тинчроқ бўларди...

— Керак бўлса қаматиб қўяман!..

— Нега бўлмаса қамоққа борай, десам, ижозат бермадингиз?

— Сенинг боришинг билан менинг топширишимда фарқ катта!..

— Вой! — Манзура опа бақрайиб қолди. — Қамоқ?! Қанақа қамоқ? Ҳозир шунга чақиргандингизми? Эсингизни едингизми, дадаси?..

— Шанғиллама! Узинг сторож бўлмайман, дединг-ку!

Дарвозанинг кўнғироғи жиринглади. Холбоев чақон одимлар билан бориб эшикни очди. Ташқарида милиция формаси кийган одам турарди. У мулозамат билан қўлини кўксига қўйиб Холбоевга салом берди. Холбоев алиқ олиб, милиционерни ичкарига имлади ва дарвозахонада унга нималарнидир уқтира кетди. Милиционер унинг гапини эшитгани сари таажжубланар, бир даҳлизда турсичан турган Ҳамдамга, бир Холбоевга қарарди.

— Нима учун, Холбоев ака, — тушунолмаё сўради ниҳоят милиционер. — Ахир ўғлингиз-ку?!

— Сиз топшириқни бажаринг, — деди Холбоев қатъийроқ оҳангда. — Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин. Юринг! — Холбоев милиционернинг қўлтиғидан олиб ҳовлига бошлади. Милиционер мулазам ҳолда тисарила-тисарила Холбоевга эргашди. — Мана стул. Хоҳласангиз мана тўқима кресло. Мана чой. Шу ерда ўтирасиз. Тамом!

— Итни ечиб юбораман! — ўдағайлади Ҳамдам.

— Итдан кўрқаман, — деди милиционер. — Бир марта талаган, юрагимни олдириб қўйганман. Телефон қилинг, жон ака, бошқа одам юборишин! Мен бу ишга ярамайман... Қариб қолганман...

— Тўппонча борми? — ўшқирди Холбоев.

— Бор.

— Уқланганми?

— Билмадим...

— Қаранг!

Бутун вужудига титроқ кирган милиционер анчагача пистолет қинини оча олмади. Ҳамдам уни кўздан кечириб турар, бир кулгиси, бир ғазаби келарди. Ходим ниҳоят қуролни олиб Холбоевга узатди.

— Мен нима қиламан муни? Узингиз кўринг!

— Боракан, — деди ходим тўппончасидаги ўқларни текшириб кўриб. — еттита экан. Етадимми?

— Мен қаттан билай? — энсаси қотди Холбоевнинг. — Мўлжалингизга боғлиқ.

— Тўғри...

— Узингиз умрингизда тўппонча отганмисиз?

— Машғулотларда.

— Бўлмаса бундай: агар итни ечиб юборса, отасиз! Вассалом! Мўлжални тўғри олинг, бу ёғига ўзим жавоб бераман.

Холбоев яна алланималарнидир унга тайинлаб уйдан чиқиб кетди. Ҳамдамнинг кўзига ҳамма нарса хунук, маънисиз, манфур кўринарди. У бироз тишларини ёғирлатиб турди-да, жон-жаҳди билан айвон устунини муштлай кетди.

— Вой, болагинам, сенга нима бўлди?! — Манзура опа ўғли томон отилди. Онаси яқинлашаётганини пайқаган Ҳамдам шарт бурилиб уйига кириб кетди.



эшикни қулфлаб олди. — Ҳамдам, жон болам онангга раҳминг келсин, нега мунақа қиласан? Юрагингда борини айт! Агар бировга ишқинг тушган бўлса, эрил, дадангни қўлидан келмайдиган иш борми? Ким ўзи, ўша сени девона қилган? Агар эри бўлса ҳам ажратиб оламиз. Айтсанг бўлди, болажоним...

Эшикда Ҳамдам кўринди. Унинг кўзлари вазоҳатдан ёнар эди.

— Сиз ҳам шунақа дейсизми, ая?! — Ҳамдам ич-ичидан тўлганиб бир оз гурди-да, яна қарсиллатиб эшикни ёпиб олди.

Манзура опа зинада ўтириб қолди. Милиционер Ҳамдамнинг бекиниб олганидан мамнун. Чунки, боядан бери итнинг ечиб юборилишидан қўрқиб ўтирганди.

— Сўлақмондек бўлиб ўтираверасизми? — Манзура опа милиция ходими-га қичқирди. — Зерикмаслигингиз учун ҳали гапга ҳам солиб ўтиришим керакдир?

— Нима қилай, буйруқ шунақа... — милиционер лалайиб ўрнидан турди. — Узим суқилиб келибманми? Кетавераман! Ҳайдаб юборишди, дейман.

— Айтаверинг, — деди Манзура опа қўлини силтаб. — Ҳайдаворишди, денг!

Ходим бир оз саросимада депсиниб турди-да, эшик томон юраркан, чиндилдан, кўлини кўксига қўйиб деди:

— Раҳмат-э, раҳмат!

Манзура опа тўзғиб кетган сочларини силаб-тузатиб, ўрнидан турди, дарвозахонага бориб, кўчага мўралади — милиция ходими аллақачон ғойиб бўлибди. У дарвоза эшигини қулфлаб, калитини чўнтагига солмоқда эди, ҳовли томондан милтиқ товуши эшитилди.

## 9

«Нима бўларкин? Нима дейишаркин? Қандай ўзимни ҳимоя қилсамикин? Тилимни бермай, айтганимда туриб олсам-чи? Ё айбимни бўйнимга олиб, тавба қилайми, хато мендан ўтди, энди бу иш қайтарилмайди дейми?..» Шунга ўхшаш саволлар эрталабгача Самадга ҳаловат бермади, нотинч ухлади. Тушига бепоён денгиз кирипти. Танҳо ўзи чорпояда ўтирганмиш, тебранармиш, атрофда ҳеч нарса, ҳатто олисдаги қирғоқлар ҳам кўринмасмиш, денгизнинг зимзиё қаърида баҳайбат мавжудотлар сузиб юрганмиш: гоҳо сув ютиб юборгудай қутирармишу чорпоя суянчиғига суянганча Самад дод, деса овози чиқмасмиш... Муяссар эрини уйғотди.

— Бирам инградингиз-эй!.. Туш-пуш кўрдингизми?

— Ҳм... — Самаднинг овози дўриллаб чиқди. — Совуқ чой борми?

— Холодильникда.

Самад гандираклаб, яланг товони билан полни гуп-гуп босиб, даҳлизга чиқди. Сутдай ойдин, нарсаларнинг кўланкалари қора эди. Холодильникдан сарғиш ёруғлик тушди. Самад чойнакни олиб симириди, муздек сув баданига роҳат таратди, юрак уруши бир маромга кела бошлади. Совуқ ҳавода бир оз тургач, қайтиб кириб ётди. Хотинининг эти иссиқ ва силлиқ эди. Қучоқлади. Мудҳиш тушдан кейин хотинига қапишиб ётиш унга хуш ёқарди. Яна тушини ўйлай бошлади, уни кўнгилсиз нарсаларга йўйди: «Якка ўзим... Кимсасиз денгиз... Маҳлуқлар... Тахталари кўчган чорпоямиз... Наҳот гумонларим тасдиқланса? Наҳот калтаклашса?..» Самаднинг уйқуси қочди, бироқ эрталабгача анча бор, қандай тонг оттиради? Бироз хаёлни чалғитиш керак. Хотинини сийпалашга тушди... кейин чарчаб, ухлаб қолди.

Уйғонганида ҳаммаёқ ёруғ, ёнида хотини йўқ эди. Сапчиб ўрнидан турди. Соат ўндан ошибди, қўрқиб кетди. Ювинишга тушди, соқолини қирди, апил-тапил кийинди, галстук тақди, нонушта қилмай кўчага отилди...

Самад кабинет эшигини оҳиста очиб, ичкарига кирди. Унинг оёқлари қалтирар, юраги ашаддий урар, кўзлари ваҳимадан бежо эди. Асом Пардаевич танимагандек Самадга тикилиб турарди. У бир нарса эсига тушгандек, кулимсиради.

— Келинг, кираверинг, Самад Жалолович.

Самад зил бўлиб кетган оёқларини аранг ишга солиб, ўрнидан турган Асом Пардаевич истиқболига юрди, қалтироқ қўлларини узоқдан чўзиб у билан

кўришди. Стол биқинида кўзойнакли бир одам ўтирарди. У билан саломлашди-ми-йўқми — билмайди.

— Яхшимисиз? — сўради Асом Пардаевич, Самадга синовчан тикилиб.

— Раҳмат, Асом Пардаевич...

— Утиринг, марҳамат, биз ҳозир, — Асом Пардаевич четроқдаги стулни кўрсатди, ўзи кўзойнакли ходим билан бўлинган суҳбатини давом эттирди.

Самад қатор қўйилган стулларнинг бирига бориб ўтирди, муллаваччалардек қўлларини тиззасига қўйиб, одоб билан кута бошлади. У бу ерга киришдан аввал кабинетда бир тўда баджаҳл одамларни кўраман, деб ўйлаган, Асом Пардаевич унинг бақриб қарши олишини кутган эди. Аммо вазият мутлақо бошқача бўлиб чиқди. Баджаҳл одамлар йўқ. Асом Пардаевичнинг эса, муомаласи мулойим... Барибир Самад бу мулойимликка унчалик ишонмасди. «Шунчаки ўзини маданиятли қилиб кўрсатяпти, — ўйларди у. — Ҳозир муносабат усули шунақа. Ширин сўзлар билан жонингни олишади...»

Асом Пардаевич суҳбати охирида қанақадир топшириқлар берди, нималарнидир уқдирди, кўзойнакли ходим ўрнидан туриб, кабинетдан чиқиб кетди.

— Яқинроқ ўтиринг, Самад Жалолович, — деди Асом Пардаевич Самадга жилмайиб. Самад туриб у кўрсатган стулга ўтирди. — Хўш, ишлар қалай?

— Раҳмат, Асом Пардаевич, бир нави, — деди Самад, ҳамон ҳадиксираб. — Йўқлаган экансиз... Топшириқ билан кетувдим. «Илғор»га. Кеч келдим.

— Ҳа, дарвоқе, — деди Асом Пардаевич, — «Илғор»... Роса уларни... нима, деймиз?.. Обориб-опкепсиз?

— Энди, Асом Пардаевич...

— Тўғри қилипсиз, — деди Асом Пардаевич қатъий. — Камчиликсиз иш бўлмайди. Сизга ўхшаган замонавий ёшлар ўша камчиликларни йўқотишда ёрдам беришларинг керак. Четдан кўзга ташланади. Умидимиз сизга ўхшаган принципаал кадрларда. Ул-бул нарса ёзгандирсиз?

— Ҳали қоғозга туширганимча йўқ...

— Қоғозга туширинг... Уқиймиз...

— Майли...

— Самад Жалолович, — Асом Пардаевич жиддий тортди. — Биз сизни безовта қилганимиз... Бир фикр туғилиб қолди... Уртоқлар билан маслаҳатлашиб бир қарорга келдик... Партия аъзосимисиз?

— Ҳа, — деди Самад ҳозиржавоблик билан. — Аъзосиман. Фақат стажим кўп эмас. Энди икки йил бўлди.

— Зарари йўқ. Сизга ўхшаган замонавий, билимдон, ишнинг кўзини биладиган, қолаверса, ватанпарвар кадрлар керак бизга. Уртоқ Мирвалиев билан суҳбатлашдик... Яхши фикрда. Уртоқ Холбоев сизни яқиндан танир экан, хулласи, агар қарши бўлмасангиз, Самад Жалолович, таклифимиз бор.

— Яъни?

— Яъни, бизга ўтинг, демоқчиман. Райком аппаратида ишлаб кўринг.

— Райком аппаратида? — Самад ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Ҳа. Бир ходимимизни ўқишга жўнатдик. Малака оширишга. Инструкторлик ўрнига сизни олмоқчимиз. Албатта, яхши ишласангиз, қийинчиликлардан қўрқмасангиз тажриба ошади, оқ-қорани танийдиган бўласиз. Хўш, бу таклифга нима дейсиз?

— Нима дердим, Асом Пардаевич, — Самад севинчини базўр босди. — Агар мени шу вазифага муносиб, деб топган экансизлар... беҳад миннатдорман... Кучимни аямайман... Узингизнинг қўл остингизда бўлиш... Ишончингизни оқлашга тиришаман. Раҳмат!

— Бўпти, — Асом Пардаевич ўрнидан турди ва қўлини Самадга чўзди. — Келишдик.

— Раҳмат!.. — Самад ҳаяжондан тик туриб Асом Пардаевичнинг қўлини тутди.

— Номзодингизни бюрога қўямиз, — деди Асом Пардаевич. — Тасдиқлашади, деб ўйлайман. Энди, чиқинг-да, умумий бўлимдан керакли қоғозларни олинг, тўлдириб беринг. Расмий томонини ҳам бажариб қўйиш керак.

— Албатта...

— Хайр, Самад Жалолович, — деди Асом Пардаевич ва яна бир нарса

ёдига тушгандай унга мурожаат қилди: — Ҳа, дарвоқе... — Самаднинг юраги шувиллаб кетди: «Индаллосини энди айтади...» — «Илғор» ҳақидаги мақола битса, нима қилмоқчисиз?

— Мақола?.. Агар ёз, десангиз, майли ёзаман. Бўлмаса...

— Баракалла, — деди Асом Пардаевич Самаднинг сезгирлигига қойил қолгандек. — Тўғри ўйлабсиз, укам. Унча-мунча камчилигимиз бўлса ўз кучимиз билан бартараф қила қолганимиз маъқул. Ички ишимизни бутун республикага ёйиб нима топардик? Ҳозир, Самад Жалолович, пахта очилган пайт. Бизга ўтқунингизга қадар битта мақола эълон қилинг. Бу ёққа ўтганингизда ноқулайроқ бўлади. Одамларнинг руҳини кўтарадиган, меҳнатга сафарбар қиладиган мақола бўлсин. Кейин, Опа ҳам хурсанд бўлади.

— Тушундим, Асом Пардаевич, — дарров жавоб берди Самад. — Бўлади мақола! Тўғри марказга жўнатаман. Бунақа материал тез ўтади.

— Ҳа, бу гап бўлак! Омад тилайман.

Самад ташқарига қандай чиқиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. У ўзини гўё баланд қоядан хатлаб ўтгандек ҳис қиларди. «Нақадар маданиятли одам-а! Камтар!.. Агар у кишининг ўрнида мен бўлганимда ўзимни шундай тута олармидим? Йўқ, тута олмасдим. Биз бу ёқларда ивирсиб, майда нарсаларга ўралашиб юрамиз, муҳим йўналишларни пайқамаймиз, ўз кўндоғимиздан фикр юрташимиз. Мана қанақанги кенг, атрофлича тафаккур қилиш лозим...»

Самад оёқ остидаги ерни сезмай кетар экан, ҳаммани кучоқлаб ўпгиси, бақиргиси келар эди... «Мен аҳмоқ шундай одамлардан шубҳа қилиб юрибман-а! Ўзимнинг нақадар мажруҳ гумонларим, дардларим билан-а... Уят, уят, уят!.. Булар район, республика, халқ манфаатларини деб сиёсий зийраклик билан фаолият олиб боришса-да, бизга ўхшаган ғаламислар улкан тадбирлар моҳиятини тушуниб етмай кўрган нарсадан кир қидирсак, дастак қилсак, шу кайфиятни мутлаққа кўтарсак, ахир бу сиёсий ожизлик-ку, синфий тубанлик-ку! Киришаман, жонимни аямайман!..»

У ижрокомнинг янги қурилган уч қаватли биноси олдига келганида Холбоевни эслади. Боя Асом Пардаевич унинг номини тилга олди. Мирвалиев-ку, айтилган гапларни маъқуллаган холос. У нима, райкомнинг раҳбари редакция ходимини ишга жалб қилмоқчи бўлса эътироз билдира олармиди, рози бўлади, мақтайди, кўкларга кўтаради. Негаки, редакция ходимининг райком аппаратига ўтиши ўзи учун ҳам обрўли бир гап. Демак, коллектив шундай кадрни тарбиялаб етиштирган. Қолаверса, редакцияга Самадни Мирвалиев ишга олган, сабоқ берган, тўғри йўлга солган. Агар Самад ўз фаолиятида маълум муваффақиятга эриша олган бўлса, бунда Мирвалиевнинг ҳам ҳиссаси йўқ эмас, ютуқларига шерик. Мирвалиев эътибор бермаганида Самад даста-даста дафтар қўлтиқлаб, диктант текшириб юрарди. Шунинг учун Самад амал пиллапоясидан кўтарилса, Мирвалиев ундан имтиёз кутишга ҳақли. «Миннатдорлигимни айтиб қўйишим керак, — ўйлади у ҳозир домласи хусусида, гарчи бу хаёл ижроком биноси олдида туриб Холбоев ҳақидаги мулоҳазадан бошлаган бўлсада. — Аввал Холбоевга учрашим керак. Асосий ижрочи Холбоев. Хатарнинг олдини олибгина қолмай, ҳатто шу вазифага мени тавсия қилиш ҳам қўлидан келган. Асом Пардаевични кўндирган, ишонтирган. Нега бўлмаса мени огоҳлантирмади? Шундай хабар-а!.. Мулоҳазали одам, ўйлаган. Башарти Асом Пардаевич фикрини ўзгартирса мулзам бўлиб қолишдан чўчиган, бугунги суҳбатни кутган. Кириб айтаман, хурсанд қиламан. Нияти рўёбга ошганидан мамнун бўлади, шубҳа қилмай мени табриклайди. Яна йўл-йўриқ кўрсатади, хато қилишдан асрайди. Унар Холбоевич кўпни кўрган, расамадли одам. Унинг маслаҳатидан чиқмай юрсам натижаси чакки бўлмайди. Замиранинг йил маросимини қанақа ташкил қилди? Хотира тошини-чи? Мунақа ёдгорлик район тугул областдаям йўқ! Мармарнинг ичига Замиранинг тасвирини ўйдиргани-чи? Устаси тошга жон киргизиб юборган, санъат асари дейсан!.. Дону одам Холбоев. Зукко... Ҳамма харажатларни ўзи кўтарди. Сахийлик шунчалик бўлади-да! Мана энди мени қўллаб-қувватлапти. Бошидан сув ўгириб ичсанг арзийди...»

Самад дадил қадам ташлаб, ижроком биноси зиналаридан ҳатлай-ҳатлай, ичкарига кириб кетди. Холбоевнинг кабинети кенг, ёруғ бўлиб, Асом Пардаевичникидан қолишмасди: биллур қандиллар, деворлари ўйма-ганч: гиламлар,

ипак дарпардалар, ноёб столлару креслолар... Холбоев телефон қилаётган экан, трубкани қўйиб, Самад билан кўришди.

— Яхшимисиз, Самаддон? — сўради Холбоев столга кўндаланг қўйилган стулларга ўтирганларидан сўнг. — Уй ичилар қалай, бардам юришибдимми?

— Раҳмат, Унар Холбоевич, юришибди, — мулоим жавоб қилди Самад. — Узингиз яхшимисиз?

— Ёмон эмас, — Холбоев Самадга синовчан тикилди. — Хўш, нима янгиликлар бор?

— Ҳозир райкомдан келяпман, Асом Пардаевич чақиртирган эканлар.

— Биламан, — Холбоев Самаднинг гапини бўлди. — Узим сизни кутаётувдим.

— Айтдилар Асом Пардаевич.

— Шунақами? — Холбоев мамнун бўлганини яширмади. — Маслаҳатлашгандик. «Илғор»га бориб жанжаллашибсиз, аввалига бироз жаҳллари чиқди, кейин вазиятга тушундилар. Мана энди... табрикласак ҳам бўлади...

— Шу, раҳмат...

— Кечирасиз, — Холбоев жиринглаб қолган телефон трубкасини олди, ранги қув ўчди. — Нима?!.. Йиғламай гапир!.. Ҳамдам?!.. Милтиқ?!.. Ҳозир бораман...

Холбоев Самадга нимадир деди-да, югуриб кабинетдан чиқиб кетди. Самад тик турганича анграйиб қолди: «Бирон фалокат юз берди, чоғи... Ҳамдам... Тез ёрдам... Тавба!»

Тула бўлишига қарамай Холбоев ҳовлига отилиб кирди.

— Нима бўлди?!

Даҳлизда нима қиларини билмай у ёқдан-бу ёққа ҳаллослаб юрган Манзура опа эрини кўриб хўнграб йиғлаб юборди. Полга ўтириб, тиззаларини шапатилар бошлади.

— Нима бўлди, ўзи?!

— Билмадим, — хотини ув тортди. — Милтиқ отилди... Уйдан... Вой мен ўлай!..

Холбоев бора ёпишган эди, дастаси суғирилиб чиқди-ки, эшик очилмади. Деразадан қараган эди, парда орқали ҳеч нарса кўринмади.

— Ҳамдам! — бақирди Холбоев, дераза ойнасига оғзини яқин олиб бориб. Жавоб эшитилмади. — Милиса қани?

— Кетди. Ҳайдадим.

— Милтиқ овозини эшитдимми?

— Йўқ, кетувди.

Холбоев асабий бош силкиб қўйди... Кейин, бостирма тагидан болта олиб чиқди. Хотини дарвозани қулфлагач жон-жаҳди билан эшикни чопа кетди. Айни чоғда мияси тафсилу кўриладиган тадбирлар билан банд: Ҳамдам ўзини бир нарса қилиб қўйган бўлса органга бориб айтмайди. Демак, сир сирлигича қолади... Аммо ўғлининг ўлимини қай йўсинда ошкор қилиши мумкин? Ўзини отиб қўйган бўлса, энди юқорилайман деб турган пайтда... Замирани-ку, юраги хастага чиқарган, кўмдириб юборган эди. Ҳамдам...

Эшикнинг тахтаси кўчиши билан Холбоев қўлини суқиб, калитни буради. Уйга кирди-ю, остонада таққа тўхтади-қолди. Турсичан Ҳамдам мукка тушиб гиламда ётар, чап курагининг тагроғи ўпирилган, қон оқарди. Холбоев уни ағдарди. Ҳамдамнинг эти ҳали илиқ, аммо очиқ кўзлари нурсиз қотганди. Ортдан кириб келган хотини «оҳ!» деди-ю, ағанади.

— Ҳам-да-а-м!..

Холбоев ўғлининг қонга беланган кўкрагига қулоқ босди. Жон аломати йўқ. У ўкраб-ўкраб йиғлар, жон ҳолатда полни муштларди. Кейин тасмасига ўралашиб ётган ов милтиғини олиб ташқарига отилди, бор кучи билан уни дарахтга уриб синдирди, ҳожатхонага ташлади. Энди жазавадан фойда йўқ, бирон чора кўриши зарур. Холбоев телефонга югурди, номер тера бошлади. Қулоғига юққан қоннинг шираси трубкага чип-чип ёпишар эди.

— Алё! — бақирарди у. — Ким бу?.. Менга бош врач керак!.. Холбоевман... Бўтаев!.. Тез етиб келинг!.. Машина билан... Хотиним ҳушидан кетиб қолди...

Холбоев трубкани жойига қўйди-да, столдаги косани олиб кран томонга кетаётган эди, Самадга кўзи тушди.

— Тинчликми? — сўради Самад.

— Тинчлик, тинчлик, — деди Холбоев, бирдан жиддий тортиб. — Самаджон, сиз бораверинг, укам. Вазият шунақа... Кейин гапириб бераман. Кейин... — Холбоев Самаднинг тирсагидан олиб, кўча томон бошлади.

— Бирон бир ёрдам керакдир. Унар Холбоевич?

— Йўқ, йўқ, Самаджон, — Холбоев Самадни юлқигандай эшик остонасидан ташқарига чиқариб қўйди. — Безовта бўлманг. Хайр.

Самад кўчага чиқиб қолиб, мулзам ҳолда бир неча дақиқа нима қиларини билмай турди. Кейин, Мирвалиевни эслаб, ишхонаси томон йўл олди. Мирвалиев — олтмишларга кирган, камсоч боши пачок, ранги заҳил, қулоқлари катта одам Самадни кўриб кутилмаганда илжайди, ўрнидан туриб тавозе билан қарши олди.

— Салом алайкум, Асрор Ҳамидович.

— Салом, салом, — Мирвалиев Самад билан қўл олишиб кўришди-да, ўз жойига бориб ўтириб, пиёлада чой узатди. — Марҳамат. — Хўш, эшитайлик, нима янгиликлар бор?

Мирвалиев Асом Пардаевич билан бўлган суҳбатни эслади. У тезроқ янгиликни эшитишга ошиқар, бўлажак ўзгаришда ҳиссаси борлигидан мамнун, миннатдорчилик сўзларини кутарди. Агарда Самад ана шу сўзларни айтса, ўзини Мирвалиев олдида қарздор деб билгани: келажақда шунга муносиб мулоқатда бўлади, кўтарилиб кетса, ажаб эмас, қўллаб-қувватлайди, тузукроқ лавозимга қўяди.

— Раҳмат, Асрор Ҳамидович, — деди Самад камтарона жилмайиб. — Қўллаб-қувватлаб юборибсиз, ишончингизни оқлай олармикинман?

— Оқлайсиз Самаджон, оқлайсиз... — деди Мирвалиев мамнун бир қиёфада. — Сизга ишонаман... Энди районимизнинг ҳаёт-мамоти сизларнинг қўлларингизда! Ёшсиз, ғайратлисиз, ўқимишлисиз. Сиёсий онгингиз баланд. Асом Пардаевич сўратувдилар, учрадингизми? Уйдагилар айтишдимми?

— Учрадим, Асрор Ҳамидович. Мунақа бўлишини кутмовдим, сал чўчияпман. Тажрибам йўқ. Уддасидан чиқармикинман?

— Чўчиманг, Самаджон! — деди Мирвалиев бўлажак арбобга панд-насихат бераётганидан мағрурланиб. — Уддасидан чиқасиз. Фаросатли йигитсиз. Унча-мунча билмаганингизни ўргатишади, ўз ҳолингизга ташлаб қўйишмайди. Дадил киришаверинг. Омад тилайман!

— Раҳмат, Асрор Ҳамидович...

— Комсомолдан олишмоқчи экан, — деди Мирвалиев жиддий тусда, — улар бироз ёшлиқ қилишибди. Кейин сизнинг номзодингизда тўхташди.

— Ҳа, ўқишга, малака оширишга юборишибди, — Самад бироз турди-да, деди: — Асрор Ҳамидович, агар у одам қайтиб келса, жойини бўшатиб беришим керак бўладими, а?..

— Аввало у одам келса олдинги вазифасида ишламайди, каттароқ ўрин беришади, — деди Мирвалиев комил ишонч билан. — Қолаверса, шу билан сизнинг мавқенгиз ошди, энди обком номенклатурасидаги одамсиз, уларнинг кадрисиз. Бошқа ишга ўтган чоғингизда ҳам унақа-мунақа жойга қўйишмайди, камида маорифни топширишади... Ё менинг ўрнимни...

— Э, унақа деманг...

Самад хижолат чеккан бўлди. Аини пайтда бу ўрин унга у қадар мартабали бўлиб кўринмай қолган эди. Шу пайт ички телефон жиринглади. Мирвалиев истамай трубкани олди.

— Ҳм?... Шунақами?... Ҳозир чиқаман! — Мирвалиев трубкани жойига қўйди. — Узр, Самаджон, сиз ўтира туринг.

— Майли, бемалол, — Самад унинг ортидан қараб қолди, ўз хонасига чиқиб кетмади. Энди ўзини бу даргоҳда меҳмондек сезар эди.

Мирвалиев бироздан сўнг паришон аҳволда кирди.

— Эшитдингизми, Самаджон? — деди у эшик олдида тўхтаб. — Қариндошсизлар, чоғи?

— Нимани? — ҳадиксираб сўради Самад.

— Холбоев... ўғлидан ажраб қопти-ю...

— И-е!.. Уғлидан?.. — Самаднинг кўз олдидан боя Холбоевнинг кабинетиде телефон орқали узук-юлуқ гапиргани, уйида ғалати қиёфада кўргани, лунжи қон экани бир-бир ўтди. — Нима бўпти?..

— Бўлимдагилар айтишди... — деди Мирвалиев саросимада. — Бу гап қанчалик рост, билмадим... Овқатдан бўптими, дори солинган қовун-тарвудан еган эканми... Заҳарланибди... Докторлар асраб қолиша олмабди...

«Заҳарланибди? — ўйлади Самад. — Овқатдан?!.. Ҳали Холбоевнинг лунжи қон эди? Нега мени чиқариб юборди? Таажжуб...»

Яна телефон жириглади. Мирвалиев шошилиб трубкани юлиб олди.

— Ало? Эшитаман... Ҳа, Мирвалиевман... Шунақами?.. Бай-бай-бай... Мусибат-ку!.. — Мирвалиев кафти билан трубкани бекитиб, Самадга юзланди: — Райкомдан, — деди шивирлаб ва қўлини олиб яна гаплаша бошлади: — Бугун кечга чиқариладими?.. Ҳа, ҳа... Тушунарли... Албатта борамиз. Ҳамма боради... У трубкани қўйиб, Самадга қаради. — Чатоқ бўпти... Холбоевнинг биттаю битта фарзанди эди...

## 10

Ҳамдамнинг вафотига ой тўлмасдан Холбоев яна ташвишда қолди: ишдан қайтса хотини кўйлагини липпасига қистириб олган, оёқяланг кўчага челақлаб сув сепаётибди...

— Бу нима қилганинг?.. Ким айтди, кўчага сув сеп, деб?

— Ғайратим тошиб кетяпти... — ҳиринг-ҳиринг кулди хотини.

— Унда... ҳовлига сеп!..

— Ҳовлига сепмайман, зарил кептими...

— Уят бўлади, қўй, бу сенинг ишинг эмас, — Холбоев хотинининг қўлидан челақни олди, — керак бўлса, айтаман, машина келиб, сув сепиб кетади. Ўзингга бир қара, этагинг қистирилган, сарпойчанг... Одамлар нима дейди?..

Манзура опа эрига узоқ тикилиб турди, чуқур хўрсинди, кейин этагини тушириб, ошхона томон кетди.

Бир неча кун ўтди. Холбоев ярим кечада нимадандир чўчиб уйғониб кетди. Деразадан ой нури тушар, қўшни хонадан аллақандай овоз келар, пол дупурларди. Холбоев ёнига қаради — хотини йўқ. У ўрнидан туриб нариги хонага мўралади, серрайиб қолди: Манзура ой нурида қандайдир қўшиқ айтиб ўйинга тушар, ўзи билан ўзи машғул эди. «Мияси айниб қопти, — сесканиб кетди Холбоев. — Бу қанақа кўргилик? Шу етмаганди!..»

— Манзура! Манзура дейман!!!

— Ҳу-ув!.. — деди хотини ногоҳ баданни титратгучи товуш билан.

— Нима қиляпсан?

— Уйнаяпман!

Холбоев ўрнидан туриб хонага чиқди.

— Ҳозир ўйиннинг пайти эмас, хотин, — деди мулойимлик билан — Юр, ёт жойингга. Эртага ўйнайсан...

Шу воқеадан кейин Холбоев хавотирга тушиб қолди. Бу ҳам ётмагандай бир куни таъзияга келган одамлар ҳали дастурхон атрофига ўтириб улгурмасларидан хотини дабдурустдан: «Ҳамдам ўзини отгани йўқ» деб юборди. Келганлар анграйиб бир-бирларига қарашди.

Улар кетишлари билан кўзини чирт юмиб, Замиранинг ўлимини юрак хасталигига, Ҳамдам фожиасини овқатдан заҳарланишга йўйган район касалхонасининг бош врачни Бўтаевни чақиртирди. Хотинининг ғалати дарди хусусида узоқ гаплашдилар.

— Уйда қолдириш хавфли эмасми? — сўради Холбоев гапининг ниҳоясида.

— Хавфли, — деди Бўтаев. — Изоляторда сақлаш керак.

— Изоляторда?!.. Одамларга нима дейман.

— Касал, дейсиз, вассалом, — деди Бўтаев совуққонлик билан. — Ҳақиқатан ҳам касал-да. Биров сил бўлади, бировнинг оёғи синади, яна биров ақлдан озади...

— Давоси борми?

— Ҳозир бир нарса дейиш қийин.

— Ҳамдам ҳақида оғзидан валдираб қўйса-чи?!


— Шунинг учун ҳам изоляторда сақлаш керак дейман-да... Менимча... шаҳарга жўнатганимиз маъқул, ҳеч ким танимайди. Мутахассислар бор, телефон қиламан, жой тайёрлаб қўйишади.

— Майли, — Холбоев енгил тортди. — Энди, Зокир Бўтаевич, ўзингиз мураббийлик қиласиз-да... Сирдошмиз...

— Ҳа, бу ёғига хотиржам бўлаверинг...

Икки ҳафта бўлдики, Манзурани касалхонага олиб кетишган. Холбоев бирон марта ҳам хабар олгани йўқ. Жиннини йўқлаб борганини кўриб қолишларини истамайди. Унга қолса, ўлиб кетгани маъқул. Вақирлаб қўйса борми, иш тамом! Айниқса, шундай масъулиятли бир пайтда — Асом Пардаевич областга ўтган, Холбоев янги лавозимга тайин бўлишини кутиб юрган кунларда. У ахир Асом Пардаевичнинг ўрнига ўтириши керак! Бунинг учун не бир қилгиликларни қилмади: Замира вафоти сирларини яширди; ёлғиз фарзандидан жудо бўлди, дафн кунлари-ю, маросимларда дастурхонни тўкин-сочин қилди...

Холбоев бир ўзи ҳовлидаги креслода ўтираркан, марказий газетада босилиб чиққан Самаднинг «Илғор» колхозини ва унинг раиси ҳақидаги мақоласини мамнуният билан ўқир, янги ишга ўтганлиги ҳақидаги хабарни кутарди...



Гулчехра Нуруллаева

## СИГИНАМАН ҲАҚҚОНИЙ СЎЗГА

\* \* \*

Хаёлларим — довдир шамоллар,  
Кезиб чиқар минг бир кўчани.  
Эрк берсам бас, таҳрирга солар  
Туманли кун, сиёҳ кечани.

Хаёлимда кун озори йўқ,  
Тунда бедоғ рухсори ойнинг.  
Гул тутуди изғирин совуқ,  
Зори бўлса кимки чиройнинг.

Хаёлларим элтар тоғларга,  
Юксак куёш сиқади кўлим.  
Ошиқар-да шийдам боғларга,  
Меҳрим оқар топ-тоза, сўлим.

Хаёлимда шаҳар қураман:  
Ой деса ой, кун деса кундай.  
Кейин ўзим излаб юраман...  
Яшаяпман, азизим, шундай!..

\* \* \*

Етишмай тураркан чақноқ кўзлигим —  
Ёшлик журъатлари, шаддод-шўхлиги,  
Менга алам қилар кенжа қизлигим,  
Алам қилар, укам, синглим йўқлиги.

Болалик қилма деб, ғўрлик қилма деб,  
Қалбим ундовларин босди катталар.  
Аза очмоқ шартми синган гулга деб,  
Истак-хоҳишларим тўсди катталар.

Барибир... урилса дарахтга яшин,  
Куйдим оғриқ билан, хилватда куйдим.

Қайта қуриш, покланиш... Бу сўзлар замиридаги адолат, ҳалоллик, фидойилик, инсонийлик ҳаёт кун тартибидаги бош масала, ижодкор қаламидаги бош сўз бўлиб қолди. Ҳақиқий ижодкор учун, аслида, қайта қуриш — янгилик эмас. Зеро, ҳақиқатпарварлар қайта қуриш руҳида туғилган бўладилар, доимо беором-безовта руҳ билан, халқ виждони бўлиб яшайдилар. Шундайларнинг илгари босилмаган асарлари эндиликда босиляпти, илгари кўринмаган номлари эндиликда матбуот саҳифаларига чиқяпти.

Аста-секинлик билан, қийинчилик билан бўлса-да, ҳақиқат шоҳсупа томон боряпти. Бундай кескин бурилишларнинг шоҳиди бўлиш — ҳақиқатпарварлар учун бахт. Ҳақиқат — мен учун ҳамма нарсаининг боши, ҳаётнинг байроғи, виждоннинг ойнаси. Уни севиб-ардоқлаб турли йилларда ёзган, лекин турли сабабларга кўра матбуот юзини кўрмаган, шунингдек, янги ёзган шеърларимни «Шарқ юлдузи»нинг муҳтарам уқувчилари эътиборига ҳавола қилишдан бахтиёрман.

МУАЛЛИФ





Кўзим қизарганин, лабим титрашин  
Энди мен ҳеч кимга кўрсатмай қўйдим.

Кўрсатмасдан қўйдим, оёқ остида  
Топталган майсага томган дардимни.  
Ўзим билдим фақат, озор дастидан  
Кўнгил косасига тўлган зардимни.

Кўрсатмасдан қўйдим, куз келса заъфар,  
«Дардинг олсам эди...» — дейишларим ҳам...  
Кўрсатарми эдим, ёнимда агар  
Бор бўлсайди синглим, бор бўлса укам...

## Кузги дарахтнинг айтганлари

Баргларим, хонанда барглар... Юлдузим, оймим улар,  
Кўксим узра, бошим узра танлади жойин улар.  
Ўйлагандим: ҳамнафасдир мен билан доим улар,  
Ҳаммаси хоин уларнинг, ҳаммаси хоин улар.

Қувнагандим, менга тансиқ сафларингиз зич, дея,  
Сиз — менинг кўм-кўк қувончим, сиз — улуғвор куч, дея.  
Энди бўлса оҳ урарман, эътимодлар пуч, дея,  
Ҳаммаси хоин уларнинг, ҳаммаси хоин улар.

Мен билан ҳамдам эканлар, қалб кўрим бор чоғида,  
Офтоб пешкаш маҳаллар, нури бисёр чоғида.  
Куз келиб, аччиқ совуқлар ҳаммаси, титроғида —  
Ҳаммаси хоин уларнинг, ҳаммаси хоин улар.

Ўйламовдим, эсламовдим сизни мен, илдизларим,  
Билдим энди сизни, билдим ўзни мен, илдизларим.  
Сиз — менинг фахру ишончим, барг эмас юлдузларим,  
Ҳаммаси хоин уларнинг, ҳаммаси хоин улар.

Мен ўзимга танбеҳ айлаб, таъна — аччиқ сўз дедим,  
Кўзларимни дўст-ғанимни ажратолмас кўз, дедим.  
Баргни дўст деб янглишибман. Илдизимни дўст, дедим,  
Ҳеч қачон тарк этмагайки, бўлмагай хоин улар.

## Одамлар

Туркумдан

### Беозор одам

Яшайсиз ўзгадан излаб фазилат,  
Ўзингиздан эса қусурларингиз...  
Оҳ, менга таажжуб, оҳ, менга ҳайрат —  
Айбсиз айбдорим, узрларингиз.

Қувончингиз ёшли, дардингиз ёруғ,  
Яхшилик тиламоқ — кўзингиз иши.  
Оҳ, менга кашфиёт, оҳ, менга оғриқ —  
Номард кимсаларнинг сиздан кулиши.

Кошки, кўрсам эди айна шу замон  
Олдинга қоплондай ўтишларингиз...

Ох, менга жумбоқдир, ох, менга исён —  
Озорларни ичга ютишларингиз...

Истарсиз беозор бўлмоғин олам,  
Истарсиз юзларда кўрмоқ ҳалимлик.  
Ох, менга ҳақорат, ох, менга алам —  
Дарахт бўши бўлиб, қуртларга емлик...

Хаёлий фаришта, малоика — сиз,  
Ухшайсиз фантастлар ҳикоясига.  
Сиздан халққа не наф,  
Ярамасангиз —  
Ҳатто ўз қалбингиз ҳимоясига?!

### Ичи қора одам

Сиз рассом бўлсангиз, чизар эдингиз  
Қушлар орасидан топиб қаргани.  
Унга ёқар аёз — нафаслари муз,  
Унга ёқар замин хомуш тургани.

Сиз куйчи бўлсангиз, беркитардингиз  
Булбул хонишига қулоғингизни.  
Оппоқ каптарларни ҳуркитардингиз,  
Бойқушларга бериб чорбоғингизни.

Мунаққид бўлсангиз, айтар эдингиз  
Ойнинг юзидаги доғини фақат.  
Гар сайёҳ эрсангиз, кетар эдингиз —  
Гуллар оғушидан, қилолмай тоқат.

Дунё сизга қолса (бу ҳам бир хаёл),  
Сизнинг номингизда айланарди ер.  
Маҳрамликка маҳкум жамики аёл,  
Мақтов ёғдирмоққа мажбур бани шеър...

Яхшиям камолот юз бурган буткул,  
Букун қаторда бор, эртага йўқсиз.  
Сизга парво қилмай, чаҳ-чаҳлар булбул,  
Ой кулар, руҳингиз айлаб шуқуҳсиз...

### Нотаниш одам

Қачон халқ бўласан, эй сен оломон!!  
Абдулла ОРИПОВ

Хат келди, хат келди, менга хат келди,  
Кутмаган пайтимда хуш роҳат келди,  
Сиздан таскин келди, муҳаббат келди,  
Мен ҳали кўрмаган олисдаги дўст.

Ажабо, орзулар майда, дебмидим,  
Фикри фикримга мос қайда, дебмидим,  
Кечиринг, сиздайлар ойда дебмидим,  
Мен ҳали кўрмаган олисдаги дўст.

Бениқоб туйғусан, юраксан, дебсиз,  
Сохталик хулқидан йироқсан, дебсиз,  
Шу дилбар ҳаётга кераксан, дебсиз,  
Мен ҳали кўрмаган олисдаги дўст.

Якиндан нур истаб, олисдан топдим,  
Кутгандан топмадим, холисдан топдим,  
Сиздан, шеърдан топдим — хонишдан топдим,  
Мен ҳали кўрмаган олисдаги дўст.

Маъкулмиш яхши-ю ёмоним менинг,  
Рост бўлса, йўқ энди армоним меним,  
Нурга фидо бўлсин бу жоним менинг,  
Мен ҳали кўрмаган олисдаги дўст.

Ишқсизлик умрни талх этар экан,  
Меҳр нигоҳларда ярқ этар экан,  
Севги оломонни халқ этар экан,  
Мен ҳали кўрмаган олисдаги дўст.

Кўнгилда бор эди, қолмади ғашлар,  
Таскинингиз мени журъатга бошлар,  
Арзийди сиздайлар учун яшашлар,  
Мен ҳали кўрмаган олисдаги дўст.

## Ёвуз одам

Икки оқил ҳамжиҳат юрса,  
Қалов топиб уриштирсангиз...  
Кимки сизни қўлтиқлаб турса,  
Мукофотлар уюштирсангиз...

Юрагимнинг даҳоларини  
Чиқарсангиз ёмон отлиққа.  
Ерга уриб баҳоларини,  
Туфласангиз эътиқодликка.

Жавоб беринг, сўрайман сиздан,  
Бу — не ялло, бу — не орсизлик?!  
Вақтинчалик омадингиздан  
Сув ичмоқда иқтидорсизлик.

Кўролмайсиз, қилолмайсиз ҳис  
Ҳалолликни — маъсум какликни.

Вақтинчалик ҳукмингиз боис  
Қон босими ошган покликнинг.

Кўзларида тизим-тизим ёш.  
Қандоқ чидай, мен қандоқ чидай?!  
Отилсамки, бўлсам агар тош,  
Инграсамки, бўлсам агар най.

Измигдадир биттагина сўз,  
Сигинаман ҳаққоний сўзга.  
Ичга ютсам, дилга сепар туз,  
Бўлмас сира, айтмасам сизга.

Мен билгандай, сиз — ёвуз одам.  
Сиз билгандай, балки ғўраман.  
Наздингизда қандай бўлсам ҳам,  
Сизни жуда ёмон кўраман.

## Ишонувчан одам

Ишондим, ҳар кулган кўзга ишондим,  
Ишондим, ҳар юмшоқ сўзга ишондим,  
Душманга ишондим, дўстга ишондим...

Кўринг, юрак-бағрим, оҳ, тилим-тилим,  
Қачон биларкинман яшамоқ тилин?  
Афсусларим, менга устозлик қилинг.

Рухимни ёритгил, эй дўст — қадрдон.  
Ишондим, ишонгил сен ҳам бегумон, —  
Бор бўлсин оқибат! Бор бўлсин имон!

Қайғу уммонига чўкканим унут,  
Қирғоққа амаллаб чиққаним унут,  
Афсус-надоматлар чекканим унут.

Майли, сувга чўкай, гулханда ёнай.  
Сиздан, эй яхшилар, не учун тонай?!  
Одамга ишонмай, кимга ишонай?!

## Адашган одам

Сиз турибсиз жар ёқасида,  
Кифоядир битта далолат.  
Ё қайтасиз нур орқасидан,  
Ё рўй берар мудҳиш фалокат.

Йиқилсангиз — мўртлиги боис  
Сиз суянган тирговичларнинг.  
Қутулсангиз — кучли қалбингиз  
Енголгани қарши кучларни.

Йиқилсангиз — қисмати оғир  
Эзгуликдан яна бир қурбон...

Қутулсангиз — оқибат-охир  
Гирдоблардан чиққани омон...

Йиқилсангиз — қаро кийиниб,  
Мотамингиз тутгувчилар бор.  
Қутулсангиз — чандон куюниб,  
Алам захрин ютгувчилар бор.

Сиз турибсиз жар ёқасида,  
Не рўй берар — ҳозирча ниҳон.  
Сиз баҳона, ҳаёт аслида  
Ҳар биримиз айлар имтиҳон.

## Ҳақиқатгўй одам

Сенга қисмат эмас  
гул ҳидлаб мамнун,  
худбин истакларнинг  
ортидан кетмоқ.  
Сенга қисмат эрур  
ким бўлса маҳзун,  
кўнглига йўл топиб,  
оҳига етмоқ.  
Шартинг бор:  
маҳзун дил  
бўлсин беғубор —  
оппоқ қоғозингдай,  
оппоқ орзунгдай.  
Бўлсин у юксакда  
ёруғ,  
ҳужумкор,  
мудом излаганинг  
чақмоқ назмдай.  
Сенга қисмат эмас  
мақтов, хушомад,  
сунъий тақаллуфлар  
домига тушмоқ.

Сенга қисмат эрур  
ростгўйлик фақат,  
риёкорлик ила  
ошқор олишмоқ.  
Шартинг бор:  
муҳолиф  
киймасин ниқоб,  
Яго кабиларни  
солмасин ишга,  
Бемакр,  
юзма-юз  
ўртага чиқиб,  
кўнсин мардонавор  
кураш тушишга.  
Виждонини қўйиб  
икки ўртага,  
Усмон, Қодирйлар  
сўз битган каби,  
Кураш заминида,  
мурад ортида  
турмоғин истайсан  
Халқнинг матлаби!

## Саида Зуннувога

Сиз севган баҳорнинг табуссуми мўл,  
Сиз севган жийдалар гуллаган хушбуй.  
Менинг эса бу чоғ яноқларим хўл,  
Мени эса қийнар қиш-қировли ўй.

Оҳ, юрсангиз, эди латиф баҳорнинг  
Сахий қучоғидан эшитиб шеърлар...  
Мен қўмсаб турганда сиздай бедорни,  
«Халқпарвар юракнинг умри оз!» — дерлар.

Давомли, дер эдик, умр йўлингиз,  
Ёзмаган шеърингиз кўп, дердик, ҳали.  
Қолдик ҳайратларда, ғафлатларда биз.  
Ким ҳам улгурганди меҳр тутгали?!

Эҳ, биз, хаёлпараст, эс-хуши ғўрлар!..  
Ногоҳда бой бериб қўйдикми ростни?!

Кўксимда бир алам туяр ўғирлар:  
Бой бердик ҳақиқат, шеър, эҳтиросни.

Ажратар экансиз байтни байтмасдан,  
Қарсакмас, ғийбатлар ёғилди кўпроқ.  
Сизни севар эдик, сизга айтмасдан:  
Сизга куяр эдик чет-четда, тарқоқ...

Мушт каби бирлашса бўлмасми экан  
Бир-бирига яқин, ҳақпарвар юрак?  
Ўзбекнинг ҳар бири «ўзим — бек», деркан,  
Халқим фожиаси шу бўлса керак.

Нечоғ хушлардингиз киймоқни атлас,  
Атлас Ватан рамзи бўлмоқ ўйида.  
Афсус, ҳайъатларда, минбарда эмас,  
Бизлар кўпроқ кўрдик сизни қуйида.

Шеър тинглаб, қалбимга тўларди кўчки —  
Ёдаки ўқирди ипакдай товуш.  
Бу — не табиатнинг қалтис ўчики,  
Даврингиз келганда ўрнингиз бўм-бўш.

Хаёлингиз узра тўкиб кўзёшни,  
Десам: «Ифтихорга арзирли юрак...»  
Сиз-чи маъсумгина чайқайсиз бошни:  
«Гул ҳам, муҳаббат ҳам тирикка керак».

Гарчи атрофимда баҳорий бир зеб,  
Нетай, кўролмасам завқини баҳам.  
Ким айтар, яхши шеър дардга даво деб?  
Яхши шеър биларкан азоблашни ҳам...

## Дилоромнинг икки шеъри

Дилором!  
Кўзларингнинг чўғлиги биланмас,  
Ҳиёнатнинг йўқлиги билан  
Дил оромимсан!

Дилором!  
Тишларингнинг оқлиги биланмас,  
Виждонингнинг поклиги билан  
Дил оромимсан!

Дилором!  
Сўзларингнинг кўплиги биланмас,  
Фикрларинг хўблиги билан  
Дил оромимсан!

Сени ёмон, дегандилар!  
Ўзи ёмон чиқиб қолди ёмонлаганлар,  
Риё томон чиқиб қолди ёмонлаганлар,  
Дилором.

Қўлларингни бер!  
Биргалашиб тикилайлик сотқин кўзига,  
Биргалашиб тупурайлик маккор юзига,  
Дилором!

Йўқса, виждон олдидаги қарзим ортади,  
Орта берар, орта берар, ҳар зум ортади.  
Оғирлиги ўлдиргуси мени тез кунда,  
Дилором!

Ваҳоланки, очилмаган гуллар бизники,  
Қанча-қанча босилмаган йўллар бизники,  
Курашларда топишгуси қўллар бизники,  
Дилором,  
Дил оромим!..

II

Турибман унутиб йўғу боримни,  
Юбормай-да, дейман, ногоҳ ўкириб...  
Кўзнимас, забт этган йиғи боримни.  
«Кимдир ўлган...» — дебсан аҳволим кўриб.

Ўлди, ўлди бугун...  
Ишончим ўлди.  
Мен унга нечоғлик бино қўйгандим.  
Топширганим тоғда кийик йўқ бўлди,  
Мен эса соқчисин покка йўйгандим.

Ишонганим тоғда кўрдим оломон:  
Ўлжасин судрарди бесас, шошқалоқ...  
Дилором, Дилором, нечоғ боламан:  
Токай биларкинман қорани ҳам оқ.

Билсанг айтиб бергил: қандоқ бўларкин  
Риёкорнинг асли юзу сўзлари.  
Оҳ, мунча мулойим боқиб тураркин  
Қора хиёнатнинг алдоқ кўзлари.

Билсанг, айтиб бергил: ишонай кимга?  
Кимларга меҳримни тутайин бир-бир?  
Ишонмасдан яшаш — ҳаётмас менга,  
Меҳр бермай яшаш — ўлим-ку ахир!

Билсанг, айт, Дилором, хиёнаткорнинг  
Кўзларига боқиб, нималар дейин?  
Айтмасам, тинч қўймас номусим-орим,  
Айтмасам, ҳақиқат бўлгуси тийин.

Айтайлик, риёдан дил бўлса заҳа,  
Сўнгра йўл олайлик болалар томон.  
Гўдак қаҳқаҳаси — маъсум қаҳқаҳа,  
Гўдак вужудида бокира имон.

Хиёнат, ҳаромдан безган қалбимиз  
Тўлсин муҳаббатга, турмасин бўшаб.  
Мотам тутиб ўлган ишончларга биз,  
Барибир яшайлик болага ўхшаб.

\* \* \*

Йигитлар, тўлин ой ҳилол бўлдимиз?  
Сўзим ҳайронликдан савол бўлдимиз?  
Демишлар: уйда шер, майдонда ғариб,  
Белдаги белбоғлар рўмол бўлдимиз?

Яшаш — бахт ҳақиқат тўйлаган кунда,  
Имон-эътиқодлар сўйлаган кунда.  
Мен учун қиёмат бошланар, йигит —  
Халқимас, чўнтагин ўйлаган кунда.

Сизни таянч билиб гул ерингизда,  
Отабек кўргандим ҳар бирингизда.  
Элу юртга фидо алплар эдингиз  
Орзуларим ёзган таърифингизда.

Покликдан тонсангиз, кўзларим ёшли,  
Уят — ўксинишдан эгарман бошни.  
Халқимга йигитлар орқатоғ, дердим,  
Кўксимга қайтаринг ишонч — қуёшни.

Оппоқ умидимни узиб қўймайин,  
Белбоғи борлардан безиб қўймайин.  
Бошдаги рўмолим белимга боғлаб,  
Сочимни аламдан кесиб қўймайин.

Йигитлар, тўлин ой ҳилол бўлмас, денг,  
Сўзинг фахр бўлар, савол бўлмас, денг.  
Ишонгим келади, ишонай сизга:  
Белдаги белбоғлар рўмол бўлмас, денг.

\* \* \*

Худди шеърга монанд тушлар кўраман,  
Худди шеърдай тугал хулосаси ҳам.  
Мовий боғ. Теграси — енгил ўрама,  
Унга қасд юрибди уч-тўртта одам.

Боғни пайҳон қилмоқ — уларга шиор,  
Боғни асраб қолмоқ — мен учун матлаб.  
Чайқалиб кетди-ку феруза виқор:  
Оҳ, ана ўтишди тўсиқдан ҳатлаб...

Яккаман. Дод, дейман. Чиқмайди овоз,  
Гирёнман, беморман, бесар-бетўзим.  
Етди, деб билганим чоғда инқироз,  
Халоскор кўлларга тушади кўзим.


Кўплашиб қоламиз. Бузғунчилар лол.  
Юксалиб қарайман. Рухим ҳам баланд.  
Тўхтанг! — ҳайқираман. Талабим ҳалол.  
Тўхтанг! — ҳайқираман бор овоз билан.

Қочар бузғунчилар. Очилар кўзим.  
Ўнгимга қайтаман тушдан, парвоздан.  
Мамнун бўлиб дейман ўзимга ўзим:  
Қайга ҳам қочишар ҳақли овоздан...



Рассом Баҳодир ЖАЛОЛОВ





Чингиз Айтматов

## КУНДА

Рус тилидан Иброҳим ҒАФУРОВ таржимаси

Роман

Учинчи қисм

1

Одамлар тақдирни, тақдир одамларни излаб юради... Ҳаётнинг азал айланиши шундай... Тақдир мудом ўз нишонини мўлжаллаб туради, деган гап рост бўлса, бу сафар ҳам у тўғри чиқди. Ҳаммаси ҳаддан ташқари оддий юз берди, қазо камонидан чиққан ўқни орқага қайтаришнинг иложи йўқ...

Келиб-келиб ўша куни Бозорбой Нўйғутов геологларга йўл бошловчиликка ёлланиб қолганини қаранг. Бозорбой геологларга йўл кўрсатувчи кераклигини хаёлига ҳам келтирмаган эди, геологлар уни ўзлари қидириб топишди, ўзлари таклиф қилишди.

Таманга улар ем-хашак ташиладиган, трактор юрадиган йўлдан ўтиб келишган эди.

— Нега у ерни Таман дейишади?— сўради улардан бирови.

— Нима қилди?

— Ўзим, шундай...

— Таман — Товон дегани. Кўрјасанми, мана, этикнинг пошнаси. Ана шу товон. Бу ер тоғларнинг товони. Шунинг учун Таман дейилади.

— Э, шундайми! Анов Тамань ҳам шу ердан олинган экан-да. Машхур Тамань дивизияси!

— Билмадим, укам. Буни генераллар билишади. Бизнинг ишимиз жўн. Чўпонлик қиламиз.

Шундай қилиб десангиз, геологлар Таманга етиб келишиб, у ёғига ақлимиз етмайди, фақат харитадан кўрганмиз яхшиси, бизни шу ерлик одамлардан биронтаси тоғларга олиб чиқиб қўйсин, дейишди. Йўқ, деб бўларканми! Бунинг устига, яна ҳақини ҳам тўлашаркан. Бор-йўқ иш — тўртта йигитни юклари билан Аччиқ Тош дарасига бошлаб чиқиш. Геологлар ўша ерда нималарнидир текширишармиш. Нима бўларди — олтиндир-да. Улар фақат олтин қидиришадди. Топсалар, катта-катта мукофот олишади. Майли, бу уларнинг иши. Фақат Бозорбой кечқурун Таманга, қўрага етиб келиши керак. У ўтари билан шу ерда қишлаган. Ҳамма гап шу, холос.

Анов йигитлар шаҳарлик бўлишларига қарамай, пулнинг ҳисобини билишмас экан. Бозорбой озгина оёғини тиради: менинг тоққа чиқишга вақтим йўқ, совхоз раҳбарлари келиб қолади, сизга нима, мендан талаб қилади, қани бу, катта чўпон Бозорбой Нўйғутов, қўй қўзилай деб турган пайтда қайларда юрибди, деб қийин-қистовга олишади. Ким ўшанда жавоб беради — мана шу гапларни айтгач, йигитларнинг сахийлиги тутиб, йигирма бешни ваъда қилишди. Вой, тентаклар-эй! Э, уларни аяб, қисиниб ўтирармиди, пул давлатники, давлатнинг ғазнаси эса камаймайди. Бу болаларнинг ўзлари ҳам пулни хазондек супуриб олсалар керак пайтини пойлаб. Тўласинлар-да, ахир. Бозорбой

Охири. Боши ўтган сонларда

геологларни хаш-паш дегунча обориб қўяди. Отга ўтирадио ҳайё-ҳуйт деб кетаверади. Унга нима, барибир кун ора бўлар-бўлмас ишларга бошини суқиб лақиллаб юргани-юрган. Айниқса, тўй, таъзия, ишқилиб, ароқ иси анқиган жойдан қуруқ қолмайди. Ойлик олиб келгани совхоз идорасига тушадиган бўлса-ку, чўпон-чўлиқлардан тортиб тунги қоровулгача, хотинидан тортиб (у ҳам ишчилар қаторида) қўзилаш пайтлари ёрдамчи-соқмончиларгача — ҳамма жонини ҳовучлаб ўтиради. Бозорбой кечаси ғирт маст-аласт ҳолда етиб келади, отдан қулаб кетай-кетай дейди, пулга кетган одамнинг аҳволи шу. Ярамас хотини совхоз директориغا йиғлаб-сиқтаган шекилли, мана, уч ойчадан буён қўрага кассир Бўронбойнинг ўзи ойлик олиб келяпти. Қонун бўйича ҳар ким пулни ўзи қўл қўйиб олиши керак, дейди. Қатнаса-қатнай-вермайдими, ҳалокунинг итидай...

Анаҳмуни қаранг энди, аҳмоқ йигирма бешнинг ўзи киссасига тушиб турибди. Тўғри, Аччиқ Тошга чиқадиган сўқмоқ тошлоқлар, тик ўр-жарлардан ўтади, юрагинг орқангга тортиб кетади, қулаб кетиш ҳеч гапмас, ўз оти билан тоғ-да, бу сенга айланиб чопадиган ва бўйнингга нишон тақиб қўядиган стадион эмас. Нимасига ажабланасан бунинг — дунёда адолат азалдан йўқ эди, ҳозир ҳам йўқ. Қишин-ёзин тоғдан бошинг чиқмайди, на асфальт бор, на водопровод ва на электр чироқ. Қора кунингни билганингча кўр, йил бўйи сассиқ шилта кечиб қўй боқ. У ёқда эса оппоққина кийинган чаққон йигит ликиллаб стадионда чопиб ўтади ёки дарвозага копток тепади — ўзиям маза қилади, томошага йиғилган халойиқ ҳам хурсанд бўлганидан осмонга сакрайди, чаққонбойга шараф-шонлар, ҳамма газеталар оғиз кўпиртириб кўкларга кўтарган; эртадан кечгача дам олиш, якшанба нима билмай, бели букилиб пешона тер тўкканларнинг топгани эса еб-ичишга базўр етади. Аламингдан ичасан. Кейин хотин дийдиё қилади, еган-ичганинг бурнингдан чиқади. Ит ётиш — мирза туриш. Талаб эса катта. Қўзи бер, биттаям қўй қисир қолмасин, вазн бер, майин жун бер. Жун ўрнига сунъий тола топамиз, деб-ку, тоза айюҳаннос солишди. Қани ўша тола? Қирқим бошланганда-ку, юзтаси бер-бер деб, калхатдай бостириб келади. Тук ҳам қолдирмайди. Ҳаммасини топшир, охиригача бер. Майин жун валюта учун керакмиш... Валюта деса, ўлигини осмондан ташлайди булар... Кейин буларнинг ҳаммаси ўпқонга тушгандай бадар ғойиб бўлади-кетади. Э, ҳаммаси қуриб кетмайдими — қўйи ҳам, одамлар ҳам, шу жонга теккан ҳаёт ҳам...

Йўлда Бозорбойни мана шундай нохуш ўйлар кемирад эди. Бора-боргунча миқ этмади, фақат унда-мунда орқада келаётган геологларга қараб қўяр, хатарли жойлар учраса, огоҳлантирад эди... Кўнглига қил сиғмасди. Ҳаммасига ярамас хотин сабабчи... Вой, алвасти-ей! Ҳеч бурнини тикмай туролмайди. Албатта, оҳ-воҳ қилади. Бегона кишилар бор демай шанғиллаганини қаранг! Вой, шаллақи-ей! Дод-вой кўтармаса, кўнгли жойига тушмайди. Умрнинг бари шундай — барбод бўлди! Қадимгилар бекор айтмаганлар: хотин киши кечаси мушукдай суркалади, кундузи — илондай буралади. Ана, кўрдингизми! Ҳа, шанғи-я! «Яна қай гўрга қочяпсиз,— дейди.— Бошингизга урасизми бу геологларни. Иш ошиб-тошиб ётибди. Қўй қўзилайман деб турибди.» Қўли ёш боладан бўшамасмиш. Катталари интернатда безори бўлиб кетганмиш. Таътилга келса, оғзи овқатдан бўшамасмиш. Пишириб бер, куйдириб бер. «Қўлларини совуқ сувга уришмайди,— дейди хотини. — Яна чекканларига бало борми? Арақ ичишдан ҳам қайтмайди булар! Интернатда уларга қарайдиган одам йўқ. Директорнинг ўзи — арақхўр. Уйда кимдан ақл ўрганади улар? Сиз бўлсангиз, думингизни тутқизмайсиз, уззу кун қорангизни кўрсатмайсиз. Қуриб кетгур ичкиликдан ортмайсиз. Яхшиям, от бор экан, жонингизга ора киради. Аллақачон йўл-пўлда ўлиб-нетиб қолмасидингиз...»

Вой, бу шаллақи-ей! Қанча урма-сўкма, барибир ақл битмайди. Доим кўкариб юради. Шунинг учун Кўк Турсун дейдилар-да. Лекин тили узун. Ҳеч тилини тиймайди.

Бу гап ҳам геологлар бор демай, тоза вағиллади, аҳмоқ. Бўлмаса, неча марталаб кўзининг ола-куласини чиқариб бўғзидан олган! Вой, ўлдим, бошқа гап қайтармайман, деб неча марта сўз берган. Қайда! Лекин барибир Бозорбой яна уни тинчитишнинг эпини топди. Гап бор, бери кел, деб ичкарига чақирди. Уйга киргач, индамай уни деворга босди. Юзини юзига тиради. Нафас олгани

қўймади. Ана шунда у хотинининг моматалок бўлиб кетган, сўнган, ажин босган чехрасида, беҳол очилиб қолган тишсиз оғзида, қўрқувдан хира тортган жонсиз кўзларида ўтган йилларнинг қайғу-ғамлари, ночорлик, омадсизлик, аламзадаликларни ўқиди. Шунда ўзи-ўзига хунук кўриниб кетди-да, вишиллаб захрини сочди:

— Хў, қанжик, яна оғзингни вақ этиб очсанг, қурбақадай босиб ўлдираман-қўяман!— шундай деб, уни бир чеккага итқитиб юборди.

Хотини миқ этмай челагини кўтарганча, эшикни қарсиллатиб ёпиб, ҳовлига чиқиб кетди. Сал ўтмай, ўпқасини босиб олгач, у чиқди, отга ўтирди ва геологларни бошлаб йўлга тушди...

Ҳа, яхшики, от қурғур зотли — унинг бирдан бир қувончи шу от, барака топсин, от заводдан чиққан. Аллакимга унинг туси ёқмай, чиқит қилган — ростданам, қора тўриқми, қўнғирми, билиб бўлмайди. Лекин ахир бунинг нима аҳамияти бор? Ақлли от, тоғда қаерга қадам қўйишни билади, ҳаммадан ҳам жуда чидамли, нақ бўрининг ўзи. Доим эгарлоғлиқ, доим кўзи очик. Э, нимасини айтади, оти яхши, бу атрофда унга тараф йўқ, фақат Бўстонникини демасанг. Вой, бу совхознинг илғор чўпони. Э, одам бўлмай кет. Дунёда бунақа қурумсоқ топилмаса керак. Негадир бир-бирларини жинлари суймайди. Ана унинг отини от деса бўлади. Сирти тилладай йилтирайдиган дон оти, Дўнқўлик дейишади. Омади бор экан Бўстоннинг. Эртаю кеч отини парвариш қилади. Бошқа иложи ҳам йўқ. Отда юриб, ўзини кўз-кўзламаса бўлмайди, азамат. Хотини ёш, Эрназарнинг беваси, Эрназар уч йилча бурун Ола Мўнгу довонида муз ёриғига қулаганча, шу-шу ўлиб кетди, ўлиги ўша ерларда қолди...

Тоғларга турна қатор тизилиб кўтарилиб боришар, гаплашишга фурсат йўқ, бунинг устига, хотини билан уришиб, Бозорбойнинг таъби тирриқ бўлган эди. Индамай йўл босишарди. Қиш охирлаб қолганди. Тоғ кунгайларида қорлар эрий бошлаганди, кўклам нафаси уфурарди. Шу дамда атроф равшан ва сокин эди. Пастда садафдай ярқираб ётган улуғ-мовий кўлнинг нариги томонида баланд тоғлар узра қуёш юксакка кўтарилганди. Чошгоҳ эди.

Орадан кўп ўтмай Бозорбой геологларни даранинг бўғзига етаклаб келди. Иссиқкўлнинг мусаффо кўзгуси сўнги бор кўзга ярқ этиб ташланди, манзаралар орқада ғойиб бўлди. Энди бошлари узра кета-кетгунча тумтайган қояли учурумлар ҳайбат соларди. Ҳаммаёқ тош, қоя. Кимса йўқ.

«Нима бор экан уларга бу ерда?» дея ўйлаб, Бозорбойнинг таажжуби ортарди. У геологларни манзилга элтиб қўйган захоти орқага қайтишга аҳд қилди. Аччиқ Тош дараси ёнидаги тўғри йўл улуғ кўл бўйларига олиб чиқадиган дарадан кўра қисқароқ. У ичида орқага Бошат дарасидан қайтаман, деб қўйди. Шунда уйга ҳаялламай етиб олади. У геологлар билан хайрлашиб, шундай қилди. Лекин чўнтакка қурмағур йигирма бешни ниҳоят соларкан, йигитларга гап қотди:

— Ҳой, оғайнилар, мундоқ қарасам, ҳаммаларинг ўғил бола экансизлар, — деди у иржайиб мўйлабини сийпаркан, — биз ҳам юрган йигитмиз, бир томоқни ҳўллаб олмаймизми, а?

Бозорбой ичсам, бир стакан ичарман, деб чамалаган эди, йигитлар эса саҳоват билан унга шу ернинг ўзида чиққан кўк шишани ҳадя қилдилар. Ол, уйда ичарсан, деб! Бу бахт қайдан тушди, деб, Бозорбой ял-ял очилиб кетди. Типирчилаб қолди, чодирни қаерга тикиш, қаердан ўтин топишни кўрсатди, йигитлар билан навбат-банавбат хайрлашаркан, ҳар бирининг қўлини узоқ силкитиб турди, ҳатто хуржунга ғамлаб олган емдан отга бериб ҳам ўтирмади. Биринчи марта эмас, уйгача чидайди, деб ўйлади. Апил-тапил эгарга ўтирди-ю, йўлга тушди. Чамалаб, кўп ўтмай сўқмоқни топди ва чала-ярим қор босган тизмалардан ошиб ўтиб, Бошат дарасига кирди. Дарёнинг ён-атрофларида сийрақроқ тўқайзор, ўрмонзор бор, бу ерлар анча ёруғ, Аччиқ Тошдек қоронғи эмас. Бу маконда жилғалар ва булоқлар ҳам кўплаб оқиб ётарди. Шунинг учун бу ерларни Бошат дараси — Булоқ дара деб аташарди.

Пахталик устидан кийиб олган ёмғирпўшининг чўнтагидаги шиша унга тинчлик бермасди. У дам сайин шишани ушлаб-ушлаб қўяр, қайси жилға бўйида тўхтасам экан, деб жой чамалар эди. У ўзининг қанча ичишини биларди. Шишанинг ярмини бўшатади, устидан сув ичади, кейин яна йўлга равона бўлади. Бундай ҳолларда Бозорбой эгарга ўтириб олса, бас. У ёғига хоназот отнинг ўзи

еткизиб оборади. Шўрлик Кўк Турсун, Бозорбойнинг қўлтиғидан шайтон тутиб туради, деб бекорга айтмайди — у ҳали бирон марта эгардан йиқилган эмас. Ниҳоят, йўлда бир жилғани танлади, унинг устини юпқа, шаффоф муз қоплаган, сув муз остида тошдан тошга қулқуллаб урилиб, одамнинг ҳавасини келтириб оқарди. Бозорбой шу жойга тушди. Атрофда ёввойи тол ва зирк буталари ўсиб ётар, қор ҳам кўп эмас, олга ҳам сув ичириб, ем берса бўлар эди. У отнинг юганини бўшатди, сули соллинган хуржунни эгардан туширди, боғични ечиб, ечилган томонини отнинг бўйни тагига суриб қўйди. От чарчоғини тарқатаётгандай енгил сўлиш олиб, кўзларини ярим юмиб, куртиллашиб сули чайнай бошлади. Бозорбой эса сув бўйида қулаган дарахт танасига жойлашиб ўтириб олди-да, шишани чиқарди, ҳаваси келиб, қуёшга тутиб қаради, лекин нимани ҳам кўрарди, ўша-ўша шиша, фақат кун тугаб борар, тоғларда соялар қиялаб ётар, агар кам бўлмаса, қуёшнинг ботишига ҳали бир соатдан ортиқ вақт бор эди. Лекин Бозорбойнинг шошадиган жойи йўқ. У арақнинг мияга урадиган мазасини тамшаниб ҳис қилиб, йўғон тирноғи билан шишани очди, хидлади, бошини чайқади, оғзига кўтарди. Титраб-қалтираб, қўлтиллашиб ютди. Кейин жилғадан ҳовучида сув олиб, курсиллаган муз парчалари билан қўшиб ичди. Муз тишларига тегиб қисирлади — нақ мияси қисирлаб кетгандай бўлди. Бозорбойнинг башараси хунук буришди, томоғини қириб йўталди, оғу қачон бошига уришини кутиб, кўзларини юмди. Ҳа, теварак-атроф — тоғлар, қоялар — худди туманга чулғангандай суза бошлашини, ҳаволаниб, кўтарилишини, қизиган миясида ғалати, ноаён товушлар, зинғилдоқ шовқин чиқишини кутди. Узини кайф қучоғига ташлаш иштиёқида бужмайиб қотди. Сўнг томирлари ёзилди, бўшашди, шунда қаердадир жуда яқин орадан худди ёш бола йиғлагандай оҳиста ингиллаган овоз эшитилди. Нима бўлди бу? Қайдадир зирк чангалзорлари ва уюм-уюм тошлар ортида яна нимадир худди кучук бола каби ангиллади... Бозорбой сергак тортди, яна беихтиёр шишани кўтариб ичди, сўнг уни аста тошга тираб қўйди, лабларини сидириб артди-да, ўрнидан турди. Тағин диққат билан қўлоқ солди. Ҳақиқатан, адашмаган экан. Қандайдир ҳайвоннинг болалари овоз чиқармоқда эди.

Бўри уяси... бўри уясидан Акбара билан Тошчайнарнинг болалари узоқ йўқ бўлиб кетган онасини қўмсашиб, ингиллашмоқда эди. Мўйинқум чўлларидан олди-орқаларига қарамай қочганларидан сўнг, Алдаш бўйларига даҳшатли ёнғинлардан сўнг бир йил қисир ўтиб, мана, тоғларда эрта кўклам пайти Акбара бевақт болалаган — тўртта тўққан эди.

Бозорбой бўри уясига йўл топиб, аста яқинлашди. Ҳушёр бўлганида, инга боришдан олдин, албатта, ўйлар, мулоҳаза қилиб кўрар эди. У камар ичидаги қоронғи инни осонликча топгани йўқ. Тажрибаси қўл келди. Қор устини синчиклаб қаради. Аниқ-таниқ тушган излар занжирини кўрди. Бўрилар эҳтиёткорлик билан доим эски излари устидан қадам ташлаган эдилар. Яна ҳам нарироқ юриб Бозорбой тош уюмлари ва буталар орасида ямлланган, кемирилган тўда-тўда суякларга дуч келди. Демак, бўрилар ўлжасининг бир бўлагини судраб келиб, шу ерда бамайлихотир ётиб ғажиганлар. Катта-катта сон ва бўғин суякларининг кўплигига қараганда, бўрилар бу ерда анчадан бери яшасалар керак. Энди инни-топиш қийин эмасди. Бозорбой камарга киришдан неғатчўчимади, бир нарса дейиш қийин. Ахир, бу ерда катта бўрилар ҳам бўлиши мумкин эди-ку! Лекин қорни очиб кетган бўричалар — бўлтуруклар ангиллаб ўзларини ошкор қилишар ва гўё ёнларига чорлар эдилар.

Акбара билан Тошчайнарнинг овга чиқишдан бошқа чоралари қолмаганлигини бўлтуруклар кошки билишса эди. Бўрилар учун эрта кўкламнинг оғир кунлари бошланган эди. Бунақа пайтда яқин атрофдаги куч-мадордан қолган ёввойи тоғ эчкилари ва архарлар аллақачон забҳ этилган бўлади. Бунақа пайтда кийиклар болалагани қадам етмас қояларга чиқиб кетадилар. Одамлар боқиб турадиган сурувлар ҳам худди мана шу сабабларга кўра бу пайт кўра ва қўтонларга қамаладилар. Шунақада тинмай эмчак сўрадиган тўрт бўричани сут билан боқишнинг ўзи бўладими? Акбара эт-устихондан тушди, у энди сира ўзига ўшамас — ҳурпайган, калласи катталашиб сўррайган, эмчаклари салқиб осилган эди. Бўрилар, умуман, ғоятда чидамли бўлишади. Улар бир неча кунлаб овқат емай юришлари мумкин. Лекин эмизикли бўри ўзини емакдан

сиқолмайди. Ҳаёт Акбарани таваккалига катта овга чиқишга мажбур қилмоқда эди. Лекин мабодо у ҳалок бўлса, бўричалари ҳам ўлиб кетади.

Тошчайнар ҳамон унга эргашиб боради. Улар барига тез улгуришлари керак. Тез ўлжа топиш, уни тез ағдариш, этни тез-тез, катта-катта ютиш ва тез орқага қайтиш, таомни ҳазм қилиш керак эди. Акбара бўлтурукларга тез сут бермаса, сира иложни йўқ.

Бугун юрган йўллари кунгай ерларда сирғанчик, терскай томонларда эса қиш аёздан қаттиқ эди. Шунга қарамай бўрилар зўр бериб тоғдан тоққа лўкиллашарди. Бунақа чоғларда майдароқ махлуқлар ҳали ер тагидан бошини кўтармайди, ёввойи ҳамда хонаки сурувларга эса яқинлашиб бўлмайди, бинобарин, тирик ҳайвонлар — отлар, қорамол, туяларни шериксиз овлаш фойдасиз, ҳаётнинг чигаллиги ҳам шунда. Тошчайнар нечоғлик бақувват бўлмасин, йирик ўлжани бир ўзи инга судраб келтиролмайди. Охирги марта икки кун бурун у тоғ ёнбағирларига улоқиб келиб қолган эшакни ўлжа қилди. Акбара тунда инидан чиқиб, эшак гўштидан тўйгунча еди. Лекин эшак жониворлар тоғ ялангликлариди ҳар куни бундай бош оғанча юравермайдиларку. Одатда эшакларнинг ёнларида албатта одам бўлади. Ана шунинг учун ҳам Акбара овда қорнини тўйдириш учун ўзи инидан чиқди.

Аввалига Акбара иккилашиб турди, инни ташлаб кетишга сира кунгли чопмади, ҳатто бир-икки бор орқага қайтгиси ҳам келди — болаларидан хавотирланди: уларни доим иситиб, сут эмизиб туриш керак — лекин зўр билан ўзини энгди, инни унутишга мажбур қилди. Кўл атрофларида ўлжанинг исини олганларидан кейин эса, ов нашъаси унинг бутун борлигини қамраб олди.

Акбара билан Тошчайнарнинг омадлари бор экан: улар янги тушган изларни искаб борарканлар, кенг ялангликка чиқиб қолдилар.

Бу ерда подадан ажралиб қолган бўлса керак, учта қўтос ёлғиз ўтлаб юрарди. Бўрилар бир йилча бурун мана шундай ночор пайтларида уларга ташланиб кўрган эдилар. Ушанда келгинди бўриларнинг дуч келган нарсани ўлжа қилишидан ўзга чоралари қолмаганди. Ҳозир вақт тифиз эди. Атрофда одам қораси кўринмайди. Бўрилар у ёқдан-бу ёққа ўғринча боқишиб, дафъатан ҳужумга ўтдилар. Қўтослар чопиб келаётган бўриларни кўриб, олдинга ирғишлаб, ўқирганча қочдилар, лекин бўрилар қувиб етаётганлигини фаҳмлагач, қўтослар тўхташди — уларнинг бўксалари сандондай кўтарилиб тушарди — бўриларга шохларини тўғрилаб ҳужумга ўтишди. Уларнинг бошқа иложлари қолмаган эди. Шунда қандайдир бир зум ичида дунёдаги азалий мувозанат ҳоким бўлди: осмондаги қуёш, ҳувиллаган сукунат, кимсасиз атроф жондорларга ҳам, кавш қайтарувчиларга ҳам баб-баровар тегишли эди. Кавш қайтарувчилар тўқнашувдан қочиб қутулмоқчи эдилар, лекин йиртқичлар осонлик билан орқага қайтиб кетадиган эмасдилар, очлик ич-ичларини таталаб ташламоқда эди. Улар қандай бўлмасин олишиб, жилла курси, битта қўтосни ағдаришлари ва шу билан ҳам ўзлари, ҳам болалари жон сақлашлари керак эди. Қўтослар йирик ҳам эмас, майда ҳам эмас, ўртача: қиш чиқиши олдидан жунлари патила бўлиб ўсиб кетганди. Думлари от думидай бу қўтослар ҳам жанг қилмай илож йўқлигини тушундилар. Улар қаҳр ва қўрқинч ичида бошларини қўйи эгдилар, туёқлари билан ерни тирнаб, ўкириб таталай бошладилар. Кўк бетидида қуёш ҳамон чарақлаб турарди, теварагини қори эрий бошлаган кимсасиз тоғлар қўршаган, сарғайиб ётган очик ялангликда қўтослар билан йиртқичлар юзма-юз тўқнашдилар.

Бўрилар қулай фурсатни кутиб, қўтослар атрофида айланишарди. Акбаранинг вақти зиқ — болалари уни интизор бўлиб пойлаб ўтиришибди. Ниҳоят у андак кучсизроқ бўлиб кўринган қўтосга таваккал қилиб ташланди. Қўтоснинг кўзларига қон тўлганди. Шунга қарамай, Акбара унинг юраги пўкиллаб турганлигини пайқади. Эҳтимол янглишаётгандир. Лекин ўйлаб ўтирадиган пайт эмасди. Акбара ўзини қўтоснинг ўмровига отди. Ҳаммасини сониялар ҳал қилади. Қутуриб кетган қўтос уни елкасидан итқитиб юбориш ва шохлари билан ерга қоқиб ташлаш учун калласини зўр бериб силкитаётган маҳалда, Тошчайнар унинг иккинчи биқинидан ташланиб, бўйин томирларини узиб, ғажиб ташлаши, қонини оқизиши, миясини ишдан чиқариши керак эди.

Шундай ҳам бўлди. Лекин унғача қўтос Акбарани ерга улоқтириб, босиб

улгурди, энди ўкириб, уни шохларига илиб итқитмоққа чоғланди, яна озгина ҳаялласа борми, уни бутунлай эзиб, топтаб ташларди. Лекин Акбара қўтоснинг шохлари остидан илондай сирғалиб чиқди ва шу заҳоти яна қўтоснинг яғринига сакради, унинг жағни айириб юборадиган даражада қаттиқ жун босган гарданига ўттир тишларини куч билан ботирди. У ўзининг ваҳший ва раҳмсиз бўри табиятини тўла кўрсатди. У яшаш учун ўлдириши керак эди. Лекин бу сафарги ўлжа осонгина жон берадиганлардан эмасди. У — сайғоқ билан қуён зўравонликка қарши бўйин эгиб турадиган. Баджаҳл қўтос яраланиб, қони оқаётганига қарамай, ҳали анча қаршилиқ кўрсатиши ва ҳатто энгиб чиқиши мумкин эди. Бироқ, ҳар қалай, Акбаранинг юлдузи бирдан балқиб чиқди: Тошчайнар худди шу дамда ён томондан Акбара билан олишаётган қўтосга ёпишди ва унинг кекиртагига тишларини ботирди. Тошчайнарнинг ҳужумига дош бериш қийин эди. Бу ҳужумга у бутун кучини сарфлади. Қўтос ўз қонига беланиб, қалтираб кетди ва ҳирқирай бошлади. Сўнг бўғзидан варақлаб қон отилди ва у оғир бўкириб ерга қулади. Қўтоснинг кўзлари шишадай қотиб қолди. Олишув бораркан, бошқа тирик қолган икки қўтос тирақайлаб қочишди ва анча нарига етиб олгач, қадамларини секинлатиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандай шошилмай юриб кетишди.

Бўрилар чалажон қўтосни тортқилаб, юлқилай бошладилар. Ўлжанинг қачон жони чиқишини пойлаб ўтиришга вақт йўқ. Қайси жойидан бошлаб ейишни ҳам чамалаб турадиган вақт эмасди. Акбара қўтоснинг човига ёпишди, ҳали иссиқ, дириллаб турган гўштини тишлари билан юлқиб олиб, ямламай ютаверди. У иложи борица кўп эт ейиши керак ва иложи борица тезроқ инига қайтиши керак. Болалари зориқиб, маҳтал бўлиб қолишди. Тошчайнар ундан қолишмасди. У ваҳшиёна ириллаб, гўштни бурда-бурда қилар, бамисоли ёввойи қассобнинг ўзгинаси эди.

Бари ўз йўсин-йўриғи билан бўляпти. Қашқирлар олдин роса гўштга тўйишади, кейин тезроқ инларига етиб олиш учун йўлга тушишади. Кечаси яна гўштга тўйгани келишади, сўнг қолган гўштни бирон пана жойга судраб беркитишади. Лекин бунга ҳали вақт бор. Ҳозир эса, бўрилар очопотлик билан лаҳм ютишарди...

Осилиб тушган қоя тагидаги торгина камардаги бўрилар уясида очиқиб кетган бўри болалари беихтиёр равишда акиллашар, исиш учун дам ғуж бўлиб бир-бирларига тиқилишар, кейин яна ҳар томонга судралишиб тарқалишар, тагин тўпланишар эди. Ташқарида шитирлаган овоз эшитилганда ин ичига Бозорбой тиқилиб кирмоқда эди. Улар аввалгидан ҳам баттарроқ чийиллашиб, ўмбалоқ-дўмбалоқ ошиб ин оғзига томон интилдилар ва шу билан одамнинг ишнини ҳам энгиллатдилар. Бозорбай азбаройи кучанганидан бўғриқиб кетганди. У тор камар ичига пайпаслаб, туртиниб-суртиниб кирди. У пахталигини ечиб ташлаган, пиджакнинг ўзида қолган эди. Бўри болаларини бирма-бир тутиб, учтасини қўйнига солди, тўртинчисини бўйнидан маҳкам сиқиб ушлаб олди-да, ташқарига судралди. Ёруққа чиққанида, кўзлари қамашиб кетди. Баланд тоғлар шу қадар ярқираб ётарди. Кўкрагини тўлдириб нафас олди. Юракни сиқадиган жимжитлик. У фақат ўзининг нафас олганинигина эшитарди. Қўйнидаги бўри болалари ғимирлаб қолишди, қўлидаги эса ўзини қутқармоқчи бўларди. Бозорбой шошилиб қолди. Ҳамон оғир-оғир нафас олганча у пахталигини елкасига ташлаб, жилға томонга жадаллади. У ёғи бир зумлик иш эди. У ўзи ўғирлаб чиққан тўрт бўри боласини бошлаб пулламоқчи. Ҳозирча уларнинг барини хуржунга жойлайди. У бўриваччаларни тузуккина пулга сотишга ишончи комил эди: бултур бир чўпон ҳайвонот базасига аллақанча бўри болаларини сотган, ҳар бир бош бўрига эллик сўмдан тўлашган эди.

Бозорбой куртиллатиб ем чайнаётган отнинг оғзидан хуржунни тортиб олди, ичида қолган сулини ерга тўкди, ҳар бир хуржунга иккитадан бўри боласини жойлаштирди, хуржунни эгардан ошириб икки ўзқа ташлади, камар тортиб маҳкамлади, жиловни қўлга олиб, шитоб билан улангисига оёқ кўйди. Рав кетмаса бўлмасди. Мана, бунинг отини омад дейди! Лекин катта бўрилар етиб келмасдан жуфтакни ростламоқ керак. Бозорбой буни яхши билади. Ярим ичилган, тошга тираб қўйилган шишани Бозорбой эгарга ўтириб бўлгач эслади. Аммо араққа ҳам тупурди. Қолса қолаверсин. Бўри болалари учун бир дунё пул олади. Бунақа яримталардан қанчасини сотиб олиши мумкин. У отга қичов

берди. Қуёш ботмасдан бурун иложи борича тезроқ дарадан чиқиб олиши керак.

Кейин-кейин Бозорбойнинг ўзи ҳам ҳайрон бўлиб юрди: мабода юрак ютиб бўри ёки арлони келиб қолса, унда нима бўларди... Буғу жуда ювош ҳайвон, лекин у ҳам болаларини ҳимоя қилади — ғаним устига шартта ташланади...

Лекин буларнинг бари унинг хаёлига кейинроқ келди. Бўриларнинг чангалига тушишини ўйласа, кўнгли оза бошлади. Уша соатда у сангзор Бошат дарасида тўриғини қичаб ҳайдаб борар, дам сайин орқасида, тоғлар ичкарасида ботиб бораётган қуёшга хавотирланиб қараб-қараб қўяр, уни шом қувиб келмоқда эди. Ҳа, шошилмаса бўлмайди, тезроқ тоғ этақларига чиқиб олиши керак, кўл бўйлари ҳаммаси очик ялангликлар, от бошини хоҳлаган томонингга қўяверасан, аммо бу ернинг — тор, қўрқинчли даранинг иши бошқа...

Бозорбой кўл бўйларига, таниш яйловларга яқинлашган сайин ўзига ишончи ортар, дадиллашар эди. Олган ўлжаси билан мақтангиси келиб қолди. Чўпон улфатларимдан биронтасиникига қўниб ўтсаммикин, ўлжаларни кўрсатиб кўзини куйдирсаммикин, юзта-юзтадан қилиб бўриваччаларни ювсаммикин, ахир уларни яхшилаб пулласам, мен ҳам қарздор бўлиб қолмасман, деб ўйлади. У чала ичилган шишани сув бўйида ташлаб келгани учун ачина бошлади: эҳ, қанийди, ҳозир бир кўтарсанг!.. Унинг шунчалар ичгиси кистади! Лекин барибир ичида бунга ҳали улгураман деб қўйди, аввало бўричаларни омон-эсон етказиб бориш, қоринларини тўйдириш керак, улар жуда чидамли бўлсалар ҳам, лекин ҳали сутдан чиқмаганга, кўзларини ҳам энди-энди очганга ўхшайдилар, кўр, ана, чакчайиб туришларини... Ишқилиб, хуржунда ўлиб қолмасалар, бас. Бозорбой бу пайт ўзини даҳшатли тезлик билан қувиб етаётганларини хаёлига ҳам келтирмасди. Худо билади, ҳали буларнинг охири нима билан тугайди...

Буқа гўштини бурунларидан чиққунча еб тўйган бўрилар орқага қайтдилар. Олдинда — Акбара, орқароқда — Тошчайнар борарди. Улар қоя остидаги инларимизга тезроқ етиб олсак, болаларимиз билан яйраб давра олиб ётсак, оёқ-қўлимизни ёзсак, ана ундан кейин чала ейилган буқа тепасига борсак, ялангликда таланиб кетмасин тагин, дейишарди.

Ҳаёт экан — уни қил, муни қил, шунинг учун айтишган эканда, бўрини оёғи боқади деб... Ахир, тайёр этни кўрса, бошқа бўрилар қараб туришармиди — бу бировники-ку деб тортиниб ўтирмай, талаб, ғажиб кетаверадиғанлар ҳам йўқ эмас. Ана иннайкейин жанжал-тўполон чиқади, қон тўкилади. Лекин ҳақ ўз номи билан ҳақ, куч ҳам ҳақ томонда...

Ҳали инига етмасдан, ҳали узоқдан Акбаранинг юраги бир кори ҳол бўлганини сезди. Худди ёнгинасида аллақандай қуш соя каби парпираб учаётгандай, ботиб бораётган қуёшнинг сўнги нурларида у англаб бўлмас ваҳим, харосонлик билан тўлди. Юксак тоғ зирварларида аксланаётган қонли шафақ шуълалари борган сайин қорайиб, дилга ташвиш ва қўрқинч соларди. Инига яқин қолганда, у янада қаттиқроқ югурди. Тошчайнарга қайрилиб ҳам қарамади. Ниҳоят, у англаб бўлмас ваҳимага тушиб, елдек учиб кетди. Шунда ҳавода димоғига бегона ҳидлар урилди ва унинг ваҳимаси янада ортди: терлаб пишган отнинг ўткир ҳиди ва яна қандайдир кўнгилини беҳузур қилувчи сассиқидан анқирди. Нима бу? Қаердан келяпти? Акбара жилгадан сакраб ўтди, буталар орасидан йилдиримдай югуриб камарга чиқди ва лип этиб қоя остидаги инига ўзини урди. Ҳувиллаб қолган бўм-бўш уясининг ҳамма бурчакларини овчи итдай искаб чиқди ва пишқирди, бир зум қотиб қолди, сўнг ўзини ташқарига отди, ин оғзида Тошчайнар билан тўқнашди, худди барига у айбдордай, худди у жуфти эмас, ғаним-ёвдай уни алам устида тишлаб олди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Тошчайнар аввал уяга кириб чиқди, сўнг Акбара орқасидан югурди ва жилга бўйида унга етиб олди. Акбара эс-ҳушини йўқотгудай бўлиб изларни ҳидлаб юрар, юз берган воқеани англашга уринарди. Шу яқин ўртада бу ерга аллаким келган, у излардан шуларни ўқиди — мана, от сўлагининг ҳиди анқиб турган, сочилган сули, мана, от тезаклабди, мана, ҳиди кўнгилини айнитадиган шиша, Акбара уни ногоҳ искаб кўриб, азбаройи нафрати қўзиб, ёли тикка-тикка бўлиб кетди, мана, одамнинг қор устидаги излари. Кирза этикдан тушган излар. От миниб, жирканч нарса солинган шиша кўтариб келган қаттол ёв бостириб

кириб, болаларини ўғирлаб кетибди! Уларни еб қўйган бўлса-чи! Шунда Акбара яна гуноҳсиз Тошчайнарга ёпишди, уни қутуриб тишлаб ташлади, кейин қўрқинчли ириллаб, из кетган томонга шитоб билан югурди. Тошчайнар унга эргашди.

Бўрилар сира адашмай ҳид олиб боришар — суриб, қичаб олға кетиб боришар, дарадан чиқар ерни кўзлашар, яна олға, олға таъжил ила илдам қадам ташлашар, одамлар турадиган жойларни, улуғ кўл бўйларини мўлжал олишар эди...

Бозорбой эса дарадан чиқиб, отни яланг тоғ этакларидан, паст-баланд адирлар, ёзги яйловларда йўрттириб борар, ниҳоят, мана, олисда қорайиб кўлнинг бир чети кўринди. Яна бир соатларда уйга етиб олади. Бу орада қуёш ернинг у чеккасига, тоғ тизмалари орасига ботди, унинг сўнгги нурлари лов этиб сўнди. Иссиқ кўл томондан аёзли шамол эсди. «Бўричалар совуқ қотиб қолмаса эди», деб ўйлади Бозорбой, лекин уларни ўраб қўядиган нарса йўқ эди. Бозорбой уларни тирикмикин, деб хуржунга қараб қўймоқчи бўлди. Булар ўлиб қолса, биров бошига урадимми! У отдан тушди, камарларни бўшатиб, хуржунни очиб қарамоқчи эди, шу пайт от оёқларини кериб, ҳаммаёққа сачратиб шовдирата бошлади. Шунда бирдан сийишдан таққа тўхтаб, қаттиқ пишқирдида, ўзини чеккага отди, жилов Бозорбойнинг қўлидан чиқиб кетишига сал қолди.

— Тек! — деб қичқирди Бозорбой отга. — Хап тур!

Лекин от худди ўтдан қўрққандай ўзини чеккага урмоқчи бўларди. Шунда Бозорбой орқасига қарамаёқ нималигини билди. Бир зум ичида муздек бўлиб қолган елкаси билан у қувлаб келаётган бўриларни ҳис қилди. Бозорбой жон ҳолатда отга ёпишди, ёлидан маҳкам тутиб, ўзини эгарга олди, от шу заҳоти пишқариб, оёқларини кўтариб сакраганча елдек чопиб кетди. Бозорбой совуқ елдан бошини пана қилиб эгиб олди, атрофга аланг-жаланг қаради. Нарироқда икки бўри чопиб келарди. Қашқирлар югуриб адир устига чиққанларида, от жонивор уларни пайқаб хуркиган экан. Энди бўрилар отнинг йўлини тўсиб чиқиш пайида эдилар. Бозорбойнинг эсига шу тобда худо тушди, унга ялиниб-ёлвора бошлади. Бошқа пайтда худонинг гўрига гишт қалашдан ҳам тоймасди бу одам. Қайси гўрдан келиб қолган геологларни бўралаб сўкарди. «Олтинларинг томоқларингга тиқилсин!» Хотинини қийнаганларидан афсусланар, ундан узор сўрарди: «Сенга сўз бераман! Тирик қолсам, чертсам, одам эмасман!» Бўри болаларини олганга тавба қиларди: «Нима қилардим олиб! Нимага кирдим инига? Ҳаммасини тошга уриб, бошини ёриб ташламайманми? Энди нима қилдим, қаёққа қўяман уларни?» Хуржун тасмалар билан маҳкам тортиб боғланган, уларни йўл-йўлакай ташлаб кетиб бўлмайди. Бунинг устига шом қоронғиси тушяпти, кимсасиз тоғ ёнбағирларига хуфтон қораси бостириб келмоқда — ўладими, қоладими, дунёда ҳеч кимнинг у шўрлик билан иши йўқ. Фақат содиқ от жониворгина қўрқувдан эсини йўқотиб, бор кучи билан чопиб бормоқда.

Лекин Бозорбой ҳаммадан ҳам ёнида милтиғи йўқлиги учун ачинарди. Милтиғи бўлса, уларга кўрсатиб қўярди: битта-битта отиб қуларди, ўқни зое кеткизмасди. Милтиқ топилмас матоҳ эканми денг! Ҳамма чўпонларнинг уйида бор. Лекин ким уни доим ёнида олиб юради! Эҳ, билганда-ку! Бозорбой йиртқишларни қўрқитиш учун жони борица ҳайқирарди. Унинг барча умиди отдан эди. Яхшиям, асл, зотдор от...

Ҳаёт-мамот пойгаси...

Ўғирланган бўри болаларини хуржунга солган отлик билан изма-из Акбара ва Тошчайнар хуфтон қоронғилиги тушган тоғ ораларидан ана шундай қочдиқувди бўлиб борардилар. Олиб қочилган бўричаларнинг ҳидини сезган бўрилар ўзларича ёлворар, ўзларича тавалло қилардилар. Кошкийди, от бир мартагина, бир зумгина қоқилса! Агар қўтос гўштини бунчалар кўп емаганларида, қувиш қандай бўлишини кўрсатиб қўймасмидилар, аллақачон қароқчиға етиб олиб, уни кўз очиб юмгунча пора-пора қилиб ташламасмидилар, насл қолдириш йўлидаги азалий омонсиз курашда адолатни тикламасмидилар қонли ўч олиб? Мўйинкум чўллариди сайғоқ сурукларини тум-тарақай қувганлари, уларни ўзларига керак томонга буриш учун янада шиддат солиб югурганлари ҳам



гапми? Лекин катта овга бўрилар қоринларини тўйдирмасдан, шиддатли қувғинга олдиндан тайёрланиб чиқардилар.

Болаларни боқиш учун устма-уст бўкиб эт еган Акбара айниқса қийналиб чопмоқда эди. Лекин у ҳам бўш келмас, жони борича югурар, агарда отликқа етиб олса, бир зум ўйлаб ўтирмай, нима билан тугашидан қатъий назар, ўзини жангга ташларди. Шукурки, ёнида Тошчайнар бор, суянчиғи ва енгилмас мададкори, лекин нима деманг, ҳар кимнинг гўри бошқа... Акбара ҳар қандай ўлимга тайёр эди, ишқилиб, етиб олса, ишқилиб, учқур отда кетаётган шу кишини қувиб етса, бас... ишқилиб...

Бозорбой чиндан ҳам учқур от минган бўлса ҳам, лекин бундай қараб, бўрилар қадам-бақадам яқинлаб, ўнг биқинидан етиб келаётганлари, уни кўл томонга ўтказмаслик учун йўлни кесиб чиқаётганларини кўрди. Ғаддор ваҳшийлар отликни тоғ томонга қараб ҳайдашга зўр бермоқда эдилар. Шундай қилсалар, барибир, албатта, юзма-юз тўқнашар эдилар. Улар ниятларига эришай деб қолган ҳам эдилар: хуркиб кетган от ўзини йўқотиб қўйиб, ўнг ёқдан даф этаётган бўрилардан қўрқиб, бошини тоғлар томонга буришга уринмоқда эди. Бироқ отни онгли махлуқ — одам бошқариб бормоқда эди, у йиртқишларнинг ниятини англаб турарди, бўрилар худди шу нарсани ҳисобга ололмадилар, бу уларнинг фожиаси эди.

Бозорбойни яна бир нарса қўтқариб қолди. Тақдирнинг марҳамати билан олдинда чироқлар кўринди. Воҳ-воҳ, омаднинг келганини қаранг! Улар Бўстон Ўркунчиев кўрасининг чироқлари эди. Ҳа-ҳа, ўша илғор қулоқ Бўстон, ҳеч жини ёқтирмайдиган Бўстон. Лекин ҳозир ким кимни яхши кўрадио, ким кимни ёмон кўради — буни суриштириб ўтирадиган пайт эмасди. Нима фарқи бор. У ҳозир ҳар қандай қимирлаган тирик жонни кўзига суртишга тайёр. Ишқилиб, одамлар яшайдиган жойга етиб келди-ку — бундан ортиқ қувонч бўлиши мумкинми одамга! У ахир қутулди! У ўзида йўқ хурсанд бўлиб, отни яна товони билан кўстади, шунда от қўралар, одамлар томонга шамолдек учди. Бироқ ана энди қутулдим дегунча, Бозорбой учун яна бир аср вақт ўтгандай бўлиб кўринди, лекин, мана, Бўстон қурган электр движокнинг пулемётдай тариллаган овози эшитилиб қолди, мана, чўпонларнинг итлари бўри исини сезиб, айюҳаннос кўтариб, Бозорбойнинг йўлига пешвоз чиқишди. Айни чоқда, бўрилар ҳам қолишмас — борган сари яқинлашиб келишар, от ҳолдан тойиб борар, Бозорбой жондорларнинг қайноқ тафтини сеза бошлаган эди. «Худойим, ўзинг қўтқар! Ё Баҳоваддин, ўзинг мадад бер, — деб илтижо қиларди Бозорбой, — сенга етти қорани қурбон қиламан!»

«Омон қолдим! Қутулдим!» — дея шодланиб қичқирди Бозорбой.

Албатта, у бир соат ўтмай ўз ваъдаю таваллоларини унутади. Одам боласи ўзи шундай...

Унинг қошига чўпонлар чопиб келишди. Бозорбой уларнинг қўлларига ўзини отди, тўхтовсиз шу сўзларни тақрорларди:

— Бўри, мени бўрилар қувишди! Сув, сув беринглар!

Бўрилар эса, афтидан, кетмай шу атрофда айланиб юришар, чидам билан ниманидир кутишар эди. Бўстоннинг кўра, қўтонларида югур-югур бошланди. Чўпонлар чопиб юришар, қўраларнинг эшикларини беркитишар, ҳой-ҳойлашиб қоронғида бир-бирларини қақришар эди. Улардан бирови том бошига чиқди-да, милтиқдан неча маротаба варанглатиб ўқ қўйди. Итлар тинмай вовиллашарди, лекин қўралардан ташқарига чиқишмасди. Ўзларини ёруғроққа олишарди. Итларнинг қўрқоқлиги эгаларини дарғазаб қиларди.

— Бос! Ол! Э, булар бўрибосар эмас, пўқбосар! — кимдир бўғилиб, хириллаб итларни қистарди. — Ол, бос! Оқтош, Йўлбарс, Жойсан, Барпалон! Бос! Бос! Э, ўлларинг, думларингни қисмай! Бўридан қўрқиб ўтирибсанларми!

— Ит ўз оти билан ит-да! — деб эътироз билдирарди бошқа товуш.

— Нимага бақирасан? Бу итлар отликни этагидан тортиб туширади. Лекин бўрига яқин йўлолмайти. Тўғрими? Нима дединг! Бўрига қарши биронта ит боролмайти. Қўй, индама! Акиллайверсинлар!

Лекин бўрилар нега уни қувалаб келишганини Бозорбой анчагача эслолмади. Фақат Бозорбойнинг отига қараётган йигит бирдан: «Бозорбой бойке, хуржунда нима бор? Қимирлаётганга ўхшайди,» деб сўраб қолувди, ана шундагина у эслади.

— Хуржунда дейсанми? Э, бўри болалари-ку улар! Э, қуриб кетсин! Тўртта бўлтурук. Бошатда ини бор экан. Тўғри инидан олдим. Шунинг учун бўрилар орқадан қувиб келишди.

— Шундай демайсизми? Боплабсиз-ку. Тоза қўлга туширибсиз-да! Инидан дейсизми? Хўп омон қолибсиз-да тағинам...

— Хуржунда ўлиб қолмабдими? Чопганда бўғилиб, эзилиб кетмабдими ишқилиб!

— Нега эзилади! Урикмиди сенга эзилади! Улар итдай чидамли бўлишади, оғайни.

— Қани, кўрайлик! Қанақайкин?

Хуржунни туширишди ва Бўстоннинг уйига қараб юришди. Бунақа муҳим ишлар одатда Бўстоннинг уйида қилинади. Бу ерларнинг, қўра, қўтонларнинг эгаси ўша... Лекин ҳозир Бўстоннинг ўзи уйда йўқ. Районга навбатдаги йиғилишга кетган. Илғор чўпон Бўстон Уркунчиев яна навбатдаги президиумда ўтириши керак эди.

Бозорбойни Бўстоннинг уйига худди қаҳрамонлик кўрсатган одамдек олиб боришди. Унинг шунга рози бўлишдан бошқа чораси қолмади. Майли, бир қўниб ўтса ўтибди-да, ахир у меҳмон-ку.

Бу уйнинг остонасига Бозорбойнинг биринчи келиши эмас. Кўп йиллардан бери Бозорбой бу ердан етти қақирим нарида, Бўстонга қўшни ерларда чўпонлик қилади. Ана шу вақт ичида Бозорбой бу ерда уч марта бўлди: биринчи марта чўпон Эрназар Ола Мўнгу доводнида музлик камарга йиқилиб нобуд бўлганда, унинг таъзиясига келган эди; иккинчи маротаба Эрназар ўлгач, олти ойдан кейин Бўстоннинг олдинги хотини (Орзигул бечора жуда ҳам яхши хотин эди, дейишади) вафот қилганда, маъракасида қатнашган эди; ўшанда атроф-теварақдан тумонат одам йиғилган, отлар, тракторлар, юк машиналарнинг саногига етиб бўлмаганди. Учинчи маротаба худди бўйнидан судрагандай қилиб олиб келишган эди. Область раҳбарлари бу ерда ишлаб чиқариш семинари ўтказадиган, Бўстон Уркунчиев чўпонларга ўз илғор тажрибаларини сўйлаб берадиган эди. Бозорбойнинг ҳеч келгиси йўқ эди. Лекин қочиб қутулиб бўлмади, мажбур қилишди. Ярим кун ўтириб ваъз эшитишга тўғри келди: қўзилар ўлмаслиги учун нима қилиш кераклигидан тортиб, қандай қилса, кўпроқ жун ва гўшт топшириш мумкинлигигача айтди. Хуллас, планни қандай бажариш тўғрисида гапирди. Топган оҳанжама гапларини қаранг, унинг ўзи билади нима қилишини: қишда ерни ўз вақтида бер, ёзда тоғларда барвақт туриб, кеч ёт, қиқарса, яхши ишла, молдан, қўйдан кўзингни узма. Жон куйдир. Бўстон ва бошқаларга ўхшаб. Бироқ бировнинг иши яхши чиқади, бошқасиники мундайроқ. Бировнинг иши ўнгидан келади, бировники келмайди. Мисол учун, Бўстоннинг қўрасида движок патиллаб турибди — кечаси билан уйларда ҳам, саройда ҳам, ҳовлиларда ҳам чироқ ўчмайди. Хўш, нимага? Чунки у иккита агрегатни қўлга киритган — биттаси ишдан чиқса ёки ремонтга берилса, шу заҳоти иккинчиси ишга тушади. Бошқа чўпонларда эса, шу билан бирга Бозорбойда ҳам движок қурғур йил бўйи битта. Ўзи битта бўлгандан кейин одамни кўп овора қилади: бир қарасанг ишлайди, бир қарасанг, ишламайди, дам ёнилғи бор, дам йўқ, гоҳ бир жойи синган, гоҳ бир жойи чиққан, гоҳ унга қараб турадиган йигитча, ҳамма нарса жонига тегиб, шаҳарга кетиб қолган — шаҳарда ёшларнинг ошиғи олчи, қишлоққа қараганда юз карра яхши яшашади. Ана шунақа ишлар. Ҳамма ҳисоботларда барча чўпон бригадалар электр чироғи билан таъминланди, деб айтилади, аслида эса ҳеч вақо йўқ...

Шундан кейин ким яхши? Албатта, Бўстон яхши. Бунинг устига ичмайди. Ким ёмон? Бозорбой ва унга ўхшаганлар. Бунинг устига улар ичишади. Хўп, ёмон бўлсанг, бўйнингга бир урсинлару ҳайдаб юборсинлар, тамом-вассалом. Ваҳоланки, кетаман деб ариза бериб кўр-чи, дарров сенга милицияни тўғрилашади, паспортни олиб қўйишади, ҳеч қандай ҳужжат-пужжат бер-ишмайди: бор, акаси, ишингни қил, кетишга рухсат йўқ, дейди. Ҳамма шаҳарда яшасам, деб ишқивоз. Шаҳарда ишни тугатасану маза қилиб маданий ҳордиқ чиқарасан, бўлмаса, квартирангга ётиб дамингни оласан. Ҳамма нарса тайёр, олдинда муҳайё, ўт ёқиш керакмас, сув олдинда, чироқ кечасию кундузи бор, ҳожатхона ҳам шундоқ бурнингни тагида... Ўтардаги турмуш ҳам турмушми? Мол болаладиган маҳал-ку, сал кам бир ярим минг бош сигир-бузоқни

эплашинг керак, на кечаси тиним бор, на кундузи, бир ярим минг қорамолнинг бари бошингда мўнграб туради. Шиптир-шилта кечмай кўр-чи, ичмай кўр-чи, хотинингни, чўпон-чўлиқларингни урмай кўр-чи, фирт ҳайвоннинг ўзи бўласан-қоласан... Хўш, кейин ким ёмон? Бозорбой ва унга ўхшаганлар...

Сал нарсага бармоқларини нуқиб пеш қилиб туришади тагин: Бўстон Уркунчиевни кўр, ана, илғор, ана, ўрнак... Башарасига солиб-солиб юборсанг шу илғор тавиянинг! Бўстоннинг омади бор, унинг одамлари ҳам яхши, бир борган киши ҳеч қайтиб кетмайди, битта оиладек бўлиб ишлашади. Бозорбойга ўхшаган чўпонлар ўчиб қолган движоклардан аллақачон қўлни ювиб, қўлтиққа уриб, эскичасига, керосин чироқлари қўл фонарларига ўтиб олишган. Бўстоннинг МИ—1157 деган электр генератор агрегати қўраларнинг орқасида соатдай мунтазам юриб турибди, унинг гуп-гупи узоқ-узоқлардан эшитилади, чироғи не-не жойлардан кўринади. Бўриларни орқага қайтарган ҳам аввало шу бўлди, улар етай-етай деб турганларида чироқларни кўриб, движок овозини эшитдилару тақа-тақ тўхтаб қолдилар.

Итлар ҳамон бири олиб, бири қўйиб акиллашади. Бўрилар шу атрофда изғиб юришганга, лекин яқин келишга юраклари бетламаётган ўхшайди...

Ҳа, Бўстоннинг омади чопгани чопган. Ҳаммасини қара, ҳаммаси ораста, ҳамма нарса жой-жойида, уйлари чироқлардан чароғон, гарчи қўй кўрасида турсалар ҳам, лекин ҳаммаёқ озода, сўпурилган, сидирилган. Этик-пайтаваларни даҳлизда ечишга, гилам пайпоқнинг ўзида ичкарига ўтишга тўғри келди.

Одамнинг бир омади келса, ҳамма нарсада келади. Муни қарангки, Бозорбой илгари билмаган экан. Довонда нобуд бўлган Эрназарнинг беваси дуркунгина, ўктамгина жувон экан. Мана, энди шу Гулимхонни — Бўстоннинг хотинини олинг. Қанча ғамларни бошидан кечирмади, лекин ҳозир ўйнаб-кулиб бахтиёр юрибди. Ёши ҳам ҳойнаҳой ҳали қирққа етмагандир. Унинг Эрназардан қолган икки қизи интернатда ўқишади. Бунинг устига, омади чопса шунақа бўлади-да, яқинда Бўстонга ўғил туғиб берди. Олдинги хотинидан Бўстонга икки қиз қолган эди, улар катта бўлиб, турмушга чиқиб, ўзларидан тинчиб кетишди. Гулимхоннинг ўзи ҳам очиқ чеҳраликкина аёл экан, ақли-ҳуши ҳам ўзига етарлича, фаҳми-фаросати ҳам жойида. Бўстон ва Бозорбой икковлари бир-бирларига тоқат қилолмасликларини аниқ билади, лекин заррача сир бой бермай, уни очик юз билан қарши олди, ачинган, тасалли берган бўлди: «Келинг, келинг, қўшнимизнинг қўшниси, турга ўтинг, ана гилам, ўтиринг, вой, намунча бўрилар сизни қувламаса, вой, омон-эсон қутулибсиз-ей бир балодан, ота-боболаримизнинг арвоқлари қўллабди сизни, кулфатингиз аригани рост бўлсин. Лекин ўзлари уйда йўқ эдилар. Районга, мажлисга кетган эдилар, тезда келиб қолишлари керак. Директорнинг «Газиг»ида ташлаб кетишмоқчи эди: ўтиринг, ўтиринг, ўтиринг, ҳозир чой дамлаб келаман, бир пас шошмай турсангиз, иссиқ овқат ҳам тайёр бўлади».

Кўргилик экан, ҳамон мундоқ меҳмоннавозликлар борлигини билди, Бозорбой ҳар қалай уй бекасини бир синаб кўрай-чи, чақирилмаган қўноққа меҳрибончиликлари ростмикин, деди. Бунинг устига, қоча-қоча бўларича бўлган, сал ўзимга келволай, деб, ичкиси қистаб, арақ сўрагани жазм қилди, бетини сидириб ташлади:

— Чойни хотинлар ичади, — деди у дабдурустан. — Гапимдан хафа бўлма. Лекин Бўстондай давлатманд одамнинг уйдан ўткирроқ бир нарса топилмайдими? Довруқ солиб юрган одам-ку, Бўстон!

Бозорбойнинг ўзи асли шундай итфеъл эди. Ичкилик олиб келмасалар ҳам, у, Бўстоннинг хотинининг туси қочганлигини кўриб, ич-ичидан мамнун бўлди. Бозорбойнинг бетга чопарлиги Гулимхонга ёқмади. Нима, оҳанжама қилиб ўтирадимми, хон бўлмаса, бек бўлмаса, бор-йўғи жўнгина бир чўпон — қўйбоқар бўлса?

— Вой, гапингизни қаранг, — деди Гулимхон сал ранги ўчиб. — Бўстоннингизни ҳеч шу қуриб кеткурга ҳуши йўқ, шунинг учун...

— Биламан, биламан, Бўстонинг ичмайди! — унинг гапини писанд қилмай бўлди Бозорбой. — Бир айтдим-қўйдим-да. Чойинга раҳмат. Уйловдимки, ўзи ичмайдию, лекин меҳмонларга...

— Вой, у нима деганингиз, — қисинди Гулимхон ва Бозорбойнинг ёнида ўтирган Рисқулга қаради. Рисқулнинг тиззалари бўри болалари солинган ўша қурмағур хуржунга тегиб турарди.

Рисқул араққа чиқмоқчи бўлиб ўрнадан қўзғалган эди, шу пайт эшикда Бўстоннинг иккинчи ёрдамчиси — пединститутни чала ташлаб кетган, оёқ-қўли чаққон ва чапдаст йигитча Марат кўринди. Унинг областда кўрмаган жойи, қилмаган иши йўқ, мана энди эси кириб, Бўстоннинг олдида маҳкам ўрнашиб қўя қолган эди.

— Менга қара, Марат, — деди унга Рисқул. — Беркитиб қўйган яримтанг бор эди шекилли. Биламан сени. Қўрқма, агар Бўстон сўраса, мен жавоб бераман. Опеке тезроқ ўша яримтангни. Бозорбойнинг ўлжасини ювамиз.

— Ювамизми? Бир пасда опкеламаман! — дея мамнун бўлиб хохолади Марат.

Яримта стакандан кейин Бозорбойнинг хафагарчилиги ёзилди. Қўрқув кетиб, яна ўша-ўша қашанг ва бетамиз Бозорбой бўлди-қолди. Худди ўз уйида гиламга ёнбошлаб, бошидан кечирганларини ҳикоя қилди, бўри болаларини хуржундан чиқариб кўрсатди. Шунда ўзи ҳам уларни яхшилаб кўриб олди. Олдин бўричалар қимирлагилари келмай турди, ҳеч нарсага қарашмади, худди қилмоя истагандай қайгадир яширинмоқчи бўлишарди, кейин иссиқ таъсир қилди шекилли, жонланиб, ғимирлаб қолишди, уй ичида ҳар ёққа думалаб, қингиллаб, тумшукчаларини ўтирганларнинг тиззаларига уришди. Улар ҳеч нарсани кўрмаган, билмаган кўзчаларини мўлтиллатишиб, оналарини, унинг эмчақларини қидиришарди. Уй бекаси юраги ачиб, бошини сарак-сарак қилди:

— Вой, шўрликкиналар-эй, очқаб кетишибди-ку! Бўри боласи бўлса-да, барибир бола-да. Нима, буларни очдан ўлдирмоқчимисиз? Нима қиласиз?

— Нега энди ўларкан? — хафа бўлди Бозорбой. — Буларнинг жони тошдан ҳам қаттиқ. Икки кун боқиб тураману кейин районга топшираман. Ҳайвонот базасида билишади уларни қандай боқишни. Хўжайинларнинг қўлидан ҳар нарса келади — хоҳласа, бўрини ҳам қўлга ўргатиб, циркда ўйнатади, чипта сотиб, пул йиғади. Балки буларни ҳам циркка олишар.

Бекач кетидан ачинишиб турган одамлар бу гапга илжайиб қўйишди. Лекин бўри болаларини томоша қилгани келган хотинлар бир-бирларига пичирлаша бошлашди.

— Бозорбой, — деди Гулимхон, — бу ерда сут бериб боқилаётган қўзилар бор. Қўзиларнинг сутидан бўричаларга ичирсак бўлмасмикин?

— Бўлади! — кулиб юборди Бозорбой. — Қўйлар бўриларни боқсин. Қойил! Қани, олиб келинглар!

Уларнинг ҳар бири кейин мана шу соатни эслаб, қўрқиб ёқасини ушлайди. Йиртқич болаларини қўй сути билан боқишаётгани ҳам, бўричаларнинг эркаланиб, алпонг-талпонг қадам ташлашлари ҳам, улардан бирининг кўзи кўк эканлиги ҳам йиғилганларга қизиқ эрмак бўлиб туюларди. Ахир, қанжиқ бўрининг кўзи кўк бўлади, деб ким эшитган? Бунақасини фақат чўпчаклардагина учратиш мумкин. Бўстоннинг кичкинтойи Кенжашнинг хурсанд бўлганини айтмайсизми? Бирдан тўртта ширингина бўлиб думалашиб юрган бўричаларни кўриб, кичкинтойнинг кўзлари ўйнаб кетди. Бир ярим яшар Кенжаш фақат ўзи тушунадиган тилда алланарсалар деб чулдирар, бўривойлар билан ачомлашиб ўйнашар, буни кўриб, катталарнинг завқи келар эди. Тўрттала бўрича ҳам худди бу ердаги энг яқин ва ишончли кимсаларидай негадир тинмай унга суйкалишарди. Катталар: қаранг, бола болани билади-да, деб бир-бирларига сўз қотишар, Гулимхон, ўғлингиз асти нималар деяпти, деб сўрашарди. Гулимхон эса очилиб-сочилиб ўғилчасини бағрига босарди, эркаларди:

— Вой, кучук, кучугим, вой, сени қара! Кўрдингми бўричаларни. Қара, қандай юмшоқ, чиройли. Сен улар билан ўртоқ бўласанми, а?

Шунда Бозорбой бир сўз деди (унинг бу сўзларини кейин эслаб юришди):

— Уйдаги битта бўри бешта бўлди. Бўри бўлишни хоҳлайсанми? Вой Бўстоннинг тўрва қоқтиси-ей, сени булар билан бўри инига обориб қўяйми, бирга катта бўласан...

Ҳаммалари ҳазил-ҳузул қилиб кулишарди, чой ичишарди. Бозорбой билан Марат яримтани тугатишган, юзлари қип-қизариб, бўғриқиб кетган, қовурилган гўшт-ёғ ейишар, ичган сайин ўзлари ҳам, тиллари ҳам ешилиб борар эди. Ҳовли

жимжит бўлиб қолди — итлар вовиллашдан тўхташди, жунлари қалин, каттакон Жайсон деган малла ит эса бирдан ярим очиқ қолган эшик остонасида пайдо бўлди. У эшик олдида туриб думини ликиллатар, ичкарига киришга юраги бетламасди. Унга бир бурда нон ташлашди, ит нонни ҳавода илиб олди, тишлари шақиллаб кетди. Шунда кайфи чоғ Марат ҳаммани кулдириш учун бўричалардан бирини ушлаб кўтарди-да, уни итга рўпара қилди.

— Қани, Жайсон, ол, ол буни! Ол дейман! — у қалтираб турган мурғак бўричани ит олдига ташлади.

Ҳаммани ҳайрон қилиб, Жайсон жаҳли чиқиб ириллади, думини қисди, бўйнини ичига тортиб тирақайлаб қочиб кетди. Кейин ҳовлига, деразанинг тагига етгач, ночор ва қулинч вовиллади. Ҳаммалари хохолаб кулиб юборишди. Айниқса, Бозорбой қаттиқ кулди:

— Қўй, бекорга уринма, Марат! — деди. — Ит деганинг бўрининг ҳидига-ёқ ўтириб кўяди! Нима, Жайсонингни йўлбарс деб юрувдингми? Бунақасини ҳеч ким кўрмаган!

Кичкинтой Кенжаш миттигина бўри боласини эшакдай ит олдига ташлаганлари учун қўрқиб йиғлаб юборди. Ҳамма кулишдан тўхтади. Кенжаш катталарнинг зил ҳазилларидан бўричани ҳимоя қилмоқчи бўлгандай, унинг олдига эмаклаб борди.

Кўп ўтмай Бозорбой бўри болаларини хуржунга солди-да, жўнаб кетди. Бу орада оти ҳам анча дам олган, унга бошқатдан эгар-жабдуқ уришган, у шундан сўнг Бўстон қўрасидан шахдам йўлга тушган эди. Марат ва Рискул отга миниб, елкаларига милтиқ осиб Бозорбойнинг икки ёнида кузатиб боришди. Уларнинг икковлари ҳам ичишган, лекин Маратнинг кайфи ошиброқ қолган, шунинг учун оғзи гапдан бўшамасди. Чақирилмаган меҳмон Бўстоннинг уйдан хайрлашиб чиқаркан, андак кўнгил хиралик ҳам орада бўлиб ўтди. Ана шуни сипоришлаш учун бу бақувват йигитлар Бозорбойни кузатгани чиққан эдилар.

Бозорбой уйдан чиқмоқчи бўлиб, қўлидаги бўричалар солинган хуржунни эгарга ташлаб қўярсан, дегандай Маратга берди. У Бўстоннинг қўрасида иззати жойига қўйилгандан хурсанд эди. Бозорбой деворда каттакон бўри териси ёнида осиб турган милтиқни қўлига олди. У милтиқни диққат билан кўздан кечирди. Қорамтир пўлати ярақлаб турган, кўп ўқланадиган, йирик ўлжа уришга мўлжалланган сойли милтиқ кўзни қувонтирар, у Бозорбойга ростданам ёқди. Деворга осилган бўри терисини Бўстон шу милтиқдан аниқ нишонга уриб қўлга киритган эди. Буни бу атрофда билмаган одам йўқ.

— Менга қара, Гулимхон, — бамайлихотир деди Бозорбой мастона кўзларини милтиқдан узиб бекага тикиларкан. Бу Гулимхон дегани чеккароқ ерда қўлимга тушса борми, деган гап хаёлининг бир четидан ўтди унинг. У хотинларга дуч келган жойда, даладами, йўлдами, шартта чангал солишга ўрганиб қолган, ниятига етгач, бунга заррача ачиниб ўтирмасди, мана, ҳозир Гулимхонни ўз хотини Кўк Турсун билан қиёслаб кўраркан, Гулимхон эмас, шу жонга теккан, совуқ ошдай бўлиб қолган хотин ўз чекига тушганлигидан фиғони ошди. Мабодо шу тобда хотинига кўзи тушсами, унга тарсиллатиб шапалоқ тортиб юборишдан ҳам тоймасди бу бадбахт. Бозорбой ўзини базўр қўлга олиб, деди: — Яхши яшар экансизлар. Сен яхши бекасан. Мен нима демоқчи эдим? Биласанми, Гулимхон, бўрилар яна кетимдан тушадими, деб, қўрқяпман. Мен шу милтиқни ола кетсам бўлармикин, эртага бировдан жўнатиб юборардим...

— Худо ҳақи, жойига илиб қўйинг, — қатъий деди Гулимхон. — Бўстон милтиғига ҳеч кимнинг қўлини теккизмайди. Милтиғини биров ушласа, ёмон кўради.

— Нима, битта милтиққа кучинг етмайдими? — тумтайиб иршайди Бозорбой. У қулай пайт топса, бу жувонни қандоқ қучоқлашини ярқ этиб кўз ўнгига келтирди.

— Э, нима деяпсиз? Бўстон келиб, милтиқ жойида йўқлигини кўрса, нима, бу менга... Уқлари қаердалигини ҳам билмайман. Бўстон уларни яшириб қўяди. Бировга бир донасини бермайди.

Бозорбой ичиди Бўстонни бўралаб сўқди. Ўзидан хафа бўлиб кетди: Бўстоннинг бунчалар қўрумсоқлигини у билмасмиди, мана, хотини ҳам эридан бир тук қолишмас экан. Сал бўлмаса, у жувонга милтиғинг бошингдан қолсин,

деб юборай деди. Лекин шу пайт Рисқул жонга ора кирди, уни ноқулай аҳволдан қутқарди.

— Бекор ташвиш чекаясиз, Бозаке. Марат билан сизни отлиқ кузатиб қўямиз, хоҳласангиз, уйингизгача борамиз, — деб ишонтирди у кула-кула. — Вақтимиз эса бор, тун ўзимизники. Бу милтиққа эса сиз, яхшиси, тегманг. Жойига осиб қўйинг. Билмайсизми, уни ўз оти билан Бўстон деб қўйибдилар. Жуда тартибли одам!

Улар энди чиқмоқчи бўлиб турганларида, Рисқул яна бир пас ушланиб қолди. У Бўстоннинг ўғилчасини алдаб юпатишга тушди. Болакай амаки бўричаларни хуржунга солганини кўриб, ариллаб йиғлаб берди, қаёққа олиб кетяпти, деб. Кичкинтой ўзини ерга урар, онасининг бағридан юлқиниб чиқмоқчи бўлар, кучукчаларни қайтариб беришни талаб қилар эди...

Қўрадан чиққанларидан кейин ўқишни чала ташлаб кетган Марат ҳамроҳларини зериктириб қўймаслик учун ўзига қизиқ бўлиб кўринган бир ҳангомани бошлаб юборди:

— Яқинда районимизда бир антиқа воқеа рўй берди. Кулавериб ичакларинг узилиб кетади! Эшитмовдингизми, Бозаке?

— Эшитганим йўқ, — деди Бозорбой.

— Э, тоза ғовға бўлиб кетди. Чин сўзим!

— Қани, қани, эшитайлик студентдан, — деди унинг қитиқ патига тегиб Рисқул отини йўрттириб бораркан.

— Областимизнинг раҳбарларидан бири район газетамизнинг редакторига кўнғироқ қилибди: «Нима учун сизларнинг «Социализм тонги» газетангизда капиталистик Американи тарғиб этишяпти!» деб редактор билан бир пайт бирга ўқиганман, жуда ҳам кўрқоқ ва лаганбардор одам, раҳбарнинг сўзларидан тили калимага келмай қолибди. «Б-биз А-Американи ё-ёзга-анимиз йў-ўқ! К-кечиринг, қ-қана-оқа та-арғибот?» Раҳбар айтармиш: «Ҳали ёзмаганларинг шуми? Манови нима, оқ қоғозга қоп-қора қилиб ёзгансизлар «Бостонга эргашайлик» деб.» «Э, бу илғор чўпонимиз Бўстон Ўрқунчиев ҳақида ёзилган». «Мен ҳам биламан у ҳақда ёзилганини. Аммо кўплар фақат сарлавҳанинг ўзини ўқишади». Ха-ха-ха! Ана, кўрдингизми? Зўрми? «Хўп, унда нима қилайлик?» деб сўрабди редактор. Раҳбар айтармиш: «Илғорга тайинланг, номини ўзгартирсин».

— Тўхта! — деди Бозорбой. — Нима, Америкада ҳам Бўстон борми?

— Э, йўқ, — деди кулиб Марат. — Бостон — Американинг катта шаҳарларидан бири, Нью-Йоркдан қолишмайди. Бизда эса Бостон — бўз тўн дегани, яъни кулранг чопон. Тушундингми?

— Туф-эй, ана, кўрғурни қара, рост, рост! — деб тасдиқлади Бозорбой, бу гапларнинг бари икки пўлга қимматлиги, Бўстоннинг обрўйига заррача ҳам путур етказолмаслигидан ачиниб. — Худди ўзи. Бустон деб чопонни айтаемиз...

Кечанинг серюлдуз фалаги сарбаланд тоғлар ва қоронғиликда қудратли яғрини элас-элас кўзга чалиниб турган кўл узра ёйилди. Уч отлиқ ҳазил-хузул қилишиб Таманга кетиб боришар, шу кеча бир қанча одамларнинг тақдир калавалари ечиб бўлмайдиган даражада оғир чувалашиб кетганлигини хаёлларига ҳам келтирмас эдилар... Мана, уларнинг гап-сўзлари, от тақаларининг тошларга урилган овозларини борган сари секинлаб, сўнг бутунлай эшитилмай қолди... Бўстон движогининг пат-пати ҳам орқада сўнди, унинг чироқлари тоғларга чўккан қоронғилик ичидан чўпонларнинг бир неча қўраларию ҳовлиларига оқ шуълалар таратарди.

Қаердадир узоқ кетмай қашқирлар изғишарди...

## II

Гулимхон кичкинтойни алдаб-сулдаб, эркалаб бир амаллаб ухлагани ётқизди, ўзи ётмай, эрини кутди. Эри ана-маня дегунча келиши керак эди. Ташқарида итлар бирдан баравар вовиллай бошлади. Гулимхон елкасига иссиқ рўмолини ташлаб, деразага юзини босди. Директорнинг «Газиг»и чироқлари билан қоронғиликни ёриб қўзилайдиган қўйлар сақланаётган катта қўтон олдидан қайрилди. Бўстоннинг машинадан тушгани, хайрлашиб, кабина эшигини ёпгани ва машина орқасига кескин бурилиб кетганини Гулимхон кўриб турди. Эри дарров уйга кириб келмаслигини Гулимхон биларди. Бунақа

пайтларда у аввал қўтонлар ва саройларни айланади, ғарамхонага қарайди, қоровул Қудурматдан куни бўйи бўлган иш-хушларни сўрайди, қўйлар ётиб қолмадими, чала ташлаб қўймадими, қўзилаганлари борми, йўқми — ҳаммасини билмагунча тинчимайди.

Куни билан кўчадан ҳориб-чарчаб келган эрини қайноққина об-ош билан кутиб олиш учун Гулимхон ўчоқ тагига олдиндан ҳозирлаб қўйилган ўтинларни ташлади. Гулимхон иссиқ чой бўлмаса эрига ҳеч нарса татимаслигини билади. У қачон келаркин, деб остонага қулоқ сола бошлади. Кичкинтой Кенжаш отасининг совуқдан муздай бўлиб қолган мўйловлари юзига теккач, иссиққина тўшагида маза қилиб думалаб, лабларини чапиллатиб қўйишини тасаввурига келтирди-да, Гулимхон жилмайди. Одатда кичкинтойни Бўстоннинг ўзи уринга ётқизарди. Бундан олдин у билан анчагача ўралашар, ҳатто ҳушига келса, эшик, деразаларни маҳкам беркитиб, уйни иситиб, ўзи кичкинани тосга солиб чўмилтирарди. Қўшнилари Бўстон ёши қайтиб, болага ҳаддан зиёд меҳр қўйяпти, илгари у бундай эмасди, дейишарди. Илгари у болаларидан ҳам кўра ишни кўпроқ яхши кўрарди. Мана, энди олдинги болалари вояга етишиб, ўзлари болали бўлиб қолишди. Ўз кунларини ўзлари кўришади. Улар Бўстонни кўргани келиб туришади. Лекин боланинг тўрва қоқтиси ҳаммадан ҳам лазизроқ булар экан. Бироқ Бўстоннинг Кенжашга бунчалар қаттиқ меҳр қўйганлигининг бошқа бир аччиқ сабаби ҳам йўқ эмас. Буни бир Гулимхон билмаса, тушунмаса, ким билади, тушунади. Ахир улар бир кунмас бир кун эр-хотин бўламиз, фарзанд кўрамиз, деб хаёлларига келтиришибдими: ахир, унинг эри Эрназар довонда нобуд бўлмасайди ва шундан сўнг кўп вақт ўтмай Бўстоннинг биринчи хотини Орзигул қазо қилмасайди, бу ишлар қаёқда эди. Улар ўтган ишга саловат деб хаёлларига ғарқ бўладилар, кечган кунларини уйлайдилар. Кичкинтой уларни бир-бирларига мустаҳкамроқ боғлаб туради. Ахир у не-не машаққатларнинг ширин меваси. Ахир довонга йўлни Бўстон бошлаган эди, ўшанда ёрдамчиси Эрназар унинг кўз ўнгида ҳалок бўлди, кўз илғамас чуқур музлик қаърида қолиб кетди... Фақат шу кичкинтойгина Бўстон юрагидаги ўпқонни тўлдириб турар, ярасига малҳам эди. Бинобарин қадимдан қолган гап бор — фақат туғилишгина ўлимнинг ўрнини тўлдиради.

Мана, ниҳоят қадам товушлари эшитилди, Гулимхон эрининг қошига югуриб чиқди, этигини ечишга қарашди, сув, совун, сочиқ келтирди. Эрининг қўлига индамай сув қўйди, улар одатда кейин, чой устида бафуржа ўтириб гаплашишади. Ушанда эри: «Мана, энди қулоқ сол, дунёда нималар бўлмайди-я, дейди-да, кўрган-билганларини, ҳаммасини бир бошдан оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб беради. Улар икковлари мана шундай ёлғиз қолган пайтларида ўзларини жуда яхши сезишади. Бир-бирларига жуда яқин бўлиб кетган одамларнинг ўзаро гапи худди таниш соҳилга ўхшайди, қаери паст, қаери чуқур — олдиндан маълум. Эсида, Орзигул қазо қилганига бир йилдан ошган, барча таъзия маросимлари ўтган эди. Улар алоҳа турмуш қурадиган бўлишди. Ушанда Бўстон унинг кўл бўйида жойлашган қишлоқ чеккасидаги уйига тоғдан тушиб келди. Ушанда улар Бўстоннинг отини отхонада қолдириб, одамлар кўз ўнгида ўзларини биргаликда ғоятда ўнғайсиз ҳис қилиб, автобусга ўтириб, район ЗАГСига боришди, зарур қағозларга тезгина қўл қўйиб, тезгина чиқиб кетишди, кейин яна автобусга ўтиргилари, кўчаларда таниш одамларни учратгилари келмай, кўлга қараб юришди, сўнг соҳил бўйидан беванинг бошпанасига ўтишди. Кузнинг қуруқ кунлари. Қилт этган шабада йўқ. Иссиқкўлнинг тиниқ мовий юзаси ҳар қачонгидай ғоятда сокин ва шаффоф эди. Ушанда Бўстон тилоғоч бутазори ўсган соҳилга тушган сўқмоқнинг бошида қирғоққа боғлаб қўйилган икки қайиқни кўриб тўхтади. Қайиқлар оҳиста чайқалишар, сувнинг қумлоқ таги яққол кўриниб турарди.

«Қара, атроф сув, тоғлар, ер — мана шунинг ҳаммаси ҳаёт. Манов икки қайиқ эса нақ сен билан менга ўхшайди. Тўлқин бизни қаёққа бошлаб кетади — ҳали кўрамиз, доим хотирамизда туради, биздан қочиб кетмайди. Ке, доим бошимиз қовушиб, бирга бўлайлик. Мени чол десанг ҳам бўлади. Қиш кирса, қирқ тўққизга тўламан. Сенинг болаларинг эса ёш, уларни ўқитиш, одам қилиш керак... Юр, буд-шудни йиғиштирайлик. Балиқчининг қизисан. Сени тоғларга олиб кетаман... Мен бир ўзим яшолмайман, тоқатим қолмади...»

Гулимхон негалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда йиғлаб юборди, Бўстон уни узоқ юпатиб турди... Кейин ўзлари ёлғиз қолган чоғларида турмуш ҳақида гаплашишар экан, Гулимхон тез-тез соҳилдаги ўша икки қайиқни эсларди. Шунинг учун ҳам, энг яқин одаминг билан қиладиган суҳбатинг худди таниш соҳилга ўхшайди, деб ўйларди у. Бироқ бу сафар эри назарида одатдагидан сал ташвишлироқ кўринди. Бўстон даҳлиздаги лип-лип қилиб турган чироқнинг ёруғида катта, дағал кўлларини сочиққа атай эринмай артарди. У хотинига қараганда бўйи анча баланд, бироз қисилган кўкимтир кўзлари норизо боқар, шамоллар ялайвериб пишиган чўнг ва қуйма даҳани қурч каби қорайган эди. Тинчликмикин ишқилиб? Кўлларини артиб бўлгач, Бўстон Кенжаш тепасига борди. Ўз кўли билан ясаган ёғоч каравот олдида чўк тушиб ўтирди, ўғлини эркалаб дағал лабларини унинг юзига босди, кичкинтой отасининг келганини сезиб, ўрнидан ширин қимирлаб қўйди, буни кўрган Бўстон беихтиёр жилмайди.

— Мен йўғимда бу ерга Бозорбой келган эмиш, — деб сўз қотди у овқатга ўтираркан. — Хосияти йўқ бу ишнинг...

Гулимхон бу сўзларни ўзича тушуниб, қизариб кетди, жаҳлини босиб, хафа бўлиб, деди:

— Мен нима қилай ахир? Ўзлари уйга бостириб келиб қолишди. Бўри болаларини тутишган экан, кўрсатамиз дейишди. Кенжаш ёпишиб олса бўладими — ёш болага ўйин-да... Чой қўйдим кейин олдиларига...

— Буни айтаётганим йўқ. Майлику-я, ўзи келар ёр-ёр, ўзи кетар ёр-ёр, Хосиятсиз одам дейман-да...

— Нима қипти шунга? — унинг нима демоқчилигини англолмай деди Гулимхон. — Узингиз ҳам бўриларни отгансиз-ку. Ана, териси бултурдан бери осилиб ётибди, хўпам яхши ошлашган экан терисини, — у девордаги бўри терисига ишора қилди.

— Туришга-ку турибди-я, — жавоб берди Бўстон хотинига бўш пиёлани узатаркан. — Гапинг рост, мен ҳам бир пайт бўри отганман. Нима қилайлик, дунё шундай қурилган бўлса, бир ёқда одам бор экан, бир ёқда бўри. Лекин мен ҳеч қачон бўри уясини тўзғитмаганман. Шумқадам Бозорбой деганинг бўлтуруқларни ўғирлаб олибди, катта бўрилар эса омон қолибди, энди улар тоза кутуришади. Ҳаммадан бизга ёмон бўлади. Бўрилар шу атрофда ин қуришган, аламини биздан олмасалар гўрғайди...

Гулимхон унинг сўзларидан донг қотиб қолди. У ҳамма хотинларга ўхшаб оҳ-воҳ қилди, хўрсинди, елкасига оғиб тўкилган соч ўримларини тузатди.

— Вой, шўрим! У шумқадамнинг ўзи нима қилиб бизнинг томонларда адашиб юрибди экан? Бўрининг инига тегиб нима бор? Одам ачинади. Ҳайвон бўлса ҳам, боласи ўзига ширин. Ҳамма билади буни. Ўшанда бу ақлимга келмаганини қаранг.

— Мен бошқа нарсани ўйлаяпман, — деди ташвишланиб Бўстон. — Қандай бўри экан булар? Ановлар эмасми? — Бўстон жим қолди. Сўнг қўшиб қўйди: — Қудурматнинг гапига қараганда, бўрилар Бозорбойни Бошат дараси томондан қувиб келишганмиш.

— Нима қилди?

— Анови келгинди бўрилар — Тошчайнар билан Акбара бўлмасин дейманда ишқилиб. Шундай бир жуфт бўри бор.

— Вой, қўйинг, ҳазилингиз қурсин! — қиқирлаб кулиб юборди Гулимхон. — Ҳеч замонда бўриларнинг ҳам одамлардай оти бўладими? Ҳазиллашасиз!

— Ҳазилинг нимаси! Ҳазил гап эмас. Бу бўриларни биз биламиз. Ўзимизнинг бўриларга ўхшамайди. Кўрган одамлар бор. Жуда қаҳри қаттиқ бу бўриларнинг. Иккови ҳам кучли. Қопқонга тушмайди. Отаман десанг, кўзга кўринмайди. Қурмағур ароқхўр Бозорбой келиб-келиб уларнинг инларига дуч келиб қолганини қара. Бутун наслини қурибди. Тагин сен уларнинг ўз отлари борлигига ҳайрон бўлиб ўтирибсан! Эркаги Тошчайнар шунақанги кучлики, ҳатто отни ағдаради. Онабўри Акбара эса ҳаддан ташқари ақлли, мен бунақа ақлли ваҳшийни кўрмаганман! Шунинг учун жуда хатарли.

— Бўлди қилинг, отаси, юрагимни чиқарманг! Нима, мени бола



фаҳмляпсизми? — ишонмай илжайди Гулимхон. — Худди болаликдан улар билан бирга ўсгандай гапирасиз... Ҳеч одамнинг ишонгиси келмайди...

Бўстон, хайр, майли, дегандай кўнгилчан кулиб қўйди, кейин ўйланиб қолди, хотинини тинчлантирмаса бўлмаслигини билди.

— Бўлар иш бўлибди, — деди у бироз жим ўтиргач, — хаёлингдан чиқариб ташла. Бир димофигни чоғ қилай дедим-да. Қани, тўшакни сол. Кеч бўлиб кетди. Эрталаб барвақтроқ туриш керак. Эрта-индин ялписига қўзилаш бошланади. Баъзи қўйлар кечаси ё эртага эрталаб туғиб қўйиши мумкин. Айниқса, иккита, учталаб қўзилайдиганлари!

Чироқни ўчириб ўринга кирганларидан сўнг одатда дарров ухлаб қоладиган Бўстон районда бўлган мажлис, унда мана шу билан нечанчи марта нега ҳозирги ёшлар чорвачиликка қизиқмаётганлиги, нималар ва қандай қилиш кераклиги ҳақида гапирганини икки оғизгина сўйлаб берди. Шу пайт ташқарида от туёқларининг товуши эшитилди. Гулимхон ўрнидан дик этиб турди, ички кўйлақда, елкасига шол рўмолини ташлаб дарча олдига келди. Катта қўтон олдига милтиқ осган икки отлик отдан тушаётганларини кўрди.

— Рисқул билан Марат қайтиб келишди, — деди у. — Бозорбойни кузатиб қўйгани кетишган эди.

— Вой, тентаклар-эй! — деб ғўлдиради Бўстон ва шу заҳоти ухлаб қолди. Гулимхон анчагача ухлолмай ётди. Каравотда ётган ўғилчасининг устини тўғрилади, боласи тушмагур доим устидаги кўрпаларини тепиб ташлайди, қорни очилиб қолади. Бола эмас, бало, ҳеч одамни ухлатмайди, айниқса, кўзини уйқу тортиб кетаётган маҳалда. Ҳозир Гулимхоннинг уйқуси қочди. Хўп серғалва, бевош кун бўлди-да бугун. Ҳаммасига Бозорбой сабабчи. Осмондан тушгандай келиб қолганини қаранг. Кўзимиз учиб турувди сенга. Айниқса, Бўстоннинг жини суймайди. Бўстон ўзи шунақа, шовқин-суронни, шошқалоқликни, Бозорбойга ўхшаган тамизи йўқларни, гарчи шахсан ҳеч қандай ёмонлик қилмаган бўлса ҳам, ёқтирмайди. Бозорбойнинг эса Бўстонга бахиллиги келади, иши юришган, ошиғи олчи дейишади... Лекин иш юришсин деб қанча тер тўкиш, ақл ишлатиш керак, Бозорбой бунга билмайди. Эртага тонг қоронғисидан ишга шўнғиб кетади, то кеч говгумгача қўли бўшамайди, ҳаммасига ўзи қарайди, ўзи режа олади, пухталаб кўз солади...

Гулимхон дераза олдига келиб, сутдай оқариб ётган тун бағрига тикилди. Ой тизим-тизим тоғ ўрқачлари узра порларди, дурдона юлдузлар бодраб чиққанди. Эрталабга қадар ой ботади, юлдузлар сўнади, аммо шу кеч алламаҳалда туннинг чеки йўқдай, ҳеч қачон тонг оқармайдигандай кўринарди. Тоғ этаклари сукунатида чеккадаги пат-патнинг овозигина ҳоким эди.

Гулимхон узоқ ухладими, айтиш қийин, балки кўзи уйқуга эндигина илингандир, лекин шунда уйқу аралаш қулоғига итларнинг акиллашгани ва қандайдир увлаган овоз чалинди. Гулимхон уйқудан базўр кўзини очди, энди бўрининг чўзиб-чўзиб, нола қилиб улиганини аниқ эшитди. Ув солган овоз кўкка ўрлар ва юракка оғир ваҳима соларди. Гулимхонни титроқ босди, у эрига яқинроқ сурилиб ётди, унинг пинжига тикилди. Сал ўтмай бўри улиши аччиқ, аламли йиғига айланди. Азоб-уқубатда қолган махлуқ ғамини ҳеч қаёққа сиғдириб қўйди.

— Акбара-ку! — уйқу аралаш хириллаган овоз билан деди Бўстон ёстиқдан шахд-ла бошини кўтариб.

— Қанақа Акбара? — сўради Гулимхон гап нима ҳақида бораётганлигини англамай.

— Урғочи бўри! — деди Бўстон бўри овозига қулоқ тутиб. Сўнг қўшиб қўйди: — Тошчайнар ҳам қўшилишиб увлапти. Эшитяпсанми, қушхонага тушган буқадай бўкиряпти.

Улар нафасларини ичларига ютиб қотиб қолдилар.

«Ув-ув-ув-ув-ув-в-в-ва-ва-а-а-у!» деган андуҳ тўла фарёд тараларди чексиз тун қўйнида.

— Нима, нимага увлапти? — қўрқиб пичирлади Гулимхон.

— Нима бўларди? Аламидан йиғлапти!

Улар индамай қолдилар.

— Вой қизталоқ! — жаҳли чиқиб сўкинди Бўстон. — Сен ёта тур, болага қара, уйғониб кетмасин. Э, қўрқма, нимадан қўрқасан, нодон! Бўри, хўп,

увлаяпти, яқин ўртада, боласини соғиниб довлаяпти, хўп, нима қилиш керак? Мен қўтонлардан хабар олайчи, нима гап экан?

У шундан сўнг апил-тапил кийинди, даҳлизга ўтиб этигини оёғига тортди, сўнг хонага қайтиб кириб, чироқни ўчирди-да, эшикни маҳкам ёпиб ташқарига чиқди. Гулимхон унинг дераза ёнидан ўтганини, алланималар деб сўкинганини, «Жайсон! Жайсон! Маҳ!» деб итни чақирганини ва қадамлари аста узоқлашиб кетганини тинглаб ётди. Шунда яна она бўрининг чўзиб ув тортгани, эркагининг дўриллаб унга жўр бўлгани эшитилди. Улар тортаётган уввос сасида қаҳр-ғазаб кўпириб тошар, дўқ йиғи билан алмашар, кейин яна телба васваса шиддатли хуружга минар, сўнг умидсиз ёлвормоққа ўтар эди...

Одамнинг юрагини эзиб, буйдалаб юбормоқдайди бўриларнинг уввоси. Гулимхон қулоғини чиппа беркитди, сўнг бориб, худди қашқирлар уйга бостириб кирадигандай эшикнинг илгагини солди, қалтираб, шол рўмолига ўраниб, нима қилишини билмай гарангсиб ўрин тепасига келди. Ишқилиб, бола уйғониб, қўрқиб кетмасин-да, дерди у. Ичи шундан алағ-чалағ эди.

Бўрилар эса ҳамон ув тортишар, улар худди шу яқин орада айланишиб, у ердан бу ерга ўтишиб, дайдишаётгандек эди. Итлар уларга жавобан қутуриб вовиллашар, лекин ҳовлилардан ташқари чиқишга ботинмасдилар. Шунда бирдан варанглаб милтиқ овози келди, яна бир отилди. Бўстон билан қоровул Қудурмат бўриларни қўрқитиш учун ўқ чиқарганларини Гулимхон тушунди.

Сўнг ҳаммаёқ жим бўлиб қолди. Итлар акиллаши босилди. Бўриларнинг ҳам уни ўчди. «Худога шукур, кетишди, одамнинг ўтакасини ёриб юборай дейишди-ей!» ўйлади Гулимхон енгил тиң олиб. Лекин барибир дили хавотирда эди. У ухлаётган Кенжашни каравотдан ўзларининг тўшакларига олиб ўтиб, ўртага ётқизди. Бу орада Бўстон қайтиб келди.

— Уйқуни ҳаром қилди, қисталоқлар, — деб норози тўнғиллади у, афтидан, бўрилар ва итларни назарда тутиб. — Ҳайвон, қип-қизил ҳайвон экан бу Бозорбой! — дерди у куйи ошиб, қайта ўринга чўзиларкан.

Гулимхон эридан сўраб-суриштириб ўтирмади. Шусиз ҳам уйқуси чала бўлди. Эрталаб азонлаб яна қўтонларни айланиши керак. У мириқиб уйқуни уриб ётадиган чўпонлардан эмас.

Эрининг кўнгли ниҳоят жойига тушганлиги, ўғилчасини бағрига босиб, ширин сўзлар айтиб эркалаганларини кўриб, Гулимхон енгил тортди. Бўстон ўз кенжасини қаттиқ суяр, шунинг учун ҳам унга Кенжабек — наслнинг кенжа беги деб ном қўйганди. Чўпонлар ҳамма вақт бек бўлишликни орзу қилганлар, лекин тақдирнинг кулгисини кўрингки, ҳамма вақт чўпонлар — чўпон бўлиб қолаверганлар. Бўстон ҳам бундан мустасно эмасди.

Улар ўғилчани ўрталарига олиб ётганча ухлаб қолдилар. Лекин ҳаял ўтмай, яна мунглиқ бўри улишидан чўчиб уйғондилар. Итлар яна безовта вовиллаша бошладилар.

— Вой, яна нима бўлди? Қуриб кетсин шу турмуш! — уйқу азобида норози бўлиб деди Гулимхон ва шу заҳоти айтган сўзи учун афсусланди. Бўстон индамай ўрнидан туриб, қоронғида тимирскиланиб кийимини устига ила бошлади. — Кетманг, — илтижо қилди хотини. — Увласа увлайверсин... Мен қўрқаман. Керакмас, кетманг!

Бўстон кўна қолди. Шундай қилиб, улар қоп-қоронғи тунда, зимистон қопланган тоғларда, қоронғи уйда бўриларнинг нолакор улиганига қулоқ тутиб ётардилар. Тун яримдан оғган, ҳализамон тонг оқаради, бўрилар эса ҳамон қайғули, аламангиз ув тортганлари тортган эди.

— Одамнинг жонини суғуриб олай дейди-я. Уларга нима керак экан ўзи? — ўзини тутолмай деди Гулимхон.

— Нима керак бўларди? Болам қани, деб сўрашяпти-да, — жавоб берди Бўстон.

— Болалари бу ерда эмас-ку, ахир. Олиб кетдилар-ку аллақачон.

— Улар не билсин бунга? — деди Бўстон. — Булар — худонинг махлуқи. Фақат битта нарсани билишади: излар уларни шу ергача олиб келган. Шу ерда улар учун ҳамма нарса тамом бўлган — дунё охир бўлган. Қани, бориб уларга шуни тушунтириб кўр-чи. Аттанг, ўшанда уйда ўзим бўлмабман-да! Бозорбой аблаҳнинг шу иши учун бўйинини қайириб ташлардим. Ўлжани олган у — ўлпонини биз тўлаймиз...

Худди унинг ўзи сўзларини тасдиқлагандай қўтонлар ва қўй қўралари узра бўриларнинг дам мунгли ва оғир, дам дарғазаб ва қаҳрли уввослари таралар — аламдан ўзларини қўярга жой топмаган бўрилар атрофда тинмай изғиганлари изғиган эди.

Айниқса, Акбара ўртаниб ёнарди. У худди мазорга борган хотиндек нола чекарди. Шунда Гулимхон Эрназар довонда нобуд бўлганда, бошини деворга уриб йиғлаганларини эслади. Шу тобда алаmidан дод деб юборай деди. Бўстонни уйғотиб, унга ҳаммасини бир чеккадан сўйлаб беришига оз қолди, бундан ўзини базўр тўхтатди.

Улар шу тариқа мишжа қоқмай ётишарди, ёлғиз маъсум гўдак Кенжашгина мириқиб ухларди. Урғочи бўрининг болаларидан айрилиб тинмай ув тортаётганини тингларкан, она Гулимхон гарчи ҳеч қандай хавфу хатар бўлмаса ҳам, ўз фарзандидан ташвишланарди.

Тоғларнинг боши оқарди. Қоронғилик кўк тоқларида эриб бормоқда. Тунги посбонлигини ўтаган юлдузлар бирин-бирин ўчмоқда. Олис-яқин чўққилар равшан тортди. Ер — ерга ўхшай бошлади...

Мана шу соатда Акбара билан Тошчайнар тоғларга, Бошат дараси томон кетиб борардилар. Уларнинг соялари дам адир-тепаликларга тушарди, дам қоронғилик ичра йўқоларди. Бўрилар бошларини ҳам қилганча қадам ташларди — болаларидан айрилиш осон бўлмаганидек, тун бўйи улиб чиқиш ҳам осон эмасди. Улар йўл-йўлакай ўлжа қўтос тўши қолган ялангликка ўтишлари ҳам мумкин эди. Одатда улар тўйиб-тўйиб эт ейишдан ўзларини тийиб ўтирмасдилар. Лекин Акбаранинг кўнгли шу тобда эт тусамеди ва Тошчайнарнинг ҳам унга буни эслатишга юраги бетламади.

Қуёш чиқай деб қолганди. Акбара инга яқинлашаркан, бирдан худди уни болакайлари кутиб тургандек, зориқиб чопиб кетди. Ушбу ғалати ҳолат — ўз-ўзини алдаш Тошчайнарга ҳам юқди. Энди улар икковлон дара ичидан ҳакалак отиб югуриб боришар, бўлтуруқларни яна тезроқ кўрмоқ умиди юракларини ҳаприқтирарди.

Яна бари такрор бўлди. Акбара чангалзор оралаб шўнғиди, камарга кирди, ўзини қоя тагидаги инига урди, яна ҳамма ёқни искаб чиқди, совуган ўрнини тимдалади, яна бўлтуруқлар ғойиб бўлганига ишонди, фарёд чекиб, ўзини индан ташқарига отди, кўзига алаmidан ҳеч нарса кўринмай, ғор оғзида дуч келган ўнғайсиз Тошчайнарни яна тишлаб-тишлаб олди, яна жилға буйига бориб, ҳар томонни искай кетди. Бу ерда ҳамма нарса кўзига хунук ва аламгир бўлиб кўринди. Айниқса, тошга суяб қўйилган шишадан таралаётган ҳидга сира тоқат қилолмасди. Аччиқ, димоқни ёрадиган ҳид Акбаранинг қаҳр-ғазабини ошириб-тошириб юборди. У ваҳшат билан ириллади, ўзини тишлаб ташлади, ерни, тошни тишлаб тирнади. Охири чидолмай фарёд кўтарди, унинг фиғону ошуби кўкдан ўтди. Акбаранинг мислсиз кўк кўзларидан алам қонли жола бўлиб ёғилди.

Оламда унга тасалли бергувчи ҳеч ким йўқ эди, ҳеч ким унга қўшилиб йиғламасди. Сарбаланд тоғлар совуқ боқардилар...

### III

Эртасига соат ўнларда Бозорбой Нўйғутов район марказига бориш учун отни эгарламоқчи бўлиб туриб, бу ёққа қараб келаётган отлиққа кўзи тушди. Қизиқ, Таман қишловида нима иши бор экан? Олди очиқ сариқ почапўстин, тулкитумоқ кийган отлиқ кунботар томондан, тоғнинг кичик этагидан отни йўрттириб келарди. Эгарда у ўктам ва чапдаст ўтирарди. Бозорбой дарров отлиқни ҳам, тикилиброқ қараб, саман отни ҳам таниди. Ҳа, чиндан ҳам адашмабди, бу Дўнкўликка миниб олган Бўстон Уркунчиевнинг ўзгинаси эди. Бўстоннинг кутилмаганда пайдо бўлиши Бозорбойнинг кўнглини хира қилди. Шу дилхиралик билан у эгарни бир чеккага қўйиб, ўзи хуш кўрмайдиган узоқ қўшнисини кута бошлади. Бўстон мени пойлаб турибди деган хаёлга бормасин деб, бир даста сомон билан отни қашлай кетди. Ўзини иш билан овора одамдай кўрсатди. Бозорбойнинг назарида Бўстон уни худди қўлга туширгандай ғалати бир ҳолга тушди. У ҳовлиларни, қўраларни, қўтонларни, эрталаб ўз иши билан овора чўпонларни ҳаммаси жойидамикин, дегандай кўздан кечирди. Албатта,

қишлолда Бўстоннинг хўжалигида тартиб, саранжомлик кўпроқ, Бўстон итдай ишлайди, илғор бўлгач, бошқа иложи ҳам йўқ-да (оғзига кучи етмаган ғаламуслар-э, анов ажойиб йиллар бўлсами, Бўстон аллақачон қулоқ сифатида Сибирь қилинарди, деб юришарди), Бозорбой эса, ким бўпти — жўнгина, соддагина осиелик чўпон. Тоғу чўлларда ундайларнинг сон-саногги йўқ. Улар миллионлаб бош қўй сурувларини суриб юришади, улар ўтган жойлардан ўт-ўлан таги-томиригача қуриydi. Ундан кейин ҳар кимники ўзига. Бўстон — ўзига, Бозорбой — ўзига. Бўстон яқинлашиб келаркан, Бозорбойнинг хаёлида фикрлар чарх ура бошлади: «Бу қулоқ каллаи саҳарлаб нимага изғиб юрибди? Таажжуб? — ақли етмай ҳайрон бўларди Бозорбой. — Нима бўлдийкин? Сабаб?» Бир кўнгли Бўстонни уйга таклиф қилсаммикин, деди, лекин бевош, бесаранжом ҳовлиси ва ҳаммадан ҳам бадбахт, шўртумшуқ Кўк Турсунни (ахир уни Гулимхон билан асти тенглаштириб бўлармиди) кўз ўнгига келтириб, тагин бу фикридан қайтди.

Таман қишловига кириб келаркан, Бўстон ҳовли олдида отнинг бошини тортди, атрофга аланглаб қаради ва айвон олдида уй эгасини кўргач, шу ёққа қараб юрди. Улар сиполик билан саломалик қилдилар, Бўстон отдан тушмади, Бозорбой ўз иши билан машғул бўлди. Бу ҳолдан ҳар иккаловлари ҳам сира хижолатга тушганлари йўқ.

— Уйда экансан, яхши бўлди, — деди Бўстон кафти билан мўйлабларини силаб.

— Уйда бўлмай қаерда бўлардим. Хуш кептилар. Нима гап?

— Гапим бор эди.

— Сенга ўхшаган одам бекор юрмайди, — деди кибр билан Бозорбой. — Тўғри айтдимми?

— Тўғри.

— Иш билан келган бўлсанг, унда отдан туш.

Бўстон индамай отдан тушди, Дўнкўликни қозиққа боғлади. Одатдагидай, отнинг айилини бўшатиб қўйди, от қоринбоғнинг сиқувидан қутулиб дам олади, бемалол нафас ростлайди. Кейин атрофга синчковлик билан кўз югуртирди.

— Нима қилиб турибсан? Нимага қараяпсан? — ғаш қўзиб жеркинди Бозорбой. — Манави тўнкага ўтир, — дея ўзи оёқ тагида думалаб ётган трактор филдирагига ўтирди.

Улар бир-бирларига ёвқараш қилиб туришарди. Очиғи, Бозорбойга Бўстоннинг ҳеч нарсаси ёқмайди. Чет ёқаларига барра қўзи териси ёпиштириб тикилган ёқаси очиқ почапўстин кийган бўлса, ўзига: соғлом, бақувват, ўктам, кўзлари тиниқ, тани мисдай бўлса, ўзига; Бозорбойдан беш ёш қатта бўлса, ўзига; кеча кечаси билан Гулимхоннинг қучоғида ётган бўлса, ўзига; унинг булар билан неча пуллик иши бор, ахир.

— Қани, айт гапингни, қулоғим сенда, — деб бошини силкитди Бозорбой.

— Биласанми, нима иш билан келдим, — бошлади Бўстон, — кўряпсанми, хуржун ҳам олиб келганман, ана, эгарга боғлаб қўйибман. Уша бўри болаларини менга бер, Бозорбой. Уларни жойига қайтариш керак.

— Қайси жойига?

— Инига дейман-да.

— Ана холос! — лабини қийшайтирди Бозорбой. — Мен бўлсам, бошим қотиб ўтирибман, илғор чўпонимиз нечук қадам ранжида қилдилар, деб. Ишларини ташлаб чопиб келганини қаранг. Бўстон, эсингдан чиққанга ўхшайди, мен сенинг қўйчивонинг эмасман. Мен ҳам худди сенга ўхшаган одамман. Менга хўжайин эмассан.

— Гап унда эмас! Олдин сен гапни эшит. Кечаги бўлган ишни бўрилар эсларидан чиқариб юборадилар, десанг, қаттиқ хато қиласан, Бозорбой.

— Менга нима! Эсидан чиқармаса чиқармас, ишим нима, сенинг ҳам бу билан нима ишинг бор?

— Ишимиз шуки, бўрилар кеча кечаси билан қўра атрофида изғиб улиб чиқишди. Энди боласини қайтармагунча улар тинчлик бермайди. Мен бўриларнинг феълини биламан.

Бўстон унинг олдида илтимос билан келган эди. Шундан Бозорбой ўзини кўрсатгиси, мазах, майнавозчилик қилгиси келди. Ўз оёғи билан келиб, қуллуқ қилиб турибди. Мунақаси тушингга ҳам кирмайди. Бозорбой қулай фурсатдан

фойдаланиб қолишни кўзлади. Бунинг устига ичида заҳарханда кулиб қўйди: кечаси билан ухламай чиқишибди, ажаб бўпти; Бўстон Гулимхонни кучоғида олиб ётолмаган бўлса, ажаб бўпти, хўп бўпти. Баттар бўлсин! У Бўстонга қинғайиб кўз қирини ташлади-да, деди:

— Бошимни қотирма, Бўстон! Топибсан аҳмоғингни! Бўри болаларини қайтариб бериш учун олганим йўқ. Ўзингга кўп бино қўяверма! Ҳар кимнинг кўзлагани бошқа. Сен — ўзингча, мен — ўзимча. Хотининг билан ухладингми, ухлломдингми, менга бунинг алоқаси йўқ.

— Уйлаб кўр, Бозорбой. Дарров йўқ дема.

— Нимасини ўйлаб кўради буни?

— Бекор қиляпсан.— ўзини зўрға босиб деди Бўстон. У катта хато қилиб қўйганини англади. Энди охирги чора қолган эди.— Ундоқ бўлса,— деди у ҳамон ўзини оғирликка солиб,— ке, ҳаппа-ҳалол савдолашиб қўя қоламиз, сен сотасан, мен оламан. Сен барибир уларни пуллайсан, яхшиси, менга пуллаб қўя қол. Нархингни айту — қўлни ташла!

— Сотмайман! — Бозорбой ўрнидан сакраб туриб кетди.— Сенга ҳеч қачон сотмайман! Гапини қаранг — сот эмиш! Сенинг пулинг бору меники йўқми! Тупурдим ўша пулларингга! Мен буларни сотиб, пулига ичаман, лекин сенга сотмайман, билдингми? Ким бўлсанг, ўзингга, тупурдим ҳаммасига! Менга қара, ҳой тезроқ отингга ўтиргин-да, яхшиликча бу ердан жўнаб қол!

— Тентак бўлма, Бозорбой. Мундоқ эркакларга ўхшаб гаплаш. Сенга нима фарқи бор кимга сотишнинг?

— Ўзим биламан! Менга ўргатма! Ақлим ўзимга етади. Менга қара, ҳой, бу партия мажлисларида ўзингни кўрсатиб мақтанишни биласан, ундоқ қилодирмиз, мундоқ қилодирмиз деб, ҳамманинг бошини қотирасан. Э, агар хоҳласанг, мен ўша партия мажлисида бир пўстагингни қоқайки, ҳеч эсингдан чиқмайдиган бўлади, уйингни тополмай қоласан! Хоҳлайсанми?!

— Вой-бу! — чин юракдан ҳайрон бўлди Бўстон Бозорбойдан ўзини беихтиёр қўли билан тўсиб,— сен мени кўрқитгунча, мундай тушунтириб бери, сени қайси ит талади?

— Мени ит талабдими? Ажаб бўпти! Сен ҳукуматга қарши иш қиляпсан. Билдингми! Сендан бошқа ақлли йўқ! Хўжайинлар ҳамма ерда бўриларни йўқотинглар деб тайинлаб юрибди. Сен бўлсанг, бўриларга ачиниб, уларни кўпайтирмоқчисан — шундайми? Хў, қулоқ, бошингни ишлат, ўйлаб кўр, ахир! Мен бутун бошли бўри оиласини қурутдим. Демак, давлатга жуда катта фойда етказдим. Сен эса, уларни инига қайтармоқчисан. Ўссин, унсин, бўрилар кўпайсин — шундай демоқчимисан? Ниятинг шуми? Яна мени сотиб ҳам олмоқчисан.

— Сени сотиб олиб бошимга ураманми! Бўри болаларини олмоқчиман. Бекор мени кўрқитяпсан, судга берадигандай дўқ-пўписа қиляпсан. Сен олдин сал каллангни ишлат, нима қиляпсан, шундан кейин қандай одам бўлдинг! Зўр экансан, аввал катта бўриларни йўқотгин эди! Айниқса, урғочи бўрини! Инини топиб борибсан-ку, ахир. Кучинг етмаса, бошқаларга айтишинг керак эди, шундай-шундай деб. Кучи етадиган одам қилсин эди бу ишни.

— Ким экан у — сенми?

— Мен бўлсам, нима! Ана энди катта бўриларни топиб бўпсан. Тутқич бермайди. Ини бузилгандан кейин кетади боши оққан томонга. Думини тутқизмайди. Энди атрофдаги дуч келган мол-ҳолни бўғизлаб кетаверади. Одамдан қасдини олади. Қани ушлаб кўр-чи уларни. Буни ўйлаганмидинг?

— Гапир-а, гапир. Яхши, бўрига ҳам адвокат чиқибди. Ким ишонади бу гапларингга? Одаммиди улар сенга, бўри-ку турган-битгани. Қачон қараса, бошни айлантирганга айлантирган. Лақиллатмай қўя қол. Ичингдагини шундоқ кўриб турибман! Сенга бошқа нарсани айтмоқчиман. Агар бу ерга бир жиғини эзиб қўяй деб келган бўлсанг...— Бозорбой сўзини тугатмай тақир бошидан қалпоғини шарт тортиб олди-да, худди буқадай Бўстонга хезланиб келди. Улар пишиллаб нафас олганча бақамти, юзма-юз туриб қолдилар, бир-бирларига еб юборгудай бўлиб қарашарди.

— Хўп, қани, нима демоқчисан? — овози хириллаб сўради Бўстон.— Бўл, вақтим йўқ!

— Биламан, сен худо урган зикнасан, доим ўз фойдангни кўзлайсан.

Шунинг учун мажлисма-мажлис юрганинг юрган, чўпонлар менсиз ҳал қилиб қўйишмасин деб. Лекин бировнинг косаси оқарганлигини кўролмайсан. Ичингни ит таталайди бошқанинг рўшнолигини кўрганда. Аммо буни ҳеч ким билмайди. Улжани сен олмадинг, сен бўри болаларини қўлга туширмадинг, юрагинг куйиб кетяпти, илон чаққандай кечаси билан тўлғаниб чиқасан, бировнинг бахтини кўргани кўзинг йўқ!

— Туф сенга-ей! — тоқати тоқ бўлди Бўстоннинг.— Ҳали сенга ўхшаган аблаҳ билан гаплашиб ўтирибманми! Э, ўзим аҳмоқ! Билганимда қадам босмасдим! Бас, етар! Тамом! Энди берсанг ҳам, олмайман. Бор, ишингни қил!

Ҳазилакам жаҳли чиқмаган Бўстон отни қозиқдан зарда билан ечди, қоринбоғни шундай тортдики, от дош беролмай тебраниб кетди, сўнг шахд билан ўзини эгарга олди. Шунчалар қони қайнаган эдики, ҳатто орқасидан Бозорбойнинг хотини чақирганини ҳам эшитмади. Шўрлик хотин пичагина кеч қолди. Уйдан эшикка чиқиб, у эри ким биландир қўлларини пахса қилиб, қаттиқ-қаттиқ гаплашаётганлигини кўрди. «Ким бўлди бу? — ўйланиб қолди у.— Бўстонга ўхшайди-ку сиёқидан, нима қилиб юрибди экан биз ёқларда?» Шунда у эркаклар нимадир тўғрида тортишаётганларини пайқади. Шошилиб улар томон юрди. Лекин улгуролмади. Бўстон саман отига миниб, анча нарига бориб қолган эди, кўриниши ғоятда дарғазаб эди. Тулки тумоғини бостириб кийдию отига қамчи босди, от учиб кетди, эгасининг пўстини барлари худди қанот каби силкинарди.

— Бўстон! Бўстон! Шошма! Тўхтаб тур! — қичқирди Кўк Турсун, лекин Бўстон қайрилиб қарамади — ким билсин, балки эшитмади, балки ўгирилиб қарашни истамади.

— Нега кишини хафа қилдинг? Нимани талашдинглар! — суриштира кетди Кўк Турсун Бозорбойдан.

— Ишинг бўлмасин! Учир овозингни, нега чақирасан? Киминг бўлади?

— Юз йилда бир уйингга келибди, сен бўлсанг, э! Ким сени бундай қилиб туққан ўзи, а?! Одам эмас, ваҳшийсан, ваҳший!

Хотинининг сўзларидан Бозорбойнинг баданига ўт туташди. У жингиртоб бўлиб, дик этиб тўнка устига чиқди-да, Бўстоннинг орқасидан бўкира кетди:

— Онангни... Ким деб ўйловдинг мени! Малайинг борми сенга бу ерда! Ҳе, онангни...

— Бас! Бас қил! — Кўк Турсун шахд билан бориб эрини тўнкадан тортиб туширди. — Мана, яхшиси, мени ур! Нега кишини шарманда қиласан? Нимага?

— Қоч, эй, мараз! — силтаб ташлади уни Бозорбой. — Сенга ким қўйибди! Ҳим-м, Бозорбой унга ялинармиш! Ма, ол, бўрилар сеники! Оласан-а, оласан! Кўраман олганингни! Ҳали ким деб қўйибсан мени!

— Вой, шўрим! Ҳали бўриларни деб шунча ғавғоми! — ажабланди Кўк Турсун. — Вой, қуриб кетсин матоҳ бўлмай! Қиёмат қўпдими! Вой, шарманда...

#### IV

Ўша куни бўрилар жойларидан кўчдилар. Уяларини ташлаб кетдилар, тунда бу ерга қайтмадилар, атрофда дайдиб юра бошладилар. Дам бирон жойда ғамга ботиб уззу кун чўзилиб ётишар, дам теваракни чарх уриб кезишар, ўзларини унчалар ҳам яширишмас, одамлардан эҳтиёт бўлишни бас қилгандай, асло тап тортмас эдилар. Ўша кунлари атрофдаги кўп чўпонлар уларни ҳеч кутилмаган жойларда кўриб қолар эдилар. Урғочи бўри худди эс-ҳушидан айрилгандай доим олдинда бошини қўйи солинтириб борар, арлон бўри эса ундан қолмай эргашгани эргашган эди. Жуфт бўри худди ўлим истагандай хавф-хатарга парво қилмай қўйганди. Улар бир неча мартаба итларнинг юрагига ваҳима ва харосонлик солиб, уйлар ҳамда қўтонлар яқинидан ўтдилар. Итлар жон ҳолатда акиллашар, қутуриб, ҳужумга ташланмоқчи бўлишар, лекин бўрилар уларга мутлақо эътибор беришмас, ҳатто орқаларидан ўқ узишганда ҳам қадамларини тезлатмай, худди милтиқ овозини эшитмагандай йўлларига давом этардилар. Бу тентак бўриларнинг телбалиги тилларда дoston бўлди. Акбара билан Тошчайнар бўрилар расмини унутиб, одамларга даф қила бошлаганларида ҳаммаёқ шов-шув бўлиб кетди. Бир гал куппа-кундузи улар йўлнинг ўртасида тракторчи йигитга ташланганлар. У прицеппи тележкада

хашак олиб келаётган экан. Руль ишламай қолибди-да, тракторчи йигит нима гап экан, деб пастга тушибди. Тузатаман деб анча уринибди. Бир маҳал эрий бошлаган қор устидан икки бўри ўзига томон юриб келаётганига кўзи тушиб қолибди. Ҳаммасидан ҳам бўриларнинг кўзлари уни лол қилиб қўйибди. Кейин унинг ҳикоя қилиб беришича, бўриларнинг кўзлари қутуриб кетган, бир нуқтага тикилган, она бўрининг эса ёли пастроқ, боши солинган, кўзлари кўм-кўк эмиш. Унинг кўзларига худди ёш тўлиб тургандай, худди шиша каби қотиб қолгандай эмиш. Улар яқинлаб келишаётганда, яхшиямки, йигитча ўзини йўқотиб қўймабди. Кабинага сакраб чиқиб, эшикни ёпиб олибди. Стартерни бураган экан, мотор дарров ўт олибди. Акс ҳолда доим моторни пастдан бураб ёндираар экан. Омади юришганини қаранг. Трактор тариллаб юриб кетибди. Бўрилар ўзларини четга олишибди, лекин барибир бутунлай кетмай, тракторга дам у томондан, дам бу томондан яқинлашмоқчи бўлишаверибди.

Бошқа бир сафар эса бир қўйчивон бола мўъжиза билан омон қолган. Уям кундуз куни рўй берган. Эсликкина бола эшагига миниб ўтин-чўп олиб келиш учун йўлга чиққан. Ҳовлидан унчалик ҳам йироқ кетмай, бутазорда қуруқ шох-шаббаларни чопиб йиға бошлаган экан, бир маҳал икки бури қайдандир пайдо бўлган. Эшак ҳатто овоз чиқаролмай қолган. Уни кўз очиб юмгунча тилка-пора қилиб ташлаганлар. Бола қўлидан ўткир ўроғини қўймай жон ҳолатда қочган, қўтонгача чопиб келиб йиқилган ва ғайритабиий овоз чиқариб додлайверган. Одамлар қўрадан милтиқларини кўтариб чиқиб, бутазорга бориб қарасалар, бўрилар шошилмай адир орқасига ўтиб кетишаётган экан. Улар ўқ товушларини эшитиб ҳам ҳатто қадамларини тезлатишмаган...

Шундан сал кейинроқ бўрилар қўтондан пича нарига ўтлатиш учун олиб чиқилган бўғоз совлиқларни қийратишган. Нима бўлганини ҳеч ким кўрмай қолган. Тасодиф билан омон қолган қўйлар қўрага тирақайлаб қочиб келганларидагина ишдан воқиф бўлганлар. Ўтлоқда ўн беш чоғлик бўғоз совлиқ қонига беланиб ётарди. Ҳаммаси бемаъниларча, ваҳшиёна бир тарзда бўғизлаб ташланган эди.

Шундай қилиб, Акбара билан Тошчайнар қутургандан қутуришди. Улар ҳақида бир-биридан қўрқинчли гаплар тарқалди. Лекин одамлар фақат сиртдан қараб фикр юритишар, бу қасоснинг асл сабабларини билишмас — урғочи бўри индан ўғирлаб кетилган болаларини соғиниб, бўзлаб, алам ўтида қовурилаётганидан беҳабар эдилар...

Бозорбой эса айшини сурар, оғзини кўпиртириб мақтанар — қўлига пул тушиб, ичкиликка муккасидан кетган, ўша кунлари мавсум тугаб бўм-бўш ҳувиллаб ётган соҳил бўйидаги ресторанларда санғиб юрар эди. Арақ ҳар қадамда қалашиб ётарди. Бозорбой тепакалигача қизариб кетгунча ичиб, сўнг оғзининг кучи етганча Бўстоннинг ғийбатини қиларди: «Жуда димоғидан қурт ёғадиган бўлиб кетган экан, босар-тўсарини билмай қолибди бу илоннинг ёғини ялаган қурумсоқ, тоза адабини бердим. Илгари замонлар бўлганда-ку, сиртига сув юқтирмас қулоқваччани совет ҳукуматининг синфий душмани сифатида шартта отиб ташланарди-я, оҳ-воҳига қарамай. Аттанг, у пайтлар ўтиб кетди-да. Бунақа турки совуқларни гумдон қилсанг, фақат савобига қоласан! Рост-да! Йигирманчи, ўттизинчи йилларда хоҳлаган милиса қулоқми, бойми, вассалом, ҳовлисининг ўзида шартта отиб ташлайверарди. Китобларда ёзилган бу гаплар, ҳа. Тунов куни радиодан эшитдим. Бир қулоқ батрак шўрликни эзиб, ҳақини уриб қолган экан, куппа-кундуз куни, ҳамманинг кўз олдида суробини тўғрилаб қўйишибди, иккинчи мартаба камбағал бечоранинг юрак-бағрини эзмасин, деб». Лекин Бозорбой ҳаммасидан ҳам, Таманга келиб қолган Бўстонни эшикдан қувиб солгани, отаси қолмай, онаси қолмай сўккани, Бўстон эса миқ этиб оғиз очолмагани ҳақида бичиб-тўқиб сўйлашни яхши кўрар, ўз гапидан ўзи ҳузур қилар эди. Бозорбойнинг қиш мавсуми бекорчиликдан бўлак иши йўқ домодихчи<sup>1</sup> улфатлари совуқ, тамаки ва ичкиликнинг сассиқ ҳидига тўлган ошхоналарнинг деразаларини зириллатиб қаҳ-қаҳ уришар, Бозорбойнинг қитиқ патига тегиб, қўлтиғига сув пуркашар, бунга сари маст Бозорбойнинг хуружи авжга минар эди. Бу майнавозчиликлар Бўстоннинг ҳам қулоғига етган эди.

<sup>1</sup> Оромгоҳларда мавсумда ишлайдиган кишилар.

Мана шу боис бўлиб совхоз директори чақирган мажлисда қаттиқ жанжал кўтарилди.

Шундан сал бурунроқ Бўстон ёпирилиб келган нохуш ўйлардан уйқуси қочиб, кечаси билан тўлғаниб чиқди. Ҳаммасига сабаб шу эдики, қишлоқ атрофида яна бўрилари изғиб қолишди, яна юракни ўртаб юборадиган одамнинг асаблари дош бермайдиган нолишларини бошлаб юборишди, яна Гулимхон кўрққанидан дағ-дағ қалтираб эрининг пинжигига тикилди, яна тоқати етмай ухлаб ётган Кенжашни ўз тўшагига олиб келди, худди унинг жонига бир нарса хавф солаётгандай уни гавдаси билан тўсиб, тинмай силаб-сийпалаб ётди. Буларни кўриб Бўстоннинг юраги сиқиларди, аёл киши-да, қоронғидан, турли ваҳимали товушлардан кўрқади, деб ўзига-ўзи далда бериб кўярди.

Бўстон бир неча бор ўрнидан туриб миллиқ миллиқ бўлди, лекин хотини ёнидан қўймади, у ҳозир бир зум ҳам ёлғиз қолишни истамасди. Кейин у барибир хавотирли қуш уйқусига чўмди. Лекин Бўстон мижжа қоқмади. Миясида турли-туман хаёллар ғужғон ўйнади. Дунё экан, у оламда қанча узоқ умр кечиргани сайин, яшаш ҳам шунча қийин ва мушкул бўлиб борарди. Яшашнинг ўзигина эмас, ҳаётнинг асл маъносини тушуниш оғирлашиб борарди. Илгари хаёлга келмаган ёки келган бўлса ҳам, кўнгилнинг қоронғи тубидаги хира тортиб кўринган нарсалар энди жиддий безовта қилар, жавоб сўрарди.

Болалигидан суяги меҳнатда қотди. Кўп машаққатлар тортиди, у иккинчи синфда ўқиб юрган пайтда отаси фронтда ҳалок бўлди, кейин онаси ўлди, катта акалари ва опалари ўз кунларини ўзлари кўришар, баъзилари эса оламдан эрта ўтган, Бўстоннинг ўзидан ўзга таянчи, ишонган тоғи қолмаган эди. У бир нарсага қаттиқ аҳд қилди, сўнг бу аҳдидан ҳеч қачон, ҳатто бир зумга бўлсин четга тоймади, қўли ишдан бўшамади, меҳнатдан сира қочмади, ҳаётнинг маъносини, қизиғини фақат мана шунда деб билди. У қўл остида ишлайдиганларни ҳам қаро терга тушиб меҳнат қилишга ўргатди. У кўпларни одам қилди, йўл кўрсатди, уларга ҳаёт меҳнат билан қадрли эканлигини ўқитди. Ўз олдига мана шундай мақсад қўймаганларни Бўстон очикдан очик ёқтирмасди. Бундай одамларни нобакор деб ҳисобларди. Уларга қуруққина, хушламай муомала қиларди. Кўплар худди мана шунинг учун ҳам орқасидан ёмонлаб, қурумсоқ, қулоқ деб лақаб қўйиб юришларини биларди. Афсус, сал кечикиброқ дунёга келган-да, бўлмаса суяклари аллақачон Сибирь томонларда чириб ётарди, дейишарди надомат чекиб. Бўстон одатан бундай ғийбатларга жавоб бериб ўтирмас, зотан, ҳақ ўзи томонда эканлигига заррача шубҳа қилмас, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, бошқачаси дунёнинг остин-устун бўлиши билан баробар эди. Кунчиқишга қандай ишонса, у бунга ҳам худди шундай ишонарди. Фақат бир маротабагина сўқир қисмат уни тиз чўкишга мажбур қилди, пушаймонлик ўтида қовурди ва шундан бошлаб у шубҳаларнинг зил, аламли юки нима эканлигини билди...

## V

Гулимхоннинг аввалги эри марҳум Эрناзар билан то у нобуд бўлгунча уч йил бирга ишлашган эди. Сўз йўқ, хўп ишчан йигит эди, ўзига пухта эди — Бўстоннинг бригадасига худди мана шундай одам керак эди. Эрназарнинг ўзи иш сўраб келувди, шундан бошлаб бирга, бақамти ишлаб кетишди. Куз пайти эди, бир куни у Бўстонни йўқлаб келиб қолди. Ушанда Бўстоннинг ўтари қиш тушгунча Бешкунгайда турган эди. Маслаҳатга келган эдим, деди. Чой ичиб ўтириб гаплашиб олдилар. Дуч келган одам билан ишлаш жонга тегди, деб шикоят қилди Эрназар. «Қанча ҳаракат қилма, агар катта чўпоннинг ихтиёри ўзида бўлмаса, фойдаси йўқ, — деди у. — Умр ўтиб кетяпти, иккита қизим бўй етиб қолди, эрта-индин турмушга бериш керак, вақтнинг оқар сувдай ўтишини кўр, жонимни жабборга бериб ишламан, лекин бошим қарздан чиқмайди, уй солдим, уй қуришнинг ўзи бўладими, сизнинг қўл остингизда ишласам, Бўске, — дея унга ҳурматини изҳор қилди. — Яширишнинг нима ҳожати бор, ишлаш ҳам мумкин, тишлаш ҳам. Жун топширсанг, эт топширсанг, қўзи олсанг, ҳаммасига, Бўске, сизда мукофот чиқади, қўлинг пул кўради-ку, ишқилиб. Шунинг учун олдингизга илтимос билан келдим, агар рози бўлсангиз, директор билан гаплашиб кўринг, мени сизга ўнг қўл, биринчи чўпон қилиб ўтказсин.



Ўзингиз ҳам биласиз, ерга қаратиб қўймайман, акс ҳолда буни гапириб ҳам ўтирмасдим...»

Бўстон Эрназарни илгаридан биларди. Нима қилмасин, бир совхознинг одамлари. Бунинг устига Гулимхон хотини Орзигулнинг узоқ қариндошларидан эди. Хуллас, ўз одами. Лекин қандай бўлмасин, Бўстон Эрназарга дарҳол ишонди ва кейин ҳеч қачон бундан афсус чеккани йўқ.

Ҳаммаси мана шундан, шу жўнгина турмуш воқеасидан бошланди. Улар тез тил топишиб, чиқишиб ишлаб кетдилар. Чунки Эрназар ҳам худди Бўстондай ўз ишига бухта, худди шу иш учун туғилгандай эди. Лекин, шу билан бирга, бошқа баъзи бировларнинг назарида ғирт тентакнинг ўзи: яъни, совхозга тегишли мол-ҳолга худди ўз шахсий молидай қарарди. Эси пастми, нима бало? Бошқа ишлар ҳам тамомила ҳаминқадар эди — худди ўзи учун қилаётгандай ўлиб-тириларди, совхознинг нафи учун куйиб-пишарди. Меҳнатсеварлик Эрназарнинг қон-қонига сингиб кетганди. Табиатан ўзи шундай эди. Лекин ҳаёт уринишларида бу хислатини янада пишитган эди. Бу фазилат ҳамма халқларга хос, у ҳамма одамларда табиий бўлиши керак, фақат бировлар ўзида бу фазилатни ўстириб, кучайтириб боради, бошқалар эса бунга ҳаракат қилмайди. Мундоқ каллани жойига қўйиб ўйлаб қарасанг, дунёда қанчадан-қанча ялқов, ишёқмаслар катталар, ёшлар ичида ҳам, эркаклар, хотин-қизлар ичида ҳам бор. Қанчадан-қанча бахтсизликлар ва бечорачиликлар ҳаммаси ҳар қачон ва ҳамма замонларда фақат ва фақат танбалликдан юзага чиққанлиги ҳамда юзага чиқаверажагини одамлар худди тушунмайдиганга ўхшайдилар. Лекин Бўстон билан Эрназар меҳнат деса, ўзини томдан ташлайдиган, бир-бирларига жуда яқин одам эдилар. Шунинг учун жонни жонга суқиб аҳил ишлашар, бир-бирларини сўзсиз тушунишар, кўнгилларини топар эдилар. Аммо дунё экан, чамаси, худди мана шунинг ўзи уларнинг ҳаётларида тузатиб бўлмасдек бир ҳолларни юзага чиқарди...

Дарвоқе, бу аслида шундайми ёки шундай эмасми, яна не билайлик... Гап шундаки, оилавий ишлаб чиқариш бригадалари пайдо бўлмасдан анча аввал Бўстон Ўркунчиев худди олдиндан ниманидир сезгандай қулай пайт келди дегунча ўзига, тўғрироғи, ўзининг бригадасига доимий фойдаланиш учун ер ажратиб беришларини талаб қилгани қилган эди. Чўпонча одмирок тил билан баён этилган, аммо айрим қотиб қолган расмиятчилар назарида ғашга тегадиган ушбу талабдан мурод-мақсад шу эдики, кошкийди, ўзимнинг яйловим, ўтлоқ майдонларим бўлса, қошкийди, ўзимнинг сурув ва ўтарларим бўлса, уларга томингдан чакка ўтиб ётса боши оғримайдиган хўжалик мудури эмас, шахсан ўзим жавоб берсам; подаларни бош оққан томонга ҳайдаб юрмай, тоғдаги ўз ёзги яйловларимда боқсам, ўша ўтлоқлар бошқа бировга эмас, менинг ўзимга бириктириб қўйилса, ҳаммасига ўзим қарасам, ҳаммасини ўзим сақласам, ана ўшанда мен жамоатнинг умум ерига қараганда юз карра кўпроқ иш қиламан, планда кўрсатилгандан неча баробар кўп маҳсулот етказиб бераман, умумга тегишли ерларда худди ёлланган, келаси кузда қаерга боришга боши қотган батракдек ишлаганда, бундан нима чиқарди, деб ўйларди.

Аммо Бўстон бу фикрини ҳеч кимга маъқуллай олмасди. Албатта, аввалига ҳамма буни, рост, одамларга ерларни ажратиб берсак, тўғри иш бўлади, одамлар ўзларини ер эгасидай ҳис қиладилар, оила, бола-чақа ҳам бундан баҳраманд бўлишади, ишга баравар жон куйдиришади, деб рози бўлиб турар эдилар-да, маҳаллий ҳушёр сиёсий иқтисодчилардан биронтаси чиқиб, бу ахир, социализмнинг муқаддас қонун-қоидаларини бузиш эмасмикин, деб шубҳа билдирган заҳоти ҳаммалари дарҳол бараварига сўзларидан қайтар ва бунга бутунлай тесқари гапларни айтишга тушар, исбот қилишга арзимайдиган нарсаларни исботлаб ётар эдилар. Ҳеч ким қинғайишда айбланишни истамасди. Ёлғиз саводсиз чўпон Бўстон Ўркунчиевгина ҳар бир район ёки совхоз йиғинида ўз гапидан қолмасди. Унинг гапларини тинглаб, қойил қолишар, мийиқларида кулиб қўйишарди: Бўстонга нима, оғзига келганини қайтармай сўйлайверади, йўқотадиган нарсаси йўқ, ишдан олишмайди, шохини синдиришмайди. Азамат йигит-да! Ҳар сафар Бўстонга назарий нуқтаи назардан зарба беришади, айниқса, совхоз парторги, область партия мактабини битириб, дипломли саводхон бўлган Қўчқорбоев ҳеч қўймайди. Бўстоннинг ана шу Қўчқорбоев билан муносабатлари жуда алламбало эди. Қўчқорбоев неча йиллардан бери

совхоз партия ташкилотининг секретари, лекин Бўстон ҳали ханузгача яхши билолмайди — Қўчқорбоев ўзини қўй оғзидан чўп олмаган соддагина қироатхон қилиб кўрсатадими (балки бу унга нимагадир қўл келса ҳам, ажабмас) ёки ўзи ҳақиқатан ҳам асли шундайми. Кўринишдан икки юзи қипқизил ахталарга ўхшайди — тухумдай сип-силлик, доим бўйинбоғ тақиб юради, доим қўлида папка, доим иши бошидан ошиб-тошиб ётгандай — иш кўп-п, кўп — чехраси ташвишли, худди одамларга газета ўқиб бераётгандай лаби-лабига тегмай гапиради, бир нимани қувиб бораётгандай оёғи ерга тегмай югуради. Бўстон баъзан ўйланиб қолади: эҳтимол, Қўчқорбоев тушида ҳам қоғозга қараб гапирса керак.

— Уртоқ Уркунчиев, — деб минбардан туриб таъна ёғдирарди парторг Қўчқорбоев, — сиз тушунишингиз керак ахир, ер бизда умумхалқ мулки ҳисобланади. Конституциямизда шундай деб ёзилган. Ер бизнинг мамлакатимизда фақат халққа, ёлғиз халқнинг ўзигагина тегишлидир, бошқа ҳеч кимга эмас. Сиз эса ўзингизга қишлоқ ва ёзлик яйловлар, қўра, қўтонлар, ем-хашак талаб қиляпсиз, биз буларни сизга хусусий мулк қилиб беролмаймиз. Йўл қўймаймиз. Йўл қўймаймиз биз бунга — социализм принципларини бузишга бизнинг ҳақимиз йўқ. Сиз бизни қаёққа бошламоқчи ва оғдирмоқчи бўлаётганингни тушундингизми?

— Ҳеч кимни ҳеч қаёққа бошламоқчи эмасман, — дея таслим бўлмасди Бўстон. — Агар ҳаммасининг эгаси мен эмас, халқ бўлса, унда майли, менинг қўрамга халқ бориб ишласин, мен кўрай, бундан нима чиқаркин. Ҳамонки, мен ўз ишимнинг хўжаси эмас эканман, кимдир ахир, барибир хўжайинлик қилиши керак-ку?

— Совет халқи хўжайинлик қилади, ўртоқ Уркунчиев, яна такрорлайман, совет халқи ва давлати. Ҳаммасининг эгаси.

— Халқ дейсизми? Унда мен кимман, сизнингча? Ҳеч ақлим етмай қолди? Нега мен давлат бўлолмайман? Сен, парторг, ўзинг илмли йигитга ўхшайсану, лекин сизларни у ерда нималарга ўқитишган — ҳайронман, ҳеч тушунмайман айтаётган гап-сўзларингга?

— Мен, ўртоқ Уркунчиев, сизнинг етагингизда юролмайман, бурнидан ип ўтказиб оламан деб ўйламанг. Гапларингиздан қулоқ сафсаталарининг ҳиди келади. Лекин ёдингизда турсин — сизнинг замонингиз ўтган ва биз ҳеч кимга социализм асосларини барбод қилишга йўл қўймаймиз.

— Майли, ўзингиз биласиз, ҳар қалай бошлиқсиз, — тап тортмасди Бўстон, — фақат мен ўз фикримда қоламан. Ишлайдиган бошқа биров эмас, мен ўзим. Сал гапга оғзимга урасиз: Халқ! Халқ! Халқ — хўжайин, дейсиз. Бўпти, унда! Майли, халқнинг ўзи фикрлаб, ҳал қилсин, йилдан йилга мол кўпайиб боряпти, майда чорванинг ўзидангина совхозда қирқ минг қўй-эчки бор — илгари бунақаси бировнинг тушига ҳам кирмаган эди. Ҳолбуки, бўш ерлар тобора камайиб кетяпти, планлар эса ошяпти. Мана, ўзингиз ўйланг, илгари мен бир бошдан уч килою етти юз грамм юнг олардим, йигирма йил аввал эса — буни ҳамма билади — икки килограммадан бошлаган эдим, яъни, йигирма йилдан кўпроқ вақт ичида бир килою етти юзга ўсибман. Ҳозир эса бир йилнинг ичида планни ярим килога кўпайтириб қўйишибди. Қаердан оламан буни? Нима, энди фол очиб, афсун ўқишим керакми? Планни бажармасам, бригада қуруқ қолади. Ҳамманинг оиласи, бола-чақаси бор. Унда одамларга ишлаш, йил бўйи тиним билмай қўй орқасидан юришининг нима ҳожати бор? Ҳар бир чўпон худди калхатдек бошқа чўпоннинг яхшироқ ўтлогини тортиб олиш учун бош-тепасида айланиб турса, планни бажариб бўладими? Чунки ерга ҳамма хўжайин, ҳеч ким ҳеч нарсага жавоб бермайди. Ўтлоқларни деб қанчадан қанча жанжал-тўполонлар чиқяпти, сен эса, парторг, ўзинг ҳам ҳеч вақонинг уддасидан чиқмайсан, директорнинг ҳам шахдини қайтарасан! Кўр эмасмиз, кўриб турибмиз!

— Мен нима қиляпман, қилмаяпман, бунга райком баҳо беради. Фақат райком ҳам сизнинг бу хатарли ўзбошимчалигингизга учмайди, ўртоқ Уркунчиев!

Ҳар сафар мана шундай, ҳамма гап қумга сингиб кетади... Мана шу кезларда унинг қўшига Эрназар келиб қўшилди. У Бўстонга қўлдош ва ҳамфикр бўлди. Хотинлари Орзигул ва Гулимхон баъзан улардан қулиб қўйишарди: икки

ёрти бир бутун бўлиб, на ётар-турарида ҳаловат бор, на еяр-ичарида, ишдан бошқа нарсани билмайди булар, деб. Ушанда икковлари подани ёзга Ола Мўнгу довонидан нарига ҳайдасакмикин, деб юришди. Бу гап Эрناзардан чиқди. Юрамизми ёз бўйи тоғ ёнбағирларида изғиб, озгина ўт-ўлан учун қўшниларимиз билан ёқа бўғишиб, ундан кўра ёз ичи довоннинг нарёғига, Кичибел яйловига чиқиб кетсак, яхши эмасми? Қари-қартангларнинг айтишларига қараганда, илгарилари бой-бадавлат чорвадорлар пода, сурувларини ўша ёқларга ҳайдаб кетишаркан. «Кичибел» деган қўшиқ ўша замонларда тўқилган. Ўлар Кичибел яйлови унчалар катта бўлмаса ҳам, лекин ўт-ўлан белдан уриб ётишини билишаркан. Мол беш кун ичида ем бериб боқилгандай семириб кетаркан.

Бўстон аввалроқ ҳам бу ҳақда бир ўйлаб кўрган, лекин Кичибелнинг ноаниқ жойлари кўп эди. Колхоз чорвадорлари урушдан илгариги ёзларда Кичибелга бирдан-бир йўл — Ола Мўнгу муз довонидан ўтиб боришган. Уруш пайти овулларда чоллару болалар қолганда, ҳеч ким Кичибелга боришга юраги бетламай қўйган. Кейин қурби қочган майда колхозларнинг бари номи ҳам аллақандай... йиллик деб тугайдиган бемаъни олти сўздан иборат катта совхозга бирлашганларидан сўнг, ана шу ола-тасир тўпалон ва ғалвалар ичида улуф Ола Мўнгу довони оша ўтиб бориладиган, ёзда чорвани икки ой ва ҳатто ундан ҳам ошиқроқ вақт олиб чиқиб кетиб, семиртириш мумкин бўлган яйлов борлиги аста-секин кўпларнинг ёдидан кўтарилди. Совхозни ҳам туб ерлик одамлар Берик сув жилғаси номи билан «Бирик» деб аташга ўрганган эдилар. Очиғи, бунақа баланд, хатарли тоққа чиқишни хоҳловчиларнинг ўзи топилмас эди. Чорвани бундай қийин тоғ йўлидан ҳайдаб бориш учун, молимни қандай бўлмасин семиртираман, дейдиган ўктам, жонига ачинмайдиган одам бўлиши керак. Эски замонларда кирғизлар бир-бирлари билан учрашганларида: «Мол-жон омонми?» деб сўрашганлари бежиз эмас. Ҳа, аввало чорванинг ҳолини сўрашган. Нима ҳам деймиз, ҳаёт ўз оти билан ҳаёт-да...

Кўнгилларига шу фикр чўғ солиб, Бўстон билан Эрназар қўлларига қалам-қоғоз олиб, Кичибелдан келадиган фойда-зиёни чўтлаб чиқишди: чорванинг довондан ўтганда йўлда ташлайдиган вазини қўшиб ҳисоблаганда ҳам, бу ишга бел боғласа арзирди. Катта фойда олишлари тайин эди — бунинг устига меҳнатга тўланадиган ҳақ ва тузга қилинадиган харажатдан бошқа чиқимнинг ўзи ҳам йўқ эди. Лекин, рост, ҳали булар қоғоздаги хомчўтлар.

Бўстон аввало бўлим бошлиғига, ундан сўнг совхоз директориغا мурожаат қилишга қарор берди. Парторгга ниятини айтиб ўтирмади. Парторгни унчалик хушламасди. Неча марта амин бўлди — гап деса, қоп-қоп, қачон қарама, одамнинг сазасини ўлдиради: у мумкин эмас, бу мумкин эмас, мажлисда нутқ сўзлаш бўлса унга, газетада ёзилган гапларни гапириб бериш бўлса унга, галстук тақиб олифтагарчилик қилиш бўлса унга. Совхоз бошлиғига, директорга Бўстон кўнглидаги ниятини очди: гап шундай-шундай, Ибройим Чўтбоевич, ишнинг фойдасини кўзлаб, Эрназар билан бирга Ола Мўнгу ортидаги эски яйловларни очмоқчи бўлиб турибмиз. Олдин икковимиз бориб, нима бор, нима йўқ, билиб келамиз. Кичибелга қандай ўтишнинг азмойишини, оламиз, кейин қайтиб келиб, кўч-кўронни кўтариб кўчамиз, ёз ичи Кичибелда бўламиз. Ҳаммаси кўнгилдагидай ўтса, ўша Кичибел яйловини бизнинг бригадамизга мустаҳкамлаб берилса. Бошқа чўпонлар ҳам, мабодо, Кичибелга бораман дейишса, бемалол, қаршилиқ йўқ, ҳаммага етади, лекин, энг муҳими, бизга ажратиладиган ўтлоқларни мен аниқ билишим ва мавсум ичи овора бўлиб қолмаслигим керак. Сизга ана шуни айтиб, маслаҳатлашгани келдим. Икки кундан кейин Эрназар билан Ола Мўнгудан ўтамиз. Ишларни ҳозирча хотинлар ва ёрдамчиларимиз юритиб туришади.

— Ростданам, Бўске, уйда хотинларингиз нима дейишяпти бу ишингизга? — дея қизиқди директор. — Ҳазилакам нарса эмас-ку.

— Ҳозирча индашгани йўқ. Худонинг қаҳри келмасин-у, хотиним Орзигулнинг ақли-ҳуши жойида. Эрназарнинг оиласи Гулимхон ёшроқ бўлса ҳам, ақли ўзига етарли. Бир-бирлари билан жуда аҳил, чиқишиб кетишган кўринади. Ана шунисига хурсандман бир чеккаси. Хотинлар чиқишолмаса, шундан ёмони йўқ. Уй жаҳаннамга айланади қўяди. Илгари бўлган бундай гаплар...

Директор билан бошқа баъзи гапларни ҳам сўйлашиб олишди. Кузда Москвага, ҳалиги оти бирам қийин — ВДНХаами, ВДНХими, ўшанда бўладиган кўргазмага район илғорларининг бориши мўлжалланган экан, Бўстон рўйхатда биринчилар қаторида кўрсатилибди.

— Мен хотиним билан борсам бўлармикин, Ибройим Чўтбоевич? Орзигулим қачондан бери Москвани кўрсатасиз, деб ҳиқиллайди, — ростига кўчиб қўя қолди Бўстон.

— Сени тушуниб турибман, Бўске, — кулди директор. — Майли, бир гап бўлар. Борса нима қипти? Фақат парторгнинг розилигини олиш керак. У билан ўзим гаплашаман.

— Парторг билан денг? — ўйланиб қолди Бўстон.

— Э, хотиржам бўл, Бўске. Нима, бекордан бекор қаршилик қилиб ўтиради дейсанми? Эрак одамнинг иши эмас бу.

— Йўқ, гап бунда эмас. Борсак, борармиз, бормасак — йўқ. Шунга ҳам ота гўри қозихонами. Мен сизга бошқа нарсани айтмоқчи бўлиб юрувдим. Шунақа парторг бўлмаса, хўжаликнинг куни ўтмайдами? Сизга жуда керакми шу? Усиз қўл-оёғингиз ишламайдами?

— Нима қилди?

— Мен шунга билгим келади. Мана, қаранг, араванинг тўртта оёғи бор. Ҳаммаси ўз ўрнида. Агар унга бешинчи оёқ ўрнатсангиз, ўзи ҳам айланмайди, бошқаларни ҳам юришга қўймайди. Хўш, ана энди айтинг, керакми, керакмасми шу бешинчи ғилдирак?

— Биласанми... — директорнинг катта, басавлат юзидаги қийиқ кўзлари бирдан жиддий тортди, олдидаги қоғозларни олиб қўя бошлади, кўзларини ҳорғин юмди. «Уйқуси йўқ. Тинмайди», деб ўйлади Бўстон. — Очиғини айтганда, бамаъни парторг керак, — деди у бир оз жимликдан сўнг.

— Манов-чи?

Директор унга ялт этиб бир қараб қўйди.

— Нима қиламиз буни гаплашиб ўтириб? Уни райком юборган, қўлимиздан нима келади?

— Райком. Ана, кўрдингизми, — оғзидан чиқиб кетди Бўстоннинг. — Менга нимагадир у ўзини атай шундай тутаятганга ўхшаб кўринади. Доим одамларни кўрқитиб юришнинг унга нима кераги бор, гўё мен социализмни кўпориб ташлайдигандай? Ахир, тўғри эмас-ку бу! Ахир, мен бир нимани талаб қилсам, иш учун талаб қиламан. Мен бу ерни сотмайман, бировга бериб юбормайман, совхознинг ери, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Барибир мен тирик эканман, ишга қўрбим келаркан, ўз ақлим билан яшайвераман.

— Нега ҳадеб менга ёлғиз шу гапни такрорлайверасан, Бўске. Сен айтган нарсани қилиб бўлмайди.

— Нега бўлмайди?

— Чунки бўлмайди.

— Жавоб шунақа бўладими?

— Яна нима дей бўлмаса?

— Сизга ҳам қийин, биламан, Ибройим Чўтбоевич. Бир марта оғзингиз куйган. Ҳаммаси яхши бўлсин, дегансиз. Сизни эса бўйнингизга боплаб уриб, рутбангизни пасайтиришган. Райкомдан совхозга ўтказиб қўйишган.

— Рост. Яна бўйнингга уришларини хохламайман. Ақлим кирди.

— Ана, кўрдингизми. Ҳар ким ўзини ўйлайди. Мен қарши эмасман. Одам ўзини ўйласин. Фақат ақл билан ўйласин. Янгилик қилганни эмас, янгилик қилиши мумкин бўла туриб қилмаган одамни жазолаш керак. Бизда ҳаммаси тескариси.

— Гапириш осон, — илжайди директор.

— Ҳамма шундай дейди. Меҳмонга келгандай яшаш жонимга тегди. Меҳмон нима иш қилиб берарди? Узингиз биласиз-ку. Олдинига бир-икки кун жон койитади, кейин бор-э, дейди... Бизда ахир, шундай бўлмаяптими, ишлайверасан, ишлайверасан, Қўчқорбоев эса, тўхтовсиз бурнингга чертиб туради: сен меҳмонсан, сен хўжайин эмассан, деб...

— Гап бундоқ, Бўске. Келишиб олайлик. Сен мени рўкач қилмагину ўзинг қандай маъқул топсанг, шундай иш тутавер...

Улар хайрлашдилар...

Уч кундан сўнг тонг қоронғисида Эрназар билан Кичибелга отландилар. Улар отга ўтирганларида ҳали ҳамма ухлаб ётарди. Бўстон оқсарғиш ахта саманни минди. Дўнкўлик у пайтлар энди икки ёшга кирган той эди. Тоғларга вазмин от билан чиққан тузук, довонга чопиб кўтарилмайди. Эрназар ҳам яхши от минган эди. Йилнинг бу фаслида отлар кучга тўлган бўлади. Улар жадал йўл босдилар. Ҳар икковлари хуржунларини тўлдириб сули олган — қорликларда тунашга тўғри келса, асқотади. Ҳар эҳтимолга қарши қалин почапўстларни ҳам эгарга ташлаб қўйишди.

Шундай бўладики, баъзан йўлнинг ўзи кишига роҳат бағишлайди. Айниқса, ҳамроҳинг дилтортар одам бўлса ва суҳбат содда, самимий кечса. Уша куни ҳаво мусоффо, кун чарақлаб турар — олдинда қор босган тоғ тизмалари бир-бирларига мингашиб кетган, ичкарилаб борган сари тоғлар ҳам юксакроқ, қори қалинроқ бўлиб борар, орқага ўгирилиб қаралса, пастликда улуғ кўл кўз илғамас ёйилиб ётарди. Ҳар сафар одамнинг орқага, таги қорайиб кўринган кўл ойнасига қарагиси келаверарди.

— Иссиқкўлнинг ойнасидан бир парчасини хуржунга солиб олиб кетсакмикин, а? — деб ҳазиллашди Эрназар.

— Отни сулининг ўрнига ойна билан боқармининг кейин, — босиқ жавоб берди Бўстон.

Кулишди. Чўпоннинг нимаси кўп — кундалик ташвиши кўп. Улар сурвларни довондан қандай олиб ўтишни аниқлаш учун боришар, ҳали олдинда жуда қийин ва мушкулписанд иш турар, шунга қарамасдан, икковларининг вақтлари чоғ, ота-боболарининг сўқмоқ йўллари улардан ўз меҳри, шафқатини дариг тутмасди. Эрназарнинг кўнгли кўтарилган — ахир, ҳар қалай, унинг айтгани юзага чиқяпти-ку. Урушдан кейин, чамаси, қирқ йил бу йўлдан ҳеч ким ўтмаган, улар Бўстон билан юрак ютиб шу ишга жазм этишган эди.

Тўғриси айтганда, Эрназар фикрлашни, сўраб-суриштиришни яхши кўрадиган одамлар сирасидан эди. Ўзи ҳам кўркам, бўлалиқкина, урушдан кейин охириги отлик қисмларда хизмат ўтаб келган эди. Орадан шунча йиллар ўтган бўлишига қарамай, ҳали ҳам азамат, чингилинг йигит эди. Гулимхон эрим кинода ўйнайдиган артист бўлиб кетишига сал қолди, деб кула-кула сўйлаб юрарди. Бир кинорежиссёр бу томонларга келиб қолиб, Эрназарни кинода ўйнашга кўндираман деб тоза уринибди. Агар эринг Америкада яшаганда, кинода ковбой бўлиб ўйнарди, дебди. Гулимхон эса, унга: «Биламан сизларнинг киноларингизни, бир йилкибоқарни кинога тушасан деб олиб кетишувди, шу кетганча ҳалигача қорасини кўрсатмайди. Бир артистка бошини айлантриб қўйган экан. Мен Эрназаримга жавоб бериб бўпман», деди... Кулавериб, ичагинг узилади.

Бўстон эса, кузда Кичибелдан қайтиб келгач, Эрназарнинг қўлига бирон бригадани топширишни чамаларди. Майли, ўзи мустақил ишлаб кўрсин. Энди асл чорвадор бўлди. Қачонгача ёрдамчилик қилади. Агар совхозга директор бўлганимда, қандай одамларни қаерга қўйишни ўзим билар эдим, деб ўйларди. Лекин, халқ айтмоқчи, бири кам дунё — одам боласига доим нимадир етмайди.

Тоғлар сари борар эканлар, энди йўлларида тракторлар ва от-улов минган кишилар учрамас, қишлоқ ҳамда қўтонлар онда-сонда кўзга чалиниб қолар, бу ерларда табиатнинг ҳам турқи бошқача эди: худди бегона жойларга ўхшар, теваарак тумтайган ва совуқ эди. Бўстон билан Эрназар кечга томон, ҳали қуёш ботмасдан тошлоқ дара ичидан йўл босиб, Ола Мўнгу ёқасига етиб келдилар. Қош қораймай, яна бироз юрсалар ҳам бўлаверарди, лекин подани тонг қоронғилаб, ҳали юлдузлар ўчмай ҳайдаб келганда ҳам, кун бўйи юриб, тоғларда бундан ортиқ масофа босиб бўлмаслигини ҳисоблаб чиқдилар-да, даранинг довон бошланадиган шу ерида тунашга қарор қилдилар. Чорвадорлар довонга чиқиш олдидан тунаб қолинадиган бундай кечани шикама дейдилар. Шикамага танлаган жойлари ҳам жуда қулай эди. Музликлардан жилға шалдираб тушар ва пастга қараб шу ердан йўл олар, агар тоғ ёнасидан жой танласалар, музликлардан эсувчи совуқ изғириндан сақланар эдилар. Музликлардан эсадиган, одамнинг суяк суягидан ўтиб кетадиган совуқ изғирин ярим кечада бошланиб, қуёш эрталаб кўтарилгунча давом этишини чўпонлар билардилар. Сон-саноқсиз чорвани музликларнинг тунги аёзидан асраш ва

эрталабдан янги куч билан довон сари кўтарилиш — шикаманинг асл маъноси мана шунда эди.

Йўловчилар ерга тушиб, ҳориган отларни эгар-жабдуқдан бўшатиб, тунга ҳозирлик кўра бошладилар. Унча баланд бўлмаган қоя остидан жой топдилар — Эрназар дара ичидан, ҳов бутазорлар ўсган ерларгача бориб ўтин йиғиб келди. Ут ёқиб, унинг атрофида уйдан олиб чиққан таомлари билан тамадди қилишди, ҳатто тунука чойнакда чой қайнатиб ичишди ва олис йўлдан сўнг ўрин тузатиб чўзилишди.

Довон остидаги тоғ ёнларида тез қоронғи тушди ва кун худди қиш киргандай бир зум ичида совуди. Ёздан қишга ўтиш учун отда бир кун йўл юриш кифоя қилди. Ола Мўнгу музликларидан изғирин эсди. Ахир мангу музликлар қўл узатса етадигандай яқин эди. Бўстон қайсидир газетада ўқиётган эди, бу музликлар миллион йиллардан бери мавжуд, водийлардаги ҳаёт уларга боғлиқ, музликлар аста-секин эриб, жилғалар ва дарёларни тўлдиради, пастликлардаги барча дов-дарахт, ўт-ўланга жон ато этади, далаларда экин-тикинни яшнатади, табиатдаги ҳамма нарсалар мана шундай донолик билан яратилган.

— Эрназар, — деди ухлаш олдидан Бўстон, — совуқни қара-я! Суяк суягингдан ўтиб кетади-я? Яхшиям пўстинларимизни олган эканмиз.

— Пўстинни айтасиз, — жавоб берди Эрназар. — Илгариги вақтларда дуо ўқиб жон сақлашган, уни довон дуоси дейишган. Эсингизда борми?

— Йўқ, эсимда йўқ.

— Менинг эсимда қолган, бобомиз айтиб берган эди.

— Қани, ўқи-чи.

— Э, мен сал-пал биламан, холос.

— Ишқилиб, билар экансан-ку. Қани, бошла!

— Хўп, майли. Мен айтиб турай, сиз такрорланг. Эшитяпсизми, қани, сиз ҳам айтаверинг: «Ё яхмалак, осмоннинг Ҳокими, кўк Тангри, муз довон узра йўлимизни энгил қилгайсан. Чорвамизни қора изғиринга гирифтор этмагайсан, бунинг ўрнига осмондаги қора қузғунни олгайсан. Бола-чақамизни совуқ нафасинг билан қотириб қўймагайсан. Бунинг ўрнига осмондаги ҳаққушни олгайсан. Отларимизнинг айилларини қаттиқроқ тортиб боғлагаймиз, қўтосларга ортган кўч-кўронимизни маҳкамроқ жойлагаймиз ва сенга тавоф қилиб айтгаймиз, йўлимизни боғлама, бизни довондан кўм-кўк ўтлоқлар, муздай булоқларга ўтказиб қўй, бизнинг ушбу сўзларимизни қабул эт...» Менимча, шундай эди. Уёғи эсимда йўқ...

— Аттанг...

— Нимасига ачинасиз? Ҳозир бунақа дуолар ҳеч кимга керак эмас. Энди мактабларда буларни қолоқлик ва жаҳолат деб ўргатишади. Қаранг, ахир, коинотга одам учяпти, дейишади.

— Қоинотнинг бунга нима алоқаси бор? Нима, осмонга учган бўлсак, аввалги ота-боболарнинг сўзларини унутишимиз керакми? Кўкка чиқаётганларнинг сони бармоқ билан санарли, биз ердагилар қанчадан-қанчамиз, ахир қанчадан-қанчамиз ерда тириклик қиламиз-ку. Ота-боболаримиз ерда яшашган, уларнинг тирикчилиги ер билан бўлган, осмонда нима бор бизга? Ким учса учаверсин. Ҳар ким ўз ишини қилсин.

— Айтишга осон, Бўске. Бизнинг парторгимиз Қўчқорбоевга ўхшаганлар ҳар мажлисда эскидан қолган нарсаларни сўкканлари сўккан. Тўй қилишни билмайсизлар, нега тўйларда ўпишмайсизлар, нима учун келин бола қайнатаси билан танса тушмайди, дейишади. Ҳатто болаларингизга тузукроқ от қўёлмайсизлар, деб дағдаға қилишади. Янги тасдиқланган исмлар рўйхати бор эмиш. Ҳамма эски номларни ўзгартириш керак эмиш. Қўйинг-чи, ҳатто ўликни қандай кўмишгача аралашади, ундоқ қилинлар, бундоқ қилинлар, ундоқ йиғламанлар, мундоқ ош тортманлар. Ҳатто қандай йиғлаш кераклигигача кўрсатиб беради: эскича йиғламанлар, янгича йиғланлар, дейди.

— Биламан, Эрназар, ҳаммасини биламан. Билмай ўлибманми? Москвага борсам, кузда мени кўрғазмага жўнатишмоқчи, гапнинг очиги, Марказқўмга кириб айтаман: бизга Қўчқорбоевга ўхшаганлар ростдан ҳам керакми ёки бу пешонамизга битган шўрми? Ҳеч нарса демаганингда ҳам, сал нарсага ҳиқилдоғингдан олади, сен партияга қаршисан, дейди. Узини партия деб билганига ўласанми? Яна ҳеч ким унга миқ-этиб оғиз очмайди. Ана, одамлари-

миз қандай. Ҳатто директоримиз ҳам ўзини четга олади. Э, қўйсанг-чи, уни! Ёмони шундаки, Қўчқорбоевга ўхшаганлар бошқа ерларда ҳам тиқилиб ётибди... Ке, энди ухлайлик, Эрназар. Ахир эртага кун оғир бўлади...

Икки чўпон улуғ Ола Мўнгу муз довони остидаги дарада ундан-мундан гаплашиб ётиб ухлаб қолдилар. Юлдузлар, ҳаммаси, битта қолмай сим-сиёҳ осмон бағрида тоғлар узра бодраб-бодраб чиқдилар, чўнглиги худди муштдай-муштдай келади-я, лекин нимагадир ерга қулаб тушмайди, деб жаабланарди Бўстон. Дона-дона юлдузлар фалакда осилиб туришар, тинимсиз жимириллар, им қоқар, совуқ шамол тошлар оралаб қутуриб чийиллар эди... Шамоллар илоҳига доим жой етмайди... У доим недандир норози ва доим неларнидир ўз бағрида яширади...

\* \* \*

Бўстон фиғон кўтариб улиган бўриларнинг овозларини тинглаб шу тобгача бошидан нимаики кечирган бўлса, барини эслаб ётган ўша машъум кечада ҳам шиддатли совуқ шамол чийиллаб, ҳуштак чалиб дераза ёриқларидан уйга ёриб кирирди. У ўтган кунларни яна бир-бир хаёлидан кечиран, юрагини тубан тиришлар томонидан етказилган озор ўртарди. О, бу юзсизлик. Улар ҳатто бировларнинг бахтсизликларини ҳам масхара ва майнавозчилик, тўхмат манбаига айлантирадилар. О нечоғлик кучли бу кўҳна дунёдан қолган юзсизлик! Истаган одамга азоб беришлари, истаган одамни — чўпондан тортиб подшоҳгача — руҳий қийноқ чоҳига ташлашлари мумкин. Юраги адоқсиз маҳзун ўйлардан гоҳо шунчалар ҳам сиқилиб кетардики, бу кеча яна пайдо бўлиб ув солаётган бўриларнинг фарёдлари Бўстонга ўз мустар кўкрагидан отилиб чиқаётгандай туюларди. Назарида бурилар эмас, унинг ўртаниб куйган дили қуралар ортида, тун қоронғилигида ноумид кезаётгандай, кўзёш тўкавериб аламдан кўр бўлган Акбара билан бирга нола-афғон қилаётган, уввос солиб йиғлаётгандай эди. Бўрининг бу ноласига инсон тоқати етмасди, уни қандай бўлмасин бўғиб, ўлдириб ташлагиси келарди. «Тоза оҳанига олди! Хўп, нима қилай ахир? Мендан, ахир, нима истайсан? — тажанг бўларди Бўстон. — Сенга ёрдам бериш қўлимдан келмади. Мен ҳаракат қилиб кўрдим, лекин ҳеч иш чиқмади, ишон менга, Акбара. Бўлди, бошқа увлама! Йўқ бу ерда сенинг болаларинг, йўқ, юз қақирим наридан ҳам тополмайсан қидириб. Болаларингни пуллаб, ичишди. Энди ҳеч қачон уларни тополмайсан! Бас қил энди! Қачонгача бизни қийнайсан? Кет, кет, Акбара! Унут энди барини. Биламан, сенга оғир, лекин кет энди, йўқол кўзимдан, худо кўрсатмасин, менга асло йўлиқа кўрма, сен шўрликни отиб ташлайман, ҳеч нарсага қараб ўтирмайман, отиб ташлайман, чунки ҳоли-жонимга қўймайсан, мени мажбур қилма, сенисиз ҳам юрагимга қил сиғмайди, сени-ку ўлдираман, лекин анов менинг шўрим устидан масхара-лаб, кулиб юрганларни нима қилайин, ахир, жилла қўрса, сен нари тур, сен йўқол кўзимдан, бошқа ҳеч қачон, ҳеч қачон нолангни эшитмай! Онаизоримнинг номига қасам ичаманки, яна баъзи бировларни ҳам ҳеч қараб ўтирмай отиб ташлардим, қўлим асло қалтирамаган бўларди. Сенинг ҳам, менинг ҳам душманимиз битта — у, Акбара, сенинг болаларингни ўғирлади, мени эса бу бадмаст махлуқ ҳаром тили билан шарманда қиляпти. Шуни ўйласам, ўшанда музлик қаъридан тирноқ-қўлларим кўчиб, шилиниб Эрназарни қидирганларим, тўхтовсиз қақирганларим, ёлғиз ўзим қолиб, бераҳм тоғларда йиғлаганларимда қандай жондан тўйган бўлсам, ҳозир ҳам шундай жонимдан тўйиб кетаман, сира яшагим келмайди. Агар манови кичкинтойни демасам, яшамасдим ҳам, тупурардим ҳаммасига. Мана, онаси олдимга олиб келиб қўйган, ёнимда эркаланиб ухлаб ётибди. Рост, хотин киши бўри увилласа, қўрқади, мурғак гўдак эса маъсум ва соф, бегуноҳ уйқуга чўмган, у менинг азоб-уқубатларим эвазига, барча бошдан кечирганларим эвазига дунёга келган, у менинг жоним ва қоним, мендан охирги ёдгор. Лекин ахир, мен бу қисматни тилаб олганим йўқ, унинг ўзи кириб келди ҳаётимга худди тонг отгандай, кун ботгандай, қадимгилар тўғри айтишган экан, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди, деб. Анов аблаҳ Бозорбой эса бошимга ифлос тўхматлар ёғдириб юрибди, ҳеч инсофга келадиган эмас, менга қолса, уни бўғиб ўлдирган бўлардим. Бошқа иш қуриб қолгандай парторг ҳам биринчилар қаторида бу арақхўрнинг гапига

учяпти, баракалла-баракалла деб турибди, кичкинамининг ризқини қиймоқчи... Мен тушунмасам, сени ким тушунади, Акбара!» Уша кеча Бўстон уйқусизликдан азоб чекиб, ана шуларни ўйлаб ётарди. Лекин шунчалар ақли, меҳрибонлиги билан ҳам барибир у Акбара бошига тушган бахтсизликни тўла-тўқис кўз ўнгига келтиролмасди. Майли, гарчи Акбара тилсиз-забонсиз эди, лекин унинг тил билан ифодаб бўлмас қийноқлари бор эди. У вужуди хирмонини ёққан ана шу азоблардан ҳеч қутулолмас эди. Ахир, ўз терисидан ташқарига чиқиб кетолмайди-ку? Ахир, тоғ-тошларда, сув босган қайирларда Тошчайнарни орқасидан тўхтовсиз эргаштирганча тиним билмай, ҳеч қандай мақсадсиз изғиб юрмаяптими ўзини буткул ҳолдан тойдириш, оёқдан қолиш, ётиб ўлиб қўя қолиш қасдида? Тошчайнар билан бирга йўлида ким дуч келса, шунга қутуриб ташланмадими юрагидаги алам ҳовурини босмоқчи бўлиб? Камар ичидаги инига неча-неча бор қайтиб бормадими аллақандай умид билан? Совуқ, бўм-бўш инни кўриб, умидлари сўнмадими неча-неча бор? Қанча-қанча тушларига алданмадими?..

Ў, қанчалар оғир бу! Уша кеча Акбара атроф ерларда боши оғанча дайдиб юраркан, бирдан, қутилмаганда, худди бир зарур иши чиқиб қолгандай, шартта Бошат дарасига бурилиб, елдай учиб кетди. Тошчайнар ҳам одатига кўра ундан бир қадам орқада қолмай чопиб борди. Акбара эса борган сари тезроқ югурар, худди қанот чиқаргандай тоғу тош, ўру қир, чангалзорлар оша учарди телбаланиб... Ниҳоят, таниш сўқмоқ, таниш камар, таниш зирқзордан ўтиб, инига етиб келди, ин ҳамон совуқ, ҳамон бўм-бўш ҳувиллаб ётарди. Акбара болаларининг иси қолган ҳамма нарсаларни, ҳамма бурчакларни яна бирма-бир искаб чиқди ва яна юраги эзилиб, аламига чидолмай финшиб юборди, ингради, йиғлади, увлади: «Қани, менинг бўлтуруқларим? Қанисиз, эй шириншакар болажонларим? Кошқийди, сиз вояга етсангиз, тишларингиз чиқса, менинг ёнимда юрсангиз, қанчалар танимга мадор, жонимга жон, оёғимга қувват бўлар эдингиз, болажонларим», демоқчи бўлди....

Акбара ҳалигача шиша оғзидан бадбўй хид таралиб ётган, қушлар чўқиб, қолган-қутган сули доналари музлаб ерга ёпишган жилға бўйида ўзини телбаларча у ёқдан бу ёққа урарди...

Сўнг у яна инига қайтди, тумшуғини човига тикиб чўзилди. Тошчайнар ёнида қалин, ўсиқ жунлари билан уни иситиб ётди.

Тун кирган эди. Акбаранинг тушига болалари кирди, улар инда Акбаранинг биқинига ўраниб ётишарди. Улар энтак-тентак бўлишиб эмчакларини тортқилашарди. Қачондан бери эмизсам, дейди, сутга тўлиб, тирсиллаб кетди эмчаклари, оғрийди, сирқирайди... Бўлтуруқлар сут кўплигидан тамшаниб, чапиллатиб, маза қилиб эмишар, бўри вужуди худди эриб кетаётгандай ҳузурланарди, фақат нима учундир сути камаймасди... Бўри бундан хавотирланарди: нега ундай бўляпти, нега эмчаклари бўшамаяпти, бўлтуруқлари нега ҳеч тўймаяпти? Лекин ҳар қалай, тўртала боласи ҳам ёнида-ку, ана улар — мановниси думи оқ, у ҳаммасидан шўхроқ, ановниси эмгани эмган, эмчакни оғзидан қўймайди ва шу кўйи ухлаб қолади, учинчиси эса уришқоқ ва йиғлоқи, тўртинчиси — қанжиғи жуда ҳам ширин, кўзлари кўк. Кейин бориб Акбаранинг худди ўзи бўлади.... Кейин Акбара тушида ўзини улғу чўлда Мўйинқумда учиб кетаётганлигини кўрди, унинг оёқлари ерга тегмайди, ёнида тўртала боласи, улар ҳам учиб боришяпти, шундоқ ёнларида эса Тошчайнар катта-катта ҳатлаб сакраётибди. Кўкда қуёш чарақлаётир, сарин шабада елади, нақ ҳаётнинг ўзидай...

Шунда Акбара уйғониб кетди ва анчагача дунёнинг шафқатсизлигидан эзилиб, қимирламай ётди. Сўнг ғоятда эҳтиёткорлик билан ташқарига чиқди. Ҳатто Тошчайнар билмай қолди. Ташқарига чиққанда биринчи кўрган нарсаси — қор босган тоғлар узра ой кўтарилган эди. Мусаффо кеча осмонида ой шу қадар яқин кўринар, шу қадар ярақлаб ётардики, унга чопиб етиб олса бўладигандай эди. Акбара чулдираб қўшиғини айтиб чопаётган жилға бўйига келди, бошини солинтириб, сув бўйида маҳзун айланиб юрди, кейин думини ерга тўшаб ўтирди, ой баркашига узоқ-узоқ термилди. Шу кеча Акбара ойда макон қурган бўрилар илоҳаси Бўри Онани яққол кўрди, илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Унинг ой юзидаги хира сояси баайни Акбаранинг ўзгинаси эди. Қашқир худоси Бўри Она ойда думини бир ёққа ташлаб, жағларини катта



очиб ўтирарди. Акбаранинг наздида ой бўриси унга тикилиб, нидосини тинглаётгандай эди. Шунда Акбара бошини баланд кўтариб, ўз Илоҳасига йиғлаб нола қилди, унинг комидан оппоқ нафас отилиб чиқди: «Ё бўрилар худоси Бўри Она, ўзинг кўр ҳолимни, совуқ тоғларда толеи шўр ва забун бўлиб ўтирган мен Акбарангман! Ҳолим ёмон бўлди! Фарёдларим қулоғингга етиб боряптими? Аччиқ-аччиқ кўзёш тўкканларимни, нолаларимни эшитяпсанми? Ичим оғриқдан ёниб кетяпти, эмчакларим сутга тўлди, кимни эмизаман энди, кимни боқаман энди? Болаларимдан айрилиб қолдим. Ў, қани ахир улар? Нима бўлди уларга? Бу ёққа туш, Бўри Она, ёнимга туш, ёлвораман, қўшилиб йиғлайлик, қўшилиб нола қилайлик. Ў, ёнимга туш, туша қол, сени ўзим туғилган юртга бошлаб борайин, бўриларга яшаш учун жой қолмаган чўлларимни кўрсатайин. Ў, туш, мана шу тошлоқ тоғларга туш, бу ерларда ҳам энди бизга жой йўқ, бизга ўзи ҳеч қайда бошпана қолмади шекилли... Агар тушмайдиган бўлсанг, ё Бўри Она, унда мен афтодани, болаларидан жудо Акбарангни ўз ёнингга ол. Сен билан бирга, майли, ойда кун кечирайин, сен билан бирга ватанимиз — ерни соғиниб йиғлашайин. Ў, Бўри Она-а-а, унларимни эшитяпсанми-и-и? Қулоқ сол, қулоқ сол, қулоқ сол, менга Бўри Она, нолаларимга қулоқ сол!»

Совуқ тоғлар қучоғида ўша кеча Акбара ойга шуларни айтиб йиғлар, нола қилар, тинмай ув тортар эди....

\* \* \*

Довонда шикама кечаси тугаб, тонг отганда биринчи бўлиб Эрназар ўрндан турди ва пўстинига ўраниб, тушовлоғлиқ отларга қаради.

— Совуқми? — деб сўради Бўстон пўстин тагидан хавфсираб қараганча, қайтиб келган Эрназардан.

— Бу ерда доим ўзи шунақа, — жавоб қилди Эрназар. — Ҳозир совуқ, лекин офтоб чиқиши билан дарров исиб кетади. — У жун ёпинчиқ устига ёнбошлади.

Ҳали вақт эрта эди, ушбу соат ҳали тошлар ғира-шира кўринар эди.

— Отлар қалай?

— Жойида.

— Менимча, подани олиб чиққанда, кечасига мана шу ерда чодир курсак бўларкан, ҳарҳолда совуқдан пана-да.

— Нега қурмайлик, қурамыз, — рози бўлди Эрназар. — Бирпасда ўрнатамиз. Ишқилиб, йўл қилиб олсак, бас. Қолгани ўзимизга боғлиқ.

Офтоб чиқиб, тоғларда чиндан кун илиди. Атроф ёришиб, аёзнинг дами қайтгач, улар отларни эгарладилар.

Бўстон отга ўтирмасдан олдин яна офтобга назар ташлади, теваракни ўраган учурумлар ва баҳайбат қояларга кўз югуртирди. Улар ваҳший ва юксак эдилар, инсон боласи улар қаршисида тирноқча ҳам кўринмасди. Улар шу тоғларга қасдма-қасд иш қилмоқда эдилар. «Довондан қўрқмаймиз, — деб ўйлади Бўстон, — гап ҳаёт устида боряпти. Гап ҳаёт устида борганда, одамни ҳеч нарса қўрқитолмайди, у истаган жойдан — денгиздан, ер тагидан, осмондан йўл топади. Биз ҳам ўз йўлимизни топиб оламиз».

Бошламасига улар четига катта тошлар суриб қўйилган кўҳна сўқмоқни топдилар ва у довондан қандай ўтиб боришини тасаввур қилиб кўрдилар. Довон йўли икки баланд чўққи ўртасидаги қор босган ўрқачдан ўтар экан. Уша ёққа қараб йўл олишди. Ўрқач ортида, чамаси, Ола Мўнгу тизмасининг нариги ёғига тушиш бошланарди. Кичибел яйлови ўша ёқда. Қарияларнинг айтишларига қараганда, у ерда қайин ўрмони ўсиб ётади ва айқириб тоғ дарёси оқади. Табиат ўз муқаддас жойларини одатда мана шундай овлоқ ерларга яширади ва уларга етиб боришни мушкул қилиб қўяди. Лекин тирикчилик экан, одам боласи уринмаса, бўлмайди — унинг ердан бошқа яшайдиган жойи йўқ...

Сўқмоқ борган сари тик ўрларди. Қор босган ерларга кўтарилганларида отларнинг юриши қийинлашди — ичкарилаб борганлари сайин қор баттар қалинлашарди. Офтоб чарақлаб турар, изғирин тўхтаган, шу қадар жим-жит эдики, отларнинг ҳансираб нафас олишлари ўз нафасларидай эшитиларди.

— Ҳа, қалай? — орқасига қайрилиб сўради Бўстон Эрназардан. — Агар қор қўйларнинг қорнидан юқори бўлса, мазамизни қочиради. Нима дединг?

— Шундай бўлиши ҳам керак ўзи, Бўске, кетаётган жойимизни кўринг! Лекин қийин ер, ишқилиб, узоқ чўзилмасин-да. Нари борса, қўйлар ўтадиган сўқмоқ очамиз, у ер-бу ерда қор тепкилаймиз.

— Мен ҳам шуни ўйлаб турувдим. Белкурак олволишимиз керак экан. Эсингдан чиқмасин, Эрназар, белкурак олиб келишимиз зарур.

Қор отларнинг тиззасидан юқори келгач, чўпонлар ерга тушиб, уларни етаклаб бордилар. Ҳаво етишмай қолди, оғизлари билан нафас олишди. Оппоқ қор кўзни қамаштирарди — ҳозир ҳамма кўчада тақиб юрадиган қора кўзойнак асқотиб қолди. Пўстинларни ҳам ечиб, эгарга ташлаб қўйишга тўғри келди. Отлар ҳарс-ҳарс нафас олар, қора терга ботган, бўксалари кўтарилиб-кўтарилиб тушарди. Бахтларига ўша баланд ўрқачгача унчалик олис эмасди...

Офтоб бир-бирларига айқашиб кетган, абадий тош қотган қорли тоғ чўққилари узра тиккага келганди. Йўлларида ёйилган бир қанча тўп булутларни айтмаса, ҳеч нарса ҳавонинг ўзгаришидан дарак бермасди. Булутлар оралаб, яна ҳам тўғрироғи, улар устидан худди пахтани босиб ўтгандай ўтиб бориш мумкин эди. Ҳозир Иссиқкўл бўйларида ҳавонинг исиб кетгани, дам олувчилар ҳатто соҳилдаги қумлоқларда ўзларини офтобга тутиб ётганликларига ишониб қийин эди.

Ҳали яна ярим чақиримча йўл босишлари керак. Айтинг-айтинг, ишқилиб, довоннинг нарёғида ишнинг пачаваси чиқмасин-да, деб ҳадиксирашарди улар...

Ниҳоят довондан ўтдилар. Бўстон билан Эрназар нафас ростлагани тўхтадилар. Улар қаро терга ботгандилар. Ҳарсиллаб нафас олишарди. Отлар ҳам ҳолдан тойган эди. Улар чиқиб келган йўлларига қувониб, мамнун бўлиб қарашарди.

— Ана, бўлди, Бўске, — деди кулиб Эрназар. Унинг кўзлари бахтиёрликдан чарақларди. — Подани олиб ўтса бўлади бу ердан. Ҳаво очиқ турса, бас.

— Ҳамма гап шунда-да. Кун очиқ бўлиши керак.

— Сиз билан икки ярим соат юриб келдик, — деди Эрназар соатига қараб. — Унча кўп эмас, а, тўғрими?

— Қўй ҳайдаганда уч соат юрилади, — деб қўшилди Бўстон, — балки кўпроқ юрилса ҳам керак. Лекин энг муҳими, довондан ўтиш мумкин экан, шунга ишондик. Қани, юрдик. Ҳўв анави ердан, менимча, тушув бошланади. Балки Кичибел ҳам кўриниб қолар. У ёқда ҳаммаёқ ям-яшил кўкариб ётгандир ҳозир...

Икков яна илгарилаб кетдилар. Атрофга текис тоза қор кўрпаси тўшалган, баъзи ерларда шамол қорларни қуонда уюб, абуоғ ясаб, тепа қилиб ташлаган, улар офтобда ярқирайди. Лекин олдинда аллақандай қорлик дунё тугаб, бутунлай янги олам бошланишидан нималардир дарак бериб турарди. Икковлари тезроқ ўша томонга ўтишга, орзу қилган жойларини кўришга ошиқардилар. Улар икки тоғ ўртасидаги ўрқачдан одимлашар, яна озгина юрсалар, мақсадга етадигандай эдилар. Бўстон отини етаклаганча қор тепкилаб олдинда борарди, шунда бирдан оёғининг тагида алланима қалтираб кетгандай туюлди. Орқа томондан қичқирган товуш эшитилди.

Бўстон дафъатан ўгирилиб қаради ва анқайиб қолди: Эрназар кўздан ғойиб бўлган, қайгадир тушиб кетган эди. На ўзи бор, на оти. Фақат у ҳозиргина қадам ташлаган жойда қор тўзонланиб турарди.

— Эрназар! — ваҳимали қичқирди Бўстон ва ўз қичқирғидан ўзи кўрқиб кетди. Унинг товуши тоғларнинг ўлик сукунатида гулдураб акс садо берди.

Бўстон қор тўзиб турган ерга отилди ва базўр гавдасини ушлаб қолди, қандайдир ғайритабиий куч билан ўзини орқага олди. Унинг олдида тубсиз ўпқон очилди. Ўпқон қорайиб ётарди, ундан абадий совуқ нафас уфурарди. Шунда Бўстон қорга қорни билан ётди-да, нима бўлганини ақлига сиғдиролмай, тўғрироғи, бунга асло ишонмай, қаър четига суришиб келди. Унинг бутун вужуди, бутун фикру хаёли кўрқинчга айланди, шу кўрқинч унинг танасини бутунлай карахт қилиб қўйди. Шунга қарамай, Бўстон судралганча сурилиб борар, ўзи тушунмаган алланима кучига куч қўшар, нафас олишига кўмаклашар эди. Бўстон тирсакларига тираниб, юзига ёпишаётган қорларни сидириб, суринарди. Ниҳоят, у қор таги кўк муз эканлигини тушунди. Шунда у қор остида кўмилиб кетган йилқилар ҳақидаги ривоятларни эслади, «ер юткур», «жар ёқага

кет» деган қарғишлар эсига тушди. Лекин нима учун Эрназар, Эрназаргина эмас, унинг ўзи ҳам бу балога гирифтор бўлдилар?

Ҳеч нарсага қаноат қилмади, доим кўзига оз кўринди, ношукурчилик оқибати эмасмикин бу?.. Бундай кулфатга дучор бўлишини билганда-ку...

Бўстон тоғ ёриғига судралиб келди. Унинг кўз ўнгида таги-туғи йўқ қаър қорайиб ётарди. Тўбсиз жар ёқалари худди шаршар йиртилиб кетгандай эди. У даҳшатдан титради.

— Эрназар, — оҳиста пичирлади Бўстон, бир зум ичида унинг томоғи қақраб кетганди. Кейин ваҳшиёна хирқираган товуш билан бақирди: — Эрназар, қайдасан? Эрназар! Эрназар! Эрназар!

У жим бўлди. Шунда назарида қаър ичидан билинар-билинемас инграган овоз эшитилгандай туюлди: «Яқинлашманг». Бўстон шунда фарёд кўтарди:

— Эрназар! Жигарим! Мен ҳозир! Сабр қил! Ҳозир сени тортиб оламан!

У жарга қулай-қулай деб, ўзини ортга отди. Бориб отнинг жиловларини сидириб тарта бошлади. Улар Эрназарнинг эгарига мақкамлаб арқон ҳамда болта ола келишганди, лекин энди бу нарсалар жарга қулаган от билан бирга кетган эди. Бўстон пичоғини қинидан суғурди, тери тасмалар — нўхта, қуюшқон, тизгин, узанги, жилов борми ҳаммасини кесиб чиқиб, сўнг битта қилиб, узунасига мақкамлаб боғлади. Қўлини кесиб олди. Дағ-дағ қалтирарди. Яна қаър ёқасига сургалиб борди, кўзига ҳеч нарса кўринмас, кўлига қарамас, талваса ичида титраб нафас олар, худди бирдан жон таслим этадигандай, Эрназарни қутқаролмай қоладигандай кўрқар, жониқар эди.

— Эрназар! Эрназар! — товуш берарди у. — Мана, арқон! Арқон бор! Эшитяпсанми, арқон бор! Эшитяпсанми! Эрназар! Жигарим, овоз бер!

У абзалдан кесиб ясаган арқоннинг бир учини муштига боғладида, иккинчи учини жарга туширди. Лекин ҳеч ким арқонни тутмади, ҳеч ким унинг чақирганига садо бермади. Қаър қанчалар чуқур — у билмасди. Арқон қанча жойгача тушди — у беҳабар эди.

— Овоз бер, Эрназар! Овоз бер! Қайдасан, Эрназар! Жигарим! — дея тинмай чақирарди Бўстон. Лекин қоронғи қаър тубидан унинг ўз овозигина акс садо бериб қайтарди. Бўстоннинг эти жунжикиб кетди. — Қайдасан, Эрназар! — бўзларди Бўстон. — Эшитяпсанми, Эрназар! Мен нима қилай, ахир? — Шундан сўнг у ўзини тутолмай ўкириб йиғлаб юборди. Тинмасдан узуқ-юлуқ алланарсалар деб бақирарди. У аллақачонлар фронтда ҳалок бўлган отасига, неча йиллар бурун ўлиб кетган онасига, болалари, ака-укалари, опаларига ва айниқса, хотини Орзигулга жон-жаҳди билан ялиниб-ёлворарди. Йўқ, у рўй берган бу фалокатни ҳеч ақлига сиғдиролмасди... Ҳалок бўлди, ҳалок бўлди Эрназар! Энди уни ҳеч ким ва ҳеч нарса юпатолмасди, аламли юрагига таскин беролмасди... Энди у ҳасратдан бир умр халос бўлолмайди... Шунда Бўстон ҳайқириқ солди: «Сен ахир бизнинг дуоларимизни эшитмовдингми?! Нима қилиб кўйдинг, ахир? Ким бўлдинг сен шундан кейин?» У бу сўзларни кимга ва нимага қарата айтаётганлигини ўзи ҳам билмасди.

Ўрнидан гандираклаб турди, қоронғи тушаётганлигини сезди, доводнда ҳаво айниётганлигини англади. Қаердандир булутлар пайдо бўлди, кечки изғирин турди. Лекин нима қилиш керак ахир? Қаерга борсин? Сўқмоқда ўз ҳолига қўйилган от кетиб қолган — отнинг пастга қараб эниб бораётганини у кўрган, лекин орқасидан етиб олишга иложсиз эди. Бироқ эгар-жабдуқдан тортиб, нўхтаю жиловига кесиб олинган отдан нима ҳам наф бор? Бўстон азбаройи фиғони чиқиб, қорда ётган эгарни бир тепди. У Ола Мўнгу доводнида мангу музликлар устида, олайган қоялар орасида қорайиб, бўрсиниб кетган ҳолда бошяланг (телпаги боя ўрга тушиб кетган эди) ҳар томонга аланглаб, ёлғиз ўзи қолган эди. Довонда эсаётган изғирин шамол ўнинг шусиз ҳам ларзага тушган дилини баттар эзарди. Қайга борсин энди, нима қилсин? Ҳаммаси қандай яхши бошланиб келаётган эди-я? Қайданам чиқа қолди оёқнинг тагидан бу ўпқон? У ўзининг изларини кўриб, Эрназар бутунлай тасодиф туфайли ёриққа тушиб кетганлигига амин бўлди. Унинг ўзи жар ёқасидан бир ярим қадамча наридан ўтган эди. Эрназар шўринг қурғур ўнгроқдан юриб келаётган экан. Қор тагида яшириниб ётган тоғ ёриғига оти-поти билан кўз очиб юмгунча қулаб тушган.

Дўстига ёрдам берай деса, кўлидан ҳеч нарса келмайди. Лекин бунга кўниб

хам кетолмайди. Бирдан Бўстон ўйланиб қолди: балки Эрناзар ҳали тирикдир, балки фақат ҳушини йўқотиб қўйгандир — уни совуқда қотиб қолмасидан иложи борича тезроқ муз жардан чиқариб олиш керак. Ушанда балки уни қутқариб қолиш мумкиндир. У пўстинини қорга улоқтирди ва гарчи бу ерлардан югуриш ғоятда қийин бўлса ҳам, пастга томон чопиб кетди. Совхозни рўй берган фалокатдан имкон қадар тез хабардор қилмоқ керак, деб ўйларди у, шунда улар турли асбобу ускуналар билан одамларни ёрдамга юборадилар. Унинг ўзи чироқ билан арқонда Эрназар ётган жойгача тушади, уни албатта, қутқаради.

У неча марта йиқилиб, турди. «Ишқилиб, оёғимни синдирмасам, бас», деб ўйларди у ҳар сафар хавотирланиб. Сўнг ўрнидан яна туриб, қадамини жадаллатарди.

Бўстон салт отини қувиб етишдан ҳам умидвор эди. Ҳаво дам сайин ўзгариб, айниб бормоқда эди. Қор учқунлай бошлади. Лекин Бўстон бундан ташвишланмасди. Довонда қор қуюни қутурганда ҳам пастда ҳеч нарса ёғмаслигини у биларди. Фақат Эрназар нима бўлади, деб даҳшатга тушарди. Агар тирик бўлса, қутқарувчилар келгунча чидармикин? Тезроқ, тезроқ, дея у тинмай миясига нуқирди. Ҳуфтон қоронғилиги қуюқлашар, бунга сари қоронғида тез юриб бўлмайди, деб юрагига ваҳима тушарди.

Бўстон отни барибир қувиб етолмади. Эркинликни ҳис этиб, саман от қадрдон ерлар томон жадаллаб кетган эди.

Ўзига таниш тоғ ёнларидан Бўстон тик пастга йўлни анча қисқартириб тушиб борарди. У не-не ўтлоқлар, ўр-жарлардан ўтар, лекин булар уни ҳоритмас, уни оғир ўйлар тинмай эзар, бир дам ҳам тинч қўймас эди. Бошида Эрназарни қутқариш ҳақидаги турли-туман режалар ғувилларди. Дам доводан кетмаслигим, Эрназарни шу ҳолда ёлғиз қолдирмаслигим керак эди, деб ўйлар, майлийди мени ҳам қуюн кўмиб кетса, дерди. Дам мангу музлик ва совуқ зулмат қаърида ўлим талвасасида инграб ётган Эрназарни кўз ўнгига келтирарди. Тоғ устида эса қор бўрон қуюн ясаб қаҳрли айланади. Эрназарнинг оиласи, хотини, болаларига нима дейди? Шунини кўз олдига келтираркан, у кўксини пора-пора қилиб йиртиб ташлагиси келар, эсдан оғиб қолаётганга ўхшарди.

Лекин ҳаёт фақат кулфат ва омадсизликдан иборат эмас. Толе шу тобда унга андаккина кулиб ҳам боқди. Уша куни тоғликларда бир чўпон тўй бермоқда эди. Таътилга келган студент ўғлини уйлантираётган эди. Меҳмонлар узоқ ўтиришди. Энг охиргилари ярим кечадан оғганда, юк машинада қайтишмоқда эди. Осмонга тўлин ой кўтарилганди. Тоғ ёнбағирларида кўл салқини эсарди. Олисда, пастда Иссиқкўлнинг ойдини хира жилваланарди. Одамларнинг қўшиқ айтгилари келарди, бир қўшиққа иккинчисини улаб юборардилар.

Қўшиқ товушларини эшитиб, Бўстон югурганча йўлга етиб улгурди-да, жони борича қўлини силкита кетди. Ана шу юк машинасида, тунда, соат иккилардан ўтганда, у «Берик» совхозига етиб келди. Юк машинаси совхоз директорининг уйи олдида тўхтади. Ит қаттиқ ақиллаб, Бўстоннинг оёғига ташланди. Итга эътибор бермай, у деразани муштлай бошлади.

— Ким? — деган хавотирли овоз эшитилди.

— Менман, Бўстон Уркунчиевман.

— Нима бўлди, Бўске?

— Аҳвол чатоқ.

\* \* \*

Эртасига пешинга яқин қутқарувчилар бирин-кетин тизилишиб Ола Мўнгу довони томон кўтарилдилар. Бўстонни қўшиб ҳисоблаганда, улар олти киши эди. Машина юриши мумкин бўлган жойгача уларни вездеходда олиб келиб қўйдилар. Уёғига ўзлари асбоб-ускуналарини кўтариб йўлга тушдилар. Улар Бўстон изидан нафасларини сақлаб, жим, дадил қадам босардилар. Шаҳардан тез орада, мана шу соатлар ичида вертолёт келиши, уларга учта тажрибакор альпинист ёрдамга қўшилиши керак эди.

Кеча худди мана шу пайтда, худди мана шу сўқмоқдан Эрназар икковимиз довонга ўтган эдик, деб ўйларди Бўстон, бошимизга бундай фалокат тушишини хаёлимизга ҳам келтирмагандик...

Эрназар йиқилгандан сўнг бир оз вақт тирик бўлганлигини у тушунарди, лекин бир кечаю бир кундуз музлик қаърида одам чидаши мумкинлигига ақл бовар қилмасди. Шундайликка шундай-ку-я, лекин у мўъжиза рўй беришига ишонгиси келарди.

Утган кеча бўралаб ёққан қор бўронидан сўнг довонни қор босган, сукунат чўккан эди. Қор кўзни қамаштириб, оғритарди. Қор бўрон кечаги изларнинг барини босиб кетган, Бўстон муз ёрилган жой аниқ қаерда эканлигини кўрсатишга қийналарди. Лекин бир ёмоннинг бир яхшилиги бор дегандай, қутқарувчилардан бирови Бўстон кеча ечиб ташлаган пўстинни топди, сал ўтмай пўстиндан андак нарироқда ётган эгарга ҳам кўзлари тушди. Ана шуларга қараб, кечаси қор кўмиб ташлаганига қарамай, ўйиқни аниқ мўлжаллаб топилди. Бу орада альпинистлар ҳам келиб қолишди. Улар, ўз сўзларига қараганда, олти қаватли уйча келадиган муз ўйиқ ичига тушишди...

Альпинистлар юқорига қайтиб чиқиб, Эрназарни ололмаймиз, деб айтишди. Унинг ҳам, отининг ҳам лоши қалин музга ажратиб бўлмайдиган даражада ёпишиб, қотиб қолибди. Кўчириб олиш учун қаттиқ зарб урилса, муз қатлами сурилиши, натижада, қутқарувчиларнинг ўзлари кўчки остида қолиб ҳалок бўлишлари мумкин, деб тушунтиришди альпинистлар... Бўстоннинг ўзи ўйиққа тушиб кўрсин, истаса, дўсти Эрназар билан видолашсин, дейишди альпинистлар. Ўзга чора йўқ...

Кейин узоқ йиллар Бўстон хотирасига ҳеч ўчмас бўлиб ўрнашиб қолган даҳшатли бир тушни кўриб юрди. У муз жар сари арқонда тушиб боряпти. Яхмалак деворларни кўлидаги фонар билан ёритади. Унинг яна бошқа фонари ҳам бор. Бирови кўлидан тушиб кетса, иккинчисини ишлатади. Бирдан назарида иккинчи фонарини йўқотиб қўйди. Қаерга қойиб бўлди, билмайди. Бундан юраги ёмон сиқилди. Кўрқди, хавотирланди. Бақиргиси келди. Лекин ваҳимали қоронғи музлик қаърига тушганча тушиб бораверди. Ниҳоят, чироқ ёруғида музга тошдай ёпишиб ётган Эрназарни кўрди: Эрназар (асли ҳам шундай эди) муккайиб ўтирибди, пўстини боши тепасига кўтарилиб қолган, юзи қонга бўялган, лабларини маҳкам қимтиган, кўзлари юмук. «Эрназар! — деб чақирди Бўстон. — Мен келдим! Қулоқ сол, мен сенга иккинчи фонарни қолдириб кетмоқчи эдим — бу ер жуда кўрқинчли ва қоронғи экан — лекин уни йўқотиб қўйдим. Тушундингни, Эрназар, йўқотдим. Лекин барибир сенга ўзимнинг фонаримни бераман. Ма, ол, бу менинг фонарим. Ол. Эрназар, илтимос қиламан!» Аммо Эрназар унинг кўлидан фонарни олмайди ва ҳеч қандай жавоб бермайди. Бўстон йиғлаб юборади. Укириб-ўкириб йиғлайди ва кўз ёшлари шашқатор оққан кўйи уйғонади.

Кейин кун бўйи ўзига келолмай бир ҳол-бир сар бўлиб тумтайиб, ранги очилмай юради. Бу тушини у ҳеч кимга ҳеч қачон айтмаган, Гулимхонга-ку, айниқса, ҳатто унга уйлангандан кейин ҳам. Эрназар билан хайрлашгани муз ўйиғига тушгани ҳақида ҳам унинг оила аъзоларидан ҳеч кимсага оғиз очмаган.

Довондан уйга қайтганда, ҳамма рўй берган фалокатдан хабар топган эди. Бўстон учун ғамдан адоий тамом бўлган, кўзёши дарё Гулимхонни кўришдан ҳам оғирроғи йўқ эди. Довонда ўлиб кета қолсам ва яна неча минг марта ўша муз қаърига тушсам, барини қайта бошдан кечирсам, бундан кўра осонроқ эди, деб ўйларди у. Эрининг ҳалокатига Гулимхон ҳеч тоқат қилолмасди. Ишқилиб, эс-ҳушидан айрилиб қолмасайди, деб хавотир олишарди. Унинг доим бир ёққа қочиб кетгиси келарди: «Ишонмайман, ишонмайман унинг ўлганига! Қўйиб юборинглар мени! Уни ўзим топаман! Унинг олдига бораман!»

Бир куни кечаси у ростдан ҳам қочиб кетди. Бўстон куни бўйи-эзилиб, абгор бўлиб, озгина дамимни олай, деб турган эди. Мана, бир неча кундан бери у тузукроқ ечиниб ўрнига ётолмас, таъзияга келувчиларнинг кети узилмасди. Одамлар эшитиб, бутун атроф-жавонидан келишар, кўплар эски удум бўйича ҳали узоқдан Эрназар деб айтиб йиғлашарди: «Эрназар, қардошим, жигарим, қачон энди сени кўраман?» Бўстон уларга отдан тушишларига кўмаклашар, таскин берар эди... ўша куни оқшомда одам бироз товсиллади. Бўстон ҳовлисида белигача ечиниб, устидан ёлоғида сув қуйиб ювина бошлади. Орзигул Гулимхоннинг ёнида эди. Шу кунлари у қўшнисини ёлғиз қўймасди.

— Бўстон, Бўстон, қаердасиз? — бирдан Орзигулнинг чақирганини эшитди.

— Нима бўлди?

— Чопинг тезроқ, Гулимхонни олиб келинг. Қаёққадир қочиб кетди. Қизлари йиғлашапти, мен уни ушлаб қололмадим.

Бўстон майкасини, апил-тапил кийиб, елкасига ташлаган сочиғи билан йўлаккай артинганча, ҳушини йўқотиб қўйган Гулимхоннинг кетидан чопди. Унга хийлагача етиб ололмади.

Гулимхон қия жарликдан тоғлар томонга қараб тезлаб кетиб борарди.

— Гулимхон, шошма, қаёққа кетяпсан?— деб чақирди уни Бўстон.

У орқасига қарамасди. Бўстон қадамини тезлатди, Гулимхон бундай аҳволда ҳозир ҳаммасини юзимга солади, Эрназарни сиз нобуд қилдингиз, деб таъна қилади, бу фикр хаёлидан ўтди-ю, худди биров устидан қайноқ сув қўйиб юборгандай бўлди. Ахир унинг ўзи ҳам шуни ўйлаб ич-этини емаяптими, жони алам ўтида қовурилмаяптими? Унга нима деб жавоб беради?

У ўзини оқлаб ўтирармиди? Унинг баҳоналарини Гулимхон инobatга олармиди? Одамнинг қўлидан ҳеч нарса келмайдиган фоже ҳоллар бўлиши мумкинлигини унга қандай тушунтирсин? Лекин бу сўзлар ҳам малҳам бўлолмасди, бундай ҳолларда малҳам бўлоладиган, овунтирадиган сўзлар борми, ахир? Шунча ишлар бўлиб ўтиб ҳам, мана, тагин тирик лошини кўтариб юрибди, буни Гулимхонга нима деб тушунтиради?

— Гулимхон, тўхта, қаёққа кетяпсан?— Бўстон ҳарсиллаганча унга етиб олди.— Тўхта, қулоқ сол, юр, уйга кетайлик...

Уша оқшом чоғи ҳали кун ёруғ эди, аста кириб келаётган осуда ҳуфтон ғира-ширасида тоғлар равшан кўриниб турарди. Гулимхон унга ўгирилиб қаради, шунда Бўстонга жувондан худди қайғу-ғам ёғилиб келаётгандай бўлиб туюлди, Гулимхон гўё шаффоф сув остидан туриб қараётгандай чехраси ўзгариб, қийшайиб кетганди. Унинг азобини кўриб Бўстон дод солай дерди, афтода ҳолидан юраги эзиларди. Кечагина гуллаб-яшнаб турмаганмиди шу жувон? Бўстон унинг эс-ҳушини йўқотиб қочиб бораётгани, устидаги ипак кўйлаги кўкраги узра йиғилиб қолгани, янгигина қора махсиси мотам учун кийилгандай бўлиб тургани, сочлари эса азадор хотинларники каби ўрилганига ҳеч чидай олмас, кўксини чок-чок қилиб ташлагиси келарди.

— Қаёққа, қаёққа кетяпсан, Гулимхон?— деди Бўстон ва беихтиёр унинг қўлидан ушлади.

— Мен довонга, унинг олдига бораман,— деди Гулимхон аллақандай паривон товуш билан.

Бўстон: «Э-ҳой, ақлинг ўзингдами? У ерда нима қиласан? Қандай етиб борасан? Бундай юпқа кўйлакда кўз очиб юмгунча шамдай қотиб қоласан-ку?» деб уришиш ўрнига, ялиниб, ўтина бошлади:

— Ҳозир эмас. Кечаси бўлиб қолди, Гулимхон. Бошқа бир пайт борарсан. У жойни ўзим сенга кўрсатаман. Ҳозир ундай қилма. Юр уйга. Қизлар кўрқиб йиғлашапти, Орзигул хавотир оляпти. Бемаҳал бўлиб қолди. Юр энди, Гулимхон, илтимос.

Гулимхоннинг қадди ғам-алам юкидан дол эди. У индамасди.

— Усиз мен қандоқ қиламан?— ҳасрат билан шивирлади у бошини чайқаб.— Қандоқ қилайки, у ёлғиз қолди, қандоқ қилайки, уни ўраб-чирмаб, аза-мотам тутиб ерга қўёлмадим? Мозор битмаган эканми пешонамизга?

Бўстон унга нима деб таскин беришни билмасди. У чўпон ёзда ҳам, қишда ҳам оёғидан қўймайдиган кирза этикда, бўйнида сочқ, суякдор елкаларига илган майкаси валангар ҳолда гуноҳкор бошини ҳам қилиб, аёл қошида турарди. Бемажол, гуноҳкор, бечора. Бу жувон йўқотган нарсанинг ўрнини ҳеч нарса билан ҳеч қачон тўлдириб бўлмаслигини у тушунарди. Ва агарда унинг эрини тирилтириб, ўрнига ўзи жарга тушиб ёта олсайди, буни бир зум ҳам ўйланиб ўтирмай адо этган бўларди.

Улар ўз ўйларига ботиб, жим қолдилар.

— Кетдик,— дея Бўстон Гулимхоннинг қўлидан тутди.—Биз одамлар Эрназарни йўқлаб келадиган жойда бўлишимиз керак. Уйда бўлишимиз керак.

Гулимхон унинг елкасига бош қўйди. Худди ўз отасига ҳасратини тўкиб солаётгандай силкиниб-силкиниб йиғлаб, ич-ичидан отилиб келаётган ўкиригини босиб, нималарнидир тинимсиз ҳўнграб пичирларди. Бўстон уни суяб олди.

Улар бирга-бирга йиғлаб, ҳасрат кўйига ботиб уйга қайтдилар. Чаппар уриб гуллаган тоғ ўт-ўланларининг ўткир муаттар исларига тўлган осуда ёз оқшоми сўниб борарди. Эрназарнинг қизларини етаклаган Орзигул уларга пешвоз чиқди. Хотинлар бир-бирларини кўргач, яна қучоқлашдилар ва узоқ айриликдан сўнг топишгандай хўнг-хўнг йиғлаб, кўзёшларини тўкдилар...

Ярим йил ўтгач — Орзигул район касалхонасига ётган, Гулимхон эса соҳил бўйидаги балиқчилар қишлоғига кўчиб кетган эди — Бўстон ўша оқшомни эслади, бостириб келган ҳислардан тўлқинланиб, кўзини туман қоплади.

Бўстон палаткада хотини ётган каравот ёнида ўтирар, унинг пажмурда, оқариб кетган чеҳрасига жони ачиб термиларди. Кузнинг илиқ куни эди, палатадаги бошқа беморларнинг кўпчилиги ҳовлида айланиб юришарди. Шунда Орзигулнинг ўзи гап очиб қолди.

— Сизга айтадиган сўзим бор эди,— деди сўзларини оҳиста чайналиб айтаркан, Орзигул эрига базўр кўзларини кўтариб қаради. Бўстон шу кеча унинг яна ҳам сарғайиб кетганини, ориқлаганини пайқади.

— Қулоғим сенда, Орзигул. Нима демоқчи эдинг?— меҳрибончилик билан сўради Бўстон.

— Сиз доктор билан гаплашдингизми?

— Гаплашдим. У айтдики...

— Шошманг. Нима деган бўлса дегандир, кейин сизга шуни айтмоқчи эдимки...

Бу сўзлардан Бўстоннинг юраги орқага тортиб кетди. У чўнтагидан рўмолчасини чиқарди-да, тер босган манглайини артди.

— Балки ҳозир ҳожати йўқдир. Аввал тузалгин, сўнг гап бўлса, қочмас,— деб Бўстон бўладиган гапни орқага сургиси келди. Лекин хотинининг нигоҳидан гапни қолдириб бўлмаслигини сездди.

— Ҳамма нарсанинг ўз мавриди бор,— қон қочган лабларини зўр-базўр қимирлатди бемор. — Бу ерда обдон ўйладим. Касалхонада ўйлашдан бошқа иш ҳам йўқ экан ўзи. Сиз билан яхши умр кечирдик, мен ўз тақдиримдан розиман. Худонинг қаҳрини келтириб нима қиламиз. Болалар кўрдик, уларни вояга етказиб, оёққа бостирдик. Энди ўзлари бемалол ўз ақллари билан яшайверишади. Болаларимиз ҳақида ҳали яна алоҳида гаплашармиз. Лекин сизга ачинаман, сизни кўзим қиймайди. Сиз одамлар билан яхши чиқишиб кетолмайсиз, уддабурон эмассиз, ҳеч кимга ялинмайсиз, қуллуқ қилмайсиз. Ёшингиз ҳам ўтиб қолди. Мендан кейин сўққабош, одамови бўлиб юрманг. Таъзиям ўтгандан сўнг яна нима қилишни ўйлаб кўринг. Менга қолса, ёлғиз яшашингизни истамасдим. Фарзандларингиз ўзидан ортмайди.

— Қўйсанг-чи шу гапларни,— бўғилиб деди Бўстон.— Бошқа нарса қолмадимми бизга?

— Йўқ, буни гаплашмай бўлмайди! Бошқа нимани ҳам айтаман? Сафар қариди ва буларни бир-биримизга айтмасак, иложи йўқ. Ўлгандан кейин гаплашмайсан-ку. Шунинг учун бу ерда термилиб ётиб сизни ва ўзимни ўйладим. Гулимхон олдимга пайдарпай келиб турибди. Ўзингиз биласиз, у бизга етти ёт-бегона эмас. Тақдир экан, ёш болалари билан ёлғиз қолди. Яхши аёл. Сизга маслаҳатим шу — унга уйланинг. Яна ўзингиз биласиз, сизга ўргатгулик эмас. Ҳар кимнинг гўри бошқа. Мен ўтгандан сўнг, унга шу гапимизни айтинг... Худо хоҳласа, балким мен айтгандай чиқар. Ҳар қалай Эрназарнинг болалари отасиз қолмайди...

Иссиқкўлга келувчилар кўпинча иссиқкўлликлар устидан ҳазиллашиб юришади: кўл бўйида яшаб, кўлни кўрмай ўтадилар, деб. Бунга ҳеч кўллари тегмайди. Мана, Бўстон ҳам не замонлардан бери кўл ёқасига энди келиб туриши. Шунгача кўлга узоқ-узоқлардан кўз қири тушган, холос.

Бу сафар у кечга томон касалхонадан чиқиб, тўғри соҳилга йўл олди. Тоғлар орасидаги мовий ойдинлик бўйида ёлғиз айлангиси келди. Бўстон шамол кўл юзасида худди ер ҳайдагандай оппоқ тўлқинларни равон мавжлантириб қуваляб юрганлигига узоқ тикилди. Унинг кўксидан йиғи отилиб келарди. Ўзини Иссиқкўл бағрига ташлаб йўқ бўлиб кетишни истарди. Яшашни хоҳлаб-хоҳламасди... Худди мана шу мавжлар каби — тўлқин қайнаганда ғойиб бўлади, сўнг яна ўз доманидан ўзи дунёга келади...

Охир-оқибат бўрилар Бўстонни ҳоли-жонига қўймади — улар қўра атрофида тиним билмай увиллашвериб, ниҳоят, уни ётган еридан туришига мажбур қилишди. Лекин ундан бурунроқ Кенжаш уйғониб кетди. Кичкинтой уйқуси ўчиб, йиғлай бошлади. Бўстон ўғилчасини ўзига яқинроқ суриб, қучоқлаб, бағрига босиб, овутишга киришди:

— Кенжаш, ҳой, Кенжаш! Мана, мен шу ердаман. Нима дейсан, тентагим? Ана, ойинг ҳам шу ерда — ана, кўряпсанми? Нима берай, айт? Чироқни ёқайми? Э, сен бунақа кўркмагин-дә. Мушуклар миёвляпти. Мушук шунақа миёвляйди.

Гулимхон ҳам уйғониб, кичкинтойни эркалаб овутишга тушди, лекин боланинг хархашаси тинмасди. Чироқни ёқишга тўғри келди.

— Гулим, — деди Бўстон эшик олдида боргач, у чироқни ёқаман деб, ўрнидан турган эди. — Уларни кўрқитиб қўймасам бўлмайдиганга ўхшайди. Ҳаддан ошиб кетишди.

— Соат неча бўлди?

Бўстон соатга қаради.

— Йигирмата кам уч.

— Ана, кўрдингизми, — норози бўлиб деди Гулимхон. — Ҳали олтида туришингиз керак. Шу яхшими? Бу қуриб кетгур Акбара бизни жинни қилиб қўяди. Қаердан ёпишди бизга бу бало?!

— Узингни бос. Нима қилсак экан? Мен дарров келаман. Сен кўркма. Тоза жаззамизни берди-да, бу қашқир. Ташқаридан эшикни илиб кетаман. Хавотир олма. Ухла.

У сарпойчан оёғига шошилинич илган кирза этигини тўриқлатиб, ойна ёнидан ўтди. Бўстон қандай бўлмасин, бўриларни учратаман деб аҳд қилган эди, шунинг учун овози борича бақириб итларни чақира бошлади, уларни болохонадор қилиб сўкди. Аламидан — қутурган бўрилар жонидан тўйдириб юборишганди — у ҳар нарсага тайёр эди.

Бўриларга ҳеч қандай ёрдам беролмасди. Уларни дуч келтирса, отиб ташлашдан бошқа чора қолмаганди. У ярим автомат милтиғини шайлаб қўйганди.

Лекин бўриларни учратмади. Шундан сўнг дунё кўзига қоронғи кўриниб, уйга қайтди. Лекин барибир уйқуси келмади. Қоронғида анчагача тўлғаниб ётди, миясини нотинч, дардли ўйлар пармаларди.

Нималарни ўйламайди дейсиз одам уйқу қочганда? Ҳаммасидан ҳам кўпроқ у йилдан йилга виждонан ишлаш қийин бўлиб бораётгани, ҳозирги одамлар ва айниқса, ёшларда ор-номус қолмаганлиги ҳақида ўйларди. Ҳеч ким ҳозир сўзга ишонмайди. Ҳар бир кимса ҳаммадан бурун ўз фойдасини кўзлайди. Ваҳоланки, машҳур Чу канали қурилишида одамлар мамлакатнинг ҳамма бурчақларидан ўз ихтиёрлари билан келиб, ҳатто пул-маош олмай меҳнат қилмаганмидилар? Мана энди ҳеч ким бунга ишонмайди, чўпчак айтяпсизми, дейди, шундай бўлиши мумкинми асти? Ҳозир ҳеч ким, бўйнига арқон солсангиз ҳам, ўламан саттор чўпон бўламан, демайди. Ҳаммалари буни билишади, лекин билмагандек юришади, вақтинчалик қийинчиликлар деб қўйишади. Очиғини айтсанг, тўхмат қияпсиз, деб юз-кўзингни очиришмайди. Кимнинг ноғорасига ўйнаяпсиз, дейишади! Ахир бу кетишда кейин нима бўлади, ҳеч кимнинг жиддийроқ бош қотиргиси келмайди. Унинг дилига таскин, кўнглига ором берадиган бирдан-бир нарса бор эди. У ҳам бўлса, Гулимхон ҳеч қачон отда тиним бор, итда тиним бор, сизда тиним йўқ, эртаю кеч қўй-қўзидан бўшамайсиз, деб таъна қилмаган, юзига солмаган эди. Утарни бир зум ҳам кўздан қочириб бўлмайди, сурувни тўхтатиб кўрчи, бу темир дастак эмас сенга керагида кўтариб, кераксизда тушириб қўядиган, сурувга кеча-кундуз кўз-қулоқ бўлиб турмасанг, иш чиқмайди. Аксига олгандай, қаёққа қарама, қўл кучи етмайди. Ҳолбуки, одамлар йўқ эмас, бор, лекин уларнинг ишлагилари келмайди. Нимага ахир? Ахир, меҳнатсиз яшаб бўлмайди-ку, Меҳнатсиз ҳаёт ҳалоқат. Балким бутунлай бошқача яшаб ва ишлаш керакдир? Балки ҳамма гап шундадир? Яна энг оғир масала — сақмончилар. Қўзилаш бошлангач, пунктларга қўзиларга қарайдиган сақмончилар керак. Хўш, қаердан олсан сақмончиларни? Ёшлар сақмончи бўлишни истамайди. Сақмончи эртаю-кеч кўз



юммай кўзиларга қарайди. Бу ишни кўрққанидан эмас, ҳалол, виждонан бажармаса бўлмайди. Шунинг учун сақмончиликка ёш-ялангни зўрлаб ҳам кўндиролмайсиз. Ҳозирги ёшлар шиптир кечиби, овлоқда — бир чеккада кун кечиришни хоҳламайди. Сақмончи қанча ҳам ҳақ оларди дейсиз. Ваҳоланки, шаҳарда завод ё фабрикада саккиз соат ишлаган ҳар бир йигит-қиз бундан кўра анча кўпроқ пул топиши мумкин. «Қандай қилиб биз кўпроқ фойда чиқадиغان ерда эмас, бир умр ишчи кучи кўпроқ керак бўлган жойда ишлаган эканмиз-а? Мана энди ёшлар ишни қўлга оладиган пайт келганда, улар ҳеч нарсага ярамай қоляптилар — на ор-номус бор уларда ва на виждон», деб хафа бўлишади қариялар. Авлодлар ўртасида англашилмовчилик ҳамда ётсираш туғдирган мана шу тўқнашув қачонлардан бери одамларнинг юракларини ўртаб келади. Бўстон яна ўша гапини эслади. Ушанда у тагин ўзини тўхтатолмади ва бекор қилди. Одам худди ўзи учун ишлагандай ишласин, деди у. Мен бошқа йўлни кўрмаётиман. Ишчи қилаётган ишидан шахсан манфаатдор бўлиши сув ва ҳаводай зарур. Бўстон иш ҳақи иш натижасига қараб белгиланиши керак, деб неча-неча марталаб айтган эди. Ҳаммасидан ҳам муҳими — чўпоннинг ўз ери бўлсин, чўпон шу ер учун жон куйдирсин, унинг ёрдамчилари ва бутун оила-бола-чақаси ҳам шу ерни деб тер тўксин, акс ҳолда, бошқа ҳеч нарсанинг фойдаси йўқ...

Одатдагидай парторг Қўчқорбоев унинг пўстагини қоқди. Қўчқорбоевни совхозда «газет киши» деб чақиришади, у директор столининг ўнг томонида Бўстонга ёнлама ўтирарди. Ғаши келаётган бўлса керак, унинг қош-қовоғи уюлган, посонига олиб дам сайин бўйинбоғини ушлаб, тузатиб қўядиган Қўчқорбоев Бўстонга ёвқараш қилиб, қия назар ташлади. Совхоз директори Чўтбоев Қўчқорбоевнинг нима демоқчи бўлиб турганлигини яхши тушунарди. Кўп йиллар бирга ишлаб, унинг букилмас, ўтда куймас, сувда чўкмас, бир марта ва бир умрга ёд олинган сафсатасининг мантиғини жуда яхши ўрганиб олган эди: унинг сафсатасига кўра, Бўстон Ўркунчиев янгича нусхадаги қулоқ ва аксиланкилобчи, у яна қавагидан чиқиб, ҳаммани йўлдан айнитмоқчи. Ҳаёт уни ўласи қилиб неча марта чўзилтириб қўйди, у эса ҳамон ўз айтганидан қолмайди. Қанийди, илгариги замонлар бўлса-ю, уни узоқроқ бир жойларга гумдон қилинса...

Ўша кунги ишлаб чиқариш йиғилишида райкомнинг кўринишдан камтарин янги инструктори ҳам иштирок этар, «Берик»нинг халқи ҳали уни яхши танимасдилар. У сўзловчиларнинг гапини диққат билан эшитар ва ҳаммасини ён дафтарига қайд қилиб борар эди. Чўтбоевнинг тахминича, Қўчқорбоев райкомнинг янги ходими олдида албатта ўзини кўрсатишга ҳаракат қилади. У ҳақ чиқди. Бўстоннинг сўзидан сўнг Қўчқорбоев икки оғиз сўзим бор эди, деб ижозат сўради. Шу сайраб кетди: у нақ баайни газетада ёзилгандай қилиб сўйлар, асли унинг кучи ҳам мана шунда эди.

— Қачонгача, ўртоқ Ўркунчиев, — деб мурожаат қилди у Бўстонга қарата ҳар доимгидай расмий равишда «сизлаб», — қачонгача сиз шубҳали таклифларингиз билан одамларнинг юрагига васваса соласиз? Социалистик коллектив ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари қандай бўлишини тарих аллақачонлар белгилаб берган. Сиз эса чўпонни хўжайинга айлантирмоқчисиз. Ким билан ишлайди, ким билан ишламайди, кимга қанча ҳақ тўлайди, ҳаммасини ўзи ҳал қилсин деяпсиз. Бу қандоқ бўлди? Бу бизнинг тарихимизга, инкилобий оламшумул зафарларимизга ҳужум, тўғрироғи, тажовуздан бошқа нарса эмас. Сиз иқтисодни сиёсатдан юқори қўймоқчисиз. Сиз ўша қўшнингизнинг тор манфаатларидан келиб чиқмоқдасиз. Сиз учун бу масалаларнинг масаласи. Бироқ қўшнинг ортида район турибди, ахир, область, мамлакат турибди, ахир! Сиз бизни қаерга элтмоқчисиз — хўжалик юритишнинг социалистик усуллари-дан воз кечишгами?

Зардаси қайнаб кетган Бўстон ўрнидан турди.

— Ҳеч кимни ҳеч ёққа элтмоқчи эмасман. Мен буни гапиравериб чарчадим. Ҳеч кимни ҳеч қаёққа бошлаётганим йўқ. Областа нима бўляпти, ундан нари мамлакатда нима бўляпти, дунёда нима бўляпти — менинг ишим эмас, мен оддий бир чўпонман. Менисиз ҳам ақллилар кўп. Менинг ишим — пода боқиш. Агар парторг менинг чорва ҳақидаги фикримни билишни истамаса, унда бундай йиғинларга нима кераги бор мени чақириб, ишдан қолдириб?

Тарақа туруқ гапларга тобим йўқ. Балким кимгадир бундай гаплар керакдир, лекин менинг уларга ақлим етмайди. Уртоқ директор, мени бошқа чақирма! Нима қиласизлар мени ишдан қолдириб? Кераги йўқ менга бунақа мажлисларни!

— Э, нима деяпсиз, Бўске? — Чўтбоев ўтирган ўрнида ўнғайсизланиб кимиради. — Сиз совхознинг энг яхши, илғор чўпони, тажрибали кишисиз, биз сизнинг фикрингизни билишни истаймиз. Шунинг учун чақирамиз.

— Сен мени ҳайрон қилиб қўйдинг, директор, — азбаройи қони қайнаб деди Бўстон. — Агар мен илғор бўлсам, илғорликни қандай қўлга киритганим ҳаммадан кўра сенга яхши маълум-ку. Шунда нега ахир миқ этмайсан? Бир нарса десам, оғзимни очмасимдан Қўчқорбоев оғзимга уради, худди прокурордай ҳар бир сўзимдан хато қидиради, директор, сен бўлсанг, буларнинг сенга алоқаси йўқдай, ҳеч нарса бўлмагандай индамай ўтирганинг ўтирган.

— Шошманг, шошманг, — унинг сўзини бўлди Чўтбоев.

Директор ростдан ҳам ўзини йўқотиб қўйди. У жуда ҳам қийин аҳволда бўлди. Бу сафар энди Бўстон билан Қўчқорбоев ўртасида бетагаф туриб қолмайди. Райком ходими қошида директор маълум бир нуқтага келиши керак. Шу «газет киши» Қўчқорбоев билан ҳеч ғиди-биди қилгиси йўқ-да ўзи. Бунинг сафсатаси не-не кучларни ҳаракатга келтириши мумкин: кўр-кўрона қирот-атхонликни иш услубига айлантириб олганлар ичида Қўчқорбоев ахир ёлғиз эмас-ку. Бу сафар ҳам Қўчқорбоев муҳокамани атаи алангалатиб юборди, ҳе йўқ-бе йўқ, чўпонни «зафарларимизга тажовуз қилишда» айблади. Хўш, шундан сўнг ким унга қарши чиқа олади? Лекин қандай бўлмасин, вазиятдан чиқиш керак эди.

— Шошманг, шошманг, Бўске, сиз қизишманг, — деди директор ва столдан туриб бу ёққа чиқди. — Уртоқлар, келинглар, ақллашиб олайлик, — деди мажлисга қарата Чўтбоев томонларни қандай муросага келтирсам экан, деб эран-қаран ўйланаркан. Албатта, Бўске ҳақ. Лекин Қўчқорбоев билан ҳазиллашиб бўлмайди. Хўш, нима қилиш керак? — Гапимиз нима ҳақда боряпти? — дея фикрларди директор. — Менинг тушунишимча, чўпон ёлланиб ишлайдиган кимса эмас, қўшу кўра, яйловларнинг эгаси бўлмоқчи, у ўз номидангина эмас, шу билан бирга бригадаси ва чўпон хонадонлари номидан ҳам гапиряпти, биз буни ҳам эътибордан қочирмаслигимиз зарур. Менимча, унинг гапида жон бор. Чўпон бригадаси — бизнинг энг кичик иқтисодий ячейкаси бўлади. Ишни шу ердан бошлаш керак. Назаримда, Уркунчиев ҳаммасини ўз қўлига олмоқчи, жумладан, мол-ҳол, яйлов, ем-хашак, қўтон-қўра дегандек, ишлаб чиқариш учун нима зарур — барини ўз қўл остида бирлаштирмоқчи. У бригада ҳисобини жорий қиламан, дейди. Шунда ҳар бир одам кўшниси учун мановдан ановгача эмас, балки ўзи учун ишласа, қанча ҳақ олишини билсин. Мен Уркунчиевнинг таклифини ана шундай тушунаман, биз буни ўйлаб кўрсак арзийди, Жонтой Эшонович, — деди директор парторга қарата.

— Мен эса, сиз билан бирга раҳбарлик қилаётган совхознинг парторги сифатида, ўртоқ Чўтбоев, буни бошқача тушунаман. Социалистик ишлаб чиқаришда хусусий мулкчилик психологиясини рағбатлантириш, кимлигидан қатъий назар, ҳеч кимга ярашмайдиган иш ва айниқса, хўжалик раҳбарига, — овозига тантанавор тус бериб, директорга писанда қилди Қўчқорбоев.

— Лекин ишонинг ахир, ишимизнинг манфаати шуни талаб қиляпти, — ўзини оқлай бошлади директор. — Ахир, ёшлар чўпон бригадаларида ишлашни хоҳламаяптилар...

— Демак, бизда ташвиқот-тарғибот ишлари ёмон олиб бориляпти, ёшларга Павлик Морозов ва унинг қирғиз биродари Кичан Жақипов ҳақида эслатишимиз керак.

— Буниси энди сизнинг ишингиз, ўртоқ Қўчқорбоев, — қистирди директор. — Ҳаммаси ўз қўлингизда. Эслатинг, ташвиқ қилинг. Сизга ҳеч ким халал бермайди.

— Албатта ташвиқот олиб борамиз, сиз ташвишланманг, — деди иддао билан парторг. — Бутун бошли чора-тадбирларни ўйлаб қўйганмиз. Лекин ҳар қандай ниқобдаги хусусий мулкчилик хатти-ҳаракатларига ўз вақтида зарба бериш жуда ҳам зарур. Биз социализм асосларини қўпоришга йўл қўймаймиз.

Ҳаддан ташқари жиддийлашиб кетган бу тортишувга қулоқ солиб ўтираркан, Бўстон Уркунчиевнинг шаҳди қайтди, томоғига аллақандай кўрқинч беихтиёр тикилиб қолгандай бўлди. Ахир, у нима деди? Бор-йўғи ерда бировнинг ташқаридан бўладиган кўрсатмаси билан эмас, ўз ақлим билан ишлашни хоҳлайман, деб истак билдирди, холос.

— Ҳеч кимга ҳеч қандай қулайлик ва ён босишлар қилинмайди, — давом этади Қўчқорбоев. — Ишлаб чиқаришнинг социалистик шакллари барча учун мажбурий. Мен буни, аввало, ўртоқ Уркунчиевга қарата айтган бўлардим. У доим ўзи учун қандайдир алоҳида шарт-шароитлар талаб қилгани қилган.

— Менгагина эмас, — унинг сўзини кесди Бўстон, — бундай шарт-шароитлар ҳаммага керак, ана ўшанда ишларимиз юришиб кетади.

— Ишонмайман! Умуман, бу қандай гап ўзи — шарт қўйиб ишлайман, дейиш? Уни қилинг, муни қилинг! Сиз, ўртоқ Уркунчиев, ўз мол-ҳолингиз учун шахсий яйловнинг ордидан қувиб Ола Мўнгу довонида одам нобуд қилганингиз етмайdimи? Ё сизга бу ҳали камми?

— Гапир-а, гапир! — азбаройи фиғони чиқиб қўл силтади Бўстон. Эрназарнинг ҳалок бўлгани ҳақида мана шундай йўл-йўлакай ва беписандлик билан сўз юритилгани унинг ҳамиятига теккан, дилини оғритган эди.

— Нима — гапир, гапир? Нима, нотўғрими гапим? — чақиб олди Қўчқорбоев.

— Ҳа, нотўғри.

— Нега нотўғри бўларкан? Эрназарнинг ўлиги ҳалигача довонда музлаб ётмайптими? Балки яна минг йил ўша ерда ётар.

Бўстон индамади. Мажлисда шу ҳақда гап очилганидан унинг қаттиқ кўнгли оғриди. Лекин Қўчқорбоев бас қилай демасди.

— Нимага индамай қолдингиз, ўртоқ Уркунчиев? — деб оловга мой қуйди у. — Сиз эмасми, ахир, ўзингизга шахсан яйлов очаман деб, довонга йўл олган?

— Ҳа, яйлов очаман дедим, — кескин жавоб берди Бўстон. — Лекин фақат ўзим бўлай деганим йўқ, ҳамма учун, жумладан, сен учун ҳам, Қўчқорбоев, очмоқчи эдим. Чунки мен сени еб-ичираман, сен мени эмас. Ҳозир эса, сен сув ичиб турган қудуғинга тупурысан!

— Бу нима деганингиз? — дарғазаб бўлди Қўчқорбоев, унинг юзига қон тепди. — Мен ҳаммаси учун партия олдида қарздорман!

— Партия қаердан олиб сени боқяпти, биласанми ўзинг? — ўшқирди Бўстон. — Осмондан деб ўйлайсанми?

— Нима бўляпти ўзи, оғзига нима келса валдирайверадими киши! — чинқириб юборди Қўчқорбоев қўллари қалтираб бўйинбоғини тўғрилаганча.

Катта жанжал чиқадиغان эди. Қўчқорбоев ҳам, Бўстон ҳам, худди ўлимга ҳукм қилинган одамлардай бири стол орқасида, иккинчиси девор олдида туришар, ўтирганлар назарида яна озгина вақт ўтса, улардан бири ерга гурс этиб кулайдиган эди. Райкомнинг ёш ходими вазиятни бирмунча енгиллатгандай бўлди.

— Ўзингизни босинг, ўртоқлар, — деб овоз берди у кутилмаганда чеккадан дафтарига ёзиб ўтирган жойидан. — Назаримда, чўпон Уркунчиев умуман ҳақ. Меҳнаткаш одам, биз уни кўпинча моддий бойликлар яратувчи, деб атаймиз, ўз сўзини айтишга ҳақли. Лекин бунчалар ошириб юбориш ўринлимикан?

— Э, сиз буни билмайсиз ҳали, ўртоқ Мамбетов, — шоша-пиша унинг сўзини илиб кетди Қўчқорбоев. — Уркунчиев қилаётган даъволарнинг боши-кети йўқ. Мана, мисол учун, Нўйғутов деган бир чўпон, ҳа, худди шу Нўйғутов Бозорбой тоғда бўри инига дуч келган. У бўри галасини тугатиш учун уларнинг тўртта боласини инидан олиб чиққан, тўғрироғи, тортиб олган, илдиз-пилдизи билан қуритган. Эр йигитнинг ишини қилган. Шундан кейин нима бўлган денг? Мана шу Уркунчиев Нўйғутовни тўхтовсиз таъқиб қила бошлаган. Олдин сотиб олмоқчи бўлиб уринган, лекин бу ҳунари ўтмагандан сўнг, Нўйғутов, биласизми, жуда бир сўзлик одам, Уркунчиев дўқ-пўписа йўлига ўтган, Нўйғутовга бўри болаларини жойига қайтар, деб оёғини бир этикка тикиб, туриб олган. Йиртқишларни кўпайтирмоқчи бўлган шекилли. Ўзи нима бўляпти, ўртоқлар? Буни нима деб тушунишимиз керак? Балки сиз, ўртоқ Уркунчиев, бошқа ҳаммаси бўлиб, бунинг устига ўз шахсий бўрилариңизни ҳам боқиб кўпай-

тирмоқчидирсиз? Хусусан ва шахсан сизга тегишли бўрилар, дейлик. Балки совхоз ҳали сизни бўрилар билан ҳам таъминлаши лозимдир? Ўзимнинг ерим дейсиз, ўзимнинг чорвам дейсиз, ана энди, ўзимнинг бўриларим ҳам дерсиз! Шундайми? Буни қандай тушунайлик — бўрилар урчиб кўпаяверсин, қўй-қўзини бўғизлайверсин, умумхалқ мулки ҳисобига кун кечираверсинлар, деганингизми бу?

Бўстон бу орада ўзини қўлга олди, хийла вазминлик билан жавоб қайтарди:

— Бўрилар ҳақидаги ҳамма гаплар тўғри, фақат битта ёмон жойи шуки, бўрилар умумхалқ мулкига чанг солаётганларига ақллари етмайди-да.

Одамлар беихтиёр кулиб юборишди, Бўстон ўртадаги вақтдан фойдаланиб, давом этди:

— Бу ер бўрилар ҳақида гап сотишнинг ўрни эмас эди. Лекин ҳамон улар ҳақида гап чиқди, мен ҳам ўзимнинг сўзимни айтай. Ҳар қандай ишни ақл-фаросат билан қилса тузук, шунинг учун ақл билан туғилганмиз. Баъзи бировларимизда фаросат етишмайди, мақтанчоқлик эса қоп-қоп. Мисол учун ўша бўри болалари воқеасини олинг. Бу ерда айтилгандай, Бозорбой бўри болаларини инидан кўтариб чиққан, яна ҳам тўғрироғи, қароқчилардай ўғирлаб олиб кетган, энди атрофдаги шовқин-суронни кўринг, сал бўлмаса уни қаҳрамонга чиқариб қўйяпмиз. Қаҳрамон эса, аввало катта бўриларни йўқотишни ўйлаши, ундан кейин болаларини тинчйтиши керак эди. У бўлса бўричаларни тезроқ пул қилишга қизиқиб кетди. Мана энди ичиб юрибди. Бозорбойдан бўри болаларини менга беришни ё бўлмаса сотишини сўрадим. Болаларини тузоқ қилиб, катталарини қўлга туширмоқчийдим. Чунки болаларини йўқотгач, катта бўрилар ҳаддан ортиқ қутуриб кетишди. Уларни энди шундай қолдириб бўлмасди. Қутурган битта бўри ўнта бўридан ёмонроқ, буни сал тушуниш керак эди. Қутурган бўри ўч олмагунча тинчимади. Болалари тортиб олинган Акбара билан Тошчайнар деган бўрилар атрофда қанчалар йиртқиқчилик қилишаётганини ҳамма чўпонлар билишади. Энди улар ҳеч қўймайди, одамларга ҳам ташланаверишади, тап тортишмайди. Баъзи бемаъни одамларни ифвогар деб аташар экан, буни газета ва китобларда ўқиган эдим. Бозорбой деганимиз бўрилар ўртасида шундай ифво чиқарди, уларни қутуртирди. Ҳаммамизнинг бошимизни ғавгога қўйди. Мен унинг юзига тикка айтдим, яна айтаман: у қуёнмижоз ифвогарнинг ишини қилди. Сенинг ҳам, парторг, тик юзингга айтаман: мен тушунмайман сенинг қандай одамлигингни. Мана, неча йилдирки, бизнинг совхоздасан, лекин шунча вақтдан бери газет ўқишу менга ўхшаган чўпон-чўлиқни кўрқитишдан бошқасини билмайсан, бизни инқилобга, совет ҳокимиятига қарши деб нах урасан, ўзинг эса ҳўжалик ишида ҳеч вақонни тушунмайсан, маънисига етмайсан, акс ҳолда чўпон кишини бўрини кўпайтирмоқчи, деб айблаб ўтирармидинг. Э падарига қусур ўша бўриларнинг. Куракда турмайдиган кулгили айбларни қўясан одамнинг гарданига. Лекин бу майли. Аммо бошқа бир айб ҳам қўйдингни, ўртоқ Қўчқорбоев, мен буни жавобсиз қолдиrolмайман. Тўғри, Эрناзар довонда ҳалок бўлди. Лекин бизни довонга боришга нима мажбур қилди? Яхши кун кечираётган бўлсак, шундай қилармидик? Бошқа жой қуриб кетибдими бизга? Парторг, сен ҳеч ўйлаб кўрдингни, нега биз у ёққа чиқдик, яйловлар етарли бўлса, жонимизни хавф-хатарга қўйиб ўтирармидик асти? Сен буни ҳеч ўйладингни, парторг? Яйлов йўқлиги жонимизга бир бало бўлди. Кун-кундан баттарроқ. Мана, директорнинг ўзи ўтирибди. Айтсин ўзи. У директорликни энди бошлаган кезлар қандай ўтлоқ, яйловлар бор эди, белдан уриб ётарди ўт-ўлан у ерларда? Энди-чи? Ҳаммаёқ қуриган, ернинг тупроғи ўйнаб ётибди. Ҳар бир қиёқ ўт ҳисобда. Барининг сабаби шундаки, бундай майдонларда илгаригидан ўн баробар кўп мол боқилпти, шунча қўй туёғи ўтгандан кейин ўт ўсмаяпти. Улганнинг кунидан Эрназар билан Кичибелга йўл олган эдик. Яхши бўлармикин девдик, лекин фалокат оёқ остидан чиқди. Сафаримиз яхшилик билан тугамади. Шундан кейин мен бу мақсадимдан қайтдим, оғзимни очмай қўйдим, кулфат оғзимни очирмади, кўнглимга сиғмади бу иш. Ҳаммаси бошқача бўлганда, ўтган йил Москвага борардим кўргазмага, энг катта раҳбарларимизнинг олдига кириб, сен ҳақингда гапириб берардим, Қўчқорбоев. Сен ўзингни фақат партия ҳақида ўйлаётгандек қилиб кўрсатасан, кўкрагингга урасан. Ҳолбуки, партияга сенга

ўхшаган ўзи ҳеч иш қилмайдиган, бошқаларнинг ҳам қўлини боғлайдиган текинтомоқлар керакмикин?

— Сиз жуда ҳаддингиздан ошиб кетдингиз! — чидолмади Қўчқорбоев. — Бу тухмат! Сиз, ўртоқ Уркунчиев, партия йўли билан ўз сўзларингиз учун жиддий жавоб берасиз.

— Мен ўзим ҳам истаيمان ҳаммасига партия мажлисида жавоб беришни. Агар мен ростданам нотўғри иш қилаётган, нобоп ўйлаётган бўлсам, майли, мени бўйнингга бир уриб, ҳайданглар. Партияга арзимас эканман, мени сира аяб ўтирманглар. Лекин сен ҳам, Қўчқорбоев, буни ўйлаб қўйишинг керак.

— Менинг ўйлайдиган жойим йўқ, ўртоқ Уркунчиев. Менинг виждоним тоза. Мен доим партия билан биргаман.

Бўстон худди тоғ устига чопиб чиққан одамдек нафасини ростлади ва райком ходимига қараб туриб, деди:

— Сиздан, ўртоқ инструктор, ўтиниб сўрайман, ана шулар ҳақида райкомга айтинг. Бизнинг ишимизни мажлисда кўришсин. Бошқа бундай яшолмайман.

Кўп ўтмай Бўстон Уркунчиев ўзининг Қўчқорбоев билан бўлган тўқнашуви атрофида ғалати-ғалати воқеалар рўй бераётганига амин бўлди. Уша куни у ўзининг ишлари билан кўл бўйига тушган эди. Иссиқкўл ёнларида боғлар гулга кирай деб қолганди. Баҳор ўтиб борар, у эса ҳамон боғдаги олма дарахтларини дорилаб улгурмаган, Эрناзарнинг боғи ҳам қаровсиз ётар эди. Бўстон билан Гулимхоннинг энди икки боғлари, икки ҳовлилари бор, икковиям қаровга, парваришга муҳтож эди. Ҳамма гап шундаки, чўпоннинг умри тоғларда ўтар, хўжаликка қарай деса, доим кўл тегмасди. Эрта дейсан, индин дейсан, қарабсанки, вақт ўтиб кетган, энди кечиктиришнинг ҳам иложи қолмаган. Лекин барибир, қандай бўлмасин боғни дорилаш керак, акс ҳолда зараркундалар шу қадар кўпайишиб кетадики, ҳамма куртакларини тўкиб, ҳосилни барбод қиладилар. Бу гал Гулимхоннинг сабр-тоқати тугаб, ўзини тутолмай Бўстонга қаттиқроқ гапириб юборди: «Мунча орқага чўзасиз, вақтлироқ бориб, бирон кўшни-пўшни билан келишиб келмайсизми, ўзингиз қилолмаганингизга яраша. Ҳақини гаплашинг, қўшнилари қилиб беришади».

— Ҳеч уйга қарамайсиз, — жаҳли чиқиб уришди яна Гулимхон. — Эртаю кеч мол кетидан юрасиз, мажлисдан бери келмайсиз. Агар боғ-роғга қарашга қўлингиз тегмаса, уйда бир кун Кенжаш билан ўтиринг, бу тентакингни сал қаровсиз қолдириб бўлмайди, ўзим соҳилга тушиб чиқаман, бир эркакнинг ишини қиларман, ахир.

Нима ҳам дейиш мумкин, Гулимхон ҳақ эди, унинг таъналарини индамай туриб эшитди.

Бўстон боққа қарайман деб, эрталаб барвақт соҳилга тушиб кетди. Дўнкўликни минди. Қадимдан қолган ҳикмат бор, баҳор келса, ўт ҳам, от ҳам кучга киради. Дўнкўлик жониворнинг айни кучга тўлган пайти эди. У ўт сочган кўзларини ўйнатиб, ёлларини яшиндай ёйиб, куч-қудратини ичига сиғдиrolмай, сўлиғини чайнаб, учаман, дерди. Лекин ҳозир от чоптиргали Бўстоннинг рағбати йўқ эди. У ўйноқлаб турган отнинг шаштини босар, йўлда у-бу нарсаларни хўп пишитиб ўйлаб олмоқчи эди. Утган кеча яхши ухлолмади. Анчагача у ёғидан бу ёғига ағнаб ётди, парторгнинг Эрназарни сен ўлдирдинг, дегани юрагини тўхтовсиз ўртарди. Йиғилишдан қайтгач, хотинига нима гаплар бўлганини наридан-бери айтиб бердию, лекин Эрназар ҳақидаги гапдан оғиз очмади. Гулимхонга аввалги эрини эслатиб нима қилади, орадан ахир шунча йиллар ўтиб кетди, қанча сувлар оқиб ўтди. Эслатса, Гулимхоннинг эски яраси қайта янги бўлади, ўртага совуқчилик тушиши ҳам мумкин, ахир, Эрназар қўрқинчли Ола Мўнгуа мангу муз чоҳ қаърида кўмилмасдан тўнғиб ётибди ҳалигача. Шундай экан, яхшиси, бу гапни унга эслатмагани маъқул. Кейин Бўстоннинг кўзи эндигина илинган эди, яна бўрилар шарпаси келди. Яна катта қўрадан наридаги тепалик томонда Акбара йиғлаб фарёд кўтарди, болалари ҳажрида дил тиглаб, ув тортди. Унга дўриллаган овоз билан Тошчайнар жўр бўлди. Илгари бўриларнинг ув тортганини эшитганда, Бўстон уларга ачиниб, раҳми келса, ҳозир ич-ичдан ғазаби тошди, ўжар йиртқиқларни ўлдириб ташлашни истарди... «Ишқилиб, шуларнинг овозини эшитмасам, бас, — деди, — назаримда, улар

худди менга ҳам лаънат ўқиб, қарғиш ёғдираётгандай, лекин менинг айбим нима?» Утган кеча у қандай бўлмасин, бўриларни ўлдиришга аҳд қилди, ҳатто буни қандай амалга оширишни ҳам ўйлаб қўйди. Дард устига чипқон дегандай, йиғинда Қўчқорбоев билан тортишиб ўтирган маҳалда Акбара билан Тошчайнар унинг ўтаридан учта қўйни бўғизлаб кетган эди. Чўпон боланинг ҳикоя қилишича, у қанча қичқирмасин, таёғини кўтариб ҳайдамасин, бўрилар сира ҳайиқмай учта қўйни ўлдириб, яна индамай ғойиб бўлибдилар. Бу воқеа Бўстоннинг сабр косасини тўлдириб юборди. Агар шундай давом этадиган бўлса, деб ўйлади у, бу ерларни ташлаб кетишга, бўрилардан шармандаларча қочишга тўғри келади. Уша соатда тинмай ув солаётган Акбара билан Тошчайнар ўзларига ўлим ҳукми ўқиладиганини англамас эдилар. Бўстон энди нима қилиш кераклигини биларди. Мабодо эртасига хўжалик ишлари билан соҳилга тушмаса эди, у ҳозироқ ўйлаган режасини амалга оширишга тайёр эди. Лекин у бундай қарорга келди: хотинидан яна дашном эшитмаслик учун аввал боғдаги ишларни битиради, ундан кейин бўриларнинг додини беради.

Йўлда Бўстон ана шуларни ўйлаб борарди...

Олмаларни дорилаш, уларга баҳорги ишлов беришга бир кун вақти кетди. У кишлоқдан чиққан бир йигитни топди. У ҳақ эвазига ҳаммасини тез қилиб берадиган бўлди. Бўстон унга ўзининг қора қўйларидан битта қўзи ваъда қилди.

Ишларни тугатиб, Бўстон Кенжашга янги ўйинчоқ сотиб олгиси келди. Ўғилчасини хурсанд қилишни истади: шундай ажойиб бола уйни тўлдириб чопиб юрибди, бир ойлardan сўнг у иккига чиқади. Шўх, ширин болакай ўзининг турли ғалати қилиқлари билан қариб бораётган Бўстонга эрмак, овунчоқ эди. Кичкинтойнинг ҳар бир янги сўзидан Бўстоннинг боши осмонга етарди, хурсандчилигини ичига сиғдирилмасди. Бўстон болакай воситасида ҳаётнинг теран, сирли маъносига, фарзанд ҳамда унинг онасига бўлган меҳру муҳаббатнинг туб маъносига етгандай бўларди. Бу Бўстонга ато этилмиш тақдирнинг энг олий ва энг сўнгги тўхфаси эди. У хотини ва фарзандини чин дилдан сўяр, ҳаётдан шундан ортиқ ҳеч нарса тиламас ва талаб қилмасди. Ахир бизга ато этилган шундан ортиқ неъмат борми? Бу ҳақда у ҳеч қачон оғиз очмаган, лекин бунинг аслида шундай эканлигини у аниқ биларди. У хотиним ҳам шундай ҳис қилади, деб ишонарди.

Бўстон «Маданият» раймаги олдида отдан тушди, ичкарига кириб, кўзи чақчайган, одамнинг кулгисини қистатадиган, калит билан бураса юрадиган қурбақа сотиб олди. Болакай роса қувонадиган бўлди—да! У кўчага чиқиб, отига минай деб турди—да, шу пайт очиққанини сезди ва эрталабдан бери туз тотмаганлигини эслади. Ошхона раймагининг шундоққина яқинида эди, у бахтга қарши шу ерга кириб овқатланмоқчи бўлди. Бўстон кўпроқ йўлдаги шофёрлар қўниб ўтадиган, ҳаммаёқдан арзон овқатлар ҳиди аниқ диган ярим қоронғи залга кириб, эшик яқинига ўтирган заҳоти орқа томонда Бозорбойнинг товушини эшитди. Бўстон орқасига қарамади — Бозорбой улфатлари билан бу ерда кайф қилиб ўтиргани шундоқ ҳам равшан эди. «Куппа-кундуз кун гушналар билан ичиб юради, на ор-номус бор, на виждон бор бу занғарда», деб ўйлаб, Бўстоннинг дили ғаш бўлди. Бир кўнгли ўрнидан туриб нари кетмоқни ҳам кўзлади, ҳар қалай, қора қозондан йироқроқ, лекин кейин: нега энди овқат емай туриб кетар эканман, нима сабабдан, деб ўйлаб қолди. У карам шўрва билан котлет сўради. Бу орада Бозорбойга ҳам бу ерда Бўстон ўтирганини, чамаси, хабар қилишди. Дарҳол орқа томондан келаётган товушлар шовқини ўчиб, шум жимлик чўкди, сўнг яна ғала-ғовур қайтадан авж олди. Кўп ўтмай Бўстоннинг қошига Бозорбойнинг улфатларидан, шу ерлик эррайим ва ғийбатчилардан бири Кўр Самад деган кимса келди. Кўр Самаднинг кўзини ёшлигидаёқ уриб чиқаришган эди.

— Салом, Бўстон, салом! — Самад маънодор иршайиб қўлини Бўстонга чўзди, унинг қўлини қисмоқдан бошқа илож қолмади. — Э, нега бу ерда ёлғиз ўтирибсан? — дея гапга солмоқчи бўлди у Бўстонни. — Биз анов ерда Бозорбой билан ўтирибмиз. Анчадан бери кўришмаган эдик, бир йиғилишайлик дедик. Юр, биз билан ўтир. Бозорбойнинг ўзи чақиряпти.

— Унга айт, вақтим йўқ, — деб жавоб берди Бўстон иложи борича босиқлик билан. — Овқатланаману тоққа чиқиб кетаман.

— Э, ҳали вақт эрта, улгурасан. Тоғ қочиб кетармиди?  
 — Раҳмат, боролмайман. Иш кўп.  
 — Майли унда, шу, бекор қиялсан-да, — хафа бўлгандай деди Кўр Самад кета туриб.

Унинг орқасидан Бозорбойнинг ўзи келди, анчагина кайфи тароқ эди. Бозорбойнинг кетидан шериклари ёпирилишди.

— Менга қара, ҳой, нега биздан ҳазар қиласан? Сени ҳурмат қилиб, одам деб чақиринг, сен бурнингни жийирасан. Нима, бошқалардан сенинг ортиқ жойинг борми? — дарҳол тирғила кетди Бозорбой.

— Мен айтдим-ку, вақтим йўқ деб, — хотиржам жавоб қилди Бўстон ва карам шўрвани ҳўриллатиб ича бошлади. Бошқа пайт бўлса, у биринчи қошиқдан кейиноқ тамом оғзига олмас эди.

— Сенда ишим бор эди, — деди Бозорбой ва Бўстоннинг рўпарасига сурбетлик билан ўтириб олди.

Бошқалар қани, нима бўларкин, дегандай томоша қилиб туришарди.

— Сен билан бизнинг қандай ишимиз бўлиши мумкин? — деди Бўстон.

— Балки сен билан анов бўричалар тўғрисида гаплашиб олсакмикин, Бўстон, — деб, Бозорбой қовоғини уюб, бошини силкиди.

— Сен билан буни гаплашиб бўлганми. Чўзишнинг нима кераги бор?

— Менимча, керак.

— Менимча, керакмас. Менга халал берма. Овқатимни ейману чиқиб кетаман.

— Қаерга шошяпсан, итвачча? — Бозорбой шаҳд туриб, энгашди-да, ғазабдан ўзгариб кетган бетини Бўстонга яқинлаштирди. — Қаерга шошяпсан, аблаҳ? Сен билан ҳали бўрилар тўғрисида гаплашиб олмадик. Сен ахир директорнинг кабинетигади мажлисда ҳамманинг ўртасида мени ифвогар дебсан, мен туфайли бўрилар қутуриб қўйларни бўғизлаётган эмиш. Ифвогар нима дегани, мени билмайди, деб ўйлайсанми? Сенингча, мен фашист, фақат сен ичимизда виждонли, ҳалол экансан-да?

Бўстон ҳам ўрнидан сакраб турди. Энди икков юзма-юз келдилар.

— Тилингни тийиброқ юр, — бўш келмай деди Бўстон. — Сени фашист деганим йўқ. Билганимда айтардим. Сен ифвогар, аҳмоқ, ичи қора одамсан, бу — тўғри. Буни сенга илгариям айтганман, ҳозир ҳам айтаман. Лекин менга осилмай, жойингга қайтсанг, ўзингга яхши бўларди.

— Сен менга ақл ўргатма, қаерда бўлишим, нима қилишимни ўзим яхши биламан! — ҳаддан ташқари қаҳрга минди Бозорбой. — Менга хўжайин эмассан. Тупурдим сенга. Майли, сенингча ифвогар бўлай. Сен-чи, сен ўзинг кимсан? Одамлар сенинг кимлигини билмайди дейсанми? Эрназарни ўлдирдинг. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверди, деб юрибсанми ҳали? Сен, аблаҳ, Эрназар тириклигида унинг хотини билан дон олишгансан, хотининг ўлишини билгансан. Ушандан кейин Эрназарни тоғдан итариб юборгансан унинг хотини, анов қанжиқ Гулимхонга уйланаман, деб. Мард бўлсанг, қани, айт, шундай эмас, де! Нега сен йиқилмадинг, Эрназар йиқилди? Битта йўлдан бораётган эдинглар-ку? Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди дейсан-да, а? Лекин у ўлиб кетди, сен эса юрибсан. Шундан сўнг ким бўлдинглар, сен ҳам, анов қанжиқ Гулимхон ҳам? Эрназар довонда музлаб ётибди, бекафан кетди худди итнинг боласидай, сен ярамас гўсхўр бўлсанг, унинг шарманда хотинини, сотқин қанжиқни қучоқлаб ётибсан, ялло қилиб яшаяпсан! Яна партия аъзоси эмиш! Сени партиядан бўйнингга уриб ҳайдаш керак. Ўргилдим сендақа илғор стахановчидан! Сени суд қилиш керак!

Бўстон Бозорга мушт кўтариб ташланишдан, унинг жирканч афт-башарасига бошлаб туширишдан ўзини базўр тутди. Бозорбой очиқдан-очиқ жанжал чиқармоқчи, Бўстон билан ёқалашиб итдек уришмоқчи эди. Лекин Бўстон ўзини босди, тишларини қаттиқ қисди ва аччиқдан бўғилиб кетган Бозорбойга деди:

— Сен билан гаплашадиган гапим йўқ. Сенинг сўзларингни ҳеч нарсага олмайман. Сен билан тенглашиб ҳам ўтирмайман. Мен ҳақимда нима десанг де, нима ўйласанг, ўйлавер. Энди, қани, йўлдан қоч. Ҳей, йигит, — деб чақирди у официантни, — ма, пулингни ол. — Унга беш сўмликни тутқизиб, индамай нари ўтди.

Бозорбой унинг енгидан тутди:

— Қани, тўхта-чи! Қанжиғининг олдига шошиб нима қиласан? Балки сен йўғингда биронта чўпон билан донлашаётгандир. Халақит бериб ўтирасанми!

Бўстон ёнидаги стол устида турган шампандан бўшаган шишани кўтарди.

— Қўлингни торт! — секин тишининг орасидан деди у кўзларини ранги қум ўчиб кетган Бозорбойдан узмасдан. — Қўлингни торт, бошқа қайтармай! Эшитдингми? — деди у каттақон қора шишани аста силкитиб.

Бўстон шу алпозда шампан шишасини қўлида маҳкам қисганча эшикка чиқди. Эгарга сакраб мингандан кейингина ҳуши ўзига келиб, шишани йўл четидаги ариққа ташлади, Дўнкўликнинг ихтиёрини ўзига бериб, жиловни қўйиб юборди. У анча замонлардан бери ҳали бунчалик отни қичаб чоптирмаган эди. От бошини шунчалар қаттиқ қўйдики, у кўп ўтмай ўзига келиб, ҳушёр тортди ва шунда бирдан юрагига ваҳима тушди: одам ўлдириб қўйишига оз эмас, кўп эмас, бир баҳя қолибди-я, тағинам худо сақлади, бўлмаса, шиша билан бир уриб Бозорбойнинг миясини пўла қиларди. Йўлда прицепли тракторда кетаётган одамлар кўзларига ишонмай анқайиб қарашар, унинг орқасидан узоқ тикилиб қолишарди: бу Бўстонга нима бўлди, шундай кап-катта киши худди ўйинқароқ ўспиринлардай ўпқасини қўлтиқлаб от чоптириб юрибди. Бўстон анчагача ўзига келолмади. Шўх оқиб ётган жилғанинг муздек сувидан ичгандан кейингина нафасини ростлади. Шунда у жаҳлдан тушди, отга ўтирди, лекин Дўнкўликни бошқа чоптирмади. Отни аста йўрттириб кетди. У одам ўлдиришдан қутулганига суюнардди.

Лекин йўлда ҳаммаси қандай бўлганлигини ўйлаб бораркан, яна кўнгли ғаш тортди, қовоғини солди. Кенжашга совға олган, кўзлари бақрайган, жағлари катта очилган ғалати ўйинчоқ қурбақани ошхонанинг деразаси четида унутиб қолдиргани бирдан эсига тушди-ю, дили баттар хуфтон бўлди. Тўғри, унчалар қиммат ўйинчоқ ҳам эмасди, кичкинтойга совғани янаги сафар олса ҳам мумкин эди, яна ўша «Маданият» раймагининг ўзидан. Лекин негадир шу тобда унинг назарида бу ёмон аломат бўлиб кўринди. Кичкинтойга аталган нарса ҳеч қачон унутиб қолдирилмайди, ҳеч қачон. Унинг эса эсидан чиқибди...

Бундай нарсаларга ишониб ўтирганидан ғаши келди, қандай бўлмасин, хосиятсиз воқеаларнинг олдини олишга унда азму қарор уйғонди.

Бўриларга қандай пистирма қўйиши, лаънати йиртқиқларни битта қўймай отиб ташлаши, бу яқин орада улардан ном-нишон қолдирмаслиги ҳақида ўйлаганда, қаҳрининг чеки йўқ эди.

Қаердан қилди ўзи бу фалокат, деб ўйларди у, мана, сал бўлмаса ошхонада Бозорбойни ўлдириб қўяй деди, ахир, шу жанжалнинг боши ҳам бўрилар туфайли чиқмади.

Бўстон ўйлаган режасини эртага амалга оширмоқчи бўлди. Кечаси билан режасини ҳар томонлама пишитиб, пухталаб чиқди. Бош қўшиб бирга яшаётганларидан бери биринчи марта хотинига кўнглига туккан ниятини очмади. Бўстон Бозорбой билан ўртада жанжалга сабаб бўлган бўрилару бўри болалари тўғрисида гап очишни истамасди, доводда Эрназарнинг ҳалокатини эслатадиган нарсаларни ўзидан нари қуварди. Шунинг учун уйда камроқ гаплашиб, кўпроқ кичкинтойни ўйнатар, Гулимхоннинг саволларига ҳам ҳа-йўқ деб қисқа жавоб қила қоларди. Индамай юрса, хотини бундан ташвишга тушиши, ажабланишини у билар, лекин ўзини бундан бошқача ҳам тутолмас эди. Бозорбой билан бўлган жанжал, бошларига дўлдек ёғилган ифлос маломатлар, эртами-кечми, албатта, хотинига ҳам етиб келишини у жуда яхши тушунарди. Бироқ барибир ҳозир оғзини чурқ этиб очмас — бадбахт, ғаламис Бозорбой айтган ифтироларни оғизга олиб такрорлашни хоҳламас, тилга олиб бўлмайдиган жирканч, мағзава гаплар эди улар.

Гулимхон билан турмушлари ҳам осонгина кечгани йўқ, ўртада оғир, таажжуб ишлар ҳам бўлиб ўтди. Бўстон мана шу ҳақда ҳам ўйларди. Улар эру хотин бўлганларидан бери одамларнинг қанчадан-қанча яширинча кўролмасликлари, очикдан-очик душманчиликларига дуч келмадилар дейсиз, не-не тухматларни тарқатишмади улар. Бироқ шунга қарамасдан, Бўстон ўз тақдири Эрназардан қолган бева билан қўшилганидан афсусланмас эди. Бўстон усиз қандай яшашини ҳатто тасаввурига келтиролмасди, доим уни ўзининг бир ёнида ҳис қилиб туриши керак эди... Йўқ-йўқ, у бутунлай бошқа бир ҳаёт бўлар эди.



Бўстоннинг ҳаёти фақат у билангина ҳаёт, майли, гарчи Гулимхон ундан баъзан ҳақ-ноҳақ норози бўлиб юради, лекин барибир у Бўстонга вафодор, энг муҳими ҳам ўзи шу... Аммо бу ҳақда ўзаро ҳеч қачон гаплашмаган эдилар, бу ўзи шундай бўлиши кераклиги уларга равшан эди. Ва мабодо, Бўстондан манави кичкинтой ўғил болача, мана шу тили эндигина чиққан, оёқлари дўмбоқ-дўмбоқ, доим жилмайиб турадиган, кўзлари тип-тиниқ, унинг тиниб-тинчимас бўлма қоқтиси, сиз учун нима, деб сўрасалар, Бўстон тузуқ-қуруқ жавоб беролмасди. Бунинг учун унга сўз етишмасди. Унинг туйғуси сўзлардан юқорироқ эди. Зеро, кичкинтойга қараб туриб у худонинг инояти билан яратилган ўз болалигини кўрарди...

Лекин у дилдан ҳамма нарсани тушунар ва англарди, шунинг учун, кечаси хотини билан ўғилчаси ёнида ётаркан, унинг кўнгли жойига тушди, ўзини яхшиликка мойил сезди, ийиди... Ошхонада бўлган ҳангомани сира эслагиси келмасди. У ҳатто мабодо бўрилар бугун кечаси келиб безовта қилишмаса, пистирма қўймасам ҳам балки бўлар, балки умуман уларни ўлдиришнинг ҳожати йўқдир, деб ўйлади. Бўстонга тинчлик керак эди...

Лекин атай қилгандай ярим кечага яқин бўрилар яна пайдо бўлишди. Яна катта қўра орқасидаги тепа томонда нола кўтариб Акбара ув солди, унга Тошчайнарнинг босиқ, дўриллаган овози кўшилди. Яна Кенжаш қўрқиб уйғонди ва ҳиқиллай бошлади. Гулимхон эса уйқу аралаш шу оромсиз турмушни, балога гирифтор бўлгур бўриларни қарғади. Яна Бўстоннинг ғазаби жўшиб, ўрнидан сакраб туриб, бўриларни дунёнинг у чеккасигача қувиб боргиси келди, шунда яна эсига пасткаш ва-тубан Бозорбойнинг ҳақоратлари тушди ва шунда унинг қабиҳ бошини шиша билан уриб мажақлаб ташламаганига ўкинди. Ахир, ўша оғир шиша билан урса тамом эди-ку, Бозорбойдан ном-нишон қолмасди. Ҳеч қачон пушаймон ҳам қилиб ўтирмасдим, дея ўйланарди Бўстон, аксинча, одам қиёфасидаги манфур газандани ниҳоят янчиб ташладим, деб енгил тортарми-ди... Бўрилар эса авжга миниб увиллашарди...

Милтиқни олиб, жилла қурса уларни қўрқитиб қўйиш учун туришга тўғри келди. Йўлига бир-икки марта ўқ узиш ўрнига Бўстон қоронғи кеча қўйнига кетма-кет беш маротаба варанглатиб ўқ отди. Кейин уйга қайтди, лекин энди уйқуси бутунлай ўчган эди, негаллигини ўзи ҳам билмайди, милтиқни тозалашга тушди. У олдинги хонанинг бир бурчагига ўтириб олди-да, «Барс» деган ов милтиғининг устига энгашганча, худди ҳозир шундан зарур иш йўқдай ҳафсала билан тозалай кетди. Милтиқ тозаларкан, бўриларни қандай жазолашни яна бир ўйлаб олди ва тонг оқарар-оқармас ишга киришишни кўнглига тугиб қўйди.

Бу орада милтиқ овозидан чўчиган Акбара билан Тошчайнар кечанинг қолган қисмини ўтказиш учун тоғ дараси томон кетиб боришарди. Бу бадбахт бўриларнинг энди доимий бошпаналари йўқ эди, дуч келган ерда тунаб қолишарди. Акбара одатдагидай олдинда борарди. Туллаш олдидан жунлари ўсиб, наमत бўлиб кетган, қоронғида ғоятда қўрқинчли кўринарди. Унинг кўзлари кўкимтир йилтираб ёнар, тили осилиб тушган, кўрган одам уни қутурган деб ўйларди. Йўқ, болаларидан айрилган бўрининг алами босилай демасди, у жудоликни ҳеч унутолмасди. Болаларим Бўстоннинг кўрасида деган фикр унинг миясига қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Бўлмаса қайда улар? Ахир, изма-из қувиб келган кунлари ўша қароқчи шу ерга кириб кўздан ғойиб бўлмадимми? Йиртқичнинг ақли ана шундан нарига ўтолмасди. Шунинг учун ҳам бўрилар ўша кунлари ҳамма нарсани кўзлари қонга тўлиб қийратишар, мол-ҳолни дуч келганча бўғизлашар эди. Уларни оч қолиб, шундай қилишяпти, деб бўлмасди. Улар ҳаётдан, жонларидан тўйган эдилар, бўриларнинг пайига тушган Бўстон мана шуни ҳисобга олган эди.

Эртасига эртаминан Бўстон ўтарни яйловга олиб чиқманглар, ҳар иккала қўш ичида боқинглар, кўпроқ ем-дон беринглар ва шу ердаги суғормадан сувлатинглар, деб буюрди. Ўзи ўтардан йигирмага яқин кўпроқ эгиз туққан қўйларни маърашиб, барашиб юрсинлар деб, қўзилари билан ажратиб олди-да, шу кичкинагина подани овлоқ, йўлсиз адирлар томонга ҳайдаб кетди.

Ёнига ҳеч кимни олмади. Ёлғиз ўзи подани узун таёғи билан ҳайдаб борди. Ёлкасига кечаси ярақлатиб тозалаган, тўла ўқланган милтиғини осиб олди.

Шошмасдан, узоқ йўл босди. Қишловдан иложи борича олислаб кетиш керак эди.

Кун илиқ, чинакам баҳор эди. Тоғлар қуёш ҳароратини эмиб, уни ўр-жарларда майин кўклаган ўт-ўланга айлантиради. Мовий осмон бағридан онда-сонда сутдай кўпирган қайнама булут парчалари пором эркаланиб сузишади. Тўрғайлар тинимсиз чулдирайди, тошлар оралаб какликлар макиёнини чорлаб, чулгилайди — нақ жаннатнинг ўзи. Фақат истаган пайтда қуюн бошланиши мумкин бўлган уфқни бошдан-оёқ бетлаб ётган баҳайбат қорли тоғ чўққилари ва ваҳший шамол номаълум ёқлардан ҳайдаб келган, қуёш юзини тўсишга тайёр турган қора булутларгина бу жаннат боқий эмаслигидан дарак бериб туради.

Лекин ҳозирча ҳаво айнийдиганга ўхшамасди. Унча катта бўлмаган қўй-қўзилар суруви йўл-йўлакай барашиб, тўхтовсиз бир-бирларини чақиришиб, чўпон таёғи кўрсатган ёққа жиларди. Қўзилар дикирлаб сакраб шўхлик қилишар, бирдан оналари томон югургилаб қолишар ва туртиб-туртиб, ютоқиб эмиб кетишарди. Лекин Бўстоннинг кечасидан бери дили хуфтон эди. У қанча кўп ўйлаган сайин, бўрилардан ҳам, бу ҳангомаларни бошлаб келган бехосият Бозорбойдан ҳам ёмон аччиқланарди. У Бозорбой билан ғиди-биди қилиб ўтирмақчи эмас, буни ўзига эп кўрмайди, сасимасин десанг — тегма-да, яхшиси. Бўриларни эса йўқотиш, отиб тухумини қуритмасликдан бошқа чора қолмаган эди. Унинг режаси жуда оддийгина эди: маъраб қўзиларни чақирган совлиқларнинг овози албатта бўриларни ўзига тортади, у эса биқиниб пистирма-да ўтиради. Бўрилар қўй-қўзиларга ташланишади, агар омади чопса, Бўстон шунда уларни отиб олади. Лекин ҳикматда айтилгандай, уйдаги гап кўчага тўғри келмайди. Аслида ҳам шундай бўлиб чиқди...

Кун пешиндан оғгунча йиртқичлар қорасини кўрсатишмади. Бўстон подани холи, атрофдан яхши кўзга ташланадиган ўтлоққа қўйди-да, ўзи бир чеккада сийрак буталар ичидаги катта тошлар орасида биқиниб ётди. У яхши мерган эди, болалигидан милтиқ отиб ўрганган, ов қилган, Иссиққўлда неча-неча бўриларни отган эди. Шунинг учун бўриларни отишга кўзи етар, уларни пистирмага туширса, бас эди. Серхавотир совлиқлар тинмай овоз бериб, болаларини чақиришар, бир-бирларини жўрлашар, бироқ вақт ўтиб борар, бўрилардан ҳамон дарак йўқ эди. Ваҳоланки, бошқа пайтлар жондорлар куппа-кундуз куни ҳужум қилиб, атрофда ўтлаб юрган подаларни тўс-тўс тўзғитиб, аламларини қўйлардан олардилар.

Офтоб қиздира бошлади. Бута тагида остига пахталигини тўшаб ётган Бўстон бошқа пайт мириқиб мудраб олган бўларди, лекин ҳозир бундай қилолмасди. Бунинг устига ичига чироқ ёқса ёримасди: Эрназарнинг ўлишида уни айблашаётганига сира чидай олмасди. Унинг ғанимлари Қўчқорбоев ҳам, Бозорбой ҳам тил топишган, уларнинг ҳар бири ўзича бичиб-тўқиб, уни айблар, боши берк кўчага киритиб қўймоқчи бўлар эди. Ҳаёт нега шундай қурилган, у ҳеч тушунолмасди: турли-туман одамлар нимага, нима сабабдан уни ёмон кўришаркин? Бунинг устига манави қашқирларни айтмайсизми, одамнинг жонини суғуриб оламан деб туришибди. Уйда ҳам шундан тинчлик йўқ. Хотинига Бозорбой билан ўртада кечган гапнинг хабари етиб борса, ҳали ҳаммаси ҳолва бўлиб қолмасайди. Бозорбой уни ҳам, хотинини ҳам оғзидан боди кириб, шоди чиқиб бўралаб сўкаётганда, анча одамлар томошабин бўлиб туришган эди. Уларнинг ичида кўзингни ўяман деб тургани қанча...

Бўрилардан ҳануз дарак йўқ, Бўстон тоқатсизлана бошлади. Шунга қарамасдан, кўз-қулоқ бўлиб ётарди, атрофни сергак кузатарди. Йиртқичларни қанча тез пайқаса, шунча яхши, улар қўйларга ташланар-ташланмас мўлжалга олиб отади. Бўрилар келадиган пайтни бой бермай дарров пайқаш осон эмас: хонаки қўйларнинг кўзи яхши ўтмайди, сезги, фаросати сал ўтмасроқ бўлади, ўз оти билан қўйдан ювошроқ жонивор йўқ. Бўрининг энг қулай ўлжаси ҳам қўй. Уларни йиртқичдан фақат одам сақлайди, шунинг учун доим бўрилар билан одамлар тўқнашадилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди...

Беғам қўйлар бу сафар ҳам хатарни сезмай қолдилар. Улар бемалол ўтлаб юришарди, фақат қўзилари барашганда бошларини кўтариб қарашар, дам-бадам уларга елинларини тутишар, шундан бошқа ташвишлари йўқ эди. Хавфни ёлғиз Бўстон сезди...

Шу атрофда пар-пар учиб-қўниб юрган бир олақанот тоғ зағизғони бирдан қулоқни қоматга келтириб шақиллаб, у ердан бу ерга тинмай учиб ўта бошлади. Бўстон сергак тортди. Тепкини кўтарди. Лекин бошини чиқармай, янада яхшилаб биқиниб олди. Ишни пухта қилмаса бўлмайди. Бир неча қўй кетса-кетсинки, лекин йиртқишларни шамғалат қилиб, албатта очиқ жойга олиб чиқиш керак. Аммо бўрилар балки хатарни пайқашгандир, ажабмас, уларга зағизғонлар хабар етказган бўлса; ҳайтовур улар бир жойда чағиллашни бас қилиб, энди Бўстон беркинган ерга келиб, сурбетларча шақиллай кетишди. Ваҳоланки, Бўстон уларнинг диққатини тортмай, қимир этмай бута остида писиб ётарди. Ҳар қалай, бўрилар бирдан ҳужум қилишмади. Маълум бўлишича, улар икки ёққа бўлинишган экан. Акбара катта харсанглар оралаб, ўтлоқнинг нариги чеккасидан, Тошчайнар эса, бу томондан биқиниб, писиб келишмоқда эди (сал кейин маълум бўлдики, Тошчайнар Бўстон милтиғи билан пистирмада ётган ердан андак нарида судралиб келаётган экан).

Лекин буларнинг бари бирдан маълум бўлгани йўқ.

Бўстон бўриларнинг келишини кутиб, ҳушёр тортиб теваракни кузатар, лекин йиртқишларнинг қайси томондан пайдо бўлишига сира ақли етмас эди. Атроф осойишта, жимжит, қўйлар бамайлихотир ўт чимдир, қўзилар чопишиб ўйноқлашар, зағизғонлар шақиллашдан тўхтаган. Фақат нарироқда тоғдан тушиб келаётган жилға шалдирарди, бутазорларда қушлар сайрашарди. Бўстон кутавериш толиққан эди, аммо шу пайт бирдан тошлар оралаб бўздек соя лип этиб ўтди, қўйлар ўзларини шатирлаб бир томонга отишди ва ненидир хавотирли кутиб серрайиб қолишди. Бўстоннинг асаблари таранг тортилди. Бўрилар одам қаерда яширинганлигини билиш учун подани ҳуркитган эдилар. Бундай пайтда ҳар қандай чўпон бақириб, қий-чув кўтариб, қўйлар олдига югуради. Бу Бўстонга маълум эди. Лекин ҳозир унинг мўлжали бошқа эди, шунинг учун ётган жойидан қимирламади. Шунда харсанг тошлар оралаб бўз соя лип-лип ўтди ва анграиб турган жони ҳалак қўйларга ташланди. Қўйларга сакраб ҳамла қилган Акбара эди. Бўстон милтиқни ростлаб бўрини мўлжалга олди-да, энди тепкини босаман деган эди, орқа томонда нимадир шитирлаб кетди ва у беихтиёр ўгирилиб қаради. Шу заҳоти у ҳатто мўлжалга ҳам олиб ўтирмай ўзи томон отилиб келаётган ҳайбатли йиртқишга қараб ўқ узди. Ҳаммаси кўз очиб юмгунча бўлиб ўтди. Тошчайнар осмонга сакраган чоқда ўққа дучор бўлди. Лекин у дарҳол ерга қулагани йўқ. У кўзларини қаҳрли олайтириб, сўйлоқ тишлари ириллаб очилиб, тирноқлари ўткир панжаларини ваҳшиёна олдинга чўзганча, Бўстон томонга забт билан учиб борди ва ундан нақ бир одим нарига гурсиллаб қулади. Бўстон дарҳол милтиқни бошқа томонга тўғрилади, лекин фурсат ўтган эди — Акбара тўнтариб ташлаган қўйни қўйиб, ўзини тошлар орасига урди. Бўстон милтиқни шай тутиб, ҳали отиб улгуриш мумкин деб ўйлади, лекин Акбара жилғадан сакраб ўтиб кетганлигини кўз қиридагина кўриб қолди. Ўқ узди, лекин ўқи зое кетди...

Бўстон нафасини ростлади, атрофига хафагазак назар ташлади. Азбаройи зўриққанидан ранги оқариб кетган, оғир-оғир ҳансираб нафас оларди. Асосий мақсадига етолмади — Акбара қўлдан чиқди. Иш энди янада чигаллашди — уни дуч келтириш ва отиш осон кўчмайди: бўри энди этагини тутқизмайди. Э, хайрият-э, деб ўйлади Бўстон, агар Тошчайнарга вақтида қарамаса ва ўқи ҳам мўлжалга тегмаса борми, ана унда баттар чатоқ бўларди. Рўй берган воқеани мулоҳаза қилиб кўраркан, Бўстон шу нарсага амин бўлдики, йиртқишлар подага яқинлашиб келган маҳалда хавф борлигини сезиб қолганлар-да, икковлари икки томонга ажралганлар. Тошчайнар милтиқли одам пистирмадан беҳабар Акбарани мўлжалга олганини кўргач, ўйлаб ўтирмай ёвга ташланган...

Кўрқиб ҳар томонга қочган қўйларни йиғиб келгач, Бўстон ўлган бўрини кўргани борди. Тошчайнар сарғайиб кетган улкан қозиқ тишларини йириб, ёнига ағдарилганча ётарди, унинг кўзлари шишадай қотиб қолган эди. Бўстон Тошчайнарнинг бошини ушлаб кўрди. Бош ҳам ўзи отнинг калласидай келар, йиртқиш уни қандай кўтариб юрганига ақл ҳайрон эди. Панжалари-чи? Бўстон унинг дастпанжаларини кўтариб, салмоқлаб кўрди ва беихтиёр қойил деб юборди: қанчалар залворли ва қудратли эди бу панжалар. Қанча йўлларни ўтган улар, қанча жониворларни қийратган улар!

Бир зум иккиланиб тургач, Бўстон унинг терисини шилиб олмасликка қарор

қилди. Садқаи сар, гап терисидами. Боз устига унинг жуфти тирик қолди, ҳали хурсандчилик қилишга эрта.

Бўстон яна бирпас ҳаёлга толиб турди. Кейин бўри қорнини ёриб ташлаган қўйни елкасига ортди-да, подани орқага қайтарди.

Кечроқ бу ерга белкурак ва занг кўтариб қайтди. Кун ботгунча Тошчайнарнинг ўлигини кўмиш учун чуқур қазиди. Тошлоқ жой эмасми, анча уринди. Баъзан Бўстон ишдан тўхтаб теварагига ҳам назар ташларди, баногоҳ бўри келиб қолмасмикин дерди. Нишонга беҳато урувчи Бўстоннинг милтиғи ёнгинасида шай турарди, қўл узатса кифоя эди...

Аммо Акбара тун яримдан оғанда келди... Янги қазилган ер олдида чўзилди, то азонгача шу ерда қолди, қуёшнинг илк нурлари тўкилганда, у ғойиб бўлди...

## VI

Баҳор кунлари ўтиб, ёз яқинлашмоқда эди. Чорвадорлар ёзги яйловларга кўчадиган пайт келди. Тоғ ёнларида қишлаган қўйбоқарлар тоғ ичкарисидаги водий ва дараларга — янги тоғ ўтлоқларига кўчишар, бу ерлардан аста-секин доvonларга ёвуқлаб боришар эди. Қир-далада қишлаганлар эса ҳали мол-ҳол ораламаган, сақлаб қўйилган ўтлоқларга чиқишарди. Чўпоннинг иши қайнаган палла: мол ҳайдайди, кўч-кўронини ташийди ва ҳаммасидан оғирроғи, қўйларнинг жунини қирқади; буларнинг бари қўшилиб, бош қашигани қўл тегмай қолади. Бунинг устига ҳар ким ёзги манзилга тезроқ чиқиб кета қолсам, дейди, серўтлоқ ерларга жойлашсам, дейди. Хуллас, иш деган қизиб ётади... Ҳар кимнинг ташвиши ўзига етиб ортади...

Ҳамма ҳамма билан, лекин ёлғиз Акбарагина дунёдан ноумид эди. Атрофда қайнаган ҳаётнинг фақат унгагина дахли йўқ эди. Одамлар ҳам энди уни унутган эдилар; Тошчайнар ўлгандан сўнг Акбара қорасини кўрсатмас, ҳатто Бўстоннинг қишловида ҳам тунлари ув тортмасди.

Оғир, чорасиз дард Акбарани эзарди. У бўшашиб, эринчоқ, лоқайд бўлиб қолди. Дуч келган майда-чуйда дарранда-паррандаларни овлаб юрди. Кўп маҳал вақтини кўздан йироқ овлоқ масканларда маъюс ўтказарди. Тоғлардан минг-минглаб қўй-қўзилар пода-пода ўтиб борарди. Ана шу тўполон, шовқин-сурон ичида битта-яримта адашган-улоққан қўй-қўзини ўмариб кетишдан осони йўқ. Лекин Акбара буларга қайрилиб қарамас барига бепарво эди.

Акбара учун дунё ўз қимматини йўқотиб қўйди. Унга ўтган умри ҳақида хотираларгина қолган эди. Акбара калласини дастпанжаларига қўйиб, куни бўйи Мўйинқум чўлларида, Алдаш дала-тузларида, бу ерда, Иссиққўл бўйларида кечирган қувонч ва қайғуларга тўлган кунларини эсларди. Унинг кўз ўнгидан Тошчайнар билан бирга-бирга ўтказган кунлари кунма-кун, ойма-ой, соат-басоат ўтар ва ҳар сафар Акбара ҳасратини аламли жонига сиғдиролмай ўрнидан туриб кетар, атрофларда шўридаҳол санғир, сўнг яна қайғули, қартайган бошини панжаларига ташлаб ерга чўзилар, яна болалари эсига тушар эди. Дам яқинда ўғирлаб кетишган тўрт боласини, дам Мўйинқум қирғинида ҳалок бўлганларни, дам Алдаш бўйида қамишзорда ёниб кетганларини хотирларди. Лекин ҳаммадан ҳам кўпроқ у ўзининг Тошчайнари — алпкелбат, садоқатли эркагини эсга оларди. Гоҳо нашазор ичра учратган ўша ғалати тойлоқ киши ёдига тушарди. Кўз ўнгига унинг болалари билан яланғоч, ҳимоясиз ҳолда ўйнашмоқчи бўлгани келарди. Акбара кекиртагини узиб ташлаш учун унга ҳамла қилганда, азбаройи қўрқиб кетганидан бошини қўллари билан чангалланганча, ерга чўккалаб қолган, сўнг шилинғочча тирақайлаб қочган эди... Кейин уни қиш бошланганда Мўйинқумда тонг қоронғусида саксовулга осилган ҳолда учратишди. Ушанда унинг таниш юзига тикилиб-тикилиб, термулиб-термулиб қаради, сўнг у қовоқларини сал-палгина кўтарди, унга оҳиста нимадир деб шивирлади ва жиммиди...

Эндиликда ўтган ҳаёт унга туш, такрорланмас туш каби туюларди. Лекин шуларнинг барига басма-бас ҳали умид ўлмаган эди, умид Акбаранинг юрагида яшарди — гоҳо-гоҳо назарида охирги жигарпораси ҳали албатта топилади-гандай эди. Шунинг учун ҳам Акбара кечалари Бўстон қўраси атрофларида

Ўғринча изғир, лекин энди юракларга ваҳима солиб увламас, фақат узоқроқдан туриб қулоғи динг тингларди: шояд, шамол бўйига бўй кўшилиб қолган бўлтурукларининг акиллаганларини олиб келса, шояд, уларнинг таниш ва не фароғатли, бўй-исларини димоғига урса... У, шундай мўъжиза рўй бера қолсайди! Акбара ҳеч нарсага қарамасди, на одамлар ва на итлардан қўрқиб ўтирмасди, ўзини лазиз болалари сари отарди, уларни асоратдан халос этарди, қанот-қўйруқ чиқариб бу ерлардан йироқ-йироқларга, ўзга диёрларга бошлаб кетарди, бўриларга хос ҳур ва қийин-қаттиқ ҳаёт кечирарди. Бўриларга ўзга не керак...

Шу кунлари Бўстоннинг югур-югури кўпайиб кетди. Кўчиш ташвишлари етмагандай бунга яна қандайдир аҳмоқона идора ишлари ҳам қўшилди. Қўчқорбоев ҳар қалай пўписа қилгандай юқори ташкилотларга Бўстон Ўркунчиев устидан шикоят ёзиб жўнатди ва у ердан ким ҳақ, ким ноҳақлигини аниқлаш учун комиссия юборилди, лекин комиссия бир фикрга келолмади. Комиссиянинг айрим аъзолари чўпон Бўстон Ўркунчиевни партиядан ўчириш керак, чунки у парторгнинг шахсиятига тегиб, уни ҳақорат қилган ва шунинг баробарида партиянинг ўзига маънавий зиён етказган деса, бошқа аъзолар бундай қилишнинг ҳожати йўқ, чунки чўпон Бўстон Ўркунчиев иш юзасидан гапирган ва унинг танқидидан мақсад меҳнат унумдорлигини кўтариш бўлган, дерди. Комиссияга Бозорбой Нўйғутовни ҳам чақиринди. Ундан Бўстон Ўркунчиев инига қайтаришни талаб қилган бўри болалари ҳақида ёзма равишда тушунтириш олишди... Хуллас, ҳамма қоидага риоя қилинган қоғозбозлик бошланди...

Кейинги икки марта чақирганларида Бўстон бормади. Сурувни тоғларга ҳайдашим, хонадоним билан ёзги яйловга кўчишим керак, вақт зиқ, шунинг учун менсиз ўзларингиз ҳал қилаверинглар, мен комиссия лозим топса, ҳар қандай жазога розиман деб айттириб юборди. Бўстоннинг бундай хатти-ҳаракати Қўчқорбоевга ғоятда қўл келиб, у хурсанд бўлди.

Лекин чўпоннинг шундан ўзга чораси ҳам йўқ эди. Ёзги яйловларга кўчиш бошланган, бунақа пайтда Бўстон ишни орқага суриш, кечикишга сира йўл қўймасди. Кейинги йилларда сурувни бир кун олдин йўлга ҳайдашар, кейин то машина ўтиб борадиган жойларгача хонадонларнинг ёзлик кўч-кўронини ташиб элтишар, ундан у ёғига ота-боболар усулида юкларни от-эшакларга ортиб жўнар эдилар. Ҳатто шу нарсанинг ўзи ҳам сурувни кўчиришни бир томондан енгиллаштира, иккинчи томондан тезлаштира эди. Мана, Бўстон ҳам сурувни аввал ёзлик манзилга етказиб борди, ўтарда ўз ёрдамчиларини қолдириб кетди, сўнг кечаси йўл юриб орқасига қайтди, эртасига кўч-кўронларини машинага ортиб, бутун хонадон бир бўлиб, то куз тушгунча тоғларга чиқиб кетишлари керак эди.

Охири ўша кун келди...

Лекин шундан бир кун бурун кечаси Акбара эски уясига қайтиб борди. Тошчайнар ҳалок бўлгандан бери биринчи марта бу ерга келиши эди. Сўққабош бўри қоя тагидаги инига йўламас эди — унинг ҳувиллаб ётгани, ўзини у ерда ҳеч ким кутмаслигини биларди. Шунга қарамасдан, кунларнинг бирида афтода бўри таниш йўллар, чангалзор оралари, камарлардан ўтгиси келди, қадрдон жойларини соғинди — баногоҳ у ерда болалари келиб, уни орзиқиб кутаётган бўлсалар-чи. У ич-ичидан хуруж қилиб келган васвасани енголмади, рўё ортидан чопди. Акбара йўл танламай, сув кечи, тош босиб, ёзги яйловларда ёнган тунги гулханлар, баджаҳл итлар яқинидан телбараб югурар, унинг ортидан милтиқ товушлари варанглар эди...

У осмонда юксалган ой шуълаларига кўмилган тоғларда эс-ҳушини йўқотиб, якка-ёлғиз чопарди... Атрофини янги ўт-ўлан ва зирк ниҳоллари чирмаган, таниб бўлмас ҳолга келган уясигача етиб боргач, у сағир ва не замонлардан бери унутилган уясига юрак бетлаб киролмади... Лекин орқага қайтиш, ўзини енгилш учун ҳам мажол қолмаган эди. Шунда Акбара яна қашқирлар илоҳаси Бўри Онага нола қилди, акиллаб, увлаб узоқ йиғлади, бадбахт толедан тўхтовсиз арз этди, илоҳадан ўзини ойга олиб кетишни, одамлар йўқ ерга элтишни ёлвориб сўради...

Бўстон ўша кеча йўлда эди. Сурувни ёзлик яйловга етказиб боргач, орқага қайтмоқда эди. Албатта кечани ўша ерда ўтказиб, эрталаб қайтаверса ҳам бўларди. Лекин унда қўшга кечки пайт етиб келарди-ю, кун бўйи кутиб, сўнг кўчларни юклаб сурув кетидан йўлга тушишига тўғри келарди. Бунча вақтни йўқотишни у ҳеч истамас эди. Устига устак қўрада ёш боласи билан Гулимхон ва яна бошқа бир оиладан бўлак ҳеч ким қолмаган, улар ёзлик яйловларга кўчиш учун тайёр бўлиб ўтирар эдилар, эркаклар бари пода ҳайдаб чиқиб кетишган эди.

Бўстон ўша кеча мана шунинг учун ҳам орқага қайтмоқда эди. Не бахтки, Дўнкўлик ҳам одатдагидай шаҳдам, шеркелбат йўртиб борарди. Унинг юришига одамнинг завки келарди. Чаққон от-да бу Дўнкўлик. Олтин тусли зотдор Дон отининг ёллари ҳамда қулоқлари оининг нурида товланар, бақувват тўшларида тун чоғи сув жилвалангандай пайлари ялтираб ўйнади. Ҳаво иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам, мўътадил. Ўт-ўланлар ҳиди гуркирайди. Бўстон елкасига милтиғини ҳар эҳтимолга қарши осиб олган — тоғда кечаси нималар бўлмайди. Уйга боргач, Бўстон милтиқни қозикқа илади ва бешала ўқи бўшатилмаган кўйи шу ерда осилиб туради.

Бўстон қўшга тонг азонда, соат бешларда етиб боришни мўлжаллаган, чамаси, ҳисобдан адашмаган эди. Шу кеча у хотини билан фарзандига қанчалик қаттиқ боғланганлигига аниқ ишонч ҳосил қилди: бир кун ўтар-ўтмай уларни соғиниб қолди ва мана энди, шитоб билан уй томон еларди. Йўлда ҳаммадан кўра ҳам, ишқилиб, Акбара яна кўра атрофида изғиб, Гулимхон билан Кенжашнинг ўтакасини ёриб кўрқинчли увиллаб юрмасин-да, деб хавотир оларди. Тошчайнар ўлгандан кейин Акбара кўринмай кетган — ҳар нечук овози чиқмай қолди-ку, деб Бўстон ўзига ўзи таскин берарди.

Ўша кеча Бўстон бекор хавотирланган экан.

Ўша кеча Акбара Бошат дарасида, эски қўналғаси олдида Бўри Онага арз-шикоят қиларди. Мабодо, Акбара Бўстонларнинг кўраси атрофида пайдо бўлганда ҳам, у ҳеч кимни кўрқитиб, безовта қилмасди — Тошчайнарнинг ҳалокатидан сўнг у одамлар манзилгоҳидан келаётган товушларга ҳасрат билан қулоқ соларди, холос...

Ва охири ўша кун келди...

Ўша кун эрталаб Бўстон уйқудан кўзини очганда, қуёш азот чиққан эди. У тонг қоронғисида қўшга етиб келиб, тўрт соатлар чамаси ухлаган эди. Эрталаб Гулимхон отасини безовта қилмасин деб, Кенжашни қанча ушламасин, кўчиш ташвишлари билан овора бўлиб кетиб, кичкинтойни андак кўздан қочириб кўйди. Болақай алланималарнидир чулдираб, ҳадеб отасининг юзларини силаб, шапатлай бошлади. Бўстон кўзини очди, кулиб кичкинани бағрига босди, бутун жисми-жони унга ажиб бир меҳр-муҳаббат билан тўлқинланди. Унинг пушти-камаридан дунёга келган кичкина, соғлом, ҳаракатчан бўлиб ўсаётгани, ҳали иккини тўлдирмаган эса-да, зийраклиги, ота-онасини севиши, юзи, сумбати, қилиқлари қуийиб қўйгандай ўзига ўхшаши, фақат қора олхўридай порлаган кўзларигина онасини эслатиб туриши беҳад қувонч бағишларди. Бир сўз билан айтганда, боламисан бола эди ва унга қараб туриб, Бўстон шундай ажойиб ўғилчаси борлигидан ғурурланарди.

— Нима дейсан, ўғлим? Урнимдан турайми? Қани, қўлимдан тортиб юборчи? Торт, торт, ана, баракалла! Ўҳў, полвон-эй! Ана энди, қани, қани, отасининг бўйнидан бир ачомласин-чи, оҳ-оҳ!

Гулимхон бу орада унни қовуриб, сут ва туз солиб қуюқ қалмоқ чой ҳозирларди. Қалмоқ чой эрининг жону тани эди. Ўтарларгина эмас, ҳатто итлар ҳам узоқ тоғларга чиқиб кетган, Ўркунчиевлар хонадони жилла курси, шу тобда бемалол, хотиржам ўтириб чой ичсалар мумкин эди. Кўплар чўпон хонадонига бу фароғат камдан-кам пайтлар муяссар бўлишини яхши билмайдилар. Чорвага йил бўйи кеча-кундуз тинмай кўз-қулоқ бўлиб туриш керак, агар сурувни минг бош деб ҳисобласак, кўзиси билан бир ярим минг деяверинг, мана бунақа ўтириб чой ичишга қўл тегадими. Чўпон хонадонлари бунга фақат орзу қиладилар. Улар кўчиш олдидан бамайлихотир ўтириб чой ичишарди. Сўнг ёз бўйи тоғларга чиқиб кетишади. Машина пешинга етиб келади-да эди. Ушангача ҳаммасини йиғиштириб, саранжом-сарийшта қилиб қўйишлари керак.

— Вой, ҳеч кўзимга ишонмайман, — дерди нуқул Гулимхон, — қандай

яхши, жонинг роҳат қилади, тинчликни қаранг! Сизни билмайману мен ҳеч кетгим келмаяпти. Келинг, уйда қола қолайлик. Кенжашжон, отанга айт, ҳеч ёққа бормайлик.

Кенжашжон нималарнидир бидирлар, дам отаси, дам онасининг тиззасига чиқар эди, Бўстон эса кўнгилчанлик билан хотинининг гапини маъқулларди:

— Шундайми? Майли, нима кипти, ёз бўйи шу ерда яшасак?

— Хўп айтдингиз-да, — куларди Гулимхон, — икки кун ўтмай сурув қайдасан деб, ҳайё-ҳайт жўнаб қолардингиз, кейин сизга Дўнкўликда қувиб ҳам етиб бўлмасди!

— Рост, Дўнкўликни миниб ҳам етолмайсан! — тасдиқларди ийиб кетган Бўстон ва сўнг дикрайган мўйлабини силаб қўярди. Бу унинг кўнгли тўлганлигини билдирарди.

Улар хонтахта атрофида ерда ўтириб шундай нонушта қилишар, болакай атрофларида гирдикапалак бўлиб юрарди. Ота-онаси унга овқат едирмоқчи бўлиб уринишар, лекин болакай бугун шўхликни авжига чиқарган, ўйнар, чопар, тинчлик бермас эди. Ҳеч жойида ўтиришни, овқат ейишни истамасди. Эшикни ҳаво дим бўлиб кетмасин деб ланг очиб қўйишган, шунинг учун Кенжаш дам сайин ташқарига югуриб чиқар, галдираб ҳовли айланар, она товуқ атрофида пилдирашиб юрган кичкина, ҳурпайган жўжаларни томоша қилар эди. Бу қоровул Қудурматнинг товўғи эди. Қудурматнинг ўзи яйловга чиқиб кетган, унинг хотини Асилгул Ўркунчиевлар билан бирга машинада борадиган эди. Асилгул боя уларни кига кириб чиққан, юкларни йиғштириб қўйдим, товўқни жўжалари билан саватга солсам, бас, буни машина келганда қилсам ҳам бўлар, ҳозир кирларимни ювиб, қуришиб олай, деган эди.

Уша кунни эрталаб шундай ўтмоқда эди. Қуёш кўтарилиб, тузуккина қиздира бошлаган. Ҳамма ўз иши билан овора. Бўстон хотини билан юкларни, тугуну бўғчаларни боғларди. Асилгул кир ювар, ора-чора унинг ташқарига мағзава тўккани эшитилар эди. Кичкинтой Кенжаш эса ўз ҳолича ўйнаб юрар, дам уйга чопиб кирар, дам чопиб чиқар, жўжалар атрофида ўралишар эди.

Бу орада меҳрибон курк товўқ жўжаларни ҳовлининг нариги чеккасига ер титгани бошлаб кетди. Кичкинтой жўжалар орқасидан дўмбиллаб чопди, шу тариқа улар саройнинг баланд девори орқасига ўтиб қолдилар. Бу ерда қариқизлар ва отқулоқлар ўсиб ётар, ёз бўлгани учун осойишта, жимжит эди. Жўжалар чип-чип қилиб гўнг титишар, Кенжаш эса тинмай жўжалар билан гаплашар, қиқирлаб кулар, уларни ушлаб, қафти билан силамоқчи бўлар эди. Она товўқ Кенжашдан чўчимас, бироқ бу ерда бирдан сассиз қадам ташлаб жуда катта кулранг ит пайдо бўлгач, товўқ хавотирга тушиб, хавфсираб қақағлай бошлади ва жўжаларини балодан нарига олиб кетишни маъқул кўрди. Кўзлари ажойиб, кўм-кўк, каттакон бўз итдан Кенжаш сира ҳам тап тортгани йўқ. У кичкинагина думини дўстона ликиллатиб, муштилар боқарди. Бу Акбара эди. У анчадан бери кишлоб қўра атрофида изғиб юрган эди.

Ўтган кечадан эътиборан ҳовлилар бўшаб, ҳувиллаб қолган, на одамлар ва на итларнинг овозлари эшитилар, ана шунинг учун ҳам Акбара одамлар қароргоҳига бунчалар яқин келишга ботинган эди. Кўксига ўлмаган оналик соғинч, армони билан, ўлмаган умид билан у ғоятда эҳтиёткорона барча кўтонлар, саройларни айланиб чиққан, ҳеч қайда йўқотган бўлтуруқларидан ном-нишон топмаган ва шунда боши оғиб одам манзилига жуда яқин келиб қолган эди. Шундай қилиб, Акбара кичкинтойимиз ёнида турарди. Ҳеч англаб бўлмайдик, у бунинг бола эканлигини қайдан билди? Одам сиёқи демаса, у ўз болаларининг баайни ўзгинаси. Болакай ушбу каттакон яхши итнинг бошини силамоқчи бўлиб, қўлини чўзганда, Акбаранинг аламдан ўртанган юраги патираб кетди. У болакай олдига келиб, унинг юзини ялади. Кичкина унинг эркалашидан хурсанд бўлиб, қиқир-қиқир кулди-да, бўрининг бўйнидан қучди. Ана шунда Акбара тамомила ийиб кетди, бола оёғи тагида чўзилди, у билан ўйнаша бошлади — уни жудаям эмдиргиси келди, лекин болакай эмиш ўрнига унинг устига миниб олди. Кейин сакраб тушиб орқасидан эргаштириб чақиришга тушди: «Юр! Юр!» деб қиқирарди у қиқирлаб маза қилиб кулганча. Аммо Акбаранинг нари қадам ташлашга юраги бетламас, у ёқда одамлар бор эди. Бўри ўрнидан қимирламай маъюс кўзлари билан болага термулиб ётарди, шунда бола яна орқасига қайтиб, унинг бошини силаб-силаб қўйди, Акбара эса





гунг фарёд кўтариб ўзидан-ўзи чайқала бошлади. Акбара ҳали тирик эди. Унинг ёнгинасида кўкрагини ўқ тешиб ўтган бола ўлиб ётарди...

Гунг эди дунё, гунгсираб ётарди. Дунё ғойиб бўлди, унинг ўрнида фақат олов вошиллаган зулумот қолди. Бўстон кўзларига ишонмай букчайди ва ердан қонга беланган ўғлини кўтарди ва бағрига босганча орқасига тисарилди, шунда у нима учун жон бераётган бўрининг кўзлари кўк эканлигига ажабланди. Сўнг орқасига ўгирилиб, ғам-аламдан тилини йўқотиб, ҳаллослаб келаётган хотинларга қараб юрди.

Назарида хотинининг бўйи осмон қадар чўзилиб кетгандай туюлди. Мана, унга томон бўйи кўкка қадар чўзилган, ҳайҳотдай юзи онтарилган, ҳайҳотдай кўллари буралиб унга узалган хотин чўзила келмоқда.

Бўстон ўзи ўлдириб қўйган кичкинтойни қучоғига босганча худди кўзи кўр бўлгандай қадам ташларди. Унинг орқасидан нола кўтариб, уввос солиб, Гулимхон судралар, унинг қўлтиғидан вой-войлаган Асилгул тутган эди.

Аламдан қар бўлиб қолган Бўстон ҳеч нарсани эшитмади. Лекин бирдан худди қудратли шаршара юксакдан отилиб тушгандай қулоғи шанғиллаб очилди ва дунё шовқинга тўлди, у нима бўлаётганлигини тушунди ва кўзларини осмонга тикиб, даҳшат билан бақирди:

— Нимага, нимага ахир менга бу жазо?

Уйда у кичкинанинг жасадини кўчишга тайёрлаб қўйилган каравотчасига ётқизди. Шунда Гулимхон жасад пойига тиз чўкди ва худди Акбара тунлари ув тортгани каби увиллай бошлади... Унинг ёнига, ерга Асилгул чўкди...

Бўстон эса милтиғини кўтариб уйдан чиқди. У худди жанга бораётгандай бир даста ўқни милтиғига жойлади, бир дастасини чўнтагига солди. Сўнг Дўнкўликка эгар урди ва отига сакраб минди. На хотини ва на Асилгулга бир сўз демай уйдан чиқди...

Қўрадан пича нари боргач, Дўнкўликнинг бошини қўйиб берди. Олтин тусли саман от Таман қишлови томон учиб кетди. Бу йўлдан у қиш чиққанда ўтган эди.

У истаб борган одам жойида экан, акс ҳолда ернинг тагидан бўлса ҳам, уни топар эди.

Уша куни Бозорбой Нўйғутовнинг ҳовлисида ҳам машинага юк ортишмоқда — кўч-кўронни ёзлик яйловларга жўнатишмоқда эди. Ўз юмушлари билан овора бўлган одамлар қўра орқасидан Бўстон келгани, отдан тушиб, милтиғини қайта ўқлагани, сўнг яна елкасига осиб олганини пайқашмади.

Машинага юк ортилаётган жойга келгандагина, унга кўзлари тушди. Бозорбой машина тепасидан сакраб тушиб, унга бақрайиб қаради.

— Нима дейсан? — деди у Бўстоннинг ёниб битган ғўладай қорайган юзига тикилиб, энсасини қарт-қарт қаширкан. — Нима қилиб юрибсан? Нега бундай қараяпсан? — саросимага тушди у ёмон бир нарсани сезиб. — Яна бўри деб келдингми? Бошқа ишинг йўқми? Мендан сўрашган эди, ёзиб бердим, шу.

— Тупурдим ёзганингга, — қаҳр билан деди Бўстон унга ўқдай нигоҳини қадаганча. — Ишим йўқ. Сен ёруғ дунёда яшашга нолойиқсан. Сенга шуни айтмоқчиман. Етар энди!

Бозорбой ҳатто ўзини тўсиб улгурмади. Бўстон милтиқни унга тўғрилаб, мўлжалга ҳам олиб ўтирмай тепкини босди. Бозорбой чайқалиб кетди, юк машинасининг орқасига яширинмоқчи бўлди, лекин иккинчи ўқ унинг нақ елкасига тегди, Бозорбой уч марта тўнтарилиб, сўнг боши кузовга урилди, ерпарчин бўлиб қулади ва титроқ панжалари билан қора ерни тирнади. Ҳаммаси шунчалар тез рўй бердики, олдинига ҳеч ким ўридан қимир этмади. Ниҳоят, шўрлик Кўк Турсун дод солиб ўзини эрининг устига ташлади. Ана шундагина ҳамма қий-чув қилиб отилган кишининг тепасига баравар ёпирилдилар.

— Қимирламанлар! — баланд овоз билан деди Бўстон атрофга аланглаб. — Ҳеч ким жойидан қимирламасин! — иддао қилди ҳар бирига милтиқни бир-бир тўғрилаб. — Керакли жойга ўзим бораман. Шунинг учун ҳеч ким ўридан қимирламасин! Акс ҳолда ўқим етарли! — У чўнтагига уриб қўйди.

Ҳамма яшин ургандай таққа тўхтади, ҳеч ким нима гаплигини тушунмас,

нима дейишни билмас, тили калимага келмас эди. Елғиз бечора Кўк Турсунгина эрининг жасади тепасида йиғлаб-сиқтарди:

— Билардим итдай ўлиб кетишингни, итдан фарқинг йўқ эди! Ўлдир, мени ҳам ўлдир, қотил! — паррихта, шўрида Кўк Турсун ўзини Бўстонга отди. — Мени ҳам итдай ўлдир. Кўзим ёруғ дунёни кўрмади ҳеч, нимага керак менга бундай ҳаёт! — У яна нималарнидир бақириб айтишга уринди: — Бозорбойга айтдим, бўри болаларига тегма, дедим. Яхшиликка олиб бормайди, дедим. Лекин баттол қулоқ солмади, ҳатто бўри болаларини ҳам сотиб ичди.

Кейин икки чўпон унинг оғзини юмиб, нарига олиб кетишди.

Шунда Бўстон атрофда каловланиб турганларга қаҳрли нигоҳ югуртиб, овозини кўтармай, лекин кескин қилиб деди:

— Бас, ўзим керак ерга бораман, ўзим ҳаммасини айтаман. Ҳа, ўзим айтаман! Сизлар бу ердан қимирламанглар. Эшитдингларми?

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳамма бўлган ишдан анг-танг эди. Одамларнинг чехраларига бир-бир қараркан, Бўстон шу дақиқадан эътиборан ўзининг аллақандай чизиқдан ўтганлиги ва ўзини бошқалардан ажратганлигини англаб етди: шу дақиқагача унинг атрофини яқин одамлар қуршаган, улар билан биргаликда ойлар, йиллар ёнма-ён нафас олган, ризқ-рўз топаман деб уринган, кун кечирган эди. Уларнинг ҳар бирини у билар, улар ҳам уни яхши билишар, ҳар бирлари билан муомала қилган, лекин мана энди улар бутунлай бегонасираб қарашарди, мана энди улардан мутлақо айрилди, улар билан ҳаётини боғлаган иплар бари узилди, ўртада энди гўё ҳеч нарса ва ҳеч вақо қолмади, гўё у ўлиб тирилгандай эди ва шунинг учун уларга янада кўрқинчлидай туюларди. У шуларни тушунди.

Бўстон отини етаклаб кетди. У орқасига қайрилиб қарамас, кўл томонга, ўзи жавоб берадиган томонга йўл олганди. Унинг боши қуйи солинган, орқасидан бироз оқсоқланиб, жилов-жабдуқлари ширқиллаб вафодор Дўнкўлик одимларди.

Ҳаёт шоми бошланган эди...

— Мана, дунё ҳам охир бўлди, — ўз-ўзига деди Бўстон ва шунда унга бир даҳшатли ҳақиқат очилди: шу дамгача бор ёруғ дунё унинг ўзида жамланган экан, мана энди шу дунё битди. У осмон эди, у ер эди, у тоғлар эди, борлиқ тирикликнинг буюк онаси бўри Акбара эди, Ола Мўнгу музликларида абадиян қолиб кетган Эрناзар эди, пушти камаридан бўлган охирги бир парча эт, ўз кўли билан отган Кенжаш эди, лаънатланган ва ўлдирилган Бозорбой эди ва то шу тобгача нима кўрган, бошидан нимаики кечирган бўлса — буларнинг бари унинг ўз жаҳони эди, у учун яшарди, уни деб яшарди, мана энди, гарчи булар ҳаммаси азалдан қандай бўлса, худди шундай яна боқий қолаверади, лекин фақат энди булар ичида у бўлмайди — у энди бутунлай ўзга олам бўлади, унинг дўнмас, қайталанмас дунёси эса энди йўқолди ва у ҳеч қачон, ҳеч кимда такрорланмагай. У буюк ҳалокатига етиб келди, унинг учун дунё охир бўлди.

Кўл бўйига элтадиган кимсасиз дала йўлида Бўстон бирдан шаҳд билан орқасига ўгирилди, отининг бўйнидан қучоқлаб осилди ва алам билан хўнграб йиғлаб юборди.

— У, Дўнкўлик, нима қилиб қўйганимни фақат сен тушунасан! — деб ўкириб йиғларди у бутун жуссаси силкиниб. — Мен нима қилай? Уғлимни ўз қўлим билан ўлдирдим, уни ерга қўймай кетяпман, севган аёлим ҳам елғиз қолди.


Кейин чилвирни ўради, жиловни Дўнкўликнинг бўйнига тугди, узангилар отнинг биқинини уриб ташламасин деб, эгарнинг қошига маҳкамлади.

— Бор, бор, уйга бор, жонивор, майли, қайга десанг, ўша ерга бор! — видолашди у Дўнкўлик билан. — Энди бошқа дийдор кўришмоқ йўқ!

Отнинг сағрима қафти билан урди, уни ҳайдади, от бўшаганига таажжуби ортиб, қўра томон юриб кетди.

Бўстон йўлга тушди...

Иссиқкўлнинг мовий ошиёнаси дам сайин яқинларди, худди мана шу дам ғойиб бўлиб ва дам яна ўз бағридан ўзи қайта яралиб, дўнгалакланиб чопаётган тўлқинлар каби кўл бағрида бадар йўқ бўлиб кетсам дерди — асло яшаб-яшагиси келмасди...



Эркин Самандар

## ЮРАҚДАН ЮРАҚКА

\* \* \*

Тун соб бўлди. Зулматни қувиб,  
Субҳидам еллари елиб келмоқда.  
Булоқларда юзини ювиб,  
Тонгнинг ўзи кулиб келмоқда.

Шуъла энди уйларга кирар,  
Ёритади бурчак-бурчакни.

Шуъла энди ўйларга кирар,  
Қуёшга тенглайди юракни.

Тонг оттирдим мен-ку сизни деб,  
Тонг келтирди сизни кўзимга.  
Тонг шунақа, сахийлиги кўп,  
Ёмонлиги йўқдир ҳеч кимга.

## Темирқозиқ боғи

Адашдик шекилли, бу ўша боғмас,  
Қани раънолари, бинафшалари?  
Нега оққан дарё қайтадан оқмас,  
Айланиб турар-ку қадим ер шарии?

Бу ерда янтоқдан йўқ ўзга вақо,  
Нима бор бу ерда юлғундан бўлак?  
Орзу чечагига наҳот йўқ бақо,  
Наҳот дунё ҳиссиз, эссиз чархпалак?

Насавий қалами кун каби ҳақдир,  
Темирқозиқ боғин жаннат атамиш.  
Ҳурганч бўйнидаги нодир жавоҳир,  
Турону Ажамга зийнат атамиш.

Бунда Жалолиддин берганда гурунг,  
Дунёни жам этган шоҳона чодир.  
Унинг қаршисида учириб ҳушин,  
Отидай чўчиган Чингиз жаҳонгир.

Адашдик шекилли, бу ўша боғмас,  
Қани таровати, олий шукуҳи?  
Қайрилиб кетарда гўё берди сас  
Ненингдир шарпаси, не хилқат руҳи!

Сўнг булбул сайради кўп ошуфтаҳол,  
Вожаб, не қилсин булбул юлғунда!  
Булбулнинг ошени гулзор-ку азал  
Ёқутлаб ғунчалар не қилсин бунда!

Аммо сайрайверди булбул бетиним,  
Пинҳон гулларни у кўрмоқда гўё.  
Қушчаки, шу жойда топибди кўним,  
Аҳли одамзодда кўним йўқ аммо.

Мен сажда қиламан сенга, булбулжон,  
Жон садқа минг йилни кўрган ёшинга.  
Бунда сайраб турсанг, бир куни инсон  
Ўз изин сўроқлаб келар қошинга.

## Бадркент отлари

Йўл олдим Бадркент қалъаси томон,  
Евмутнинг доврўкли кўрғони шу-да.  
Жунаид тахт қуриб бунда бир замон,  
Тошин афзал кўрди юмшоқ парқудан.

У маҳал саҳродан еллар уфуриб,  
Муаттар буйларин олиб келгандир.  
Тунларни уйғотиб отлар дупури,  
Ботирлар жанглардан толиб келгандир.

Тезроқ етсам дейман, дилда орзиқиш,  
Бир-бир қолиб борар орқада кентлар.  
Машина дамани қайтаради қиш,  
Газик ҳорғин отдек сўниқиб кетар.

Мана ўша қалъа — кўҳна Бадркент,  
Ҳамон йўқотмаган салобатини,  
Зоғлар ўзларига айламишлар юрт  
Қадимий Бадркент харобатини.

Ўтиб борай десам тўрт томони кўл,  
Мисли қоровулдек тўрт томон қамиш.  
Жунаид ўтарга қолдирмайин йўл,  
Қалъани ўлимдан сақлаган эмиш.

Мен уни кузатсам кўринди дорлар,  
Тупроғи аҳмарга ўхшаб кўринди.  
Тонг қотиб чўққайган пахса деворлар,  
Ухлаган лашкарга ўхшаб кўринди.

Шу пайт қамишларга улашиб шамол,  
Музларни босқилаб бир тўп от келди.  
(Колхознинг отлари бўлса эҳтимол.)  
Ўлик деворларга худ ҳаёт келди.

Энтикиб сув ича бошлади отлар,  
Лашкар кўзин очиб гувранди гўё.  
Отларга минмоқчи эдилар шартта,  
Жойидан жилолмай қолдилар аммо.

Қалъага қаранди отлар бир нафас,  
Сўнг аста кетдилар қайда деб қишлоқ.  
Совқотдик, исиниб олмасак бўлмас,  
Дўстим Абдукарим, кумда гулхан ёқ!

## Эски устун

Мисли дарё — қадимий йўллар,  
Мозийдан бот оқиб келишди.  
Эски йўлдан археологлар  
Кеча устун топиб олишди.

Балки шаҳар бўлган йўл ўрни,  
На узоқда, на четда бўлган.  
Балки устун безаган йўлни,  
Балки устун мачитда бўлган.

Безагандир саройни балки,  
Кўнгилларни хушлаб тургандир.  
Елкасида тутиб зил юкни,  
Бир қасрни ушлаб тургандир.

Ёзу қишлар ўтгани сайин  
Балки устун қарий бошлаган.  
Уйни йиқиб балки хўжайин  
Йўл устига уни ташлаган.

Ҳали нақши тирикдир унинг,  
Йўқотмаган ҳали жилони.  
Эҳтимол, у, битта мўминнинг  
Йўлга ташлаб кетган имони.

Балки жами мўминларники...

## Юракка йўл

Галинг деб ҳам айтмийман,  
Галманг деб ҳам айтмийман.  
Халқ қўшиғидан.

Сиз ана шунақа. Куйдирасиз-да,  
Турфа ўйинларни ўйлаб топасиз.  
Васлингиз кўрсатиб суйдирасиз-да,  
На йўлни очасиз, на-да ёпасиз.

Энди йўл қураман ўзим сиз томон,  
Тамомий йўллардан бўлакча бўлур.  
Ингичка бир сўқмоқ кўзлардан пинҳон,  
У тўғри юракдан юракка бўлур.

Кундуз қуёш унга шуъла сочади,  
Тун кўнса ўртада севги ўзи шам.  
Қалбим қалбингизга эшик очади,  
Галинг деб айтсангиз,  
Айтмасангиз ҳам.

## Истар



Вафосизлар аро кўнглим вафо истар, вафо истар,  
Вафосизлар еру кўкка жафо истар, жафо истар.

Жафолардан безиб кўнглим бўрон истайди денгиздек,  
Бўронда гулдиракли бир садо истар, садо истар.

Хаёлим мисли бир қушдек учар гуллар аро хомуш,  
Тополмас ахтариб баргда ибо истар, ибо истар.

Менинг кўнглим зиёга ташнадир сувсиз замин янглиғ,  
Зиё ичра абад сўнмас зиё истар, зиё истар.

Кел, эй оташнафас ҳофиз, дилим оғриқларин олгил,  
Самандар ўтли созингдан шифо истар, шифо истар.



Абдусаттор Ҳатамов

## ҚАЙТИШ

### Ҳикоя

«Нега чақирдийкин? Ҳисоботни-ку, топширгандим. Э-э-э, ҳозир тўй пайти-ю, бирортасига яллаци керакдир-да. Ундай десам бошлиқ бунақа гапларни телефонда айтарди. Ёки тунов куни кечаси бировнинг олхўрисининг ортиқча шохини арралаб қочганимдан хабар топдимми? Уй эгаси қувлаб етолмади, кимлигимни ҳам билмади. Билиб қолган тақдирда ҳам бунинг учун жавобгарликка тортишмас. Э-э-э, одамлар барибир билишмайди бу ишнинг гаштини...

Ҳа, ўшанда қизиқ бўлганди. Район маданият бўлимининг бошлиғи телефонда: «Ўв, Қурбонбой, эртага сизга юқоридан комиссия боради, дарров бозордан мева-чева олиб чиқиб, дастурхон безатинг», деди. Аччиғим чиқди: Бу нарсаларга пулни қаердан оламан. Илик узилди пайти бўлса» десам: «Интересний экансиз-да, шуни ҳам ўргатишим керакми», дейди. Чакагим очилиб кетди. «Мен интереснийманми, йўқми, билмадим-у, лекин чўнтагимда бугунги йўлқирадан бошқа пул йўқ», дедим. Тўғри-да, маошхўр одам бўлсам, жўжабирдай оилам бор»...

Қурбон эски велосипедининг педалини ғийқ-ғийқ этказиб айлантириб бораркан, шуларни ўйлади. Занжир қисиб қолмаслиги учун шимининг ўнг почасини тиззасигача шимарган, рулга мушукдек ёпишиб олган. Кўзлари ости доим салқиб турадиган бу одамга атрофдагилар сира ажабланиб қарашмайди. У ҳар куни шу йўлдан бир вақтда ишга қатнайди. Танишлари — у ёшми, қарими — учраб қолса, «хўп-па» деб эгардан тушиб, икки қўллаб кўришади, ҳазиллашиб ҳам қўяди. Ўзига нотаниш, лекин бирор ёрдамга муҳтож одам йўлиқса ҳам ҳол-аҳвол сўрашмай ўтмайди. Дейлик, рўпарадан келаётган нотанишнинг юзида нўхотдек ярани кўриб қолди. Қўл узатиб кўришаркан, унга диққат билан қараб туради-да, пешонасини бужмайтириб «Ие, нима бўлди?», деб сўрайди. Эшитгач «Но-о-о!» дейди. Кейин шимининг ён чўнтагидан ручка ва қоғозни олиб, ярага қўйиладиган дори номини, қанақа қилиб суртишни, бу дорини қаердан топиши мумкинлигини ёзиб беради-да, «хўп-па» деб велосипедига миниб, яна йўлида давом этади. Бояги киши бу қизиқ одамнинг ортидан анграйиб қолаверади.

Бошлиқ яқка ўзи экан. Хўмрайиб, «келинг», деди.

— Чақиртирган экансиз, шунга... — Қурбон эшик ёнидаги юмшоқ стулга омонатгина чўкди.

У ўрнидан турди, шахмат нусха яшил палосни оғир-оғир босиб, наридан бери юрди. Идорада кўп ўтирадиган одамларда бўладиган рангпар юзида истехзо пайдо бўлди.

— Ишингиз жа тиғизми, Қурбон Маъмурович?

Қурбон ҳамон қўлларини чўнтақларига тиқиб, юришда давом этаётган бошлиқни секин ер сузиб кузатарди. У бунақа «вич-вич»ларга ўрганмаган. Ишхонасида «Қурбон ака» деб чақиршади.

— Нима, у-бу топшириқ борми?

— Сиз аввал менинг саволимга жавоб беринг.

— Ҳарҳолда етарли, — унинг овозида бир оз дадиллик ва ҳатто ғурур сезилди.

Бошлиқ Қурбоннинг рўпарасига келганда юришдан тўхтаб бошини сарак-сарак қилди.

— Сиз ҳозир Валентина Викторовнага бориб келинг-чи.  
— Ким у? — Қурбон туриб камаридан ушлади-да, шимини кўтариб қўйди.  
— Ун йилдан бери эшиги тагидан ўтасиз-а! Уят-э! Наҳотки тепасидаги ёзувга кўзингиз тушмаган?

— Йў-ўқ...

— Қани юринг-чи.

Бошлиқ калта оёқларини тез-тез босиб хонасидан чиқди. Ортидан узун қўлларини шалвиратиб Қурбон эргашди. Улар ним қоронғи, зах ҳиди келиб турган йўлакнинг қуйи томонига юриб, «Сартарошхона» деб ёзилган эшик олдида тўхташди.

— Танишниб қўйинг, Валентина Викторовна шу одам бўладилар, — бошлиқ қўғирчоқларникидек киприк қўндирган, оппоқ халатли аёлни кўрсатди. — Сизни бир пардоз қилиб қўйсинлар, кейин ҳузуримга чиқарсиз.

— Э-э-э, бу Валя-ку, — хижолат бўлиш ўрнига кўзлари ёниб кетди Қурбоннинг.

— Ахборотингиз учун у Валя эмас, Валентина Викторовна. Кўриб турганингиздек кап-катта аёл. Икки боласиям бор.

Қурбоннинг юзида илиқ, оппоқ пуфакчалар пайдо бўлди. Устара қирт-қирт ишлаш бошлади. Дунёда аёл кишининг момикдек қўллари ҳам борлиги, бу қўллар эркак танасига ором бахш этиши мумкинлигини кўп вақтдан бери энди сездди. Роса бир ярим ҳафта устара тегмаган дағал юзлари силанаётганда кўзларини юмиб олганча ҳузурланар, ширин хаёллarga бериларди.

Тепаликни текислатиб эккан дарахтлари уч йилдан кейин шиғил ҳосилга киради. Ҳаммаёқда дув-дув гап бўлади. Бу гап район раҳбарлари қулоғига бориб етади. Бир кўрайлик, дейишади. Бориб, роса хурсанд бўлишади...

— Марҳамат, бўлдим.

Қурбон сартарош аёлининг юзига секингина шапиллатиб урганидан ўзига келди.

— Но-о-о! — деди Қурбон ўрnidан тураркан. — Бошқача бўлиб кетибмиз-ку. Доим яшариб юринг-э! — У рўпарасидаги кўзгуга қараб, сийрак сочларини таради-да, стол устига бир сўм ташлаб ташқарига чиқди.

— Бу бошқа гап, — деди бошлиқ заҳарханда жилмайиб. — Арчилган тухумдек силлақ бўлипсиз. Энди кезза этик кийволиб кўчат улашни, гўнг ташишни йиғиштиринг. Ахир сиз кимсиз? Райондаги яккаю ягона маданият саройининг директорисиз-а!

— Пешонамга «директор» деб ёзиб қўйилмаган. Ишдан ташқари пайтда ихтиёр ўзимда.

— Обрўйингизни сақланг. Дуч келган далага, тепага бориб, юмронқозикдек ер қазиб, кўчат экаверманг. Ҳалиги аҳволингизни қаранг. Ҳеч ким сизни бу дунёнинг одами демасди. Кейин бир амаллаб янги костюм-шим сотиб олинг. Пулингиз йўқ бўлса қарз берай.

— Бор, — Қурбон таглиги кўчаётган туфлиси учига қаради.

— Бўлмаса, қаттиқ огоҳлантириб қўяман: агар яна шунақа юрганингизни кўрсам...

Қурбон энди бошлиққа тик қаради.

— ... Унда мандан хафа бўлманг, ҳужжатингизга ҳеч қаерга ишга олмайдиган қилиб ёзиб бераман.

Велосипед педали ёғсираб ғичиллайди. Қурбон хаёл суради.

У ҳам кўпчиликка ўхшаб ўз ишига жон-танини бермоқчийди. Ҳашаматли бино, турли тўгараклар, ҳар хил одамлар. Бу ёруғ дунё ато этган талентлар билан ишлаш... Аммо интилиш бошқа экан-у, эришиш бошқа экан. Агар юрагининг тубида мақсад деган бино пойдевори омонат бўлса бир кунмас бир кун арзимас турткига ҳам қулаб тушаркан.

Бир куни унга телефон қилиб қолишди. «Ҳозир олдингизга Палончи Писмадончиев боради, яккаҳон ашулчиликка қабул қилинг.» Бир оздан кейин унинг ҳузурига тарвуздек думалоқ бошига шляпа қўндирган, пак-пакана йигит кириб келди. «Қўли қурбақага ўхшайди-я...» — у билан кўришаркан, Қурбоннинг кўнглига шу гап келди. Нафақат қўли, балки овози ҳам қурбақаникига ўхшар экан. Ашула айттириб кўрувди, худди ўзи.

Эртасига бошлиққа қўнғироқ қилди: «Юборган одамингиз яккаҳонликка ярамайди. Майли десангиз хорда қўшилиб юраверсин.» Бошлиқ кўнмади. Роса чўқишиб олишди. Шу куниёқ кабинетига чақириб «Ишлайман десангиз менинг гапим икки бўлмасин. Акс ҳолда патангизни қўлингизга тутқазаман», деди. «Ўжар одам-а, тўғри сўз учун бошингдан совуқ сув қуймоқчи-я. Йў-ў-ўқ, бўлмайди. Юборган одами яккаҳонликка ярамайди. Бу бир бочка асалга пашша ташлаш билан баравар...»

Шундан кейин бошлиқ билан Қурбоннинг орасидан ола мушук ўтиб қолди. Энди бошлиқ уни райондаги йиғилишларда тез-тез «турткилаб» тураркан, «шундай жойга доғ тушурмай кўчатчилигингизни қилсангизчи» дейдиган, ҳатто кесатиб «вич-вич»ни қўшиб айтадиган бўлди. Қурбоннинг кўнгли совиб, амаллаб кунни кеч қилар, ишдан сўнг дала ҳовлисига қилиб кетарди. Бу ерда мазза, дарахтлар дарёдай шовуллайди, гиламдек чим устида ётиб, осмонга қарасанг олис-олисларда жимирлаган нуқталар кўринади. «Қанийди ўша нуқталарга айланиб қолсанг. Сеңинг ишинг томоша қилиш бўларди, холос. Йў-ў-ўқ, унда кўчатларни ким улайди? Ким дарахт кўкартиради?...»

Баҳорда дунёда Қурбондан қувноқ одам бўлмайди. Идорасига уни сўраб келувчиларнинг сон-саноғи йўқ. Булар ўриқка кўксултон улаб беринг, олчага гилос пайванд қилиб беринг, дейдиганлардан. Қурбонга илтимослар хуш ёқади. Илтимосчининг уйи яқин бўлса иш пайтида, узоқроқ бўлса ишдан кейин боради. Чўнтагидан қаламтарошини чиқариб, ўзи олиб келган новдасини иштиёқ билан улайди, устидан лой суркайди. Кейин атрофга аланглаб, бошқа дарахтларга бир-бир қараб чиқади. Уй эгаси индамаса ҳам бачки-шоҳларини қирқади. «Хизмат ҳақингиз, — дейди илтимосчи пул узатиб, — етадимми?» Қурбоннинг кўзлари ола-кула бўлиб кетади. «Но-о-о, — дейди чўзиб, — савоб иш пуллик бўлишини сизга ким айтди?»

Велосипеднинг ёғсираган педали ғийқиллаб айланади. Яна бошлиқ чақиртирибди. Нима гапи бор экан? Кўчат экиладиган чуқурчаларга гўнг ташиётганини кўриб қолдимикан? Ёки «Бутун бошли маданият саройининг директори бўлатуриб атир сурмайсиз, дастўмолингиз дазмолланмаган!» демоқчимикан?

Қурбон хонани аста очиб, бош суққан эди, бошлиқнинг «кираверинг» деган овозини эшитди-ю, юраги шиф этиб кетди. «Кесатяпти. Ҳозир бегона хонага киришдан олдин тақиллатиш керак. Наҳотки, Маданият институтини битирган бўлсангиз ҳам шуни билмайсиз?» — дейди. Бўлар иш бўлганди, кирди. Бошлиқ ҳеч қилмаган ишни қилди — ўтиришга рўпарасидаги стулни кўрсатди.

— Ҳозир бизнинг ҳовлига борсангиз, — деди илжайганича. — Олмага нок улаб борсангиз.

Қурбоннинг юзига қон тепди, эгик қаддини стул суянчигига тақади.

— Олмангиз неча ёшда?

— Э, ёшини қайдан билай. Утқазганимга беш-олти йил бўлиб қолдиёв. Қурғур эшак олма экан.

Қурбон дўнг пешонасини бужмайтирди.

— Но-о-о, бўлмайди!

Бу гапдан бошлиқнинг бир жаҳли чиқди, бир кулгиси келди. Уз қўл остидаги одам фикрини рад этса-я! Тағин «но-о-о»сига бало борми?

— Тағин қандай дарахтингиз бор?

— Ўрик.

— Тағин?

— ...



Гапини қудуқдан сув тортгандек тортиб олинадиган одам ўз бошлиғини прокурордек сўроққа тутаяпти-я. Барибир бошлиқ уни ўзи билан уйига олиб борди. Қаламтарош Қурбоннинг қўлида илдам ишлашини, арраланган дарахт тўнкачаси устига новда қанчалик усталик билан кўндирилишини кузатди. Юрагининг бир чеккасида «рақиб»га нисбатан илиқ туйғу пайдо бўлди.

Бошлиқниқидан қайтиб уйқуга ётган Қурбон туш кўрди. Узи ишлайдиган маданият саройида ўта концерт бўлаётганмиш. Хор қатнашчилари унга қараб нуқул «Сен қотилсан, эй инсон, талантларни сўндирдинг беомон», деб ашула айтаётганмиш. Эрталаб кўзини очиб қараганича туши тафсилотини ўйлаб ётди. Ростдан ҳам қотилми? Нега? Ахир у одам ўлдиргани йўқ, қинғир йўлга юргани йўқ. Фақат касбига қизиқиши йўқолган, холос. Бунинг учун уни суд қилишмас.

Велосипеднинг педали ғийқиллаб айланади. Педални босаётган шляпали кишининг химарилган шими пастадаги қоп-қора оёқлари туклари совуғда жунжиккандек тиккатика. Юрагида нохуш туйғу: «Агар ишдан ўшанда кўнгли совуганида, бўшаб кетганида бунақа туш кўрмасди. Бири Тўйчи Ҳофиз, бири Ҳалимаҳон, боринги, бошқаси Учқун Ғаниевдек ўйинчи бўлишни истаганлар умрига заволлик қилмасди...»

Қурбон бошлиқни хонасидан топмади. Хурсанд бўлиб кетди. Бўшаш ҳақидаги ғижим-ғижим аризани стол устига қўйди-да, тез-тез юриб кўчага чиқди. Бир қўлоғи ғиштин пойдеворга тираб қўйилган велосипедини олиб, сал етаклагач «хўп-па» деб сакраб миниб олди. Кетди.





Исмоил Маҳмуд

## ОНА ТУПРОҚ ТАФТИ

\* \* \*

Қуёш, ҳузурингда қолиб кетдим мен,  
Танам қоврилмади, оқмади кўзим.  
Парча-парча бўлиб кетмади вужуд,  
Зарра-зарра бўлиб кетмади сўзим.

Қуёш, ҳузурингда қолиб кетдим мен,  
Гўдак тасаввурлар, шубҳадан холи.

Ўзлигимни такрор-такрор ҳис этдим,  
Ўзлигимни билдим — шу менга толе.

Қуёш, ҳузурингда қолиб кетдим мен,  
Юрагим тўлишди, қайтадан ёндим.  
Рухни улуғловчи кучли туғённинг  
Шууридан, ҳайҳот, қайта уйғондим!..

### Болалик

Тўйнинг эгаси ким; танишми, ётми?  
Фарқи йўқ уларга — эл-юртнинг тўйи.  
Ошпаз сезгир бўлса, болаларга деб,  
Бир қапгир ош бериш бўлади ўйи.

Азада-чи, улар гўё улғайиб  
Қолгандай бир четда турар сукутда.  
Вафот этган киму ёши неччида —  
Билишар. Оғир бир жудолик юртда.

Улоқми ё кураш майдонларида  
Ёвқур чавандоздир, улар, улоқсиз.  
Болалик қалбидан отилиб чиққан  
Даъват, ғолибларга муқофот, шаксиз.

Бу-маъсум ёруғлик, шаффоф ойдинлик  
Ҳамон улоқларда, тўйларда ҳамон.  
Азаларда, кураш майдонларида  
Катталарга мадад улар ёнма-ён...

## Лутф

Укам Шукуралига

Дадангиз, Зокиржон-мўйлов тилидан  
Бир сўз тушмас эди беминнат доим.  
Сўрашиб қолса у бир лутф билан:  
«Кам бўлмасин», дерди чертиб, мулойим.

Иккинчи исми ҳам «Кам бўлмасин»ди.  
«Кам бўлмасин», дерди танишлари ҳам.  
«Ассалом...»ни дўстлар эсдан чиқариб,  
«Кам бўлмасин» дерди уни кўрган дам...

...Хув анови гўдак — чопкиллаб юрган,  
Дунёнинг бокира нафаси, шони.  
Унинг ҳам қонида шу сўз — югурган,  
Унинг ҳам қалбида шу сўз — имони.

Анови чақмоқ кўз, сабза мўйловли,  
Вужудидан қудрат ёғилиб турган  
Йигит юзида ҳам шу сўз қудрати,  
Унинг ҳам руҳи шу сўздан йўғрилган.

Бу халқ сўзи! Халқнинг мингдан бир сўзи,  
Олис-олислардан сизиб келган сўз.  
Қаърида уйғоқдир миллион-миллион  
Бизларга тикилган мутафаккир кўз.

Дадангиз, Зокиржон-мўйлов тилидан  
Шу сўз тушмас эди беминнат доим.  
Сўрашиб қолса у бир лутф билан  
«Кам бўлмасин», дерди чертиб, мулойим.

Нима кам бўлмасин, ким кам бўлмасин —  
Ўзига аёнди, бизга ҳам аён:  
«Тўкинчилик бўлсин, юрт обод бўлсин,  
Уй ичингиз доим бўлсин соғ-омон...» —

Дегани эдими, шунга яқинроқ,  
Аммо унда бошқа сеҳр бор эди.  
Бу сўзни Зокиржон-мўйлов айтганда,  
Олам кўзларингдан тошиб кетарди...

**Биринчи синфга бориш деган гап...**

Биринчи синфга бориш деган гап,  
Фазога учишдай масъул ва донгли.  
Билмаган бўшлиқлар, сирли ёнишлар  
Ичра ўзни илк бор ҳис қилмоқ онгли.

Биринчи синфга бориш деган гап,  
Оламни танимоқ қайта кўз очиб.  
Сабабига етмоқ: нега ой, юлдуз,  
Қуёш бизга тинмай турар нур сочиб?

Биринчи синфга бориш деган гап,  
Чўкиб бораётган оппоқ кемага  
Жон бахш этмоқликдир жонидан кечиб,  
Ўзни масъул билмоқ ҳамма-ҳаммага...

Биринчи синфга бориш деган гап,  
Қорли чўққиларга илк қадам қўймоқ.  
Сирли ўпқонлару ўтли вулқонлар  
Аро омон чиқиб ол байроқ тикмоқ.

Биринчи синфга бориш деган гап,  
Лочин дўстларини елкада тутмоқ.  
Абадий музликлар ичра қалбининг  
Тафтини машъалдай ёкиб қолдирмоқ.

Биринчи синфга бориш деган гап,  
Юракка илк бора сўзларни битмоқ.  
Бу сўзлар: Лениндир, Ватандир, Халқдир...  
Улар қаршисида мангу тиз чўкмоқ!

## Чакалакзордаги атиргул

Ўзинг билдирмасанг ўзлигингни сен,  
Қуёшга қўл бериб кўрсатмасанг бўй,  
Бу турфа дарахтлар ичра, атиргул,  
Очилиш бахтини ўйлашингни қўй.

Бу маскан — минг йиллик кўҳна ўрмондир,  
Гоҳ туман бағрида, гоҳида тутун.  
Унинг ёнғинлари, довули бордир,  
Унинг тартиблари ёввойи бутун.

Кўкка наъра тортган не-не йўлбарслар,  
Қара, неки бўлса топтаб юрибди.  
Оғзи қон бўрилар пана-панада  
Бечора оҳуни пойлаб турибди...

Қандай ўсиб қолдинг бунда, атиргул,  
Ёнингда на жамбил, на бир соз ҳамроҳ?  
Сенинг хуш исларинг бу ерга ётдир,  
Сен унган масканлар бўларди-ку боғ.

Қандай ўсиб қолдинг бунда, атиргул,  
Кўҳна илдизлардан ундингми ёки?  
Бағрида ўсганинг бу оддий тупроқ  
Не-не дарахтларнинг қуриган хоки.

Охири кўринмас чангалзор, хилват,  
Биров сув келтирмас бунга атайин.  
Мунаввар қуёшу беминнат ёмғир  
Фақат сенга қудрат бериши тайин...

Қандай ўсиб қолдинг бунда, атиргул?

Олесь Гончар — атоқли украин адиби, Украина ССР Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати. Унинг «Байроқдорлар», «Перекоп», «Тронка», «Черков», «Довул» асарлари кенг китобхоналар оммасига маълум. Гончар асарларида украин халқининг юксак маънавий фазилатлари улуғланди.

Олесь Гончар

## БОНДАРИВНА

Ҳикоя

Ёз фасли тугаши арафаси Катта Сорочида анъанавий ярмарка бошланади. Худди шу манзарани биз учун Николай Васильевич Гоголь гавдалантириб берганди. Оёғингиз остида мингларча этик босавериб, кукун қилиб юборган тупроқ, тепада эса, оломоннинг боши узра, чарақлаган август осмони! Азалдан мана шу осмон остида ярмарка шаклида вужудга келган халқ ҳаёти қайнаган, савдо-сотик ниҳоясига етган, мушталашувлар авжга минган, тижоратга боғлиқ жанжаллар бўлиб ўтган, вақтичоғлик учқуни ҳар томонга сачраган — бозорнинг мангу, пойдор вақтичоғлиги... Такасалтанг бурсаклар<sup>1</sup> Миргороднинг тешиккулча ёпучи новвой қизлари билан ҳазил-мутойиба қилишар, вертеп<sup>2</sup> беҳишт ва дўзах манзараларини кўрсатиб, халқнинг эътиборини жалб этар, озғиндан келган ёш Гоголнинг кўлида ингичкагина ҳасса, чодирлар оралаб юрар, ярмаркага хос бирор-бир манзарани кўриб, жилмаярди, эҳтимол, ўшандаёқ ўспиринликнинг тантанавор қасами: «... қисқа умримнинг бирон-бир дақиқасини ҳам эзгулик қилмасдан сарфламасликка аҳд қилдим»ни қалбида ардоқлагандир.

Аёнки, ҳозир бу ерда ҳамма нарса ўзгача манзара касб этган. На қатрон сотишади, на ярмарканинг ўртасида азал-азалдан бери кўли гул маҳаллий бочкасос-усталар ишлаб чиқарган ёғоч гардишларнинг уюминини кўрасиз, на ип йигирадиган чархни, на ҳовончани, на ёғоч бўйинчани топа оласиз, рўзгор анжомларининг кўпи ўтмиш қаърига қайтмас бўлиб кетди... Аммо Гоголнинг машҳур қаҳрамони — Хиврясиз иш битказишолмапти. Савдо майдони бўйлаб бигиз шохли, кулранг ҳўкизлар қўшилиб, юк ортилган арава аста-секин ҳаракат қилади — бунақасини бизнинг замонамизда қаердан қидириб топишдикин! — араванинг қоқ ўртасида, пичан устида маликаларга хос дабдаба билан ўтирганича Хивря писта чақади, ўзининг ёғоч аравасини қуршаб олган қора кийимли, Мефистофелникига ўхшаш эчки соқолчали ёш шайтонваччаларга зардали бақиради. Юзига упаэликни куюқ чаплаган Гоголь қаҳрамони сиймосида ярмарка аҳли Миргород халқ театрининг аристокрасини танийди (афтидан, у ўзининг бу ролини илгари ҳам ўйнаган кўринади), оломон бўлиб арава ортидан келаётган Рудой Панёк, бурсаклар ва Гоголнинг бошқа персонажлари ролларини ҳаммага таниш бўлган маҳаллий бадий ҳаваскорлик тўғараги қатнашчилари ижро этадилар. Гўё театрлаштирилган томошани тўлдириш учун бир неча нафар лўли йигитлари кўриниш беришади, улар айрим кишиларнинг наздида грим қилиб олган томоша қатнашчилари бўлиб кўринади. Йўқ, ҳақиқий, гримсиз лўлилар ва англашиладики, уларнинг на чодир, на отлари бор — бу ёққа, ярмаркага таксида келишган.

Бу ерда бозорга чиқаришга арзийдиган жамики нарса муҳайё: савдо расталари, катта сандиқлар, каппонлар, ярмарка майдонининг охирида полиз маҳсулотлари сотиладиган чайла ҳам бор — у ерда Мелитополь ва Херсон тарвузлари, Полтава далаларида етиштирилган «колхозчи аёл» навили хушбўй қовунчалар сотилади. Турлитуман сопол хурмачалар кўзни қувонтиради, улар қўраларнинг қоziқларида ва баланд лангарлар учида ялтиллаб кўзга ташланади — Опошня усталари кўлидан чиққан сопол буюмлар узоқдан кўзга ташланиб турсин учун атайлаб шундай қилинган.

<sup>1</sup> Бурсак — XVIII—XIX асрларда руҳонийлар ўқув юрти талабаси.

<sup>2</sup> Вертеп — диний ва дунёвий мазмундаги томошалар кўрсатган ўтмишдаги сайёр кўғирчоқ театри.

Күөш қиздиради, шабаданинг нафаси ўчган, ҳаво кишини ҳолдан тойдирувчи олов тафти билан лиммо-лим...

Ярмарка майдонининг шундайгина чеккасида кимнингдир похол ёпилган томини лайлак уяси безаб туради, унда бир оёғини кўтариб турган ясама лайлак кўзни қамаштирарли даражада оқариб кўринади... Уша ерда бир емакхона ҳам бор бўлиб, у мовий часпаклар, ўймакорлик ишлари билан безатилган. Емакхонага кираверишда халойиқни механик манекен — Гоголнинг яна бир персонажи кулдиради, унинг оғзига сузма солинган чучваралар ўз-ўзидан учиб киради...

Шовқин-суронли халойиқ орасига бир амаллаб суқулиб кириб оласан; ҳаял ўтмай, рўпарангдан тиниб-тинчиманган кооператорларнинг ҳаяжонга тўла даҳанаки жанги эшитилади — улар юк машинасида аллақайдан узоқ вақт ётиб қолган, шунинг учун арзонлаштирилган пиджаклар келтиришган, ҳозир уларни тахламлари билан кўзовдан туширишмоқда, афтидан, Сорочида бундай молни ҳам талаб кетишади, яъни узоқдан ҳориб-чарчаб келганлари эвазига бугун толе кулиб боқади, деб умид қилмоқда эдилар...

— Айланайлар, пиджакларингизнинг нархини билсак бўладими?

— Энг сўнгги антиқа мода... ўттизинчи йилларники!

— Вой, мунча кўп бўлмаса. Куя ҳам емапти-я!

Иш ўз йўлига, муҳими — бу ерда тортинмаслик, эмин-эркинлик, қувноқ, мунис бир инсонийлик муҳити ҳукм сурарди. Бу ярмаркада фестивалга, тантананага хос хусусиятлар, ҳар қадамда халқ зукколиги, ҳазил-мутойибаси кўзга ташланиб туради. Бу ерда замонавий ва қадимги анъаналар гоҳо бир-бири билан мўъжизавор чирмашиб кетади. Мана, ярмарка майдони ўртасида йигитларнинг довюраклигини синаш учун кема мачтасидек силлиқ ва баланд устун қаққайиб туради. Хоҳишмандлардан битта-яримтаси, кўпроқ улар колхоздан келган бақувват йигитлар бўлиб чиқадилар, калта иштони қолгунча ечиниб, гоҳо униси, гоҳо буниси ҳисобсиз мухлисларнинг рағбатлантирувчи қийқириқлари ва шовқин-сурони остида устуннинг чўққисига чикиб боришга жазм қилади: муваффақият қозонганларга соврин — гитара ё бир жуфт этик, ёки қимматбаҳо бошқа бирон нарса берилади; гоҳо иш тескарисига айланиб кетиши ҳам мумкин, агар бесунақай айиққа ўхшаб устуннинг ярмигача етиб, ҳамманинг кўзи ўнгида мағлубиятга учраганингни тан олиб, бир қоп гўштга ўхшаб пастга шувиллаб тушсанг, унда сенга анқовларнинг хохлашлари ва аёвсиз масхаралашларигина насиб этади. Бунда кулги ва хохолаш, нарёқда эса радиокарнай молларнинг сифатини келтириб мақтайди (бояги пиджакларни эмасмикин?), ярмарканинг қарама-қарши қутбидан, мажнунтолларнинг шохлари остидан кўшиқ эшитилади... Ҳа, ҳа, ҳам тижорат, ҳам истеъдодлар кўриги, ҳам спорт мусобақалари — бунда жамики нарса маиший ҳаётнинг қувноқ манзараси билан чирмашиб, кўшилиб кетади.

Ярмарка фақат савдо-сотик, ҳазил-мутойиба ва кўнгил очиш дегани эмас. Бунда сиз жиддий гапларни ҳам, масалан, мелиораторлар шаънига айтилган дақкиларни ҳам эшитишингиз мумкин — агар шу чоғда уларнинг ўзлари бу ерда бўлганларидами, балки очикчасига айтилган танқид бирор наф келтирарди. Танқиднинг моҳияти шундан иборатки, қудратли техника билан қуролланган мелиораторлар кичик сув манбаларига хўжасизларча муносабатда бўлиб, уларни милтиқ сумбасидек тўппа-тўғри қилиб ташлашмоқда, ваҳоланки, кечагина у ерда ҳаётбахш дарё оқарди, эндиликда захи қочирилган қайирларда мудхиш дренаж зовурларигина аччиқ ичақдай чўзилиб ётибди... Бу халқни ташвишлантирмоқда. Баъзи колхоз раислари машина ёнида турган, кўринишдан масъул бир одамни қўрша олишган, қорини солган бу боёқчи раҳбарни чангга ботган «Волга»нинг қанотларигача сиқиб боришган.

— Мана, Хорол қайирининг захи қочирилди, шунчалик қочирилдики, одамлар сувсиз қолди... Аламли сабоқ, аммо ундан ҳеч ким зарур хулоса чиқариб олмади. Ана энди Оржица дарёсини ҳам шу кўйга солишмоқчи, кейинчалик Удайга ҳам қўл чўзишади...

— Кичик дарёлар ҳақида ғамхўрлик қилишнинг фурсати етиб келган, етиб келган! Уларни зовурга айлантириш керак эмас, аксинча, тозалаш, ўзани чуқурлаштириш, халқ хўжалиги эҳтиёжи учун бу ҳаётбахш сув йўлларини қутқазиб қолиш лозим!

Ранго-ранг шийпонлар, қодирлар, дўконлар — ярмарка осмони остида буларнинг ҳаммаси узоқ-узоқдан кўзга ташланиб туради.

Каталаклар ёнидаги манзилгоҳларда қаторлашган енгил машиналар ялтираб, кўзни қамаштиради, яна янги-янгилари етиб келади, баъзи ҳайдовчилар қаёққадир чиқмоқчи бўлишади, сигнал беришади... Ярмарка қозони гувиллайди, биқирлайди, ғовур-ғувур пасаймайди: тўғри, отлар қишнамайди, олибсотарларнинг харидорни чорловчи ҳайқириги эшитилмайди, шу ўртадан келаётган қўшиқ эса борган сайин кучаяди...

Сояда, қари толларнинг остида тахта майдонча бўлиб, унда халқ таланtlари кўшиқ санъати бобида беллашмоқдалар. Байрамларга хос кийинган Миргород районининг Остаповка қишлоғига қарашли хор гўзалликда тенги йўқ бир кўшиқни — «Бодрезакнинг эман билан дардлашуви»ни ижро этмоқдаки, бу кўшиқни ҳали пластинкага ёзиб улгуришмаган бўлса керак. Мазкур коллективдан кейин бу ўлкаларда ном қозонган Поповка қишлоғининг хори саҳнага чиқади. Хорга маҳаллий мактабнинг икки муаллими

рахбарлик қилади — малласочли, кўзлари кулиб турган, кулча юзли бу йигитлар ака-укаларга ўхшаб кетишади... Улардан бири шеър ёзади, иккинчиси эса куй басталайди. Хонандалар ўпкаларини тўлдириб нафас оладилар, бир-бирларига тетик қараб олишади ва ярмарканинг шовқини узра бугунги бахтли кунларимиз, Катта Сорочининг янги ёзмиши ҳақида ҳикоя қилувчи ғаройиб қўшиқ парвоз қила бошлайди.

Кейин саҳнага чолвор ва каштали кўйлак кийган, кўксига фронт медаллари тақиб олган, сочлари оппоқ бандурачи<sup>1</sup> чиқади. У шошилмасдан торларни тингғирлатади, хушмуомалалик билан жилмайди:

— Азизларим, сизларга нима чалиб берай? — дейди.

Ярмарка ярмарка бўляптики, қадим замонлардан бери унда қўбизчи ёки лира чалиб куйловчи санъаткор ҳам ўз хунарини кўрсатади. У кўрми, очикми, савдо ишларидан четлатилганми, барибир, одамларга маънавий озиқ улашади. У соз чалиб, ҳаммага, энг аввало, шеърят мухлисларига мурожаат қилади — маълум бўладикки, бундайлар дунёда оз эмас — ўйчан тингловчиларнинг бутун бошли оломони, кексалар ва ёшлар ярмарка майдонида халқ ҳофизини қуршаб оладилар.

1905 йилнинг декабрида бу ерда, Сорочида, деҳқонларнинг ғалаёни бўлиб ўтди, аммо бу ҳаракат қўшинлар томонидан шафқатсизларча, ёввойиларча бўғиб ташланди. Уша кезлари Полтавада яшаб турган Владимир Галактионович Короленко Катта жасорат билан кўзғолончиларни ҳимоя қилиб чиқди, улардан қонли ўч олинганини қаттиқ қоралади. Короленконинг Сорочи фожиаси ҳақидаги ғазабли, айни замонда, тўғри сўзлари ўшанда бугун Россия бўйлаб тарқалганди. Сорочи ғалаёни қатнашчиларидан бири шу қишлоқдан чиққан кўбизчи Михайло Степанович Кравченко бўлиб, ҳофизнинг шуҳрати Украина бўйлаб кундан-кунга ошиб бораётганди. Унинг ўзи Сорочи исёни ҳақида икки дума<sup>2</sup> куйлаган бўлиб, улар шу жанрдаги классик асарлар ҳисобланади (Кравченкодан бир думани рассом Сластион, иккинчисини Короленко ёзиб олган). Гарчи сорочилик ўша кўбизчи бундан кўп йиллар илгари вафот этган бўлса-да, бу билан кўбизчилар авлоди барҳам топмади, эҳтимол, шон-шуҳратга бурканган ўша Кравченконинг издошларидан бири бу ерда, тўпланган тингловчилар олдида, саҳнада бирин-кетин тарихий қўшиқлар ва думаларни ижро этмоқда.

Ярмарка узра дориломон, қалбларни ҳаяжонга солувчи қўшиқлар таралгандан-таралиб, одамлар кўз ўнгига халқ ҳаётининг янги ва янги манзаралари туғиларди. Тарихнинг барча босқичларида бу ўлка одамлари қанчадан-қанча синовларга бардош берганлигини, уларнинг чекига не-не азоб-уқубатлар тушганлигини ўйлаб кетасан киши. Бу заминда яшаганлар ҳамиша жасорат ва куч-ғайратларини намойиш қилиб келишган. Асрнинг бирон-бир буюк воқеаси Катта Сорочини четлаб ўтгани йўқ, ана шу воқеаларнинг ҳар бири уларнинг ҳаётида чуқур из қолдирган. Бу ерда Андрей Чумак сингари улўф зотлар етишиб чиқди: у ҳали ўсмирлик чоғлариданоқ Сорочидан кетиб, темир йўлчи бўлди, асримиз бошида большевиклар партияси сафига кирди. 1907 йилда, реакция даврида, ёш революционер Америкада яшашга мажбур бўлди, Пенсильвания штатида ишлади ва фақат чоризм ағдариб ташлангандан кейингина ватанига қайтиб келди. Партия Чумакни Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Узоқ Шарққа юборди, ўша ерда 1919 йилда бу метин иродали большевикни ва амурлик ўн тўрт комиссарни япон истилочилари қатл қилди. Бу ерда ана шундай буюк тақдирли инсонлар ҳаёти шаклланган, бу ерда ана шундай сиймолар етишиб чиққан! Сорочи ёшлари учун ана шундай тоифадаги характерлар ҳаётбахш анъана, фахр, маънавий ўрнатма бўлиб қолмадимми?

Инқилоб ҳақида, Ленин ҳақида Сорочига биринчи бўлиб хабар келтирган киши кулранг шинель кийган большевик Бондаренко эди. Орада йигирма йилдан сал зиёдроқ вақт ўтгач, гўё у ўзининг фамилиядошидан анъанани қабул қилиб олгандек, Сорочи тарихи саҳнасида ажойиб аёл — Ольга Антоновна Бондаренко, бу ердагилар талаффуз қилганларидек, янги Бондаривна пайдо бўлди.

Украин фольклорига Бондаривна — бочкасознинг қизи (дарвоқе, Бондаренко фамилияси Сорочида анча кенг тарқалган) ҳақида қўшиқ-ривоятлар вужудга келган. Яшнаб турган бу қўшиқ чамбарида бош қаҳрамон сифатида чиройли қиз тилга олинади. Помешчик пан Каньовский кўпдан бери қизни домига илинтирмоқчи экан, аммо унинг сурбетлиги учун мағрур қиз халқнинг кўзи олдида помешчикнинг юзига шапалоқ тортиб юборади:

**Оҳ, пан, пан Каньовский  
Ярамас ўпишишга.  
Фақат пан Каньовский  
Ярар ечинтиришга!**

Бондаривнадан шафқатсиз ўч оладилар, панларнинг думи — гайдуқлар уни

<sup>1</sup> Бандура — кўп торли украин халқ чолғу асбоби; бандурачи — шу чолғу асбобини чалувчи созанда.

<sup>2</sup> Дума — украин халқ эпоси жанрларидан бири.

ушлашиб, қийнайдилар, мажруҳ этадилар, уни бўйсундирмоқчи, таҳқирламоқчи бўлишади, аммо қиз охиригача қаршилиқ кўрсатади.

**Уша Бондаривнанинг  
Сочида ол попуқлар.  
Қонли дарёлар оша  
Қаёққа элти улар!**

Бондаривна пан чўрисига айланиб қолмайди, унинг эрксеварлиги, кадр-қимматини замонлар ўтиши билан халқ ўзининг сеvimли қаҳрамон қизи ҳақидаги кўшиққа айлантиради.

Мана, асрлар синовига бардош бериб, бизнинг электрон давримизгача етиб келган Бондаривна ҳақидаги кўшиқ яна халқ тўла майдонда, шу кунгача мовийлигини сақлаб қолган осмон остида янграй бошлади. Одамлар кўшиқни диққат билан тинглайдилар, ҳаёлга бериладилар, кўплар эса ҳов анави ёққа, ярмарка ортидаги йўл ёқасида юксалган деҳқон аёлининг бронза ҳайкалига қарайди — жасур коммунист аёлининг, партизаннинг ҳаёти бу ёқларда афсонага айланиб, халқ ривоятларидан ўрин олган.

Уч қарра тирпаррон қилинган шу аёл.

Бунда ҳеч қандай муболаға йўқ, ростдан ҳам шундай бўлган. Воқеа бу ерда, Катта Сорочиди юз берганди. Душманлар уни уч даққир отишди. Азоб чеккан, калтакланган бу аёл ҳар гал мурдалар орасидан чиқар, қонга бўялганча эмаклар эди... Уйига эмаллаб кетарди! Нима бу? Туғма ҳис-туйғу кучими? Сўқир, шаклланиб етмаган кучми? Еки энг юксак муҳаббат қудратими? Бу тун чодраси остида инига етиб келиш учун минглаб километр масофани босиб ўтадиган, бу билан бизни ҳамиша ҳайратга солиб келадиган қушнинг интилишига ўхшаш бир нарсами? Ахир турнани совуқ юлдузларга яқин баландликлар орқали кадрдон маъвога элтувчи бу интилишнинг табиати ҳамон сирлигича қолмоқда...

— Сен большевик аёлсан-ку! Нега бошқаларга ўхшаб фронт ортига қочмадинг? — истилочилар сорочилик Бондаривнадан сўраб-суриштиришарди.

— Мен ўз уйимдан! Нега энди фронт ортига қочишим керак экан? Нега энди кадрдон уйим, қишлоғим, қўни-қўшниларимни ташлаб кетишим керак экан? Биз томонларга бостириб кирган — сенлар, биз эса ўз уйимиздамиз!.. Ўзим униб-ўсган, оталаримиз, боболаримиз, бобокалонларимиз дафн қилинган бу жойдан мени ҳайдаб чиқаришга кимнинг ҳаққи бор?

Бу жавобда унинг барча хусусиятлари — халқ қизлиги, ўзининг эътиқоди ва ҳақлигига ишонган, энгиб бўлмас инсон эканлиги акс этганди.

Унинг тирик тенгдошларидан санокли одамларгина қолган. Ольга Антоновнани урушдан олдинги даврда ҳали бола бўлганлар яхши танийдилар, ўшанда эндигина Коммунистик партия сафига қабул қилинган колхознинг бу илғор звено бошлигини сорочиликлар қишлоқ Советига раис қилиб сайлагандилар.

— У қанақа одам эди? — бу ғайритабиий аёл ҳақида ҳамюртларидан сўраймиз. — Унинг сиймосидаги қайси сифатлар кўпроқ сақланиб қолган?

— Одамларга мунис-меҳрибон эди...

— Отга миниб олиб, далаларни кўздан кечирарди...

— Болалардан жониниям аямасди...

— Ўзининг ўғлиниям севарди...

Халқ хотираси уни ана шундай асраб-авайлаб келади. У ёт келгиндилар — фашистларни тан олмасди, яширишни, бундан кейин очиқчасига яшаш мумкин эмаслигини ўзи учун номус деб биларди. Одамлар бир илож қилиб Ольга Антоновнани яшириш учун жонларини жабборга беришди. Уни фашист одамхўрлари қидиришар, ушлаб олмоқчи бўлиб бақирардилар:

— Қани Бондаривнангиз? Қани сизнинг энг ўжар коммунист аёлингиз?

Ҳақиқатан ҳам у ўжар эди — ёт келгиндилар ва таловчиларга нисбатан мураси-сизларча ўжар эди. У шундай тойфадаги инсонлар сирасидан эдики, бундайлар ҳеч нарсадан қўрқмайдилар, умрларининг охиригача ўзлари танлаган йўлга содиқ қолади-лар. Оккупациянинг дастлабки кунлариданоқ у Зареча ўрмонзорларида жойлашган партизанларнинг алоқачисига айланди, партизанларнинг озиқ-овқати, қурол-яроғлари ҳақида ўйлади, жон кўйдирди. Бунинг учун Ольга Бондаренко ўзининг бошига қандай кунлар тушиши мумкинлигини яхши биларди, чунки у илгаридек ўзининг қишлоғида, Катта Сорочиди яшаётганди. У ерда фашист ёзувлари ҳатто Гоголни аяшмаганди, босқинчилар улўғ ёзувчи туғилган хонадонга ўт қўйиб юборишди. Ёзувчининг музейида ҳам қирғин ўтказишди, унинг китобларини йўқ қилиб ташлашди, бу ерда сақланаётган ҳайкалларга ўқ узишди, маст-аласт гитлерчи офицер дуч келган томонга ўқ узаркан, бўқирарди: «Гоголь? Меники бунақа ёзувчини билмаган. Бунақа ёзувчи йўқ! Буни большевиклар тўқиб чиқаришган!»

Кейин фожиали куз куни етиб келди. Ушанда тиш-тирноғигача қуролланган

эсэсчилар дарё ёқасидаги жарликка қуршов чоғида қўлга туширилган қишлоқ фаолларини ҳайдаб келишди. Уларнинг орасида Ольга Антоновна Бондаренко, унинг, эри, урушдан илгари узоқ вақт бирга ишлашган ўнлаб кишилар бор бўлиб, энди эса, у шу ерда ўлим шаробини сипқариши керак эди. Мана, Псел устидаги тик жарлик, Сорочи деҳқонлари, совет ватанпарварлари қатл қилинадиган жой, шундайгина қўл чўзса етадиган ерда беш минорали Преображенск черкови, қачонлардир Гоголнинг онаси ва отаси шу ерда никоҳдан ўтишган, шу ерда чақалоқ Николаянинг туғилгани ҳақида маълумотлар қайд қилинган. Нодир ёғоч ўймакорлигидан иборат бебаҳо меъморчилик ёдгорлиги — ибодатхона қачонлардир гетман черкови сифатида бунёд қилинган, айтишларича, унинг ҳар бир ғишти аллақаерлардан, сал бўлмаса нақ Лубнонинг ўзидан қўлма-қўл қилиб келтирилган — казакларнинг юз кишилик ҳарбий бўлинмаси тўла ҳолда, ғаллакорлар ва шаҳарликлар ишга сафарбар қилиниб, далалар узра тирик занжир бўлиб тизилишар, ғишт кетидан ғиштни қурилиш давом этаётган жойга пайдарпай жўнатишар экан.

Мана энди, йигирманчи асрга келиб, бу тарихий иншоот қароқчилик, ёввойилик, маданий ёдгорликларни ваҳшийларча оёқ ости қилишга гувоҳ бўлди. Ҳикоя қилишлари-ча, фашист автоматчиларини кўрган кекса деҳқон аёллар қўрқа-писа чўқиниб олишган, инсу жинслардан қутулмоқчи бўлгандай улардан бўйин товлашган: энгларига бош суяги тасвири туширилган бақироқ келгиндилар улар учун том маънодаги ёвузликнинг рамзи, зулматнинг манбаи, вайронагарчиликлар ва қотилликлар жини бўлиб қолган.

Эсэсчилар Псел узра қад кўтариб турган черков ёнида сорочилик мужиклар ва хотинларни уззукун отишди. Уша кезлари ҳали бола бўлган қишлоқликларнинг энди ҳикоя қилишича, дарёнинг нарёғидаги бутазорларда биқинганларича — ҳозир у ерда гидроэлектростанциянинг тўғони жойлашган — даҳшатли манзарани кузатишган. Улар тик қиялик узра қандай қилиб одамларни сафга тизганларини, қандай қилиб энгил-бошларини ечкизганларини, кимларнингдир кўзларини боғлаганларини кўришганди... Ушанда болалар Бондаривнани мағрур қадди-қоматига қараб танишган, унинг жаллодлар афтига қараб нималарнидир рўйи рост қичқариб айтгани, кейин эса ўққа учган эри ва ўзининг қишлоқдошлари кетидан жарликдан дарёга қулагани кўриниб турган. Псел-Украинанинг энг мусаффо ва хушманзара дарёларидан бири ўша қирғин куни қирмизи рангга кирган, унинг устида оҳ-воҳлар эшитилиб турган, дарё ўлдирилаётган, тўппа-тўғри сувга қулаб тушаётган кишиларнинг жароҳатидан сизиб чиқаётган қонлар билан йўғрилган оғир тўлқинларни оқизиб кетган.

Фашистлар Бондаривнанинг куни битди деб ишонгандилар, агар автомат ўқи уни бирёқлама қилмаган тақдирда ҳам барибир пастда жонажон дарёсининг тўлқинларида нафаси бўғилиб ўлади. Саёзликда одамларнинг жасади тўп бўлиб ётарди, уларни олиб кетишга рухсат берилмас, оқим билан пастга оқиб борган битта-яримта жасадни сорочиликлар яширинча олиб, кўмардилар... Бироқ тақдир бу гал ҳам Бондаривнага шафқат қилди ёки эҳтимол, қадрдон Псел суви унинг учун шифо ато этганди, негаки ўққа учган бу аёл тунда ҳушига келди, кўп қон йўқотиб дармонсизланган бўлса-да, бир амаллаб сохилга чиқиб олди ва ўлишига бир баҳя қолганича, уйи томон эммаклар кетди.

...Бошқа бир сафар қабристон ёнидаги жарликда отишганда, унинг ёнида усмир ўғли бор эди. Сўнги лаҳзада она ўзининг гавдаси билан фарзандини тўсди, ўқлардан аъзои бадани дабдала бўлиб кетганича, жарликка у билан бирга қулади. Фашистларнинг ўқи бу гал ҳам Бондаривнани ҳаётдан маҳрум қилишга қодир бўлолмади. Қаттиқ яраланган аёл орадан анча вақт ўтгач, ўзига келди, қоронғиликда ўзи билан бирга ётган ўғлини пайпаслаб топди — ўлик эди. У дунёда энг азиз кишидан жудо бўлди, бундан кейин яшайдан ҳеч қандай маъни қолмагандай бўлиб туюлди. Бироқ шунга қарамасдан, мажруҳланган, оғир яраланган бу аёл охириги кучини тўплаб, тирсақлари билан судралиб уйига томон йўналди, негаки яшаш, курашиш, манфур ёвдан ўч олиш керак эди... Бу аёл бунчалик кучни қаердан оларди? Бу мўъжизавий қудратнинг, ҳаётга муҳаббатнинг, саботнинг манбаи не? Жисму жоннинг азалий хусусиятими бу? Меҳнат билан суяги қотган инсоннинг чайирлигимиди? Эҳтимол, шундайдир, аммо шу билан бирга...

Орадан кўп йиллар ўтгач, қаердадир қўлга туширилган бир қотилини суд қилишди. Судда у иқроп бўлиб айтдики, бу аёлни кўриши ҳамоно вужудини хурофий бир даҳшат қоплаб олган, Псел устида, сўнгра қабристон ёнида бўлиб ўтган қирғиндан кейин ҳар гал ўққа учган аёлнинг уйига кирганида Бондаривнани... тирик ҳолича кўргач, ҳатто юраги ёрилиб кетаётган! Ушанда у қопқоғи очик қизлик сандиғи олдида туриб, ўрмонга, партизанлар ёнига кетиш учун кийимларини тугунламоқда экан. Яқиндагина ўққа учган, вужуди дабдала бўлиб кетган, ҳамма ёғи қонга бўялган, аммо нигоҳларида эса қатъият ва осудалик. У ҳали ерга кўмилмаган, жасадлар орасида ётган ўғли ёнидан — жарликдан қандай қилиб чиқиб келдикин? Ахир унинг ўзи ҳозиргина ўлимнинг вужудни музга айлантириб қўядиган ҳукмини ҳис қилди, умидсизликнинг бутун чексизлигини бошдан кечирди, бироқ унинг юзида қўрқувдан ном-нишон ҳам йўқ эди, аёл устунлик билан унга боқаркан:

— Ҳа, хоин, сенга жоним керак бўлиб қолдими? — деганида, қотил фақат нафрат ва жирканчлигига кўрган.



Ўлмас деб ном олган аёлни учратиб, ўтакаси ёрилган хоин остонада турганича, унга қарата қуролидаги бор ўқни отган. Аммо ўша лаҳзаларда ҳам унинг рўпарасида ўқ ўтмас зот тургандек туюлган...

Фақат халқгина инсонга мангулик ато қилиши мумкин. Бондаривна халқ муҳаббати туфайлигина орамизда тирикдир.

Катта Сорочига кираверишдаги йўл ёнида, ярмарка билан ёнма-ён жойлашган майдонда унинг хотирасига ўрнатилган ҳайкал савлат тўкиб туради. Бондаривнанинг қиёфасида ҳам ҳарорат, ҳам қаттиққўллик; кўз ўнгингизда деҳқон хотин-қизлари киядиган кўйлақдаги оддий украин аёлининг шаклу шамойили; унинг ёнидан кимки ўтса, беихтиёр меҳнаткаш аёл, меҳнаткаш онанинг ҳайкалига тикилиб қолади, унинг шу қадар оддий, кучли, олижаноб ҳаёти ҳақида хаёлга чўмадики, бу хислатлар ҳақиқатан ҳам бутун бир халқнинг саботи ва чидамани гавдалантириб бера олади.

Бутун кун давомида ярқарканинг гирдобига тушиб, югуриб-елган, жўш урган, қуёш нурлари остида юз хил рангда товланувчи, пайдар-пай қўшиқ туғилган, ҳазил-мутойиба ва кулги жаранглаб турган, гоҳо кимнингдир ўйчан юзи кўриниб қоладиган майдон узра сукунат чўкди...

Сорочидан ҳамма ёққа элтувчи жамики йўллارнинг чанги босилган, ярмарка қатнашчилари уй-уйига жўнаб кетишган, атроф-жавониб кимсасиз, ҳувиллаб қолган. Август тунининг сукунати узра юлдузли осмон ялтирайди, толлар мудрайди, йўлда тирик жон зоти кўринмайди, фақатгина Бондаривнанинг бронза сиймоси қаршисида икковлон — йигит ва қиз сукут сақлаганлари кўйи ҳаракатсиз туришади. Улар бир-бирларининг пинжига кирганларича, гўё қандайдир товушга қулоқ тутаётгандек эдилар. Балки уларнинг қалбларида мўйловлари оқарган ҳофиздан кундузи эшитган куй аксадо бераётгандир, эҳтимол, уларни Бондаривна ўзининг фожиали ва мардонавор ҳаёти билан олға чорлаётгандир?

Таниқли украин адиби, Леся Украинка номидаги Украина ССР Езувчилар союзи мукофоти лауреати Евген Гуцало (Евгений Филиппович) 1937 йилда Винница областидаги Старий Животов қишлоғида туғилган. Нежин педагогика институтини тамомлаб, газета редакциялари, нашриётда ишлади. «Одамлар-одамлар орасида», «Кузги боғ олмаси», «Гул барги», «Яшил шол рўмол», «Оловдан тирик чиққанлар», «Мухаббат ҳақида нималар биламиз!» китоблари муаллифи.

Евген Гуцало

## БОҶОН

Ҳикоя

Утган шанба Закриничьеда бирваракайига бир неча тўй бўлиб ўтди: кутубхоначи қиз физкультура муаллимига турмушга чиқди, мўйлови сабза ура бошлаган, кечагина мактабни битирган икки йигитча уйланди, ниҳоят, йигирма олти баҳорни қаршилаган тракторчи Макар Червоношапка ҳам никоҳ тўйи ўтказди. Илғари, армияга боргунига қадар, Червоношапкага биров қарай демасди: қилтириқ, нимжон, елкалари энсиз эди. Аммо армияда бўлиб, пул топиш илнжида икки йил Воркутада ишлагач, Макар кутилмаганда шунчалик бақувват тортиб кетдики, энди уни дабдурустан таниш қийин эди. Йилтиллаб турувчи биққи юзи, кенг елкаларидан тансиҳатлик уфурар, чағир кўзлари ўткир боқар, керилган қошлари камонга ўхшаб кетарди. Хуллас, рўпарасидан чиқиб қолган қизлар беихтиёр нафасларини ичга ютиб, Червоношапкадан узоқ вақт кўз узолмай қолишарди.

Энди у, сирасини айтганда, ўзини Воркутага бориб ишлашга ўргатган, урушдан кейин ўша ерда анча йиллар меҳнат қилган Зважийнинг тўнғич қизи — Наталка Зважийга уйланмоқда. Район газетаси эса Зважий ҳақида ҳар йили «Сеялкалар далага чиқди» сарлавҳаси остида яккаш шундай ёзарди: «Семён Михайлович Зважий икки иш кунидаёқ сули ва хашаки нўхат экишни тамомлаб, аъло даражадаги иш сифатига эришди.»

Колхоз яслисида энага бўлиб ишловчи, ғоят гўзал Наталка, лўли қуёш билан ўйнашаётгандек, йигитларнинг бошини айлантириб, ўзига муносиб жуфт қидирарди. Наталка бунақа инжиқлик қилаверса қари қиз бўлиб уйда ўтириб қолиши, биров унга қиё боқмай қўйиши чўт эмас, дейишарди закриничьеликлар. Аммо ҳеч кутилмаганда, у, Макар Червоношапкага турмушга чиқишга жазм қилди. Улар илғари бир-бирлари билан на учрашишган, на хат ёзишган. Наталка ўз тақдирини Макар билан боғлашни хаёлига ҳам келтирмаганди. Энди бўлса, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, мана шу шанба никоҳ, буёғи эса тўй...

Тўй маросимининг биринчи куни қайлиқникида ўтиши керак эди. Куёвтўра ўзининг навкарлари билан эрта тонгданоқ Наталканикига кетиб борарди. Шу чоғ, келиннинг ҳовлисига яқин қолганда, оқ заранглар ўсиб ётган тангу тор кўчада Червоношапка йўлини бир гуруҳ йигитлар тўсиб, қайлиқ учун эваз талаб қилишди.

Червоношапка азал-азалдан Закриничьеда ҳукм суриб келаётган расм-русмни бузиб ўтирмади, албатта. У қизнинг кўчасида яшовчи, эҳтимол, уни ўғринча кўз остига олиб юрган йигитларга эваз бермоғи керак. Эҳтимол, йигитларнинг Наталка учун эваз талаб қилишлари хушқеъатгандир, уларнинг кўнглини олиш ҳам кўнгиллидир, ғолиб йигит учун.

Куёвнавкарлар егулик ва ичимлик билан тўлдирилган бутун бошли саватни олиб келишди. Йигитлар тўпи бундай саховатдан мамнун бўлиб, барглари сарғайган заранг дарахтлари остида келин-куёвнинг саломатлиги учун қиттай-қиттай ичишди. Червоношапка навкарлари билан энди ўтиб кетмоқчи эди, биров унга рўпара туриб, сўради:

— Хўш, менга-чи? Ахир менинг ичмаслигимни биласан-ку?!

Куёвнинг йўлини Максим Броварник тўсган эди. У қишлоқ хўжалик институтида агрономлик ихтисосига ўқир, ҳар шанба ва якшанба кунлари шаҳардан ота-онасиникига қатнардди. Унинг қалдирғоч қанотларидай керилган қошлари остидаги мовий кўзлари

ёниб турарди. Хиёл қийшиқ бурнининг парраклари титрар, унинг ҳаяжонланаётгани аниқ эди. Броварник мактабни Червоношапкадан уч-тўрт йил кейин тамомлаган бўлиб, улар ҳеч қачон дўстлашмаган, учрашганларида фақат саломлашишар, қишлоқ ишлари ҳақида сира қовушмай гаплашишарди.

— Эваз ҳамма учун битта берилади, — деди Червоношапка.

— Бунақа қайлиқ учун баҳо талашмасанг ҳам бўлади, — яна қистади Броварник қошларини чимириб. — Закриничье қишлоғининг энг сара қизига уйланысан-а!

Червоношапка бир дақиқа ўйга толиб, таажжубланган навкарлари олдида нима қилишини билолмай турди, кейин бир қарорга келиб, чўнтагидан ҳамёнини чиқарди.

— Ма, — у Броварникка ям-яшил элликталикни чўзди. — Боқон<sup>1</sup> бўлса боқон, эваз бўлса эваз-да. Закриничьелик энг яхши қизнинг бош-кўзидан садақа.

Башанг кийинган, кечадан бери ичаверганидан кайфи тарақ навкарлар сахий куёв учун мағрурланиб, жилмайишди. Броварник пулни олди, аммо кўнгли тўлмасдан, лабларини бурди.

— Ха, албатта, кам, — унинг фикрини уққандай иқрор бўлди обдан саховатпеша бўлиб кетган Червоношапка яна битта элликталикни узата туриб. — Ол, шаҳарда студентларинг билан вақтичоғлик қилганингда менинг Наталкам ҳақида сўзлаб берарсан. Унинг учун дунёнинг тенг ярмини ҳам аямасдим.

— Шунчалик севасанми? — қошларини чимириб сўради Броварник. — Дунёнинг тенг ярмини-я?

— Ҳа-да, дунёнинг ярмини, қолган иккинчи ярмини эса устама қилиб бераман! — деди Червоношапка.

— Қалай, йигитлар, устамани қабул қиламизми? — Максим дўстларидан сўради. — Куёв ўзининг Наталкасига бораверсинми?

— Бораверсин, — шовқин солишди боқончилар.

Броварник гўё оғриниброқ йўл бўшатди. Ким билсин, балки Червоношапкадан дунёнинг ярмини ундирмоқчи эдимми?..

— Тўйга келинлар, — Червоношапка боқончиларни таклиф қиларкан, ўзининг сахийлигидан мумнун эди. — Агар кимки эртага рақсда пошнасини йўқотмаса ҳисоб эмас.

Боқон тутган йигитларнинг кўпчилиги Червоношапкага ҳавас қилишди. Негаки, у қандайдир бир-икки ой ичида Закриничьедаги энг гўзал қиз — Наталкани ўзиники қилиб олди-да! Ёш офицерлар, энг аввало, Наталка билан рақс тушиш илинжида деярли ҳар якшанба қишлоқ клубига келишарди. Баъзан қўшни қишлоқлардан битта-яримта йигитлар, масалан, Заливаншчинадан зоотехник, Човновицадан ҳисобчи кўриниб қолишарди. Аммо закриничьелик бўйдоқлар ошиқларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида «гаплашиб» қўйишар, шу-шу улар қайтиб қораларини кўрсатишмасди. Охириқибатда на ўзларининг, на бегоналарнинг омади чопди.

Боқон аҳли чақчақлашиб, ҳазил-ҳузул қилганларича, эваз билан андармон бўлиб қолишди. Максим Броварник эса пича қаққайиб турди-да, бошини қуйи эгиб, нари кетди. Шу дам унинг вужудини соғинч аралаш ёт бир ҳис қоплаб, киндик қони тўкилган Закриничьеда ўзини бегона сеза бошлади. Уйга келгач, бостирма тагига ўтиб чекди. Сигарета бемаза экан, уни оёғи билан эзгилаб, бошқасини олди. Томорқада, ҳар бири гумбаздай бўлиб, ошқовоқлар етилган эди. Шуларни ертўлага олиб киргин, деб онаси илтимос қилди. Аммо у ўрнидан кўзғалмасди. Босиқ қоқолаганича бабақхўроз яқинлашиб келди, қонга тўлган кўзлари билан Максимга қаради. Йигит эса қўл кўтариб хўрозни ҳайдаб юборишга ҳам ўзида мажол топмади. Шу дам опаси асьасаяу дабдаба билан долондан чиқиб келди. Хўппа семиз, бир тутам сочини атайлаб оқартирган Ганна мудом янги кийим-бош харид қилишни ўйлар, шу билан овунарди. Аммо меҳнаткашлик-да бутун бошли Закриничьеда унга тенг келадигани йўқ эди.

— Нега тўйга бормадинг? — сўради у овозини товлантириб. Бундай гапириш малоҳатимни тағинам оширади, деб ўйларди у. — Худди бойқушга ўхшаб тумшайиб олибсан?

— Кимникига боришим керак? — деди Максим башанг кийинган опасига хўмрайиб.

— Кимникига бўларди? — Ганна укасининг лоқайдлигидан заррача ҳам хафа бўлмасдан гапирарди. — Мен бўлсам Наталканинг тўйига кетяпман, юр, ўзим олиб бора қолай.

— Жуда қўлинг қичиб турган бўлса, бошқа биронтасини етаклаб кетавер, мен уйда ўтиравераман. Автобусга чиқишга ҳам тайёр туришим керак. Йўқса, шаҳарга қандай етиб оламан?

— Борарсан! Бир кун-ярим кун кечиксанг, осмон узилиб ерга тушмас.

— Ўз вақтида боришим мумкин-ку, нима учун кечикишим керак?

— Оббо сен-эй, — айёрлик билан таънаомуз деди опаси. — Жаҳлинг чиқади ми —

<sup>1</sup> Боқон — туҳфа олиш мақсадида янги келадиган келин ёки куёвнинг йўлига ғов солмоқ. Бу одат баъзи ўзбек қишлоқларида ҳозир ҳам учрайди (таржимон).

йўқми, ammo кечикдинг — вақт ўтди, ғишт қолипдан кўчди. Нима сабабдан Наталканинг тўйига бормаётганинг сабабини билмайди, деб ўйлайсан-а?

— Хўш? — киприк қоқмасдан тикилиб турарди Максим.

— Агар севмаганингда бу ерда бойқушга ўхшаб «ҳақ» деб ўтирмасдинг. Наталкани севасан, шунинг учун ҳам дунё кўзингга қоронғи кўриняпти.

Максим кўзларини хиёл қисди, унинг қорачиқларида тилларанг олов учқуни мавжланарди. Чамаси, миясига қон тепган бўлса керак, юзини гўё пуштиранг тутун ялаб ўтгандек бўлди. Шунга қарамай, иложи борича бепарволик билан деди:

— Дунёда нима кўп, қиз кўп, ҳаммасини севишнинг иложи йўқ. Ҳи-ҳи, Наталка бўлмаса, яна бошқа биттаси-да?

— Гапир-а, гапир! Қизни шундоққина бурнингнинг тагидан илиб кетишди-ку! —

Ганна гапираркан, унинг дуркун кўкраклари кўтарилиб-кўтарилиб тушарди. — Энди уни қайтаролмайсан, кеч бўлди! Илгари эди — қайлиқни жиғанинг тагидан ўғирлаб кетишарди, энди бунақа қилишмайди... Шундай қизни кўлдан чиқардинг-а!

— Бўлди, бўлди, — Максим таҳдид билан тўнғиллади. — Ҳеч кимни кўлдан чиқарганим йўқ. Менга аталгани ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди.

— Албатта, қочиб қутулолмайди, — опаси яна унинг жиғига тегди. — Қашиниб бўлгунингча кутиб ўтириверади... Бунча мағрур бўлмаганингда, эҳтимол бугун сенинг тўйингни ўтказиб қўлармидик... Ютганим ўзимники, чайнаганим гумон, деб шунга айтадилар-да!

— Албатта мағрурлик қиламан, — жавоб берди Максим энди хотиржамроқ оҳангда. — Ёнида ҳаммаша бир гала йигит пашшаўрда бўлиб юрганидан кейин...

— Нима, Наталка бунга арзимабдими? Агар билмоқчи бўлсанг, у сен тўғрингда ҳаммадан ҳам кўпроқ ўйларди!

— Алжираяпсан, — ишонқирамай деди Максим. Бироқ энди унинг қарашлари юмшаган, деярли қувонч билан такрорлади, — Алжираяпсан!..

— Сен мағрур эмас, латтасан, — Ганна энди таъна қилмас, ачитиб койирди. — Ундан яхшисини топиб бўпсан, бир умр тилингни тишлаб, тамшаниб юрасан!

— Буларнинг ҳаммаси сувга паншаха билан ёзгандай бир гап, кўрамиз ҳали ким тамшаниб юраркан.

— Паншаха билан сувга ёзгани нимаси? Қишлоқ Совети уларни эл қатори никоҳдан ўтказиб, паншаха билан эмас, ручка билан ёзиб қўяди. Жилла курси, тўйга бориб одамларнинг қандай ўйланишини кўриб олсанг зарар қилмасди. Бир кун келиб асқотарди.

— Кар деманг — эшитамиз, кўр деманг-кўрамиз.

— Ҳазиллашнинг келса ўз-ўзинг билан ҳазиллашавер, мен кетдим.

Максим отасининг қудуқ ёнида турган «Жигули»сини ўт олдириб, ҳовлидан шундай шиддат билан чикдики, қизил тусли бабақхўросни босиб кетишига сал қолди. Дарвозадан чиққач, йўл Наталкаларнинг уйи ёнидан ўтарди. Максим уларнинг қўраси ёнидан, ҳатто кўз қирини солмасдан, елдай учиб ўтди. Шу чоғ, нариги тор кўчага буриларкан, машинани тўхтатишга мажбур бўлди.

Тўхтатишга мажбур эди, чунки тўй маросими қатнашчилари тор кўчани тўлдириб борарди. Одамлар оқими бошида оппоқ фата<sup>1</sup> ёпинган Наталка, байрам либосидаги Червоношапка кетишарди. Қўшни қишлоқдаги қанд заводидан ёлланган оркестр куй чалар, келин-куёвнинг дўстлари ва дугоналари ортидан болалар ҳаллослаб югуришар, Наталка ва Макарнинг ота-оналари виқор билан қадам ташлашарди. Оёқлар остидан кўтарилаётган пуштиранг чанг кўкка ўрларди, маршнинг осонгина уваланиб кетаётган аллақандай бўғиқ товуши эшитилар, шумтоллардан заъфарон барглари тўкилар — ҳозир буларнинг ҳаммаси Максим Броварник учун чидаб бўлмас бир азоб эди. У тўй маросими қатнашчиларининг тор кўчадан ўтиб бўлишини кутолмасди. «Жигули»ни тислантириб, кимнингдир ҳовлисига кирди, қайириб олгач, ҳовуз томон учуриб кетди. Намхуш яйлловдан ўтиб, толзорни орқада қолдирди-да, қишлоқ чеккасига чиқиб олди. Дала йўли эса ердан кўм-кўк бўлиб бош кўтарган кузги экинзорлар сари бошлаб кетди. Ҳозир Броварникнинг ўзи ҳам қаёққа кетаётганини тузук англаёлмасди. Ниҳоят, у тўхтади, чунки йўлнинг давоми шудгорга уланиб кетган, машина қаттиқ силкина бошлаган эди. Уфққа қадар ястаниб ётган кимсасиз қора тупроқ гоҳ у, гоҳ бу ерда хиёл йилтирарди. Узини дала ўртасида кўрган Броварник таажжубланди: қайси алвасти уни бу ерга етаклаб келди ўзи? Нега у худди ортидан шайтон қувгандай, Закриничьедан қочди?..

Кутилмаганда, унинг ёдига опасининг сўзлари тушди: «Агар билмоқчи бўлсанг, у сен тўғрингда ҳаммадан ҳам кўпроқ ўйларди!» Юрагини кемираётган ожиз қувончнинг жилғалари энди қудратли оқимга айланиб, аста-секин Броварникнинг бутун вужудини забт этди. Гўё кутилмаганда, шу ерда, қоп-қора шудгор ўртасида унга ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлиб кўринди. Уфққа қадалган кўзлари ўзининггина қалбига разм солиб қолмасдан, балки Наталканинг ҳам юрагига назар ташлагандек бўлди. У ҳам қувонар, ҳам ўз-ўзига маломат тошлари ёғдирарди: албатта, аҳмоқсан, меровсан! Уз мағрурли-

<sup>1</sup> Фата — тўй рўмоли.

гинг қошида мағлуб бўлдинг-а! Топган гапингни қара: Наталканинг ёнида мудом бир тўп йигит пашшахўрда бўлиб юрармиш! Хўш, у ана шу йигитларга эътибор бериб, қайрилиб қараганмиди? Броварник кўнглимга қўл солармикин, деб кута-кута эътибор бериб, қайрилиб ахийри Червоношапкага кўнгли кўйган-да. Нима, у ҳақиқатан ҳам қари қиз бўлиб дунёдан ўтсинми! Ахир у ҳам кимгадир турмушга чиқиши керак-ку? Ана, узоқда, улкан ҳовуз теграсида тўнгиган қалайи мисол туман қўйнида ялтираётган куз кўлоблари оша Закриничье ястаниб ётипти. Афтидан, тўй маросими қатнашчилари қишлоқ Советидан қайтаётган бўлсалар керак.

Броварникнинг вужудини қувонч ҳисси қоплаб олди. Наталка, эҳтимол, энди афсусланаётгандир, уни меҳмонлар орасидан қидираётгандир. Нега у бийдай дала ўртасида қаққайиб қолди?..

Максим нима қилишини ҳали тузукроқ ўйлаб ҳам кўрмасдан, «Жигули»га ўтирди-да, боя боши оққан томонга қандай учиб кетган бўлса, худди шу зайдда Закриничьега жўнади. Машинани кўчада қолдириб ҳовлига кираркан, атрофда куймаланиб юрган меҳмонларни кузатди.

Остонада Червоношапка кўринди — кўкрак чўнтагидан соатнинг тилла занжири осилиб турар, бармоғида тоза олтиндан ясалган никоҳ узуги ялтирарди. — Максимга кўзи тушиб, гўё энг азиз меҳмон, қадрдон дўсти ташриф буюргандай, кучоқларини ёзди.

— Хўш, сен уни кўрдингми, а? Уни кўрдингми? — кувётўра Броварникни чеккага олиб чиқаркан, шодумонликдан нафаси тикилиб деди. — Закриничье Закриничье бўлиптики, ҳали бунақа келинни кўрмаган, кўрмайди ҳам! Биласанми, мен унинг учун ишлаб, қанча пул топдим? Бир умрга етади! Мен яна шундай ўйлардим: Закриничьега қайтиб борсам, энг чиройли қизни танлайман — қўлимни қайтармас. Келиб қарасам, қишлоқнинг энг чиройли қизи — Наталка! Ундан яхшиси йўқ, тўғрими? Хўш, деб ўйладим, мана, ким учун жаҳон кезибман, пул топибман, мана, кимни севаман, мана ким мени севади! Йигитларга эваз тариқасида бир челақ горилка<sup>1</sup> бердим, ишонсанг. Бу мен учун нима? Денгиздан томчидай гап! Сенга юз сўм бердим — Наталка учун шўям пул бўлди-ми? Ярим дунёни, бутун дунёни берсам ҳам бари бир кам, у шунақа ажойиб.

— Севасанми? — сўради Броварник шум ниятда илжайиб.

— Қўлларимни кўрдингми? — деди Червоношапка ўзининг ғадир-будур бармоқларини кериб. — Бундан ярим йил илгари ҳам бу қўллар ким учун ишлаётганлигини билмасди, ҳолбуки улар ким учундир ишларди, ишларди! Энди эса биламан — Наталка учун қадок бўлган экан.

У шу қадар белисандлик билан гапирардики, чағир кўзлари шунчалик кибру ҳаво билан ялтирардики, Броварникнинг лабларидаги табассум ўз-ўзидан сунди. У энди кувётўрага даҳшат ёхуд таажжуб билан эмас, кўпроқ шубҳа билан боқарди. Негаки, муҳаббат инсоннинг кўзларини басир қилиб қўйишини, шу кўйга тушган киши Червоношапка эканлигини ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди.

— Мен Наталка учун бутун ҳаётимни ҳам аямайман! Пединститутга сиртдан ўқишга юбораман, қарагин, болаларни қанчалик севади — уззукун яслидан чиқмайди. У ҳам сен қатори ўқисин-да. Модомики, ҳокимиятимиз имкониёт яратиб берган экан, ундан фойдаланиш керак. Мен Наталкага муҳаббатимни ҳаёз этаман, у эса менга. Қарабсанки, икки ёрти-бир бутун. Умр бўйи шундай яшаймиз. Ҳовуз ёнидаги тепаликка уй қураман, марҳум бувимнинг қўраси ўша ёқда. Наталкамнинг номи Закриничьедан ташқарида ҳам ҳурмат билан тилга олиниши учун, қасам ичиб айтаманки, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўламан... Унинг атрофида қанчадан-қанча йигитлар пашшахўрда бўлиб юришганини билмайди, деб ўйлайсанми? Ҳаммаси ўз ёғига ўзлари қоврилиб, бир бош, бир тепа бўлиб қолаверишди!

Червоношапканинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатида ўзига кучли ишонч бор эди. Қачондан бошлаб у шунақа бўлиб қолди? Наҳотки, бир пайтлари Закриничье бўйлаб чопқиллаб юрадиган нимжонгина, камсуқум йигитчада шу қадар куч-қудрат ва жасурлик яширинган бўлса?

— Қишлоқда Наталка ҳақида ғийбат гаплар тарқатишга ҳам улгуришипти. Нима, у ҳаммага ёққани учун айбдорми? Мен, мана ҳеч қандай ғийбатлардан кўрқиб ўтирмадим! — Червоношапка муштумини қисди ва такрорлади, — кўрққаним йўқ! — У юзиде суиқасдчиларга хос ифода пайдо қилиб давом этди, — ҳатто бирон-бир гуноҳ қилган тақдирда нима бўпти? Айбсиз одам борми ўзи? Ҳеч бўлмаганда фикран гуноҳ қилмаган одамнинг ўзи йўқ! Узоқ-узоқларда санқилганман, мени ҳам ғийбат қилган бўлишлари мумкин!

Куз даракчилари — мизонлар ҳавода учиб юрарди. Броварникнинг назарида кўкимтир осмонда ёввойи ғозларнинг ғоғолаши эшитилгандек бўлди. Бошини орқага ташлаб, кўчманчи қушларни қидира бошлади — осмон кимсасиз, чексиз эди. Аммо қушларнинг хайрлашув қичқирғи қандай қилиб унга рўё бўлиб туюлиши мумкин?

— Наталка ҳам менга ёпишди-қолди. — Червоношапка бақувват қўллари билан

<sup>1</sup> Горилка — арақ (украинча).

Максимнинг елкасидан қучиб, ўз қувончини баҳам кўрар экан, овози худди бочкадан чиқаётгандек гувилларди. — Мангуликка, ўла-ўлгунча севиб қолди!

— Мангуликка? — Броварникнинг лаблари аранг қимирларди. — Ўла-ўлгунча?

— Муҳаббат! — юзи тантанавор бўғриқиб хўрсинди куёвтўра. — Сен-чи, биронтасини севганмисан ўзи? Сенга йўл бўлсин? Севганинда шу пайтгача санқиб, хотинсиз юрармидинг?

— Севганман, севаман ҳам, — кўнглида кутилмаган совуқлик туйиб жавоб берди Броварник.

— Буни қара, закриничъелик қизлардан биронтаси юрагиндан урдими? Ёки шаҳардаги битта-яримтасига хуштор бўлиб қолдингми? Балки институтдагилардандир, а?

— Йўғ-э, Закриничъеда, — деди Максим елкасидан Червоношапканинг қўлини тушириб. Сўнг ҳеч иккиланмасдан давом этди, — Наталкани севардим, ҳозир ҳам севаман.

— Қайсинисини? — маккорона кўз қисиб сўради куёвтўра, гап нимадалигига ҳали тушуниб етмасдан.

— Шу бугун сен уйланган Наталкани.

— Нима дединг? — Червоношапка бир сапчиб тушди. У саросимада эмас, рақибига шунчаки ишонмай тикилиб турарди. Юзида озор чекиш ёки қаҳр-ғазабдан нишона бўлса ҳам майли эди...

Червоношапка хохолаб кулиб юборди. Хохолашдан гавдасигина эмас, кўз қорачиқлари ҳам титраётгандек туюларди. Максим Броварник бу шиддатли қувонч сабабини тушуна олмай, ўзининг тобора нафратланаётганини сезиб турарди.

— Сен-а?.. Сен-а?.. — хохолаш тўлқинлари оралиғида шу сўзлар янграрди.

Максим буталар устидан ҳатлаб ўтаркан, кинояли кулгидан қутилиш учун қочиб қолишга ҳам тайёр эди. Червоношапка ҳушига келиб, ҳодадай қўлларини ёйганча, икки ҳатлашдаёқ унга етиб олди.

— Оббо, дарҳол жиғибийрон бўлдингми? Нега тўйдан қочиб кетяпсан? Наталкани севсанг севавер, менга нима? Уни ҳамма севади, бу билан Наталканинг бирон ери камайиб қолармиди? Барибир у менга насиб этди, энди уни қўлдан чиқариб бўпман. Қарашни тақиклаб бўлармиди, мен ҳам буни ман этмоқчи эмасман!

«Нима бало, у жинни-пинни бўлганми? — таажжубланиб ўйлади Броварник. — Балки улар ростдан ҳам бир-бирларини ҳеч қандай шайтондан ҳам тап тортмай севишар? Мўъ-жи-за-а-а!»

— Тўйга келдингми, энди кеткизиб бўпман. Нима, отамиздан қолган меросни талашамизми? Жанжалга ҳеч сабаб йўқ. Институтни тамомлаб, агроном бўлсанг, қаёққаям борардинг, Закриничъеда қоларсан? Шундай экан, нега энди жанжаллашамиз? Бу дунёда ҳамма аҳил-иноқ яшаши керак. Қани, бўл, уйга борамиз, Наталкани табрик-лайсан, меҳмонлар келишган, бир яйрайлик.

Броварник пича ҳовридан тушди. Эҳтимол, у ҳеч қанақа жинни-пинни эмас, шунчаки оқкўнги, бир қоп ёнғоқдир, дилидаги-тилида деб шуни айтишса керак-да. Борсинми, бормасинми? Боришга оёғи тортмаяпти, аммо қандайдир куч уни ғайратлантирар, йўлга отлантирарди.

У ғала-говур тўйхонага келиб қўшилди. Арақ таъсирида ақли хиралашди, бора-бора яна равшан тортди. Ганнанинг хўппайтириб турмаслақан зифир толасисимон сочлари қуёш нурида товланар, Максим у томонга қарамасликка, опасининг кўзларини кўрмасликка тиришарди. Келин-куёв ўтирган томонга қарашдан ҳам ўзини тиярди.

Червоношапка билан бўлган бояги суҳбатдан кейин унинг ҳиссиётлари ҳаммага фош бўлгандек, барча фақат шу ҳақда гапираётгандек эди. Буни қара, Наталкасини севганлари учун куёвнинг на ичи ачиydi, на рашки келади ва на ёқа бўғишади. Зўрлаб тўйга олиб борганини айтмайсанми — бу билан бахтимни кўриб қўй, бахиллик қилмайман демоқчими? Сен эса, мана, камситилганингча ўтирибсан, ҳатто ўрнингдан туриб чиқиб кетишга дармонинг йўқ...

Ховлида рақс бошлангач, Броварник хонадан чиқди, сигарет тутатганича, йигитлар орасида пича турди. Қизларнинг ўзи Максимнинг қошига келишар, уйинга таклиф қилишарди. Бироқ у рақс тушмас, лаб тишлаган кўйи қаққайганча турарди. Вужудида эса ботиний туғён, ғалаён кечмоқда эди.

Келин билан куёв рақс туша бошлагач, Максим улардан кўз узолмай қолди. Афтидан, Наталка ҳам ўзининг қайлиғи ва Максим ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан хабар топганди. Чунки у «ялт» этиб, маъноли қараш қилди. «Билса, билаверсин, — ўжарлик билан ўйлади Максим. — Майли!..» Унинг хаёлига яна бир фикр келди: «агар ҳозир қизни машинага ўтқазса-ю, ўғирлаб шаҳарга олиб кетса-чи? Наталка институтни тамомлагунча ётоқхонада яшашарди ёки бирон ҳовлида ижарада туришарди. «Жигули»га ўтқазсанг-да, ҳайё-ҳув деб Закриничъедан бош олиб кетсанг. Наталкадақасини қаердан топа олардинг?

Броварникнинг хаёлига бир-биридан антиқа фикрлар келар, назарида, чора топиладигандек эди. Агар Наталкани рақсга таклиф қилиб, боя Червоношапкага иқрор

бўлгандек, кўнглидаги бор гапни тўкиб солса: шундай-шундай, ҳали ҳам кеч эмас, имкон бор, деса...

Хонадан ҳовлига олиб чиқилган радиола гўё оғир хўрсингандек бўлди. Броварник кўпдан бери Наталка билан рақс тушишни орзу қилиб юрган вальс янграй бошлади. Шанба кuni шаҳардан қайтиб, қишлоқ клубида бўлаётган кечаларга бош суқаркан, шуни истарди; шаҳарда ҳам студентлар ётоқхонасининг қизил бурчагида рақсга тушаркан, истаги шу эди. Уша кезлари Броварник деярли ҳар бир қиз сиймосида Наталкани кўрар, унинг кулгиси шуурида яшарди.

Вальсинг жўшқин оҳанглари таралиши ҳамоно у қатъиятсизликни енгиб, келин ва куёв томон жадал бораркан, ишқилиб, улар ҳозир чир айланиб рақсга тушиб кетмасайди, деб ҳадиксирарди.

Максим ҳали етиб келмасдан куётўра унга шу қадар дўстона, шу қадар хайрихоҳлик билан боқдики, Броварникнинг қаттиқ қимтилган лаблари ўз-ўзидан юмшаб, қалбидаги муз эриб кетгандек бўлди.

— Сизни вальсга таклиф қиламан, — деди Максим келинчакка, сўнг Червоношапкага разм ташлаб.

— Наталка, бора қол, — Червоношапканинг гап оҳангида илтимосдан кўра буйруқ кўчлироқ эди. Гўё у қайлиғи рад жавоби беришидан кўрқаётганга ўхшарди. — Сен билан Максим ҳам рақс тушсин, ҳечқиси йўқ!..

Наталка Максимнинг кўзига қарамасликка тиришиб, енгил рақс тушиб кетди. Броварник қизга даҳшат ичра бир лаҳзагина нигоҳ ташлашга журъат этди... Гўё ўзи — бу байрамда бегона ва ёт одам-бахт тантанасини бузмоқчидек туюлди. Гўё у фақат тўйга ташриф буюрган меҳмонлар қаршидагина эмас, балки Червоношапка, келин-куёвнинг қариндош-уруғлари, қолаверса, ўзи олдида, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очиб гапириш мумкин бўлмаган ҳиссиёт олдида айбига иқрор бўлмоқчи эди. Негаки, унинг Червоношапкага қилган бояги дил изҳори ўз-ўзига, шу пайтгача соф ва муқаддас деб билган тўйғуға хиёнат эди. Наталка билан рақс тушаркан, унга бир оғиз ҳам сўз айта олмаслигини тушунди.

Сал фурсатдан кейин четан девор ёнида турганича тўй маросимиға назар ташларкан, эслаб кетди... Мана, у Наталкани Червоношапкага топширди, мана келиннинг қувонч тўла сўзларида қандайдир сўзсиз савол ёлқинланди... Унинг малла сочлари атрини димоғида туйди, ҳавоға тўш урган қалдирғоч қанотларидек ёйилган қошларининг нақадар қадрдонлигиға иқрор бўлди... Опаси Ганна уни лақиллатган бўлиши мумкин — унинг сўзлариға ишониши керакмикин?

Машинаға ўтириб, тўй маросими шовқин-суронидан узоқлашаркан, ўз-ўзини тушунишға уринарди... Нега ишққа иқрорлигини Наталканинг ўзига айта қолмади? Ахир у Червоношапкаға бор гапни юзма-юз туриб айтди-ку?! Нега Наталкани ўғирлашға ҳаракат қилмади? Ахир бу унинг сўнгги, миллиондан бир имкони эди-ку?!

Максим ҳовлисиға қараб бурилди, тўхтади, пешонасиға кафтини босди. Уйлаб-ўйлаб ўйининг тағиға ета олмасди. У Наталкани кўриш учун тагин ортиға қайтмоқчи эди, аммо қандайдир куч тутиб қолди. Мағрурликми, муҳаббатми?

Қўлларини беихтиёр кўкрак чўнтағиға чўзди — нима бу? Ҳа, эваз-ку! Куётўра боқон учун ажратган ҳар бири элликтилик иккита қоғоз. «Ол, студентларинг билан вақтичоғлик қиларсан... Мён унинг учун дунёнинг ярмини берган бўлардим!»

У меровлик билан пулга боқаркан, кўзлариға ишонмасди. Гўё пулни беришганиға, ўзи эса уни олганиға ишонмасди. Бу — Наталка учунми? Ҳа, Наталканинг ўзи ярим дунёға, бутун бошли бир дунёға арзирди, унинг учун, ҳатто ҳазиллашиб, ҳатто одатға мувофиқ бўлса-да, эваз бериш мумкинмиди? Уша эвазни олиш-чи? Кафтлариға ёғимланган пулни тутиб тураркан, ўзига нисбатан нафрат, жирканч ҳиссини туйди.

Эвазни олди, демак, сотди. Аммо Наталкаға ҳам, Червоношапкаға ҳам, ўзига ҳам адолатсизлик қилаётганини сезиб турарди. Ҳозир ўз-ўзини савалаш зарур эди — шусиз ҳеч тинчий олмайдигандек. Ғалати бўлиб чиқди-ку: гўё эндиғи уйланиш ёки ҳеч қачон уйланмаслик боқонға боғлиқ бўлиб қолгандек...

Чўнтағидан гугурт чиқарди-да, ғазаб билан тиржайиб, пулни ёқиб юборди. Қисқагина аланға сесканар, унинг шуъласи Максимнинг рангпар юзида аксларди.

Сув тўла челакни кўтарганича қудуқ томондан келаётган онаси машинада ўтирган ўғлиға тикилиб қолди. Уғли эса машина эшигини очаркан, кукка ўрлаётган тутунға ишора қилиб, на бахиллик ва на умидсизлик оҳангида деди:

— Наталка учун олинган эвазни ёқиб юбордим — ҳеч нарса қолмади!

— Ҳа, сен унинг учун бутун Закриничеға ўт қўйиб юборишдан ҳам тоймайсан.

Онанинг сўзлари ҳеч бир таънасиз, меҳр билан айтилгандай туюлди. Ана, у челак кўтарганича долонда ғойиб бўлди, аммо қадрдон овози оқшом ҳавосида ҳамон жаранглар, акс-садоси қайбға ўрнашиб, жафокаш ўғилнинг ҳозирги аҳволини хиёл енгиллаштирарди. Куйган кафтидаги бир чимдим кул шамолда уча бошлаган, ачимсиз хид анқиб турар, бу бадбўйлик борган сайин кучаярди.

Рус тилидан Шерали СОКИН таржималари.

## ФИКРДОШ БИР ДҮСТНИ ЮРИНГИЗ ЭСЛАБ

Борис Олейник

\* \* \*

Ажаб эмас, бир куни  
ёринг қилса хиёнат,  
Ё панд берса милтифинг.  
отилмасдан ногаҳон.  
Хотирага ишонгин,  
хотирага сен фақат,  
Хотирани сотган кўп,  
у — сотмаган, ҳеч қачон!

Алдаш мумкин ойнани  
қийшиқ гарчи башаранг,  
Гуноҳ эмас ўлимга  
чап бериб кетсанг, ҳатто.  
Фақат юракка ишон  
райи-рўйига қара,  
Юракни сен алдашинг  
мумкин, юрак-чи — асло!

Кулсанг, йиғласанг бўлар  
Ниқоб тортиб юзингга,  
Кимлигингни билолмас  
балки тенг-тўш, улфатинг.  
Ўтолмайсан яшириб  
ўзлигингни ўзингдан,  
Сен билан улар доим —  
бахтинг ёки кулфатинг.

Сим-сим санчади юрак,  
хотира турар эзиб...  
Янглишар ундан қочиб  
қутулмоқчи бўлганлар.  
Жамики Магелланлар  
жаҳонни кезиб-кезиб,  
Бегона жойда эмас,  
юртларида ўлганлар!

Русчадан Мухаммад РАҲМОН таржимаси.

Виталий Коротич

## Нозим Ҳикматга татаббуъ

Мен дунёдан кетишдан аввал,  
Қанча ишлар қилмоғим керак.  
Шодлик бўлиб қолмоғи учун —  
Кашф этмоғим лозим бир юлдуз.  
Буғуни — ўлимдан сақлаган каби,  
Асрагандек нокни — аёздан,  
Олмани — офтобдан, ҳаётни эса —  
Тақдир нағмасидан авайлагандек:  
Қўриқлашим керак илҳомни

Мен дунёдан кетишдан аввал...  
Кувачадан олганим сувнинг —  
Билсам оби-ҳаёт эканин,  
Бесас, сукут комида ётган:  
Лочинларни,  
Аёлларни,  
Болаларни  
Ва орзуларни  
Рухлантирар эдим бегумон.

Мен дунёдан кетишдан аввал,  
Қанча ишлар қилмоғим керак...  
Бир даста гул ётибди ерда,  
Қани унинг мармар гулдони?  
Абадиймас ҳамон муҳаббат.  
Менинг эса яшамоғим шарт.  
Мен дунёдан кетишдан аввал,  
Қабристонун мазорни четлаб  
Қанча ишлар қилмоғим даркор,  
Мен дунёдан кетишдан аввал!..

Русчадан Аҳмад ТОШХҲАЕВ таржимаси.



\* \* \*

Эшитинг! Уйкуда! Эшитяпсизми?  
Керакмас! Уйғотманг! Сиз қулоқ солинг!  
Тик осмон — юксаклик кўнглимнинг изми.  
Мен сизни кутяпман. Келинг ва олинг.

Лабларим, қўлларим, манглайм қат-қат,  
Кўзларим, сўнг ўпкам, оёқларимни, —  
Боримни олингу... қолдириг фақат  
Ўзимга: хавотир, қийноқларимни.

Оламга элтингиз! Келди навбатим!  
Лайнерим кўнади бугун субҳидам...  
Унга айтинг: кўпдир ишим, хизматим,  
Учрашув қоладир, яна, бу гал ҳам.

Айтинг: мени улар топишди зўрға...  
Ётгандим... Яширманг ҳақни ҳеч қачон.  
Сўнг бир гап! Ер юзи шоирларига  
Менинг кўзларимни қилинг армуғон.

Беринг қўлларимни оқ кемаларга,  
Ўпкамни елларга берингиз, дўстлар,  
Лабларимни — кўшиқ ва нағмаларга,  
Оёғимни — ўтга, силжисин ўтлар.

Иш битди... Боринг тез... Кутишар сизни...  
Фикрдош бир дўстни юрингиз эслаб...  
Эшитинг! Уйкуда! Эшитяпсизми?  
Уйкуда йиртқичим! Гўзал йиртқич қалб.

Украинчадан **Миразиз АЪЗАМ** таржимаси.

Иван Драч

### Одамқуш

Ташқарида хўрсинар экан  
Ёвузликка доя тун пурғам,  
Деразамни чертасан секин,  
Менинг кулранг, жажжи қушгинам.

Узун куннинг парвозларидан  
Қанотларинг, кўзларинг толди...  
Дўстим, қора туннинг бағрида  
Нелар ўзи бўлмоқда содир?

Нега бунча потирлар кўксинг?  
Ошёнингда олмайсан ором?!  
Ҳой қушгинам, чирпираб, ўксиб  
Бахт изларсан еру кўк аро.

Биз киммиз? Нимамиз?.. Деразада сан,  
Ўлтирибсан — патларинг гардлик.

Қўрқа-писа мендан кутасан:  
Буюк ишонч, буюк ҳамдардлик.

Балки менинг тонгга қадар то,  
Қушлар дарди олар эс-хушим.  
Сен, мен битган саҳфалар аро  
Афсун ўқиб чиқарсан, қушим.

Билолмайсан — ўзи не керак,  
Нима керак бизларга ўзи?  
Фақат баттар потирлар юрак,  
Тўлиб борар қайғуга кўзинг.

Қушим, киммиз, биз, бу оламда,  
Одаммизми ё қуш, айт ахир?!  
Бир башорат ухлар одамда,  
Уйғотворсанг — юракка жабр...

Русчадан **Усмон ҚУЧҚОР** таржимаси.

Дмитро Павличко

\* \* \*

Илтимосим шу сендан — болам, деб, чақир мени,  
Фарзандин кутаётган, меҳрибон, ўзбек она.  
Брестимни асради, асради Коломимни,  
Сенинг ўғлинг қон тўкиб бахтим учун мардона.

Фақат, қайта олмади соғ-саломат бағринга,  
Балки шу армон билан очиқ кетди кўзларин...  
Энди дубга айланиб, у, Карпат йўлларида  
Япроқ ёзар навқирон, ичга ютиб сўзларин.

Тегранг қуршар фарзандлар — она, кўнглинг хушлансин:  
 Уғилларинг — жонфидо, қизларинг — соҳибжамол!..  
 Дуб баргларин учириб балки бугун хуш насим  
 Ворохтадан Тошкентга олиб келса, эҳтимол!


Русчадан **Музаффар АҲМЕДОВ** таржимаси.

## Павло Мовчан

\* \* \*

Лаҳзаларда майдек тошар  
 телбаланиб қон,  
 лаҳзаларда далиллигу  
 учиш ва завол  
 тайёр турар,  
 муҳаббатдан ўлаётган он,  
 ярадор қалб бағридаги  
 ҳайқириқ мисол.  
 Тошга теккан  
 шиша янглиғ чил-чилдир ҳаво —  
 умид қураар ҳаво қасрин,  
 ҳаво минорин,  
 унда икков яшаш учун  
 Шарқу Фарб аро,  
 Саҳару шом аро,  
 қилмай рўзғорнинг зорин.  
 Янграр эди  
 нилий гумбаз тагида сўзлар;  
 яратганни олқишларди: бердинг деб, чидам...  
 Аммо бирдан  
 чопди тўлқин дийдорни кўзлаб,  
 барин ювди:  
 тошу томни, бўёқларни ҳам.  
 Синиқларни артиб,  
 кўрдим: ёруғга солиб —  
 тошда туриб  
 учгансан, сен, юлдузлар томон...  
 Мен қичқирдим,  
 кимдир йитди овозим олиб,  
 гўё титраб чинқирикқа  
 санчилган пайкон.  
 Тошни олиб,  
 отдим сенинг изингдан, ёху,  
 руҳим тушиб,  
 тақдиримдан қаҳрга тўлиб:  
 сўқир ҳаво йўли бўйлаб  
 учиб борар у,  
 ортда изи чўзилади  
 қизил ип бўлиб.

Русчадан **Эргаш МУҲАММАД** таржимаси.



Хайриддин Султонов

## МОВИЙ НИЛУФАР ДИЁРИДА

Эсимни танибманки, бу афсонавий, гўзал ўсимлик ҳақида, унинг латиф жозибаси ҳақида турли-туман нақллар, ҳикоятю ривоятлар эшитиб келаман. Кўҳна Шарқнинг қадим ва бой адабиётида нилуфар фаол бадий тимсол бўлиб хизмат қилади. Балки шунинг учундир, Осиё ва Африкадек икки буюк қитъа ёзувчиларининг халқаро уюшмаси ҳам ўзининг фикр тарқатувчиси — адабий-бадий журналини «Нилуфар» номи билан нашр этади. Озодлик, тараққиёт ва халқлар дўстлиги йўлида улкан ишлар олиб бораётган мазкур ижтимоий ҳаракатнинг кўзга кўринган намояндалари сазовор бўладиган олий мукофотнинг ҳам шу муаттар гул номи билан аталиши бежиз эмас. Ўзбек диёрида нилуфар ўсмайди, лекин шунга қарамай халқимизнинг бу ғаройиб, жон риштасидек нозик ва нафис ўсимликига меҳри бўлакча: бунга юртимиздаги ҳар тўртта қиздан биттасининг исми Нилуфар эканлигидан ҳам билса бўлади. Хуллас, нилуфарнинг таъриф-тавсифини кўп эшитган бўлсам-да, лекин шу пайтгача ўзини кўриш насиб этмаган эди. Ниҳоят, шу йилнинг март ойида, совет ёзувчилари делегацияси сафида Жануби-Шарқий Осиёдаги энг қадимий ва навқирон мамлакат — Вьетнам Социалистик Республикаси бўйлаб ижодий сафар чоғида нилуфар гулини кўришга муяссар бўлдим. Ва шунда Шарқ шоирлари муболаға қилмаганликларига имон келтирдим.

Нилуфар — кўлларда, сув ҳавзалари, аксарият, ботқоқликларда ҳам ўсади. Май ойида нимпушти бўлиб очилади. Шарқ халқларининг яқдиллик билан эътироф этишича, нилуфар — поклик, гўзаллик ва ифбат рамзидир. Чунки, у ботқоқликда дунёга келса ҳам, нафис япроқлари ва гулбарглари — демакким, моҳиятига асло гард юқтирмайди, ҳамиша соф ва муаттар бўлиб қолаверади.

Дўст вьетнам халқининг — жафокаш, меҳнатсевар, камсуқум ва эркпарвар кишиларнинг қалб бисоти худди нилуфар гулига ўхшайди. Ҳикоямиз ҳам шу хусусда.

Делегациямиз тўрт кишидан иборат эди: ленинградлик шоир, «Литературная газета»нинг муҳбири Илья Олегович Фояяков (раҳбар), москвалик ҳарбий ёзувчи Юрий Семёнович Тарский, киевлик шоир, «Днипро» журналининг бош редактори Николай Лукив ва мен йигирма бир кун давомида биргаликда ишладик. Бизнинг мақсадимиз шунчаки сайру саёҳатдан иборат эмас, балки ҳар биримизнинг аниқ вазифамиз тайин эди. Масалан, Илья Фояяков Вьетнам ҳақида китоб ёзиш ниятини кўзлаб борган бўлса, Юрий Тарский Вьетнам Ёзувчилар союзи ҳарбий-ватанпарварлик адабиёти комиссияси ишига ёрдам бериш (у СССР Ёзувчилар союзида мазкур комиссиянинг раҳбари) мақсадида келган. Николай Лукивни кўпроқ вьетнамлик ёшлар ҳаёти қизиқтирарди. Менинг иш режаларимда эса Совет Иттифоқида, хусусан, Ўзбекистонда олий таълим олиб қайтган мутахассислар тақдири билан танишув, вьетнамлик адиблар ва ноширлар билан фикр алмашув нияти бор эди. Аввалбошданок ҳамроҳлардан омадим келганини айтиб ўтишим керак: олис сафарларда бундай ҳол доим ҳам бўлавермайди. Раҳбаримиз Илья Фояяков Вьетнам диёрининг чинакам ошуфтаси экан, бу мамлакатга бешинчи марта бориши. У вьетнам адабиётининг билимдонни, таржимони ҳамда оташин тарғиботчиси. Юрий Тарский маълумоти бўйича хитойшунос, унинг хитой ёзувини билиши қадим тарих ёдгорликларини томоша қилганимизда айниқса қўл келди: кўҳна иореглифларни ўқиб, улар замиридаги маъноларни тушунтириб юрди. Николай Лукив ёш украин поэзиясининг пешқадам вакилларида, беҳад самимий, дилкаш йигит.

12 март куни, Шереметьево — 2 аэропортидан учиб кетаётганимизда Москвада уч градус совуқ, қишки кийимда эдик. Ун олти соатдан сўнг, Тошкент — Қарочи — Калкутта шаҳарларида кўниб, ниҳоят, мангу баҳор ўлка — Вьетнам Социалистик Республикасининг пойтахти Ханой шаҳрига етиб келдик. Ташқарида 27 градус иссиқ.

Аэропортда бизни Вьетнам Ёзувчилар союзи чет эл комиссиясининг ходими Тхай Ха кутиб олди. У Ханойдаги чет тиллар институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тугатган, бадий таржима билан шуғулланади. Унинг таржимасида бир қанча китоблар, жумладан, В. Распутиннинг қисса ва ҳикоялар тўплами, А. Хейлининг «Аэропорт» романи вьетнам тилида нашр этилган. Ҳозир Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» романини рус тилидан таржима қилаётганини айтганида суюниб кетдим. Бутун сафаримиз давомида Тхай Ха бизга ҳамроҳлик қилди ва ўзбек ҳаёти, урф-одатлари, маданияти ҳақида доимо қизиқиб сўраб-суриштириб юрди. Таржима баҳонасида таниқли адибимизнинг бу асари унинг қалбида юртимизга нисбатан меҳр-эътибор уйғотгани сезилиб турарди.

Ханойнинг эски номи — Тханлонг. Қадимий вьетнам тилида бу сўз «учар аждаҳо шаҳри» деган маънони англатади. Халқ мифологиясида аждаҳо мардлик, куч-қудрат ва олижаноблик тимсоли

ҳисобланади. Шаҳарнинг қоқ марказида бир неча гектар келадиган табиий локувард кўл оҳишта мавжланиб ётибди. Кўлнинг номи ҳам ғалати — «Хоан Кием», яъни «Қайтарилган қилич» кўли. Ривоят қилишларича, қадим замонда бир ҳукмдор шу кўлда қайиқда сузиб бораётса, бир тошбақа сувдан бошини чиқариб, унга катта қилич тутқазибди. У пайтда бутун мамлакат халқи чет эл босқинчиларининг зулмидан азоб чекиб ётган экан. Ҳукмдор буни рамзий бир ишора деб тушунибди ва лашкар тўплаб, босқинчиларга қарши жангга отланибди, уларни қириб ташлаб, юртини озод қилибди. Шоду хуррам яшаётган кунларининг бирида у яна шу кўл узра қайиқда сайр қилиб юрган экан, бир маҳал бояғи тошбақа сувдан бошини чиқариб, қиличини қайтариб беришини сўрабди, сўнгра қилич билан бирга кўл қаърига ғойиб бўлибди. Яъни, бу қилич мамлакатни халос этиш учун, озодлик кураши учун берилган эди, у истилога, ўзгаларни забт этишга хизмат қилмаслиги лозим, деган маъно муҷассам. Кўлнинг ўртасида «Тошбақа минораси» деган тарихий ёдгорлик виқор тўкиб турибди. Умуман, мана шу ривоят замирида вьетнам халқининг тарихий тафаккури, эрксевар ва мағрур қалб шижоати ўзига хос ифода топгандек туюлади.

Биз Қайтарилган қилич кўли ёқасида, худди шу ном билан аталувчи меҳмонхонада турдик. Меҳмонхоналарда менга бир нарсга маъқул бўлди: иқлим шароитлари ҳисобга олинган. Масалан, ҳар бир хонада чойнак-пиёла, қуруқ чой, термосда доғ сув бор. 35—40 даражали иссиқда фақат қайноқ кўк чой билан ташналикни қондириш мумкин. Таомилга кўра, бу ерда таомдан олдин хушбўй, муздек шўл сочиқлар берилади — юз-кўлингизни артишингиз билан бирданига қушдек енгил тортасиз. Шўнингдек, жазирама, намчил ҳавони ҳисобга олиб, чойдан бошқа ҳамма ичимлик (қаҳва ҳам) муз солиб тортилади.

13 март куни Вьетнам Ёзувчилар союзидга қабул маросими бўлди. Союз секретари, ёзувчи Хю Май делегациямизни қабул қилиб, республика Ёзувчилар союзининг кўп қиррали фаолияти, Вьетнам Коммунистик партиясининг VI съезидан сўнг мамлакат ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва уларнинг адабиётда қай даража акс этаётгани хусусида сўзлаб берди. Уртоқ Хю Май ёшлик чоғларидан озодлик курашларида, партизанлик ҳаракатида фаол иштирок этган, полковник унвонига эришган, ҳарбий-ватанпарварлик мавзудидаги кўплаб асарлар муаллифи.

Вьетнам Ёзувчилар союзининг ҳозирги кунда 800дан ортиқ аъзоси бор. Вилютларда союзнинг бўлимлари мавжуд.

Вьетнам Коммунистик партиясининг VI съезди республика ҳаётида муҳим тарихий аҳамият касб этди. Социалистик экономикани қайта қуриш, салбий ҳодисаларни тугатиш бўйича қатор конкрет тадбирлар белгилаб чиқилди. Съезд тўртта асосий программани қабул қилган: 1. Истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш. 2. Экспорт моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш. 3. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш. 4. Оилани планлаштириш.

Сўнги масала мамлакат ҳаётида долзарб социал аҳамиятга эга, чунки аҳоли ўсишини илмий равишда ўрганиб планлаштирмай туриб, республика олдидаги мураккаб иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас. Ханойда рус тилида нашр этилган «Вьетнам Коммунистик партиясининг VI съезди арафасида» деган китобчада, жумладан, бу хусусда қуйидагиларни ўқиш мумкин: «1984 йили Вьетнам аҳолиси 58 миллион кишидан иборат эди. Сўнги қирқ йилдан ортиқ давр мобайнида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати аҳолининг ўсиш суръатларига тахминан барабар бўлган. Оқибатда аҳоли жон бошига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсмаган. Айрим районларда аҳоли зичлиги бениҳоя юқори, экишга яроқли ер майдони эса ниҳоятда кам. Ҳозирги вақтда Вьетнам аҳолисининг сони бўйича дунёда ўн учинчи ўринни эгаллайди, шу билан бирга аҳоли жон бошига нисбатан тақсимланадиган миллий даромад бўйича энг камбағал давлатлар қаторида туради».

«...1962 йилдан бошлаб республика ҳукумати оилани планлаштириш сари йўл тутган. Қизлар 22 ёшга тўлгандан сўнг турмуш қурадилар, ўттиздан ўтган аёллар бола туғишни тўхтатадилар... Шу йўл билан икки мингичи йилнинг охиригача бориб мамлакат аҳолисининг 70 миллиондан ошмаслигини таъминлаш кўзда тутилган... 1984 йилнинг апрелида республика Министрлар Советининг қарорига биноан Аҳоли сони ва оилани планлаштириш ишлари бўйича Давлат комитети ташкил этилди» (128—129-бетлар).

Аммо мавжуд қийинчиликларга қарамай, вьетнам халқи ниҳоятда хушфёъл, меҳрибон, одамижон, меҳмондўст. Сафар чоғи биз бунга қайта-қайта ишонч ҳосил қилдик. Улар Совет Иттифоқига нисбатан қизғин дўстлик туйғуси, чинакам интернационализм ғояси билан яшаётганликларини кўрдик.

Эртаси куни нонушадан сўнг буюк революционер Хо Ши Мин мавзолейини зиёрат қилгани бордик. Мавзолей машҳур Вадинь майдонида жойлашган — бу ердан 1945 йил август ойида Вьетнам миллий — озодлик революцияси ғалаба қозонгани ҳақидаги хабар эълон қилинган. Илгари бу жойда Ҳинди-Хитой мустамаккачи ҳукумати — француз губернаторининг резиденцияси бўлган, ҳозир эса шу бинода республика Министрлар Совети иш олиб боради. Магнолия, жасмин, пальма дарахтлари, турли-туман гул-чечаклар билан ороланган гўзал боғ ўртасида Хо Ши Миннинг мангу қароргоҳи сукутга чўмиб турибди. Мавзолей пештоқига улў эркпарвар курашчининг: «Дунёда Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигидан кўра қимматбаҳо нарсга йўқ», деган сўзлари битилган.

Халқ революцияси ғалаба қозониб, Хо Ши Мин республика президенти этиб сайлангач, унга губернаторнинг собиқ резиденциясига кўчиб ўтишни таклиф қилишган. Аммо у таклифни рад этиб, боғ этагидаги кичкина уйчага — губернаторнинг монте́ри яшаган қулбага кўчиб кирган ва то бу истиқоматгоҳи нураб, яроқсиз ҳолга келгунига қадар шу ерда кун кечирган. Қулбада бундан буён яшаш хавfli бўлиб қолганида унга резиденцияга кўчиб ўтиш ҳақида иккинчи марта таклиф қилинган. Бироқ халқ доҳийси бу сафар ҳам рад этиб, боғ ичкарисида — шундоққина мовий кўл лабида ўзи тўқайларда кўрган қишлоқ қулбаларига ўхшаш уйча қуриб беришларини сўраган. Бутун мамлакат уруш азобларини чекиб, оч-яланғоҳ ҳолда яшаётган пайтда менинг резиденцияда савлат тўкиб яшашим бўлмас, деб андиша қилган. Унинг илтимосига кўра, бамбукдан олди очиқ, томи қамиш билан ёпилган кичкина уйча қуриб беришган ва умрининг охириги кунларига қадар шу ерда яшаган. Икки бўлмадан иборат бу қулбанинг майдони — 10 квадрат метр. Умуман, Хо Ши Мин чинакам ленинчи бўлган — назарий тафаккур соҳасида ҳам, революцион кураш тажрибасида ҳам,

пролетар интернационализи бобида ҳам, шахсий ҳаёт ва камтарлик борасида ҳам. Иш столи устида охири марта ўқиган китоби очiq қолган — бу В. И. Лениннинг «Давлат ва революция» асаридир.

Доҳий Ленин каби Хо Ши Мин ҳам болаларни бениҳоя яхши кўрган. Ҳатто Сиёсий бюро мажлислари ўтказиладиган ёзги шийпонда ҳам болалар учун жажжи ўриндиқлар, аквариумларда митти балиқчалар қўйилган — у бўш вақтларида шу жойда кичкинтойлар билан суҳбатлашиб ўтиришни ёқтирган. Хо Ши Миннинг эзгу орзуси бўлган: у собиқ губернатор резиденциясини (бу ҳашаматли бино балки Ханойдаги энг муҳташам иморатдир) пионерлар саройига айлантиришни ният қилган.

Хо Ши Миннинг ўз оиласи ҳам, халқнинг юксак меҳр-муҳаббатидан бўлак бирорта расмий мукофоти ҳам бўлмаган. Ҳозир ҳам халқ ардоғига чўмиб мангу фароғат оғушида ётибди.

Тушдан кейин Ханойдаги кўҳна тарихий ёдгорлик — Ван Миэу — Адабиёт қасрини бориб кўрдик. Бу қадимий обида вьетнам халқининг ўтмишдаги бой маданияти ҳамда санъат ва илму урфонга чексиз эҳтиромидан далолат беради. Адабиёт қасри 1070 йилда қирол Ле Танг Том томонидан қурилган. 1076 йилда бу ерда мамлакатдаги дастлабки олий мактаб ташкил этилган. Унда асосан оқсуякларнинг фарзандлари билан бирга халқдан чиққан қобилиятли болалар ҳам таълим олишган. 1484 йили адабиётга алоҳида ихлос қўйган қирол Ле Тонг Том мактабни муваффақиятли битириб чиққанлар шарафига улкан тошлавҳалар ўрнатиб, уларнинг исмларини зикр этишни жорий қилдирган. Адабиёт қасрининг катта ҳовлисида тошбақа ҳайкалининг устига ўрнатилган 82 та ана шундай лавҳа бор. Буларга 1360 кишининг номи хитой иореглифида ўйиб ёзилган. Охири лавҳа 1780 йили ўрнатилган. Халқ мифологиясига кўра, тошбақа — донишмандлик ва умрзоқлик рамзи ҳисобланади.

Диққатга сазовор жойи шундаки, бу тарихий обиданинг ёнгинасида замонавий мактаб бор, алвон галстук таққан ўғил-қизлар танаффус чоғи Адабиёт қасрининг яшил майдонида қувлашиб-қувнашиб ўйнаб юрадилар.

Адабиёт қасридан чиқиб, «Ван Нге» («Адабиёт ва санъат») газетаси редакциясига учрашувга бордик. Газета 1948 йилдан бери чиқади. Жунглида, Қаршилиқ ҳаракати сафларида асос солинган. Ҳозир ҳафталикка айлантирилган. Тиражи — 40 мингдан 60 минггача етади. Ҳар сонининг икки саҳифаси чет эл адабиётига бағишланади.

Вьетнамлик адабиётчилар совет адабиёти ҳақида, мамлакатимиздаги қайта қуриш жараёни ва бадийий зиёлиларнинг бу борадаги фаолияти ҳақида қизиқиш билан сўраб-суриштирдилар. Ч. Айтматовнинг «Кунда», В. Дудинцевнинг «Оқ либос», Д. Граниннинг «Зубр» асарлари ҳақида, Б. Пастернакнинг ижодий тақдири хусусида турли-туман саволлар тушди. Чингиз Айтматовнинг юксак гуманистик ижоди Вьетнамда айниқса маълум ва машҳур. Улар унинг фамилиясини ўзига хос ширин бир талаффуз билан «Атматов» деб айтишади, деярли барча асарларини ўқишган, қаҳрамонларини ёд билишади. Шу муносабат билан иккита воқеани келтириб ўтмоқчиман: Ханойда биз яшаган меҳмонхона ресторанида Лан деган хушрўй, ёқимтойгина қизча официант бўлиб ишларкан. Бир куни унга Самарқанд тасвири туширилган значок совға қилдим. Таржимон менинг Ўзбекистондан эканимни айтганида, унинг куралай кўзлари чақнаб кетди, гул-гул яшнаб: «Атматов!» деди. У атоқли адибимизнинг кўп китобларини ўқиган, ўзиям нозиклиги, ўт-олов жозибаси билан Жамилага ўхшаб кетар эди.

Иккинчи воқеа кейинроқ — биз мамлакат жанубига, Хошимин (собиқ Сайгон) шаҳрига борганимизда рўй берди. Шаҳарда чиқадиған ёшлар газетасининг муҳбири Нгуен Чонг Кук бир адабий даврага биздан интервью олгани келган эди. Давра хийла катта бўлиб, иккаламиз ёнма-ён ўтириб қолдик. Таржимонимиз давранинг нариги бошида бўлгани сабабли икковимиз бир-биримизга жилмайиб сўзсиз ўтиравердик. Ниҳоят, у бир пайт кўлимни маҳкам сиқиб: «Қирғизистан. Атматов!», деди. Мен кулиб бош ирғадим. «Ў!» — деди у ҳайрат билан, сўнгра: «Эдигей!» дея хитоб қилди. «Авдий», дедим мен. «Ў! Жамила!», деди у. «Танабой!», дедим мен. «Ў! Толғонай!» деди у. «Дўйшен», дедим мен. Хуллас, шу тариқа биз сеvimли қаҳрамонларимизнинг номларини такрорлаб, дилкаш «суҳбат» қурдик. Хошимин шаҳрида «Кунда» романининг вьетнам тилидаги таржимасини кўрсатишди. Негадир журнал нашрида роман иккинчи қисмидан бошланган эди. Суриштирсак, дўстларимиз кулимсираб изоҳ беришди: таржимоннинг кўлига дастлаб романнинг шу қисми теккан экан, шартта таржима этиб, эълон қилдириб юборибди, кейин бошқа қисмлари ўғирилган. Чинакам сўз санъатининг қудрати, тиллардан тилларга, диллардан дилларга йўл топиб боргучи сеҳрли жозибаси балки шундадир.

15 март куни делегациямиз раҳбари Илья Фояков: «Бугун сизларни вьетнамлик қизим ва набирам билан таништираман», деб қолди.

Бироздан сўнг унинг хонасига кўлида гўдак кўтарган ёшгина, очiq чеҳрали, қорасоч, қора кўз бир жувон кириб келди, рус тилида бийрон гапириб ҳаммамиз билан самимий саломлашди, Илья Олегович билан эса «Дадажон!» деб кўришди. Танишдик. Меҳмонимиз Чан Тхань Тхи Фионг — таниқли вьетнам шоири Те Ханнинг қизи бўлиб, Кишинёвда, университетнинг химия факультетида ва аспирантурасида ўқиган, химия фанлари кандидати. Ханойдаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган муассасаларнинг бирида ишлайди. Уқиб юрган чоғида у бир куни Илья Фояковнинг уйига хат ёзиб, унинг ўзига ота тутинишини илтимос қилган. Шоир ва унинг рафиқаси бу таклифни мамнуният билан қабул қилишган. Орада маълум муддат ёзишмалар бўлиб турган, қиз бир неча марта Ленинград келиб-кетган, таътилларини тутинган ота-онасининг уйда ўтказган. У ҳозир ҳам Илья Олеговични «дада», унинг рафиқасини эса «она» деб атади. Юртига қайтгач, у турмуш қурган, қизчалик бўлган. Кўзлари куралай, ширин бу қизалоқ бир ярим ёшда, онаси унга Совет Иттифоқида кечган кунларининг хотираси сифатида Фионг Нга — «Олис Россия» деб ном қўйибди. Илья Олеговичнинг тутинган қизи ва набираси билан учрашуви бениҳоя таъсирли, ҳаяжонли воқеага айланиб кетди. Чан Тханнинг чин отаси — боя айтганимдек, Вьетнамнинг кекса ва атоқли шоирларидан бири, мулойим, хушфезл киши. Ёшлиқ чоғларидан бошлаб озодлик курашида фаол қатнашган, бир марта америкаликларнинг газ ҳужумига йўлиқиб, кўзлари қаттиқ шикаст ланган, ҳозирга қадар гоҳ СССРда, гоҳ ГДРда даволаниб келади. «Кўзлар» деган ажойиб шеърини

туркуми бор, Илья Олегович шу туркумдан баъзи шеърларни ўз таржимасида ўқиб берди — мазмуни теран, дардли сатрлар.

Умуман, бу мамлакатда шеърят қадимдан камол ва шуҳрат топиб келган. Шеърый тафаккур яхши ривожланган. Вьетнам тили бениҳоя муסיқий, оҳангдор. Шеърни ҳам худди қўшиқ куйлагандек қилиб ўқишади. Тил кўп урғулик системага («тональность») эғалигидан, ўзга миллат кишисининг уни ўрганиши ниҳоятда қийин. Шу боисдан бўлса керак, биз қайси адабий даврага бормайлик, атоқли совет вьетнамшунос олими, таржимон Мариан Ткачевнинг номи қайта-қайта ҳурмат билан тилга олинди. Чиндан ҳам, бу заҳматкаш ижодкор вьетнам адабиётидан қилган кўп ва хўб таржималари, вьетнамшунос кадрлар тайёрлаш борасида МДУда олиб бораётган катта илмий-педагогик фаолияти билан ҳар қандай таҳсинга сазовор. Чунки дунёда дўстлик ва бродарлик ишига хизмат қилишдан ҳам кўра олижаноб иш бўлмаса керак.

Тушдан кейин Вьетнамнинг машҳур ёзувчиси, тирик классик Нгуен Туанни зиёрат қилгани бордик. У миллий қаҳрамон Чан Хуань Дао номи билан аталувчи кўчада, учинчи қаватда яшайди, Сийрак, оппоқ соқол-мўйловли, қадимий урфга кўра сочи узун, нуроний, донишманд мўйсафид. Ёши 76 да, лекин ҳаракатлари тетик, бардам. Хонасининг ҳамма ёғида расмлар, китоблар. Тўқима сават курсиларда ўтириб суҳбатлашдик. Оқсоқол адибнинг хотираси тиниқ, сўзлари қисқа-қисқа, лекин мақолдай маънодор, у мураккаб ижод ва ҳаёт йўлини босиб ўтган, Вьетнам ёзувчилар союзининг асосчиларидан бири ва биринчи раиси бўлган. Дунё кезган, жаҳонгашта одам. Француз, инглиз тилларида бемалол гаплашади. Совет Иттифоқига бир неча марта саёҳат қилган. Вьетнамда у бормаган кишлок, у кирмаган кўча йўқ, деб таърифлади таржимонимиз Тхай Ха.

Нгуен Туандан йигирма йиллик сукутдан сўнг китоби нашр этилган шоир Нгуен Бинь ҳақида фикрини сўрадик. Мўйсафид хийла вақт ўйлаиб туриб: «Унинг шеърлари ҳақиқатан ҳам яхши, лекин у бир оғиз ҳам французчани билмасди — шу нарса ижодига самарали таъсир кўрсатган», деди. Қисқалина бу жавобда катта маъно бор эди. Маълумки, француз мустамлакаси даврида маҳаллий зиёлилар ўртасида француз адабиёти ва урф-одатларининг таъсири кучли бўлган. Аксарият маданият намояндалари Парижда таҳсил кўрганлар, Вьетнамдаги француз лицейларидан ҳам кўплаб шоир, ёзувчилар етишиб чиққан, демак, бу жараённинг таъсири ва акс таъсири назариндаги табиий. Нгуен Бинь шеърларидаги халқчил соддалик, тил жиҳатидан софлики, бизгаримда, оқсоқол адиб шундай шарҳлаган эди.

Мен Нгуен Туанга Ўзбекистондан олиб борган камтарона совғаларим — патир ва бир кафт майизни топшириб, бошига дўппи кийгизган эдим, ўзимизнинг нуроний, табаррук отахонларга ўхшаб қолди. У ўлкамиз ҳақида жуда кўп нарса эшитгани-ўқиганини, лекин афсуски, юртимизда бўлиш насиб этмагани хусусида гапирди. Кекса адиб ҳозир ўзининг сафар-саёҳатлари ҳақида хотиралар китобини ёзмокда.

Эртаси куни ёзувчилар союзида танқидчилар билан учрашув ҳамда Санъат ва маданият ходимлари ассоциациясининг Ханой бўлимида қизгин суҳбатлар бўлиб ўтди, индинига эса делегациямиз Ханойдан 150 километр нарида жойлашган Намдинь вилоятига жўнаб кетди.

Намдинь — Вьетнамнинг тўрт минг йиллик тарихга эга қадимий ва йирик вилоятларидан бири, тўқимачилик саноатининг маркази. Бизга таржимонимиз билан бирга шоир Данг Бай ҳам ҳамроҳлик қилди. У Ленинградда, ўрмон ўзбекилиги академиясида ўқиган, аммо адабиётга меҳри баян келиб, ҳозир «Ванг Нге» газетасида ишлайди, совет шоирларидан таржималар қилади. Данг Бай ўтган йили вьетнамлик ёзувчилар делегацияси сафида Тошкентга келгани, Дўрмондаги ажойиб боғда яшагани, Самарқандда ҳайратомуз тарихий ёдгорликларни кўргани, Ўзбекистон ёзувчилар союзида «худди вьетнамликка ўхшайдиган машҳур шоир — Абдулла Орипов» билан бўлган суҳбат хусусида йўл бўйи завқ-шавқ билан сўзлаб келди.

Соат ўн бирда Намдиньга етиб келдик. Ассоциациянинг маҳаллий раҳбарлари, вилоят комитетининг маъсул ходимлари кутиб олишди. Вилоят ўзининг адабий анъаналари, ижодий кучлари билан ифтихор қилар экан. Машҳур шоир Нгуен Бинь ҳам асли шу ерлик. Шаҳарда драма театри ишлаб турибди, икки ойда бир марта чиқадиган адабий журнал бор.

Кечкурун Ассоциация активлари билан учрашув бўлди. Вилоят адабий журналининг янги сонларини бизга тортиқ қилишди. Уларнинг бирида Василий Шукшиннинг «Кузда» деган ҳикоясининг таржимаси босилган. Жуда жонли, қизгин суҳбат бўлди. Мезбонларимиз совет адабиётидаги энг сўнги янгиликлардан ҳам хабардор. Ҳатто «Известия» газетасида чиққан В. Лакшиннинг Ч. Айтматов, В. Белов, В. Астафьев ҳақидаги мақоласи Е. Евтушенконинг «Советская культура»да эълон қилинган охириги суҳбатига қадар яхши билишади. Менга тушган саволлар орасида роман жанрининг ҳозирги аҳволи ҳақида (яъни унинг куни битганими ёки яшашга ҳақлими) фикр билдириш ҳам сўралган эди. Менинчга, бундай мунозаралар ҳамиса бўлиб келган, бироқ бундан қатъий назар, роман ўз йўли билан, ўз ички қонуниятларига асосан барча башоратларни рад этиб ривожланиб келмокда. Албатта, бу тараққиёт гоҳ жадаллик билан, гоҳ оғир қарвон сурьатлар билан кечмокда. Айтилик, бирмунча мўддат япон романи жаҳон адабиётида катта қизиқиш уйғотган бўлса, кейинроқ бориб бу тўлқин Лотин Америкаси томон кўчди. Халқ ҳаётидаги тарихий бурилиш нуқталари доимо роман жанри учун бой материал беради. Маълумки, ҳозир СССР ҳам, ВСР ҳам ана шундай улкан бурилиш даврини бошдан кечирмокда. Уйлайманки, қайта қуриш даври ҳам ҳали кўпгина ажойиб романларни вужудга келтиради. Лоқаал совет адабиётида кейинги вақтда пайдо бўлган иккита асар — Ч. Айтматовнинг «Кунда» ва В. Дудинцевнинг «Оқ либос» романлари уйғотган катта қизиқиш ҳам мазкур жанрнинг инқирозидан эмас, аксинча, истиқболдан далолат бериб турибди. Сўзимнинг охирида, ўзбек романчилиги ҳақида ҳам икки оғиз гапириб, дўстимиз Тхай Ха бизнинг адибимиз Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» романини меҳр билан таржима қилаётган экан, демак, энди роман ўлмайди, мангу яшайди, дедим ҳазиллашиб. Кулишдик. Кейин шеърхонлик бўлди: Илья Фоянков, Николай Лукив ва вьетнамлик дўстларимиз навбатма-навбат ҳароратли шеърларини ўқидилар.

20 март куни мамлакатнинг ўрта қисмида жойлашган республикадаги учинчи катта шаҳар —

Дананга учиб келдик. Бу ерда 400 минг аҳоли истиқомат қилади, нефть конлари бор, денгиз хўжалиги яхши ривожланган. Бешта йирик денгиз порти ишлаб турибди, туризм, савдо-сотиқ дуруст йўлга қўйилган. Бу шаҳарда ҳам худди бошқа жойларда бўлгани сингари, кўчанинг асосий хўжайини — велосипед. Машиналар қисилиб-қимтиниб, аранг ўзига йўл очиб боради, минг-минг велосипед эса дарё каби шувиллаб оқади.

Мамлакатнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда бирорта ҳам шахсий автомашина йўқ. Чунки, биринчидан, машинанинг нархи баланд, иккинчидан, бензин четдан келтирилгани учун жуда қиммат. Идора ва ташкилотларга эса турли-туман мамлакатларнинг турфа модель ва маркадаги машиналари хизмат қилади.

Аэропортда бизни маҳаллий ассоциация раиси Ван Ти кутиб олди. У машҳур прозаик, романнавис. Еши 57 да, қарийб 35 йил қўлида қурол билан озодлик жангларида қатнашган. Осиё-Африка ёзувчилар ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бири, кўпгина атоқли адибларимиз билан шахсан таниш бўлган: Николай Тихонов, Мирзо Турсунзода, Константин Симонов, Борис Полевой... Тошкентда ўтказилган конференция йиғинларида ҳам бўлган. Хива, Самарқанд, Бухорода кўрганлари, Мирзачўлга борганларини мароқ билан сўзлаб берди. Суҳбат чоғи кимдир денгизни кўриш истагини билдирган эди, шу заҳоти рози бўлиб, яп-янги «Раф»да бизни океанга олиб боришди. Шаҳардан чиқиб, ўн беш минутлар юрилгач, пўртана уриб ҳайқириб ётган Тинч океан соҳилига етиб бордик. Бу ерда «Интурист»га қарашли халқаро дам олиш зонаси жойлашган. Ҳали мавсум очилмагани учун пляжда одам сйрақ.

Машинадан тушиб, поёнсиз, улуввор океан томон борарканмиз, Ван Тидан: «Бу ерда аюла йўқми?» деб сўрадим. Гап шундаки, бир кун аввал Ханойдаги элчихонамизнинг маданият масалалари бўйича биринчи секретари Александр Максимович Шевченконинг уйда меҳмон бўлганимизда, мезбон бизга «Ком» («Челюсть») деган машҳур америка видеофильмини кўрсатган эди. Фильм даҳшатли, лекин теран фалсафий мазмуни бор: бир пляж шаҳрида аюла пайдо бўлиб, дам олувчиларни бирин-кетин қомига тортиб кета бошлади. Шаҳар полициясининг бошлиғи пляжни ёпиб қўйишни талаб қилади. Аммо пул кетидан қувган бизнес корчалонлари бунга рози бўлишмайди. Даҳшатли эпизодлар эса кун сайин такрорланаверади. Аюлани ўлдириш учун қилинган барча ҳаракатлар зое кетади. Охири полиция бошлиғининг ўзи иккита шериги билан моторли қайиқда аюланинг пайига тушади ва омонсиз жангдан сўнг, оғир талофатлар бериб, йирткичи аранг маҳв этишга эришади. Фильмнинг сув остида, юксак профессионал маҳорат билан олинган, кишининг тепа сочини тикка қилиб юборадиган кўрқинчли кадрлари бор. Аюланинг қомидан кўра одамзотнинг балои нафс қоми баттарроқ, деган фикр асар замирига сингдирилган. Ван Тига бояғи саволни хавотирланиб берганимизни боси шунда эди. Кекса жангчи қувноқ, ҳазилкаш одам экан. «Сираям чўчиманг, — деди у, — бу ер халқаро пляж». Мен кулиб юбордим: «Фильмдаги жой ҳам худди шунақанги халқаро пляж эди». «Ҳа-а, — деди Ван Ти жилмайиб, — лекин барибир хавотирингиз беҳуда: бу пляжда аюла йўқ, чунки аюла китдан кўрқади, бу ерда фақат кит бор».

Эртаси кун Данангдан 110 километр олисдаги қадимий Хьюэ шаҳрига жўнадик. Хьюэ — вьетнам қиролларининг кўҳна пойтахти, ҳозирги кунда вилоят маркази. Йўл баланд тоғ довоидан ошиб ўтади. Худди Тошкент — Қўқон довоининг ўзи. Кечга томон қадимий пойтахтга кириб келдик.

Вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Нгуен Динь бизни қабул қилиб, вилоятдаги ишлар ҳақида ҳисоа қилиб берди. Шу ерда бизни тарвуз ва узум билан меҳмон қилишди. Ҳаво 32 градус иссиқ.

Вилоятда асосан шоли (йилига икки ҳосил), қаҳва, каучук, қалампир, субтропик мевалар етиштирилади. Кейинги йилларда техник экинларга алоҳида эътибор берилмоқда. Экишга яроқли ерларнинг асосий қисми оилавий пудрат асосида деҳқонларга бўлиб берилган. Бу самарали усул дарҳол ўзининг ижобий натижаларини бера бошлаган. Масалан, оилавий пудратга ўтилмасдан илгари — 1976 йилга қадар вилоят ҳар йили аҳолисини боқиш учун 420 минг тонна шолени давлатдан қарз олган бўлса, ўтган йилдан эътиборан ўзини ўзи таъминлашга эришган. Вилоятда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари чет эл фирмалари билан бевосита иқтисодий алоқалар ўрнатишга интилоқда.

Кечқурун соат саккизда Ассоциациянинг маҳаллий бўлимида учрашув бўлди. Йигирма чоғли шоир ва адиллар иштирок этган бу кеча вақт ҳотирамда сақланиб қолади, чунки мен бу ерда вьетнамликларга хос юксак меҳмондўстлик маданияти яна бир қарра намоён бўлганини кўрдим.

Маҳаллий хонанда ва созандалар ижросида концерт берилди. Дастлаб миллий чолғу асбобларида куйлар ижро этилди. Ун тўртинчи асрда яратилган ҳазин, қадимий бир куй чанг ва дуторга ўхшаш асбобда ижро этила бошлаши билан Шарқнинг ўлмас оҳанглари дилларимизни забт этди. Кейин суриштирсам, мен чангга ўхшатган асбобнинг вьетнамча номи «чан» экан. Жуда ҳайрон қолдим. Ха Хнан Лин деган овози кўнғироқдек кўшиқчи қиз бири-биридан таъсирли ашулалар айтиб берди.

Эртаси кун музейга айлантирилган қирол саройини бориб кўрдик. Бу муҳташам архитектура комплекси Вьетнам меъморлик тафаккури ва маданиятининг ажойиб обидаси саналади. 1804 йили бошланиб, 24 йил давом этган оғир, машаққатли қурилиш ишлари натижасида шу ҳайратомуз ансамбль вужудга келган. Уч қават қалин тош девор билан ўралиб, 307 гектар майдонни эгаллаган бу шаҳарчада 140 меъморлик иншооти бўлган. Урушлар натижасида уларнинг кўпи шикастланган. Асосий дарвоза — Но Мондан ичкари кирилганда катта майдон намоён бўлади. Бу ерда парадлар, турли-туман ҳарбий маросимлар ўтказилган. 1945 йил 23 август кун эса шу жойда Вьетнамнинг сўнги қироли Бао Дай расмий равишда тахтдан воз кечиб, халқ революцияси вакилларига салтанат рамзи — олтин қилич билан зумрад муҳрни топширган, сўнг ўзи барча дарбадар подшоҳлар сингари чет элга — мусофирлик сари юз тутган. Айтишларича, у ҳозир ҳам тирик, Парижда яшар эмиш.

Тхай Хоа — «Буткул олам» деб аталган улуввор, муҳташам қасрда қирол иш кўрган. Қаср олдидаги саҳнда турли йиғинлар ўтказилган. Унда иштирок этадиган ҳарбий ва адабий амалдорларнинг нуфузига кўра эгаллайдиган жойлари тошлавҳалар билан белгилаб қўйилган. Адабиёт аҳли чап томонда турар экан — бу алоҳида эҳтиром аломати. Қаср ичидаги ҳашаматли, тиллақори залнинг

ўртасида қиролнинг олтидан ишланган тахти бор. Саройнинг орқа томонида «Таъқиқланган шаҳар» — ҳарам жойлашган. Бундаги кўркем иморатларнинг бир қисми қирқинчи йили бомбардмонда вайрон этилган, бир қисми ҳануз виқор тўкиб турибди. Бу ерда, шунингдек, император театри ва кутубхонаси ҳам бўлган, улар ҳозир таъмир қилинмоқда. Бу салтанатда Минь Туай деган қирол давр сурган.

Шаҳарчанинг ғарбий томонида Нгуенлар сулоласининг мақбаралари бор. Бу сулола тарихида ўн учта қирол ўтган, уларнинг барчаси шарафига мана шу улғувор мақбара бунёд этилган. Ти Дик деган тўртинчи қирол даврида, 1864—1883 йиллар мобайнида қурила бошланган. Унинг ўзи шу ерга дафн этилган, лекин қабри қаерда эканини ҳеч ким аниқ билмайди. Мақбара ичида тош девор билан ўраб олинган тўртта катта-кичик ҳовли бор, ҳар бирида олтан мармар даҳмалар тикланган, уларнинг бирига қиролнинг номаи аъмоли, иккинчисига диний ояклар ўйиб ёзилган. Энг ичқаридаги кўримсизгина тош сағана остига қирол дафн этилган, деб тахмин қилинар экан. Баъзи тадқиқотчилар эса бунга шубҳа билан қарашларини, қирол умуман бу ерларга дафн этилмаган, деган фикр билдиришларини мезбонларимиз айтиб беришди. Душманлар ҳокимни топтайди, деб кўркемни ёки бошқа сабабданми, хуллас, барча мустабид жаҳонгирлар сингари Ти Дикнинг ҳам қабри номаълум экан. Одам беихтиёр уйга толади: бу асасаяу дабдабага чўмган қасрлар, муаззам кўшкун равоқлар, тиллакори саройлар, атай ният қилиб қурилган пуриквор мақбаралар бағрида мангу маскан учун икки газ қор ер топилмаса... Марг бундай салтанатга!..

Хьюэ буддизмнинг қадимий маркази ҳам ҳисобланади. Шаҳар четида 1601 йилда қурилган етти қаватли кўҳна ибодатхона — минора бор. Унинг баландлиги 33 метр, ичида Будданинг олтидан ишланган ҳайкаллари бўлган. Энг тепасида кўнғироқхона жойлашган, оғирлиги икки тоннали улкан кўнғироқнинг товуши ўн икки километрдан ҳам эшитилиб туради. Ибодатхона ҳовлисида Тик Куанг Дик исмли машҳур будда роҳибини эслатувчи нодир бир экспонатни кўрдик. 76 яшар бу роҳиб 1963 йил 11 июль куни Сайгонда, кўнғироқ ҳукумат маҳкамаси олдида мавжуд ғайриинсоний тузумга қарши норозилик белгиси сифатида ўзини ёқиб юборган. Тик Куанг Дик шу ибодатхонада хизмат қилган, ҳовлида Сайгонга миниб борган машинаси ноёб хотира сифатида сақланади.

23 март куни Данангдан 45 километр олисда жойлашган уездга бордик. Уездда, бутун мамлакатда бўлгани каби, бундан ўн йил бурун қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш амалга оширилиб, якка хўжаликлар тугатилган. Ҳозир йигирмата қишлоқ хўжалик кооперативи мавжуд. Биз шулардан бири — «Зию Сен» деб аталувчи илғор хўжаликда бўлдик.

Данангга қайтиб келганимизда мени кувончи бир учрашув кўтиб турарди. Кечкурун меҳмонхонага икки вьетнамлик йигит мени йўқлаб келди. Улар шаҳардаги нашриёт ходимлари экан: Нгуен Ван Хоа — бош муҳаррир ўринбосари, иккинчиси Во Тан — нашриёт редактори. Во Тан — «ҳомюртимиз», Тошкент политехника институтини 1978 йили тугатган, ҳушфёъл, ёқимтой йигит. Нгуен Ван Хоа эса Бухарест университетининг журналистика факультетида таълим олган, музика ва шахмат ихлосманди. Адабиётларимиз ва нашриётларимиз ҳусусида суҳбатлашиб ўтирарканмиз, улар Дананг нашриёти «тошкентлик бир ёзувчининг китобини вьетнам тилида» нашр этаётганини айтиб, шу китобни кўрсатишди. Қарасам, 1977 йили ўзимизнинг Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти рус тилида босиб чиқарган ҳамшаҳар адибимиз Вильям Александровнинг «Салом, одамлар!» деган қиссалар тўплами экан. Хурсанд бўлиб кетдим.

— Адабий дўстлигимиз — абадий дўстлигимиз бўлсин! — дея яқдиллик билан тилак билдирдик.

Вьетнамдаги ўша алангали кураш йилларида «Сайгон реакцион режими», «Сайгон кўнғироқ ҳукумати» деган иборалар газетаяу радиоларда қайта-қайта такрорланавериб, ёшлик хотирамизга мустаҳкам ўрнашиб қолган. Мана, ўн икки йилдирки, собиқ Сайгон — ҳозирда Хо Ши Мин номи билан аталувчи бу улкан шаҳар озод ҳаёт кечирмоқда. Мамлакатдаги энг йирик бу шаҳарда 5 миллион киши истиқомат қилади. Шаҳарнинг қоқ ўртасида Сайгон дарёси оқиб ўтади, гир атрофда бир-бирига зид манзаралар: пасткам кулбалардан тортиб осмонорпа муҳташам меҳмонхоналаргача, ярқираган, жилоси кўзни оладиган «Тойота» автоларидан тортиб занг босган пачоқ велорикшаларга қадар учратиш мумкин.

Биз шаҳар марказида, Франциянинг «Эр Франс» авиакомпаниясига қарашли ҳашаматли бино рўпарасидаги «Бонг сен» — «Нилуфар» меҳмонхонасига жойлашдик. Ун олти қаватли меҳмонхона деразаларидан бутун шаҳар яққол кўриниб туради. Шаҳар қиёфасида эса вьетнам, хитой, француз, америка меъморчилигининг руҳи аралаш-қуралаш бўлиб кетган.

Тушгача шаҳар айландик. Ҳамроҳимиз Нгуен Шанг — Ассоциация маҳаллий бўлимнинг раиси, адиб ва сценарист. «Жанубдан шамол эсганда» деган романи ўтган йили Москвада нашр этилган. Унинг машҳур ёзувчи сифатида шаҳарда обрў-эътибори бениҳоя баланд эканлиги шундоққина сезилиб турарди.

Мезбонларимиз шаҳар чеккасида жойлашган бир гулхонага бошлаб боришди. Гулхона эмас, мўъжизанинг ўзи. Чан Ким Хи деган олтамиш ёшлардаги, қоп-қора, норғул одам бу гулхонанинг эгаси экан. Қарийб икки гектарча келадиган чаманзорда унинг ўзи, хотини, уч ўғли ва уч келини биргаликда меҳнат қилишаркан. Ғоят нозик, улкан кунт ва заҳмат талаб қиладиган бу касб билан Чан Ким Хи 50-йиллардан буён шуғулланиб келади. У ўзи ўқиб етишган одам, гулчилик бўйича махсус маълумоти йўқ, лекин азбаройи гулга муҳаббат, ошуфталик туфайли ҳаётини шу ишга бағишлаган. Гулхонада 1000 дан ортиқ нав бор. Вьетнам диёрида бу гулларнинг атиги 100 хил навигина учрайди, холос, қолганлари чет эллардан — Франция, Сингапур, АҚШ, Канададан келтирилиб кўпайтирилган. Намчил тропик шароитда бунинг қанчалик машаққатли юмуш эканини тасаввур этиш қийин эмас. Гулхона баланд яшил девор билан ўраб олинган, махсус мосламалардан мўътадил иқлим ҳосил қилувчи майин «кавтоёмгир» ёғиб турибди. Чан Ким Хи янги гул навларини етиштириш билан ҳам шуғулланади, ҳозирга қадар чатиштириш йўли орқали 20 дан ортиқ янги нав яратган. Улардан бири «Раққоса» деб аталади: нозик, нопартом гулбарглр худди этагини ҳилпиратиб раққ ташаётган раққосани эслатади. Гулхона ўз маҳсулотларини асосан чет элларга экспорт қилиб, давлатга катта фойда келтиради. Шу сабабли ўтган йили Чан Ким Хи ихтиёрига ўн беш нафар ишчи берилган, улар биргаликда меҳнат қилишади.

Эртаси — 25 март куни эрталаб меҳмонхонада пастга тушаман, деб лифтга киришим билан



кимдир менадан чаққонлик қилган экан шекилли, лифт саккизинчи қаватга кўтарилиб кетди, бир зумдан сўнг эшик очилиб, паст бўйли, сариққа мойил бир одам ичкари кирди. Менга бир қараб олди-да, русчалаб: «Сиз Совет Иттифоқидан эмасмисиз?», деб сўради. «Ҳа», дейишим билан у киши ўзбекчалаб шошиб: «Ўзбекмисиз?» деди. Танишдик. Ренат Қурбонов, 1940 йилда Ғаллаорол районида туғилган, биология фанлари кандидати. У киши пиллачилик мутахассиси экан. Лам Донг вилоятининг Бао Лок уездида ипакчилик бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган совет мутахассислари сафида хизмат қиларкан. Бу ёққа келганига олти ой бўлибди, унга қадар Тошкентдаги Урта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институтида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган.

— Вьетнамда пиллачилик қадимдан ривожланган, — деди Ренат ака. — Иқлим шароитига кўра айрим жойларда ипак кўртидан йилига ўн мартагача ҳосил олинади. Бироқ пилланинг сифати у қадар юксак эмас. Ҳозир биз вьетнамлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда пилла сифатини яхшилаш, янги тут навларини яратиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётишимиз.

Вақт тифизлиги сабабли Ренат Қурбонов билан вақтинча хайрлашдик. У киши ойда бир марта Хошиминга ўз юмушлари билан келиб, шу меҳмонхонада тунар экан, кечкурун алламаҳалгача чой ичиб гурунглашиб ўтирдик.

Хошимин шаҳрида яна бир неча қизиқарли учрашув ва суҳбатлар бўлди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Во Тран Чи билан бўлган суҳбат ва 11-район клубида ўтказилган бадий кеча айниқса хотирамда сақланиб қолди. Шу куни кечкурун Вьетнам комсомолнинг 57 йиллиги муносабати билан бизни 11-район ёшларининг байрам кечасига таклиф этишди. Мингдан ортиқ одам йиғилган катта клубда район партия комитетининг биринчи секретари — ушоққина, нозик-ниҳол бир аёл билан танишдик. У мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ Сайгон режимига қарши яширин кураш ҳаракати сафларига қўшилган, шаҳардаги махфий ёшлар ташкилотининг етакчиси бўлган. Секретарь ҳозир 45 ёшда, унинг эндигина йигирмага тўлган рангпар, ёқимтой қизи Сайгон турмасида туғилган.

Кечада Вьетнамнинг атоқли кўшиқчи ва бастакори Чон Ким Шонг ҳам иштирок этиб, ажойиб кўшиқлар айтиб берди. У бу ерда худди бизнинг Шерали Жўраевдек машҳур ва ардоқли экан. Чон Ким Шонг озодлик ҳаракатида фаол қатнашиб, эрксеварлик руҳидаги кўшиқлар билан ёшларни курашга отлантирган. Вьетнамлик ўртоқларнинг ҳикоя қилишларига қараганда, бир куни кўғирчоқ ҳукумат аскарлари у кўшиқ айтаётган майдонни ўраб, уни ҳибсга олишлари керак экан. Лекин санъаткорнинг ўтти нафаси, кўшиқларидаги битмас-туганмас нафосат ва жозибага аскарлар ҳам мафтун бўлиб қолиб, уни тутқун этишга журъат қилишолмаган экан.

Кеча давомида бизни саҳнага таклиф қилиб гулдасталар тақдим этишди, кўксимизга Вьетнам ёшлар союзининг нишонларини тақиб қўйишди. Улуғ инқилобий руҳнинг барқарорлиги, озодлик кўшиқларининг зални тўлдириб янграган авжи, вьетнам, рус, украин тилларидаги жўшқин шеъринг сўтирлар — буларнинг барчаси собиқ Сайгон ҳақидаги тасаввурларимизни буткул ўзгартириб юборди. Кейин бастакор Чон Ким Шонг бошчилигида бутун зал жўр бўлиб «Катюша», «Муқаддас уруш», «Водийлару далалар бўйлаб» деган машҳур совет кўшиқларини куйладик. Кўшиқ умри барҳаёт, деганлари шу бўлса керак.

Кейинги кунларда Вунг-Тау деган кўркам курорт шаҳарчасини бориб кўрдик, денгиздан нефть қазиб олаётган «Вьетсовпетро» — вьетнам-совет ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлари билан танишдик, сўнгра Ханойга қайтиб, совет элчихонасида вьетнам-совет интернационал адабий кечасида иштирок этдик ва ниҳоят, сафаримиз қариди.

Хайрлашар чоғимиз, вьетнамлик дўстларимиз мамлакатимиздаги биродарларига қизгин саломлар йўллаб қолишди.

Шоир То Хоай: «Ўзбекистонга борганингизда шоира Зулфияга саломимни етказинг. Биз «Нилуфар» халқаро мукофотига бир йилда сазовор бўлган эдик».

Болалар шоири Фам Хо: «Ўзбек болаларига салом айтинг».

Таржимон Тхай Ха: «Пиримқул Қодировга менинг саломимни айтиб қўйсангиз».

Езувчи Фан Ти: «Бухорога қачон борасиз? Борсангиз, Насриддин Афандига салом айтиб қўйинг, демоқчи эдим».

Шоир Данг Бай: «Ленинградда, Урмон хўжалиги академиясида ўқиган пайтимиз Мунаввар деган тошкентлик бир қиз биздан куйи курсда ўқирди, фамилияси, афсуски, ёдимда йўқ. Баъзан йўлакларда, ошхонада учрашиб қолганимизда саломлашиб турардик. Бир куни катта кўчада уни учратиб қолдим. Бош ирғаб саломлашдик, у чорраҳани кесиб нариги томонга ўтмоқда эди. Бирдан қарс этган товуш эшитилди. Шошиб орақамга қарасам, Мунавварни бир машина уриб кетибди... Дарҳол югуриб келдим, ўша машинага солиб шифохонага олиб келдик. У беҳуш эди, врачлар кўшарига олиб кириб кетишди. Менинг ҳам сочим, кўзим қоралиги учун ҳамма негадир Мунавварнинг акаси ё укаси, деб ўйлабди... Кейин у аста-секин соғая бошлади, бир неча марта шифохонага бориб кўрдим. Мунаввар менга қайта-қайта миннатдорчилик билдирар, Тошкентга — меҳмондорчиликка олиб бормоқчи бўлиб жилмаяр эди. Афсуски, бу орада менинг шошилинч юртимга қайтишим лозим бўлиб қолди. Шу бўйи қайтиб Мунавварни кўрмадим. Мабодо Тошкентда ўша Мунавварни учратиб қолсангиз, менинг самимий саломларимни албатта етказиб қўйсангиз».

Балки бахтли тасодиф бўлиб бу сатрларни ўша Мунаввар ҳам ўқиб қўлар. Агар битикларга кўзи тушиб қолса, билсинки, олис Вьетнам диёридан — мовий нилуфар ўлкасидан унга салом деб юборишди.

Мен эса дўстлар саломини дўстларга етказганимдан беҳад хурсандман.



Вильям Шекспир

## ҲАМЛЕТ

(Дания шаҳзодаси)

Беш пардали фожиа<sup>1</sup>

УЧИНЧИ ПАРДА  
4-САҲНА

Малика хонаси  
Малика ва Полоний кирадилар.

ПОЛОНИЙ

У сиз томон келаётир. Огоҳлантинг:  
Ўзни тийиб, қилмишларга хотима берсин.  
Айтинг, қалқон бўлиб, уни жоиз жазодан —  
Олиб қолганингизни. Мен бурчакда тургум.  
Ҳа, қаттиқроқ олинг уни.

ҲАМЛЕТ

(Саҳна ортидан)  
Она, Онажон!

МАЛИКА

Сиз чўчиманг ва бемалол менга ишонинг,  
У келмоқда магар. Тезроқ бекиниб олинг.

Полоний деворга осиглиқ  
гилам орқасига яширинади

Ҳамлет киради.

ҲАМЛЕТ

Хўш, онажон, менга қандай хизматингиз бор?

МАЛИКА

Сен отангни нега таҳқир этасан, Ҳамлет?

ҲАМЛЕТ

Сиз отамни нега таҳқир этдингиз, онам?

МАЛИКА

Мен билан бир авом каби гаплашмоқдасан?

ҲАМЛЕТ

Сиз-чи, савол бермоқдасиз мунофиқона.

МАЛИКА

Бу нимаси, Ҳамлет?

ҲАМЛЕТ

Айтинг, сизга не даркор?

МАЛИКА

Эслайсанми, кимман?

ҲАМЛЕТ

Худо ҳаққи, эслайман,  
Маликасиз, ўз эрининг укасига ёр,  
Надоматлар бўлсин, менга онасиз яна.

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонда.

МАЛИКА

Бас, бошқалар гапиришсин энди сен билан.

ҲАМЛЕТ

Қимирламанг. Утиринг. Мен сизни қўймасман,  
Онажон, деб юзингизга тутарман кўзгу,  
Кори-борингизни сизга аён этар у.

МАЛИКА

Нима қилмоқчисан? Мени ўлдирмоқчи у!  
Ҳей, ёрдам беринглар! Ёрдам!

ПОЛОНИЙ

(Гилям орқасидан)

Ёрдам беринглар!

ҲАМЛЕТ

(Қиличини яланғочлаб)

Бу нимаси? Каламушми? Улганинг афзал!

Гилямга қилич солади.

ПОЛОНИЙ

(Гилям орқасидан)

Оҳ, ўлдим!..

Йиқилиб ўлади.

МАЛИКА

Вой, худойим-ей! Не қилиб қўйдинг?

ҲАМЛЕТ

Кимлигини билмадим мен: қиролмиди у?

МАЛИКА

Бир мислсиз қабоҳатдир ҳозир қилганинг!

ҲАМЛЕТ

Бу қиролни макр ила ўлдиришдан ва —  
Қайни билан топишишдан ортиқмас, хоним.

МАЛИКА

А, қиролни ўлдиришдан?

ҲАМЛЕТ

Ҳа, хоним, шундоқ.

(Гилямни итқитиб, Полонийга кўзи тушади.)

Алвидо, эй чопқиллаган, телба, жонсарак!

Сени адаштирибман-ку — мана надомат.

Кўраянсан, ҳовлиқишнинг охири ёмон.

Сиз ўлтиринг. Қайғу чекиб қақшаманг мунча.

Зеро, қақшатарман ҳали юрагингизни,

Мабодо у ҳамон уриб турган бўлсаю

Қабиҳ машқу малакалар сўнггида ўша

Тош қотмаган, жездан ниқоб киймаган бўлса.

МАЛИКА

Хўш, мен нима қилдимки, сен менга шу қадар

Қўрс ва дағал гапирасан?

ҲАМЛЕТ

Қилмишларингиз

Ахлоқ, уят, диёнатни ерга уради,

Ҳақиқатни шармандайи — шармисор айлаб,

Маъсум муҳаббатнинг оппоқ пешонасига

Тошма бўлиб тошадию шундоқ туради

Ва муқаддас никоҳ аҳди — паймонларини

Қиморбознинг савдосига айлантиради.

Сиз шундоқ бир кирдикорлар этдингизки, то

Бекор бўлиб қолди буткул ваъдаю вафо.

Шариатнинг расми-русми худди бир эрмак.

Қилмишингиз кўриб ҳатто қизарар фалак.

Кўк гумбази бокиб сизга, хўмрая бошлар,

Гўё қора қиёмат кун, гўёки маҳшар.

МАЛИКА

Шунча даромаддан кейин, мумкинми билсанк,

Гапнинг асл индаллоси нимадир бешак?

## ҲАМЛЕТ

Мана, сизга икки суврат: мана ва мана  
Қўш сувратда турар оға-ини сиймоси.  
Қаранг, қанча жозибалар жамдир бирида.  
Зевс манглайидек худди манглайи очик.  
Сочи Аполлоннинг барра сочидек қуюқ,  
Марснинг назаридек тикка нигоҳи мағрур.  
Туришида булут оша тупроққа тушган  
Элчи Меркурийнинг сўнмас салобати бор.  
Фазилатлар мужассаами, ҳар нуқтасида  
Илоҳийлик муҳаббати, муҳри ошкор.  
Бу — биринчи эрингиздир. Мана бу эса —  
Иккинчиси. Куя тушган бошоққа ўшар —  
Тоза бошоқ ёнида. Ҳой, кўзингиз қайда?  
Ўша юксак яйловдан шу сассиқ алафга  
Қандай қилиб тушолдингиз? Кўзингиз қайда?  
Севги деманг. Сизнинг ёшда бўрон биланмас,  
Калла билан яшагайлар. Айтингиз ўша,  
Тафовутни танийдиган калла қаёқда?  
Ҳисдан маҳрум эмасдирсиз, бўлмаса-чи, сиз  
Самир этмасдингиз. Демак туйғунгиз фалаж.  
Савдои ҳам бундоқ хато этмасди аянч.  
Бундоқ тафовутнинг асл, чин маъносини  
Алаҳсираб ётганда ҳам билса бўларди.  
Бас, қайси бир иблис сизни куппа-кундузи  
Йўлдан оздирдию, шундоқ кўйларга солди?  
Кўзлари кўр, қулоқлари қар бўлганда ҳам,  
Шуурига бир озгина суянган одам  
Бундоқ адашмасди, бўйла қўймасди қадам.  
Ҳей, қайдасан, қаёқдасан, номус ва ҳаё?  
Ҳей, васваса шайтон, сенинг кучинг, қудратинг  
Беваники шундоқ турфа ўйинга солса,  
Қандай қилиб енгсин қизлик тафтани ибо?  
Қўйинг, шамдек эрийверсин. Оловнинг зўри  
Танда хуруж этса — иснод, маломат эмас.  
Токи муз ҳам ёнар экан ва токи идрок  
Иродани қайираркан...

МАЛИКА

Ҳамлет, бўлди, бас!

Сен кўзимнинг қароғини кўнглимга бурдинг,  
Унда кўрингани ёлғиз қоп-қора доғлар,  
Ювиб бўлмас доғлар.

ҲАМЛЕТ

Ифлос тўшакка ётиб,  
Жирканч фаҳшу — фароғатнинг териға ботиб,  
Гўнга ботиб, ўпишишлар...

МАЛИКА

Ҳамлет, раҳм қил!

Ҳар бир сўзинг менга худди ханжар тиғидир,  
Қулоғимни тешаётир...

ҲАМЛЕТ

Яна ким билан —

Қотил билан, ҳайвон билан, бир муртад билан  
Падаримнинг тирноғига арзимайдирган,  
Қирол кийимини кийган қўғирчоқ билан.  
Салтанатга човут солган қароқчи билан.  
Тожни токчада кўрибок, қўлтиққа урган,  
Уни этак остида сўнг ўғирлаб чиққан  
Ўғри билан.

МАЛИКА

Аясанг-чи!

ҲАМЛЕТ

Бир олчоқ билан!

Арвоҳ киради.

Менга паноҳ бўлинг осмон фаришталари!

Олий ҳазратлари, айтинг, сизга не даркор?

МАЛИКА

Э вох, унинг тутқаноғи тутди!

ҲАМЛЕТ

Эҳтимол

Койигани келгандирсиз ялқов ўғилни,  
Кунлар ўтиб борар, кўрқинч фармонингизни  
У орқага суриб, ҳамон айламас бажо.  
Нега жимсиз?

АРВОҲ

Мақсад — сенинг милтираб турган  
Азми — қарорингни яна ёкишдир, илло;  
Аммо ҳозир онангга боқ! У худди қоқшол.  
Уни халос айла бундоқ кўрқув — ваҳимдан,  
Ожиз руҳлар бўлур кўрқув — ваҳим қурбони.  
Унга бирор нарса дегил.

ҲАМЛЕТ

Не бўлди, хоним?

МАЛИКА

Ҳай, ўзингга нима қилди? Бўшлиққа боқиб,  
Нималарни сўзлашасан буш ҳаво билан?  
Кўзларингни ола-кула чақчайтирасан.  
Ногаҳонда уйку ичра эшитиб фармон,  
Сакраб турган соқчилардек, сочларинг тикка.  
Болагинам ўзингни сен кўлга олгайсан,  
Босиқ бўлиб. Кўзларингга кўринган нима?

ҲАМЛЕТ

Ана у-чи, ана у?! Ҳа, қаранг, у оппоқ!  
Унинг саргузашти, унинг оппоқ чеҳраси  
Ҳатто тошни эритади. Юзингни ўгир.  
Юрагимни парчалайди нигоҳинг сенинг,  
Сенга боқсам, ҳолсизланар юрагим менинг,  
Қон ўрнига, ёш тўкмоққа шайланар худди.

МАЛИКА

Ҳай, ким билан гаплашасан?

ҲАМЛЕТ

Қаранг, ажабо,

Анув ёқда сиз ҳеч нима кўрмаяпсизми?

МАЛИКА

Йўқ, ҳеч нарса. Кўрмоқдаман борини фақат.

ҲАМЛЕТ

Эшитмайсиз?

МАЛИКА

Эшитганим фақат овозим.

ҲАМЛЕТ

Ана ўзи, турибди-ку! У ёққа қаранг,  
Қаранг худди тиригидай турибди отам.  
Сирғалганча эшик томон юрмоқдадир у,  
Кўрдингизми?

МАЛИКА

Хаста руҳнинг самараси бу

Арвоҳларни кўрсатишга моҳир жазавалар!

ҲАМЛЕТ

Жазавамиш! Томирингиз каби томирим  
Урмоқдадир ҳар зарбаси аниқ ва бардам,  
Сўзларимда маъно тайин, робита маҳкам,  
Истангангиз, сўранг, бошдан айтиб берайин.  
Жинни бундоқ қилолмагай. Сиз топган малҳам  
Беҳудадир, улоқтиринг. Уйламанг иллат  
Қилмишингиздамас, менинг касалимда, деб.  
Бундоқ малҳам чандиқлайди ярани фақат,  
Лекин йиринг адо қилур ичдан емириб.  
Тавба қилинг, қилмишларга қилинг тазарру.  
Бундан кейин ҳазир бўлинг, гуноҳга ботманг.  
Ёмон ўтни илдизидан юлиб отурлар.  
Ҳақ сўзларим учун сиздан сўрайман афу.  
Худди бизнинг замонада соҳиб фазилат

Иллат эгасига айлаб карам, иноят,  
Яна ундан узри-маъзур сўраганидай.

МАЛИКА

Ҳамлет, қалбим қоқ иккига бўлинар худди.

ҲАМЛЕТ

Яхши бўлагини асраб — эъозлаш учун  
Ёмон бўлагини кўйинг, воз кечинг бутун.  
Хайрли тун. Амакимга бормангиз энди.  
Не қилса ҳам, ўзни соҳиб виждондай тутинг.  
Одат — жонли ҳис-туйғунинг душманидир, бас,  
Лекин баъзан дўстлиги бор, душманлигимас.  
Янги тўндек кийиб ахлоқ қондасини,  
Биз яхшилик ниқобида юрарканмиз бот,  
Турган гапки, яхшиликка этурмиз одат.  
Бугун ўзни тутолсангиз, эртага осон,  
Тун ўтаркан, осон бўлур яна бегумон.  
Такрор деган ҳар нарсани ўзгартиради,  
Белгиларни нари уриб, бери суради.  
Яна бир бор, хайрли тун. Ҳа, мабодо, сиз,  
Чиндан тавба-тавфиқ йўлин тутар экансиз,  
Мени ҳам бир дуо қилинг. Аммо бунга-чи,  
(Полонийни кўрсатиб)

Бунга чиндан ачинаман, чекиб надомат,  
Аммо илож қанча, шуни буюрмиш қисмат,  
Уни менга, мени унга қайраган ўша.  
Унга жаллод қилиб мени шайлаган ўша.  
Мен мурдани олиб чиқиб, тўкилган қонинг  
Жавобини маъсул туриб айтаман албат.  
Яна бир бор хайрли тун! Мени кечиринг  
Шафқат юзасидан бир оз бўлдим бешафқат.  
Бало келди, янгисига шайланиб туринг.  
Яна бир гап.

МАЛИКА

Энди нима қилишим керак?

ҲАМЛЕТ

Не қилсангиз қилинг, фақат айтганимнимас.  
Боринг, жирканч қирол яна тўшакка тортсин,  
Ёноғингиз тутинг, силаб-сийпасин сармаст.  
Упичлари билан сизни бўғаркан худди,  
Меҳри-карамингиз тошиб, сиз айтингизки,  
Мен ақлдан озганмасман, ўзимни ўзим  
Жинниликка солгандирман. Шундоқ деб айтинг.  
Маликаи моҳитобон бўлиб бевафо,  
Шундоқ маҳлуқ, шундоқ мушук, шундоқ бақадан,  
Сир сақлаши жоизмикин? Жоизмас асло.  
Сиз журттага, масалдаги маймунга ўхшаб,  
Қуш қафасин олиб, уйнинг томига чиқинг.  
Ўша ердан қушчаларни бир-бир учиринг,  
Кейин ўзни пастга отинг, не бўларкан, деб.  
Ҳа, баланддан учган қушга тақлид этароқ,  
Учаман, деб бўйингизни синдиринг шундоқ.

МАЛИКА

Сўзда — нафас, нафасда — жон жо экан, ишон,  
Хўрсинмасман, то бўғилиб ўлсам ҳам майли,  
Аммо сенинг асрорингни сотмасман.

ҲАМЛЕТ

Мени

Англияга жўнатурлар, эшитдингизми?

МАЛИКА

Ҳа, афсуски. Унутибман. Бу масала ҳал.

ҲАМЛЕТ

Ёрлик ёзилмоқда. Икки мактабдош дўстим.  
Садоқатда икки қора илондан баттар,  
Махсус мактуб ила равон этурлар йўлим.  
Мени тўру тузоқ сари бошлаб борурлар.  
Ҳа, майлига. Учирмоқни ўйлаган кимса,  
Ажаб бўлур, ўзи бирдан ҳавога учса.

Мен қазийман оёқлари остини шундоқ,  
Ким муқаррар қулатаман, этаман тупрок.  
Ҳа, томоша бўлур дейман унда чинданам,  
Аҳмоқ қилувчилар ўзи бўларкан аҳмоқ! —  
Аввалбоши манавини кўздан даф этай,  
Ичак-увадасин судраб, даҳлизга элтай.  
Хўп, онажон, хайрли тун. Бу маслаҳатчи  
Энди анча ювошланиб, сипо тортибди;  
Тиригида қарғадан ҳам қағилдоқ эди.  
Хўп, тақсирим, энди сизни ўйламоқ лозим,  
Хайрли тун, онажоним.

**Иккови икки ёққа кетади. Ҳамлет Полонийнинг жасадини судраб чиқади.**

## **БЕШИНЧИ ПАРДА**

**1-саҳна**

**Қабристон**

**Белкурак ва чўкич кўтариб икки масхарабоз-гўрков киради.<sup>1</sup>**

**БИРИНЧИ ГЎРКОВ**

Ўз жонига қасд қилиш билан абадий роҳат ихтиёр этгани христианча кўмиш жоизмикин?

**ИККИНЧИ ГЎРКОВ**

Жоиз экан-да! Сен гўрингни тезроқ қазийвер. Уни терговчига кўрсатишган экан, христианча кўмилсин, деб фармойиш берибди.

**БИРИНЧИ ГЎРКОВ**

Шу, энди қонунга тўғри келармикин? Жонини қутқазиш учун ўзини сувга отгандаям, бахайр эди.

**ИККИНЧИ ГЎРКОВ**

Бахайр бўптики, шундай қилишибди-да.

**БИРИНЧИ ГЎРКОВ**

Бахайрлигини исботлаш лозим. Йўқса, қонун қонун эмас. Айтайлик, мен ўзимни атай сувга чўқтирдим. Бу уч ёқлама иш. Биринчидан — шу ишни қилганим, иккинчидан — уни адо этганим, учинчидан — унга йўл қўйганим. Хулоса шуки, у ўзини атай чўқтирган.

**ИККИНЧИ ГЎРКОВ**

Вой, сен гўрков тушмагур-ей...

**БИРИНЧИ ГЎРКОВ**

Йўқ, сен шошма. Мана, олайлик, бу ерда сув, хўп, яхши, бу ерда одам турибди; хўп, яхши. Айтайлик, одам ўзини сувга чўқтириш учун келяпти. Хоҳлайсанми, хоҳламайсанми, у келяпти, фаҳмладингми? Сув — бошқа гап. Агар сув келиб, уни босса, у ҳаппа-ҳалол. Зеро, ўз ўлимига жавобгар бўлган киши ўз жонини раҳматуллодан маҳрум этмайди.

**ИККИНЧИ ГЎРКОВ**

Хўш, бу қонунми?

**БИРИНЧИ ГЎРКОВ**

Ана холос, қонун бўлмай нима; жиноят қидирув моддасининг худди ўзи.

**ИККИНЧИ ГЎРКОВ**

Сенга ростини айтайми? Бу қиз аслзода бўлмаганида-чи, христианча кўмилмасди.

**БИРИНЧИ ГЎРКОВ**

Баракалла. Ана шуниси алам қилади-да. Аслзодалар ўзини истаганча осиши ҳам, чўқтириши ҳам мумкин. Аммо биздақа фуқарога йўл бўлсин. Ҳа, майли. Ишга уннайлик. Аслини олганда, биласанми, аслзодаликка боғбонлар, деҳқонлар, гўрковларнинг олдига тушадигани йўқ. Уларнинг ҳунари Одам Атодан.

**ИККИНЧИ ГЎРКОВ**

У киши магар аслзода бўлганларми?

**БИРИНЧИ ГЎРКОВ**

Биринчи бўлиб қўлга асбоб олган ўша ҳазратим-да.

**ИККИНЧИ ГЎРКОВ**

Қўйсанг-чи, у қўлига асбоб-масбоб олмаган.

<sup>1</sup> Шекспир бу персонажларни «clowns» («масхарабозлар») деб атайди ва ёлғиз бир жойда уларга нисбатан «gravediggers» («гўрковлар») сўзини ишлатади. Биз аввалги таржималардан кўпчиликка таниш шу номни қолдирдик. [Таржимон].

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Нима, мажусиймисан? Китоб сўзига мункирмисан? Китобда айтилганки: «Ҳазрати Одам ер ковлади». Хўш, ерни нима билан ковлайди, қуруқ қўл биланми? Яна бир савол. Фақат оғзингга келганини вайсама, йўқса, нақ кўрасан...

ИККИНЧИ ГҮРКОВ

Хўш-хўш, сўрай қол.

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Ким дунёда ғиштчию кемасозу дурадгордан ҳам пишиқроқ қилиб иморат қуради?

ИККИНЧИ ГҮРКОВ

Дор қурувчи уста. Унинг иморати ҳамма қурбонларидан узоқроқ умр кўради.

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Худо ҳаққи, балосан. Дор деганинг яхши. Аммо, кимга яхши? Иши ёмон бўлганларга яхши. Лекин дорни бутхонадан пишиқ, деганинг ёмон бўлди. Демак, дор дегани сенга ҳам яхши. Кел, бошидан тушақол, бу сафар сен сўра.

ИККИНЧИ ГҮРКОВ

Ким дунёда ғиштчию кемасозу дурадгордан ҳам пишиқроқ қилиб иморат қуради?

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Энди жавобини ўзинг айтиб, бўлди қил.

ИККИНЧИ ГҮРКОВ

Айтсам, айтавераман.

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Хўш?

ИККИНЧИ ГҮРКОВ

Билмайман.

**Ҳамлет билан Ҳорацио кириб, четроқда туришади.**

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Бу билан бошингни минбаъд қотирма. Эшакни қанча ниқталама, барибир чопмайди. Бордию яна сўраб қолишса, жавоб бер: гўрков, унинг қурган иморати қиётматгача тураверади. Ҳа, бўпти. Энди, оғайни чопқиллаб, Иогенга боргинда, бир шиша шароб келтир.

Иккинчи гўрков кетади.

(Гўр қазиб куйлайди.)

Йигитлик давронида,  
Қизларга қурбон эдим,  
Қурбон эдим ўшанда,  
Қандай беармон эдим.

ҲАМЛЕТ

Мана бу ўзи қилаётган ишнинг моҳиятини наҳотки англамаса? Гўр қазиб, кўшик айтади-я, нодон!

ҲОРАЦИО

Кундалик одат бу ишни жўнлаштириб қўйган.

ҲАМЛЕТ

Табиий. Қўл ҳам қаваргунча сезгир бўлади.

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

(Куйлайди)

Келди қарилик аста,  
Секин кўлимдан тутди.  
Бахтларим, роҳатларим,  
Билмадим, қайга кетди?!

(Битта калла суягини ирғитади.)

ҲАМЛЕТ

Балки бу чаноқда бир пайтлар тил бўлган, забон бўлган, балки у ҳам куйлагандир. Манави ярамас эса Қобилни ўлдириб, дунёда биринчи қотиллик қилган Ҳобилнинг жағини ирғитгандай, буни улоқтириб ташлади. Эҳтимолки, манави эшшак шунчалар хор қилган бу суяк тангрини ҳам лақиллатмоқчи бўлган бир сиёсатдоннинг калласидир. Шундоқ эмасми?

ҲОРАЦИО

Эҳтимол, шаҳзодам.

ҲАМЛЕТ

Ҳа, худди шундоқ. Мана энди ажал-ажувага учраб, ўзи жағидан айрилиб ўтирибди, черков қоровули белкурак билан қаншарига туширади. Фаройиб бир



ўзгариш. Фақат бу асрорнинг тагига инсон етолмайди. Бу суякларни кейин соққа қилиб уйнашлари учун шунчалар парвариш этиш жоизмикин? Шунини ўйласам, суякларим зирқираб кетади.

БИРИНЧИ ГҲРКОВ

(Куйлайди)

Белкурак, чўкични ол,

Янги кафанни шайла.

Чолга қабр қазий қол,

Уни ораста айла.

(Бошқа бир калла суягини ирғитади.)

ҲАМЛЕТ

Тағин биттаси. Хўш, нега энди бу бир қонуншуноснинг боши бўлмасин? Унинг ҳийлаю найранглари, илмоқ ва тузоқлари, тўқимаю уйдирмалари қаёқда қолди? Нега энди у манави жоҳилнинг шаттасини еб, жим туради?! Нега уни жавобгарликка тортмайди? Ҳимм! Эҳтимолки, у ўз вақтида йирик бир заминдор бўлган, ҳар хил васиқалар, ҳукмномалар, суд протоколлари, жарима қоғозларига муқкасидан кетгандир? Шунчалар: тийиндан-тийин, жаримадан-жарима ундириб, охир-оқибат, калласи балчиққа ботиб, бундоқ тупроққа қоришиб ётиши қандоқ бўлди? Ўша бир ёқлама ёки икки ёқлама кафолатномалар жамланиб, унга бор-йўғи икки варақ қоғоз сиққудек жой олиб берибди, холосми? Васиқаларнинг ўзи ҳам бу жойга сиғиши гумон-ку! Ахир, мулкдор деган кенгроқ ерда макон тутишга ҳақли эмасми?

ҲОРАЦИО

Йўқ, шаҳзодам, ортиқча бир қарич ерга ҳам ҳаққи йўқ.

ҲАМЛЕТ

Васиқа қоғози қўй терисидан ясалади, шундоқми?

ҲОРАЦИО

Шундоқ, шаҳзодам, айна пайтда бузоқ терисидан ҳам ясалади.

ҲАМЛЕТ

Бўлмасам, унинг боқийлигига эътиمود этганларни қўйлар ва бузоқлар, деса бўлар экан. Мен манави азамат билан бир гаплашиб кўрмоқчиман. Ҳей, кимнинг гўри бу?

БИРИНЧИ ГҲРКОВ

Меники, тақсир.

(Куйлайди)

Чолга қабр қазий қол,

Уни ораста айла.

ҲАМЛЕТ

Ишонаман, сеники, зеро, гўрда туриб, ёлғон гапираяпсан.

БИРИНЧИ ГҲРКОВ

Сиз эса гўрдан ташқарида туриб, ёлғон гапираяпсиз, тақсирим зеро, гўр сизникимас. Мен эсам гўр ичида туриб, ёлғон гапирмайман. Бу менинг гўрим.

ҲАМЛЕТ

Қандай қилиб ёлғон гапирмаяпсан, ахир? Гўрда қаққайиб туриб, гўр меники дейсан-ку?! Гўр дегани ўликники бўлади, тирикникимас. Гўрдаман, деб ёлғон гапирдинг.

БИРИНЧИ ГҲРКОВ

Бу ёлғон гўрда қолмайди, тақсир. Тирилиб, менадан сизга ўтади.

ҲАМЛЕТ

Қайси такводор эр учун қазияпсан бу лаҳатни?

БИРИНЧИ ГҲРКОВ

Эр учунмас.

ҲАМЛЕТ

Бўлмаса, қайси аёл учун?

БИРИНЧИ ГҲРКОВ

Аёл учун ҳаммас.

ҲАМЛЕТ

Бўлмаса, кимга мўлжалланган ўзи?

БИРИНЧИ ГҲРКОВ

Аввалига аёл бўлиб, энди тангри раҳматига етишган бир бекага, тақсирим.

ҲАМЛЕТ

Вой, хумпар-ей, шунча гапдонмисан? Бу тоифа билан ҳазир бўлиб гаплашмасанг, масхара бўлдим, деявер. Тангрига қасам ичаман, Ҳорацио, кейинги уч йил ичида замон шунчалар ўзгардики, авом аслзодаларнинг товонига боса бошлади... Кўпдан гўрковмисан?

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Раҳматли қиролимиз Ҳамлет Фортинбрас устидан ғалаба қозонган кундан буён.

ҲАМЛЕТ

Унга неча йил бўлди?

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Наҳот, билмасангиз? Буни тентак ҳам билади-ку! Уша куни, ёш Ҳамлет туғилган эди. Уни, ҳозир ақлдан озди деб, Англияга жўнатишган.

ҲАМЛЕТ

Ана холос. Уни нега бундай қилишди экан?

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Нега бўларди? Ақлини йиғиб олиши учун. Ўзини тузатсин учун. Аммо у ерда тузалмаса ҳам бўлаверади.

ҲАМЛЕТ

Нега энди?

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Негаки, буни ҳеч ким пайқамайди. У ерда нуқул унга ўхшаган жиннилар йиғилишган.

ҲАМЛЕТ

Хўш, қандай қилиб у ақлдан озибди?

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Айтишларича ғалати бир йўсинда.

ҲАМЛЕТ

Хўш, қандай йўсинда?

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Ақлдан озибди-қўйибди, вассалом.

ҲАМЛЕТ

Қайси заминда, ахир?

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Шу, ўзимизнинг Дания заминда. Мен болалигимдан бошлаб, ўттиз йилдан бери шу ерда гўрковлик қиламан.

ҲАМЛЕТ

Киши ер остида тез чирийдими?

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Одамига қарайди... Бировлар тириклигидаёқ ириб-чирий бошлайди, дафн маросимигача сабри чидамайди. Ҳозир шунақалар сероб. Бировлар борки, ер остида саккиз — тўққиз йил ҳам тураверади. Масалан, кўнчи зоти тўққиз йил ўтса ҳам, миқ этмайди.

ҲАМЛЕТ

Нега кўнчи бунча узок туради?

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Нега десангиз, тақсирим, унинг териси шу қадар ошланган бўладики, сув кор қилмайди. Сизга айтсам, ўлиб мурдага айланар экансиз, биринчи душманингиз сув бўлади. Мана, тагин битта чаноқ. Бу чаноқ йигирма йил ер тагида ётган.

ҲАМЛЕТ

Хўш, кимники бу?

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Э, отини айтмаган маъқул, лаънати бир бекорчини. Хўш, сиз кимники деб ўйлайсиз?

ҲАМЛЕТ

Билмадим.

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Илойим, пучак бўлиб, ўйилиб ётгани рост бўлсин, жудаям бузук бош эди бу! Бир гал бир шиша шаробни нақ бошимдан куйиб юборган эди хумпар. Бу чаноқ қирол масхарабози Иорикнинг бош суяги бўлади, тақсирим.

ҲАМЛЕТ

Шу-я?!

БИРИНЧИ ГҮРКОВ

Ҳа, худди шу.

ҲАМЛЕТ

Қани, бу ёққа бер-чи.

(Бош чаноғини қўлига олади.)

Хайҳот! Шўрлик Иорик! Мен уни билардим, Ҳорацио. Бу бениҳоя қизиқчи, латифаларга жуда уста киши эди. Мени минг марталаб орқасига опичиб юрган. Энди қарасам, кўнглим айнийди. Мана бу ерда лаблари қимирлаган, ўша лабларни эҳтимолким неча марталаб ўпгандирман. Сенинг шўхликларинг, қўшиқларинг, ҳажвларинг қаёққа қолди, ошнам? Ҳамманинг ичагини узадиган ўйин-

кулгиларинг, қаққақаларинг қани? Энди мана шу кемшик оғзинг устидан кулиш учун биронтаси топилармикин? Демак, адоий-тамомсан. Қани, аслзода бир хонимнинг пардозхонасига кириб, юзидаги бир энлик упа-эликка қарамай, унинг охиратда нима бўлишини бир айтиб кўр-чи? Шундоқ башоратинг билан уни кулдиришга бир уннаб кўр-чи? Менга қара, Ҳорацио.

ҲОРАЦИО

Лаббай, шаҳзодам?

ҲАМЛЕТ

Уша Искандар Зулқарнайн ҳам ер остида шундоқ аҳволдамикин?

ҲОРАЦИО

Ҳа, худди шундоқ аҳволда.

ҲАМЛЕТ

У ҳам худди шундоқ сасиб — бижғиганмикин? Фу!

(Бош суякни ерга қўяди.)

ҲОРАЦИО

Ҳа, худди шундоқ, шаҳзодам.

ҲАМЛЕТ

О, нақадар тубанликка тушилар экан, Ҳорацио! Искандар хокининг қисматини сўнги дамигача — то пиво бочкасининг тешигига тиқин бўлганига қадар, бир тасаввур этиб қарагин-а?

ҲОРАЦИО

Бу, нарсаларга олдиндан ҳукм этиб қараш бўлади.

ҲАМЛЕТ

Сираям шундоқ эмас. Аксинча, бу жисм ўтган йўлларни ҳурмат-эҳтиром ила мушоҳада этиш ва муқаррар қонун-қоидаларга бўйсунуш, дегани бўлади. Тахминан шундоқ: Искандар ўлди, Искандарни кўмишди, Искандар хок бўлди. Хок — бу тупроқ, тупроқдан лой ясайдилар. Нега энди ҳалиги лой пиво бочкасини сувашга хизмат этмасин?

Шамоллашдан қазо қилган рум қайсаридан  
Сувоқ ясаб, уй томини сувашар бу дам.  
Бир замонлар жаҳон эди пойида тупроқ.  
Энди бўлса, бу тешикка ўзи лойсувоқ,  
Энди жим бўл! Бир чеккага ўтайлик, Қирол.

**Руҳоний бошчилигида жаноза аҳли киради, орқада Офелия тобути, изидан Лаэрт, кузатувчилар, қирол, малика ва хос маҳрамлар.**

Малика ҳам. Сарой аҳли. Кимни кўмишар?  
Тартиб тамом бузилибди! Маълум бўлдим,  
Ўз жонига қасд айлаган қандайдир аёл,  
Қандайдир бир аслзода. Четроққа чиқиб,  
Кузатайлик.

[Ҳорациони бир чеккага бошлайди.]

ЛАЭРТ

Тағин қандай расм-русум қолди, ҳазратим?

ҲАМЛЕТ

Ана олижаноб йигит Лаэрт ҳам шунда.

ЛАЭРТ

Жанозага тағин қандай қўшимчангиз бор?

РУҲОНИЙ

О, шундоқ ҳам шариатдан чиқиб кетдик биз,  
Шаърий талаб бошқа. Бунинг қазоси мавҳум.  
Жоиз эди гўрда эмас, нопок бир ерда  
Сури Исрофилга қадар ётса марҳума.  
Ўқилмасди қадам-қадам дуойи-такбир,  
Кузатишлар энди уни тошбўрон билан  
Ва ҳолбуки, тобутига гуллар кўйилган,  
Ва ҳолбуки, то биринчи қўрага қадар  
Черков кўнғироғи унга таратди оҳанг.

ЛАЭРТ

Хуллас, неки ҳукмингизда экан, ҳаммасин  
Бажо этиб тугатдингиз?

РУҲОНИЙ

Балли, тугатдик.

Агарда-чи, бошқаларга ўқилган каби,  
Боши узра марсияи виво ўқисак,  
Хор қилурмиз маросими-салотимизни.

ЛАЭРТ

Туширингиз тобутни! — То шу маъсум тандан  
Бинафшалар униб чиққай! — Эсингда тут, поп,  
Синглим кўкда учар экан фаришта бўлиб,  
Сен жаҳаннам оташида бўлурсан кабоб.

ҲАМЛЕТ

Ҳой, нима бу, Офелия?

МАЛИКА

(Тобут устига гуллар сочиб)

Гулга гул жоиз.

Хайр, жоним, ётган жойинг жаннатда бўлсин.  
Сени келин қиларман, деб орзу этгандим.  
Никоҳ тўшагингга гуллар сочмоқчи эдим,  
Қабринггамас.

ЛАЭРТ

Тўқсон карра лаънат ёғилгай  
У золимнинг бошигаким, унинг дастидан,  
Тиниқ ақлинг завол топиб, аламга тўлди.  
Ҳой, кўммасдан туринг. Бир пас шошмангиз энди,  
(Қабрга сакраб тушади.)

Кўмаверинг ўлик билан тирикни қўшиб,  
Текис ерда қалаштириб, тоғ ясанг баланд.  
Баланд бўлсин Пеллиондан,  
Мовий Олимпдан.

ҲАМЛЕТ

(Олдинга чиқиб)

Ҳей, бунчалик виқор билан йиғлаётган ким?  
Ким у аламлари худди кўкка чирмашиб,  
Юлдузларни тош қотириб қўймоқда тамом?  
Ким бўлмасин, хизматига тайёрман унинг  
Мен — Дания шаҳзодаси, Ҳамлет.

**Сакраб қабрга тушади.**

ЛАЭРТ

Кет, йўқол,

Иблис!

(У билан олишади.)

ҲАМЛЕТ

Дуо ўқишни бил. Томоғим бўшат.  
Анча совуққонман, лекин айтаман алҳол,  
Биласанми, бир алам бор менда бешафқат?  
Кейин пушаймонлар ейсан. Торт, қўлингни ол!

ҚИРОЛ

Ажратинглар!

МАЛИКА

Ҳамлет, Ҳамлет!

ҲАММА

Жаноблар, қўйинг!

ҲОРАЦИО

Ўзни босинг.

**Ажратиб қўйишади. Улар қабрдан чиқишади.**

ҲАМЛЕТ

Мен бу баҳснинг боиси учун  
Умр бўйи солишарман у билан ҳатто,  
Кўзим тирик экан, тиним билмасман асло.

МАЛИКА

У нечук, баҳс, ўғлим?

ҲАМЛЕТ

Уни жондан севардим.

Офелия, қирқ минг оғанг бўлганида ҳам,  
Менга тараф эмас, менинг ишқим учун кам.

(Лаэртга)

Айт-чи, унинг учун қай бир ишга қодирсан?

ҚИРОЛ

У ўзини унутибди.

МАЛИКА

Унга тегманглар.

ҲАМЛЕТ

Билмоқчиман, қай бир ишга қодирлигингни?  
Ҳўнграмоқми? Ёқа йиртмоқ? Ёки солишмоқ?  
Сирка ичмоқ? Тимсоҳ этин емоқ? — Буларга,  
Агарда сен қодир эсанг, мен ҳам қодирман.  
Кўзёшингни оқизишга келдингми магар?  
Ё қабрга ботир бўлиб сакрамоқ учун?  
Тириклайин кўмилишни истармидинг ё?  
Сен буларга қодир эсанг, мен ҳам қодирман.  
Тоғ ҳақида бир нима деб вайсадингми-а?  
Устимизга миллион таноб тепа уйилсин,  
Чўққисида қуёш ёнсин, Осса тоғлари  
Қаршисида худди хору хасдек туюлсин!  
Бўкирмоққа қодирмисан? Мен ҳам қодирман.

МАЛИКА

Унинг жазаваси тутди. Бир пас кутайлик.  
Тутқаноғи ўтиб кетар ва яна бешак  
Ювош тортиб қолар она кабутар каби,  
Қанотларин йиғар.

ҲАМЛЕТ

Аммо, айтингчи, тақсир,  
Не сабабдин менга мунча хусумат? Ахир,  
Сизни севар эдим: майли аҳамиятсиз.  
Келинг, кўлдан келганини қилсин Ҳеркулес,  
Мушук миёвлайди, лекин ит ҳам кун кўрар.

Кетади.

ҚИРОЛ

Сиз у билан бирга бўлинг, Ҳораций, боринг.

Ҳорацио кетади.

(Лаэртга)

Сабр қилинг, айтганларим хотирга олинг,  
Ишларимиз етаётир ниҳоясига.  
Гертруда, ҳар қадамда ҳушёр кузатиб,  
Ўғлингизга ҳазир бўлиб туришсин, айтинг,  
Бунда марҳумага ажиб ҳайкал қурамиз,  
Яқин бир фурсатда балки кўрамиз уни  
Ва лекин ҳозирча сабр айламоқ лозим.

Кетишади.

2-саҳна

Қасрда бир зал.

Ҳамлет ва Ҳорацио киришади.

ҲАМЛЕТ

Ҳаммаси шу. Яна бошқа гап ҳам бор ҳали.  
Аммо ўша воқеалар хотирингдами?

ҲОРАЦИО

Бўлмаса-чи, шаҳзодам.

ҲАМЛЕТ

Мен ухлай олмадим,  
Аллақандай хаёллару хавотирлардан,  
Тиканакка тўлган эди тўшагим гўё,  
Тура қолдим. Омон бўлсин безовталиқ, о!  
Баъзан кўрлик қутқаради деганлари рост,  
Узоқларни кўриш эса балога қўяр.  
Демак, бордир бу оламда соҳиби сарвар,  
Қисматимиз ўз измича турли йўлларга  
Йўллагувчи эгам.

ҲОРАЦИО

Уша хайриятки, бор.

### ҲАМЛЕТ

Каютадан чикдим. Тўним елкамга солиб,  
Излаб кетдим ўшаларни, қоронғи ҳар ён.  
Тимирскилаб-тимирскилаб мактубни топдим  
Ва қўлтиққа уриб уни, қайтдим шу замон.  
Қўрқув билан дадилланиб, уятдан кечиб,  
Охир буздим қўлимдаги мактуб муҳрини.  
Қабоҳату разолатнинг шундай зўрини,  
Учратдимки, бошдан учиб кетди хаёлим.  
Ўқиб билдим, Ҳорацио, у фармонни, мен  
Дания ва Англия учун бир йўла  
Қандай қўрқинч бало, мудҳиш офат эканман,  
Хуллас, айтилганки, бориб етдимми, тамом,  
Шу ондаёқ бошдан жудо этилсин танам.

### ҲОРАЦИО

Йўғ-е!

### ҲАМЛЕТ

Мана фармон, ҳали ўқиб қарайсан,  
Кейин нима қилганимни айтай, истасанг.

### ҲОРАЦИО

Айтинг.

### ҲАМЛЕТ

Тўру тузоқларга чулғанган кўйи,  
Чора излаб, хаёлимни этмадим сарсон.  
Фикрим ишлаб кетди. Янги мактуб ёздим  
Кейин уни диққат билан оққа кўчирдим.  
Бир замонлар барча аҳли аёнга ўхшаш,  
Хушхатликни масхаралаб кулардим яккаш,  
Хусниҳатни хўрлаганман кучим борича,  
Фалокатда эса менга асқотди ўша.  
Не деб ёзганимни сенга айтайми?

### ҲОРАЦИО

Ҳа-да.

### ҲАМЛЕТ

Қирол номи билан шундоқ битилди фармон:  
Баски, Англия бизга бож тўлар экан,  
Баски, дўстлигимиз боғи чамандек яшнар,  
Сулҳу салоҳимиз бир жуфт бошоққа ўхшар,  
Хуллас, яна шундоқ — шундоқ сабабга кўра,  
Мен уларни қаторлатиб тиздим бир йўла —  
Шу мактубни элтгувчилар етишдими, бас,  
Беҳудадир суду сўроқ, тавба-пушаймон.  
Шу ондаёқ тандан жони этилсин абас.

### ҲОРАЦИО

Хўш, муҳр-чи, уни қандай эпладингиз?

### ҲАМЛЕТ

Оҳ,

Бу ишда ҳам ўзи мени қўллади худо.  
Эски муҳр, отам муҳри ёнимда эди.  
Ҳозиргиси кўчирмадир ўшандан фақат,  
Мен мактубни букиб анув мактуб сингари,  
Муҳр босиб, ўз ўрнига қўйдим таппа-тахт.  
Худди чақалоқни пинҳон алмашган каби.  
Эртасига денгиз жангги бўлди, биласан —  
Кейин нелар кечганини ёзган хатимдан,

### ҲОРАЦИО

Хуллас, Розенкранц билан Гильденстерн  
Муқаррар бир ўлим сари бормоқдалар чин?

### ҲАМЛЕТ

Шундоқ. Аммо улар буни ўзидан кўрсин,  
Виждоним пок. Муқаррар у ҳалокат, ҳайҳот,  
Уларнинг шум қилмишлари учун мукофот,  
Ҳа, катталар солишганда кичик жим турсин.

### ҲОРАЦИО

Вой, қиролни қаранглар-а?

### ҲАМЛЕТ

Узинг ҳукм айла,

Қандоқ қутурганман ҳозир. Ахир бир йўла,  
У отамни ҳалок этди, онамни бузди,  
Мени тахтдан маҳрум қилди, йўлимни тўсди,  
Лекин булар марра эмас, булар унга кам,  
Яширинча қармоқ солиб энди муқаррар,  
Менинг йигит жонимни ҳам олмоқчи бўлар.  
Баски, шундоқ экан, менинг бурчим эмасми  
Мана шу қўлларим билан жавоб айласам?  
Иллат деган чуқурлашиб борар экан бот,  
Қараб тура бериш номус эмасми, ҳайҳот?

ҲОРАЦИО

Аммо тез орада қирол Англияда  
Не кечганин эшитади.

ҲАМЛЕТ

Лекин ҳозирча

Менинг измимдадир фурсат — яна неча кун,  
Гарчи инсон умри кўзни очиб юмгунча  
Туриш беролмагай, тугаб, топади якун.  
Бироқ, Ҳорацио, ростдан хижолатдаман,  
Лаэрт билан айтишганим, тортишганимдан,  
Унинг қайғусида менинг дардим ошкор,  
Шунинг учун ярашгайман у билан зинҳор,  
Бироқ юрагингни босиб ётган ҳасратни,  
Кўз-кўз қилиб юрт олдиға ёйиш не даркор?  
Шунга жаҳлим чикди.

ҲОРАЦИО

Жим! У келаётган ким?

Озрик киради.

ОЗРИК

Данияга эсон-омон қайтиб келганингиз муборак бўлғай, жаноби олийлари!

ҲАМЛЕТ

Ташаккур, тақсирим. [Ҳорациога нимовозда] Сен бу пашшани танийсанми?

ҲОРАЦИО

(Ҳамлетга нимовозда)

Йўк, шаҳзодам.

ҲАМЛЕТ

(Ҳорациога нимовозда)

Билмаганинг бахтинг. Уни билишнинг хосияти камроқ. Унда ер беҳисоб, бу-  
нинг устига, ҳаммаси унумдор ерлар. Бирор ҳайвонни ҳайвонлар подшоси қилиб  
кўтарсанг, бас, дарров ўз охурини уники билан ёнма-ён қўяди. Бу қуйиб қўйган  
зағча, аммо ҳали айтганимдай, уясидаги лой — ахлатларнинг кўплиги билан  
йирик, кибор зағча.

ОЗРИК

Азиз шаҳзодам, мабодо сиз, жаноби олийларида фурсат истифода этса,  
қирол ҳазратлари томонидан айтилган бир муддаони баён этмоқчи эдим.

ҲАМЛЕТ

Тақсир, айтганларингиз кўнглимга жо бўлур. Аммо қалпоқни бошқа хизматга  
буюрманг. Қалпоқнинг ўрни бошда.

ОЗРИК

Ташаккур, жаноби олийлари. Ҳаво жудаям иссиқ...

ҲАМЛЕТ

Йўк, ишонаверинг, ҳаво жудаям совуқ. Шимолдан шамол эсяпти.

ОЗРИК

Дарвоқе, бир оз совуқроқ, сиз ҳақсиз, жаноби олийлари.

ҲАМЛЕТ

Лекин ҳарҳолда, менга қолса, жазирама иссиқ, дердим, ҳаво нафасни бўғади.

ОЗРИК

Шаҳзодам, бўғиш ҳам гапми. Шундоқ димки, таърифлашга тил ожиз. Лекин,  
шаҳзодам, аъло ҳазратларининг буйруқларига биноан маълум қиламанки, у ки-  
ши сизни деб гаров бойладилар. Шунга кўра...

ҲАМЛЕТ

Ҳарҳолда илтимос қиламанки... (Уни қалпоғини кийишга мажбур қилади.)

ОЗРИК

Йўк, қўйинг азбаройи худо. Менга шундоқ ҳам яхши, ишонаверинг, тақсир,  
шу кунларда саройга чинакам жўмард, баркамол фазилатлар соҳиби, нафосату

назокатлар мужассаами, кўркам ҳусну жамол эгаси Лаэрт жаноблари ташриф буюрмишлар. Агар оширмай ростини айтадиган бўлсак, у киши камолат мажмуаси ва мезони, кибор кишига манзур бўларлик жамики хислатлар ул жанобда жамулжамдир.

ҲАМЛЕТ

Тақсир, сизнинг тасаввурингизда у айни шаклу шамойил касб этди. Гарчи, менинг назаримда, уни бўлак-бўлак қилиб тасвирга солиш хотира учун мушкул, зеро фазилатлар ортидан судралавериб, гангиб қолади киши. Лекин шунга қарамай, шарафгўй самимияти билан айтаманки, у олийнасаб бир зот, инсоф юзасидан уни фақат ўз суврати билан қиёсласа бўлур, унга тақлид қилувчилар эса унинг соясига айланиб қолишлари муқаррар.

ОЗРИК

Жаноблари айни ҳақиқатни сўзладилар.

ҲАМЛЕТ

Гапни қаёққа буряпсиз, тақсирим? Нега биз оғир нафасимиз билан у зоти шарифни булғаб ўтирибмиз?

ОЗРИК

Тақсир?

ҲОРАЦИО

Муддаойингиз нима? Уни очикроқ қилиб айтса бўлмайдими? Қани, бир уннаб кўринг-чи, тақсирим?!

ҲАМЛЕТ

Нега гапга анави жўмардни тикиштирасиз?

ОЗРИК

Лаэртними?

ҲОРАЦИО

(Ҳамлетга нимовозда)

Чўнтаги қоқланди. Заррин сўзлари сарфланиб, адо бўлди.

ҲАМЛЕТ

Ҳа, Лаэртни, тақсирим.

ОЗРИК

Билишимча, сизга сир эмас...

ҲАМЛЕТ

Мен эсам, сизга сир бўлмаслигини истардим. Гарчи у ҳолда ҳам мен ҳеч нима ютмасдим. Хўш, тақсирим?

ОЗРИК

Мен биламан, сизга сир эмаски, Лаэрт қандай маҳорат билан...

ҲАМЛЕТ

Бир нима дейишим қийин, негаки у билан ўзимни қиёслашга тўғри келади. Бировни яхши билдингми, бас, ўзингни ҳам яхши биласан.

ОЗРИК

Тақсир, сўз унинг қурол ишлатишдаги маҳорати устида кетаётир. Афкори умумийга кўра, бу ишда у беқиёс эмиш.

ҲАМЛЕТ

Қуроли қанақа?

ОЗРИК

Қилич ва ханжар.

ҲАМЛЕТ

Қўшалок экан-да. Хўш, кейин-чи?

ОЗРИК

Қирол у билан гаров ўйнаб, олтита арабий бедов тиккан, у эса, эшителимга қараганда, олтита фарангий қилич ва ханжарни қайиш — камарлари билан гаровга қўйган. Яна уч жуфт боғич, яъни, афсонавий даражада гўзал, шамшир сопига ярашиб турадиган боғичлар. Фавқулодда нафис, ғалати безаклари бор.

ҲАМЛЕТ

У боғичларингиз нимаси ўзи?

ҲОРАЦИО

Шарҳу изоҳсиз иш битмаслигини сезиб турувдим.

ОЗРИК

Боғичларми, тақсир, бу қайишларга боғланадиган илмоқларда.

ҲАМЛЕТ

Биз қилич ўрнига замбарак осиб юрганимизда, таъбирингиз жоиз бўлур эди. Ушангача қайишлар бўла қолсин. Хўш, алаҳсимайлик. Хуллас, олтита арабий тулпор — бир томонда, олтита фарангий қилич, асбоб-анжомлари билан, уч нафар боғичу ғалати безаклари билан — иккинчи томонда. Хўш, булар нега гаровга қўйилляпти?



## ОЗРИК

Тақсирим, қиролнинг фикрича, орангиздаги ўн икки олишувнинг тўққизтаси сизнинг фойдангизга, учтаси унинг фойдасига ҳал бўлур. У ўн иккидан тўққизи, деб гаров тикибди. Агар жаноблари жавоб берсалар, ҳозироқ текшириб кўриш мумкин бўлур эди.

## ҲАМЛЕТ

Агар йўқ, деб жавоб берсам-чи?

## ОЗРИК

Шаҳзодам, мен айтмоқчийдимки, агар сиз бу олишув ҳақидаги таклифни қабул қилдим, деб жавоб берсангиз...

## ҲАМЛЕТ

Тақсирим, мен зал бўйлаб сайр қилиб юраман. Агар аъло ҳазратлари хоҳиш этсалар, менинг айни дам оладиган пайтим. Қиличларни келтиришсин. Агар ҳалиги йигит рози ва қирол ўз раъйида устувор эса, мен баҳоли қудрат гаровни ютиб беришга ҳаракат қиламан. Агар ютолмасам, уят ва мағлубият бўйнимга тушади.

## ОЗРИК

Худди шундоқ деб айтишга ижозат берадиларми?

## ҲАМЛЕТ

Худди шундоқ деб, тақсир, бўяб-бежаши — ўзингиздан.

## ОЗРИК

Ўзимни, ўз садоқатларим билан жанобингизга ҳавола қиламан.

## ҲАМЛЕТ

Саломат бўлсинлар, саломат бўлсинлар...

## Озрик кетади.

Яхши қилади, ўзи ҳавола этади. Бўлмаса-чи, уни ҳеч ким садоқатли деб бировга ҳавола этмас эди.

## ҲОРАЦИО

Ҳай, қочиб қолди-ку. Тухумдан чиққан жўжадай, орқа — ўнгига қарамай.

## ҲАМЛЕТ

У эҳтимолки, онасининг кўкрагини ҳам хушомадлар билан оғзига олгандир. Ҳозирги хотинмижозларнинг ҳаммаси шунақа. Улар юриш-туриш, одоб-назокатнинг фақат ташқи томонларини эгаллаб олишгани учун беҳад-беҳисоб дид ва майллар гирдобида юзага қалқиб чиқишади, аммо бир пуфласанг, бас, пуфакдек ёрилиб, ғойиб бўлишади.

## Лорд киради.

## ЛОРД

Шаҳзодам, аъло ҳазрат қирол ёш Озрик орқали сизга салом йўллаганларида залда кутишингизни айтган экансиз.

Давлатпаноҳ Лаэрт билан куч синашмоқ ниятингиз қатъийми ёки уни орқага сурдингизми, шуни билмоқ истайдилар?

## ҲАМЛЕТ

Мен ўз қароримда қатъийман. Улар қирол хоҳишларига ҳамоҳанг. Ҳазратлари истасалар, бас, мен қарздор бўлиб қолмайман. Ҳозирми, булак бир пайтми, барибир, фақат ўзимни ҳозиргидек тетик ҳис этсам, бўлгани.

## ЛОРД

Унда қирол, малика ва бошқалар ҳозироқ пастга ташриф буюрадилар.

## ҲАМЛЕТ

Қадамларига ҳасанот.

## ЛОРД

Малика мусобақа олдидан Лаэрт билан лутфан ярашиб олишингизни маслаҳат берадилар.

## ҲАМЛЕТ

Хайрли маслаҳат.

## Лорд кетади.

## ҲОРАЦИО

Сиз ютқизасиз, шаҳзодам.

## ҲАМЛЕТ

Унчаликмас. У Францияга кетганидан буён мен муттасил машқ қилдим. Бунинг устига, имтиёз мен томонда. Мен ютаман. Аммо ишонасанми, кўнглим алланечук ғаш. Ҳа, майли, аҳамиятсиз.

## ҲОРАЦИО

Йўқ, бу қанақаси, шаҳзодам?

## ҲАМЛЕТ

Фирт тентаклик. Бунинг устига хотин кишини шаштидан қайтара оладиган туғиш ваҳимасидек бир гап.

## ҲОРАЦИО

Кўнглингиз ғаш бўлса, унга қулоқ тутганингиз маъқул. Мен кайфингиз жойида эмас, деб уларга хабар қиламан.

## ҲАМЛЕТ

Асло! Бидъатлардан баланд туриш лозим. Олло тааллонинг иродаси бўлмаса, ҳаттоки чумчуқ ҳам йиқилиб тушмайди. Агар қисмат ҳозир буюрган экан, буни орқага суриш маҳол. Орқага суриб бўлмас экан, демак, ҳозир бўлиши муқаррар. Ҳозир рўй бермагандаям барибир қочиб қутулолмайсан. Бас, ҳамиша тайёр турмоқ керак. Ҳамма гап шунда. Қачон нимадан айрилишимизни-ку ҳеч ким айтиб беролмас экан, олдинроқ айрилиб қўя қолсак, нима қилади? Таваккал.

**Қирол, Малика, Лаэрт, Озрик, хос маҳрамлар ва қиличларини кўтариб хизматкорлар киришади.**

## ҚИРОЛ

Кел, Ҳамлет, кел, туташтирай қўлларингизни.

(Лаэртнинг қўлини Ҳамлетнинг қўлига қўяди.)

## ҲАМЛЕТ

Мени маъзур тутинг, тақсир. Мен ноҳақ эдим.  
Мардлик юзасидан мени этингиз афу.  
Йиғилганлар билишади, балки сизга ҳам,  
Айтишгандир буни, баъзан қандай қоронғи  
Босиб, хира тортар ҳушим — хаёлим менинг.  
Шаънингизга тил теккизган бўлсам мабодо,  
Ишонингким, бунинг асл сабабчиси шу.  
Бунга Ҳамлет жавобгарми? Жавобгар эмас.  
Баски, Ҳамлет жунун чоғи унутиб ўзни,  
Етказибди Лаэртга чин маломат — озор,  
Аслида-чи, Ҳамлет таҳқир этмамиш уни,  
Уни таҳқир этган тамом бошқа гуноҳкор.  
Кимдир ўша? Уша айбдор — унинг жунуни.  
Шундоқ экан, демак, Ҳамлет ўзи даъвогар,  
Унга уя қуриб олган иллат — жавобгар,  
Дўст-ёронлар даврасида сиздан сўрайман,  
Кўнглингизни фориг тутинг гина-кудратдан.  
Худо шоҳид, сизни хафа қилмоқчимасдим.  
Камондан ўқ узиб, уни томдан оширдим,  
Янглиш қилиб, оғайнимни яралаб қўйдим.

## ЛАЭРТ

Юрагимнинг энг қаърида, аслида ўша —  
Нафрат яшайдиган жойда узрингиз қабул.  
Лекин номус иши бошқа: қонун-қоида  
Бошқачадир бунда, маъзур тутолмасман то,  
Бундоқ баҳсу муноқаша билимдонлари  
Бермагунча, ярашинг, деб тайин бир фатво.  
Ушангача таклиф этган дўстлигингизни  
Қадрлайман, унга лойиқ жавоб бераман  
Мен ҳам шундоқ дўстлик билан.

## ҲАМЛЕТ

Ғоят хурсандман.

Қабул этдим мусобақа даъватингизни,  
Хўш, бўлмаса, бошлаймизми? Қиличлар қани?

## ЛАЭРТ

Менга қилич беринг.

## ҲАМЛЕТ

Сизга мен қулай рақиб.

Нўноқлигим қаршисида маҳоратингиз  
Қоронғи тун юлдузидек кўринар балқиб.

## ЛАЭРТ

Сиз устимдан кулаяпсиз, милорд.

## ҲАМЛЕТ

Йўк, рости,

Агар ёлғон айтсам, мана, қўлимни кесинг.

ҚИРОЛ

Қани, Озрик, қиличларни тарқатинг. Ҳамлет,  
Мусобақа шарти сизга аёнми?

ҲАМЛЕТ

Аён.

Кучни қўйиб, заифликка тикдингиз, шоҳим.

ҚИРОЛ

Бу тўғримас. Мен кўрганман иккингишни ҳам,  
У машқини олган, аммо сизда имтиёз.

ЛАЭРТ

Менга бошқасини беринг. Бу жуда оғир.

ҲАМЛЕТ

Шу менга боп — иккиси тенг, баробармикин?

ОЗРИК

Ҳа, шаҳзодам, иккиси тенг, баробар.

**Улар жангга шайланадилар.**

ҚИРОЛ

Қани, бизнинг дастурхонга шароб келтиринг,  
Ҳамлет рақибига икки зарба етказиб,  
Учинчи зарбани худди қайтарган замон —  
Унинг шарафига барча замбараклардан,  
Бир варакай ўқлар узиб, солинсин сурон.  
Унинг соғлиғига қирол кўтарур қадах,  
Қадахига солиб асл, дурдона — гавҳар,  
Бир гавҳарким, Даниянинг тўртта қироли  
Тожига қўндирган ўша ёқутдан афзал.  
Қани, қадах сунинг. Довруқ солиб довуллар,  
Карнайларга садо берсин, улар — тўпларга,  
Тўплар — самоларга элтсин, самолар — ерга:  
«Ҳамлет шарафига қирол кўтарур қадах!»  
Қани, бошланг. Сиз ҳам хушёр туринг, ҳакамлар.

ҲАМЛЕТ

Бошланг, тақсир.

ЛАЭРТ

Қани, бошланг, милорд.

**Солишадилар.**

ҲАМЛЕТ

Бир.

ЛАЭРТ

Қайтардим.

ҲАМЛЕТ

Ҳакам!

ОЗРИК

Зарба, аниқ зарба.

ЛАЭРТ

Бўпти, бошқатдан.

ҚИРОЛ

Шошманг, менга шароб беринг. Ҳамлет, мана бу  
Гавҳар сеникидир. Сенинг соғлигинг учун.  
Унга қадах тутинг.

**Саҳна ортидан карнайлар чалиниб,  
тўплар гўмбурлайди.**

ҲАМЛЕТ

Мен шу даврани ўйнай,  
Йўқ, ҳозирча қўйиб туринг. Қани, бошладик.

**Солишадилар.**

Яна зарба. Нима дейсиз?

ЛАЭРТ

Тўғри, бу зарба.

ҚИРОЛ  
Уғлимиз енгяпти.  
МАЛИКА  
У терга ботибди.  
Ҳамлет, мана рўмолча. Ол, терингни арт,  
Мен, малика, ғалабангга кўтарай қадах.  
ҲАМЛЕТ  
Оҳ, онажон...  
ҚИРОЛ  
Гертруда, майни кўй, ичма.  
МАЛИКА  
Ичгим келди. Утинаман, изн сўрайман.  
ҚИРОЛ  
(Четга)  
Қадах заҳарланган! Унга нажот йўқ энди!  
ҲАМЛЕТ  
Йўқ, онажон, ҳали бирга ичишга эрта!  
МАЛИКА  
Кел, юзингни артиб кўяй.  
ЛАЭРТ  
Энди мен урай.  
ҚИРОЛ  
Уриб бўпсиз.  
ЛАЭРТ  
(Четга)  
Қандай жирканч, аянч бу савдо.  
ҲАМЛЕТ  
Учинчи даврани энди бошлаймиз, Лаэрт,  
Утинаман, ҳужум қилинг ҳужумчи монанд,  
Ҳозиргача ўйин бўлди ишингиз фақат.  
ЛАЭРТ  
Йўғ-е, наҳот? Қани, бошланг.

#### Солишадилар.

ОЗРИК  
Устма-уст хато.  
Иккиси ҳам бекор кетди.  
ЛАЭРТ  
Мана, бўлмаса,

**Лаэрт Ҳамлетни яралайди. Сўнг олишув авжга чиққанда, қиличларни алмаштирадилар. Ҳамлет ҳам Лаэртни яралайди.**

ҚИРОЛ  
Ажратинглар. Иккиси ҳам жаҳлга минган.  
ҲАМЛЕТ  
Йўқ, қайтадан.

#### Малика йиқилади.

ОЗРИК  
Маликага ёрдам беринглар!  
ҲОРАЦИО  
Улар қонга ботишибди. Қон, қайдан, милорд?  
ОЗРИК  
Қон қаердан, Лаэрт?  
ЛАЭРТ  
Қушча қафасга тушди.  
Озрик, рақибимга атаб тузоқ кўйгандим,  
Ўзим тушдим унга макри-бедодим учун.  
ҲАМЛЕТ  
Маликага нима бўлди?  
ҚИРОЛ  
Қонни кўрибок,  
Кўнгли озиб қолди.

МАЛИКА

Елғон, ишонма, Ҳамлет, —  
Шароб! Шароб заҳарланган! Заҳарли шароб!

Улади.

ҲАМЛЕТ

Хиёнат бу! Эшикларни дарров бекитинг!  
Топиш керак у хоинни!

ЛАЭРТ

Кўлинггадир у.

Ҳамлет, кунинг битди, энди сенга нажот йўқ.  
Бору йўғи ярим соат умринг қолди, бас.  
Хиёнатнинг ашъёлари кўзинг ўнгида.  
Қилич заҳарланган, яна тиғи яланғоч.  
Разолатим учун мен ҳам бўлурман ҳалок.  
Малика ҳам адо бўлди. Мадорим битди...  
Ҳаммасига айбдор фақат қиролдир, қирол.

ҲАМЛЕТ

Нима, қилич заҳарланган? Бўлмаса ҳозир  
Вазифангни бажара қол, заҳарли шамшир!

Қиролни яралайди.

ҲАММА

Хиёнат!

ҚИРОЛ

Оҳ, ёрдам беринг, дўстларим, имдод!  
Фақат яраландим, холос. Умид бор ҳали.

ҲАМЛЕТ

Шунақами? Ол бўлмаса ҳиссангни, жаллод!  
Қани, ўша гавҳарингни ўзинг юта қол!  
Бор, онамнинг ёнига бор!

Қирол ўлади.

ЛАЭРТ

Ҳа, ажаб бўлди!

Бу шаробни унинг ўзи тайёрлаганди,  
Олижаноб Ҳамлет, қани, кела қол энди,  
Кечдим ўз хунимдан, яна отам қонидан,  
Ўтинаман, ўз хунингдан сен ҳам кечгайсан!

Улади.

ҲАМЛЕТ

Тангри сени маъзур тутгай. Мен ҳам изингдан,  
Дўстим, Ҳорацио, энди ҳаммаси тамом.  
Худо ярлақасин сени! Хайр, маликам!  
Сиз эса, эй ҳалокатли шу хотимага,  
Тилсиз, унсиз гувоҳ бўлган қадрдонларим,  
Э воҳ, яна бир озгина фурсат бўлсайди,  
Лекин ажал унамайди, мени қистайди,  
Сизга яна кўп гапларни айтмоқчи эдим...  
Хайр, майли. Ҳамма нарса битди, Ҳораций.  
Сен тириксан. Мен тўғримда бор ҳақиқатни  
Бошқаларга ўзинг айтиб бергайсан.

ҲОРАЦИО

Асло.

Даниялик эмас, қадим римликман, зеро,  
Бунда бир оз заҳар қолган.

ҲАМЛЕТ

Агар мард эсанг,

Қадаҳни бер менга. Қани, бера қол. Ахир,  
Бундаги чин ҳақиқатни биров билмаса,  
Мен авлодлар назарида топарман таҳқир,  
Дўстим, яна битта савоб, мардона иш қил.

Ернинг бўғиқ ҳавосидан бир оз ол нафас,  
Бу дунёда қолиб, менинг шўр ёзмишимни  
Инсонларга ҳикоя қил.  
(Саҳна ортидан марш ва ўқ овозлари эшитилади.)  
Бу не отишма?

#### ОЗРИК

Фортинбрас ғолибона қайтиб Польшадан,  
Англия элчиларин олқишлар бу дам.

#### ҲАМЛЕТ

Ҳораций, мен тугаяпман. Заҳарнинг кучи,  
Қарахт қилди, Англия элчилари то,  
Етиб келгунича тамом юмилар кўзим,  
Башоратим: Фортинбрас қирол бўлғуси,  
Мен ҳам қувватлайман, унга овоз бераман.  
Бунда нелар кечганини ўзинг айтиб ўт,  
Тамом, адо бўлдим. Бундан бу ёғи — сукут...

#### Улади.

#### ҲОРАЦИО

Чил-чил бўлиб синди, э воҳ, ноёб бир юрак,  
Хайрли тун бўлсин сенга, азиз шаҳзодам,  
Ухла, фаришталар ширин аллалар айтсин.  
Барабанлар чалиб, буён келаётган ким?

#### Саҳна ортида марш садолари.

Фортинбрас ва инглиз элчилари барабанлар,  
байроқлар ва хос маҳрамлар билан кириб келишади.

#### ФОРТИНБРАС

Қайда кечди бу можаро?

#### ҲОРАЦИО

Қайси можаро?

У қайғули можароми? Мана шу ерда.

#### ФОРТИНБРАС

Ҳали бунда учиб юрар фиғону фарёд,  
Ўлим саройида демак зиёфат қуюқ.  
Қонли супрасига шунча ўликни, ҳайҳот,  
Қалаштириб ташлабди у.

#### БИРИНЧИ ЭЛЧИ

Аросатдир бу,

Англия хабарлари кечикди ортиқ.  
Уни эшитмоқчи бўлган қулоқлар ботил.  
Фармон бажарилди, дея келтирдик хабар,  
Ўлим кучди Розенкранц, Гильденстерн, —  
Десак, бизга бунинг учун ким раҳмат айтар?

#### ҲОРАЦИО

У айтиши гумон. Тирик бўлганида ҳам  
Шундоқ хабар учун сира айтмасди аҳсан,  
Улар ўлимини сира истамаган у.  
Англия ёқдан етиб, Польшадан келиб,  
Баски, шундоқ қон устидан чиқибсиз, ёҳу,  
Фармон беринг жасадларни қўйишсин қатор  
Ошкор-аён қилиб баланд тепа-кўрғонга.  
Мен сўйлайин неки кўрган-эшитганим бор,  
Бу можаро хусусида жумла жаҳонга.  
Мен сўйларман қонли, кўрқинч фалокатлардан,  
Ёвуз кирдикорлар, мудҳиш ҳалокатлардан,  
Қора савдолардан, ифлос риёкорликдан,  
Ўзи қазган чоҳга ўзи йиқилиб тушган,  
Миси чиққан маккорликни айтай ниҳоят,  
Ҳаммасини бирин-бирин айлай ҳикоят.

#### ФОРТИНБРАС

Эшитмоққа мунтазирмиз. Тузармиз алҳол,  
Бунинг учун бир муносиб мажлиси олий,  
Ғоят қийин кунда менга юз очди иқбол,

Бу ўлкага менинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларим бор,  
Ушаларни айтмоқчиман.

#### ҲОРАЦИО

Мен ҳам тарафдор.

Сўз айтарман мунаввар бир кимса номидан,  
Ки, сайловда қисматингиз ҳал этар чиндан.  
Ошиқайлик, хаёлларни чулғамиш тутун,  
Яна янги бир фалокат чиқмасин бугун.

#### ФОРТИНБРАС

Ҳамлет жасадини юксак сўрига элтинг,  
Тўрт капитан элтсин, шаҳид жангчига монанд  
Тирик бўлганда у қирол бўларди лекин  
Ва ўшанга лойиқ эди. Уни элтаркан,  
Ҳарбий низом талабига кўра тамоман —  
Чолғу-созлар фарёд солиб, жаранглаб турсин.  
Жасадларни олиб чиқинг. Бу ерга эмас,  
Улар уруш майдонига ярашиқдир, бас,  
Тўплардан ўқ узишга ҳам фармон берилсин.

**Мотам марши.**

**Жасадларни кўтариб чиқадилар, кейин тўплардан ялпи ўқ узилади.**

Инглизчадан **Жамол КАМОЛ** таржимаси



## ИККИ КУРСИЛИ ХОНАДА УЧОВЛОН

ЕКИ МАХСУС СУХБАТЧИМИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИЛАРИ  
САИД АҲМАД ВА... АБДУЛЛА ҚАҲҲОР БИЛАН УЧРАШУВИ.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи биноси. Иккинчи қаватга кўтарилиб, «проза бўлими» эшигини очаман, аста ичкарига мўралайман. Отахон ёзувчи Саид Аҳмад тамаки бурқсатганича деворга ўйчан тикилиб ўтирибди. Деворда эса кажава курсига ястанган Абдулла Қаҳҳорнинг каттакон рангли портрети.

— Ассалому алайкум. Сухбат уюштиришга «Шарқ юлдузи»дан юборишувди. Анча вақтингизни оламан шекилли, олдиндан узр сўрамоқчиман, домла.

— Бошқача қақиргин, худо хайрингни бергур. Кечагинаям «домла» деган сўзни эшитса шайтонлаб қоладиганлар бор эди. Чапанироқ қилиб «устоз» деявур.

— Жаҳлингиз Бурнингизнинг учида турганга ўхшайди, устоз. Кайфиятингиз чимилдиқбоп пайтда келсаммикан?

— Сендан хафамасман, журналдагилардан ўпкалаяпман — мени аския қилишмоқчидек ҳузуримга сени юборишганини қара. Чиройлироқ одам қуриб қолган эканми?

— Бунинг устига, бемалол бурунма-бурун ўтириб гаплашишга хонангизда узунроқ стол ҳам йўқ экан.

— Эски латифани эсимга туширдинг. Ўта хунук бир бойнинг эшиги тақиллабди. Чиқиб қараса, ўзиданам тавия бир йигит турганмиш. Унинг «хуснига» рашки келиб, эндигина хўмрайганида йигит: «Қори почдам сизни тўйга айтиб юбордилар», депти. Бой: «Тўйга айтишга сендан бошқа афти-ангори дурустроқ одам топилмабди-да», деса, йигит: «Унақаларни башараси дурустроқ бойларниқига юборишди», деган экан.

— Бу қувноқ муқаддима айни муддао бўлди. Сатира ва юмор устасисиз, шу мавзуда гап кавлашни дилимга тугиб қўювдим. Лоақал, суҳбатимиз чиройлироқ бошлансин.

— Тўғри айтдинг, юмор ҳаммани бир зумда ўзига ром қиладиган чиройли қиздек тортимли жанр.

— Сатира-чи?

— Бу энди ўша сулувга уйланганингдан кейинги аҳвол. Писандалари қанчалар ўринли бўлмасин, барибир ғашинга тегаверади. У билан апоқ-чапоқ яшаш учун бутунлай камчиликсиз одам бўлишинг керак.

— Ўрнингизда бўлсам, ҳатто фаришта сифатларнинг ҳам қулоғи «писанда»лардан холи туришига кафолат беролмасдим.

— Гапни қаяёқча бураётганингни пайқадим. Қаримабман, хайрият... Ифвогарлик, маданийроқ айтаганда, анонимкачиликнинг бу гапимизга нима дахли бор? У, сатиранинг пиёниста ўғай тоғасига никоҳсиз тегиб олган суюқоёқ ва беномус бир «жанр», холос. Гоҳида нима учун бир йўла учта эр қилиш мумкин эмас, деб куюнса, гоҳида нега энди Эркин Воҳидовнинг икки жилдлик асари босиларкан, деб алжирайди. Асари зўр бўлгандан кейин ўн том чиқмайдими? Сен нега жириллайсан дегинг келади!

— Бироқ... афсус дейиш керакки...

— Ҳа, баъзан шунақа алжирашларни алоҳида эътибор билан, ҳаттоки мириқиб тинглайдиганлар ҳам топилиб қолади. Мунофиқона «томошабинлик!»

Домла Саид Аҳмад ўчиб қолган «Родопи» қолдигини кулдонга эзғилайди. Устод Абдулла Қаҳҳор жим, истеҳзоли жилмайганча аҳволни кузатиб турибди.

— Модомики, сатира барча нуқсонларга нисбатан энг аёвсиз, энг ошкоравий жанр экан, бу мавзудаги асар намуна кам?

— Серғалва хонадонга онда-сонда меҳмон оралагандек, бу жанргаям камдан-кам одам юрак бетлаб қўл уради. Бундан ташқари, сатирачи бўлиш учун алоҳида туғма дид, заҳар-шакар аралаш ўзгача бир истеъдод керак. Энг ёмони — бу жанрни рағбатлантирувчилардан кўра «шолчақоқди» қиладиганлар кўп. Ундаги образлар негадир ўз-ўзидан бирон нозик амалдор ёки нуфузли «бойвачча»га ўхшаб қолаверади-да. Баъзида эҳтиёткорлик қилиб воқеани ўрта асрга кўчирасан, аммо ўзинг яратган қахрамонинг ўзинга қарши гурзи кўтариб, барибир йигирманчи асрдан чиқиб келаверади.

— Кейин, тазйиқлар...

— Буларнинг ҳаммаси қўшмозор бўлгур «шахсга сиғиниш даври»нинг иллатлари. Шу иллатнинг дастидан ҳозир қўлма-қўл юрган «Арбат болалари» китобхонларга етиб келгунича неча вақт димланиб ётди, «Тавба-тазарру» фильми йиллаб Иттифоқ экранларига чиқарилмади. Ҳатто



«Кунда»ни шу давримизнинг ўзида «кундага ётқизиш»ларига оз қолди. Бунақа мисоллар кўп.  
— Ўзимиздан гапирмаяпсиз?  
— Бунақа машааларнинг энг «намунавий»лари ўзимизда бўлган-да, укам. Биргина Абдулла Қаҳҳорни эслагин...

Девордаги портретга қарайман. Буюк адиб ўнғайсизланаётгандек, кўзини олиб қочишга интилаётгандек туюлади.

— Диққатим Сизда, устоз.  
— Унинг «Тобутдан товуш»и саҳнага чиқди-ю, қулоқларига пахта тикволиб ҳам қутулмади. Эшитмаганга олса, рўпарага туришволиб имо-ишоралар билан бўлсаям «асаббузар жанг»га чорлайверишди... зоти анақалар! Яхшиямки, Абдулла ака «соқовна»га унча тушунмасди.  
— Кези келганда, бир гапни қистириб ўтсам. Беғараз ва бешафқат Абдулла Қаҳҳорнинг Сизга бағишланган иккита мақоласи бор. Биринчисида аямасдан...

Портретга қиялаб боқаман-у, устод адибнинг «ҳозир шуниси шартмиди», дегандек элас-элас бош тебратганини пайқайман.

— Нега даминг ичинга тушиб кетди? Гапиравер.  
— Кейин, орадан ийигирма йил ўтиб, машҳур «Уфқ» романингизни қувонч ва ҳаяжон билан қаламга олди. Буларни ҳазм қилиш масаласига келсак...  
— Ташвиш тортма, иккаласиниям пок-покиза «туширганман». Чунки унисиям, бунисиям малҳам эди. Фақат, биринчи «дори» хийла тахир туюлувди чоғи, бунақасини бирданига ютвориш қийин.  
— Ҳарқалай, эсон-омон ютиб олгунча «табибни» сал бўлсаям қарғагандирсиз?

— ...  
— Абдулла Қаҳҳор ҳақида кўп мақолалар ёзгансиз, радио-телевидениега берган интервьюларингизни кўриб-эшитганмиз. Айниқса, «Устоз чироғи» сарлавҳали эсдаликларингиз адиб таваллудининг 80 йиллигига муносиб тўёна бўлди. Менимча, аввал айтилган гапларни такрорлаб ўтирмасак ҳам булар. «Тобутдан товуш» ҳақида бинойидек сўзлаб турувдингиз...  
— Илгари ёзганларимни ўзим ҳам қайтарма қилгим йўқ, буюк инсон хотирасини ортиқча майдалаштирмаган маъқул. Аммо «Тобутдан товуш»га келсак... Бу ҳақда юз марта гапирсанг, ҳар гал янги бир нозикроқ, бошқача бир жасорат кашф этаверасан.  
— Ҳе, аттанг! Бу пьеса ўшанда «юқоридагилар»нинг кўрсатмаси билан саҳнадан олиб ташланмаганда, юлғичларга нисбатан халқнинг қаҳрини оширишга кўпроқ хизмат қилган бўларди.

— Бу «қисувга олиш» пьесадан кўра кўпроқ муаллифнинг шахсига қаратилган эди. Қаҳҳорни камситишга уринишларнинг илдизи чуқур. Абдулла ака адабиётдаги қаллобликларни жинидан ҳам ёмон кўрарди. Бу хил киморбозларни даврага эшикдан эмас, туйнукдан кириб келган ўғри мушукка таққослар эди. Эллигинчи йилларда «ўғри мушук»лар кўпайиб, ҳатто «мана сенга сарлавҳа, қолганини ўзинг ёзиб кўявер», дейдиган раҳбар «ёзувчи»лар ҳам пайдо бўлди. Жумладан, «Ғолиблар» деган қисса ана шу йўсинда, Абдулла аканинг таърифи билан айтганда, «мардикор солиб ёзилган» асар эди. Бу қиссанинг ҳали ўзбекчаси чиқмай туриб, русча таржимаси босилди. Маҳаллий силаб-сийпаланишдан руҳланган «муаллиф» энди «Бўрондан кучли» романини «яратди». 1958 йили Абдулла ака бу асар муҳокамасида сўз олиб: «Роман пишмаган ошга ўхшайди, ёғи ҳам қиздирилмаган, гуручи ҳам етилмаган. Еган одамни қорин оғриқ қилади», деди. Бу ҳам етмагандек, ушбу асарга редакторлик қилишдан бош тортди, «романни бошқатдан ёзиб чиқишга вақтим ҳам йўқ, тоқатим ҳам», деди. Шундан сўнг кўп ўтмай, Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссасига кесак отишлар бошланди. Унда ҳали «Тобутдан товуш»га навбат келмаганди.

— Бу пьесани, янглишмасам, биринчи марта Ҳамза театри саҳналаштирган экан.  
— Ушанда қаттиқ муҳокама бўлган. Баҳс қизиб турган чоғда «катта раҳбарлар»дан бири: «Пьесадаги порахўр қайси жойнинг бошлиғи экани кўрсатилмабди-ку. Ким у, қайси ташкилотда ишлайди», дея жўмбоқ ташлаганида, Абдулла ака одатдагидек истеҳзоли жилмайиб: «Порахўр ҳамма ташкилотда бор. Агар буни бирон ташкилот раҳбари десам, бошқа жойларда порахўрлик йўқ деган маъно чиқади», дея жавоб қилганди.

Девордаги портрет тарафга ҳаяжон билан назар ташлаб қўяман. Юрагимга шавқ қуйилаётганини ҳис этаман.

— Инсофни қаранг, устоз. Қаҳҳор домла, ҳатто ўшандай қалтис вазиятда ҳам бўлак идораларга нисбатан «хўрматсизлик» қилгилари келмабди.  
— Сен-ку ҳозир кинога ташлаясан, ўша кун номдор бир адибимиз сўзга чиқиб, «порахўрлик ҳаётимизда типик ҳодиса эмас», дея жиддий тарзда эътироз билдирди.  
— Ҳартугур, уям қуроқ қолмагандир?  
— Абдулла ака: «Ўртоқлар, шу гапни айтган одамнинг хонадонидан пора туфайли икки киши қамалиб ётибди», деди.

— Мисолнинг тап-тайёр турганини қаранг!  
— Тазийқчилар барибир, оз бўлса-да, пьесага таъсир ўтказишга муваффақ бўлишди. Жумладан, унинг номи «Сўнги нусха» деб ўзгартирилди.

— Қизиқ, бу билан нимага эришишди экан? Ахир, республикамизда охириги порахўр изғи юривди, униям қўлга туширдик, деган «сенсация»га ким ҳам ишонарди?

— Нопокларнинг касби шу — жамиятнинг кўзини лўқ қилиб алдашга, ҳушёрроқларни лоақал чалғитишга уриниб юришади. Масалан, 1962 йилда Абдулла аканинг ўз суюкли Фарғонасида, аниқроғи Қўқон театрида (пьеса бу ерда биринчилар қатори дангал саҳналаштирилганиниям айтиб қўяй) бу спектакль бошланишидан олдин пўримгина киши саҳнага чиқиб: «Театримизнинг азиз

мухлислари! Сиз томоша қиладиган воқеалар ҳозир турмушимизда йўқ, у бир вақтлар бўлиб ўтган. Буларни шунчаки тарих деб тушунишингизни илтимос қиламиз», дейди.

— Залда ўтирган порохўрлар тириклигига ишонч ҳосил қилиш учун ўзларини чимчилаб кўришган бўлса ажабмас.

— Мана, сен ташқаридан қараганда куляпсан, ичингда бошқача кечинма. Шунинг ўзи сатира.

— Узр, устоз. Қаҳқорчасига истеҳзоли жилмайишга бир уриниб кўрдим.

— Ҳа, деярли бутун умри тазйиқда ўтганига қарамай, Абдулла ака йиғламоқчи бўлган сира ўзига эп кўрмаган. У ilk қадамданок истеҳзоли жилмайишга мажбур бўлди. Ахир, дастлабки йирик асари — «Сароб» романи устида ҳам озмунча «ур-йиқит» бўлганмиди! Устознинг «Литературная газета»да босилган «Хуснбузар» мақоласи атрофидаги «ғала-ғовурлар-чи? Унинг пахтакорлар меҳнати ҳақидаги нутқлари, айниқса, телевидение орқали чиқишлари алоҳида бир жасорат эди. Мана шундай ҳаққоний танқидлар учун ундан ўч олишлар янаям кучайди.

— Афсуски, «ҳаққоний» деган кўшимчани баъзида кечикиб ишлатамиз.

— Ҳаққонийлигини бугунги ҳаёт, бугунги сиёсатимизнинг ўзи исботлаб берди. Танқид ва ўз-ўзини танқид хира тортиб кетган анави даврларда республикамиз шайнига доғ бўлиб тушувчи шундақанги номақбулликлар қилиндики, ҳамон уятдан бош кўтаролмай юрибмиз. Қўшиб ёзиш, порохўрлик, қонунни менсимаслик, қариндош-уруғчилик бениҳоя авж олди.

— Натижада, бора-бора эртанги кун ҳақида ўйлашни ҳам унута бошладик. Биргина Ўзбекистонга хос бўлмаган юз турли кўзбўямачиликларни таг-туғи билан кўпориб ташлашга партиямиз астойдил бел боғлади. Бу — умидбахш ва қувонарли. Айтинг-чи, ишлаб чиқаришдаги салбий ҳодисалар наҳотки адабиётимизга ҳам, адабларга ҳам таъсир ўтказган бўлса?

Устознинг портретига ҳам савол назари билан кўз ташлайман. Уша-ўша истеҳзоли жилмайиш: «Ҳах, болагина-я! Сен нима деб ўйловдинг?!»

— Бу русум адабиётимизга бевосита кириб келди, деб айтолмайман. Аммо ошириб ёзишлар тўфайли юзага келган дабдабозликдан дурустгина манфаатдор бўлганлар бор. Буни инкор этишга «кучим етмайди». Сафимизда шундай қаламкашлар пайдо бўлдики, ёзганларининг эпикалироғини ҳамласанг, бир жилдлик тўплам қилолмайсан, кўксиде эса қатор-қатор орден ва медаллар, чўнтагида турли унвонларнинг гувоҳномалари. Улар бундай шўҳратга олти миллион тонналик «қалбаки жанг»ни, уйқулараст «ғолиб қўмондон»ларни ногора оҳангида мадҳ этишдаги хизматлари эвазига эришганлар. Ҳатто айрим ёзувчиларни СССР Давлат мукофотига тавсия этишда «етказиб берилган» олти миллион тонна «тортиқ»қа шама қилиб ўтилгани, талон-тарожга ташлаб қўйилган мўмин-қобил деҳқонларнинг табаррук номини сотишга борилганидан ўртаниб кетасан.

Шу йил июль ойида бўлган республика партия ва ҳўжалик факультети йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев олти миллионлар асосан қоғозда етиштирилганини айтиб ўтди. Уша «қоғоз давр»да эса олти миллион шарафига йилма-йил баландроқ карнай чалиниб, ўйнагинг келмасаям зўрлаб рақсга тортишарди. Сенга нон бераётган, шон бераётган сарпойчан халқни лақиллатиб яшадан ортиқ гуноҳ бўлиши мумкинми? Сени бундай қаттолликка мажбур қиладиган курсининг остига наҳот шунчалар кучли магнит ўрнатилган бўлса?

— Магнит таъсирининг кучая бориш ҳолати, кўполроқ тарзда айтганда, виждон амрининг сусайиш даражасига тенг бўлса керак.

— Эзгуликка садоқатдан гап очилди дегунча Шўҳратнинг ўз устози Абдулла Қаҳқорга фидойилиги ёдимга тушаверганидек, виждон ҳақида, айниқса ёзувчи виждони тўғрисида сўз кетса, кейинги пайтда кўз олдимига ўзимизнинг Невмат келаверади.

— Невмат Аминовми?

— Ҳа. Ушанда 1977 йилнинг ёз ойлари эди, Невмат «Муштум»да ишларди. У бир фельетонни тахир қилиб ўтирганида, айнан шу фельетон қаҳрамони — Бухоро шаҳар савдо бошқармаси раҳбари аста эшикдан киради. Аврашни бошлаб, «қозонёпти»га 25 минг сўм таклиф қилади. Невматнинг капалаги учиб, уни идорадан ҳайдаб чиқаргач, бу қайсарликни ўз фалсафаси билан мушоҳада этган савдогар эртасига 50 минг келтиради. «Ҳотамтой» шўрлик кабинетдан яна бадарға қилиниб, кўп ўтмай унга бағишланган «Хурмача қилиқ» фельетони босилиб чиқади. Вақти-соати етиб бу савдогар жиноий жавобгарликка тортилганида, ҳажвий журналнинг бир «нодон ходими» 50 мингдан бўйин товланганини тергов чоғида афсусланиб айтиб беради.

Бун билан айтмоқчиманки, чинакам ёзувчи бор жойда виждон ҳам яшайверади. У олаётган қалам ҳақи нондек ҳалол. Бошқа қинғир даромадлардан умидвор бўлиб қалам тебратаётганлар эса орага фуқулиб олган ниқобли савдогарлардир. Баъзи-бировининг фель-атворига, ҳаёт тарзига, фаҳм-фаросатига қараб туриб, китобни шахсан ўзи ёзаётганига ҳам шубҳаланиб қоласан.

— Гап ўз-ўзидан Невмат Аминовга келиб тақалган экан, бир йўла ижодиниям «пайаслаб» ўтсак. Бу ёғи Невмат ака ҳам эллик ёшни уриб қўйди.

— Бу ҳақда гапни чўзишга ҳожат йўқ. Унинг «Елвизак» киссасига, «Елғончи фаришталар»ига ҳам, ҳикояларига ҳам баҳом битта — зўр! Ҳозирги кунда у билан беллаша оладиган сатирачи... билмадим. яна... Назмдагилардан Эркин Воҳидов сатирасини ёқтираман. Унинг ижодидаги бу ўткир қирра алоҳида тадиқ этилишга лойиқ. Адабиётшунослар негадир буни эътибордан қочириброқ келишяпти. Доншиқилоқ латифаларининг ўзи янги бир дунё. Умуман олганда, Эркиннинг лирик-фалсафий шеърлари шунақаям улўворки, унинг сояси шоирдаги бошқа қирраларни кўриб юбориши табиий.

— Олтиариқликларнинг фикриям шу.

— Ҳой, пайт пойлаб туриб, Эркинни ана ўша ёққа тортяпсанми? Олтиариқликларнинг биттаси сен бўлсанг айтгин-чи, нега болалар адабиётида сатира суст?

Девордаги портрет тарафга ҳадиксираб кўз ташлайман. Қулогим остида гулдирок товуш янграгандек бўлади: «Майнабозлик қилгинг келса, яхшиси катталарни алдашга уриниб кўрақол. Мабодо болаларни алдайдиган бўлсанг, ўз келажагинга сотқинлик қиласан!»

— Менимча, «суст»дан кўра «етарли эмас» дейиш тўғрироқ бўларди.

— Дарвоқе, яқинда Худойберди Тўхтабоевнинг сатирик романини ўқиб қолдим: «Ширин қовунлар мамлақати». Жуда қувноқ, файзли китоб. Ёзувчи товламачилик, порахўрлик, кўзбўямачилик сингари катталарга хос бўлган иллатларга болаларда нафрат уйғотишга юракдан чиқариб ҳаракат қилган, бунга эришган ҳам. Қўлимдан келса, бунақа нарсалар ҳақида, ҳатто боғча болаларга атаб ҳам ёзган бўлардим. Чунки, айниган сўлоқмонларни қайта тарбиялашдан кўра янги авлодни тўғри йўлга бошлаш самаралироқ, ишончлироқ.

Болалар — биздан қоладиган орзу-армонлар меросхўри, сирли келажакимиз. Келажак ҳақида алоҳида эътибор ва эҳтиром билан қайғуришимиз керак.

— Келажак ҳақида қайғуриш эндиликда энг асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Ҳозирда Москвадан туриб, ҳатто мамлакатнинг энг чекка жойларидаги, бир қарашда маҳаллий ҳокимият ҳал этиши мумкин бўлган муаммолар устида ҳам жон куйдириляпти. Илгарироқ шундай қилинганида республикамиздаги ҳайбарақаллачилик шовқини Оролни кўмиб юбормаган, дуч келган ерга оғунафас химия заводлари қурилавермаган, айрим зоналарда, ҳаттоки ер ости ичимлик сувлари ҳам заҳарланишига йўл қўйилмаган бўлармиди. Пахтазорларда хавфли меркоптофос, кейинчалик бутифосни ҳоводан қўллаш туфайли сариқ касаллиги авж олган йилларни эсланг. «Болалар ўлими» муаммолари...

— Узимиздаги жонкуярларнинг «тили боғланган» экан, наироқда ўтирган «ғамхўрларимиз» ҳам бор эди-ку, демоқчисан-да? Сезиб сезмаганга олиш, кўриб кўрмагандек туриш, деган гаплар бор дунёда. Оғизда ёки қоғозда инсонпарвар бўлиш, бир тўп офаринбознинг донишмандига айланмиш осон. Амалдагиси ўта қийин ва чигаллигини бугунги ҳаётдан кўриб турибмиз: хатоларни тузатиш учун партиямиз энди «бедор ишлашга» мажбур бўляпти.

— Одамларнинг яраси-ку битиб кетар. Оролнинг жароҳати-чи?

— Менимча, яқин ўн йилликлар ичида республикамизда бундан салмоқлироқ муаммо чиқмаса керак. Агар ирмонлама пишиқ-пўхта режа тузиб, шошилинч амалий чорага ўтилмаса, юз йилда ҳам ўнглаб бўлмайдиغان фожиага йўл очиб берилиши турган гап. Афанди эшагига миниб, бир қоп буғдойни эгар қошига ўнгарибди, иккинчи қопни ўзи елкалаб олибди. Одамлар бунинг сабабини сўрашса, «эшакка раҳим келиб, юкнинг ярмини ўзим кўтариб олдим», деган экан. Биз буёқда туриб қанча қуюнмайлик, бундан Орол денгизининг азоб уқубати енгиллашиб қолаётгани йўқ, барибир дарднинг ҳаммасини ўзи тортяпти шўрлик.

— Факт, рақам, тахминларни кўриб, баъзан даҳшатга тушасан. 1960 йилгача денгизга йил бўйи 60 кубо-километр сув куйилиб турган бўлса, бу микдор эндиликда бор-йўғи тўрт кубо-километрни ташкил этмоқда. Буям сув эмас, ишқорли ювинди. Бунинг устига, янги сув ombорлари муддатидан илгари ишга туширилаётгани ҳақида ғалаба рапортлари жаранглаб турибди.

— Гапни қисқа қилмоқчи эдим, барибир қўймадинг. Бир неча ой олдин «Известия»да Оролнинг космосдан олинган сурати, мақола босилди. Суратда денгизимизнинг икки мингинчи йилга боргандаги чегараси белгиланган — илгариги денгизнинг учдан бир қисмигина қоларкан. Мақолада: «Биз Оролнинг 2010 йилги чегарасини белгилаб ўтирмадик...» дейилган. Бу ўлим тўшагида ётган беморга нисбатан айтиладиган сўзга ўхшаб кетади. Буни гапириш у ёқда турсин, ўйлашнинг ўзи бир изтироб, ич-ичинг ёниб кетади. Нима қилай, болам?

— Бу хатоликлар бир-икки ҳафта олдин бошлангани йўқ. Ахир... ёзувчисиз... таниқли публицистсиз...

Сукунат. Девордаги портретга қиялайман. Устод адиб энди хаёлга толгандек: ўз ўтмишини эслашга ҳозир вақти йўқ, бизнинг келажакимизни ўйляпти...

— Демак, ёзмагансиз?

— Яна ярамга туз сепяпсан. Орол-ку яқингинадаям девор ортидаги ҳовуз эди, бировнинг эсигаям келмасди. Унинг аҳволини ҳовуз бўйидагилар кўриб турсаям, чамаси дастлаб унча ташвишга туширмаган... Узимни оқламоқчи эмасман, аслида бунга вақтида пайқашимиз керак эди. Аммо билганимиздаям... Ҳатто шундоқ кафтдагидек кўриниб турган лўттибозликларгаям пайти келса аралашолмасдик. Масалан, ўшанда пахта пунктлари ва заводлари раҳбарларининг куни туққан эди. Улар қолхош ва совхозлардан келтирилган хом ашёни гоҳ нам, гоҳ ифлос деб, аллақанча процентини уриб қолишар, кейин ўша хўжаликларнинг аҳволи танглашганини пойлаб, бир қанча қимматига қадоққўлларнинг ўзига пуллашарди. Аста-секин бу товламачилик «мода»га кириб, «қоғозда пахта етиштириш» бошланди. Шунга қоралаб жиддий бир мақола ёзгандим, босишмади, сабабиниям айтишмади. Орадан уч-тўрт ой ўтгач, Избосган районида Ш. Рашидов билан учрашиб қолдим. У менга ҳазиломуз қилиб: «Нималарни тимирскилаб юрибсан? Уз ишингдан қолмай китобларингни ёзгин-у, пахтагани бизга қўйиб бер. Сен танқид қилмоқчи бўлган раис иккинчи «Олтин юлдуз»га тавсия этилган», деди. Ҳўш, шундан кейин арзингни кимга айтасан?

— Ҳа, «қозининг ўзи шунча қилгандан кейин...

— «Беқиёс таланти раҳбар» дейишарди уни. Балки бу гапга маълум даражада биз ҳам ишониб кетгандирмиз, ўзи бузган нарсани ўзи тузатишнйям удалайди, деб ўйлагандирмиз...

— «Талант» сўзини эшитиб, яна адабий мавзуга қайтгим кепқолди. Узимиздаги талантларни белгилаш ҳам анча чигал иш шекилли?

— Ашула айтишга мутлақо қобилиятсиз одамни саҳнага чиқариб қўйсанг, иккидан бир кулфат рўй беради — ё томошабиндан айрилсан, ё «хофиз»дан. Аммо адабиётда бундай қилиб бўлмайпти, ўнлаб сўз мушакбозлари орада фимирлаб, ўзига ризқ яратиб юрибди. Фажиётган суяги кимнинг ҳисобидан эканини ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Ахир, Ёзувчилар союзи драма театри эмас. Театрдаги савиясиз актёрнинг белига қилич ёки елкасига милтиқ осиб қўйсанг, оммавий уёқдан-буёққа чопиб юраверади, ё бўлмаса, Худойерхон ролида ўйнаётган артистни бир умр елпиб ўтираверади. Бизда эса... Ҳозир союз аъзоларининг ўзи 650 нафардан ошди, шундан ўзини кўрсатаётганлар жуда борса элликтадир. Биргина союзиниз учун 600 та «массовкачи» кўплик қилмасмикан?

— Агар уларнинг рўйхатида мен ҳам бўлсам, унда «599 таси ортиқча», деяверинг.

— Союз аъзолари орасида, ҳатто бирорта китоби чиқмаган, фақат матбуотда учраб турадиганлар ҳам бор, номни оқлаш учун кўтариб келган қўлёзмалари талантсизликка берилган ҳужжатга ўхшайди. Тагин, ёмон десанг, балого қоласан. Союзимиздаги турли йиғинларда ҳам минбарни кўпроқ «массовкачи»лар банд қиляпти, мажлис асосан уларнинг арз-додлари ёки дағдағаларини тинглаш билан тугайди. Зеро, ҳақиқий ижодкорлар доимо кўпчиликнинг манфаати юзасидан минбарга чиқишган, йирик-йирик масалаларни муҳокамага ташлашган, умумдабиётни деб баҳсга киришган. Айрим тулларлар кейинги пайтда шахсий манфаатини умумдабиёт муаммолари билан ниқоблашни ўрганиб олгани янада хатарлидир. Бунақа сурбетлардан қандай қилиб маҳоратни, бадиий тил қоидаларини, ҳатто ижодкорликнинг оддий маданиятини талаб қила оласан? Хачирга ёғижак чалишни ўргатиш бундан осонроқ.

Девор ёқдан хўрсиниқ таралгандек бўлади, дарров портретга қарайман. Устод адибнинг нигоҳида таъна учқуни: «Уф, бунақалар ҳалиям йўқолмаганми?» Буюк инсонга таскин беришга ожизлик қилиб қимтинаман, шошиб суҳбатдошимга юзланаман.

— Ҳозирги ёшларнинг аксарияти ҳамиятли, қалбакиликка, муросасиз. Фақат улар ўртасидаги уюшқоқлик, бир-биридан фахрланиш, ўзаро самимият, яширин адоват ўрнини эгаллаётган пинҳона жонкуярлик, ўзини эр билса, ўзгани шер билишдек мардлик ҳисси янада камол топса бас... Истеъдодли ёзувчи — бу масаланинг бир томони. Иккинчи томонда ўткир дидли китобхон муаммоси ҳам бор, уларнинг камайиб кетаётгани ҳақида кўп гаплар айтиляпти.

— Кино ва телевидениенинг адабиёт билан «рақобатчилиги» тобора авж оляпти. Аммо, «қирқта бўлса, қилғи бошқа», деганлар. Адабиётимизнинг чинакам мухлислари ўз «суйғулисини» ҳеч қачон ҳеч нарсага алишмаслигига имоним комил. Оқил, фаросатли одамларни «китоб кўрган» деб эъзоз қилишди, бундай латиф кишиларга нисбатан «кино кўрган» ибораси қўлланилганини ҳали эшитмаганман.

— Бизда китоб ва шоир-ёзувчидан кўра кино ва киноактёр пропагандаси кучлироқ, назаримда.

— Адабиётшуносларимиз, танқидчиларимиз отни дурустроқ қамчилашлари керак. Улар номдор ёзувчилар атрофига тўпланиб олмай, ҳозирги пешқадам ижодкорлар, айниқса истеъдодли ва ҳайқиш билмас ёшларимизни иложи борича кенг кўламда пропаганда қилишларини истардим. Халқ меҳрини қозонган кекса ва ўрта авлодга мансуб қаламкашларни ҳам, кўплаб мухлислар орасида ном қозониб бораётган ёш ижодкорларни ҳам авайлаб, меҳримизни сочиб танқид қилишимиз лозим. Истеъдодлиларнинг кўнгли нозик бўлади, бундайларга асабни қитқилайдиган ачитқи-саситқи гаплар эмас, рағбатлантирувчи, ройишли таъналар кўпроқ наф етказади.

— Ёшлик билан хатолик кўпинча ёнма-ён юради. Шу боис топилган хатони оператив равишда рўқча қилишдан аввал, улардан муваффақият учқунларини эринмай кўришимиз, улардаги кучли томонларни ўзларига ҳам равшанроқ кўрсатиб бериб, шу ўзан сари оқишига кўмаклашимиз фойдалироққа ўхшайпти. Шунда хатолар шовқин-суронларсиз, араз-дуразларсиз ўз-ўзидан барҳам топаверарди.

— Бу ишда ғаразғўйлик, тарафкашлик, шахсий адоват жуда қабиҳ душман. Адабий танқид адабиётга меҳр туфайли дунёга келганини унутмайлик. У қитоб ва китобхон ўртасидаги холис тилмоч бўлиб қолавергани яхши. Афсуски, айрим мунаққидлар тирноқ остидан атайлаб кир қидиришади.

Абдулла Қаҳҳор «таърифлаган» ношуд танқидчи, яъни «қўлига шақилдоқ ушлаб олган кўрқоқ қоровул» ёдимга тушиб, яна портретга ўгириламан. Устоднинг кўзлари тийрак: «Ижодкор ва мухлис — икки соҳил, ҳақгўй танқидчи — покиза дарё, ундан иккала қирғоқ ҳам тенг баҳра олади...»

— Ҳа, баъзи танқидчиларимиз...

— Улар ўзаро обрў-иззат талашишни, «ички ҳисоб-китобларни» камайтириб («тўхтатиб» десам, қаттиққўллик бўлкетмасин), имкон қадар кенгроқ майдонга чиқиб боришса, бу «ҳаво алмаштириш»дан нафақат ўзларига, адабиётга ум улгуржи фойда келарди.

— Латифа айтишга бизниям ҳаддимиз сиғар?

— Меникидан ўткизвормай айтавер.

— Бир гўрков мозор ўртасига дабдабали сағана қуриб, ким ошдига сотадиган бўлибди. Нарх кўтарилгани сайин шухратпараст «тирик мурда»лар бирин-кетин рақобатда «синиб», охири афанди билан бир бойвачча қолибди. Жанжал кучайиб, иккови ёқалашганича гўрга думалаб кетишибди. Эркакча «қулочкашлашиш»га имкон қолмагач, энди кундошлардек бир-бировини чимчиллаш, юмдалаш, тишлашга ўтишибди. Ниҳоят аъзойи бадани мўматалоқ бўлиб, тишу тирноқ изидан қонга беланган афанди ташқарига чиқиб келибди-да, «тор жойда ҳашаматли гўр таллашиб яшагандан кўра кенгликда юриб ҳаром ўлган яхши экан», дебди.

— Машойихлар «тор жойда ош егунча, кенг жойда мушт е», деб бекорга айтишмаган-да.

— Дарҳақиқат, адабиётимиз келажагини белгилувчи улкан муаммолар кўндаланг турган бир пайтда адиблару адабиётшунослар кўпинча арзимас икир-чикирлар теграсида жуввозга қўшилгандек айланиб юрибмиз.

— Бунинг асосий сабабларидан бири адабиётимизга карвонбошилиқ қилиб келган, биз учун ҳамиша саховатпешалик, умумдабиётга фидойилик тимсоли бўлиб қолган Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Ғафур Ғулом, Миртемир сингари адибларимизнинг ҳар қадами бир мактаб бўлгулик ҳаёт йўлига кейинги пайтда унча назар ташламай қўйдик. Улар бачкана одамларнинг тазйикларига доимо шоҳона бефарқлик билан қарашган. Қайтага, майда-чуйда акиллашлар кучайган сари, балки ўзларининг буюклигига ишончлари шунча мустаҳкамлангандир.

— Бу гапнингиздан кейин ўзини «қопилган» ёки «қопилаётган» қилиб кўрсатувчилар кўпайиб кетмасайди.

— Яна бир катта нуқсонимиз бор, бу — маданий меросимизга лоқайдлик. Ижодкорлик шаънини пок туттиш, рақибни андиша билан енгитиш, сўздаги ошкора нафосату фикрдаги яширин

теранлик, эл-юрт тақдирига узоқни ўйлаб қайғурмоқ, бурчни аниқ ҳис қилишни донишманд ва камтарин классикларимиздан ўрганишимиз керак. Шунда ғуруримиз юксалади, нутқимизни ҳайротомуз фикрлар билан бойитиш мақсадида юнон ёки япон фалсафаларини пеш қилишдан уяладиган бўлиб қоламиз, чунки ўзимизда яшаб ўтган донишмандларнинг нодир асарларида шунақанги ўткир, шунақанги ноёб мушоҳадалар борки, уларни ҳатто Гёте ўқиб роҳатланган...

— Ҳой, ёшларимизнинг нега классикага унча хуши йўқ? — Буниям ўзига яраша сабаблари бор, устоз. Авваламбор, бу «касаллик»нинг бошланишини ўрта мактаб дарсликларидан ахтариш керак бўлади. Қолаверса, мактабларимизда асосан инглиз, немис, француз тиллари ўқитилади. Менимча, Ўрта Осиё региони учун фақат юқорида саналган тилларни эмас, Шарқ мамлакатлари, айниқса, араб ва форс тилларини ҳам ўрганиш бирмунча фойдали бўларди. Шу ҳақда жуда кўп ўйлайман...

— Тўғри, бугунги ўзбек тилида, айниқса адабий тилимизда араб ва форс сўзлари анчагина. Демак, тап-тайёёр ўзак бор, замин бор, шу тўғрайли бу тилларни ўрганиш анча осон кечади. Муҳими, ўз тилимизни ўзимиз яхшироқ тушунадиган, классик адабиётнинг мағзини қийналмасдан қақиб оладиган бўламиз. Умуман, бу масалани алоҳида кўтариш керак.

— Ёшларимизни классик адабиётимизга лоқайд, деб айблаш ҳам ноўрин. Уларнинг кўпчилиги бунга қизиқишда. Иброҳим Ҳаққуловнинг классик меросимиз ҳақида радио орқали олиб борган жозибали эшиттиришларини қишлоғимиздаги талай йигитлар «изини қувиб юриб» тинглашарди. Қўлёзмалар институтида минглаб қадимий китоблар ҳануз қўл урилмай тахланиб ётибди. Уларни ўрганадиган, ёшларга етказадиган мутахассисларнинг ўзи кам.

— Ҳа, эски ўзбек тилини биладиган мутахассисларни кўпроқ тайёрлашимиз зарур, шунда маданиятимизни янада бойитишга йўл очиларди. Қолаверса, ҳозир тахланиб ётган минглаб хазинадан — фаннинг деярли ҳамма соҳаларига оид тарихий манбалардан дунёдаги замонвий фан ҳам баҳраманд бўлар эди.

Қулоғимга кимдир шивирлагандек бўлади: «Гуржистонда маданият тарихига оид бўлса, отнинг тақасини ҳам баҳмалга қадаб қўйишар экан...» Портретга боқаман. Устоднинг ён дафтаридаги сўзлар-ку бу!

— Эшитишимча, ТошДУ журналистика факультетида «Эски ўзбек тили» дарси аллақачон «қисқартиб» ташланган экан.

— «Янги»си турибди эканми ишқилиб? Масалан, Тошкентдаги Маданият институти, Театр ва рассомлик санъати институти сингари баъзи бир ўқув юрларида ўзбек тили дарси олиб ташланганини олим ва ёзувчиларимиз журналда танқид қилиб ўтишувди. Ёзувчиларимиз, адабиётшунос олимларимиз «ҳайт!» деганга яраша киройи мана шунақа нарсалар устида тортишиша экан. Алоҳида шахсларнинг манфаатига қаратилган баҳс — баҳс эмас. Бир куни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да босилган навбатдаги баҳсни ўқиб, хурсанд бўлдим. Юзаки қараганда, гўё ёш олим ва таниқли профессор ўзаро гап талашаётганга ўхшайди, аммо бу тортишув аслида Алишер Навоийнинг ғазалларини таҳлил этиш, мазмунини халққа тўғри англатишга хизмат қилган.

— Нусратулла Жумаев билан Исматулла Абдуллаевларнинг баҳсини назарда тутяпсиз шекилли?

— Ҳа. Жумаев ёш бўлишига қарамай, классикани яхши билиши, уни чуқур ўрганишга интилаётгани кишини қувонтиради. Профессор Абдуллаев таҳлилдаги ўз хатоларини асосан тан олгани ҳам яхши фазилат, у билимсизликнинг эмас, билимдонликнинг белгиси. Манамен деган мутафаккир ҳам пайти келса хато қилади, бу айб эмас, мен мутлоқ ҳақман, деб туриб олиш айб.

— Айтишларича, Саида Зуннунова ҳам адабий меросимизни жуда ҳурмат қиларкан.

— Бобуру Навоий, Машрабу Оғахийлар унинг жон-дили эди. Баъзан бу мавзудаги баҳсларимиз жанжалга айланишига сал қоларди.

— Саида опанинг кўнглига қаттиқ тегиб қўйган пайтларингиз бўлганми?

— Қизиқ экансан, болам! Рўзгорда нималар бўлмайти.

— Бошқалар-чи? Масалан, «Сўқмоқлар» қиссаси кескин танқидга учраганида...

— Ҳа, бу қисса ўша «шов-шув»лардан кейин журналда эълон қилинганча қолиб кетаверди. Саидахон дастлабки вақтларда бундан анча диққат бўлиб юргани ёдимда. Мен «Сўқмоқлар» тўқмоқларга айланиб кетди-ку, деб ҳазил қилардим, кўнглини кўтаришга тиришардим.

Яқинда оила архивимиздан бу асарнинг қўлёзмасини топиб, жиддий ўқиб чиқдим, яхши қисса экан, шу кунларда чоп этилса бўладиган мавзу экан. Узингдан қолар гап йўқ, эллигинчи йиллар адабиётимизда «ура-ура»чилик маълум даражада ҳукм сурган давр эди, кўпинча майда, ивирсиқ мавзуларда қалам тебратилар, зиддиятлардан тозаланган «оташин асар»лар ёзилар эди. Саидахоннинг асарида ўша давр руҳига нисбатан анча жасорат бор. «Сўқмоқлар» ҳозирги ҳаётимиз муаммоларига ҳамоҳанг бўла олиши тўғрайли устидан енгил кўриб чиқиб, нашрга тавсия этмоқчиман. Қолаверса, бу адибамиз хотирасига нисбатан хайрли иш бўлади.

Яна нимадан гап очсам экан? Беихтиёр Абдулла Қаҳҳор портретига қарайман. Буюк адибнинг айнан айтган сўзлари гўё портрет остидан телевизор экранигадигдек тизилиб ўта бошлайди: «Ўзбек адабиёти — иттифоқ адабиётининг бир қисми, бу бойликнинг бир хазинаси. Бу хазинадан бутун халқлар баҳраманд бўлгандагина...»

— Республикаимиздаги бугунги адабий ҳаётни сув омборга таққослагим келади — тўғон ортида каттагина қудрат тўпланган, ташқарига оқиб чиқаётгани жуда кам.

— Бу гапингдан кейин ёшларни яна бир бор дуо қилгим келиб қолди, кўз тегмасин уларга. Адабиётимизнинг кескин ривожланиётганига кўпроқ шу «тўполончилар» сабабки. Ҳатто кекса ва ўрта авлодга мансуб бир қатор қаламқашлар ижодда ҳам сифат ўзгаришлар намоён бўлаётгани уларнинг ёшларга тутқич бермасликка тиришаётганидан деб ўйлайман.

Тобора етилиб келаётган бу қудратдан иттифоқдош республикалар, айниқса рус китобхонлари кам баҳраманд бўлаётгани ҳақиқатан ташвишланарли. Энг аввало, ўзимиз лоқайдгинамиз, маҳаллий

суҳрат билан кифояланишга кўниқиброқ қолганмиз. Бу — маҳалласида обрўйи баланд кишининг кўшни қишлоқдагилар хоҳласа салом берсин, хоҳламаса йўқ, деб ўйлашидек гап. Қолаверса, союзимиз адибларниям, китобхонларимизниям ташқарида «кўз-кўз» қилишнинг самарали усулларини тополганича йўқ. Бу борада ўрнатилган кўрсатаётган Болтиқбўйи ва Кавказ орти республикалари тажрибасини ўрганиб, амалда тезроқ қўллашга киришиш ниятимиз бор. Рус тилида ижод етарли бўлса, бу ишда жуда қўл келади.

— Рус ёзувчилари билан адабий алоқалар назаримда бир пайтлардагидан сусайиброқ кетгандек.

— Улуғ Ватан уруши йилларида бир қанча йирик маданият ва санъат арбобларининг вақтинча республикаимизга келиб яшагани ўзаро алоқани кескин жонлантириб, миллий адабиётимиз обрўйини юксалтириб юборганди. Муаллиф ва таржимоннинг доимо ёнма-ён бўлиши, услуб ҳамоҳанглигига қараб шерикчилик қилиш имкони мавжудлиги, маҳаллий муҳит ҳақида тасаввурга эгаликнинг бу ишда аҳамияти катта.

Кейинги авлод вакиллари ўртасидаги алоқалар кўнгилдагидек эмаслигига иккита асосий сабаб бор. Биринчиси — рус ва бошқа қардош ўлкалар таржимонларини республикаимизга кўпроқ жалб этишимиз, адабиётимизни тўлароқ ўрганишларига, қаламкашларимиз билан кўпроқ ҳамнафас бўлишларига қулай шароитларни яратиб қўйишимиз даркор. Масаланинг иккинчи томонида ўтсак, рус адиблари ва профессионал таржимонлари пайти келса Жанубий Америка ёки Африкадаги энг кичик мамлакатлар адабиётини ҳам алоҳида диққат бериб кузатадилар, ҳатто аҳолиси бир миллионга етиб-етмайдиган халқларнинг тилини ўрганиб, улардан бевосита таржима қилишга тиришадилар. Бу, албатта, ўта хайрли ва адолатли иш. Аммо шундоққина биқинида турган, у билан бир қозондан овқатланаётган, аҳолиси 10—15 миллионли иттифоқдош республикалар адабиётига етарли даражада қизиқмаслик, қон-қариндош элатлар тилини ўрганишга интилишнинг камлиги баъзан кишини таажжубга солади. Партияимизнинг жон куйдираётганича бор, интернационал тарбияни тенг ҳуқуқлилиқ асосида кучайтириб бормоғимиз лозим.

Суҳбатдошим пешонасини ҳорғин силаб қўйиб, яна сигарет тутатади. Толиққан кўзларимни бир ишқалаб олиб, устод Абдулла Қаҳҳор портретига синчиклаб разм соламан. Ҳаммамиз чарчаганга ўхшаймиз.

— Охирги саволим бор, устоз. Пастдаги ошхона ишляптими?

— Гапни айлантирмай, «бўлди энди, турайлик», деб қўявер. Олдин иккаламиз бир суратга тушсакмикан? Зўр чиқса керак, а?..

— Минглаб мухлисларингиз номидан Сизга шунақа хушчақчақлик, навқирон қалб ҳамиша ёр бўлаверишини тилаб қоламан. Қаригунингизча ҳали кўп гурунглашамиз, устоз. Бош омон бўлсин...

Суҳбатчи **Анвар ОБИДЖОН**



Тилаб Маҳмудов

## ОШКОРАЛИК—ҲАҚИҚАТ КЎЗГУСИ

В. И. Ленин социал ҳаётнинг реал шароитларидан ҳамда эстетик онг ва мафкуравий кураш масалаларидан келиб чиқиб, бадий ижод назарияси ва амалиётининг белгиловчи принципларидан бири — санъатнинг партиявийлигини илмий-назарий асослаб берди. В. И. Ленин марксизм моҳиятининг либераллар ва радикаллар томонидан бузиб тушунилишига қарши чиқиб ёзган эдики, марксистик назария «(ижтимоий бўлиб) жиддий ва юксак илмийликни революционлик билан бирлаштиради...» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 1-том, 380-бет.) Марксизмнинг илмийлиги ва революционлиги биринчидан, материалистик дунёқарашга, иккинчидан, пролетариат назарияси ва амалий ҳаракатларнинг синфийлигига асосланади.

Воқеликка революцион муносабат муайян ижтимоий-иқтисодий тузумнинг зиддиятларини объектив равишда идрок этиш, тарих ҳаракатини қайси синф белгилашини кўриш, революцион ғояларни ҳимоя қилиш ва сақлаб қолиш лозим бўлган изчил материалист бўлишни англатади. Материализм, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «партиявийликни ўз ичига олади ва ҳар қандай воқеага баҳо беришда тўғридан-тўғри ва очиқдан-очиқ маълум ижтимоий группа нуқтаи назарида туриш кераклигини талаб қилади.» (В. И. Ленин. 1-том, 469-бет.)

Башарти инсон дунёқарашини онгда социал-тарихий тажрибанинг инъикоси экан, у муайян социал группа ёки синфнинг ғоя ва манфаатларини ифодаласлиги мумкин эмас. Синфий манфаатлар кишининг бошқа манфаатларига нисбатан ҳамшиша кучлироқ ва шиддатлироқ бўлади. Уларда инсоннинг ижтимоий, ахлоқий ва сиёсий эҳтиёжлари чапишиб кетади.

В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» деган гениал асариде: «Бундан икки минг йил муқаддам философия партиявий бўлгани сингари, энг янги философия ҳам партиявийдир», — деб таъкидлайди. (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 18-том, 427-бет.)

Агар философия, сиёсат синфий ва партиявий характерда бўлса, у ҳолда марксизм-ленинизмнинг мазкур қондаси инсон ҳаёти ва фаолиятини бадий образларда акс эттиришга даъват этилган бадий ижодиётга ҳам бутунлай тааллуқлидир. Буржуа эстетиклари марксча-ленинча эстетиканинг, социалистик реализм санъати назарияси ва амалиётининг айна шу қисмига асло қўшилгилари келмайди. Улар коммунистик партиявийликнинг родини камситишга ҳаракат қилиб, партиясизлик, мутлақ эркинлик ва ҳоказолар тўғрисида кўп гапиряптилар. Шу жиҳатдан олганда бадий ижоднинг партиявийлиги тўғрисида В. И. Ленин таълимоти марксистик эстетикани ривожлантиришга қўшилган буюк ҳиссадир.

Санъат — бу инсониятнинг тарихий тараққиёт натижасидир. Қояларга ўйилган дастлабки тасвирлардан, то замондош рассомнинг асарларигача — инсоннинг дунёни билиш ва эстетик завқ олиш салоҳиятининг инъикосидир. Воқеликни эстетик-бадий ўзлаштириш мураккаб жараён бўлиб, бадий фаолиятнинг социал-тарихий, синфий йўналишини тақозо этади. Санъаткор конкрет социал муҳитда яшаб ўз маънавий кучларини намойиш қилгани туфайли у муайян синф ва синфий манфаатларни ифодаласлиги мумкин эмас. Синфий жамятда «...ҳеч бир тирик одам (синфлар ўртасидаги муносабатларни англагач) биронта синф томонини олмасдан қола олмайди, бу синфнинг муваффақиятига хурсанд, — муваффақиятсизлигига хафа бўлмасдан иложи йўқ, бу синфга душман бўлганларга қолақ назарияларни ёйиб, бу синфнинг ўсишига тўсқинлик қилувчиларга ва ҳоказо ва ҳоказоларга ғазабини тўкмасдан иложи йўқ». (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 2-том, 623-бет.)

Адабиёт ва санъатда синфий зиддиятлар, антагонизмлар ва шахслар курашини акс эттиришнинг ўз хусусиятлари бор. Асарнинг ғоявий-бадий тўқимаси, тасвир принципларида санъаткорнинг дунёқарашини, унинг синфий манфаатлари акс этади. Шунинг учун санъатнинг маърифий вазифасини унинг бадий образлигидан ҳамда ижтимоий йўналишидан ажратиб бўлмайди. Коммунистик ва буржуа партиявийлиги айна шу ерда ажралади. Буржуа партиявийлиги ғоясизликни, мутлақ эркинликни, иррационализмни тарғиб этади, ёки «санъат санъат учун», «санъаткорнинг жамятдан холилиги», «ижод субъективлиги» ва ҳоказо қарашларни назарда тутди.

Санъатнинг партиявийлиги тўғрисида В. И. Ленин таълимоти мантиқан изчил, тарихан зарур, тажрибада синалган бадий ижод принципидир.

В. И. Ленин пролетариатнинг XX аср бошларидаги синфий кураш характерини ҳисобга олиб, бадий ижоднинг ғоявийлиги ва тенденциозлиги ҳақидаги марксистик назарияни ривожлантириб, фалсафа ва эстетика тарихида биринчи бўлиб «партиявийлик» сўзини бадий ижодга нисбатан кенг қўлади ва коммунистик партиявийликнинг моҳиятини очиб берди.

Санъаткорнинг онглилиги, ижодий маҳсулотнинг ғоявий йўналиши В. И. Лениннинг партиявийлик тўғрисидаги таълимотида муҳим ўрин тутди. Онгли позиция, ҳаётнинг ижтимоий йўналишини чуқур билиш санъаткорни дунёга қарашнинг энг тўғри ва перспектив компаси билан қуроллантира-

ди. Ҳаттоки сўзда ижоднинг сиёсатга алоқаси йўқлигини ваъз этадиган ҳар қандай санъаткор ҳам, агар у чинакам реалист бўлса ва халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттирса, ўз даврининг ижтимоий курашини ифодаламай иложи йўқ. Чунки «бир жамятда яшаб туриб, шу жамятдан четда туриш мумкин эмас». (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 12-том, 111-бет).

Партиявийлик — фақат сиёсий, синфий категория бўлмай, балки психологик ва эстетик мазмунга ҳам эга. Санъат партиявийлигида фақат ҳаётнинг объектив жараёнларигина эмас, балки ижодкор мансуб бўлган синф ёки социал группанинг субъектив фикр-ўйлари, мақсад ва идеаллари, қизиқиш ва фикр йўналишлари ҳам ифодаланади. Ижодий жараёнда бу нарса объектив ва субъектив омиллар бирлиги, бадий ижод қонуниятларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

В. И. Лениннинг сўзлари билан айтганда, санъаткор пролетариатнинг революцион ғояларини «тўғридан-тўғри ва очиқдан-очиқ» сақлаб қолмоғи керак: бадий ижоднинг революционлиги ва социал йўналувчанлиги, дунёқараётининг илмийлиги, санъаткор гражданлик виждонининг ҳамда сиёсий дадиллигининг софлиги ана шунда намоён бўлади.

Ленин санъаткорнинг сиёсий курашда иштирок этиши баробарида ижтимоий тажрибаси ортиб, гражданлик позицияси фаоллашиб боришини илмий асослаб берди.

КПСС XXVII съезди В. И. Ленин ғояларини ижодий ривожлантириш ва ҳаёт тажрибаларини ҳаққоний умумлаштиришга ёрқин мисол бўлади. Съездда идеология соҳасидаги вазифалар хусусида гап борар экан, М. С. Горбачев бундай деди: «Социализм — юксак ахлоқ жамятидир. Инсон, ҳалол, номусли, пок қалбли, ўзига талабчан бўлмасдан туриб, ғоявий инсон бўлиши мумкин эмас. Янги жамят идеаллари принциплари ва қадриятлари қанчалик зўр ғайрат билан қарор топтириб борилса, тарбиямиз шунчалик самаралироқ бўлади. Ҳаётнинг поклиги учун кураш ғоявий-тарбиявий ишлар самарадорлигининг, унинг социал самарасини оширишнинг, носоглом ҳодисалар рўй беришдан сақланишнинг энг таъсирчан усулидир». (М. С. Горбачев. КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий доклади. — «Ўзбекистон», Тошкент, 1986, 126—127-бетлар.)

В. И. Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласи программ ҳужжат бўлиб, унда биринчидан, коммунистик партиявийликнинг моҳияти, иккинчидан, бадий маданиятни ривожлантиришда партиянинг роли, учинчидан, янги социалистик адабиёт ва санъатни шакллантириш ҳамда ривожлантириш йўллари кўрсатилган.

Бу буюк мақоланинг пафоси шундан иборатки, унда бадий ижодга янги ҳаётга ёндашиш, партия раҳбарлигининг янги принциплари, ижтимоий ҳаётда адабиёт ва санъатнинг сиёсий, маърифий ва эстетик роли марксистик нуқтаи назардан характерлаб берилган.

В. И. Ленин таълимотига кўра, партия пролетар адабиётисиз ва пролетар адабиёти партия раҳбарлигисиз яшай олмайди. Шунинг учун адабиёт, матбуот ва китоб савдосининг ривожланиши партиянинг революцион кураш ғоялари ва ишлари билан ҳамоҳанг ривожланиб боради.

КПСС XXVII съездда айтилганидек, «Доно ва ҳаққоний сўз сиёсий, иқтисодий ва социал тадбирлар билан қўшилиш, унинг аҳамияти юз карра ошади.» (М. С. Горбачев. КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий доклади. — «Ўзбекистон», Тошкент, 1986, 123-бет).

Ҳозирги пайтда «доно ва ҳаққоний сўз»ни сиёсий, иқтисодий ва социал тадбирлар билан қўшиш деган гап санъаткор синфий позицияси, партиявийлигининг ифодаси деган гапдир.

Санъатнинг сиёсат билан алоқаси жуда нозик характер касб этади. Коммунистик партия санъатнинг сиёсат билан алоқасини примитив тушунишга, вульгар социализмга доимо қарши чиқди ва санъат асарларининг ғоявий йўналиши муҳимлигини таъкидлаб келмоқда.

К. Маркс А. Ругега ёзган хатида шундай деган эди: «Мужмал фикрлар, бандандарвоз гаплар, ўзига бино қўйиш камроқ бўлсин, фикр аниқлиги бўлсин, конкрет воқеликка кўпроқ эътибор берилсин, иш билиш кўпроқ бўлсин». (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Илк асарлардан. М., 1956, 252-бет.) Шунга ўхшаш фикр В. И. Ленин томонидан «Буюк почин» мақоласида айтилган. «Сиёсий гапбозлик камроқ бўлсин, коммунистик қурилишнинг энг оддий, лекин турмушдан олинган, турмушда синовдан ўтган жонли фактларига кўпроқ эътибор берилсин, — бу шioriн ҳақкамимиз, ёзувчиларимиз, агитаторларимиз, пропагандистларимиз, ташкилотчиларимиз ва ҳоказоларимиз тинмай такрорлашимиз керак». (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 39-том. 14-бет.)

Бу фикр М. С. Горбачев томонидан партиямиз XXVII съездда ривожлантирилди: «Партия ҳам, халқ ҳам дабдабали, маза-матрасиз асарларга ва турмуш иқир-чиқирлари баён қилинган китобларга, тутуруқсиз ва тор амалиётчиликка эҳтиёж сезмайди. Жамят ёзувчидан бадий кашфиётларни, ҳаёт ҳақиқатини кутмоқдаки, бу фазилатлар ҳамиша чинакам санъатнинг моҳияти бўлиб келди». (М. С. Горбачев. КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий доклади. Тошкент, «Ўзбекистон», 1986, 129-бет.)

Марксизм-ленинизм классиклари ва Коммунистик партиянинг бундай ғоявий-назарий ва бадий-амалий йўл-йўриқлари адабиёт ва санъат арбоблари зиммасига, биринчидан, ҳаётга яқинроқ бўлиш, реал воқелик ҳодисаларини кўпроқ ўрганиш ва умумлаштириш; иккинчидан, бадий мужжамлаштириш ҳамда чинакам санъат намуналари билан меҳнаткаш халқ ақли ва қалбига таъсир кўрсатишнинг форма ва усулларини хилма-хил қилишни юклайди.

Шундай қилиб, сиёсатсиз санъат жамятда яшай олмайди, лекин уларнинг ўзаро муносабати яланғоч эмас. Лекин санъатни сиёсатдан ташқари, сиёсатсиз ва сиёсатдан устун қилиб кўрсатишга ҳар қандай уриниш эса буржуа ғоясидир ва буржуа партиявийлигининг ифодасидир.

В. И. Лениннинг фикрича, партиявийлик — фақат сиёсий категория эмас, балки эстетик категория ҳамдир. У бадий адабиётнинг социалистик воқеликни ифодалашдаги ўзига хос хусусияти сифатида методологик аҳамият касб этиб, янги инсоннинг ижтимоий ва эстетик идеали билан боғланган ҳар бир санъаткорнинг бадий умумлаштириш принципларини характерлайди. Партиявийликни асарнинг бадий тўқимасидан ажратиш бўлмайди.

Ғоявийликни бадийликдан ажратиш оқибатлари нимага олиб келишини Маркс ва Энгельс ўз замондошларининг асарлари таҳлилида кўрсатиб берган эдилар. К. Маркснинг Фердинанд Лассалга ёзган хатида «Франц фон Зикинген» драмасининг қуйидаги камчиликлари кўрсатилади: биринчидан; қаҳрамонлар «шиллерчасига» ёзилган, «бунинг натижасида индивидлар ўз даврлари руҳининг оддий жарчиси бўлиб қолган»; иккинчидан, «характерлар тасвирида айна характерли



хусусиятлар етишмайди» ва ҳоказо. Бундай камчиликларни Ф. Энгельс ҳам эслатади. «Кўрпапсизки, мен ҳам эстетик, ҳам тарихий нуқтаи назарлардан Сизнинг асарингизга ниҳоят даражада юксак, ҳатто энг олий талаблар қўймоқдаман». (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Санъат тўғрисида. М., 1975, 1-том, 20—27-бетлар.)

Бинобарин, ҳақиқий санъат асарида қаҳрамонлар ўз даврлари руҳининг қуруқ жарчиларига айланмайдилар, балки уларда ғоялар индивидуал характерлар орқали ифодаланади, ғоявийлик ва бадийлик ўзаро бирликда келади.

В. И. Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» деган буюк мақоласи ёзилган вақтдан буён буржуа философияси ва эстетикаси коммунистик партиявийлик ва ижод эркинлигининг моҳиятига қарши қурашиб келмоқдалар. Турли назария ва эстетик оқимларда бадий жараённинг хусусийликка, автономликка ва субъективликка ҳамда унинг партиявий раҳбарликка бўйсунмаслигига асосланган идеалистик қарашлар давом этмоқда.

Ижод партиявийлиги ва эркинлиги ленинча концепциянинг моҳияти бўлиб, у пролетариатнинг революцион кураши ва Коммунистик партиянинг идеологик, сиёсий-тарбиявий фаолияти билан узвий боғлангандир.

Буржуа назариётчилари партиявийлик ва эркинликнинг турли жиҳатларини аралаштириб юборадилар. Улар учун партиявийлик эркинлик туйғусини зўрлаш бўлиб, санъаткорнинг «ички эркинлиги» ҳеч қандай идеологияга бўйсунмайди.

Бундай нуқтаи назар мутлақо хато бўлиб, эркинлик ва заруратнинг фалсафий асосини бузиб кўрсатади, аслида «ички эркинлиги» бўлган санъаткор ўз даврининг фикр-уйларисиз, ўз замонасининг ташвишларисиз яшай олмайди. Буржуа жамиятида ички эркинлик халқни озод қилиш йўллари ва усулларини тушунишга йўналтирилганида, илғор дунёқараш ифодаси сифатида чиққан тақдирдагина у маънавий куч ва мазмун касб этади. Акс ҳолда «ички эркинлик» сиёсатга қарши субъективизм ва буржуа индивидуализмининг ифодаси бўлади.

Совет Иттифоқида инсоният тарихида биринчи марта шундай шарт-шароит яратилдики, санъаткорлар тўла маънода ўз асарларини ўз идеали, темпераменти ва дунёга муносабатига мувофиқ эркин ижод қилиш имконияти ва ҳуқуқини олдилар.

Айни вақтда партия бадий ижод ривожини диққат билан қузатиб борди. Партия онг ҳаракатидан четда туролмасди. В. И. Ленин К. Цеткин билан қилган суҳбатида социализмнинг янги бадий маданиятини шакллантиришга нисбатан партия тутган йўлни тушунтиради. «Биз коммунистлармиз, — деган эди у, — қўл қовуштириб турмаслигимиз ва тартибсизликнинг хоҳлаган томонга қараб ривожланишига йўл қўймаслигимиз керак. Биз бу процессга планли равишда раҳбарлик қилишимиз ва унинг самараларини шакллантиришимиз лозим». (В. И. Ленин ҳақида хотиралар. 2-том, Тошкент, 1959 йил, 500-бет.)

В. И. Лениннинг фикрларидан муҳим методологик хулосалар чиқади; биринчидан, бадий ижод соҳасини бошқа социал ҳодисаларда бўлганидек бошқариш мумкин, у умумий пролетар ишининг бир қисмидир; иккинчидан, бошқариш ва ғоявий раҳбарлик қилишнинг бошида Коммунистик партия туради, у бадий ижод сингари нозик ва мураккаб ишни шакллантириш жараёни ва унинг натижалари учун жавоб беради; учинчидан, ҳамма ташкилий-ғоявий кўрсатмалар меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда социализм ғоясидан келиб чиқади; тўртинчидан, партия янгилик куртакларини билишга қаратилган стилистик ва новаторона изланишларни қўллаб-қувватлайди.

Коммунистик партия комплекс социал-иқтисодий программаларни ҳал этаётган, фан-техника тараққиётини жадаллаштираётган, халқнинг маънавий куч-ғайратини сафарбар этаётган, унинг меҳнат ва социал активлигини кўтарётган даврда у совет кишиларини ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиясини такомиллаштириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Коммунистик партия бугунги кунда бадий ижодиётнинг мавҳум тарбиявий аҳамиятини эмас, балки ҳақиқатни айтувчи бадий кашфиёт даражасидаги асарларгина кишиларни тарбиялашга қодир эканлигини таъкидламоқда. Гап ҳамма соҳада бўлгани каби адабиёт ва санъатнинг сифати хусусида бормоқда.

Бадий ижодиёт сифати, ғоявийлиги ва ҳаётийлиги учун кураш ижодий уюшмалар фаолиятида соғлом ва талабчан маънавий муҳит яратишга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолди. Ошна-оғайнигарчилик, принципсизлик, лаганбардорлик иллатлари ижодий уюшмаларда ҳам илдиз отган эди. Гарчи ижодий союзларимиз бой анъаналарга эга бўлса ҳам, хилма-хил талантларни вояга етказиш ва тарбиялашда катта фуолият кўрсатиб келаётган бўлса ҳам субъективизм касалига гирифтор бўлган айрим ижодий союзларда барчага баробар қарамаслик оқибатида ноўрин самташ ва асоссиз камситиш ҳоллари ҳам юз берди. Бунинг энг даҳшатли томони Ш. Рашидов сингари ёзувчиларнинг асарлари намуна сифатида кўрсатилди ва охири йиллар бадий тараққиётнинг мезони қилиб олинди. Билиб ўзини билмасликка солиш, дилида бу асар ёки санъаткор ҳақида бошқа фикрда бўлиб, ёзганда уни кўкларга кўтариб маддоҳлик қилиш ҳоллари танқидчиликнинг ҳам ўз ўқи атрофида қуруқ айлинишига сабаб бўлди. Танқидчиликнинг ижтимоий фаолият эканлиги унутилди. Ш. Рашидов ижодига бағишланган мақола ва монографиялар бунга яққол мисол бўлади.

Партиямиз XXVII съезди Резолюциясида айтилганидек, «Адабий-бадий танқид ўз устидан хотиржамлик ва мансабга қараб баҳо бериш иллатини улоқтириб ташлаши, асарларга баҳо беришда аниқ эстетик ва синфий мезонларга амал қилиши, ғоясизликка, дабдабали баёнчиликка, турмушдаги икир-чикирлар билан ўраланиб қолишга, тутуруқсизликка ва тор амалиётчиликка қарши актив иш олиб бориши лозим». (КПСС XXVII съездининг КПСС Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасида Резолюцияси. «Совет Ўзбекистони», 1986, 6 март.)

«Аниқ эстетик ва синфий мезонлар» танқидчиликнинг партиявийлигини яққол намоён этади. Адабиёт ва санъатнинг умумий тараққиёт йўли ва тенденциялари, уларга қўйиладиган талаб ва бериладиган имкониятлардан холи турган адабий-бадий танқидчилик бўлмайди. Шунингдек, танқидчилик адабиёт ва санъатнинг хизматкори, унинг иккинчи хўжалиги ҳам эмас. Агар адабий-бадий танқидчиликнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ана шундай «хизматкорлик», кўнгил овлаш ва елкага қоқиш билан чегараланиб қолган бўлса, бунга танқидчилик эмас, айрим танқидчилар

сабабчи. Ижодий жараёни, маълум давр эстетик эҳтиёжи ва имкониятларини танқидчилик билан бадий ижодиёт бирлиги ташкил этади. Лекин танқидчиликнинг илғор ёки пассивлиги, чуқур ёки саёзлиги асарларга эмас, танқидчиларга боғлиқ. Ҳамма санъат аҳли учун мезон бир — партиявийлик ва халқчиллиги талант билан ифода этилиш. «Партия адабиёт ва санъатдаги талантли, партиявийлик ва халқчиллик руҳи билан суғорилган асарларнинг ҳаммасини қўллаб-қувватламоқда, — дейилади КПСС XXVII съезди Резолюциясида, — бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлайверади. Гоявий принципиаллик ва талабчанлик, истеъдод эгаларига ҳурмат ва эътибор билан муомала қилиш партия ташкилотларининг бадий интеллигенция билан олиб борадиган иш нормасидир».

1986 йил апрель ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон ижодий союзларининг бирлашган пленуми ва унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев қилган доклад ана шундай бадий интеллигенция хусусидаги ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Ҳаётимизнинг барча тармоқларида социал-иқтисодий жадаллаштириш жараёни содир бўлаётган экан, кишиларимиздан янгича яшаш ва ишлаш, меҳнат интизомини мустақамлаш ва коммунистик ахлоқ қоидаларига астойдил амал қилиш талаб этилмоқда. Барча иқтисодий, социал ва идеологик вазифаларимиз марказида инсон омили турибди.

Санъаткорлар ленинча партиявийлик ва халқчилик принципларига асосланган ҳолда халқ ҳаёти билан яқиндан алоқа боғлаш, миллий прогрессив анъаналаримиз ва янглик куртакларини эътиросли ҳақиқат асосида инъикос этиш ва бунинг учун оригинал тасвир усулларини қўлга киритишлари эстетик зарурият бўлиб қолди.

Республикаимиз ижодий союзлари ҳам ана шундай иқтисодий ва маънавий тараққиётни жадаллаштириш даврида инсоннинг ижтимоий фаоллигини оширувчи маданий омилларга эътиборни кучайтиришлари зарур. Республикаимизда ахлоқий-психологик шароитларни соғломлаштириш тенденцияси тобора жиддий тус олиб, ҳаётимизда катта ўзгариш ва муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва Республика Компартиясининг XXI съезди охириги йилларда республикаимизда қарор топиб қолган камчилик, хато ва янглишишларга ҳаққоний баҳо берди. Ленинчасига яшаш, ленинчасига ишлаш ва ленинчасига ҳаёт воқеаларига объектив ва тўғри баҳо бериш қарор топа бошлади.

Санъаткорларимиз олдида жуда катта ижтимоий топшириқ — одамларда коммунистик дунёқарашни шакллантирадиган, ҳаётга ва меҳнатга оқилона муносабатда бўлишга даъват этадиган кўтаринки руҳдаги асарлар яратиш вазифаси турибди. Бу вазифа ўз навбатида адабиёт ва санъат асарлари мазмуни ва бадий шаклига ҳам янги талаблар қўймоқда. Санъаткорнинг ўз ижоди ва гоёлар ифодасига виждонан ёндашиши, ҳаёт ҳақиқатини асосий эстетик мезон қилиб олиши ва зиддиятларни ҳаспўшламай, камчиликларни дадил кўрсатиш сингари аниқ ижодий позицияга эга бўлиши талаб этилмоқда.

Коммунистик партиявийлик ҳаёт ҳақиқатига асосланар экан, камчиликларни ошқора айтиш ва уларга қарши курашиш кучайган бир пайтда бадий ижодиётда қора рангларнинг ортиб кетишига ҳам йўл қўймаслик керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев таъкидлаганидек, «Афсуски, бизда бюрократлар, порахўрлар ва бошқа хунук кимсаларнинг ҳали кўплиги аён. Бироқ бизнинг ёнгинамизда юксак фикрларга ва ишларга қодир жонли тирик қаҳрамонлар яшаб, меҳнат қилаётгани ҳам ҳақиқат».

Бадий ижодиёт ана шу қаҳрамонлардан илҳом олиб, ана шу қаҳрамонлар эвазига ранг-баранглашиб боради. Лекин адабиёт ва санъат аҳли замондош ишчилар, пахтакорлар ва чорвадорлар, шифокор ва бинокорларнинг машаққатли меҳнатини ёрқин акс эттирувчи асарларни кам яратмоқдалар.

Меҳнатни севган кишилар ҳаётда камтар одамлар бўлишади. Уларнинг оддий, аммо улуғвор қиёфалари, совет солдатларининг Ватанимиз чегараларида ва Афғонистондаги интернационал бурчини бажаришда кўрсатаётган қаҳрамонликлари қалам аҳли олдига янги вазифалар юклайди.

Инсон омилини кўтариш борасида кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун санъатнинг чинакам халқчиллиги, партиявийлигига асосланган ҳолда маданиятнинг оммавий миқёсини кенгайтириш зарурияти кучаймоқда. Ўзбекистон ижодий союзларининг бирлашган пленумида бу ҳақда ҳам жиддий гаплар бўлди. Юзлаб маданият саройлари ва театрлар, минглаб клуб ва кинотеатрлар ишлаб, китоблар миллионлаб нусхада нашр этилаётган бўлса ҳам, халқ билан маданият саройлари ва санъат асарлари ўртасидаги муносабат кўнгилдагидай эмаслиги тилга олинди. Клубларга эмас, мачитларга кўпроқ қатнайдиган одамларнинг борлиги сир эмас, спиртли ичимликларга «кўнгил бўшлик» қилаётганлар топилади. Диний ақидалар ва эскириб қолган удумлар таъсиридаги одамлар тақдири ҳақида, енгил ҳаёт кетидан қолиб юрган кимсалар тўғрисида, меҳнатсиз даромад эвазига кун кечираётган текинтомоқларга қарши, айш-ишрат жомини сипқораётганлар ҳақида ва бошқа муаммоларни дадил инкишоф этаётган асарлар кам яратилмоқда.

Адабиёт ва санъат марказида инсон, унинг турмуши, меҳнати ва жамиятдаги мавқеи турар экан, ана шу инсон маънавиятини юксалтирадиган, бойтадиган ва ранг-баранг тус берадиган тадбирларни кўрмоқ керак. Маданий ёдгорликларга муносабат ва янги маданий ва мемориал ёдгорликларни ўрнатишда йўл қўйилаётган ҳатоликларга барҳам бериш вақти келди. Республикаимизнинг барча район ва қишлоқларидан худди кўзиқорин каби бош кўтарган бадий саёз ҳайкал ва ёдгорликларнинг кўпайиб кетиши ленинча монументал пропаганда руҳига мос келмайди. КПСС XXVII съездида таъкидлаганидек, «Тарих, революция ва уларнинг ёдгорликлари халқ тарбиясининг қудратли манбаи экан, улар ниҳоятда катта масъулият билан муносабатда бўлмоқ зарур.» Ёдгорликлар асарларни кўзлаб бунёд этилади. Шунинг учун улар ҳақиқий ёдгорлик бўлиши, чинакам санъат намунаси сифатида қад кўтариши керак.

Санъатнинг оммавий турлиридан бири қўшиқдир. Қўшиқ — меҳнат, шодлик ва бахтиёр ҳаёт рамзи. Лекин бирлашган пленумда ҳақли равишда айтилганидек, граждонлик, ватанпарварлик қўшиқлари етишмайди. Ишчилар синфи, ёшлар ва болалар учун ёзилган қўшиқ ва маршлар санокли, холос.

Республикаимиз қўшиқчилигининг энг катта муаммоси — унинг жанр ва мавзу жиҳатидан торлиги ва қашшоқлигидир. Қўшиқларимизнинг аксарияти сеғги мавзусидан нарига ўтмайди.

Шоирларимизнинг қўшиқ жанрига камҳафсалалик қилиши оқибатида эстрада концертларида, айрим ижрочилар репертуарида дидсизлик ва бачканалик оқибатлари кучайиб кетди. Меҳнатқашларнинг дидини тўмтоқлаштирадиган, уларнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилмайдиган қўшиқларнинг кўпайиши, жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Бунинг оқибати айрим ёшларда ўз миллий маданиятидан ҳилни яйратувчи куйлар, қўшиқлар тополмагач, турли чет эл эстрада ва енгил музика, қўшиқларига ҳавас кучайишига сабаб бўлмоқда. Айниқса жамоат муассасаларида, одамлар кўп тўпланадиган жойлардаги (масалан, кафе, ресторан, бар, пионер лагерлари, дам олиш уйлари, самолёт ва поездлардаги) музика ва қўшиқларга эътиборни кучайтириш лозим. Бу ишга енгил-елпи қараб бўлмайди.

Ҳозир барча соҳада, идеология оламида, шунингдек, адабиёт ва санъат майдонида ҳам ҳақиқатни айтиш, ачиқ дори-дармон сифатида қаралмоқда. Барча совет кишиларидан коммунист-тин принципаллик ва инсонпарварлик асосида камчиликларни дадил очиб ташлаш талаб қилинмоқда.

Ана шу принциплар асосида М. Маҳмудовнинг «Ўлмас қоялар» асари жамоатчилик томонидан қаттиқ танқид қилинди. Роман муаллифи ҳам бу фикрларни тўғри қабул қилди. Н. Худойбергеновнинг «Вопросы литературы» журналида босилган мақоласида «Ўлмас қоялар» романи хусусида билдирилган мулоҳазалари илмий ва оммавий жамоатчилик қарашларига оёқ тирашдан, асоссиз ўжарликдан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми (1986 йил, октябрь) республикамиздаги идеология масалаларининг аҳволини муҳокама қилди. Унда илғор бадий зиёлилар доимо халқ ва партия ҳал этаётган ишлардан ўзини холи тутмагани, коммунистик партиявийлик ва халқчиллик даврининг сиёсий-иқтисодий ва маданий-эстетик тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ эканлиги кўрсатилди. Пленум материаллари шундан далолат берадики, республикамизда қарор топиб қолган дабдабозлик, турғунлик ва принципсизлик муҳитининг бадий ижодга ҳам олиб кирган зарарларидан мусаффо бўлиш пайти келди. Ўтган йиллар давомида ижтимоий аҳамиятсиз расмлар, китоблар, фильм ва спектакллар кўплаб яратилди. Энг даҳшатлиси «халтура, манфаат-парастликка мойил бўлган, мазмуни долзарблигидан фойдаланиб қоладиган, виждони келишувчиликка йўл қўядиган авторлар пайдо бўлди». Масалан, бунга Р. Вико томонидан яратилган катта ҳажмдаги картиналар ва портретлар мисол бўлади. Р. Вико ўзининг «Ўзбекистон ёзувчилари» ва айрим зиёлилар образига бағишланган портретларида мансабдор шахсларни чизиш билан ўз асарини тезроқ ва қиммат нархга пуллашни кўзда тутди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида айтилганидек, «маданий тўғрисида партиявий ғамхўрлик, ёзувчи, композитор, рассомнинг изланишларига нисбатан ҳурмат, эҳтиром, адолат ва ҳолис ниятдан ва аини пайтда ҳаёт ҳақиқати ёки коммунистик ахлоқ нормаларига синфий, партиявий баҳо беришдаги қандайдир чекинишлар тўғрисида гап борганда — талабчанликдан ажратиб бўлмайди».

Тошкентдаги «Илҳом» клуби ва Ҳамза номидаги санъатшунослик институтида очилган самарқандлик рассом А. Я. Крикис асарларидан иборат кўргазма ана шундай талабчанликнинг унутилганидан дарак беради. Айрим санъатшуносларнинг А. Крикис асарларида аллақандай рамзий ва шартли катта ғояларни, фалсафий мушоҳадаларни кўришларида ҳеч қандай асос йўқ. Шартлилик ўз маъно ва йўналиши билан муаллиф ниятини тахминий идрок этишни талаб этади. Жаҳон тасвирий санъати тажрибасида бундай тахминлар ва шаклбозлик найранглари кўп бўлган. А. Крикиснинг «Оқ қарға» (1985), «Ўтлоқда ноушта» (1985), «Арава» (1986), «Тун» (1985), «Ўғирлаш» (1985), «Актриса» (1986) сингари композициялари ранг жиҳатидан экспериментал машдан нарига ўтмайди. Рассомнинг ранг кўриш салоҳиятини ва айрим композицияларидан монументал санъатда фойдаланиш мумкинлигини тан олган ҳолда, асосий картина ва портретларида ҳаётий ҳақиқат ва бадий образ йўқлигини таъкидлаш лозим. А. Крикиснинг машқлари социалистик реализм методига хос бўлган шакл ранг-баранглиги ва рассом индивидуаллигига эришиш принциплари билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аксинча, бу «асар»лар формализм ва абстракционизм принципларини республика рассомлари орасида қайтадан тиклашга уринишдан иборат. А. Крикис асарларининг бунчалик икки жойда намоиш этилиши ва алоҳида эътибор берилиши Рассомлар союзида талабчанликнинг сусайиб кетганидан дарак беради.

III пленумда айтилишича, отахон санъат маскани Ҳамза номидаги Академик драма театрининг позициялари жуда бўшашиб кетди, бу ерда партия ташкилоти айрим арбобларнинг иғво ва фитналарига, беҳад талабларига актив қаршилик кўрсатмаяпти.

Навий номли театрда, кинематографчилар ва композиторлар орасида гуруҳвонлик ва адоват узоқ вақтдан буён ижодий вазиятни бўғиб қўймоқда. Баъзи бировлар ижодий муваффақиятсизликни тан олишни истамай, гўё санъаткор ҳуқуқларининг камситилиши, ҳақиқат учун қувғин қилиши тўғрисидаги қуруқ савсата билан, ўзини санъатдаги салбий ҳодисаларига қарши бирдан-бир курашчи қилиб кўрсатиш билан ўз шахсига ва ўз асарига қизиқиш уйғотишга уринмоқдалар.

1986 йилги мавсумда Ҳамза номидаги Академик драма театрида саҳналаштирилган спектакллар муҳокамаси шунки кўрсатадики, театр шу кунларда оғир ижодий ва ташкилий жараёни бошдан кечирмоқда. Муҳокамада асосан гап Н. В. Гоголнинг «Ревизор», В. Дозорцевнинг «Сўнги қабул», О. Мамбетовнинг «Асрга татиғулик кун» пьесалари асосида яратилган спектакллар хусусида бўлди. Р. Ҳамидов саҳналаштирган «Асрга татиғулик кун» спектаклида Ч. Айтматовнинг романи орқали унинг бош қаҳрамони Эдигей сиймосида айтмоқчи бўлган фикр-мулоҳазалари ва образлар талқини очилмай қолган. Зикир Муҳаммаджоновдек ўткир характерли образлар яратишга уста актёр бу ролни зўрма-зўраки ва қийналиб ижро этади, драматургия ва саҳна талқинидаги ожизликни иложчи борица ўзидан тўлдиришга ҳарақат қилади, азоб чекади. Бу азоб ижодий кечинма эмас, ноиложлик белгиси.

Спектаклнинг муваффақиятсизлиги режиссёр нуқтаи назаридаги ноаниқлик билан боғлиқ бўлди. Масалан, муаллиф номидан гапирувчи актёрлар спектакль мазмунини тўлдириш ўрнига

асарнинг ғоявий-бадий яхлитлигига путур етказмоқда. Саҳнада ҳаракат кўп, динамика керагидан ортиқча, аммо улар томошабин қалбидан акс-садо топмайди. Космос мавзуси ҳам спектаклга зўрма-зўраки ёпиштирилгандек туюлади. Воқеаларнинг реал ҳаракат тизими билан рамзий образлар (Қоранорни ифодаловчи қиз) тумтароқ чиққан. Манқурт воқеасининг бутун даҳшати ва фожиавийлиги ҳам етарли очилмаган.

Республикамиз кинематографчиларининг охириги йиллардаги фаолиятида Э. Эшмухамедовнинг «Алвидо, ёр ёшлигим», Р. Ботировнинг «Лейтенант Некрасовнинг хатоси», Ф. Зайнутдиновнинг «Орзулар оғушида» фильмлари муваффақиятли саналса ҳам умумий аҳвол кўнгилдагидек эмас. Бадий жиҳатдан бўш, ғоявий саёз асарлар кўпайиб кетмоқда. Бунга А. Ҳамроевнинг «Водиллик келин», У. Назаровнинг «Қиз узатиб борганда», М. Оғамирзаевнинг «Кўпол кўниш», Ғ. Шермухамедовнинг «Тоғлардаги акс садо» фильмлари мисол бўлади.

Ўзбек фильмларида проблематик масалаларнинг йўқлиги, замондош образини яратишда дабдабалик ёхуд мавҳумликка бурилиб кетиш, актёрлар танлаш ва сценарий устида ишлашдаги сусткашлик ғоявий-бадий саёзликка олиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қароридида қайд этилганидек, санъаткор зиёлилар жамиятимиз маънавий турмушини бойитишга, меҳнаткашларни ғоявий, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга, воқелигимизни ҳаққоний тасвирлайдиган ва ёшларга инсонпарварликка ёт сохта ғояларни сингдиришга уринаётган буржуа идеологиясига зарба берувчи асарлар яратишга даъват этилган. Қарорда кўрсатилишича, «ижодий союзларнинг правлениелари ва партия ташкилотлари, маданият муассасалари бадий жараёнга талантни хурмат қилиб ва айни вақтда партиявий принципааллик билан моҳирона ёрдам беришлари, маданий қурилишдаги демократизм ва ижтимоий ҳаваскорлик формаларини такомиллаштиришга кўмаклашишлари, ижодий коллективларда танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришлари керак. Адабий танқидчиликнинг родини оширишга, ижодкор ёшларни ғоявий чиниқтиришга ва тарбиялашга, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини юзага чиқаришга алоҳида эътибор берилсин. Бадий ижодкорликка раҳбарлик қилишда соф ижодий жараёнларга билар-билмас аралашшга, ўз диди билан ёқтириш ёки ёқтирмасликка, ғоявий таъсир усулларини маъмуриятчилик қарорлари билан алмаштиришга йўл қўйиб бўлмайди». (КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори. Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида. «Совет Ўзбекистони», 1987 йил, 20 январь.)

Бундай ғоявий-ижодий ва ташкилий кўрсатмалар Ўзбекистон бадий зиёлилари фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон рассомларининг, кинематографчилари ва ёзувчиларининг пленумлари бунга яққол мисол бўлди. Бу пленумлар очиқ-ойдин фикр олишув, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтмоқда ва ижодий союз ҳамда уларнинг айрим раҳбарлари фаолиятида тўпланиб қолган нуқсонлар ошқора очиб ташланмоқда.

Ленинча партиявийлик ана шундай ошқоралик ва принципааллики, сиёсий, маънавий ва эстетик балоғатни талаб этади.



Искандарнинг Саодатга майли борлигини била туриб қизни йўлдан оздирган, иниси тиригида хўрлаб, унинг жангдаги қахрамонлиги, ҳалокати ҳақидаги сохта хабардан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланган, «қахрамоннинг акаси» бўлиб олиб, мартаба, шўхратларга эришган, шу йўлда кўзбўямачиликлар қилган... Искандар билан учрашув туфайли Жалолнинг ҳаёти алғов-далғов бўлиб кетади.

**Бу ерда мен, ўлиб кетган укам биланмас,  
Ўлиб кетган виждон билан учрашиб қолдим, —**

дейди у ва кескин руҳий изтироблар ичида ҳақ йўлни танлайди. Саодатнинг «Оғир бўлинг, ҳар қандай рост дегулик эмас» дея огоҳлантиришига жавобан қатъий равишда дил амрини изҳор этади:

**Йўқ, Саодат, бу дунёда одамзод учун  
Ҳақиқатдан муқаддасроқ ҳеч нарса йўқдир.  
Худпарастлик, номардликнинг ҳар дақиқаси  
Ҳақиқатнинг юрагига отилган ўқдир.  
Бас, дабдаба билан кечган умр энди тамом,  
Тамом! Энди сохта шўхрат мен учун ҳаром!  
Шуни ўйлаб кўнглим равшан бўлиб турибди,  
Юрак озод бўлган қўшдек учиб юрибди.**

Шу тариқа бу асар ҳар қандай қаллоблик, кўзбўямачилик, сохталикларга қарши қаратилган, шу куннинг энг жиддий ҳодисаси — ҳаётимизни, хусусан одамлар маънавиятини поклаш, ҳалол яшашга монелик қилаётган ғуборлардан халос этиш, ижтимоий адолат учун кураш ғояси билан йўғрилган дostonга айланади. Худди шу ғоя асар пафосини ташкил этади.

«Гаплашадиган вақтлар» дostonининг бош қахрамони Анвар ҳам мураккаб, машаққатли тақдир эгаси. «Истамбул фожиаси» персонажларидан фарқ қилароқ, у адашган ёки гуноҳкор одам эмас; Анвар — оддий меҳнат ва ижод кишиси, болалигиданоқ ҳалол, адолатга, ҳақиқатга ўч, бутун умри эл-юрт ғами билан ўтган ва ўзи 50-йиллардаги муҳитга нисбатан хийла илгарилаб кетган ғаройиб шахс. Асарда бош қахрамон Анвар ўз хаёллари, илмий режалари, орзу-интилишлари билан банд ижод кишиси, тирик инсон сифатида мана мен деб турибди. Дostonда қахрамоннинг драмаларга тўла машаққатли ҳаёти олижаноб, гўзал мақсадлар, яратиш иштиғиқи билан ёнган қалбнинг ёлқинлари, ушалмай қолган орзуларнинг ўкинч армонлари — барчаси жонли, таъсирчан лавҳаларда гавдалантириб берилган. Анвар мактабда ўқир экан, фан асосларини тубдан эгаллашни, нимадир кашф этишни ният қилади, физика дарсига ўзи ихтиро этган қурилмани олиб келади, аммо ўша кезлари ҳукм сурган тартиб-таомиллар Анвар ва у каби илмга чанқоқ мурғак қалблар майлига зид: хўжалик раҳбарлари истаган вақтда мактабга келиб ўқишни тўхтатиб болаларни бемалол далага ҳайдайверади, Анвар орзулари — мурғак тафаккурнинг илк ижоди эътиборсиз стол устида қолиб кетаверади, Анварнинг доскага ёзган ўкинч аралаш «Далада қатқалоқ, каллада қатқалоқ!» деган исёнкорона сўзларини ўчиришни буюрганларида Анвар бу буйруқни мардона туриб рад этади, аммо итоаткор мактаб директори (собик фронтвик, жангчи!) ҳеч оғриқсиз шошмай, бемалол ўчириб ташлайверади... Бу драматик лавҳа — қахрамон ҳаётининг муҳим бир палласи, қанчалар ҳис-ҳаяжон, дард-аламлар билан битилган бу лавҳа кўп ўй-мушоҳадалар учун озик беради. Яна бир лавҳа: Анвар алоқа институтига кириб ўқимоқчи эди, киролмади. Сўнг у ирригация техникумида ўқиб шу соҳада ишга шўнғиб кетади; у бора-бора чучук сув танқис бўлишини олдиндан сезиб бекор оқиб ётган сизот сувларни туздан тозалаб берадиган ихтиро яратади ва хўжалик раҳбарига шу ҳақда сўз очади. Худди мактабдаги каби унинг орзу-режаси, ихтироси ҳам муаллақ қолади.

Анварнинг фожиаси ана шундай муҳитга тушиб қолганида, шу муҳитдан дадил чиқиб кета олмаганида, унинг ёлғизлигида, ута гўл, дўлвор, бир оз биқик ҳамда тунд табиатида. Ўз режаларини рўёбга чиқаришда унда сабот, тадбиркорлик етишмайди. Шоир бу ҳолни изоҳлаб дейди:

**Истеъдодли, нафис зеҳн ва мард кишилар  
жамиятнинг ҳимоясиз нуқталаридир.**

Анварнинг эзгу нияти — шўр сувларни тозалаш режаси рўёбга чиқмагач, энди у бошқа бир ишга шўнғийди, инсон хотирасини тиклайдиган, тарихларни тирилтирадиган қурилма яратади, аммо ўша пайтлари бу кашфиётнинг ҳам қадрига етадиган дурустроқ одам топилмайди; бунинг устига истеъдодли, нозикфаҳм бу йигит ҳозирги нотинч, зиддиятли, мураккаб дунёда ўз кашфиётининг оқибатларини ўйлаб ўз ишидан кўнгли совийди:

**...«Бу аппаратлар такомил топиб,  
хотиротни бошқаришга ўргангач одам,  
маълум гуруҳ, қора кучлар бунни эгаллаб,  
бошқаларнинг хотирот ва хаёл мулкига,  
эгалликни қўлларига олсалар-чи, хўш,  
ҳиссиз-ўйсиз қулга айлантириб батамом!  
Ё бу ҳарбий мақсадларда ишлатилса-чи...»**

Шундай ўй билан у бу қурилма устига эски шолча ёпиб ташлайдида яна бошқа бир соҳага ўзини уради — бениҳоя қизиқарли машғулот марксизм-ленинизм асосларини мустақил ўрганишга киришади. Бу соҳа Анвар учун «тирик мерос, тирик хотира». Шу тирик мерос, тирик хотира орқали у ўзини қийнаган хилма-хил саволларга, ижтимоий муаммоларга жавоб излайди, бу олам қаърига кириб борган сари унга кўп чигалликларнинг сирини, қолаверса ўз орзу-ниятларининг рўёбга чиқмай

қолиш сабаблари ошкор бўла боради; энди у биладики, ўша кезлари кўп соҳаларда ленинча ҳаёт нормалари, социалистик қонунчилик бузилган, социал адолат оёқости этилган, ноёб обидаларнинг жохил, маърифатсиз кимсаларнинг суриштирилмай ўтда ёқилиши, қабрларга кўмилиши — топталиши, яхши-ёмон кимсаларнинг иши экан; энг азиз кишиси — илғор, маърифатли, эл-юртнинг содиқ фарзанди — муаллим отаси қаллоб, демоғог кимсалар куткуси билан тухматга учраб, асоссиз айблангани маълум бўлади... Энди у муқаддас даргоҳда ўтириб муқаддас идеалларимизга, ҳаёт тарзимизга зид иш кўраётган кимсалар билан мардона туриб юзма-юз олишади...

Асарда йўл-йўлакай Анвар ва бошқа ижобий қаҳрамонлар билан бирга Анварнинг умр йўлдоши Раъно, маъшукаси Гулшан, отаси, отасининг содиқ дўсти Дўстжон, синфдоши Пўлат, соддадил деҳқон Вафо ака каби одамлар портрети жонли чизилган. Айниқса, Гулшан образи, Анвар билан Гулшаннинг соф севги мулоқотлари дostonга ажиб бир нур, лирик рух бахш этади; Анвар нуқул ижоду меҳнат билан бўлиб ҳаётнинг кўп нашъу намоларини унитиб юборган, у кўплар қатори шунчаки умргузаронлик учун уйланган; умр йўлдоши Раъно меҳнатсевар, садоқатли аёл, унга ўғил ато этган; Анвар Гулшанга рўпара келади-ю, ҳаётида кескин, ларзали бир бурилиш пайдо бўлади, гўё табиат, тақдири азал бир-бири учун атаб яратган икки ташна қалб, «туйғуларга, тугёнларга, нурларга тўла икки дил» топишади; улар ҳеч нарса таъма қилмайдилар, бирга умр кечирини хаёлларига ҳам келтирмайдилар, фақат тўлиб-тошиб, бир-бирларига ишониб дил розларини изҳор этадилар; улар тасодифан қандай учрашган бўлсалар — яна шундай ажралишадилар. Гулшан умргузаронлик йўлида оҳ-воҳсиз бошқа бировга турмушга чиқади. Анвар ҳам ўз навбатида бу хабарни ҳеч қандай оҳ-воҳсиз қабул қилади. Гўё икки ташна қалб бир дақиқа учиб ёнган юлдуздай сўнади, бироқ чақнаб, атрофни нурга чулғаб фақат қаҳрамонлар қалбида эмас, китобхонлар хотирасида ҳам ёрқин из қолдириб кетади.

Асардаги Раъно қисмати, унинг дил зорлари ҳам ўқувчини ларзага солади. Раъно севиб турмуш курган эмас, айна пайтда Анварга кўнгилсиз ҳам эмас, ҳаётини эри, фарзанди, оиласи, колхоздаги меҳнат йўлига тиккан садоқатли, вафодор аёл; Анварнинг меҳнат, самарасиз ихтиролар деб, оила, бола-чақа ташвишларидан йироқ юришларига ҳам чидайди, нуқул дардини ичига ютади, фақат бир гал унда ҳам ҳеч ичмайдиган Анвар маст ҳолда келганида, беихтиёр тўлиб кетиб юрак дардини ёзади:

**...Аввал-охир шу  
эрталаб тур, ишга жўна, қоронғида қайт,  
саҳаргача уй ишин қил, эртан тонгдан  
яна ишга, ишга, ишга, ўлгунча ишга...  
шу иш-иш деб, болалар деб, энди шу кўйи  
томом ўлиб кетадиган ўхшайман! Бўлди!  
Уттизмдан ошиб нима кўрдим дунёда!**

Бу — узил-кесил қарор эмас, бир дақиқалик фарёд, холос! Раъно жаҳлидан тушишига, яна ўз йўлида давом этишига ишонамиз, аммо унинг шу бир дақиқалик фарёдида қанчалар катта дард, улкан ҳақиқат бор!

Анвар орзулари ўз пайтида рўёбга чиқмайди, бунинг учун ачинамиз, бироқ унинг йўлига ғов бўлган жамики иллатлар кейинчалик қораланди, кескин рад этилди; Анвардан нурли хотирот қолди, унинг рақиблари эса ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетди; асоссиз айбланган ота оқланиб, фидойи дўсти Дўстжон мадади туфайли ҳаётга қайтди, ногирон бўлишига қарамай гина-кудуратларни дилдан қувиб қайноқ ҳаёт ичига ўзини урди, бор будини эл-юртига ҳаёда этди, бир вақтлар уни бадном этиб, ўзини фаол қилиб кўрсатган сохта кимсаларнинг чуви чиқди; Анвар охирига «етказма олмаган ишга унинг ўғли яхши кунларда қўл урди...

Маълумки, «Истамбул фожиаси»да шоир — лирик қаҳрамон. воқеаларга аралашмайди, характерлар ўз ҳолича ҳаракат қиладилар, шоир дил розларини, фарёдларини персонажлар дил розига, фарёдига билвосита қўшиб юбсради. Эҳтимол бу драматик поэма тақозоси ҳамдир. Шундай йўл тутиб автор, бир жиҳатдан, ютган, иккинчи жиҳатдан қисман ютқазган, ўз имкониятларини бир оз чеклаб қўйган. «Гаплашадиган вақтлар»да ўзгача, шоир объектив — холис тасвир йўлидан ҳам, лирик қаҳрамоннинг воқеаларга аралашуви, кечинмалари ифодаси усулидан ҳам кенг фойдаланади; шу йўл туфайли шоир даврлардан даврларга эркин сайр этади, кўнглидаги гапларни баралла тўкиб солади. Асарга бош қаҳрамон Анварнинг 40—50 — йиллардаги ҳаёти асос қилиб олинган бўлса-да, лирик қаҳрамон кечинмалари орқали инқилоб даври, 20—30 — йилларнинг мураккаб ҳодисалари гавдалантирилади, олис тарих саҳифаларига сайр этилади, афсона-ривоятлар келтирилади, уларнинг мағзи чақилади, улардан бугунги кун учун ибратли хулосалар чиқарилади, энг муҳими, улар Анвар ҳаёти, орзу интилишлари моҳиятини хилма-хил томонлардан очишга хизмат этади. Асарда бошдан-оёқ ўтган энг муҳим, ҳаяжонли мотивлардан бири экология, она табиатни асраш-авайлаш, Хоразм воҳасининг, Орол денгизининг тақдири муаммоси ҳам худди ўша лирик қаҳрамон — Хоразмнинг жонкуяр ўғлини кечинмалари, ўй-хаёллари орқали ғоят ҳаяжонли бир тарзда берилади. Бир вақтлар «асов, буюк, лойқа, телба, Жайхун, дарбадар» деб ном олган Амунинг энди дарё эмас, қумлар ичида юмаланиб сўниб қолган бир нидога айланганини, Хоразмнинг иқлимига қалқон Орол йил сайин саёзлаб, сўниб бораётгани, бу ўлкада нуқул пахта деб минг йиллар давомида вужудга келган табиат мувозанати бузилиб бораётгани, бу воҳа қиёфасини белгилайдиган ноёб гўшалар барбод этилаётгани, қанчадан-қанча жондорлар бу ерларни тарк этиб кетгани ҳақида зўр ички бир дард, катта хавотир билан сўзлайди:

**Уйладимки, азал-абад гавжум жойидан  
кўп нарсалар оёқ тортиб кета бошласа,  
аста-аста ё қирилиб тугай борсалар,  
ёмон белги бўлади бу, энди одам ҳам  
ўзининг энг сўнги кучин йиғиб бир карра  
бу ёғига не қилишин ўйлаши керак;  
ўзига ҳам огоҳ хабар келгани шундир!**

Хуллас, бу поэма ўзининг шу хилдаги ташвишли нидолари билан виждон ҳайқириғи каби янграйди.

Тошкент Давлат университетида «Гаплашадиган вақтлар» муҳокамасида дostonнинг шаклий-шеърий тузилиши хусусида икки хил фикр айтилди; айрим ўртоқлар Е. Евтушенконинг кейинги поэмалари каби «Гаплашадиган вақтлар»да қатъий ритм ва қофиялар йўқ, бироқ у барқарор ички ҳиссий оҳангга эга, айна шу оҳанг унга шеърий мусиқа бахш этган, асарни ўқийётганда ҳатто анъанавий ритм, қофиялар бор-йўқлиги билинмайди, десалар, бошқалар поэмадаги катта гап, катта дард насрий тилда эмас, катта поэзия тили билан айтилганида, худди Навоий, Пушкин дostonлари каби ёд олиб айтиб юриладиган бўларди, бу Омондек анъаналарга содиқ етук шоирнинг қўлидан келарди, бу хилдаги эркин шеърий шакл, поэтик гўзаллик қадрини тушириб юбормасмикин, деб чинқидилар. Мен Омон Матжон тутган шеърий шакл йўлини қўллаб-қувватлаган ҳолда ўқувчиларнинг истак ва ховотирларида ҳам муайян асос бор деб ўйлайман.

Ҳозирги проза ва драматургияда хийла кенг урф бўлиб бораётган қаллоб, бузғунчи, устамон, олғир, маккор кимсаларни фoш этишга мойиллик тенденцияси дostonчилигимизда ҳам кўриняпти. Деярли бир пайтда яратилиб олдинма-кейин эълон этилган Х. Шариповнинг «Соҳиллар», Х. Саъдулланнинг «Еттинчи қитъа» поэмаларида қаллоб, устамон кимсалар бузғунчилиги туфайли ҳалол одамлар бошига тушган кулфат ҳақида сўз боради.

«Соҳиллар», «Еттинчи қитъа» муаллифлари шу куннинг долзарб, чигал, мураккаб ҳодисаларни қаламга оладилару, шу куннинг бадиий-фалсафий тафаккури даражасида туриб, кутилмаган томонлардан ёндашиш, теран бадиий таҳлил этиш ўрнига осонгина йўл тутадилар, бу нарса асосий мўжаро, персонажлар талқинидагина эмас, бошқа ёндош сюжет чизиқларида, масалалар ифодасида ҳам кўзга ташланарди. Чунончи, «Соҳиллар»да табиат стихияси — сел билан олишув картинаси бор, дostonда анча кенг ўрин тутган, асар бош муаммосига деярли алоқаси бўлмаган бу лавҳа тасвири, талқини бундан 30—40 йил бурун қандай берилган бўлса, деярли шундай, қаҳрамонлар гўё табиат стихияси билан олишувда ўзлигини «кўрсатадилар». «Еттинчи қитъа»да чўлга ҳужум ҳам юқоридагидай. Шоир бугунги кунда чўлга ҳужум ҳақида ёзаётганида лoқал кекса қаламкаш Б. Даминовнинг «Зарафшон бўйидаги ўйлар» идагичалик ҳам («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1986, 23 январь) ўй-мушоҳада қилиб кўрмайди.

Дoston барча жанрлар ичида фалсафий мушоҳадаларга ўта мойил, донишмандликни ёқтирадиган, ҳар қанча лирик чекинишларга, дадил ўй-мушоҳадаларга, даврнинг катта гапларини айтишга, ифодалашга кенг имкон берадиган жанр. Афсуски, дostonнависларимиз бугунги кунда жанрнинг шу имкониятларидан керагича фойдаланаётганлари йўқ. Китобхонни тўлқинлантирадиган, ўйга толдирадиган, тасавурларини алғов-далғов қилиб юборадиган теран фалсафий дostonлар ниҳоятда оз. Аммо бу йўлда баъзи хайрли уринишлар ҳам йўқ эмас. Бунда мен Асқад Мухторнинг «Дол қоя», Усмон Азимовнинг «Учрашув» поэмаларини назарда тутяпман.

Усмон Азимов ўз дostonида ҳозирги тезкор замоннинг — фан-техника революцияси даврининг характерли кескин бир зиддиятли томони, цивилизация, ақлий тараққиёт ва маънавият — инсондаги табиий хислатлар муносабати ҳақида ўй суради. Асардаги Йигит — тезкор замон, аниқроғи ИТРнинг салбий самараси тимсоли, Қиз эса маънавият, табиийлик, севги-садоқат, ҳозирги кунда таҳдидлар остида турган мангу, бебаҳо инсоний туйғулар рамзи. Ҳозирги пайтда ана шу мувозанатнинг бузилаётганлиги шоирни қийнайди. Йигит — «давр одами», ўта бирёқлама шахс, деб фан-техника изидан югуриб, телефонлар жаранги, қоғозлар уюми, ҳар хил ахборотлар, қатъий тартибу талаблар ичида секин-аста ўзлигини йўқота бошлайди; бу дунёда дала, тоғ, дарё, боғ борлигини тамом унутиб юборади, югуриб-елиб танҳо қолганини сезмайди, қайнаб ётган кўчаларга ўзлигини ташлаб кетади; унинг югуриб-елишлари бесамар эмас, мартаба, баланд биодан уй ва машинага эришади, не-не уринишлар, югуриб-елишлар эвазига турқи таровати ўзига монанд ақлий қурилма — Робот яратади.

**Ишқ деб, ҳақиқат деб шамолдай елма,  
Қалбни азоблама,  
Изтироб бекор...  
Оёғингни ерга маҳкам ўрнаштиргани  
Ўзингга Робот қур!**

Унинг ақидаси шундай. Шу ақидага амал қилиш туфайли у ижод қилган машина — Робот билан ўзи орасидаги фарқни сезмас даражасига боради; аниқроғи тирик машинага айланади. Унинг фожиаси шунда.

Қиз, яъни эзгу туйғулар, табиат, севги, гўзаллик тимсоли ўзини зуғумга олаётган — зилдай темир-бетон оёғи билан нозик вужудни бепарво эзиб, бостириб келаётган ҳиссизликдан, алвон қон ўрнига томирлариде бензин оқувчи, юрагида туйғу эмас, мотор гурилловчи шўрликлар ҳолидан ваҳимада; Қиз умуман цивилизацияга, фан-техника тараққиётига асло қарши эмас, балким бу борадаги бирёқламаликка қарши; унинг орзуси шуки, фан-техника тараққиёти инсонга, унинг камолотига хизмат этсин, инсоний туйғуларни ҳароб этмасин; унингча машиналар ишқни тор-мор этгани эмас, висолга тез элтмоқ учун яралган; ракеталар, атомлар, автомобиллар инсоният келажакка тезроқ борсин деб тонгни бедор кутган кимнингдир меҳри... Қиз мана шу мувозанат бузилаётганидан нола чекади.

Кўриниб турибдики, шоир ихчамгина поэмада фoят ҳаяжонли, дардли ҳаётий масалани кўтарган, қалбидаги ташвиш-зорларини ёниб айтган. Аммо автор кўламини янада кенгроқ олганида, ҳар хил кутбни шунчаки бир-бирига қарама-қарши қўйиш билан чекланмай, ҳар икки кутбнинг ўз ички зиддиятларини диалектик тарзда идрок этиб, икки томоннинг кучли ва ожиз жиҳатларини ҳам кўрсатганида поэманинг реалистик, ижтимоий-эстетик қиммати янада ортган бўларди.

Гарчи Асқад Мухторнинг «Дол қоя» дostonи мавзу-материал жиҳатидан ўтмишдан, халқ оғзаки ижоди бисотидан олинган бўлса-да, замонавий, ҳозирги куннинг долзарб мавзуда битилган, «Учрашув» дostonига ҳамоҳанг. Бу поэмадаги етакчи икки қаҳрамон — Бобо ва Набира ҳам рамзий



характерда; Бобо — халқ донишмандлиги, ўтмиш хотираси муҳофазакори: Набира худди эртақлардагидек, тасмилга зид бориб, донишманд Бобони ўлимдан асраб қолади, сўнг энг мушкул, чигал вазиятларда шу Бобо маслаҳати, ўгити, унинг бой тажрибаси, ақл-заковати туфайли мушкул жумбоқларга чора топади, эл-юртни бало-офатлардан қутқаради... Асардаги Бобо ва Набира тимсолий образ бўлишдан ташқари индивидуал, тирик инсон сифатида кўринадилар. Айниқса, шоир оғир юкни — Бобосини елкада кўтариб қағир тошлардан оёғи қонаб минг машаққат билан Дол Қояга йўл олган Набира, ўлимга маҳкум этилган донишманд қариянинг руҳий ҳолати, драматик кечинмаларини бетакрор, таъсирчан ифода этади; воқеаларнинг кейинги ривожини, кескин бурилиш, ўта қалтис дақиқаларда ҳам муаллиф қаҳрамонлар руҳияти, характерлар мантигини назардан четда қолдирмайди. Унинг пайтда, ҳодисаларни поэтик таҳлил этиб, ҳозирги кун учун муҳим сабоқ чиқаради. Достоннинг замонавий қиммати шундаки, у ҳозирги пайтда жамиятимиздаги соғлом кучларнинг кайфияти, ташвишларини ақс эттиради. Ўтмишга нигилистик қарашлар аллақачон қораланган, маданий меросга нодонларча вульгар социологик муносабатда бўлиш кескин рад этилганга қарамай, кейинги пайтларда ўша мудҳиш ҳолатлар гоҳо яна кўриниш бера бошлади, 40—50 йил бурунги хатолар айрим ҳолларда такрорланади; достоннинг баъзи бир фаросатсиз, жоҳил, нодон кимсалар айби билан халқнинг муқаддас удумларига, ўтмишнинг баъзи нодир намуналарига хуружлар, волонтаристик муносабатлар авж олган пайтларда яратилиши ва эълон этилиши тасодифий эмас. Шоир халқ донишмандлиги, ўтмиш сабоқлари орқали гуё шу кўнглисиз ҳодисаларга ўзининг гражданлик муносабатини билдирган!

Кейинги йилларда кўпмиллатли совет поэмачилигида ошкора-публицистик руҳ хийла кучайгани, шоирларимиз бу жанр орқали ўткир ижтимоий-сиёсий масалаларга дадил қўл ураётгани ҳақида кўп гапирилаяпти. «Ҳозирги достонларимизда, — дейди А. Лаврин, — поэма-бонг, поэма-даъват етакчилик қилмоқда. Бу шу билан изоҳланадики, шеърятимиз ўз анъаналарига кўра жаҳонда ва мамлакатда содир бўлаётган энг муҳим воқеаларга ҳозиржавоблик билан жиждий муносабат билдирмоқда... Ҳа, айна шу тинчлик, сайёрамиз, она юртимиз тақдири ҳақидаги ташвиш ҳозирги кунда шоирларни ошкора, бор овоз билан гапиришга мажбур этмоқда» («Литературная Россия», 1986, 15 август).

Гарчи бу тур ўзбек достончилигида ҳали етакчи мавқега кўтарилмаган бўлса-да, бизда ҳам ошкора сиёсий-публицистик, бонг, даъват руҳидаги достонлар пайдо бўляпти. Қизгин баҳсларга озук берган Шукруллонинг «Аср баҳси», танқидчиликда ижобий баҳо олган С. Саидовнинг «Саксонинчи йиллар» поэмалари шулар жумласидан. «Аср баҳси»нинг мантиқий давоми сифатида майдонга келган «Тинчлик», Азим Суюннинг «Замин тақдири», Икром Отамуродовнинг «Ярадор умид отлари» асарлари достончилигимизда бу анъана тобора илдиз отиб бораётганини тасдиқлайди.

Шоир «Тинчлик» достонида ҳам атом уруши хавфи, ИТР, маънавият устидаги баҳс-тортишувларни давом эттирмоқчи бўлади, икки дўст бугунги нотинч давр зиддиятлари, катта-кичик муаммолар ҳақидаги ташвишларини изҳор этадилар; муаллиф улар баҳсига якун ясаб дейди:

**Ҳали бу дунёда дўст бор, душман бор,  
Ҳали мавжуд экан ғоя кураши,  
Табий, дунёга бу икки дўстнинг  
Ташвишу хавф-хатар билан қараш.  
Йўқ, бу ваҳма эмас, васваса эмас,  
Уларнинг яшашга бўлган севгиси.  
Ҳаётга беадад бўлган ташналик,  
Келажакка умид, ишонч белгиси!**

Эътирозли ери шундаки, шоир биринчи достон теварагидаги кескин гап-сўзлардан чўчиб, бунисида баҳсларни хийла жўнлаштириб, майдалаштириб юборган, икки персонаж қарашларидаги зиддиятларни, кескинликни иложи борица юмшатиб, хаспўшлашга, уларни муросага келтиришга, бир маслақдаги дўстлар қилиб кўрсатишга уринади; шу тариқа қизгин баҳс-мунозаралардан бошланган, ўқувчини фаолликка, фикрлашга чорловчи асарда бора-бора маъно ранг-баранглиги хира тортади, ҳеч қанақа эътироз туғдирмайдиган бир хилдаги оддий ҳақиқатларни қайд этиш устунлик қила бошлайди, оқибатда поэманинг бадий-сиёсий кучи сусаяди.

Шукрулло поэмасидан фарқли ўлароқ, Азим Суюннинг «Замин тақдири» достонида аср баҳси икки шахс орасидаги тортишувлар шаклида эмас, бир одам — лирик қаҳрамон кўнглида кечади; поэма қаҳрамони ҳозирги серғалва дунё ташвишлари, замин тақдири, яна ўша ИТР ва ядро уруши хавфи ҳақида очиқчасига, ошкора сўзлайди, ўз ташвиш-хавотирларини чин дилдан изҳор этади. Асарга У. Сулаймоновнинг «Айланайин, Айланайин, Она-Ер. Юрагинга бойланайин, Бойланайин, Она-Ер» деб бошланувчи илк сатрларидан то охирига қадар шу она Заминга чуқур меҳр, ўта яқинлик, ҳамдардлик руҳи сақланган. Шоир барча айирмаларни йиғиштириб қўйиб Она Заминга чин фарзандлик меҳри билан ёндошади:

**Самоватнинг қуёшини  
Бир меники, демадим.  
Ҳиндуларнинг кўз ёшини  
Ҳиндуники, демадим.**

**Финляндия қоғозига  
Мен шеър ёзсам, не ажаб!  
Бир занжининг юз-кўзига  
Ўқ отилса — бўзлар қалб!**

Чунки Она Ер «Умум мерос — Буюк мерос, Башарият мулки», шунинг учун унинг тақдири ҳақида қайғуриш ҳаммининг ва ҳар бир одамнинг бурчи! Булар — таниш гаплар, аммо шоир уларни чин дилдан чиқариб, ўзиники қилиб ўта самимий, шoirона тарзда айтгани учун диллардан жой олади; шоирнинг «Кундан-кунга меҳрим ортар, Меҳрим ортар, Онажон. Кундан-кунга ваҳим ортар, Ваҳим ортар, Онажон» деган ташвишлари бизни ҳам ташвишга салади. Достонда Рейн сувининг булғаниб бораётганлиги, бундан шоир Ҳейне руҳи безовта бўлаётгани, Токио кўчаларида

урфон зурриётлари — машиналар юҳо сингари атроф-муҳитни булғаётгани, бундан ҳам ёмони атом уруши хавфи инсониятга таҳдид солаётгани, таҳдиду ваҳмларнинг бош сабабкори илмий тараққиёт эмас, шу Замин зурриёти — «ваҳший, палид, ёвуз, бевурд» зотлар, фақат ҳамённи, ўз фойдасини ўйлайдиган корчалонлар экани ҳақида ёзади; Она Замин бағрида уларга қарши турувчи, Замин тақдирини ўйловчи пок кишилар борлигидан фахрланади, шу қутлов Заминда ўз халқининг ўрни, мавқеи, бетакрор хислатлари хусусида содда, аммо самимий сўзлар айтади:

**Халқим бор: гарчи бир оз  
Тўпори, қув, соддароқ  
Ва лекин мағрур, бир сўз,  
Мутафаккир, кўнгли оқ!**

Достонни шавқ билан ўқиб чиқамиз, унинг самимий, шўх, аллақандай хавотир ва умидбахш руҳ билан йўғрилган сатрлари сизда муайян кайфият уйғотади, аммо, очигини айтиш керак, хаёлингизни алғов-далғов қилиб юбормайди, ҳолбуки достонда қаламга олинган масала-муаммолар моҳиятига кўра ўта чигал, зиддиятли, фожейидир. Ҳозирча шоир бу мушкул, фожейи ҳодисаларни бутун даҳшати билан китобхонга етказа оладиган, уни ларзага соладиган, ўйга толдирадиган оригинал бадий ечимни тополмагандай кўринади. Демак, бадийат учун зарур бўлган самимиятнинг ўзи йирик асар, хусусан поэма учун бундан ҳам зарурроқ асос — яхлит катта фикр, чуқур ҳис этилган салмоқдор бадий концепция ўрнини босолмас экан. Бу тур поэмаларда фикр-туйғуларни ягона ўқ — бош концепция атрофида жамлаш, хилма-хил ирмоқлардан яхлит қудратли оқим ҳосил этиш ниҳоятда муҳимдир. Бусиз чинакам поэтик кашфиётга эришиб бўлмайди. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида мен яна бир асарни — бошқа мавзуда, ўзгача оҳанг — лирик планда ёзилган Мирза Кенжабоевнинг «Ватан минтақаси» достонини мисол тариқасида келтирмоқчиман. Бу поэма сафарнома тарзида битилган; бу — ёш шоирнинг она юрт бўйлаб сафари, туғилган масканига, маънавият сарчашмаларига, яқин ўтмишга, болалик йилларига сафари, ҳақиқат, адолат йўлларидаги ўйлари, изланишлари. Азим Суюн каби Мирза Кенжабоев ҳам самимият билан чин дилдан очиқчасига тўлиб-тошиб сўзлайди; эл-юртга шайдо, ҳақиқатга, адолатга ташна, ҳазил-мутоибага мойил, шўх, безовта, жўшқин қалбнинг тебранишларини биз достоннинг ҳар бир сатрида баралла кўриб, туйиб турамыз. Шоирнинг йўл фалсафаси содда: дил эзган ҳақиқатлару ёлғонлар, энг ишончли дақиқалару, одам боласига энг шафиқ бўлган замонлар, ернинг жисмини топтаган қўллар — гуноҳлар, одамзод эртаси, эл шони учун ёнганлар, Ватан деб ҳайқириб, жар солиб, охири тонганлар, вужуди тириту ва лекин руҳи ўлганлар — барчаси шу йўлда аён бўлади! Бу фалсафий ўйларнинг интиҳоси янаям содда, самимий:

**Поёнсиз бу йўлга мен ҳам чоғланиб,  
Ёниб, тўлиб-тошиб кириб борурман.  
Оёғим осмондан келган чоғда ҳам  
Сомон йўлларида юриб борурман...**

«Йўл» қўшиғи» бобида шоир созиға хос жўшқинлик, самимият энг юқори пардаларга кўтарилади:

**Бу оҳанг нечундир, сенга етмаса,  
Сен томон элтмаса, бу йўлим — ўлим.  
Бу ёниш нечундир, сенга ўтмаса,  
Ён, гулим,**

**тонг гулим,  
жон гулим, гулим.**

Достон шу тариқа ҳар қанча самимият билан битилган бўлмасин, барибир, ундан кўнглимиз тўлмайди; чунки унда, юқорида танқид қилинган достонлар сингари хилма-хил шахобчаларни, ўй-мушоҳадаларни ягона улкан оқимга айлантирувчи катта фикр, яхлит оригинал концепция йўқ; лирик қаҳрамон поездда олға бораверади-ю, йўлда кўрган, қалбида уйғонган хотира, фикр-кечинмаларни бирма-бир баён этаверади-ю, достондаги фикр олға силжймайди, чунки фикрни олға силжитадиган, унга энергия, динамика, ҳаракат бахш этадиган заряднинг ўзи заиф. Шоирнинг ўзи ҳам достони «бир ўқдан тўғри кетмаётгани»ни, асар ҳар соҳадан бир шингил бўлиб қолаётганини сезади, бу хусусда эҳтимол тутилган танқидларнинг олдини олиб, қалб туғёнларини ҳар хил қонун-қоидалар билан шарҳлашларига қарши чиқади, «мен халқим бағрига оқиб кирсам, бас» дейди. Халқнинг бағрига оқиб кириш ва у ерда муқим қолиш учун ҳам фақат туғёнлар-у самимиятнинг ўзи кифоя қилмайди, халқ қалбини туғёнга соладиган катта гаплар, ҳақиқатлар, халқнинг катта дардларини айтиш зарур. Шоир гоҳо ўта самимий бўламан деб, жўнликларга йўл қўяди, чунончи «Ботинка ёҳуд йўл хангомаси» бобида Ватанни ботинкага қиёс қилиши ва у билан боғлиқ хангома, «Тинчлик чумчуғи» бобида кекса ветераннинг кибутар ўрнида чумчуқни тутиб тинчлик рамзи сифатида осмонга учирishi воқеаси ифодаси ва талқинида хийла жўнлик, хийл чумчаллик мавжуд. Шоир ўзи ҳам достондан унчалик кўнгли тўлмаган, шекилли, бу мавзуга яна қайтажогини дилига жо этиб: «Ва замин дардининг теран қатлари Хатларин кўз билан кўрорим бордир!.. Яна йўллариға кирорим бордир. Бунда юрагимға шифолар топиб, Унда курашларға кирорим бордир», — дейди. Шоирнинг бу самимий сўзларига, аҳду паймониға ишонса бўлади!

Агар Шукрулло, Азим Суюн, Мирза Кенжабоев поэмаларида ғоят турли-туман масалалар устида гап борса, Икром Отамуродовнинг «Ярадор умид отлари» достониде конкрет бир ҳодиса, асримизнинг муҳҳиш бир фожмаси — фаластин халқи ва унинг асл фарзанди, эрксевар Муин Бсису бошиға тушган мусибат, халқ ва шоир армонлари, орзу-умидлари, кураши хусусида баҳс этади. Мавзу — материал аниқ бўлгани учун шоир ҳодиса моҳиятиға чуқурроқ кириб бориш имкониятиға эға бўлган. «Ярадор умид отлари» баъзи жиҳатлари билан Эркин Воҳидовнинг «Рўҳлар исёни»

достонини эслатади. Худди «Рухлар исёни»даги каби бу ерда ҳам исёнкор шоир ва хўрланган халқ муносабати дoston асосий мундарижасини ташкил этади. Айни «Рухлар исёни»даги сингари бу асарда ҳам бош қаҳрамон ҳаётининг изчил, хронологик ифодаси, шарҳи йўқ, шоир қаҳрамон биографиясига оид энг муҳим, характерли фактларни, ҳаётдаги драматик дақиқаларни келтиради-да, улар туфайли ўз кўнглида туғилган фикр-кечинмаларни, дил туғёнларини тўкиб солади. Аммо фактлар ва ўй-мушоҳадалар ифодаси, талқини бу ерда тамомила ўзига хос, оригинал. Автор достонининг бош қисмидаёқ қаҳрамон таржимаи ҳоли билан таништиради, Мақсуд Шайхзодларданг бир шеърдаги усулдан фойдаланиб, анкета саволларига жавоб тариқасида бир неча сатрларда Муин ҳаёт йўлини, маънавий қиёфасини кўз олдимизда гавдалантиради: туғилган ери — Ғазо, Фаластиннинг қадимий шаҳри; миллати — араб, касби — Ватанни севиш, шоирлик, юрган йўли — кураш, кўрган куни — қувғинлик, яшаган жойи — умид, нияти — эрк, озодлик, инкилоб; сўнгги манзили — осмон, юлдузлар диёри... Булар гўё дoston тезислари, бу маълумотлар кейинчалик бирин-кетин ёрқин поэтик лавҳа ҳаяжонли лирик чекинишлар шаклида яхлит, мукамал поэтик обидага айланади. Маълумки, «Рухлар исёни»да халқ дардида юрган исёнкор шоир билан мазлум, жаҳолатда қолган халқ орасидаги англашилмовчилик асардаги фожа, аламли фиғонлар асосини ташкил этади; «Ярадор умид отлари»да эса халқ билан шоир орасида бунақа англашилмовчилик, зиддият йўқ, бу ерда халқ билан шоир бир, ялакат мағиз, халқнинг дарди — шоирнинг дарди, халқнинг фожиаси — шоирнинг фожиаси; Муин фаластин халқининг энг фожиали дамларида, ўз ватанидан бадарға этилган онларида шу халқ бошига тушган мусибатларни бирга татиган, шу халқ билан бир тан, бир жон бўлиб бирга ўртанган, бир орзу, мақсад йўлида курашган, жамики азоб-уқубатларни, мусибатларни ҳаммадан кўпроқ, чуқурроқ ҳис этган шахс. Бу асар ўзбек дostonчилигида алоҳида шахс билан халқ тақдирини бутун ҳолда бадиий талқин этиш йўлидаги яхши тажриба.

Асар Муин ҳаёти, фаластин халқи аянчи қисматиға оид ўн чоғли факт ва улар билан боғлиқ шоир қалб изтироблари ва нидоларидан ташкил топган, фактлар бир-бири билан изчил боғланиб, бир-бирини тўлдириб, улар билан боғлиқ фикрлар эса бетиним ривожланиб, кескинлашиб кучайиб боради. Келтирилган ҳар бир фактнинг ўзи ҳаяжонли, у туфайли туғилган изтироблар аламли, нидолар эса фиғонли.

«...Қора денгиз бўйида хиёбон... Дўстлик дарахти... Дунё шоирлари унинг остига ўз юртларидан бир сиқим тупроқ келтириб тўкишади... Муин ҳам келди бу ерга, дарахтга тикилди маҳзун. У, бир сиқим тупроқни қаердан олиб келсин, юрти бошқалар — босқинчилар кўлида бўлгач... Дарахт олдида довдираб, эсанкираб қолди Муин...» Асарда келтирилган биринчи факт шу! Бу шунчаки факт эмас, шоир шу лавҳадаёқ қаҳрамон фожиасининг жуда нозик, таранг бир жойига тегиб ўтади, гўё таранг тортилган қалб торларини чертиб юборади, бирдан қалбнинг аламли нидолари бонг уради, шоир Муин шеърларидаги аламлар сирини шарҳлашга ўтади; мисралар — шоирнинг жароҳатлари, белгилар ҳолатдир омон-беомон; нуқта ҳам, ундов ҳам, сўроқ ҳам бари — шоир юрагидан сирқиган армон; шундан кўп Муин шеърларида нуқта, ундов эса ундан ҳам кўпроқ; манзилға етмаган тиреларда минг битта фарёду минг битта фироқ... Шоир бу изтиробли ўйларини яқунлаб:

**Мисралар ярадор.  
Белгилар ярадор.  
Фаластин ярадор.  
Муин ярадор... —**

деган хулосаға келади ва шу илк сатрлардаёқ дostonнинг бош пафоси — шоир ва халқ бирлиги, фожиаси, Муин шеърлари эса халқ фожиаси, дилдаги яралар, орзу-армонлари нидоси эканини ўқувчи қалбига етказиши. Сўнг биз шу тарздаги бири-бирдан ҳаяжонли фактларга, улар туфайли туғилган алам-изтиробларга, ўтли нидоларга дуч келаверамиз. Дostonдаги яна бир факт ва унинг поэтик шарҳи устида тўхталамиз. Исроил босқинчилари фаластинликларни ўз юртидан бадарға этар эканлар, йўллардаги араб тилида ёзиб қўйилган кўрсаткичларни ёндирадилар, портлатадилар, бўлак-бўлак қилиб сирдириб ташлайдилар, отадилар. Буларнинг ўрнига иврит тилида ёзилган белгиларни тиклаб қўядилар. Бундан шоир қалби туғёнға тушади:

**Сўзларни отдилар.  
Менинг тилимда сўзлаган  
сўзларни  
одамлар сингари,  
дарахтлар сингари  
отдилар:  
тик юргани учун,  
тик тургани учун,  
тик боргани учун.  
Сўзларни отдилар...**

Шоирга алам қилган жойи шундаки, бу билан босқинчилар қадим хотиралар йўлларини, қадим хотиралар суврати — фаластиннинг сўзларини отдилар! Дostonдаги фаластин қочоқлари лагерида қирғин, зулмға қарши исён, бутун бошли бир халқ фожиасини кўриб бетараф қолувчилар, ўз халқи орасидан чиққан хоинлар, Муин хонадонидидаги тинтув, сўроқ, беш яшар ўғилчасининг бир чақмоқ қандға сотилиши, етти яшар ўғлининг мардона туриб душман ўқиға кўксини тутиб бериши, сионизмнинг асл башараси, у — умидли дунёнинг қотили экани — барча-барчаси қалбларни титроққа соладиган ҳолда берилган. Қисқаси, «Ярадор умид отлари» бугунги дostonчилигимизнинг жиддий ютуғи, публицистик поэманинг яхши намунаси, уни мумкин қадар тезроқ Иттифоқ, балким хорижий Шарқ халқлари ўқувчиларига етказиш керак.

Муҳаммад Алининг «Инкилоб» достони эътиборимизни жаҳоннинг яна бир оловли нуқтаси — Афғон диёрида тартади; автор Мирмуҳсиннинг «Чодрали аёл», Асқад Мухторнинг «Аму» асарлари

орқали адабиётимизда бошланган аънанани давом эттириб афғон халқи ҳаётида, афғонлар юрагида кечаётган инқилобий силсилалар ҳақида ҳикоя қилади. Шуниси характерлики, гарчи дoston ғоят долзарб, ҳаяжонли ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга бағишланган бўлса-да, у лиро-публицистик планда эмас, балки хийла осойишта эпик йўлда битилган, унда эпик нақлиёт устун. Демак даврнинг жўшқин ижтимоий-сиёсий ҳодисаларига фақат ошкора публицистик тарзда эмас, осойишта эпик тақлиёт йўли билан ҳам муносабат билдириш мумкин экан.

Шоир асар учун пухта, мухтасар, кескин драматик фабула танлаган: инқилобчи қиз Зарғуна халқ орасида маърифат тарқатиш, инқилоб ғояларини тарғиб этиш билан машғул; собиқ синфдоши Ғулом Ахтар адашиб аксилнқилобчилар томонига ўтган, мана энди у қорандўй — халқ милиционер-ниқобида Зарғуна ҳузурига келган; у саркор топшириғига биноан инқилобга қарши змдан кўпорувчилик ишлари олиб бориши, жумладан Зарғунани орадан кўтариши керак. Аммо у болаликдан Зарғунага ошиқи-шайдо; Ғулом Ахтар маслак жиҳатидан Зарғунага рақиб, унинг ғояинтилишларига тиш-тирноғи билан қарши, аммо ошиқ қалб Зарғунага ёмонликни асло раво кўрмайди; «Ақли — саркор томонда коим, қалби дилдор томонда доим». Ҳар қадамда уни асраш-авайлаш ҳаёлида юради, йигитнинг бирдан бир орузи — қиз эътиборини, муҳаббатини қозониш; бироқ қизнинг кўнгли ўзгада — бошқа бир инқилобчи йигитни севади, буни Ғулом Ахтарга дангал айтади; жавобсиз севги аламида ўртанган йигит, барибир Зарғунадан кўнгил узолмайди... Дoston воқеаларининг ечими ҳам оригинал, пухта: икки ўт орасида қовурилган йигит пировардида Зарғуна шаънини ҳимоя қилиб, қизга тажовуз қилган ўз саркори бошини узиб ташлайди; икки йўлни тутай деб гирдобда қолган, алам, ғазаб оловида ёнган бу нодон яна икки одамни — бегуноҳ кимса Зарғунанинг отасини ва ёвуз ҳамроҳини ўлдиреди, қиздан сўнги дил розига жавоб ололмагач, бу аламзада банда «Сен парисан... рост дединг... Покиза кет... Покиза эдинг!» дея қиз сийнасига ханжар уради, сўнг шу ханжарни ўз кўксига қадайдди. Кейин шоир шуларни ёзади:

**Сўнг... ханжарни суғуриб олди,  
Гандиракларб тиззаси толди,  
Қиз ёнига аста чўзилди...  
Жони жуда оғир узилди...  
Ор керакдай ўлик, мурдага,  
Ханжарини қўйди ўртага...**

Дoston фабуласининг шу қисқа шарҳидан ҳам кўриниб турибдики, асардаги энг муваффақиятли чиққан образ бу — Ғулом Ахтар образи, Адашган ўзи тушиб қолган тўда одамларининг манфур қиёфасини, ёвуз кирдикорлари моҳиятини англай бошлаган, йўл қўйган хатосининг аламли жабрини чеккан ва шу йўлда кўрбон бўлган гумроҳ йигит характери, қалб драмаси ҳаяжонли, таъсирчан тасвирланган. Асарда ишқий кечинмалар ифодаси мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисалар талқини билан тутатиш-чирмашиб кетган, Ғулом Ахтар кўнглидаги севги ҳали худбинлик кайфиятларидан холи бўлмаса-да, йигит қарашларидаги бурилиш, қасоскорлик шу туйғунинг давоми, ҳосиласидир.

Ориф Усмонов «Савр инқилоби ҳақида дoston» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1987, 1 январь) асардаги Зарғуна образига юқори баҳо беради, қизнинг ижтимоий фаолияти, маслаги ҳақида нақл, таъриф-тавсифларга таяниб, уни ҳаётини, типик образ деган хулосага келади. Мен бу фикрга қўшилмайман. Зарғуна асарда ҳар қанча ижобий, фаол, севгида вафодор, мустаҳкам ирода, эътиқод эгаси қилиб кўрсатилган бўлмасин, уни тирик инсон сифатида етарли тасаввур этолмаймиз, қалб бисотидан, қалбидаги жараёнлардан бехабар қоламиз. Бу нарса Ғулом Ахтар образи билан қиёсда аён сезилади. Зарғуна образидан Ғулом Ахтар табиатида хос зиддиятларни талаб этиш ўринсиз, албатта. Бироқ ҳаётни, жони-жаҳонини инқилоб йўлига тиккан қизни она юртида содир бўлаётган мураккаб, чигал ҳодисалар, фожиалар ўйга толдирмайдими, қийнамайдими? Шунча алғов-далғов ичида у бирор сония бўлсин шубҳага тушмайдими, кўнгли ўртанмайдими? Наҳотки шунчалар кескин, драмаларга тўла замонда унинг шахсий алам-изтироблари, йўқотишлари, қолаверса аёл зоти сифатида бирор ожиз, зиддиятли, томони бўлмаса?! Бир ўринда Зарғуна ишлайдиган мактабга аксилнқилобчилар ўт қўйгани ҳақида хабар бор, буни эшитган Зарғуна: «Оҳ, тобакай ёнар мактаблар? Оҳ, тобакай қақшар асаблар?» дейди-ю, дарҳол бу ташвишни енгиб «уйимда очғайман мактаб!» дея хитоб қилади, отасини ўртага қўйиб, одамлардан пул йиғиб янги мактаб бино айлашга қарор қилади... Бошқа можаролар ҳам шу тариха оғриксиз, қийинчиликларсиз қиз иродаси, қатъияти туфайли осонгина бартараф этилаверади... Шу тариха шоир Зарғунани, бинобарин ижобий қаҳрамонни ичдан драматик планда эмас, ташқи томондан, кўпроқ декларатив тарзда кўрсатиш йўлидан боради.

Яна бир эътироз шуки, асар финалида бир-икки эмас, бешта одам ҳалок бўлади. Шундоқ кўз олдимизда бир дақиқада бешта азамат жон таслим этади! Бешта ўлим, бешта фожа! Негадир шундай улкан даҳшат, фожа бизни кутилмаган даражада ларзага солмайди, ўйлатиб қўймайди.

Юқоридаги таҳлил ва кузатишлардан чиқадиган асосий хулоса шуки, умуман олганда дostonларимиз ҳаётга яқин бўлиб бормоқда, дostonнависларимиз даврнинг ўткир, долзарб ҳодиса муаммоларига мурожаат этмоқдалар; бу жанрда ҳам ҳозирги энг яхши проза, драма асарлари қаҳрамонлари каби мураккаб, чигал тақдир эгалари образи яратилмоқда, ҳаёт ҳақиқатини диалектик тарзда мураккаблиги, зиддиятлари билан идрок этиш ва талқин қилишга уриниш тенденцияси кучаймоқда. Тўғри, барча дostonларимизнинг ғоявий-бадийи савия-даражаси бирдек эмас, фикрлашда эски қолиплардан чиқа олмаслик, оригинал, чуқур ҳис этилган яхлит поэтик концепциянинг етишмаслиги, фалсафий мушоҳадакорлигининг тор, чекланганлиги, дoston жанр имкониятларидан етарли фойдалана билмаслик — поэмаларимиз ривожини йўлидаги жиддий тўсиқлар бўлиб турибди. Айни пайтда «Истамбул фожиаси», «Гаплашадиган вақтлар», «Ярадор умид отлари» сингари поэмалар — жанр истиқболига катта умид уйғотмоқда. Ўзбек дostonчилигининг айрим намуналари кейинги пайтларда умумиттифоқ адабиётининг ютуғи сифатида марказий матбуот ва нашрларда эътироф этилаётганлиги қувончли ҳодисадир.

## ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

Табиат ва жамиятда қандай тирик мавжудот ёки ҳодиса пайдо бўлмасин, у ўзига кўзгу ахтаради, ўзининг фазилатларини кўргиси, билгиси келади, иллатлардан халос бўлишни, нуқсонларини тузатишни, камолот сари интилишни истади. Бу шу қадар табиий ва қонуний жараёнки, у ҳатто нафақат инсонга, балки унинг даҳоси ва меҳнати билан майдонга келган барча соҳаларга ҳам тегишлидир.

Адабиёт пайдо бўлган кундан бошлаб танқидда ўз қиёфасини кўриб келмоқда. Шўхбасис, унинг танқид кўзгусидаги акси турли даврларда турлича бўлиб келган. Аммо унинг ўзи ҳам халқ ҳаётининг кўзгуси сифатида шу даврларда воқеликни турлича акс эттирган. Адабиёт қандай тараққий этса, танқид ҳам шундай йўллари босиб ўтади. Адабиёт қайси савияда бўлса, танқид ҳам ўша даражада бўлади. Зеро, улар ижтимоий онг формалари сифатида муайян сиёсий-ижтимоий қарашларнинг тазйиқи ва таъсиридан холи яшай олмайди. Шунинг учун ҳам уларнинг бири юксак даражадаю, иккинчиси пастроқ мавқеда бўлиши мумкин эмас.

Биз кейинги йилларда адабиёт ва танқидни икки қарама-қарши майдонга ажратишга кўникиб қолдик. Ҳолбуки, адабиёт тарихининг қайси бир даврига назар ташламанг, ёзувчилар айни пайтда танқидчи сифатида ҳам фикр ва мулоҳаза юритганларини кўрамыз. Ҳар бир миллий адабиётнинг шаклланиш босқичларида эса — буни Навоий ва Пушкин сингари буюк сиймолар тақдирида яққол кўриш мумкин — бадий ва танқидий тафаккур омухта бир шаклда бўлган.

«Шарқ юлдузи» журнали бир-икки йилдан буён қатор ўзбек ёзувчиларига бир неча саволлар билан муурожаат этиб, уларнинг «Дилдаги гаплар»ини мунтазам суратда эълон қилиб келмоқда. Ана шу саволга жавоблар қанчалик пардали айтилган бўлмасин, уларда бугунги ўзбек танқидчилигининг савияси билан боғлиқ ҳақиқий мулоҳазалар ҳам, танқидга нисбатан давом этиб келаётган анъанавий ғараз ва камситиш ҳолатлари ҳам аниқ-тайин кўринади.

Мана, баъзи бир мисоллар:

«Танқидга муносабатим жуда яхши. Танқид тухматга айланганини сезсам ғашим келади... Танқидчилигимизда учрайдиган саводсизлик, хушомадгўйлик, тарафкашлик, ўзларининг майда мақсадчалари йўлида адабиётнинг юзига оёқ босишлар қанча тез йўқ бўлса, шунча соз бўлар эди» **[Усмон Азимов].**

«Танқидга муносабатим ёмон. Сабаби, бизнинг танқидчилигимизда саёзлик сезилади; мадҳиябозлик авж олиб кетган. Бизда адабиётшунослик, яъни илмий таҳлил қилиб, инсонни ўрганадиган фан эмас, нуқул у ёки бу китобнинг мазмунини гапириб бериб, гурзи туширадиган танқидчилик мавжуд» **[Эмин Усмонов].**

«Афсуски, бизнинг ҳозирги танқидчилигимизда баъзан бемаъни тарафкашлик, шахсий ғаразга берилиш, фойда-манфаат кетидан қувиш ҳолатлари кўзга ташланади» **[Жамол Камол].**

«Танқидга муносабатингиз қандай деб сўрашади ёзувчидан. Қандай бўларди, яхши эмас, асарингни танқид қилган одамни ёқтирмайсан...» **[Мақсуд Қориев].**

«Анкетангизга жавоб ёзиб ўтириб, Ёзувчилар союзининг справочнигини варақладим. Вожаба! Ҳар бетда бўлмаса-да, ҳар икки-уч бетда бир танқидчи табассум қилиб (ё чимирилиб) турибди. Тўғри, уларнинг ёши, савияси, диди, дунёқараши, ёзувчига муносабати турлича... Аммо уларнинг ичида шамол эсган томонча қараб буриладиган пирпираклари ҳам йўқ эмас. Энг ачинарли ери шундаки, бундай танқидчилар мақтаган китоблар магазинларда чанг босиб ётибди, «урганлари» — қўлма-қўл. Танқидчилар шу тарзда гоҳо ўзларининг обрўсини ўзлари тўқяпти» **[Саъдулла Сиёев].**

«Ҳозирги шеър танқидчилиги ҳақида гап кетганда, ёдимга чумоли келади. Нега дейсизми? Мен чумолини қанчалик тушунмасам, бугунги ўзбек танқидчиси шеърни шунчалик тушунмайди» **[Хуршид Даврон].**

Бу хилма-хил фикрларнинг ўзиданоқ ҳозирги ўзбек танқидчилигига бўлган муносабат яққол кўриниб турибди. Бу муносабат, менимча, танқидчилигимизнинг бугунги умумий савияси туфайлигина эмас, баъзи бир асарлари танқид этилган ёзувчиларнинг субъектив қарашлари асосида ҳам шаклланган. Зероки, бугунги ўзбек танқидчилигида Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Салоҳиддин Мамажонов, Иброҳим Ҳаққулов сингари пешқадам мунаққидлари миз борки, улар адабиётни, хусусан шеърятни тушунмайдилар, деб айтиш ноинсофлик бўларди.

Шу нарса ажабланарлики, бирор адабий турнинг бугунги даражаси ҳақида сўз борганда, энг истеъдодли ёзувчилар ва улар истеъдодига муносиб асарлар биринчи навбатда кўз олдимизга келади: биз шу асарлар орқали бугунги насримиз ё шеъримизнинг буйини ўлчаймиз; аммо сўз танқид ҳақида борганда, нима учундир ёзувчиларнинг кўз олдига гурзи кўтарган жаллодларгина

келади, адабий танқидга алоқаси бўлмаган тасодифий кишиларнинг мақолалари танқидчиликнинг бирдан-бир даражаси бўлиб кўринади. Агар биз шундай андоза билан энг фарб ва ночор шеърлар орқали бугунги ўзбек шеъриятининг салмоғини, энг заиф ҳикоя ё роман орқали ҳозирги ўзбек насрининг бадиий савиясини белгилашга уринсак, тўғри бўладими? Йўқ, албатта. Аммо шунга қарамай, ҳар бир нотўғри, ноҳақ, саёз мақола, асоссиз танқид ё мақтов танқидчиликнинг қадр-қимматига беҳад шикаст етказиши, уни китобхонларнинг кўзи олдида шармандайи-шармисор қилади. Танқидчи шунинг учун ҳам пала-партиш, ўйламай-нетмай туриб ёзиши, асарларга субъектив муносабат ва савиядан туриб баҳо бермаслиги керак. У сапёр сингари фақат бир марта адашиши мумкин. Аммо бу адашув танқидчи учун қимматга тушади: у нафақат ўзини, балки бутун танқидчиликни ҳам бадном қилади.

Кейинги йилларда бутун мамлакатимиз ҳаётида бўлганидек, ўзбек совет адабиётида ҳам жиддий бурилишлар шабадаси сезила бошлади. Аммо жаҳият ҳаётининг бошқа соҳаларидан фарқли ўлароқ адабий жараён, хусусан танқидчиликда қайта қурилиш жуда сустречади. Бадиий онг, хусусан танқидий-эстетик тафаккур узоқ йиллар давомида шаклланади. Шунинг учун ҳам адабиётдаги қайта қуришни адабиётда инқилоб яшаш деб тушуниш нотўғри бўлади. Адабиётни, чунончи адабий танқидни қайта қуриш мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, танқидчиликда саёзликка, субъективлик ва ғаразгўйликка, хушомадгўйлик ва мадҳиябозликка, ёзувчининг ғоявий-бадиий ниятини тушунмаслик ёки нотўғри талқин қилишга қарши кескин кураш олиб боришни англади.

«Шарқ юлдузи» журнали ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси гарчанд бир оз кечикиб бўлса-да, давра суҳбатларини ташкил этиб, адабий танқид олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб бердилар. Бугунги бу вазифалар аниқ ва тушунарли. Аммо, назаримда, танқидга нисбатан совуқ муносабат айрим танқидчиларимиздаги ҳафсалани пир қилиб, уларнинг адабиёт олдидаги бурчларига бепарво қарашга, лўндароқ айтганда, ҳали ҳам мудраб яшашга имкон яратиб қўйди.

Агар бир пайтлар Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов сингари танқидчилар заиф асарлар билан муроаса қилолмай, матбуот саҳифаларида жиддий танқидий мақолалар билан чиқиб турган бўлсалар, эндиликда бу вазифани ўташ асосан Норбой Худойбергановнинг зиммасига тушиб қолмоқда. Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов каби мунаққидлар адабиётимизнинг бугунги баланс савияси билан ихтилофда бўлган асарларга қарши муносабат билдиришда фаоллик кўрсатмай қўйдилар. Пирмат Шермухамедов кейинги йилларда анча фаоллашганига қарамай, ҳозирги адабиётимизнинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан хийла четда ижод этаётгандек бу муаммоларни хийла жўн тушунаётгандек туюлади. Нуриддин Шукуров, Саъдулла Мирзаевга хос бўлган чўғ хийла пайсагандек бўлса, Лазиз Қаюмов бугунги адабий жараёнга мунаққид сифатида аралашмай қўйди. Сўнгги йилларда фан докторлари сафига келиб қўшилган Бахтиёр Назаров ва Акрам Каттабеков ҳали ўзбек танқидчилигининг залворли юкини ўз елкаларига олганларича йўқ. Тўнғич авлоднинг пешкадами Иzzат Султонов эса бугунги адабиётимизнинг тараққиёти даражасидан бирмунча орқада қолганлиги сабабли ҳамон ёзувчилар билан тил тополмай юрипти.

Адабиётда қайта қуриш шу вақтга қадар орттирилган бадиий тажрибани улоқтириб ташлаш, шу вақтга қадар ҳурмат қозониб келган ҳар бир асарни тафтиш қилишни англамайди. Бизнинг кечаги адабиётимизда қайси ёзувчи ва қайси асар ўринсиз мақталган бўлса, биз шу мақтовнинг ўринсиз ва адолатсиз бўлганини кечанинг ўзида ҳам билар эдик. Аммо адабий ҳаёт ва адабий танқид узоқ йиллар давомида жиддий тазйиқлар муҳитида яшаб, шикастланиб ва майиб бўлиб юрган. Афсуски, тазйиқлар ҳали ҳам — Москвадан ажойиб шабадалар — XXVII съезд шабадаси, январь Пленуми (1987) шабадаси эсаётганига қарамай — давом этиб турибди.

Бу ўринда «Правда Востока» газетасида босилган «Тарих ҳақиқатида зид» деб номланган мақола тўғрисида сўзламай бўлмайди. Тарих фанлари доктори М. Ваҳобовнинг бу мақоласи кўпгина шов-шувларга сабаб бўлди. Мақолада эҳтимол Ўзбекистондаги тарих фанининг аҳволига доир баъзи бир тўғри фикрлар бор бўлиши мумкин. Аммо аксари қисми бевосита ўзбек адабиёти масалаларига бағишланган бу мақоланинг умумий руҳи, пафоси заҳарли. Мақола муаллифи бадиий адабиётни тушуниш даражасидан узоқ бўлишига қарамай, нима учундир ўзини бугунги адабиётимиз ва адабиётшунослигимизга ҳакам бўлишга ҳақли деб билган. Айниқса, Бобур сиймосига бағишланган адабий ва адабий-танқидий асарларни орқа-ўнгига қарамай савалаб кетган.

М. Ваҳобов қайси бадиий ё илмий-танқидий асарга мурожаат этмасин, унинг асл моҳиятини кўрмай, ундаги бир-икки жумлани юлиб-олади-да, уни мутлақо бошқа оҳангда, бошқа мақсадда талқин қилади. Биз, ўзбек совет адабиётининг тарихчилари, бу муаллифи 40- ва 50- йиллардаги адабиётга оид нутқ ва мақолаларида ўзбек совет ёзувчиларига тош отганини яхши биламиз. Ўзини адабиёт масалаларига аралашшига ҳақли деб билган тарихчи, масалан, «Ўзбек совет адабиётининг большевик ғоявийлиги учун» («Шарқ юлдузи», 1946, 7-8-сон) деган мақоласида қатор ўзбек совет шоирларининг «ғоявий хато»ларини «фосх этиб», бундай ёзган эди:

«... Уйғун куйлаган муҳаббат «Муҳаббат ўлимдан кучли» бўлган муҳаббат эмас. Уйғун шеърларидаги муҳаббат одамларни кўтаринки руҳ билан зўр қаҳрамонликларга, олижаноб ишларга илҳомлантирмайди... Уйғуннинг кўпгина асарлари унинг ҳозирги турмушимиздангина четда эканлигини эмас, умуман ҳақиқий ҳаётдан четда эканини исботлайдилар.

...Улуғ Ватан уруши йиллари ўзбек аёллари Қизил Армия сафига кетган оға-ини, ота-бола ва эрларининг ўринларида: колхозларда, корхона ва муассасаларда фидокорона ишлаб, меҳнатда ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Бироқ, Уйғун буларнинг ҳеч қайсисини пайқамади, кўрмади. У ўз поэзиясида фақат ўзининг шахсий ҳаётини кўзлайдиган, арзимас кечини пайкар, ноз-фироқлари билангина яшайдиган обиватель аёлнинг образини яратди.

...Уйғунга тақдид қилувчилар қаторига биз ёш шоирлардан Зулфия, Шукрулло, Раъно Узоқова, Саид Назар ва бошқа ўртоқларни киритишимиз керак. Буларнинг ҳам кўп шеърлари совет воқелигига тамоман ёт бўлган ғоясизлик ва мазмунсизлик руҳи билан суғорилган «лирика»дан иборатдир.

...Сўнгги вақтларда ғоясиз, маъносиз лирика Миртемир ижодида ҳам анчагина ўрин олади...»

Бундай танқидий чиқишлардан кейин кўпгина шоирларимиз оғзига қулф солганини айтмас ҳам бўлади. М. Ваҳобов сингарилар туфайли, уларнинг вульгар социологик маслаклари туфайли адабиётимиз узок йиллар мобайнида озор чекиб, унинг энг яхши ва истеъдодли вакиллари бадном этилган эди. Биз вақт ўтиши билан Ваҳобов ҳам тўғри йўлга тушган деб ўйлаган эдик. Аммо унинг сўнги мақоласи бу олимнинг ҳали-ҳануз вульгар-социологизм ҳавоси билан нафас олиб келаётганини кўрсатди.

Биз Октябрь инқилобининг 70 йиллиги арафасида яшамоқдамиз. Бу биздан нафақат ижтимоий ва адабий-бадий юксакликни, балки маънавий камолотни ҳам талаб этади. Шунинг учун ҳам маданиятимиз ва адабиётимизга меҳрдан йироқ бўлган бундай мақолаларнинг пайдо бўлиши кишини ажаблантирмай қўймайди. Сўнги йилларда нима учундир баъзи бир кимсаларда адабий асарлардан сиёсий хатолар излаб топишга қаратилган носоғлом майл зуҳур бера бошлади. Ана шундай майл орқасида матбуотда «Ғоявийлик — адабиётимизнинг бош мезони» деган мақола эълон қилинди. Назарий фикрлари умуман тўғри бўлган бу мақолада Шукрулло, Шароф Бошбеков, Рауф Парфи, С. Сирожиiddинов сингари ёзувчиларнинг асарларида гўё мавжуд бўлган сиёсий хатолар «фoш қилинди». Кимларнингдир дидига мос келмаган асарлар ноҳақ қораланди.

Бугун биз Ваҳобовнинг мақоласи тўғрисида сўзлар эканмиз, бу мақоланинг пайдо бўлиши тасодифий эмаслигини, бундай «олимплар» бир пайтлар Ойбекнинг «Навоий» ва «Олтин водийдан шабадалар» романларидан, Уйғун, Миртемир, Шайхзода, Зулфия ва Туроб Тўланинг шеърларидан ҳам кўпол ғоявий хатолар «топгани»ни ёдда тутишимиз ва бундай фактларга асло бефарқ қарамаслигимиз керак.

Аслида ёзувчиларимизда адабий танқидга нисбатан ғаразли муносабат ана шундай фактлар таъсирида шаклланган. Ўзбек совет ёзувчилари улуг совет адабиётининг — дунёдаги энг ғоявий адабиётнинг вакиллари бўлиб келганлар ва ҳамisha шундай бўлиб қоладилар. Аммо биз бугун ғоявийликни янгалоч шюрлар тарзида тасаввур этмаймиз. Бугун ғоявийлик етук бадий шаклда, қаҳрамонлар олиб бораётган кураш мантикида, улар характерининг моҳиятида ўз ифодасини топмоқда.

Бундан бир неча вақт муқаддам Абдулла Қаҳҳор ўзи ҳақида сўзлаб, ғурур билан: «Мен партиянинг оддий солдатимас, онгли аъзосиман», деб айтган эди. Бугун биз сўнги йигирма йил ичида Абдулла Қаҳҳор сингари партиянинг онгли аъзолари оз бўлганини афсус билан қайд этишимиз лозим. Ҳа, Абдулла Қаҳҳор ҳақ йўлда мустаҳкам турмаганда, «Тобудан товушни» ёзмаган, қаламини иллатлар тасвирига қаратмаган, бадий заиф асарларни мақтаган бўлиши мумкин эди. Аммо у партиянинг, жамиятнинг онгли аъзоси эди, шунинг учун ҳам у бундан йигирма йил илгари бутифосга — бугун ўзбек далаларини, тўпроғини, сувини заҳарлаган, халқимиз бошига қанчадан-қанча кулфатлар келтирган оғуна қарши биринчи бўлиб курашди.

Совет ёзувчиси, Абдулла Қаҳҳор сингари буюк партияимизнинг онгли аъзоси бўлиши керак. Адабий танқид унинг ана шундай ижодкор бўлишига ёрдам бериши, ундаги фаол гражданлик туйғуларини парвариш этиши, унинг ҳаётимиздаги иллатлар ва негатив ҳодисаларга қарши шафқатсиз ўт очинида мададкор бўлиши лозим. Шундагина унга муносабат ўзгаради. Шундагина у ўзининг адабиёт олдидидаги, жамият олдидидаги вазифасини адо этади.

Аммо адабий танқиднинг ўсиши учун ҳам соғлом ҳаво ва бўлик замин бўлиши лозим. Акс ҳолда ҳар қандай уриниш, хусусан, энг серғайрат танқидчиларнинг меҳнатлари ҳам кутилган натижани бермайди.

Ўзбек танқидчилари соғлом ҳавонинг йўқлигидан шикоят қилолмайдилар. Партиянинг, айниқса, сўнги йиллардаги кўрсатмалари барча соҳаларда, чунончи бадий ижод ва адабий танқидчиликда ҳам жиддий бурилиш рўй беришини таъминлашга қаратилди. КПСС Марказий Комитетининг «Адабий танқид ҳақида»ги тарихий қароридан сўнг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси ҳам республикада адабий ва бадий танқидни ривожлантиришга бағишланган махсус қарор қабул қилди. Аммо бу қарорлардан сўнг ҳам танқидчиликда жиддий ўзгариш рўй бермади. Бунинг асосий сабаби шундаки, республикада тўғри ва ҳақ сўзни айтиш учун ҳали зарур шароит йўқ эди. Биз бугун ана шундай шароит яратилмоқда, деб ўйлаймиз.

Республика матбуотида эълон қилинаётган танқидий материалларнинг барчаси изчил режа асосида олиб борилаяпти, деб бўлмайди. Адабий йилларнинг махсули бўлган асарларга тақриз бериш ва баҳолаш эса ҳали-ҳануз ёмон аҳволда. «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Ёшлик» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ва бошқа нашрлар кўпинча бугунги адабий жараён учун характерли бўлмаган, ўзида бугунги ижобий ва салбий тенденцияларни мужассамлантирмаган асарларга тақриз бериб, шундай асарларни пропаганда қилмоқдалар. Чунончи, «Шарқ юлдузи»да чоп этилган тақриزلардан бири Абдурашид Абдурахмоновнинг «Поэзияда инсон тасвири» деб номланган монографиясига бағишланган. «Уқитувчи» нашриёти босиб чиқарган бу китобнинг илмий-назарий савияси биз учун қоронғу. Тарих фанлари кандидати Наим Норқулов қаламига мансуб тақриз ҳам бу «илмий тадқиқот»нинг қиммати ҳақида ҳеч қандай тасаввур бермайди. Тақризчи мазкур китобга танқидий назар ташлаш, унда баён этилган илмий қараш ва мулоҳазаларни кузатиш, ўрганиш ва баҳолашни эмас, аксинча уни тавсифлаш ва таърифлашни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Филология фанлари кандидати Нурмуҳаммад Холлиевнинг «Очиқ кунлар» ва «Гуллётган тош» (Шавкат Раҳмон) тўпламларига бағишланган тақризи ҳам шундай «ғалатлар» билан тўла. «Каллак-ланган тутлар» деб бошланган шеърида тутлар — дунёнинг устун, осмонни елкасида тутиб турган қадимги грек паҳлавони Атлантга ўхшатилади, — деб ўқиймиз тақризда. — Лирик қаҳрамон илгари шамол бўлган эди... аммо тутларни қуриб, тут дарахти бўлгиси келади. Чунки проблема ўсган: дардни аритиш — энди майда ғамхўрлик, бутун осмон тагига елкани тираш керак».

Тақризчи бу шеърни ана шу рўхда шарҳлар экан, пиравардида юқоридаги фикрни рад этувчи хулосага келади:

«Табият предметларини ўхшашини топиш (аналогия) орқали билиш истаги баъзан шоирни бош мақсаддан чалғитади».

Омон Мухторовнинг «Марварид» шеърлар китоби ҳақида ҳам турлича қарама-қарши фикрлар айтилди. Бу китоб юзасида билдирилган фикрлар орасида хусусан бундай мушоҳада ҳам учрайди:

«Тўпламга арузда ёзилган бир неча ғазал ҳам киритилган. Буларни шоир лирикасининг гўзал намуналаридан дейиш мумкин. Уларда Омон Мухторовнинг дилбар оҳанг орқали эътиборли мазмун ярата олиши кўриниб туради» («Гулистон» 1986, 2-сон). Биз ҳурматли китобхонлар эътиборини Охунжон Сафаров ва Ғайрат Муродовнинг бу сўзларидаги «дилбар оҳанг орқали эътиборли бадиий мазмун яратиш» масаласига қаратмоқчи эмасмиз. Балки мунаққидлар «эътиборли мазмун» ва «дилбар оҳанг» тушунчаларини ўзаро диалектик алоқада тушунаётган ва мазмуннинг шоир дунёқараши ва актив граждандлик позицияси билан чамбарчас алоқада эканлигини кўзда тутаётган бўлишлари мумкин. Гап шундаки, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бўлиб ўтган баҳсларда истеъдодли танқидчи Яшар Қосимов Омон Мухторов ғазалларига бутунлай узгача баҳо беради.

«Омон Мухторов ғазалларида,— деб ёзади у,— фикрий теранлик, чинакам шарқона ғазал фалсафаси, энг муҳими, замонавий ғазал мундарижаси заиф». Бу кескин сўзлардан кейин юқоридаги мунаққидларнинг «дилбар оҳанг орқали эътиборли мазмун яратиш» борасидаги мулоҳазаларига ҳам, Омон Мухторов ғазалларига берган юксак баҳоларга ҳам ишониш қийин.

Шеърятни бундай «нозик» ҳис этувчи мунаққидларнинг тақризларидан сўнг ўша асарларни ўқиш истаги ҳеч кимда ҳам уйғонмаса керак. Бундай тақризлар билан танишганидан кейин Хуршид Давроннинг чумоли ва танқидчи тўғрисидаги мулоҳазасига қўшилмасдан иложинг қолмайди, киши.

Ҳозирги адабий жараённинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, унда анъанавий «адабий» қолипларга тўғри келмаган, ҳар қандай эски ва янги андозаларни рад этаётган асарлар кўплай яратилмоқда. Бу асарлар тўғрисида бир хилда фикр-мулоҳаза юритиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида «Бир асар тўғрисида икки фикр» деган махсус рубрика пайдо бўлди. Бу рубрика остида берилаётган баҳслар кенг китобхонлар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Аммо, назаримизда, бу рубрикага жалб этилаётган асарлар ва масалалар доирасини анча кенгайтириш лозим. Шунингдек, бирор асар юзасидан китобхон билан мунаққиднинг эмас, икки малакали ижод аҳлининг фикр ва мулоҳазасини газетхонга тақдим этиш ўринлидир.

Кейинги йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг танқид бўлимида сезиларли жонланаш рўй берди. Умуман, газета бугунги ижтимоий ва адабий ҳаётнинг муҳим масалаларига ўз вақтида аралашиб, ўзбек ёзувчиларининг ижодий фаол бўлишларига яқиндан ёрдам бермоқда. Шу маънода газетада ташкил этилган «Ёзувчи ва замон», «Замон ва мафкуравий кураш», «Партия сиёсати — илҳомбахш» сингари рангба-ранг рубрикаларда эълон қилинган материаллар ўзбек ёзувчиларининг ҳозирги даврнинг актуал муаммоларига қизгин муносабатда бўлаётганларини кўрсатади. Бизнингча, ана шундай ҳозиржавоблик руҳи, бугунги кун ҳавоси билан нафас олиш истаги адабий танқидга оид материалларда ҳам яққол кўриниб туриши лозим.

Адабий танқид фақат тақриз ёзишдангина иборат эмас. Адабий танқид деганимизда, энг аввало, ҳозирги адабий жараён манзараларини тасвирловчи, унинг теран қатламларини таҳлил этувчи умумлашма мақолалар кўз олдимизга келади. Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Салоҳиддин Мамажонов, Иброҳим Ғафуров, Пирмат Шермухамедов, Ботир Акрамов, Санжар Содик, Раҳимжон Отаев, Аҳмад Отабоев каби мунаққидларнинг ҳозирги адабий тараққиёт қонуниятларини илғашга қаратилган қатор мақолалари, айрим бахсли ўринлардан қатъи назар, ўзбек танқидий тафаккурининг активлашган ва адабий ҳаётга тобора яқинлашиб бораётганидан дарак беради. Ёш муаллифлардан Раҳмон Кўчқоровнинг «Уч «Сароб» номли тадқиқот-эссеси, Адулла Улуғов ва Саида Мирзеванинг дастлабки мақолалари эса ўзбек танқидчилигининг эртанги кунига назар ташлаш имконини беради. Уйлаймизки, бу ва бошқа ёш танқидчиларимиз ўз биродарларининг энг яхши фазилатларини эгаллаган, нуқсонларидан эса сабоқ олган ҳолда иш олиб борадилар.

Бугунги ўзбек танқидчилиги ёш носирларимиз ижодига катта эътибор билан қарамоқда, шеърин контекстдаги сўзнинг ўрни ва аҳамиятига, шеърятнинг эстетик фазилатларига доир диққатга сазовор фикрларни ўртага ташламоқда. Аммо на бугунги шеърятда, на драматургияда кўзга ташланаётган изланишлар ва топилмаларнинг новаторона моҳияти, бу соҳалардаги бадиий силжиш мунаққидларимизнинг малакали фикр ва мулоҳозаларида ўз таҳлилин етарли равишда топгани йўқ. Умуман, ҳозирги адабий жараённинг кенг ва мураккаб панорамаси ҳали тўла равишда илғаб олинмади. Уйлаймизки, «Адабиёт ва замон» типидagi танқидий альманахларни мунтазам равишда нашр этиш ишларининг йўлга қўйилиши бундай кемтикларни бартараф этишга имкон туғдиради.

Ўзбек совет адабиёти кўп миллатли совет адабиётининг таркибий қисми сифатида муттасил ривожланиб бормоқда. Шу маънода ўзбек танқидчилиги ҳам иттифоқ танқидчилигининг узвий бир қисмидир. Аммо шунга қарамай, ўзбек танқидчилигининг иттифоқимиздаги танқидий тафаккур билан, танқид илми ва маданияти билан алоқаси кўнгилдагидек эмас. Биз кейинги йилларда Пирмат Шермухамедов, Норбой Худойберганов орқалигина марказий нашрлар билан алоқа ўрнатиб турибмиз.

Ўзбек ёзувчилари Норбой Худойбергановни «ашаддий танқидчи», «тўқмоқли танқидчи» деб атайдилар. У баъзан эҳтиросга берилиб, айрим ижобий фактларни назар-писанд қилмаслиги, баъзан асарларга бир ёқлама баҳо бериши, айрим фактларни эса нотўғри талқин қилиши мумкин. Унинг ижодий фаолиятидаги бу қусур «Вопросы литературы» журналининг 1987 йилги 1-сонидa эълон қилинган мақоласида ҳам кўзга ташланади. Аммо Норбой Худойберганов сўнги икки йил ичида марказий журналларда босилган мақолаларида бугунги ўзбек адабиёти ва танқидчилигининг муҳим масалаларини кўтариб чиқди.

Кейинги йиллардаги адабий танқид маҳсулотини ўз савиясига кўра қанчалик рангба-ранг бўлмасин, танқидчилигимиз тақомиллашиб йўлидан, бугунги адабий жараён моҳиятини тўғри пайқаш ва унга тўғри таъсир кўрсатиш йўлидан бормоқда. Аниқроғи, шу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди. Бугун ўзбек танқидчилиги қайта қуриш муаммолари билан юзма-юз учрашиб турибди. Бу муаммолар ҳал бўлади, деган умид тобора ортиб бормоқда.





Масалан, Хайриддин Султонов қиссасида ҳам Мавлонқуловлар тоифаси кенгроқ кўрсатилганида эди, Султон аканинг қийин вазиятларга тушиб қолгани, кураш оғир кечгани ва бунинг натижасида дардга чалингани каби ҳолатлар янада теран намоён бўларди.

Султон ака ҳам, «Чархпалак»даги Комил ҳам ҳалол, иродали, ҳақиқат учун курашувчилар сифатида талқин қилинади. Лекин бу қаҳрамонларнинг янада таъсирчанроқ чиқиши, шубҳасиз, уларнинг хатти-ҳаракати, фаолиятига боғлиқ. Фаолиятнинг салмоғи, манзараси эса кескин тўқнашувларда намоён бўлади. Шунинг учун иккинчи кутубда турган кучларни ҳам бор бўйи билан гавдалантиришга эҳтиёж сезилади. Аммо «Ажойиб кунларнинг бирида» қиссасида масаланинг мана шу томониға негадир эътибор берилмаган. Хусусан қаҳрамоннинг хаёлида кечаётган воқеаларнинг кўпи (масалан, машҳур артист билан учрашув ёки ижарада кечган талабалик йиллари билан боғлиқ ҳодисалар) унинг оғир аҳволга тушиб қолиши сабабларини очишга у қадар алоқадор эмас.

Шуниси муҳимки, 80-йиллар ўзбек прозасининг энг яхши асарлари сирасига кирувчи қиссаларда моддий-маънавий ҳаётда янгича сифат ўзгаришлари зарурлиги бавосита, яъни шахснинг ўзлигини англаш жараёнини кўрсатиш орқали талқин қилинган. Хусусан, Хайриддин Султоновнинг «Ёнинг ёлғиз ёдғори», Эркин Аъзамовнинг «Жавоб» қиссалари шу хусусияти билан диққатни тортган эди. Ҳар икки асарда ўз қадрини билмасдан яшаган қаҳрамонларнинг фожиаси очиб берилди.

Мазкур қиссаларнинг бош қаҳрамонлари ҳам Султон ака ва Камол сингари ҳалол, виждонли одамлар. Лекин улар изтиробларга кўмилиб, қийналиб, эзилиб яшашади. Адаш Карвонни ҳам, Элчиевни ҳам қаллоб кимсалар ҳўрлашади. «Чойхонапаловларда ошнинг сабзисини албатта Элчиев тўғрайди, ёшлар қолиб ўтинни ҳам ўзи ёради, ўзи олов қалайди. Бу юмушларни у бировнинг гапи билан эмас, ўзидан билиб қилади — гўё фақат унинг иши, унинг бурчи. Бошқа маврид-маросимларда ҳам кўпчилик эп кўрмаган ёки бўйни ёр бермаган даҳмазаларга Элчиев балоғардон. Гоҳо чунон хоксорлар бўлиб кетади, лекин ўша вазифани бажаради. Бошқалар эса бунга ўрганиб қолишган, бирор сабабга кўра Элчиев ўз ўрнида бўлмаса — ажабланишади, ҳатто таъна қилишади: «Ия, Элчиеви?!» Кўринадики, ортиқча мўмин-мулоимлик ҳам худбин калондимоғларнинг урчиб унишига маълум бир имкон туғдиради. «Жавоб» қиссасидаги сингари Шавкат, Аҳроллари билан улардан манфаатдор бўлган Нодир Файзуллаевичнинг кўнгил кўчасига майдонни кенг қилиб қўяди. Адаш карвон эса ўта итбатли тақводор. У ҳатто ғаламис кимсаларнинг куткуси билан беғуноҳдан-беғуноҳ қамалганида ҳам буни худонинг буюргани, тақдири азалнинг пешонасига битгани деб қарайди. Ўзига тўхмат қилаётган кишиларга қарши курашишга журъат этмайди. Адаш Карвон, Элчиевга ўхшаган кишилар ҳаётда анча-мунча топилиб туради. Манфаатпараст, ишбилармон кимсалар тоифаси эса муте, мўмин одамларнинг кўплиги туйфайли бемалол ўзларининг худбин ниятларини амалга ошираверади. Улар халқнинг, давлатнинг мулкни турли-туман йўллар билан талон-тарож қилаверади. Чунки аслини олиб қараганда «Ажойиб кунларнинг бири»даги Мавлонқулов, Қамар Шарипович, «Чархпалак»даги Омонтурдиевга ўхшаган юлғичларнинг кирдикорларини атрофдагиларнинг кўпчилиги билади.

Султон акани ҳам, Комилни ҳам ана шу муаммо қийнаган, азоблаган бўлиши табиий. Лекин ҳар икки қиссада бу жиддий ҳодисага эътибор қилинмайди. Ахир реал ҳаётнинг ўзида ҳам ҳақиқатни дадил туриб айтишга камдан-кам одамларгина жасорат қилади-ку! Кўпчилик бўлса ўз тинчини ўйлайди. Адолат учун курашаётган киши мададга, кўмакка муҳтож бўлиб турганида унга ёрдам қилини чўзадиганлар осонликча топилавермайди. Ҳақ-у ноҳақликларнинг барчасини билиб турганлардан кўплари ўзларини панага торттишади. «От кишнаган оқшом» қиссасининг қаҳрамони Зиёдулла бу ҳақда куйиниб шундай дейди: «Адолат жабр чекаётганда қочамиз. Ундан юз ўгирамиз. Кўриб кўрмасликка оламиз. Бир имонсиз адолатни бўғайтганда йўлимизни чаппа соламиз. Емондан қоч-да, қутул, деймиз ўзимизга. Емон билан тенг бўлмайин, деймиз. Уйга келиб фалончини ноҳақ айблади, ўзи ҳақиқат йўқ экан, деймиз. Шунинг ўртага чиқиб, ёмонларнинг юзига айтиб солмаймиз. Ўзимизни билмаганга солиб ўтираверамиз. Тилимизни тишлаймиз...». Бу эса аниқки, ҳақиқатни бўғадиганларнинг тегиримонига сув қуйиш билан баробар. Сўз санъатидаги қайси бир классик асарни олиб қарамайлик, уларда шахс билан уни ўраб турган атроф-муҳит, коллектив ўртасидаги муносабатлар тасвири кенг кўрсатилганига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун бу аъналарни унутиб қолдирмасдан, улардан ижодий ўзлаштириш, уларга бугунги кун руҳини сингдириш, мавжуд бисотни бойитиш керак. Мана шундай яхлитликка, мутаносибликка эришилганида эса асарда турмуш манзаралари янада ёрқинроқ намоён бўлади. Бугунги аксари асарларда эса бир гуруҳ қаллоблар билан икки-учта ҳақиқат фидойилари ўртасидаги тўқнашувлар акс эттирилади ва улар бирмунча ишонарли қилиб чизилади-ю, аммо ўша қаллобларнинг урчиб, бақувват томир отиб кетишига муайян имкон туғдирган сабабларни бадий-фалсафий тадқиқ қилишга кўп ўрин ажратилмайди. Бу ҳол ўз навбатида, шу асарларнинг салмоқли мазмун касб этишига, янада таъсирчан бўлишига маълум даражада халақит беради.

Хуллас, роман ва қиссадек тасвир имкони кенг асарларнинг жозибаси, таъсирчанлиги ундаги конфликтлар шиддати, миқёсига, драматизмнинг кучлилигига боғлиқ. Лекин шиддатли тўқнашувлар, кескин драмалар ўзига муносиб табиий ечим-нихояга эга бўлишида ҳам гап кўп. Чунки кейинги пайтларда яратилаётган аксари роман ва қиссалар айнан мана шу жиҳатдан муваффақиятли чиқмаяпти. Уларда тўқнашув-олишувлар якунини кўрсатишда синалган, илгаритдан маълум бўлган йўллардан бориш аниқ кўринади («Хонадон» романи каби). Бу схематизм адабиётга ҳаёт ҳақиқатини бор бўйи, ҳаққоний қиёфаси билан кўрсатишга доимо халақит бериб келган иллатдир. Ҳатто, таниқли адиб Одил Ёқубовнинг «Оққушлар, оппоқ қушлар» романи энг яхши асарлар сирасига кирса-да, унда ҳам конфликтлар ечимини беришда муайян даражада юридик йўлдан бориш қусури мавжуд. Агар «Оққушлар, оппоқ қушлар» романи, «Ажойиб кунларнинг бирида» ва «Чархпалак» қиссаларида ҳам қаллоблик, порахўрлик каби иллатларни келтириб чиқарган моддий-маънавий заминни очишга кўпроқ эътибор берилганида, тўқнашувлар якуни оригинал тадқиқ этилганида, шубҳасизки, бу асарларнинг бадий таъсирчанлиги, салмоқдорлиги янада ошган бўларди.

**Абдулла УЛУҒОВ,  
ТошДУ аспиранти**



## ЧАҚМОҚДЕК ЧАҚНАГАН УМР

(Саидризо Ализода туғилган куннинг 100 йиллигига)

Озарбайжон Фанлар Академиясининг топшириги билан 1976 ва 1980 йилларда командировка олиб Ўзбекистоннинг қатор шаҳарларида бўлдим.

Архивда бир сурат эътиборимни жалб қилди. Архив мудираси: «Қўлингиздаги сурат — ҳаёти суронли кечган, қисмати фожиали тугаган озарбайжонликнинг сурати», — деди.

XIX—XX асарларда Ўрта Осиёда бир қанча озарбайжонлик истеъдод эгалари, инқилоб намоёндалари яшаганки, уларнинг ҳаёт йўллари, фаолият кўламли кишини ҳайратга солади.

Йирик маданият маркази Самарқандда ва Ўзбекистондаги бошқа шаҳарларда озарбайжонлик маърифатпарвар Абулқосим Ганжавий, инқилобчи, маориф ходими Саидризо Ализода, иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер Ф. Одилов, Ф. Маҳмудов, А. Исмоилзода, забардаст шоир Мақсуд Шайхзода, фан арбоби, профессор Я. Алиасқаров ва бошқаларнинг номи ҳурмат билан тилга олинади.

Самарқандда озарбайжонликларни ўз атрофига жипслаштирган, улар орасига инқилоб уруғини сепган киши Абулқосим Ганжавий деб тахмин қилинади, мўтабар ҳужжатларда унинг номи қайд этилади. Кейин унинг ишини шогирдлари ва сафдошлари азму шижоат билан давом эттирганлар. А. Ганжавийнинг ана шундай ажойиб шогирдларидан бири — биз юқорида тилга олган суратдаги шахс — озарбайжонлик Саидризо Ализодадир. Саидризо Ализода профессионал инқилобчи, фаол маориф ходими, адиб, шоир, таржимон, йирик жамоат арбоби эди. Бу киши ҳақидаги маълумотлар йиллар соясида қолиб, унинг хотирасини абадилаштириш масаласи ҳам унутиб юборилганди.

Бу ҳусусда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига Озарбайжон Фанлар академияси

Низомий номидаги адабиёт институти томонидан юборилган мактубда бундай дейилади: «Сизнинг архивларингизда ўзбек, тожик, озарбайжон халқларининг туғишган фарзанди Саидризо Ализода билан боғлиқ бўлган муҳим воқеалар, ҳужжатлар, суратлар сақланади. 1903 йилдан социал-демократлар ташкилотининг фаол аъзоси, 1918 йилдан РКП(б) нинг аъзоси, «Шўълаи инқилоб» журналининг бош редактори бўлган С. Ализода-нинг номи у билан бирга ишлаган Садриддин Айний, З. Бектоший, Ҳожи Муин Шукрилло ва бошқалар билан ёнма-ён туради ҳамда ўзига хос ўрин тутди. Лекин биз Ўрта Осиёда, хусусан, Самарқандда бўлганимизда ҳеч қаерда унинг номига дуч келмадик».

Мана шу мактубдан кейин ишлар юришиб кетди.

Самарқанд шаҳар ижроия комитетидан жавоб хати олинди. Хатда бундай дейилган эди: «Саидризо Ализода номига кўча қўйилди, яшаган уйининг пештоқиға мармар лавҳа осилди. Унинг ҳаётига оид суратлар ишланди».

Боқуликлар, айниқса Низомий номидаги адабиёт институтидагилар ҳам қўлларида келганини аямай, бу ишга яқиндан ёрдам бердилар. Саидризо Ализоданинг қўлда чизилган сурати асосида унинг бронза барельефи ишланди, мармар лавҳага озарбайжон ва форс-тожик тилларида ўйилган текст тайёрланди. Мен яна Самарқандга келиб, унинг асарларини, қўлга киритилган ҳужжатларни уй музейга тақдим этдим. Саидризо Ализоданинг барельефи ва мармар лавҳани музейга кираверишда ўнг томонга осдик. Сўнг митинг ташкил этилди. Митингга мен Ализоданинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маъруза қилдим.

Самарқанд область партия комитети ва область ижроия комитетининг органи — «Ленин йўли»

газетаси 1979 йил 22 декабрда Саидризо Ализода барельефининг тасвири, тўпланган мероси, асарлари ҳақидаги маълумотларни ва маъруза текстини чоп этди. Ана шундан бошлаб Саидризо Ализода яшаган «Баҳор» кўчаси унинг номи билан аталадиган бўлди.

Саидризо Ализода ни ўзбеклар ҳам, тожиклар ҳам, туркманлар ҳам ўз фарзандлари деб ҳисоблайдилар. Унда коммунистнинг юксак идеали, инқилоб курашчисининг чигал тақдири, фаол маориф ходимининг улкан иқтидори, интернационал-коммунистнинг пўлат иродаси мужассам эди.

Саидризо Ализода 1887 йилда Мирмуҳсин исмли оддий тўқувчи оиласида туғилди. Мирмуҳсин Табриздан Шомоҳига, ундан Бокуга (Ичкари шаҳарга), Бокудан Самарқандга келиб, шу ерда умрининг охиригача муқим яшаб қолган эди.

Саидризо Ализода болалигида Абулқосим Ганжавийнинг янги усулдаги мактабида таҳсил кўрди. Бўлажак инқилобчининг шаклланиши, турли билимлар ва тилларни эгаллашида муқим роль ўйнаган бу мураббий ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Абулқосим Ганжавий 1875 йилда Боку эксплуататорларига қарши чиққани учун судланиб, Сибирга сургун қилинган. Сургундан қочиб Хитойга, ундан Покистонга, сўнг Эронга ва, ниҳоят, Бағдодга келиб қолган 1900 йилда Бағдод дорилфунунини битиргач, Самарқандга келган. Шу йилларда у бир араб қизига уйланиб, тотув ҳаёт кечирган. Абулқосим Ганжавий 1901 йилда Самарқандда янги усулдаги мактаб очди. Мактабда ўн йилга яқин дарс беради ва кўплаб шоғирдлар етиштиради. Бу мактаб ҳақида эътиборга лойиқ ҳужжатлар, эски расмлар сақланиб қолган.

Абулқосим Ганжавий 1911 йилда хотини ва икки ўғли — Алиқабар ва Алиқасар билан тагин Бағдодга қайтади. 1917 йилгача ўз шоғирди билан хат ёзишиб туради. Саидризо Ализодада инқилобий кайфиятнинг пайдо бўлишида ҳам Абулқосим Ганжавийнинг таъсири бўлган деган тахминлар бор. Кейинроқ Саидризо Ализода Темиров-Газаровларнинг босмаҳонасига ишга киради. Бу ерда инқилобий кайфиятдаги рус ишчилари жуда кўп бўлиб, улар орасида ленинчи большевик Александр Морозов ҳам бор эди. Саидризо Ализода у билан яқин муносабатда бўлади.

1957 йилда Тошкентда нашр этилган «Ўзбекистон 1905—1907 йиллар инқилоби» китобида қуйидагиларни ўқиймиз: «Октябрь инқилобидан аввал марксизм-ленинизм ғоялари билан қуролланган илк инқилобчилардан бири Саидризо Ализодадир. У 1903 йилданоқ (Темиров-Газаров босмаҳонасида ишлаб юрган вақтларда) социал-демократлар группасининг аъзоси эди».

Биринчи рус инқилоби даврида — 1905 йилдан бошлаб бу ерда большевикларнинг «Самарқанд» номли газетаси чиқа бошлаган эди. Бу газетага фаол қатнашиб турган Саидризо Ализода ўз қаламининг тигини золимларга қарши қаратади. У 1903 йиллардаёқ озодлик учун кураш майдонига жанговар инқилобчи, фаол маориф ходими сифатида отилиб чиқади.

Туркистонда «Искра»нинг илк сонларини қўлга киритишга мушарраф бўлганлардан бири Саидризо Ализода эди. Инқилобий ғоялар билан таниша борган Саидризо Ализода Туркистонда фаол искрачи, социал-демократ, марксчи-ленинчи сифатида ном қозонди. 1918 йилда эса Коммунистик партия сафига кирди, метин иродали коммунистга айланди.

Бу ҳақда КПСС Марказий Комитети халқаро

бўлимининг собиқ ходими, ҳозирда иттифоқ аҳамиятидаги пенсионер Ф. Одилов ўз хотирасида шундай ёзади: «Мен Саидризо Ализодани Самарқандда Совет ҳокимияти учун кураш олиб борган энг фаол революционерлардан бири сифатида эслайман, ажойиб большевик сиймосини ҳамиша қалбимда эъзозлайман. У 1905 йилда Самарқандда янги усулдаги мактаб ташкил этади. Менинг ўзим ҳам ўша мактабда ўқиганман. Уни ўзимнинг асл устозим деб биламан ва у билан фахрланаман. У мени ва бошқа меҳнаткашларнинг болаларини пулсиз, миннатсиз ўқитарди. Реакционерлар бу мактабни 1912 йилда бекитиб қўйдилар. Кейинроқ, 1913 йилда Саидризо Ализода маслакдош дўсти Ҳалим Каримовнинг ҳовлисида «Ҳаёт» номли мактаб очди. Чор амалдорлари ва маъмурлари бу мактабни ҳам 1915 йилда бекитиб ташладилар».

Мустақкам эътиқод соҳиби Саидризо Ализода-нинг бевосита раҳбарлиги остида 1916 йилда ўзбек тилида «Телеграф агентлиги» варақаси чоп этилди.

1917 йилдан бошлаб шахсан унинг раҳбарлигида тожик тилида «Варақай телеграфот» газетаси чиқа бошлади.

1918 йилдан Коммунистик партия аъзоси, ўша йилларда Самарқандда яшаган озарбайжонлик Фаражуллоҳ Маҳмудзода ўз хотираларида бундай деб ёзади: «1917 йилдан бошлаб Самарқанддаги қадимий Хўжа Юсуф маҳалласида тез-тез йиғилиб турардик. Яширин йиғилишларимиз Саидризо Ализоданинг раҳбарлиги остида ўтарди. Ана шундай йиғилишларимизнинг бирида «Ишчилар бирлиги ташкилоти» — «Иттифоқ» тuzилсин деган таклиф ўртага ташланди. Бу тараққийпарвар ташкилотнинг идора ҳайъатига етти киши аъзо бўлди. Саидризо Ализода «Иттифоқ»даги асосий шахс ҳисобланарди. У кенг ташкилотчилик ва ижодий фаолиятни инқилобий ҳаракат билан боғлаб олиб бора оларди. Саидризо Ализода Бухорода ҳам инқилобий ҳаракатнинг ташкилотчиларидан бири сифатида машҳур эди».

Саидризо Ализода жанговар инқилобчи, фаол маориф ходими сифатидагина эмас, муҳаррир, оловқалб шоир, адабиётшунос, кўп тилларни билувчи теран олим сифатида ҳам ажралиб турар эди. У жаҳолатнинг, диннинг аёвсиз душмани эди.

Саидризо Ализода ўн икки тилда — озарбайжон, форс, рус, ўзбек, турк, арман, яҳудий, афгон, араб, француз, инглиз, урду тилларида эркин гапирар ва равон ёза оларди.

У тожик совет матбуотининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшди. 1919 йилнинг апрелидан 1921 йилнинг охиригача «Шўълаи инқилоб» журналининг бош муҳаррири лавозимида ишлади. Шуниси эътиборга лойиқки, Саидризо Ализода ушбу журналининг илк саҳифаларидан бошлаб жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин асарларини Туркистондаги эмас, балки туркий ва форсий тили шарҳ халқлари орасида ҳам кенг тарғиб қилишга катта ҳисса қўшди. Шунингдек, у А. Исмоилзода, Садриддин Айний, Р. Ҳошимийлар билан биргаликда инқилобнинг дастлабки йилларидаёқ икки жилдли русча-тожикча луғатни тузиб нашр эттирди. Тожик тилининг «Сарф ва наҳв» («Морфология ва синтаксис») дарслиги ҳам унинг қаламига мансубдир. Айни пайтда у тожик тилининг янги алифбе китобини тузди. Кўриниб турибдики, Саидризо Ализоданинг тожик тилшунослигидаги хизматлари ҳам беқийёсдир.

Мактаб ёшидаги болалар эҳтиёжини чуқур ҳис этган адиб «Алгебра», «Арифметика», «География» каби кўплаб китоб ҳамда дарсликларни русчадан тожик тилига таржима қилди.

Кўпқиррали ижод соҳиби Саидризо Ализода-

нинг таржимачилик фаолияти фақат юқоридагилар билан чекланмайди. А. С. Пушкиннинг «Дубровский», «Капитан қизи», Н. Островский «Пўлат қандай тобланди», Л. Толстойнинг «Тирилиш», Ф. Гладковнинг «Цемент» каби асарлари билан тожик ўқувчилари илк бор Саидризо Ализода таржимасида танишдилар. Синклернинг «Юз фоиз», Мопассаннинг «Дўндиқ» ҳамда Абдулла Қодирийнинг асарлари, шунингдек, жаҳон адабиётининг бошқа илғор намоёндалари ижодини тожик ўқувчиларига етказишдаги хизматлари ҳам таҳсинга лойиқдир.

30-йилларда Саидризо Ализода Ўзбекистоннинг йирик маориф ўчоқларидан бири бўлмиш Самарқанд дорилфунунда араб ва форс тилларидан дарс берди, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга бор куч-қудратини сафарбар этди. (Бу ҳақда Ўзбек совет энциклопедиясининг тўққизинчи тоmidан жой олган Саидризо Ализода ҳақидаги мақолада маълумот берилган.)

Академик В. В. Бартольднинг Саидризо Ализода томонидан форс, афғон ва урду тилларига таржима қилинган «Туркистон» асари 1926 йилда Покистоннинг Лаҳор шаҳрида нашр этилди. Айни пайтда адиб қаламига мансуб бўлган «Саодат асири» романи (1924), «Ислом маданияти» китоби

(1927), шеърлар тўплами (1925, 1926, 1928, 1934) ҳам Лаҳорда чоп қилинди.

Саидризо Ализода ўткир ҳажвчи сифатида ҳам кўплаб асарлар ёзган. Боқуда чиқиб турган «Мулла Насриддин» журналининг фаол муҳбири бўлган. «Самарқандий», «Боғишамолий», «Коргар», «С.А.», «Замбура» ва бошқа хилма-хил тахаллуслар билан бу ҳажвий журналда тез-тез чиқиб турган.

У қардош халқлар орасидаги маданий алоқаларнинг жонқуяри сифатида ҳам катта ишлар қилди. Самарқандда Озарбайжон торзан (торчи)ларининг концертларини уюштирди, ўзи улар билан бирга саҳнага чиқиб тор чалди. 1919 йилда У. Ҳожибековнинг «У бўлмасин, бу бўлсин» асарини саҳнага қўйди ва ўзи редактор ролини ўйнади.

Йирик жамоат арбоби, жасур инқилобчи, фаол маориф ходими Саидризо Ализода 1937 йилга қадар Самарқандда яшади. 1945 йилнинг 29 декабрида Владимир шаҳрида вафот этди. Унинг ҳаёти ва фаолиятига оид изланишлар ҳали давом этади.

**М. М. МУРСАЛОВ,**  
**Озарбайжон Фанлар Академияси**  
**Низомий номидаги адабиёт институтининг**  
**катта илмий ходими**

Қуйида Саидризо Ализоданинг ҳажвий шеърини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

### Бой ва муллолар тилидан

Оё дўстлар, охир замон эмасми?  
Энди дунё бизга зиндон эмасми?  
«Муштум» оғо, «Машраб» деган балолар  
Чикди бирдан бизга ёмон эмасми?

Биз муллолар, биз бойларни уродир,  
Танқид айлаб ҳар томонга суродир,  
Эски одат, хурофотни сўкодур,  
Ҳар на қилсак мухбирлари кўродур,  
Иккаласи бизга илон эмасми?  
Пичинглари ари, чаён эмасми?

Кайфу сафо қилар эдик илгари,  
Тўйлар бериб чопар эдик кўпкари,  
Янги тўнлик, «Қани, тақсир, юқори»,  
Йўқсилларга айтар эдик «Тур нари!»,  
Бундай даврон бизга зиён эмасми?  
Дард устига булар чипқон эмасми?


Олим бўлиб кимни йўлдан урмадик,  
Қай тўғрини эгри айлаб юрмадик,  
Табассумни доим кўлдан кўймадик,  
Ким қолдиким унинг кўзин ўймадик,  
Шунинг учун бизларга шаён эмасми,  
Макру найранг бизга арзон эмасми?

Бирга бўлиб фақирларни эзгон эдик,  
Эшак қилиб йўқсилларни мингон эдик,  
Биздан ҳеч бир панду фириб қолғони йўқ,  
Шайтон биздан дарси ибрат олғони йўқ,  
Камбағаллар муҳтожи нон эмасми,  
Қайнаб турғон бизнинг қозон эмасми?

«Машраб»:  
Хоин бойлар, фалак урди сизларни,  
Сиз олдингиз уч-тўрт хотин-қизларни,  
Босмадингиз сира тўғри изларни,  
Афёлингиз қилди бало бизларни,  
Ниятингиз бошдан вайрон эмасми?

Айта беринг «Машраб» сўзи бўҳтондир.  
Хабарлари ҳавойидур, ёлғондур,  
Балки ўзи имонсиздур, нодондур,  
Нодонларнинг охир ҳоли ёмондур,  
Шул гап ўзи худди ҳазён эмасми,  
Машраб сизга азроил жон эмасми?

**БАҲЛУЛ (Саидризо Ализода).**  
**«Машраб» журналининг 1924 йил, 24 декабрда**  
**чиққан, 13-сонидан)**



## «ЧЕЧАК ТЕР БОҚҚА КИРСАНГ...»

«Уч булбул гулшани», Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1987.

Ўзбек адабиётининг Навоийгача бўлган даври нисбатан бизда кам ўрганилган. Агар XI—XIV асрлар адабиёти ҳақида гап борадиган бўлса, дастлаб шу адабий ёдгорликларнинг нашри хотирга келади. Ҳозирги китобхонимиз энг қадимги даврларга оид ёзма адабиёт дурдоналаридан «Қутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ»ни ўқиганларига ўн беш йил, Рабғузий, Дурбек, Сайфи Саройи, Қутб, Атоий, Саккокий ва бошқа адиблар асарларини ўқиганларига йигирма ва undan ҳам кўпроқ йил ўтди. Шу маънода Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида «Ўзбек адабиёти бўстони» сериясининг ташкил этилиши таҳсинга сазовор. Бу кўпсонли классик меросимиз ихлосмандлари орзуларининг чинакам ушалиши бўлди.

Шу серияда чоп этилган «Уч булбул гулшани» китобига Дурбек гулистонида ўсган рангин майсалар, Сайфи Саройининг ўз асарлари ҳамда Саъдий Шерозий боғидан жамлаган гулдасталари, шунингдек, Қутбнинг таржима чечаклари киритилган.

«Уч булбул гулшани», ҳеч шубҳасиз, ҳозирги ўқувчилар учун ардоқли китоб бўлиб қолади. Ундаги маънавий хазинадан классик меросимизнинг минглаб ихлосмандлари баҳраманд бўлади. Бу — табиий.

Аммо уч булбул гулшани оралаб сайр чоғида баъзи гулсиз тиканлар, ғунчасиз буталарга, қанчалик ғайритабиий бўлиб туюлмасин, аҳён-аҳёнда бўлса-да, сунъий гулларга дуч келамиз, гоҳо пайҳон қилинган майсаларни кузатишга тўғри келади.

Энг аввало, китобда ҳарфий хатоларнинг мавжудлиги ҳақида. Буни кўпчилик «техник хатолар» деб баҳолашади. Лекин «техник хатолар»нинг ҳам имкони борича бўлмагани маъқул. «Шамсу қамар»ни «шаму қамар» (12-бет), «Юсуф»ни «Осиф», «Йиғи»ни «Йити» (18-бет) «кўс»ни «қўс», «пари»ни «рари» (327-бет), «бузулди»ни «бўзулди» (346-бет), «парвонатеҒ»ни «парвонтеҒ» (504-бет) тарзида ёзилиши шулар жумласидан.

Қадимги қўлёзмаларни нашр этиш билан боғлиқ муаммолар кўп. Эски алифбо «инжиқликларидан» беҳабар одамгина қўлёзмаларни нашрга тайёрлаш — бу араб алифбесидан ҳозирги алифбемизга транслитерация қилишдангина иборат деб тушуниши мумкин. Аслида мана шу жараённинг ўзи ҳам мутахассисдан атрофлича билимдонликни, унинг кенг мушоҳада эгаси ва классик мероснинг нозик тадқиқотчиси бўлишни, айни пайтда бадий тил нозикликларини теран даражада илғай олишликни тақазо этади.

**Борчасининг бўю бошин қил тўқуз,  
Борча эрур тўққонинг, э сўзга ўз —**

байтидаги охирги сўз кўзда тутилган маънонинг тўла очилишига монелик қилади. «Ўз» ҳаракатнинг сифатини англатиб (бу ерда ўзлик олмошининг қўллаб бўлмаслиги кўриниб турибди) «моҳир», «санъаткор» маъноларини бермоғи ва «уз» тарзида ёзилмоғи керак эди. «Ўз» қадимда ҳунармандларга нисбатан қўлланган. Унинг «моҳир», «ўз ишининг устаси» деган маъноси ҳам шу билан алоқадор. Бу ерда маъно бузилган ҳамда мазкур хато бошқа (509) саҳифада ҳам такрорланган. Яна бир мисолга диққат қилайлик:

**Номани ўғлонлари таъзим илон,  
Олдилару тебрдилар бийми илон.**

Вазндаги ритм бузилганидан, оддий китобхоннинг ҳам кейинги мисрани ўқишда тили тутилади. Классик поэзиямизда сўз қадри ниҳоятда баланд тутилгани яхши маълум. Айниқса, шеърятдаги ҳар бир сўз ўз ўрни билан ҳам, салмоғи билан ҳам ажралиб туради. Байтнинг шу ҳолатида **илон**: **илон** (ҳозирги тилимиздаги **билан** кўмакчиси ўрнида) радиф вазифасида келиб, қофия **таъзим** ва **бийм** сўзларидир. «Бийм»нинг келтирилган мисолдаги шакли уни «бийми илон» деб ўқишга ва унинг «илон ваҳимаси» (?) тарзида тасаввур этишга олиб келади. Ваҳоланки, байтдан «Яъқубнинг ўғиллари хатни таъзим билан олиб, ваҳима ва таҳликада жунбушга келдилар» маъноси кўзда тутилган эди.

Бу ерда биринчи мисрадан кейин келтирилган тиниш белгисига ҳам диққатни тортмоқчимиз. Умуман, қадимги манбалар нашрида тиниш белгиларига алоҳида эътибор бериш керакка ўхшайди, чунки, кўпинча классик шеърый асарларда, хусусан, маснавийда, ҳар бир мисрани тугалланган фикр сифатида қараш мавжуд. Ваҳоланки, байтнинг композицион-семантик муносабатларига кўра турли-туман кўринишлари мавжудлиги классик поэтика мутахассислари томонидан ҳам, ҳозирги замон адабиётшунослари томонидан ҳам қайд этилган. Бу хил мисолларни китобнинг кўплаб саҳифаларида кузатиш мумкин.

Вазн бузилиши билан боғлиқ хатолар ҳам китобда анчагина:

**Кўзин очиб деди: «Аё Юсуфум,  
Жони азиз сену кўрар кўзум (126-бет).**

Ёки:

**Қони ул ой бирла кун қота хуш,  
Азоқ элда юрутуб, юрутуб қилғоним нуш.**

Биринчи мисолнинг кейинги мисрасини ўқиган ўқувчи вазндаги сакталикини осонлик билан пайқайди. Маълумки, «Юсуф ва Зулайҳо» арузнинг сариъ баҳрида ёзилган. Бу вазн рукнлари икки узун бўғин орасига жойлашган қисқа бўғинлар такроридан ташкил топади. Унинг қулоқ оҳанги муфтаилун, муфтаилун, фоилун тарзида эшитилади ҳамда схемада — у у — у у — у — тарзида кўрсатилади. Шунга кўра кейинги мисрадаги «азиз» сўзига тегишли шахсдаги эгалик кўшимчаси кўшилса вазн мукамалликка эга бўлади:

**Жони азизим сену кўрар кўзум.**

Кейинги мисолда эса вазндаги бузилиш «юрутуб» сўзининг ортиқча такрори натижасида юзага келган. Улардан бирининг қисқартирилиши вазндаги қусурга барҳам беради. Вазн билан боғлиқ нотугалликларнинг яна бир қисми изофали сўз бирикмалари билан боғланади:

**Дарифоқим, анингтег ёр хуш ху,  
Ўлуб, қўзти ажунлуғларка қазғу (498-бет)**

Бу ерда «ёри хуш хў» тикланса, вазндаги норасолик ҳам барҳам топади.

**Ғофил эдук борча базавқу тараб,  
Ебтур они гург саги беадаб, — (19-бет)**

Мисолида ҳам «гурги саги беадаб»даги изофа белгиси туширилган. **Тори пуд, қахти сол, рўйи роҳ, саҳли бало, маликан аср, пири комил, Шовури сарвар, субҳи хуш дам, Ширини Чин...** каби изофали бирикмаларда ҳам шу ҳол рўй берган. Улардаги изофа белгисининг тушириб қолдирилгани вазннинг бузилишига олиб келган.

Изофасиз бирикмалар аксинча — изофали тарзда ҳам учрайди:

**Пушаймон қилди шоҳ ўз қилмишиндин,  
Анингтег ошиқи озор ўлмишиндин (503-бет)**

Бу ерда «ошиқ» ва «озор» сўзлари изофали бирикма сифатида келаётгани йўқ. Аксинча, «дилозор» сўзи сингари «ошиқозор» қўшма сўзни ташкил этяпти. Шоҳ (Хусрав) ошиқ, бунинг устига, зорликдаги ошиқ бўлаётгани йўқ (бу мантиққа ҳам сиғмайди), балки ошиққа (Фарҳодга) озор берувчи эканлигидан пушаймон қилмоқда.

Вазнга боғлиқ бузулишларнинг бошқа туркуми сўзларга ортиқча ҳарфларнинг киритилиши натижасида юз берган:

**Олди-ю кўзина суритти ўзи,  
Бўлди ҳам ул ҳолда бийно кўзи.**

«Суритти» «суртти» тарзида ўқилса кифоя — вазннинг тўғри ҳолати тикланади. Бу хил камчиликлар орасида жиддий текстологик тадқиқ этишни талаб қиладиганлари ҳам учрайди:

**Зарифлуқ ичра комил эрди зоти,  
Бу йўлдун ўтру Хисрав Парвиз бўлди оти (342-бет)**

Мисолимизда Хусрав ёки Парвиз номларидан бири вазнга «сиғмайди». Аммо уларнинг қай бири ортиқча?

«Парвиз» «насл насабли, насл-насаби асл, тоза» деган маъно беради. Шунга кўра, назаримизда, у мантиққа кўпроқ тўғри келади. Демак, байтнинг асл ҳолати шундай экан:

**Зарифлуқ ичра комил эрди зоти,  
Бу йўлдун ўтру Парвиз бўлди оти.**

Нашрдаги айрим ҳарфий хатолар мисра ё байтнинггина эмас, шоир мақсадининг ҳам умумий мазмунига соя солади. Эътибор беринг:

**Не кўрклуғ қиз кам ул эллар аро бор,  
Қамуғ Ширин табўғинда бўлурлар (354-бет)**

Байтдан гўё Ширин мамлакатаида кўркли (гўзал) қизлар кам, деган маъно англашилади. Ваҳоланки, кейинги мисралар бунга мантиқан тамомила қарама-қаршидир.

**Мухолиф йўқ, қамуғи рост бирга,  
Тузарлар чанг янглиғ йирга-йирга.  
Хиромлаб текма бири чун хумойтег,  
Ғалат айдим, юрурлар тўлун ойтег...**

Нега шунақа? Бунинг сабаби юқоридаги байтда «ким»нинг «кам» шаклида ёзилганидир. У ўз ўрнига қўйилса, байтнинг ҳақиқий маъноси «юз очади»:

**Не кўрклуг қиз ким ул эллар аро бор,  
Каммуғ ширин табуғинда бўлурлар.**

Яъни «Уша элларда қандай кўркли (гўзал) қиз бўлса, уларнинг барчаси Ширин хизматида бўладилар». Яна ҳам ойдинлаштирадиган бўлсак, Шириннинг кўрки (гўзаллиги) шу даражада баландки, мамлакатнинг ҳар қандай соҳибжамоллари ҳам унга хизматда бўлишдан миннатдордир. Ахир Шириннинг номигина эмас «юзи ширин, сўзи ширин, ўзи ҳам».

«Иг» (касаллик)нинг «эк», «ўтачи» (табиб)нинг «ўтаги» тарзида берилиши, назаримизда сўзларнинг қадимийлиги ҳамда улар маъносининг ноширларга мавҳумлигидан бўлса керак. Акс ҳолда улар иштирокидаги мисралар қуйидагича берилмас эди:

**Тилаюр эрсанг ўз экинга дармон,  
Утакиндан яшурма экинг, эй жон (367-бет)**

«Инч» (тинч, осойишта, хотиржам)нинг «инг» тарзида, «фараҳ» (хурсанд бўлмоқ, хурсандлик, шодлик) ўрнига «фарх» ёзилиши корректор ва муҳаррирлар «хизмати» бўлса керак.

Аммо шу хилдаги «хизмат» ўқувчини анча қийин аҳволга соладиган ўринлар кам эмас. Уларнинг яна биттасини эслатиш ўринли кўринади:

**Дегулдир тун билан бу порсолик,  
Тиласанг зуҳду тақво нафс эвин йиқ!**

Порсолик (покизалик, поклик, яхши хулқ-атворлилик) тун (қоронғилик) билан эмасдир, покликни ҳамда бемаъни ишлардан тийилишни истасанг, нафсинг уйини йиқит (яъни бузгин).

Кишининг ахлоқий-маънавий хусусияти билан туннинг қанчалик алоқаси бор?! Зеро, Сайфи Саройи айтмоқчи бўлган гап, яъни кишининг ташқи кўриниши ёхуд кийими унинг ички оламига белги бўлолмайди деган фикр биргина «ў»нинг «у» бўлиши билан йўққа чиққан. Агар «тун» (қоронғилик) ўрнига «тўн» (кийим) қўйилса, шоир назарда тутган маъно ярқ этиб кўзга ташланади.

Битта ҳарф хатоси мазмуни қанчалик қоронғилаштириши, уни йўққа чиқариши қуйидаги байт мисолида янада очироқ кўринади:

**Агар юлунгда ман жон берсам, эй ёр,  
Не бушғайсан керакким бўлсанган ёр (574-бет)**

«Юл» қадимги туркий ва эски ўзбек тилларида «булоқ», «чашма»ни билдиради. Бундан биринчи мисра «агар мен чашма(булоқ)ингда жон берсам...» деган маънони англададики, бу маънонинг мантқ торозисидаги салмоғи ҳечдир. «Юл» эски араб алифбосида «ё», «вов», «лом» ҳарфлари орқали битилади. Лекин шу бирикмани «йўл» деб ҳам ўқиш мумкин ва шундай қилиш лозим эди. «Йўлида жон бермоқ» иборасига изоҳнинг ҳожати йўқ.

Қадимги туркий тил арсеналидаги луғат маъноларини яхши ўзлаштирмаслик «ботир арслон»ни «кўр арслон»га айлантирган:

**Вале кўрқарман андин сен соқинғил,  
Кўр арслонтег юраклик эрусан, бил (372-бет)**

Бу ерда «кўр» сўзининг «кўр» деб берилиши шунга олиб келган. Энди бошқа бир мисолни кузатайлик:

**Бўзин толин фиरोқ чавгон қилди,  
Куни ўқтег, бўзи ётег эгилди (383-бет)**

Байтнинг кейинги мисраси, назаримизда, «куни ўққа ўхшаб, бўйи ёйга ўхшаб эгилди» тарзида тасаввур қилинган. Акс ҳолда у «кўни ўқтег бўзи ётег эгилди» тарзида ёзилмоғи керак эди. «Кўни» эски ўзбек тилида «тўғри», «адл», «рост» деган маъноларни англадади.

375-бетда «йиғладилар қабуғқа халқу олам» мисрасини ўқиймиз. «Қабуғ» — «сарой» дегани. Саройга йиғлаш эмас, йиғилиш мумкин, шунга кўра бу сўз «йиғилдилар» шаклида тўғри бўлади.

«Утурмиш бир таматтуғ ичра ўшул ҳур» мисрасининг маъноси ҳам қоронғи. У вазн жиҳатдан ҳам мукамал эмас. Агар «ҳур»нинг «манзили»га эътибор берсак, унинг жаннат ичида «жойлашмоғи» эсга келади. Жаннатнинг ёдгорликдаги шакли «тамуғ»дир. Шу билан вазн ҳам соланади.

Классик поэтикада **ракокат** деган санъат мавжуд. «Ракокат»нинг луғавий маъноси «дудқланмоқ»дир. Бу санъатнинг моҳияти шундан иборатки, шоир вазн эҳтиёжи туфайли айрим сўзлар талаффузининг адабий нормадан чекинувчи вариантларини истифода этади. «Эшитиб»нинг «эштиб», «қилинур»нинг «қилнур», «пушаймон»нинг «пушмон» шаклида ишлатилгани шу сабабдан, матнда эса улар тулиқ ҳолда ёзилган:

**Ов овларда ун эштиб ўтру боқти  
Кўрарким ногаҳон бир тўз чиқти (403-бет)**

**Х,Х,Ж,Ч** ундошлари араб алифбосида график жиҳатдан нуқталарга кўрагина фарқланади. Тегишли сўзга уларнинг қай бири алоқадорлиги кўпинча контекст мазмунидан англашилади. Худди шу туфайли «жом»нинг «хом» бўлиб қолгани кўзга ташланади.



**Гаҳи ул кумуш хомтег оқ сақанин  
Тутуб ўпмак чечак янглиғ янғақин**

«Ё» ҳарфи турли ҳарфий бирикмаларда турлича ўқилиши мумкин. Аммо умумий матн тақазо этадиган маъно биринчи планда турмоғи шарт. Агар шунга эътибор берилганда «эр» «айир» бўлиб қолмасди:

**Айитти: шарт қилдим, қаз ани сан,  
Бу шартимдин қайитсам айир эрмазман (487-бет)**

Қуйидаги мисолда бирданига учта хато мавжуд:

**Чароғтег ул, яна сан субҳ хуш дам,  
Тонг отса, ўтмаки екрак чароғ ҳам.**

«Субҳ» изофа таркибида бўлганидан у «и»ни қабул қилди, бу билан ритмдаги узилиш ўрнига келади. Чироқ эса ўтмайди, унга ўчиш ҳаракати хос. «Екрак» эса «еграк» тарзида ёзилса тўғри бўларди. «Ег» қадимги туркий тилда яхши, дуруст, сара маъноларига эга.  
«Гулистон бит-туркий»даги мана бу байт ҳам ўқувчини қийин аҳволга қўйган:

**Биликли фориссан ул арслон юрак,  
Ким бу кун уштар сенга меҳтар керак.**

Билик — билим, форис — от (ҳайвон маъносида), меҳтар — саис, отбоқар, «уштар» классик адабиётимизда «уштур» ёки «штур» шаклида кўзга ташланади. У туя демакдир. «Аммо мазкур байтга «туя» маъноли сўзни тиқиштириш мутлақо ортиқчадир. Кейинги қисм эса «тар» эмас, «тер» бўлиши лозим, «тер» — деяр, яъни «демоқ»нинг ўша даврдаги шаклидир. Демак, байтнинг мазмуни:

«Сен билимли суворий ҳамда арслон юраклисан, бугун сенинг билимдан иборат отингни парваришловчи муносиб сайис (билимдон одам) керак, дейишади». Ҳамда у қуйидагича ёзилмоғи керак эди:

**Биликlig фориссан — ул арслон юрак,  
Ким бу кун-уш, тер, сенга меҳтар керак.**

Умуман, ишда ношир ва муҳаррирларнинг ўткир нигоҳлари тушмай қолган ҳолатлар кам эмас. «Уч булбул гулшани» таркибидаги Сайфи Саройига тегишли қисмгина олдинги нашрдан бир мунча тузатилган, холос. «Юсуф ва Зулайҳо»да эса олдинги хатолар қайтарилгангина эмас, уларнинг ёнига яна янгилари ҳам қўшилган.

Қутб «чечак тер боққа кирсанг, термагил хор», деб таъкидлаб ўтган бўлса-да, биз бу гулшанда анвойи гуллар соясида биқиниб турган айрим «хор»ларни — тиканларни ҳам теришга мажбур бўлдик. Бунга бошқаларнинг қўлига, хусусан, нозик ва содда китобхон кўнглига бундай тиканлар кирмасин деган истак ундаб турди. Шу муносабат билан нашриётларимиз шаънига ҳам икки оғиз гап айтмоқчимиз. Улар нима учундир бадий асарлар нашри масаласида тилшуносларимизни четлаб ўтишади. Айниқса, қадимги манбалар нашри борасида тил тарихи мутахассислари хизматидан баҳраманд бўлиш нашриёт учунгина эмас, кўпсонли маданиятимиз ихлосмандлари ва шу маданият ворислари учун ҳам манфаатлидир.

Ниҳоят, китобнинг тиражи ҳақида. Ун саккиз миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган республикаимиз учун классик адабиётимиз ёдгорликларининг ўн минг нусхада чоп этилиши уларга бўлган талаб ва эҳтиёжни жуда оз даражадагина қондира олади. «Ўзбек адабиёти бўстони»нинг кейинги жилдларида бу мулоҳазалар эътиборга олинади деб умид қиламиз.

**Боқижон ТУХЛИЕВ,**  
филология фанлари кандидати



## ТАФАККУР ТАСВИРИ

Муҳаммад Солиҳ. Олис табассум сояси. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент—1986.

Ранглар нарсаларга қўшилган жойдан шеърят бошланади. Аммо ранглар ва нарсалар қўшилмаси ҳали ўлик суратлардир, холос. Уларга жон ато этувчи буюк қудрат бор. Бу — ҳаракатдир. Ҳаракат фақат ҳолатлардагина ўзининг аниқ ифодасини топади.

Ҳолат — ҳаракатдаги нарсаларнинг оний лаҳзаларда суратланишидир. У ҳамиша буюк ҳаракатга тобе. Ҳаракатнинг аниқ чек-чегараси бўлмагани каби ҳолатнинг ҳам аниқ чек-чегараси йўқ. Ҳар қандай улкан ҳаракатнинг бирон томонини белгиловчи кичик ҳаракат ўша улкан ҳаракат учун ҳолатдир. Ранглар нарсаларнинг ўзига тус берса, ҳолатлар уларнинг ҳаракатига шакл ва тус беради. Нарса ва рангга ҳаракат, ҳолат боғланиб келгандагина аниқ манзара намоён бўлади.

Шеърят ранглар, ҳаракатлар ва ҳолатларни турли позициялардан туриб акс эттириши, уларга мантиқ бериши, руҳий иқлимлар учун янги — Бешинчи фасл ахтариши, Шаффоф уй — кўкрак қафасида Валфажр ўқиётган юрак дардларини айтишга имкон қидириши, Қудуқдаги ой акси янглиғ ёдда муҳрланиб қолган Олис табассум соясидан ёруғ, хотиралар излаши билан гўзалдир. Бугунги ўзбек ёшлар шеърятининг истеъдодли вакиллари ижодини синчиклаб кузатган киши мазкур хусусиятлар улар ижодида чуқур ишланаётганлигига амин бўлади.

Муҳаммад Солиҳ шеърларида интеллектуал савия, фикрнинг ифода маданияти юксакдир. У ўқувчини шеърга тайёрламайди, аксинча, тайёр шеърхонни шеърятга олиб киради. Шоир улкан ҳаракатдаги оний ҳолатларни турли томондан — руҳий, фалсафий ва эстетик нуқтаи назардан туриб ифодалайди. Қисқача қилиб айтганда, унинг шеърлари — ҳолатларнинг гўзал мушоҳадасидир. Мана зоҳиран жўн бир мисра:

### Турнадай қайтмоқда лабга табассум.

Икки сабаб мисрани юксакликка кўтарган. Биринчидан, табассумга майл этаётган лаблар шамойили қанот қоқиб келаётган турналарга ўхшайди. Бу ўхшатишда турнанинг хизмати шу билан тугамайди. У мисрада баҳор муждаси сифатидаги рамзий маъноси билан ҳам иштирок этади. Ана шу иккинчи сабаб ҳолат яратади. Табиатнинг азалий ҳодисотлари орқали инсон руҳиятидаги ўзгаришлар ёритиб берилади. Агар биз «турна»нинг ўзидан яширинган «мужда» рамзини эътиборга олсак, ажойиб таносиб, яъни «турна лаблар, турна қанотидай табассум» деган оддий метафоралардан ташқари «лаблар мужда», «табассум — мужда» деган тушунчалар ҳам қалқиб чиқадики, энди улар инсон ҳолатидан хабар берувчи, руҳий ўзгаришлардан пайғом келтирувчи ҳаракат ифодасига айланади.

«Гўзал шеър», «ажойиб шеър» деган ҳукмлар шеърга бериладиган ғоят юзаки баҳоладир. Ҳақиқий гўзал шеърларнинг юки ҳамиша оғир бўлади. Поезднинг юки қанчалик оғир ва шиддати катта бўлса, унинг тўхташ масофаси шунча узоқ бўлади. Юки оғир шеърлар ҳам маълум маънода ана шунга ўхшайди. Бундай шеърларнинг моддий рўёби — сўз ва фикрлар тугагандан кейин ҳам уларнинг мантиқ инерцияси инсон руҳи ва тафаккурида ҳаракатдан тўхтамайди; янги йўллар очади, янги фасллар кашф этади.

«Сўнги автопортрет»да шоир табиий ва маҳзун манзарани тасвирлайди: тупроққа айланган лирик қаҳрамоннинг қабри ёнида «Қомати — бир новда. Сочлари — байроқ» қиз пайдо бўлади ва қабр пойига тиз чўқади.

### Сўзлагим келади — сўзларим тупроқ. Тупроқ сўзланмайди. У — тушунилар.

Шоир интиҳо фикрини айтди. Икки мисрада тўрт фикрни ифодалади. Лекин бу фикрнинг интиҳоси эмас. Лирик қаҳрамон тупроққа айланди — юрт, Ватан тупроғига қўшилиб кетди. Энди бу тупроқ ҳақида беҳуда дам уриб бўлмайди, уни англаш, тушуниш мумкин. М. Солиҳнинг ўзи бир ўринда: «Ватан — шоир учун мутлақо шахсий, ички тушунчадир. Менимча, ўқувчини ҳаяжонга соладиган ҳар қандай яхши шеър — Ватан ҳақидаги шеър бўлиб қолаверади», — деган эди. «Сўнги автопортрет» «ўқувчини ҳаяжонга солиши» билангина эмас, мавзу эътибори билан том маънода Ватан ҳақидаги шеърдир. Бунда фикрнинг ифодаси ҳам оригинал. «Тупроқ сўзланмайди. У — тушунилар», — дея тилнинг мажҳул шаклларида гапирди шоир. Лекин ана шу усул фикрни равшанлантиради, ғоявий умумлаштиради. Энди бу лирик қаҳрамоннинг сўнги портрети эмас, ундан анча кенг, шоир севгисининг, умидларининг, эътиқодининг, умри мазмунининг манзари эканлигига имонингиз комил бўлади. Агар ана шу умрбоқий тушунчалар шоирнинг «мутлақо шахсий, ички» оламидан акс-садо бўлиб қайтмаганда:

**Фақат нафасимдан жим тўлғонади  
Устида энгашган хушбўй бир байроқ, —**

деган умидбахш мисраларни ёзмасди у.

М. Солиҳ тил имкониятларидан, Рауф Парфи закийлик билан илғаб таъкидлаганидек, «ҳар бир сўзнинг этимологияси, ранги, таъми ва албатта, тушунча салмоғи»дан моҳирона фойдаланади. Айниқса, фразеологик бирикмалар билан эркин сўз бирикмалари ўртасидаги фарқ, фразеологик ибораларнинг яхлит маъносига ва унинг ҳар бир унсурига юкланиши мумкин бўлган энг залворли маънони ифодалашга интилиш М. Солиҳнинг кўпгина шеърларига хосдир. «Мен сендан хат эмас, хавотир олдим», — деб ёзади шоир (Бу мисра тўпламда «Сендан мактуб эмас, хавотир олдим», — дея муваффақиятсиз таҳрир қилинган). Ушбу ўринда «олмоқ» ҳаракатига икки компонент боғланиб келган: «хат олмоқ» ва «хавотир олмоқ». Булардан бири эркин сўз бирикмаси бўлиб, иккинчиси фразеологик бирикмадир. Шоир бунда ҳаракатни — «олмоқ» феълни умумлаштиради. Энди бу бирикмалар англатадиган маъноларга эътибор беринг. «Хат олмоқ»да кишилар ўртасидаги ўзаро муносабат мавжуд. «Хавотир олмоқ»да эса лирик қаҳрамоннинг руҳида рўй бераётган кечинма, ҳолат ифодаланаяпти. Буни жўнлаштириб ёзасак: «Сендан хат олмаганлигим сабабли хавотир олдим», — деган фикр зуҳр этади. Шоирнинг муваффақияти шундаки, у эркин сўз бирикмасидаги ҳаракатни англатувчи компонент билан фразеологик бирикмадаги ҳаракат англатувчи компонентни, ва демакки, шу ўринда инсоний муносабат билан лирик қаҳрамоннинг руҳиятида рўй берган кечинмани умумлаштиради. Лаконизмнинг бундай турли-туман ифодалари ҳақида М. Солиҳ шеърлари мисолида узоқ гапириш мумкин. Яхшиси, шу маънодаги мисоллардан яна бирига мурожаат қилайлик:

**Ўртаган дард энди ўртамас  
Фақат истак билмайди тўзим.  
Лекин йўлда кўзинг тўрт эмас,  
Яна икки, иккидир кўзинг.**

Шоир яна фразеологияга «қарши чиқаяпти» — «Лекин йўлда кўзинг тўрт эмас, яна икки, иккидир кўзинг», — деяпти. Бу ерда баён ва изоҳлар йўқ, ўтган севгининг, кечинманинг оқибати бор, холос. Бироқ бу икки ишорада севги тарихининг интиҳоси шу қадар гўзал ва оригинал ифодаланганки, шеъринг диди шаклланган ўқувчи муҳаббат фожиасини, «мен» ва «сен» ўртасида бўлиб ўтган муносабатларнинг маҳзун якуини, «ўртаган дард» интиҳосини ҳис этади.

М. Солиҳ шеърларини ўқиб туриб, тилда «ночор сўз», «муваффақиятсиз» ибора йўқлигига амин бўлади киши. Тилимизда «воқеа содир бўлиши» деган, гўё қотиб қолган ибора бор. Лекин шоир уни фожа рами маъносига қўллайдики, ногоҳ бу иборанинг чеҳраси чарақлаб кетади. Ўғлининг олисда оғир ётганлигини эшитган лирик қаҳрамон зудлик билан етиб бормоқчи. Мана, у машина тўхтатиш учун қўл кўтараяпти:

**Яна, яна қўл кўтарилар,  
Ҳеч ким, ҳеч ким қарамас қиё.  
Тилим менсиз кўкка ялинар:  
«Содир бўлмай тургин, воқеа!..»**

Лирик қаҳрамон ҳаприқиб, қисқа-қисқа нафас олиб (эътибор беринг: «Яна, яна... ҳеч ким, ҳеч ким...») қўл кўтараяпти. Унинг ҳар бир аъзоси ғайри ихтиёрий бир шадд билан ҳаракат қияпти; бинобарин, бутун вужуди ва онгида ягона истак: «Содир бўлмай тургин, воқеа!..» Ана шу мисра унинг бутун илтижо мударосини ўзида жам этган. Бу — шеърятда баёнчиликдан қочишнинг, ихчам бадий такмилга эришишнинг ифодасидир.

М. Солиҳда шарқ классик адабиёти анъаналарини янги тажрибаларда талқин этишга мойиллик ҳам сезилади. Бир қарашда бу фикр ҳақиқатдан узоқ бўлиб туюлади. Лекин бизни шеъринг шакл алдаши мумкин. Зеро, М. Солиҳ шаклда ҳам шарқ классик адабиётига эргашганида мутлақо традицион шоир бўлиб қоларди. У шарқ адабиётидаги формани эмас, санъат даражаларини, бадий имкониятларини янги ўлчамларда сынаб кўради. Шоирнинг «Кечиккан баҳор» деган шеъри бор: «Ҳеч ким шеър ёзмайди бугун, Новданинг бўғзида қолди куртаклар. Юраклар кўкракда вазнсиз тугун, Булут кўр қуёшни юрар етаклаб» дея ҳолатга боғлиқ манзара, манзарага мос ҳолат чизади. Ва шоир:

**Шоир — шеър,  
Новда — япроқ  
Турна қанотини ёзмайди нега! —**

дейди. Мисраларнинг ички алоқадорлигига эътибор беринг. Олтита от атиги битта ҳолатга боғланмоқда — «ёзмайди». Аслида бу янгилик эмас, юзлаб отларни битта ҳаракатга боғлаш мумкин. Гап ўша ҳолат билдирувчи сўз шеърда айтилган пайтда уч хил маъноси билан иштирок этаётганлигида. «Шоир шеър битмайди, Новда япроқ очмайди, Турна қанот қоқмайди», — демоқчи шоир. Лекин у бадий такмиллик талабига кўра битта сўзнинг омонимик маъноларидан фойдаланган ҳолда уч мисрадаги ҳолатни ихчам ифодалайди. Бу шарқ классик шеърятдаги туюқ жанрини эсга туширади. Тўғри, туюқда омоним сўзлар қофияларда такрор келади. М. Солиҳ эса бу сўзларнинг миқдорини камайтириб, уларнинг маъно салмоғини сақлаб қолади.

М. Солиҳ ижодида фикрни фақат бадий-услубий жиҳатдангина эмас, балки мантиқан ҳам янгича талқин этишга мойиллик жуда кучли. Маълумки, Абдулла Орипов Ватан мавзусини фақат унинг табиатининг гўзаллиги ва маиший жиҳатларини тараннум этиш йўлидан бормади, Ватан тушунчаси халқ деган тушунча билан чамбарчас боғлиқлигини ифодалаб:

**Ватан, фақат сенинг бойликларинг-чун  
Севган фарзанд бўлса кечирма асло! —**

деб ёзган эди.

Муҳаммад Солиҳ Ватан — халқ — лирик қаҳрамон тушунчаларига ўзига хос ёндашади. У албатта, бу тушунчалардан, А. Орипов бахш этган поэтик юксакликдан чекинмайди. Аксинча, шеърятимизнинг қонуний вориси сифатида у бу тушунчаларни янги босқичга олиб чиқади. Ана шу ўринда М. Солиҳнинг лирик қаҳрамони ўта субъектив, маҳдуд ва биқиқ деган баъзи таъналарга қарама-қарши ўлароқ, актив граждан сифатида майдонга чиқади.

Ватан, халққа бағишланган жуда кўп шеърларда «мен сен учун қурбон бўлишга тайёрман», деган хитобларни ўқиш мумкин. Бу аслида хато фикр эмас, лекин жуда баландпарвоз; ўз садоқатини таъкидлаб кўкракка муштлашга ўхшаб кетади. Тўғри, Ватан ва халқ учун қурбон бўлиш бурч даражасига кўтариладиган фавқуллодда ҳоллар ҳам бўлади, бироқ буни садоқатнинг энг юксак рамзи дея догмага айлантириб қўйиш ва ҳар гал такрорлаш шеърни чучмаллаштиради. М. Солиҳ Ватан, халқ йўлида ёппасига қурбон бўлиш учун эмас, улар учун яшаш, фаол кураш олиб бориш лозим деган фикрни ўртага ташлайди.

У 70-йилларнинг бошларида Чили фожиасини тасвирлаб туриб:

**Ватан учун ҳамма ўлса,  
Ватан учун кимлар яшайди, —**

дея катта тезисни ўртага ташлаган эди. Бугунги кунда у бу фикрни янада чуқурлаштириб:

**Сен мана шу одамлар-чун ўлмоққа тайёр,  
Улар учун яшамоққа тайёр эса — мен.**

Табиатан сокин бу мисраларда аслида катта фидойилик, давомий фаоллик бор. Ва, таъкидлаш лозимки, М. Солиҳ ижодида бундай мисоллар оз эмас.

М. Солиҳнинг табиатга муносабати ҳам ўзига хос. Унинг шеърларида табиатнинг моддий ҳаракати шоирнинг руҳий ҳаракати билан кесишади ва бу кесишувнинг нурли нуқтасида табиатга жон киради, тасвирланаётган манзара, деталлар саҳнада кучли прожекторларнинг рангин шуълалари тушаётган қиёфа каби ёришиб намоён бўлади. Биз анъанавий шеърятдаги оддий ташбиҳларга, жонлантиришларга кўникиб қолганмиз. М. Солиҳ эса тавирланаётган объектнинг алоҳида томонини, битта сифатинигина эмас, балки унинг ўзини тўлалигича жонлантиради, натижада акс эттирилаётган нарса ранг ва сурат, яъни тасвир объектдан ҳаракат объектига айланади:

**Баҳорнинг қўли йўқ,  
Жимжилоғи бор.  
Уша жимжилоғи билан у  
Ширин тегиб қўйди қуёшга —  
Қуёш билмай қолди  
Қулиб юборганин «хо-ҳо»лаб.**

Шоир бундай манзараларда табиий мутаносибликни бузмайди, у нима ҳақида ёзмасин — мудраб ётган тоғларми, Бетховен каби осмоннинг етти пуштини сўкаётган чумоли ҳақидами, ҳамиша табиий мутаносибликка риоа қилади, айни пайтда унинг табиат ҳақидаги шеърларида табиат ўта фаоллашиб кетади, у шеърхон билан бирга нафас ола бошлайди. Шунингдек, шоир бундай шеърларга кўпинча умрнинг мазмуни, ҳаёт ва ўлим, боқийлик ва фонийлик каби фалсафий тушунчаларни сингдириб юборади:

**Мудроқ томошабинлар — тоғларнинг  
Кўзлари олдидан бир лаҳза каби  
Иилт этиб ўтмоқдир менинг вазирам.**

**Яшайман,  
Токи бу табиат  
Менга қараб, сезсин доимо  
Ўзининг нақадар буюклигини.**

Бир пайтлар М. Солиҳ: «Ерлар тоза, осмонлар тоза, Ёмғир ювган чангли майсани. Қуртлар тоза, илонлар тоза, Упиш мумкин ҳамма нарсани», — деб ёзган эди. Табиатга ана шундай катта эъзоз ва муҳаббат билан қарайдиган шоир унга максимал даражада яқинлашишга ҳаракат қилади, тўғрироғи, унинг шеърларида инсон қанчалик табиийлашса, табиат ҳам шунча инсонийлашади, бу икки хилқат уйғунлашиб кетади:

**Сир сақлай олмайди ҳеч ким тош каби,  
ёмғирдек айтолмас ҳеч ким сирини.  
Бирорта эринчоқ нозанин кузги  
шабададай билмас майин эриниб.**

**Барча кечикканлар, майли, бир бўлсин —  
куз каби ёқимли келмас кечикиб,  
қанча жилмайса ҳам ўлимдан олдин,  
ёз каби чиройли ўлолмас ҳеч ким!**

Ҳамма шоирлар ижодида ва шоирлар ижодининг ҳамма даврида бўладиган нотекислик М. Солиҳ ижодига ҳам хосдир. Масалан, унинг мансур шеърлари баъзан каттароқ юк ташимайди. «Барибир севардинг», «Мабодо», «Болалар ва боболар», «Номутаносиблик» каби шеърлари

М. Солиҳ таланти даражасида эмас. Баъзан шоир хулосалаларни бўшаштириб юборади, натижада бадиият бир оз хира тортади. Жумладан, «Машина шовқин соляпман деб ўйламайди» шеъри шундай яқунланади:

**Телефон ҳам ўзининг қўнғирогидан  
Сапчиб кетмайди ўзи.**

**Яхшиям сапчиб кетмайди.  
Бўлмаса у ҳам бир куни ўларди,  
Мозори устида йиғлаб ўтирардик унинг ҳам.**

Кўриниб турибдики, ҳали материал ўзининг поэтик ифодасини топиб улгурмаган. Бироқ бизни қувонтирадиган нарса — бундай шеърларнинг шоир ижодида камлиги ва тобора камайиб бораётганлигидир.

М. Солиҳ ижоди ҳақида анча-мунча баҳслар бўлди ва бу баҳслар давом этмоқда. Ҳарҳолда кўпгина мунаққидлар М. Солиҳ ижодининг услубий ўзига хослигини, шоир ижодидаги лирик қаҳрамон чегараларини анча муфассал кўрсатиб беришди. Муҳими шундаки, унинг шеърларини ҳам, таржималарини ҳам (эсселари ҳақида эса ҳеч гап айтилганича йўқ) таҳлил этган кўпгина мунаққидлар шеъриятга ўзига хос истеъдод кириб келганлигини таъкидлашди.

Янги ой туғилган пайтидаёқ ўзининг шаклланиш тартибини белгилаб олади. Янги ойнинг қиличнинг дамидай манзарига қараб доира шаклида тўлишиб боришини тасаввур этамиз. Шоирнинг қандай шаклланишини, қандай тўлишиб боришини кўрсатадиган ягона далил, энг қатъий ҳукм — унинг шеърларидир. М. Солиҳнинг шеърлари бундай ҳукм чиқариш учун тўла асос беради. Айни пайтда М. Солиҳ шеър техникаси устида, хусусан, қофиялар системаси борасида жиддий меҳнат қиляптики, бу ҳол энди мазкур жиҳатларга юзаки эмас, балки янгича нуқтаи назардан, тилнинг товушшуносликдан то фикрнинг ифода йўсинигача бўлган имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашишни тақозо этади.

**Усмон ҚУЧҚОР**



## КУЮНЧАКЛИК — ЭЗГУЛИК ЕКИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ОРЗУСИ

Республика Кино уйида «Грузияфильм»да суратга олинган «Тавба-тазарру» фильми премьераси яримламай битта-яримта шарпалар зални тарк эта бошлади. Кейинроқ шу фильми «Санъат саройи»да яна кўрдим. Бесабр, бетоқат томошабинлар у ерда кўпроқ эди. Шарпаларга қараб туриб, Кино уйидаги премьераси олдида сўзга чиққан киношуноснинг, «Бу фильми «ХХ аср қароқчилари», «Вонг хонимнинг саргузашти» каби фильмларни кўргандек томоша қилмаслик керак. «Тавба-тазарру» мушоҳада кўзи билан кўриладиган фильмлар сирасига мансубдир» дегани ёдга тушди. «Литературная газета» мухбири фильм ижодкори Тенгиз Абуладзедан зерикувчи томошабинлар учраётгани боисини сўраганда режиссёр, «Менимча, бу, фильмнинг ғайриодатий шакли туфайли бўлса керак. ...Завқу шавқ билан ишлайдиган санъаткор завқу шавқли томошабинга муҳтож бўлади. Завқу шавқли кўтаринки томошабин — миқдор эмас, балки сифат тушунчасидир» деб жавоб берган эди («ЛГ», 1987 йил, 25 февраль).

Сифатли томошабин, сифатли китобхон дейиш, тўғриси эриш туюлади. Лекин юқори савиядаги бадий асар сифатини улуғлаб туриб жонли одамни сифатли-сифатсизга ажратиш унчалик ҳақиқатга хилоф иш эмас.

«Тавба-тазарру» юксак савиядаги жиддий бадий фильм эканлигини, у кейинги йиллар совет санъатидаги энг улкан ҳодисалардан бири эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин нега томошабин зални тарк этапти? Фильми охиригача томоша қилганларнинг аксарияти ҳам «Маъқулми?» деган саволга елка қисиб қўя қоляпти? Наҳотки, фильми мушоҳада кўзи билан томоша қиладиганлар оз бўлса?

«Оз» деб муболага қилаётганим йўқ, негаки, «Тавба-тазарру» кино экранларимизда лоақал битта энгил-елпи ишқий ёки бачкана комедия фильмчалик умр кўрмагани фикримни тасдиқлаб турибди.

Жиддий бадий асар оммабон эмас! Еки кенг омма орасида «қўлма-қўл» бўлган асар жиддий эмас! Мана — гап қаерда!

Экран санъатидан сўз санъатига кўчадиган бўлсак, жаҳон адабиётининг энг сара намуналари ҳам оммабон эмаслигини кўралик. Ф. Достоевский, Ж. Жойс, У. Фолкнер, М. Булгаков, М. Пруст, Ф. Кафка, А. Камю ва ҳоказо адиблар асарлари шу пайтгача оммалашган эмас, лекин улар адабиёт салтанатида қуёшдек чарақлаб тураверади. Кўпчилик қизиқиб ўқийдиган о м м а б о п асарлар эса бу улуғ даҳолар нафасидан бебахра қолиб ўтаверади дунёдан.

Оммани жиддий адабиёт тарбиялайди, оммабон адабиёт эса — алдайди, чалғитади! Шуниси қувонarliки, ҳар қандай адабиётда оммабон ёзувчилар, оммабон асарлар нечоғли кўп бўлма-

син, у ерда жиддий адиблар, жиддий асарлар ҳам топилади.

Дарвоқе, бу гапларнинг «Борса келмас»даги ҳазина» мақоласига қандай дахли бор?

Авалло, «Шарқ юлдузи» шу қабилдаги мақола билан баҳс бошлагани редакциянинг давр талабидеги тадбирларидан бири сифатида таҳсинга лойиқдир. Қолаверса, мақолада баён этилган фикр-мулоҳазалар, редакция изоҳи баҳс ҳикоячилик билан чекланиб қолмаслигини тақозо этапти. Зеро, адабиётда миллийлик ва умминсонийлик, анъанавийлик ва новаторлик, бадий таъсир, бадий асарларнинг оммабонлиги ва қийин ўқилиши сингари муаммолар борки, улар хусусида кенг ва қизгин фикр алмашишга «Шарқ юлдузи» минбар бўлиши аини мудоодир.

Баҳсни бошлаб берган О. Отахонов бугунги ҳикоячиликимиздан қониқмайди. У адабиётимизда «жиддий янгилиш зарурати этилгани»ни, шунга қарамай адибларимиз «анъаналарга кўр-қўрона ёпишиб олгани»ни ва ниҳоят «кичик жанр имкониятларини тўла-тўқисина кўриш пайти етгани»ни кўйиб, жўшиб ёзади.

Инсоният тафаккурининг юксалтирувчи энг буюк куч — қониқмасликдир. Қониқмаслик — куюнчақлик, куюнчақлик эса — эзгулик! Қониқмаслик туғилмай туриб янгилиш шабдаси эсмайди. Адабиётимизнинг ҳозирги аҳволдан қониқмайдиган ва бу ҳис кўнглида шу қадар дардга айланиб матбуот орқали кўпчилик ҳукмига ташлаш даражасига етган бир куюнчақ пайдо бўлган экан — буни қутлашимиз керак. Тўғри, қониқмаслик зардалироқ, аччиқроқ тилда гапиришга олиб келади, аччиқ сўз ҳар кимга мойдек ёқавермаслиги ҳам табиий. Лекин бу ўринда гап кимга яхшию, кимга ёмонлигида эмас, мутлақо! Гап, бундай чиқишлар фақат адабиётимиз манфаатига хизмат қилишида!

Авалдан таъкидлаш керакки, О. Отахоновнинг мулоҳазалари буткул тўғрими-йўқми, бундан қатъий назар, улар кўпчиликда фикр кўзғайди, адибу танқидчиларни, ҳаваскор қаламкашу китобхонларни фикрий фаолликка ундайди. Шунинг ўзи ҳам катта гап!

Келинг, О. Отахоновни талабчанликни ошириб юборганликда айблайлик-да, адабиётимиздан ҳозирги талаблар даражасидаги жиддий бадий ҳодисалар излаб кўрайликчи. Изланишимиз беҳуда кетмайди. Редакция изоҳида тилга олинган О. Отахоновнинг ўзи янгида ёзишга интилетган носирларимиздан. «Ёзнинг ёлғиз ёдгори», «Кудук тепасидаги ой», шунингдек Тоғай Мурод, Аҳмад Аъзамнинг қисса ва ҳикояларидан мунозара кўзғовчи янгилик аломатларини кўриш мумкин. Менимча, Олим ўзи истаётган даражадаги адабий ҳодисаларнинг йўқлигидан эмас, балки **озлигидан** нолиса тўғрироқ бўларди.

Тўғри, ҳақиқий бадий асар фикр кўзғайди,

мунозарага сабаб бўлади, хилма-хил таҳлилларга изн беради. Ҳатто ҳарчанд баҳслар давом этмасин у ҳақдаги мунозара тугамайди. Зотан, бадий асар ҳақидаги тугал фикр эмас, унинг баҳонасида фикрларнинг жунбушга келиши мумкин. Шундай асарлар яратилишини орзу қилаётган О. Отахонов Темур Пўлатовни назардан соқит қилгани ажабланарли. У Хулио Кортасарнинг «Ишғол қилинган уй» ҳикояси мисолида баён этган фикрини Темур Пўлатовнинг ҳикоялари, масалан, «Жалолддиннинг сўнги суҳбатдоши» ҳикояси асосида янада чуқурроқ баён этиши мумкин эди. Еки Тоғай Муроднинг эҳтирослар ва сўз жанрдорлиги асосида қурилган прозаси билан Аҳмад Аъзамнинг интеллектуал прозаси қиёсида ҳам талай қизиқарли, муҳими — янгилик аломатларини топиши мумкин эди.

О. Отахонов эса «кейинги 25 йил ичида яратилган ҳикоялардан қай бири мана шундай кучга эга?.. бундай (А. Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикояси сингари — мақоладаги таъкидлар бизники — Х. Д.) ҳикоянинг ўзи йўқ» деб эҳтирос измига берилади. Аммо унинг Қобил бобо образини талқин қилиши чинакамига янги фикр маҳсули. «Асосий ўғри... Қобил бобо» деган ҳукм нафақат «Ўғри» ҳикоясини, балки Абдулла Қаҳҳор ижодининг ҳали биз англаб улгурмаган фазилатларини очиб юборди. Қобил бобо чиндан ҳам ўз қуллигини англамаган қул. Узининг қулликка мойиллиги туйғули эллиқбоши, пристав ва ҳокимларнинг умрини узайтирган қул. Айтиш керакки, О. Отахоновнинг бу янги талқини зўрма-зўраки эмас, қолаверса у Қобил бобо ҳақидаги аввалги мулоҳазаларни инкор этмайди, аксинча Қобил бобо ва Қаҳҳор ижодига бўлган анъанавий қарашларга янгича нигоҳ қўшади.

Редакция изоҳидаги айрим мулоҳазалар баҳсининг қизғин тус олишига сабаб бўлади. Ундаги «эстон адабиёти, Лотин Америкаси халқлари адабиёти тўплаган тажрибалар — ўзбек адабиётига тўри келармикан? Балки биз янги услуб ва шакллари миллий заминнинг ўзидан излаганимиз маъқулроқдир? ...О. Отахоновнинг... ибратни четдан излаганига қўшилиб бўлмайди» сингари хулосалар мунозарали. Аввало, мисолларни «чет» адабиётлардан келтирганига қарамай Олим мақола сўнгида «бой маданий меросимиздан ялқовлик билан фойдаланмаслигимиз зарур»лигини айтади. Қолаверса, янги услуб ва шакллари четдан изланишнинг нимаси гуноҳ? Олим ҳам Лотин Америкаси ёки эстон адабиётидаги услубни ўзбек воқелигини тасвирлаш қуролига айлантиришга қақираётгани йўқ. У фақат жаҳон адабиётидаги энг янги изланишлардан ижодий фойдаланишга, асарларимиз қахрамонларини янгича кўз билан кўришга, янгича мушоҳада тарзи орқали идрок этишга ундаяпти холос.

«Ибратни четдан излаганига қўшилиб бўлмайди» деган ибора мутлақо ўринсиз. Адабиёт учун, инсон ақл-заковати ва ижодкор изланишлари учун «чет» деган тушунчанинг бўлиши мумкин эмас. Жаҳон адабиёти — яхлит бир жараён! Шунинг учун ҳам Ер юзининг энг нариги минтақасидаги адабий ҳодиса ўша заҳоти бошқа минтақадаги китобхоннинг, масалан, ўзбек китобхонининг қалбларини забт этаверади. «Нега Лотин Америкаси адабиёти бу қадар юксалиб кетди?» деган саволга аргентиналик адиб Хорхе Луис Борхес, «Барча маданиятлар — биз учун анъана. Биз ҳеч нарсадан чўчимаслигимиз керак, биз аргентиналик эканлигимизни унутмаган ҳолда ўзимизни **бутун кoinот меросхўрлари** деб билишимиз ва истаган мавзуга қўл уришимиз лозим» деб жавоб берган эди. О. Отахонов ибратни четдан излаши ҳам ана шундай маърифатга чанқоқлик белгисидир.

«Китобхони йўқ авторлар осон йўлга ўтиб олган» деган гапга қўшилиб бўлмайди. Ҳа, минг афсуски, китобхонларимиз савияси бундайроғи ҳам, савияси ғовлаб кетгани ҳам — фақат ўзи билган, фақат ўзи тушунган воқелик тасвирининг на ҳазм қила олади. Бундан ҳам ачинарлиси шуки, адибларимиз, адабиётшунос олимларимиз китобхонларимизнинг шу тушунча доирасини фавқуллодда кенгайтириш устида ортиқча қайғурмадилар, аксинча ўша тушунчага мослаб қалам тебратдилар. Афсуски, шундай бўлди! Худди шунинг учун ҳам ўз тушунчасидан — уйининг остонасидан нарини кўролмайдиган китобхонимиз «Ака-ука Карамазовлар»ни, «Жиноят ва жазони ўқиса зерикади, «Уста ва Маргарита», «Бой берилган фурсатларни излаб», «Саҳрои бўри», «Эврилиш ва «Процесс» сингари асарларнинг на автори, на қахрамонларини билади. Худди шунинг учун улар «Тавба-тазарру»нинг ярмида кинохонани тарк этиб қинд киноси кўрсатилаётган залларга ошиқмоқда. Худди шунинг учун улар ва адиблар... Абдулла Қодирийнинг улўғ орзусини унутдилар.

«Ўтган кунлар»га ёзилган сўз бошида «Ҳар бир ишнинг ҳам янги — ибтидоий даврида талай камчиликлар билан майдонга чиқиши» деган жумладан сўнг, «аҳллариининг етишмаклари ила секин-секин тузалиб, **такомилага юз тутиши** табиий бир ҳолдир» деганда бўлғуси авлод қалам аҳли омманни фаол мутолаага ўргатадиган асарлар яратишини, китобхонларимиз савияси ғовлаб кетишига йўл қўймаслигини орзу қилган эди Абдулла Қодирий. Толени қарангки, ўшандай юксак орзу ва армонларни очик-ойдин тўкиб соладиган кунлар келди. Энди. орзулар орзулигича қолмайди...

Хуршид ДУСТМУҲАМЕДОВ

## ЯНГИЛИК — АНЪАНАНИНГ ДАВОМИ

Еш ёзувчи Олим Отахоновнинг «Борса келмас»даги ҳазина» мақоласи ва «Шарқ юлдузи» журналининг унга илова этган сўнги сўзида адабий ҳаётиимизнинг долзарб муаммолари ўз ифодасини тоғди. Бундан редакция ходимларининг журнални жонлантириш, демократияни жорий этиш истаги рўёбга чиқяпти, дейиш мумкин. Гап энди демократияни одатга айлантириб, адабиётимизнинг тараққиётига изчил ҳисса қўшаверишда.

Олим Отахонов ҳозирги ҳикоялар бир фикрли — содда, жўн бўлиб қолаётганидан куйнади. Асосий иллат — изланиш йўқлигида, чекланган

ликда, деб кўрсатади. Бироқ изланиш деганда автор асосан тасвир воситаларини назарда тутган. Болтиқбўйи ва Лотин Америкаси адабиётларидан келтирган мисоллари ифода шаклларига оид. Ҳикояларимиз бир фикрли бўлиб қолаётганида тасвир воситаларининг соддалиги, камбағаллиги фақат қисман «айбдор». Шарқда Бедил ижоди мураккаблиги, кўпфикрлилиги билан машхур. Профессор Алибек Рустамовнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ташлаган бир луқмасидан тушунамизки, Навоий ғазалларининг мазмуни ҳозир берилаётган талқинларга қараганда анча чуқурроқ ва бойроқ. Шарқ адабиётининг

символик алифбоси (тимсоллар силсиласи) фикр-ни икки қават қилиб ривожлантиришга имкон берган. Масалан, Жалолиддин Румийнинг «Бўри, Тулки ва Арслоннинг бирга овга борганлари ҳақида»ги маснавийсини ўқиганда, тушунмаган одам жониворлар тасвирланган ёки жониворлар образида турли характерли одамлар кўрсатилган деб кетаверади. Арслон — рух, тулки — ақл, бўри — вужуд эканини билган етук китобхон маснавий ёрдамида инсон табиатининг нозик қирраларини кўради. Гулханий масалларидан Туя, Бўталоқ ва Сарбон, Дурадгор ва Маймун, Фурқатнинг Сайд ва Сайёди, Ҳамзанинг Тошбақа билан Чаёни ва бошқалар ҳам ўзига хос тимсол бўлиб, ўзга маъноларга ҳам эга.

Маълумки, бутун классик поэзия аруз шакларида битилган. Хуллас, кўпфикрлилик фақат шаклгагина боғлиқ эмас. Агар Шарқ поэтик тафаккури эркин шаклларда ижод этганда, ҳаёт ва инсон руҳиятига балки янада, чуқурроқ кирган бўлиши мумкин эди. Ва аини шу чегаралангликнинг ўзи, балким унинг маъно чуқурлигини таъминлагандир.

Бугунги адабий жараёндан келиб чиққанимизда эса, Олим Отахонов жиддий муаммони кўрсатган. Янги поэтик фикр, ғоя, таълимот излаш — ночор аҳволда. Шундай пайтда шаклий изланишлардан ҳам воз кечиб бу — нодонлик. Булоқнинг кўзи қайси тарафдан очилса, ўша ёқдан ўзан кавлайди. Қулай томондан олға интилиш, тараққий этиш — табиатнинг донишмандлигидир. Адабиёт табиатдан донишмандлиқни ҳам ўрганиши керак.

Шаклий изланишларнинг ижод учун муҳимлиги шундаки, булбул фақат уш ёққан боғда ва салқин тонг чоғидагина куйлагани каби, шоир қалби ва тафаккури ҳам фақат дилига мос гўша (шакл)дагина чинаямига парвоз этади. Агар Олим Отахоновга Лотин Америкаси адабиётида кенг қўлланаётган магик реализм йўли ва тасвир воситалари ҳаётни бутун мураккаблиги билан, жозибали очишга илҳомлантирган экан, марҳамат, бундан ўзбек адабиёти ва китобхони фақат ютади. «Модомики биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда шу янги даврнинг ангилликлари кетидан эргашамиз ва шунга дostonчилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухра»лари, «Чор дарвиш»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз». Бу — ўзбек романичилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»га илова этган автор сўзидан олинди. Бугун Болтиқбўйи ва Лотин Америкаси адабиётидаги тасвир воситалари биз учун янги, ғалати туюлаётганидек, роман жанрига бўлган муносабат ҳам бундан 60 йил аввал шундай кечган. Абдулла Қодирий йўли очишига тўғри келган, «Ўтган кунлар» янгилик чун кураш байроғи сифатида намоён бўлган.

Олим Отахоновнинг анъаналар ҳақидаги фикри фақат қисман қўшилиш мумкин: «Бугун анъаналарни суистеъмол қилиш ижодкорни

янги йўллар кашф этишдан чегаралаб қўяди», — деб ёзади у. Бугунги вазиятдан келиб чиққанда, ёзувчи ҳақ; турғунлик даврида анъана ва традициялар саёзлашиб, жўнлашиб, доғмага айланб қолди.

Энди анъанага кенг қарайлик: адабиёт — даврахт бўлса, анъана ва традициялар — унинг новдалари. Ҳар қандай новаторлик у ёки бу традициядан ўсиб чиққан.

Янгилик — анъана умрининг узайишидир. Боланинг мустақиллигидан бағри кенг ота-она қувонади, фақат нодон отагина мен айтгандек қилмадинг деб ўғлини жазолайди.

Олим Отахоновнинг «Ўғри» ҳикоясига берган янги талқинига қўшилиб бўлмайди. Унингча, Абдулла Қаҳҳор асарга «Ўғри» деб ном қўйиб бу билан гўё кўпчиликни ташкил этган элликбоши, аминларни, приставларни эмас, Қобил бобонинг ўзини назарда тутган. Унингча, кўрқоқ чол ўз қалбидан шижоатини ўғирлаган. Бу концепциянинг тагида ҳар бир одам — исёнкор деган қараш ётади: «Бу руҳий абгорлик, ўзини-ўзи танимаслик даражасигача уни жамият зўрлаб келтирганми? Ундай десак, Қобил бобо даврида яшаган, унданда ғариброк одамлар-чи, улар нега охир-оқибат зулм-истибодга қарши қўзғолон кўтаришгача бордилар?»

Олим Отахонов майда одам образи билан яхши танишмас, унинг имкониятларини ошириб баҳо-ляпти. Майда одам ҳали ҳеч қачон ўз-ўзича жамиятга қарши бош кўтариб чиққан эмас. Фақат йўлбошчиларга эргашган. Неча минг йиллик бе-аёв эксплуатация остида у эзилиб, дунёқараш, психикаси майиб бўлиб қолган. Мутелик қонқонига сингган. Майда одам қалбидаги исёнкорлик уруғлари чуқур илдири отиши, нуқул «Хўп» дейиш одатини живовлаб, «Йўқ!» дейишга ҳам ўрганиши учун жамият ҳали анча меҳнат қилиши керак. Майда одам ҳали кўп ҳам ўзгармаганига ёрқин мисол, қўшиб ёзиш даврида аллақанча оддий одамлар худди ўша дадил фикрлашиш йўқлиги туфайли кўр-кўрона эгри йўлга кириб, қамалгани, жиноятчи бўлиб қолганидир.

Абдулла Қаҳҳор рус адабиётидаги майда одамлар образи билан яхши таниш, уларнинг ҳаётдаги аҳволини яхши тасаввур этарди. Шунинг учун ҳам Қобил бобога катта талаб қўя олмасди.

Ундан ташқари, одам ўз қалбидан шижоатни ўғирлаши — 80-йиллар адабиётининг кашфи. Энди шаклланаётган янги ўзбек прозаси 30-йилларда инсон руҳиятига бу қадар чуқур киролмаган. Афсуски, прозамиз инсон табиатидаги бу чуққини ҳалиям забт этолгани йўқ.

Хуллас, «Ўғри» ҳикоясининг Озод Шарафиддинов талқини тўғри ва тугал. Бироқ ойдек равшан асарга ўзгача қарашга интилиш сунъийдек туюлса-да, доғмаларни тафтиш этиш, бир фикрликка барҳам бериш, жамоатчиликни мустақил, ўзгача фикрлашга ундаш истаги ҳурматга лойиқ.

Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ

## ВОҚЕЛИК ЧЕГАРАЛАРИГА ҲУЖУМ

Адабиёт умумбашарий ғояларни кўтариб чиқа олсагина, у чегара билмай, сарҳадлар оша парвоз қилаверади. Шу маънода мен ёзувчи О. Отахоновнинг журналнинг шу йил 4-сонига босилган «Борса келмас»даги хазира» мақоласидаги аргентиналик машҳур ёзувчи Хулио Кортасар ҳикояси

мисолида қандай асарнинг умумбашарий аҳамият касб этиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрига қўшиламан. Демак, Лотин Америкаси ҳикоялари бизга маънавий озиқ бера олар экан, бу аввало уларнинг ютуғидир.

Ҳўш, нега энди бизнинг асарларимиз ҳам шун-



дай ўқишли бўлиши учун курашмаслигимиз керак? Нега биз ҳикояларимизни четда (қардош республикаларда, чет элларда) ўқийётган, ўқимаётганликларини ўйлаб кўрмаймиз?

Менинча, ҳали бизда қониқмаслик туйғуси етишмайди. Мабодо бирор-ярим бу ҳақда гапирса, дарров уни ношукурга йўямиз. Шу ўринда мен А. П. Чеховнинг «Зерикарили воқеа» ҳикояси қахрамонининг гапларини келтиришни истардим: «...янги бадий асарлар ҳақида «аммо»сиз бир нарса дейиш қийин... Мен француз китоблари оқилона, моҳирона ва мардонавор ёзилган демайман. Бироқ улар рус китобларидай зерикарли эмас ва уларда рус ижодкорларида йўқ бўлган ижоднинг бош унсури — шахсий эркинлик ҳиссини топиш қийин эмас...»

Бу рус адабиётининг XIX аср — «олтин даври» ҳақида айтилган «ношукур» фикрдир. Ваҳоланки, бундай демамаслик ҳам мумкин эди. Хўш, нега Чехов қахрамони бунга эҳтиёж сездийкин? Ҳарқалай, «кўрнамаклик» қилмагандир?

Бу қониқмаслик ҳиссидир.

Мен Т. Пўлатовнинг «Билагузук» ҳикоясини ўқиганимда ҳафсалам пир бўлди. Ҳикоя қахрамони Мавсис Саъдига: «Онамнинг олдига бир киши келиб туради. Уйнаши...» деб гапиреди. Бу Ғарб учун оддий ҳол бўлиши мумкин. Лекин бизнинг шароитда қизнинг онаси ҳақида бундай дейиши... кечирасиз-у, менинг ақлимга сиғмайди.

Тўғри, Т. Пўлатов катта, шухрати мамлакатимиздан ташқарига ҳам тарқалган ёзувчи. Бироқ буларнинг соясида унинг воқеликни нотўғри акс эттириши қолиб кетмаслиги керак-ку, ахир!

Т. Пўлатов ижоди билан аксарият ўзбек китобхонлари таниш эмас. Бу, эҳтимол, савияга ҳам боғлиқдир, лекин бу асосий сабаб бўлолмайди. Сабаб, менинча, танқидчиларимизнинг унинг асарлари таҳлилга дадил киришаолмаётганлигидадир. О. Отахонов айтгандай «воқеликни тасаввурга бўйсундириш»ни тушунтириш уларга буй бермаётган кўринади.

Биз модернизм, сюрреализм, авангардизм, ультраизм каби турли хил «...изм»ларнинг номи-

ни ҳам тилга олмасликка ҳаракат қиламиз. Ўз социалистик реализмимизнинг шулардан ижодий ўрганиб, янада ранг-баранглашуви ҳақида ўйлашни гапирмаса ҳам бўлади. Тўғри, ўша «...изм»ларнинг принципларини бизнинг адабиётга тиқштириб бўлмайди. Аммо гап ижодий ўрганиш хусусида бормоқда.

О. Отахоновнинг Лотин Америкаси ҳамда эстон ёшлар прозаси ҳақидаги фикрларига журнал редакцияси шарҳ бериб, ўша адабиётлар тажрибаси бизнинг шароитга мос келармикан, деган саволни қўяди. Хўш, нега ҳикоячиликда экспериментлар бўлмаслиги керак? Ахир, прозанинг ўзи ҳам адабиётимизда бир вақтлар экспериментлар тарзида кириб келган-ку?

Сюрреализм оқими вакиллари бир вақтлар ўз олдларига «воқелик чегараларини силжитиш»ни мақсад қилиб қўйишган эди. Бу маънодаги экспериментлардан бизнинг ҳикоячилигимиз ютса ютади-ки, ютқазмайди.

Мен ҳам О. Отахоновнинг сеvimли адабимиз А. Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясини янгича талқин этишига қўшилмайман. Аммо шу билан бир қаторда О. Шарафиддинов фикрининг (ҳикоя ҳақидаги) «абсолют»лигига ҳам ишонмайман. Мунаққиднинг мазкур фикрини «абсолют» дейиш, унинг эътирозга ўрин қолдирмагани эмас, балки бизнинг ҳамма нарсани доимо бир томонлама қабул қилаверишимиздадир. Биз бугунги кунда Ш. Холмирзаев, Э. Аъзамов, Х. Султонов каби ўнлаб иқтидорли ҳикоянависларимиз борлиги билан фахрланамиз. Улар яратаётган замондошларимиз образлари биз билан ҳамнафасдир.

Лекин бу билангина иш битмайди. Т. Пўлатов, О. Отахонов каби ёзувчилар бошлаб берган янги йўл (бу, албатта, бизнинг адабиёт учун) яъни воқелик чегараларига бошланган ҳужумни кучайтириш зарурдир. Шундагина адабиёт янада ўқишли бўлиши мумкин.

**ФАХРИЕР**

**РЕДАКЦИЯДАН.** Еш ёзувчи Олим Отахоновнинг «Борса-келмасдаги хазина» мақоласи қаламкашлар ва журналхонлар ўртасида қизиқиш ва баҳсларга сазовор бўлганлигини қувонч билан таъкидлаш керак. Редакцияга келган хат муаллифлари мақолани қўллаб-қувватлаши ёки рад этишидан қатъий назар мақола олимлар, адиллар ва ўқувчиларни лоқайд қолдирилмаганлигининг ўзи яхши факт. Мунаққид Н. Холлиев, қаламкаш Х. Дўстмухамедов ва Фахриёрнинг фикрларида ҳам талай фойдали гаплар бор. Бизнингча, ёш ёзувчи Х. Дўстмухамедов оммабоп асар адабиётга наф келтирмайди, деганда қизиқиш билан ўқиладиган, аслида эса чуқур баддиатдан узоқ бўлган китобларни назарда тутган. Адабиётда, дунёга келиши биланоқ оммалашиб кетган, халқ учун ҳамиша ардоқли бўлиб қолган асарлар озмунча эмас. М. Шолоховнинг «Тинч Дон» эпопеяси, А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи, Ч. Айтматов асарлари ва яна талай китоблар бунга мисол бўла олади. Шубҳасиз, аслида ҳар жиҳатдан мукамал бўлган, аммо дарров оммалашмаган асарлар ҳам оз эмас. Бироқ бу — яхши асарни тушуниш ҳар доим қийин кечади деган қатъий хулоса чиқаришга ҳам асос бўлолмайди.


Ижодда форма ва услуб изланишлари масаласига келсак, Ч. Айтматов айтганидек, қаламкашлар, айниқса ёш қаламкашлар қайсидир адабиётга тақлид қилса, бунинг ёмон жойи йўқ. Ҳамма гап ўша асарнинг қандай чиқишида. Ҳарқалай асар формаси пардоз эмас, ҳусн бўлгани маъқул.

Бу ўринда Хемингуэйнинг қуйидаги сўзлари эсга тушади. «Танқидчилар ҳозирги модага мувофиқ китоб мана бундай бўлмоғи керак, десалар ишонманг. Барча яхши китоблар бир жиҳатдан жуда ўхшаш бўлади: унда ҳикоя қилинган воқеалар ҳаётда рўй берганидан кўра ҳам ишонарлироқ кечади ва сиз китобни охиригача ўқиб бўлганингиздан кейин шу гапларнинг ҳаммаси ўзингизнинг бошингиздан ўтгандек туюлади, ҳаммаси бир умр ўзингизники бўлиб қолади: яхшилик ва ёмонлик ҳам, ҳаяжонлар, ғам-андуҳлару афсус-надоматлар ҳам, одамлару жойлар ҳам ва ўша дамдаги об-ҳаво ҳам...»

Китобхон асарни ўқиганда автор янги услуб излабди, деган хаёл билан чалғимагани, китобда ҳаётни кўргани муҳимдек туюлади, бизга. Нима бўлганда ҳам Олим Отахонов мақоласи кўпчилик фикрини қўзғатиши қувончли ҳол. Баҳсда иштирок этган барча журналхон ва қаламкашларга миннатдорчилик билдирамиз.



Саид Аҳмад  
Худойберди Тўхтабоев  
Неъмат Аминов  
Саъдулла Сиёев



Ҳашар қисса<sup>1</sup>

#### IV боб

Раҳматуллони машҳури олам қиламан, деб Ёқутой қанча қавуш тўздирмади. Бу аёлнинг чорбозордан қолган яғир сумкаси бор. Бир ерда мавлуд ё мушкулшод бўлармиш, деб эшитса, ўша сумкасини саланглатиб етиб боради. Бисмилло деб отиннинг ёнига чиқиб ўтиради. Отин сиртига мутасаввуфлар нишони — барги сабз қилиб жилд тикилган қалин китобини очади. Аста томоқ қириб, «Ал-қориату мал қориа», деб қўядио йиғлоқи товушда рўзи маҳшар азобларини зикр қила бошлайди. Хотинларнинг дами чиқмай қолади. Отин энди «Имом Ҳусайн қиссаси»га ўтади. У Муҳаммад алайҳиссаломнинг невараси Карбало даштида нечук шаҳид бўлганини ўқиётганда хотинлар тузсиз ҳамирдай бўшашиб пиқ-пиқ йиғлашга тушишади. Отин нафас ростлаб, сомеяларга қарайди. Кимдир чўзиб «Водари-иғ!» дейди. Барчанинг боши эгик. Ёлғиз Ёқутойгина ўлжасини пойлаган бургутдек кўзларини чақчайтириб ўтиради.

Мана, бугун ҳам шунақа давра. Ёқутой отиннинг елкасидан кучди:

— Барака топинг, синглим, илоё у дунё-бу дунёингиз обод бўлсин! Одамни сел қилдингиз-а, ўргилай! Ғазалингизни эшитиб ўтирибман-у, кўз олдимдан Раҳматулло қори кетмаса бўладими? Ё қудратингдан! Одам боласини ҳам шунчалик бекаму кўст қилиб яратасанми, парвардигори олам!

Хотинлар бирин-сирин бош кўтариб Ёқутойга қарашди. У ёнидаги дўмбоққина жувоннинг тиззасига шапатилади:

— Вой, тавбангдан кетай-а! Шунча ёшга кириб мунақа валламат қорини кўрмаганман. Келбат десанг — келбат бор, ҳусн десанг — ҳусн бор. Овозини-ку, сўраманг. Булбул-а, булбул! Сизга ёлғон, худога рост, бир куни хосхоналарига кирсам, тиловот қилиб ўтирган эканлар. Қандай қилиб тиззам букилганини билмайман. Шилқ этиб ўтириб қолибман. Қарасам, ёғдай эриб, кўзим юмилиб кетяпти. Астозфурулло, дедим.

Уй ичи шивир-шивирга тўлди. Пойгакда ўтирган бир аёл сўради:

— Эгачи, қайси маҳаллада турар экан қори поччамиз?

Ёқутой энгак қоқиб шанғиллади:

— Вой, почча деманг-а, ўргилай! Қарчиғайдек йигит ҳали. Ун саккизга чиқсамми, чиқмасамми, деб ўйланиб ўтирибди.

— Эшитмаган эканмиз. Қаёқдан келган ўзи?

Ёқутой керилди:

— Асли кўқонлик эмиш. Пиримнинг отаси ҳам, отасининг оталариям бузруклардан экан.

Хотинлар бир-бирига гап уқтириб, хонани бошларига кўтаришди. Ёқутой уларнинг кўнглига ўт ёқиб қўйганига суюниб ўрнидан турди. Яғир сумкасини саланглатиб йўлга тушди. У бир нарсадан

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонларда.

кўрқади. Бу ёқда юрганида Махсум ўлғир у ёқда Раҳматуллонинг биқинидан жилмай тушумни хомталаш қилиб ётмаганмикан? Шу гўрсўхта Махсум ҳам товонга сизловуқдай бўлди-да!..

Ёқутой терлаб-пишиб уйига кириб борди. Сумкасини йўлакка отиб урдию ҳовлиқиб ичкарига мўралади. Махсум билан Раҳматуллонинг ўтиришини кўриб, дод деб юборай деди. Раҳматулло калласини осилтириб олган, қуруқ дастурхондан кўз узмайди, Махсум эса, унинг пунжига суқилиб, бир балолар деб шивирляпти. Ёқутой кўкариб кетди.

— Мен қандай қилсам болагинамнинг доврўғини эл-юртга ёяман, деб жоним ҳалак, сиз бўлсангиз шойи кўрпачадан тушманг, Махсум! — деди енги билан пешонасини артиб. Сирож Махсум ўзини Раҳматуллодан тортди.

— Менга қаттиқ гапирманг, бону, — деди яктагининг ёқасини тўғрилаб, — дуои бад қиламан-а. Узи жоним ҳиқилдоғимга келиб, ана чиқаман, мана чиқаман деб турипти.

— Нима бўлди, Махсумжон?

— Абдувосиднинг ўғли ҳароми Абдуқосим мижозларимни тўрт тарафга тирақайлатиб юборибди.

— Вой, — деди ҳайрон бўлиб Ёқутой. — Шу тирранча ёш бола-я?

— Э, қанақа содда ожизасиз, хоним, ахир бангилар чумчуқнинг чирқиллашидан инфаркт бўладиган нимжон нарсалар-да. Абдуқосим ярамас такя атрофида эски мотоциклини патиллатавериб юрагини ёрай дедди. Ҳаммаси чойнак-пиёласини кўтариб қочиб кетиштипти.

Ёқутой ичида «батар бўл, мумсик» деб кўйди.

— Садағангиз кетай, мавлуддаги хотинларга агитатса ўқийвериб жағим чарчади. Энди сиз ҳам мундоқ чойхона-пойхонага чиқиб, бир-икки калима мақтовини келтиринг Раҳматуллонинг. Даромадга қараб буромад бўлади-да, Махсум.

Сирож Махсум «Ё пири!» деб енгил кўзғолди. У эшиқдан чиқмасдан Ёқутой лўкиллаб бориб кўрпачани ағдариб кўрди. Кўрпача тагида ғижимланган бир-иккита уч сўмлик ётарди. Ичида Махсумни қараб, Раҳматуллонинг ёнига чўкди.

— Жон болам, тушган пулларнинг қизил-қизилини чўнтагингга солиб қўй, хўпми? — деди Раҳматуллонинг елкасини силаб, — бўлмаса, анови Махсум ўлғир ўғирлаб қўяди. Кўп пул йиғсанг, мана бундоқ — бош бармоғини кўрсатди, — хотин олиб бераман.

— Қизилини қаёқдан биламан?

«Дарддан биласан, овар!» деди Ёқутой яна ичида ва қўйнидан ўн сўмлик чиқариб кўрсатди:

— Қизили мана бунақа бўлади, уқдингми, кўзичоғим... Қани, чопонингни еч, сенга ўзим чўнтак тикиб бераман.

Ёқутой Раҳматуллонинг яктагини ечдириб олиб чиқиб кетди. Бироздан кейин кўтариб кирди.

— Мана, тойчоғим. Кийиб ол. Мана бу ерига чўнтак тикиб қўйдим. Қизил-қизил қоғозларни Махсумга кўрсатма, шу ёққа тикавур. Ётишдан олдин ўзимга берасан. Кейин мен бозорга бориб оппоқина бир қиз олиб келиб бераман.

— Иккита бўлсин, — деди Раҳматулло ишшайиб.

— Хўп, хўп, оппоғим, иккита обкеламан. Қўзилик қўйидан олиб бераман.

Ёқутойнинг мавлудма-мавлуд юриб қилган ташвиқотиданми, Сирож Махсумнинг муридлари орқали тарқатган овозасиданми, ишқилиб кундан-кун Ёқутойнинг дарвозаси гавжум бўлиб қолди. Дам-бадам очилиб-ёпилади. Одамлар кўпроқ кун ботиб, қоронғи тушганда келадиган бўлишди.

Раҳматуллонинг мижози кўпайиб, лақаби «қўқонлик қори»га айналди. Сирож Махсум Ёқутойнинг оғзаки ваъдасига ишонмай, бомдоддан келиб олади. Гоҳ шогирдининг ёнига кириб, гоҳо ҳовлига чиқиб, тушумнинг учдан бирини қўлдан чиқармаслик пайида бўлади.

Сирож Махсум бугун жума намозидан хандон-хушон қайтди. Турди кўкнор толзорнинг орқасидаги эски тегирамда «Чойхона» очибди. Эски мижозларни тўплаб қўмғонда чой дамлаб бераётган эмиш. Бу толзор дегани ниҳоятда жимжит жой. Афюнхўрларнинг жони кириб қопти. Сирож Махсум Турди кўкнорга кир совундек яхлит қора дори обориб берди. Майдалаб пуллаб турипти.

Тушга яқин ўрта ёшлардаги бир аёл келди. Ёнида тўрт-беш яшар қизалоғи ҳам бор. Махсум намоз ўқигани мачитга кетган эди. Ёқутой қизалоқнинг қўлига қанд-курс бериб, бир четга ўтказдио аёлни бошлаб ичкари кирди. Раҳматулло бармоғини ўқ қилиб деворлардаги от думию синиқ тақани отиб ўтирган эди. Ёқутой билан бегона хотинни кўриб, уларга бармоғини ўқталди. «Пақ! Пақ-пақ!! Ўлдинглар! Ётинглар! Чув пас! Чув пас!» деб бақирди. Бегона аёл чўчиб остонада тўхтаб қолди. Ёқутой елиб бориб, бир четда ётган мис тоғорани олди-да, чўмич билан ураверди. Раҳматулло тарақлаган товушдан ниҳоятда кўрқарди, дарров ўзига келди.

— Келинг, айланай, ўтиринг, — деди Ёқутой аёлга қараб, — дуо талаблар тезроқ келавермаса, пиримнинг жинлари кўпайиб кетади. Яна айлантирибди-да.

Ёқутой тоғорани бир-икки уриб қўйиб, Раҳматуллога ўгирилди:

— Жинлар кетди, савоб маҳали етди, пирим. Муборак нафасингизни дариг тутманг. Бир шўрликнинг мушуқлини осон қилинг. Ё ғавсул аъзам!

Ёқутой ўзи дуога қўл очиб, ўзи фотиҳа қилдию орти билан юриб чиқа бошлади. Эшикка борганда «Пирим!» деди. Раҳматулло бошини кўтарди. Ёқутой ўнг қўлини чап кўкрагига нуқиб-нуқиб, «О, қизилидан!» деди уҳ тортиб. Раҳматулло дарҳол яктагининг ўғри чўнтагини очиб қўйди.

Бирпасдан кейин жарангдор тиловат эшитилди. Ёқутой қулोगини динг қилиб хиёл даҳлизда турдию, «Илоё, бу девонага ақл бергайсан, илоё, шарманда қилмагайсан», деб ҳовлига чиқди.

Тўсатдан оят узелди. Эшик зарб билан очилиб, аёлнинг калласи кўринди. Унинг вазоҳати ёмон, энтиқиб нафас оларди.

— Бу қорингиз... қанақа махлуқ ўзи? — деди ичкарига имо қилиб. — Менга қараб сатта кўзини қисади-я! Нима, мен унга жазман бўлгани келибманми? Суноқёқроқ бўлса-да, бошимда эрим бор! Ўғил уйлаганман, қиз чиқарганман! Ортимда яна бешта кучугим турибди. Тавба! Бир қисди кўзини, индамадим, икки қисди — индамадим...

Ёқутой жон ҳолатда аёлни кучоқлаб олди.

— Вой, гиргиттон, шугинами? — деди кулимсираб, — сиз экану, у менга ҳам кўзини қисади. Бўлмаса, мен туққан онасиман-а?

Аёл Ёкутойга бошдан-оёқ тикилди.

— Бундан чиқди, йўргакда теккан экан-да ўғлингизга?

— Ҳа-я, ўлманг, йўргагида теккан. Олти ойлигида Эржорак отамнинг ҳузурларига зиёратга олиб борган эдим. Шунда бузрук отам, илми адёнда воҳиди замон бўл, болам, деб оғзига тупурган эдилар. Шу-шу, кўзи пирпирайди денг. Сиз хафа бўлмаг, синглим, лекигин кўзига ҳам қарамаг. Ерга қараб ўтиринг, шунда ниятингиз мустажо бўлади. Юринг, айланай, тагин жинлари келиб сизга ҳам касри тегмасин.

Ёкутой аёлни авраб ичкари олиб кирди. Дорпечга илинган шақилдоқ-ўйинчоқларни қаттиқ-қаттиқ даранглатди. «Кишт! Кишт-э, қоранг ўчкурлар!» деб жинларни қувган бўлди. Раҳматулло шақилдоқдан қўриқиб, дарров узун сурадан тушди. То тақбири қуръон тугагунча Ёкутой қилт этмай ўтирди.

Аёл эридан шикоят қилди. «Адаси кейинги пайтда қийшиқроқ юрадиган бўлиб қолганмиш... Ҳожатхонанинг мўрқонига пул бекитармиш... Бир марта кечаси майкасини тескари кийиб келибди...»

— Биламан, бир мегажин эримни авраб йўлдан уряпти. Шунча қилдим, яш-шамагурни қўлга туширолмадим. Илоё сени етти боламнинг кўз ёши тутсин, деб қўя қолай десам... адаси кун ора уйга келмайдиган қилиқ чиқарди. Жон қори ака, бир иложини қилиб, ўша шарманданинг қўлини бойлаб беринг!..

Аёл бурнини артиб йиғлади. Раҳматулло икки қўлини кўрпачага тираганча калласини осилтириб ўтираверди. Бир вақт «Мега-жин!» деб бақирди ва бармоғини бигиз қилиб бегона аёлга ўқталди. — Мегажин! Кўзилик қўйдан бўлсин! Иккита! Бир қўй, бир кўзи! Иккаласини хотин қилиб оламан!

Аёл бошини кўтарди. Раҳматуллонинг олайиб турган кўзларига қараб чўчиди. Ўртага Ёкутой тушди:

— Парилари кўнглига солди. Эрингизнинг ниятини айтяпти. Қўшхотинлик бўлиб юравераман, деб хомхаёл қилганда у суюқоёқ. Иншоолло, пирлар мададкор бўлса...

Раҳматулло тоқчага ишора қилди:

— Ана сандиқ! Қизил-қизил, дум-думалоқ...

Ёкутой ирғиб туриб тоқча томон юрди. Сандиқни очиб пиллага ўхшаган кичкина тумор олди. Аслида бу Ёкутойнинг бозорда ўтмай қолган ерёнғоқлари эди. Сирож Махсум уларни қақиб еб, пўчоғини яхшилаб ёпиштирган ва сиртига чойқоғоз ўраб, туморбоп қилиб қўйган эди.

Ёкутой ялтироқ туморни олиб Раҳматуллога кўрсатди:

— Қори болам, мана бу табаррукни айтдингизми? Буни эрининг кўринмас ерига тақиб қўйсинми? — деди қори учун ўзи жавоб бериб. Раҳматулло инграб, бангидай тагин калласини эгиб олди. Ёкутой туморни аёлга чўзди:

— Манг, ўргилай, эрингиз ечинганда билдирмай камаригами, бир ерига тиқиб қўйинг. Тумор ёнида бўлса, икки дунёда бегона хотиннинг бетига қайрилиб қарамайди. Уқдингизми, синглим?

Аёл бош ирғади. Раҳмат айтиб, нимчасининг ички чўнтагини кавлади. Яп-янги қизил пулни кўриб, Ёкутой кўрпача қатини кўтарди:

— Манетга ташлай қолинг, синглим. Қори акангиз тагин кишилари билан гаплаша бошлади.

Ёкутой уни эшиккача кузатдию йўлакда Махсумга дуч келди.

— Қайси гўрда қурибсиз, тақсирим? — деди кесатиб, — намоз ўлгирни шунчалик чўзадими? Икки думалаб келавермайсизми?

— Намозга тил теккизмаг, бону, осий бўласиз, — деди Махсум кекириб. Унинг оғзидан кабоб, пиёз иси келди, — хўш, тинчликми?

— Йўқ, уруш, жанжол, тўпаланг! — деди Ёкутой, Махсумнинг олдига тушиб, — анови хотин эридан ҳасрат қилиб келган эди, алдаб-сулдаб йўлга солгунимча сочим оқарай деди. Сиз бўлсангиз, кабоб еб, кекириб юраверинг!

Махсум муртидан кулди:

— Ҳа, энди ўтига есингандан кейин тутунига ҳам чидайсиз-да.

— Агарда энди қўлтигимга кириб, аравани бирга тортмас экансиз, патентингизни қирқиб ташлайман!

— Қирқолмайсиз, — деди Махсум, баҳузур ёғоч каравотга бориб ўтираркан, — худо хоҳласа, яқинда шу ерга кўчиб келаман.

Ёкутой анграйиб қолди. Унинг очилган оғзи юмилгунча дарвозани биров қаттиқ урди.

— Хув, ким бо-ор?..

Ёкутой эшик очгани зинғиллади. Унгача ясан-тусан, жиккаккина, лўлисифат бир хотин кирди.

— Қўқонлик қорининг уйи шуми? — деди тўрт тарафга аланглаб.

— Ҳа, шу, ўргилай, келинг...

— Уйдами қорингиз?

Ёкутой довдиради. «Ҳа» дей деса, аёлнинг турқи-таровати бузуқ. «Йўқ» дей деса, мўмай ақчадан қоладиган. У хотиннинг йўлини тўсиб сўради:

— Нима ишингиз бор эди, синглим? Дуои хайрга келган бўлсангиз...

Хотин эчкининг пўстагидек ялтироқ сумкасини очди ва шапалоқдай қоғоз чиқариб ҳавода ўйнатди:

— Мана бунақа дуои хайр бўлса, раҳмат, кераги йўқ! Бу қанақа масхарабозлик, а, пажалиска, сиз менга айтинг! Тавба, тирик одамга ҳам шундой дуо ёзиб берадими?

Шовқунни эшитиб, Сирож Махсум каравотдан тушиб келди.

— Ваалайкум ассалом! — деди у, гарчанд аёл салом бермаган бўлсада, — қани, бу ёққа марҳамат этинг-чи, қизим. Бону, меҳмонга устал қўйинг. Балле-е... Утиринг, қизим, нафас ростланг. Як нафас ҳузур — тахти сулаймон аст. Келинг, хуш кўрдик.

Махсумнинг ширин каломи аёлни бир қадар ҳовуридан туширди. Барибир у зардали товушда дардини айтди:

— Ун кунча бурун қизим келиб, мана шу қоридан тумор ёздириб кетган экан. Неварам кечаси

билан... тўшагини сўғориб чиқади. Шунга малҳам бўлармикан, девдик. Белига боғладик туморни, оёғига, кўлтиғига... Фойдаси бўлмади. Илгари бир тунда икки тўшак янгиласак, энди учта янгилайдиган бўлди. Бир куни неварам ҳалиги туморни ҳам... шилққа сувга бўктирибди. Эрталаб қоғозни ойнага ёпиштириб қуритиб ўтирсам, жияним келиб қолди. Ўзи арабчани битирган. Ҳозир Яманда ишлайди. Қоғозга қараб турдию хоҳалаб кулди. «Ҳой, нега куласан?» десам, «Қори роса лақиллатибди сизларни, — дейди, — улим тилаб тумор ёзиб берибди», дейди.

Сирож Махсум «Астоъфурулло!» деб ёқасини чангаллади.

— Биз барчамиз Муҳаммад мустафонинг умматларимиз. Ул нечук мусулмон фарзандиким, ўз қавмига ўлим тилаб тумор битиб бергай? Бўхтон гап бўлмасин, синглим?

— Мен ҳам шунга ҳайронман-да, домла! — деб аёл ўрнидан турди, — дуо деб совуқдан совуқ гап ёзиб берсаю, тагин уялмай пул олса! Мана, ўқиб кўринг.

Махсум норасида боланинг тунги хизматлари туфайли сарғайиб кетган қоғозни ижирганиб кўлига олди. Ўз хатини таниди. Секин ўқиди:

— Мавта қибла анта мавту...

— Ана, кўрдингизми? — деди аёл кўл сермаб, — нима дебди? Улмасингиздан бурун ўлинг, дейилибди. Жияним айтди. Қорингиз борми ўзи, мен бир гаплашиб кўяй!

— Қори йўк, ўтиринг! — деди Махсум амирона. Аёл беихтиёр ўрнига чўкди. Махсум уни батамом шаштидан тушириш учун боятдан бери қалтираб ўтирган Ёқутойга ияк қоқди, — чой келтиринг, бону...

Ёқутой кўлини кўксига кўйиб ошхона тарафга йўрғалади. Махсум хаёл сурган киши бўлиб ваъз айтди:

— Жиянингиз мулла экан, офарин. Аммо ул йигит илми ҳикматда камолга етибдию илми илоҳийда хомроқ экан. Оллонинг сўзини қандоқ айтилган бўлса, шундоқ тушунмоқ хатодир. Билъакс, уни рамзий маънода англамоқ лозимдир. Чунончи, қизим сенга айтаман, келиним, сен эшит, қабилида, уқдингизми? Мавту қибла анта мавту яъни ўлмасингиздан бурун ўлинг. Ахир бу калимаи шаҳодат сизнинг суюкли набирангизга қарата айтилмаган-ку, бўтам? Ушал норасида болакайнинг қовуғини бўшаштириб, тунлари беором қилган инс-жинсларга нисбат бериб айтилган-ку! Сўзимни тушундингиз-а, қизим? Эй, ҳароми инс-жинслар, бир бегуноҳ ўғлонни азобламанг, волидаи меҳрибонининг уйқусини бузманг, кўздан ғойиб бўлмасангиз, биз сизларни китоб ул-умманинг муборак каломи ила яксон этажакмиз! Улмасингиздан бурун ўлинг, маҳв бўлинг! Мавту қибла анта мавту, куф-суф!

Махсумнинг кўзлари олайиб кетди. Жанжалкаш хотиннинг боши лўқиллаб нега келганини ҳам унута бошлади. Махсум эса, ҳамон тупук сачратиб, тўрт тарафга қараб «Суф! Куф!» деб бақирарди. Бечора аёл аста ўрнидан турди. Дам кекириб, дам фарғара қилиб ҳайқираётган кир саллалик чолга нафрат билан боқиб кўйиб чиқиб кетди.

Эшик зарб билан ёпилгач, Махсум дарров «куф-суф»ни бас қилди. Олдидаги сариқ қоғозни ғижимлаб отиб юборди. Маъноли томоқ кирди. Ёқутой мис баркашда чой, ноз-неъмат олиб келди.

— Бир худо асради, — деди Махсум, пар ёстиққа ёнбошлаб, — камина бўлмаганда анов лўли хотин қори болангизни икки ямлаб бир ютарди. Важоҳатини қаранг. Сув илонинг ўзи-я!

Ёқутой шипиллаб уйга кириб кетди. Дарров қайтиб чиқди. «Кириг» дегандек им қоқди. Махсум истамай ўрнидан кўзғолди. Хосхонанинг эшигидан мўралади. Раҳматулло бир токчага салласини ечиб кўйибди, бир токчага тўнини. Яна бир токчада белбоғи билан тасбеҳи ётибди. Ўзи эса, ҳар токчага бир бориб, тиланчидек кўл чўзади, чиройли қироатда кўшиқ айтади:

**Оқ кўйнинг калласи,  
Қора кўйнинг калласи,  
Мен худонинг бандаси...**

Махсум изига қайтди. Каравотдаги иссиқ ўрнига келиб ётгунча миқ этмади. Бир пиёла кўк чой симириб лабини артди.

— Бу болани аввал калтаклаб, андан сўнг чилёсин қилдирмоқ лозимдир, билъакс одам бўлмагай, — деди хаёлчан.

Тап-тайёр соғин сигиридан айрилиб қолишдан кўрққан Ёқутой муштдай бўлиб сўри четига тиз чўкди.

— Қайси гўрга оборамиз, тақсирим? — деди ёлворганнамо.

Махсум субҳон ўрик сўриб ётган эди, анчадан кейин жавоб қилди:

— Чиллахона топмоқ биздан, илло ўзларига ҳам андак шартимиз бор...

— Садағангиз кетай, Махсум, сиз нима десангиз, мен розиман. Шартингизни айта қолинг.

— Махсум ўрик данагини пуф деб тупуриб ташлаб муғомбирона кулди.

— Шартимиз шулки, бизга жуфти ҳалол бўлғайсиз...

Ёқутой тиши оғригандек афтини буриштирди:

— Тўримдан гўрим яқин қолганда... чолсираб ўлиб турган эканиман-да. Уйдаги хотинни нима қиласиз?

— Уйдаги хотиннинг насибасини худо етказур. Анинг жавобини бериб, сизникига кўчиб ўтаман. Раҳматуллони энди Туркистон бовага, Ҳазрати Уккошага зиёратга олиб борамиз. Чилёсин ўқитамиз. Султоним мақбараси олдида кўкнорию нашавандлар қалтирашиб йўл пойлаб ўтири-шипти. У томонларда наша билан кўкнорининг нархи осмонга чиқиб кетган. Худо хоҳласа бир халта наша ўн халта пул бўлади. Бул жунунбаччанинг орқасидан кўп даромадлар қиламиз. Гул кесамиз, бону, гул!

Ёқутой ўйланиб қолди...

**Давоми келгуси сонда**

## Мундарижа

<b>ИНҚИЛОБНОМА</b>	
<b>Чокар.</b> Хуррият . . . . .	3
<b>ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР</b>	
Орол яшамоғи керак. Давра суҳбати . . . . .	4
<b>НАСР</b>	
Учқун Назаров. Тўзондаги шарпалар. Қисса . . . . .	14
Чингиз Айтматов. Кунда. Роман . . . . .	49
Абдусаттор Ҳатамов. Қайтиш. Ҳикоя . . . . .	110
<b>ШЕЪРИЯТ</b>	
Гулчеҳра Нуруллаева. Сиғинаман ҳаққоний сўзга . . . . .	40
Эркин Самандар. Юракдан юракка . . . . .	107
Исмоил Маҳмуд. Она тупроқ тафти . . . . .	113
<b>ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИН АДАБИЕТИ ВА САЊЪАТИ КУНЛАРИ</b>	
Олесь Гончар. Бондаривна. Ҳикоя . . . . .	116
Евген Гуцало. Боқон. Ҳикоя . . . . .	122
Фикрдош бир дўстни юрибмиз эслаб. <b>Б. Олейник, В. Коротич, М. Винграновский,</b> <b>И. Драч, Д. Павличко, П. Мовчан</b> шеърлари . . . . .	128
<b>ПУБЛИЦИСТИКА</b>	
Хайриддин Султонов. Мовий нилуфар диёрида . . . . .	131
<b>ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ</b>	
Вильям Шекспир. Ҳамлет . . . . .	138
<b>ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ</b>	
Саид Аҳмад, Анвар Обиджон. Икки курсили хонада учовлон . . . . .	160
<b>САНЪАТ</b>	
Тилаб Маҳмудов. Ошкоралик — ҳақиқат кўзгуси . . . . .	167
<b>АДАБИЙ ТАҢҚИД</b>	
Умарали Норматов. Достон ва замон . . . . .	173
Наим Каримов. Янгиланиш йўлида . . . . .	181
Абдулла Улуғов. Зиддиятлар талқини . . . . .	185
<b>ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР</b>	
М. Мурсалов. Чақмоқдек чақнаган умр . . . . .	187
<b>ТАҚРИЗЛАР</b>	
Боқижон Тўхлиев. «Чечак тер боққа кирсанг...» . . . . .	190
Усмон Қўчқор. Тафаккур тасвири . . . . .	194
<b>АКС САДО</b> . . . . .	<b>198</b>
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Саъдулла Сиёев. Пиримнинг саргузаштлари. Ҳашар қисса . . . . .	202

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету **75458**  
 журнал **75458**  
*Шарк нагузи* (индекс издания)

(наименование издания) | Количество комплектов: |

на 19 **88** год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда | |

(почтовый индекс) | (адрес)

Кому | |

(фамилия инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

п. в. | место | ли-тер | на газету **75458**  
 журнал **75458**  
*Шарк нагузи* (индекс издания)

(наименование издания)

Стои-мость	подписки пере-адресовки	руб. ___ коп.	Количество комплек-тов
		— руб. ___ коп.	

на 19 **88** год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда | |

(почтовый индекс) | (адрес)

Кому | |

(фамилия инициалы)

**ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР**

Хабарингиз бор: 1988 йил учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Сизнинг юмушингизни енгиллатиш мақсадида журнализмнинг номи ва индекс номери ёзилган обуна варақасини эълон қилияпмиз. Сиз уни қирқиб олиб, тўлдиришингиз ва истаган алоқа бўлимида ёки иш, ўқиш жойингиздаги «Союзпечать»нинг жамоатчи вакиллари орқали расмийлаштиришингиз мумкин.

Обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

## ПРОВЕРЬТЕ ПРАВИЛЬНОСТЬ ОФОРМЛЕНИЯ АБОНЕМЕНТА!

На абонемента должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонемента проставляется оттиск календарного штампа отделения связи. В этом случае абонемент выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

---

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресования издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах Союзпечати.

Заполнение месячных клеток при переадресовании издания, а также клетки «ПВ—МЕСТО» производится работниками предприятий связи и Союзпечати.

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»  
(Звезда Востока)  
№ 10

Орган Союза писателей Узбекской ССР  
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства  
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1987

---

Техник редактор **А. Ҳайдаров.**

Рассом **Ғ. Алимов.**

Корректор **М. Имомов.**

---

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.  
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

---

Теришга берилди 06.08.87 й. Босишга рухсат этилди 22.09.87 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Р-09031. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт  
ҳисоб листи 20,2. Тиражи 172043. Буюртма 1526.

---

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41.